

84/591#  
K 59

АХМАТ ҚОРЖОВОВ



ҚИССА


**ҚИЛ** УСТИДАГИ  
**ТАҚДИР**

IV

Азамат ҚОРЖОВОВ

# ҚИЛ УСТИДАГИ ТАҚДИР

IV КИТОБ  
Қисса



Тошкент  
«IJOD-PRESS»  
2016

УДК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Қ59

Қоржовов, Азамат

Қил устидаги тақдир: (қисса) / А.Қоржовов –Т.: IJOD-PRESS, 2016. Китоб IV. – 368 б.

УДК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

*Бир вақтлар эри билан хорижга ишга борган ва ношуд эри томонидан қиморга тикилган, сунг қиморбозлар қўлида ўзи ҳам қарта сирларини ўрганган Лобар исмли аёлнинг мураккаб тақдирига бағишланган «Қил устидаги тақдир» қиссасида қимор ўйинлари кўплаб фожиаларга йўл очиши кўрсатилган, қартага хайрихоҳ одамларнинг аянчли қисмати баён этилган. Нимқоронғи казинодаги ўйинлар, олис Германиядан Бухоро амирлигига келиб, жавоҳир ахтарган Густав тарихи, поччасига турмушга чиққан қизнинг изтироблари, Россияга ўрнашиб олган жиноий тўда касофати...*

*Азамат Қоржововнинг кўп қисмдан иборат ушбу «Қил устидаги тақдир» қиссасининг IV китобига VIII, IX ва X қисмлар киритилган бўлиб, унда детектив, саргузашт, мистика жанрлари унсурларидан фойдаланилган. Қизиқарли сюжетга бой асарни ўқиш мобайнида ўқувчи тўғри йўл туриб, эгри йўлдан юрадиганларнинг ачинарли тақдирига гувоҳ бўлади.*

#### **Тақризчилар:**

Э. ВАЛИ – *ёзувчи, доцент*

Б. АВЕЗОВ – *ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

ISBN 978–9943–994–29–4

**Abdulla Qodiriy nomidagi**

**viloyat AKM**

**INV № 168519-2019**

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2016

## VIII ҚИСМ АРВОҲЛАР БАЗМИДАГИ АЁЛ.

Қувоннинг тушига Лобар кирди. Жаҳонгашта аёл отиб ташлангач, қабрини сув босибди. Бу сув ватаннинг илиқ лойқа суви эмас эмиш. Япон соҳилини ювиб ётган асрий шўр денгиз... Балиқлар увоққа ёпишгандек мурдага ташланибди. Лобар сон-саноксиз балиқлар қуршовида денгизнинг қора қаърига равона бўлибди. Ҳаял ўтмай сув юзига қарта доналари қалқиб чиқибди. Тўлқинлар қарталарни домига тортиб, олис уфқлар сари поёнсиз денгиз ўрталарига олиб кетибди.

Ё алҳазар, бунда тўлқинлар қирғоқдан денгиз ўртасига ҳаракатланар эмиш. Қарталарга Қувоннинг ичи ачишибди. Денгиз аслида икки қитъа орасидаги уммоннинг бир қисми эканлигини ўйлаб, даҳшатга тушибди. Энди қарталарни қандай топади? Саҳрога сочилган шакар доналарини топиб бўлмаганидек қарталар ҳам абадий йўқоладими?..

Қувонни қора тер босгандек туюлди. Кўзини очиб, шинамгина, озода хонани кўрди. Баланд койкада шифтга қараб ётибди. Сутдай оқиш ёруғлик таратаётган чироқ кинолардаги хориж касалхоналарини эслатади...

Иттифоқо, у ҳақиқатан ҳам хориж шифохонасида эди. Ахир, Токио яқинидаги соҳилда уриб, майиб қилиб тошлоққа ташлаб кетишди-ку. Мана, ўлмабди. Демак, Токиодаги шифохонанинг реанимация бўлимида ётибди. Аппарат бир маромда сигнал бермоқда. Пастгина овоз, қандайдир ёқимли, ҳаётбахш.

Беморнинг ҳушига келганидан дарров хабар топишди. Икки япон ва баланд бўйли инглиз, кўзойнак таққан, унинг қошига келди. Бири қўл теккизган эди, Қувон аъзой баданида оғриқ сездди. Жароҳатлар дока билан боғлаб ташланганди.

Инглиз шифокор ўз талаффузида русчалаб деди.

— Сизни вақтида касалхонага олиб келишди. Аҳволингиз ёмон эмас. Яъни суяклар синмаган, оёқларингизни совуқ урмаган...



Кувон “энди менга буларнинг нима фарқи бор?” дегандек лоқайд нигоҳ ташлади. У ҳозир ўз соғлиғи ҳақида қайғурмасди. Лобар ўлди, кўз олдида отиб ташлашди. Сўнг устига тош бостириб, сув кўтарилишини кутдилар.

“Балки мўъжиза туфайли омон қолгандир? — ўйлади Кувон. — Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз...”

Қимирламоқчи бўлган эди, аъзои бадани зирқираб, кўзини юмди.

— ...мени эшитаяпсизми? — энгашди инглиз.

— Лобар тирикми? — кўзларини чирт юмиб сўради Кувон.

Жавоб эшитилмади. Кўзини очганида шифокорлар асбоб-ускуналар билан банд эди. Кувон қаттиқроқ овозда такрорлади:

— Лобар тирикми?

Биронтаси миқ этмади. Укол тайёрлагач, инглиз жилмайди.

— Сизга тинчлик зарур. Бошингиз лат еган. Дарвоқе, алоқ-чалоқ тушлар кўрдингизми?

— Ҳа.

— Айтмадимми, уларни туш деб ўйлаяпсиз. Одатда, безорилар томонидан аёвсиз калтакланган, ўлим таҳдид солган, тасодифан омон қолган кишиларда...

— Лобарни отиб ташлашди, ахир!

— ...шунақа бўлади, алаҳсирашга ўхшаш.

Гапириш оғир эса-да, Кувон тушунтиришга уринди:

— Жиноятчилар бизни тошлоқ соҳилга олиб боришди. Лобарни отиб ташлади, америкалик аёл!.. Гапимга тушунаяпсизми? Осимова Лобар, ўзбекистонлик. Бир минг тўққиз юз етмиш саккизинчи йилда туғилган, Самарқандда. Миллати ўзбек... Мени топиб олган жойдан денгиз томон эллик қадам, чамаси, юрилади. Сув тагида, тош бостириб қўйилган мурда бор...

Шифокор укол қилди. Кувон энтикиб нафас ола бошлади. У фикрини уқтиришга зўр бериб тиришар, шифокорлар эса “жағини бекорга ишлатаяпти” дегандек бепарво қараб қўйишарди. Кувон тушунди. Булар безорилар калтаклаган деб гумон қилмоқда. Лобарнинг жасади ҳақида ҳеч нарса билишмайди.

“Ўлган, — бирдан кўнгил бўшади Қувоннинг. — Лобар ростдан ўлган... шундай аёл энди йўқ... Йўқ!..”

Кейинги сафар уйғонганида деразали эшикка разм солди. Йўлакдаги полициячининг юзи ён томондан кўринди. Бу ёққа келма, дедими, кимгадир қўл силтади.

“А-ҳа, улар мени қўриқлашяпти, — деди Қувон ичида, — аҳвол жиддийлигини шундан билсаям бўлади. Бундан чиқди, шифокорлар ўзларини атайин гўлликка солишган. Лобарнинг ўлдирилганини яширишяпти”.

Инглиз шифокор кириб, ҳол сўради. Қувон Лобардан оғиз очганди ҳамки, у ялт этиб қаради.

— Менимча, боядан бери сиз қотиллик рўй берди, демоқчисиз?

— Ҳа, одам ўлдирилди. У қартабоз аёл эди.

— Қартабоз аёл?

— Қартабоз аёллар ҳақида эшитмаганмисиз, доктор?

— Эшитганман. Лекин мен Ўзбекистонни биламан. Уч марта борганман. Шунинг учун ҳайрон бўлаяпманки, юртингизда қартабоз аёллар йўқ. Умуман, қиморхона борлиги кишида шубҳа уйғотади.

— У Россияда яшаган.

— Нима бўпти? — қош қоқди шифокор. — Ўзбек аёли Россияда ҳам ўзбек аёли.

— Йўқ, у қартабозга айланиб қолган.

— Шундоқ денг. Дарҳақиқат, юртингизда охириги марта етти йил аввал бўлганман...

— Гапимга қулоқ солинг, — деди Қувон. — Бу воқеага ўн йилдан ҳам ошган. Ўша вақтларда Лобар ёшгина келинчак бўлган. Улар Россияга кетишади. Тожикистонлик эр-хотин билан битта квартирада турадилар. Душанбелик эркак катта қиморбоз эди. Бир куни Лобарнинг эрини қиморхонага эргаштириб боради. Кейин... кейин фожиа юз беради. Лобарнинг эри бор пулини, ҳатто, ёшгина, чиройлигина Лобарни ҳам ютқазиб қўяди. Юртимизга борган экансиз, ҳойнаҳой, аёллар ор-номуси нималигини яхши биласиз.

— Билганда қандоқ! Аёллар ор-номуси бутун дунёда бир хил...

— Бир хил эмас, — тутақди Қувон. — Лобар қиз болалик

даврида йигитларга қўлини-да ушлатмаган. Турмушга чиққач, бегона эркакларга қиё боқмаган. Она юртидан олис-олислардаги шаҳарда эри уни бир тўда кавказлик барзангиларга қимордан бой берди. Бояқиш нима қилди дейсиз? Қочолмади, ўзини ўлдиролмади, ддини ҳеч ким эшитмади.

— Ачинарли тақдир, — бошини лиқиллатди шифокор.

— Бу ҳаммаси эмас, доктор. Уни хўрлашмоқчи бўлишганида, Шомил исмли чечен халос этган. Аслида ўша одам ҳар кимга ҳам шафқат қилмайди. Нега қутқарган, ҳайронман. Мусулмонлигини пеш қилганмиш. Лекин у қотил, қиморбоз, талончи, одам ўғриси.

Инглиз қувониб кетди.

— Мен ҳам шунисига тушунмайман, — деди у хаёл қизариб. — Дин тарфдориман дейишадию қилган ишлари ақлга сиғмайди. Муртадлардан ўтказиворади-е!

— Шомил кейинчалик Лобарга уйланган.

— Ҳм, гап бу ёқда денг!

— Шомилникида яшаган дамларда Лобарга Анна Сергеевна деган насроний аёл кечаю кундуз қарта ўйинларини ўргатган.

— Анна Сергеевна? У қаердан пайдо бўлиб қолди?

— Ҳеч қаердан, — чарчаб кетди Қувон.

Бироқ толиқишига қарамай яна сўзлагиси, бирон воқеани четда қолдирмасдан ҳикоя қилгиси келарди. Гоҳо одам ўзини гапдан тўхтатолмай қолади. Қувон ҳам шунчаки гап халтам очилди, деб кўнглидан ўтказди.

— Сизни эшитаяпман. — Шифокор жиддий нигоҳ ташлади. — Мусулмон қизига ёрдам қўлини чўзадиган, лекин насроний қартабоз аёлга ҳам бошпана берадиган, ўзи эса фирт каллакесар одам ҳақида алоҳида тўхталмоқчисиз, шекилли.

Қувон “ҳа” деди, кейин эса “йўқ” дегани эшитилди. Шифокор сирларини сўраб олмоқчи эканлигини тушунди.

— Мен Шомил ҳақидаям, Лобар ҳақидаям барча сирларни айтишга розиман, лекин Лобарни тирик кўрсамгина...

Шу пайт эшик ортидаги соқчи йўл берди. Хонага бирин-бирин уч киши кириб келди. Учаласи ҳам қонун одамлари бўлиб, тергов-суриштирув ишларини адо этмоқлик учун

қадам ранжида қилгандилар. Инглиз шифокори билан олдиндан келишилган эканми, кирганлариданоқ у орқали саволлар ёғдира бошлашди.

Кувон ҳолдан тойгунча гапирди. Бироқ Лобар хусусида маълумот ололмади.

— Улар ҳеч қанақа аёл жасадини топишмаган, — деди шифокор куюниб. — Уқ овозини ҳам бирон одам эшитмаган. Ахир, сизни дўппослашаётганларида икки йўловчи юз эллик қадам нарида пусиб ўтиришган. Мотоцикл минган қароқчилар...

— Мотоцикл дейсиз-а яна?! Қароқчи эмиш-а?! Икки гувоҳга куяйми, мотоцикл минган қароқчиларгами?! Мени “Шиروي одори” одамлари тўтиб кетишди, кейин америкалик қартабоз аёлга сотишди. Улар Лобар иккимизни денгиз бўйига олиб боришиб...

— Мотоциклда!

— Машина ва микровтобусда. “Тойота”, “Митсубиши”.

— Рақамлари?

— Эсимда йўқ.

— Биласизми, — деди шифокор қонун одамларига бир қараб олгач, Кувонга, — сиз айтган аёл аслида мавжуд эмас. Полиция аллақачон келган-кетганлар рўйхатини текшириб чиққан. Ўзбекистондан Японияга келган, бу ердан бирон мамлакатга чиқиб кетган Лобар исмли аёл қайд этилмаган. Сиз айтган жойларда аллақачон сув қайтган. На қабр, на мурда топилган.

Кувон катта ўйин кетаётганини аввалроқ англаган эди, тўлиқ амин бўлди. Фақат у ўзининг устидан қандай ҳукм чиқарилишини билмасди.

\* \* \*

Кузнинг дастлабки кунлари жодугар Кэтрина учун омадсиз келди. Кавагути яқинидаги бир уйда Токиода анчадан буён миллионларни чўнтакка уриб юрган Хи-хи лақабли қартабозга дучор бўлди. Уни учратмаганига бир йил тўлганди.

Хи-хи бўйи пастгина япон бўлиб, қарта ўйинларини



ростдан қийворарди. Бироқ жодугар Кэтрина олдида ип эшөлмасди. Бунн мақтанчоқ Хи-хининг ўзи ҳам яхши тушунарди.

Барча мақтанчоқларга урган бало-мақтовга ўзини-да ишонтириб қўйиш Хи-хининг бошига етди. У жодугар билан бас бойлашиб, қалтис ўйинга даъвогарлик қилди ва охир-оқибат чув тушди. Кэтринанинг омадсизлиги шунда эдики, у Хи-хини мағлуб этиб, томоғига суяк тиқилган очофат каби ночор ҳолга тушиб қолди. Чоршанба тонги эди. Эшик устма-уст тақиллади.

— Ким у? — сўради эшикбон.

— Эшикни очсанг биласан.

— Шунақа де, — эшикбон тўппончасини ғилофдан чиқарди.

Бу вақтда улар бировнинг таширифидан огоҳлантирилмаганди. Қолаверса, муомаланинг ўзи ҳам эшик ортида кимлар турганидан дарақ берарди.

— Бизга меҳмон бор, — дея эшикбон ортга чекиниб, Кэтринани огоҳлантирди. Қурооллар шайланганди ҳамки, телефон куй таратди. Экранчада бегона рақамлар зоҳир бўлди.

— Ало, — деди Кэтрина мағрур ҳолда.

— Агар ўлишни истамасанг эшикни оч. Қаршилиқ қилишининг фойдаси йўқ. Биз муҳтарам кишилармиз.

— Нима керак сизга?

— Кирганда гаплашамиз. Ниҳоятда жиддий масала. Маслаҳатим — гапни кўпайтирма.

Кэтрина анча вақтдан бери бундай қўпол муомалани эшитмаганди. “Ду-ду”лаётган телефонни кўксига босиб, бир лаҳза ўйга толди. “Якудза”!.. “Якудза” одамларидан бошқа ҳеч ким эмас. Наҳотки, Хи-хи уларнинг хеши бўлиб чиқса?! Рост экан-да!

Эшик очилгач, бир-биридан қаҳрли кишилар бостириб киришди. Қуроолларга парво ҳам қилмадилар. Кэтрина таниди, булар мафиянинг юқори тоифадаги одамлари эди.

Рўпара ўтиришгач, калбош оёғини чалиштирди. Унинг спортчи эканлиги аён-ошкор эди.

— Кўп гап — эшакка юк, — деб гап бошлади у. — Қисқача айтсам тушунасанми?

— Ўзинг эшакка юк деяпсан-ку! Батафсилроқ гапиравер.

— Нима, ўзингни эшак ҳисоблайсанми?

Кэтрина юпқа лаблари-ла совуқ кулимсиради. Энди-энди унинг жуссаси ёшига муносиб (жодугар яқинда қирққа киради) кўрина бошлаганди. Эҳтиёткорлик билан деди:

— Кўп гап эшакка юк, деб сен ўзингни айтаяпсан, деган хаёлда эдим. Ахир, гапингни бир оз бўшатиш учун келгансан, тўғрими? Майли, инсон сифатида юкингнинг бир қисмини кўтараман. Қани, гапир!

— Биринчидан, Америкага даф бўласан.

— Иккинчидан-чи? — шошилди Кэтрина.

— Иккинчидан, Қўшма Штатларнинг фақат Лас-Вегас шаҳридагина қимор ўйнайсан. Бошқа бирон жойида қўлинг қартага тегса, ўласан.

— Қандай ўламан? — хотиржам сўради Кэтрина.

Мафия вакили милтиқдан ўқ узгандек ҳаракат қилиб, “бум!” деди-да, қисқагина кулди:

— Отиласан!

— Тушундим. Лекин бу чекловлар нима учун?

— Биринчидан... — қўлини бигиз қилди япон.

— “Учинчидан” деявер, — иягини кўтарди жодугар қартабоз.

— Учинчидан, Хи-хини жазолаб чатоқ ишга қўл урдинг.

— Йўқ, бу “учинчидан” эмас экан. Ҳаммасини тушундим, айбимни тан оламан. Марҳамат қилиб, “учинчидан”ни гапирсанг.

— Учинчидан, анави аёл керак. Уни топасан!

— Кимни? — сергак тортди Кэтрина.

— “Қора қарга рақси” устасини. Исмн Лобар. Сен уни ўлдига чиқариб, қаергадир юборгансан.

— Кечқинглар, уни отиб ташладим. Нима керак уни аллақаерга юбориб?! Бошимга ураманми?

— Қаерда отдинг? Японияда-я?

— Ҳа, онт ичиб айтишим мумкин. Токио яқинидаги қирғоқда милтиқдан отдим. Мурдаси балиқларга ем бўлиб кетди.

Чалиштирилган оёқ тап этиб полга туширилди.

— Нима? Сен Токиода ҳукумронлик қиляяпсанми? Уни ростдан ўлдирдингми? Биздан берухсат, гўё биз йўқдай...

— Ўчимни олдим, холос.

Япон жиноятчиси жаҳл билан рақамларни териб, оёққа қалқиди. Хўжайини билан гаплаша бошлади:

— У ростдан ўлдирибди... Ҳа, Лобарни... Мурданими? Йўқ, ўз кўзим билан кўрмадим... Хўп, тушунарли, босс.

Шу вақт оралиғида мафия одамлари Кэтринанинг малайларини қуролсизлантириб, катта хўжайиннинг буйруғини кутмоқда эдилар. Телефон орқали сўзлашув якунлангач, япон бир имо қилганди, учала малай ҳам отиб ташланди.

— Сени тирик қолдирамиз, — деди мафия вакили жодугарга. — То шартларимизни бузгунингча яшайсан... Тўғри, ҳозиргина учинчи шарт бажарилмади. Фақат биттагина шарт пул билан ҳал қилинса бўларди. У ҳам шу — учинчи шарт!

Ранги оқариб кетган Кэтрина:

— Эшитаман, — дея итоаткорона нигоҳ ташлади.

— Бир миллион доллар, нақд пул.

— Миллион?.. Қиммат...

Мафия вакили тўппонча ўқталди.

— Бунинг ўқи нисбатан арзон, — шама қилди у.

Кэтрина уф тортиб, бошини чангаллади. Узун, озғин бармоқлари-ла “кетинглар” ишорасини берди.

— Уч кун муҳлат, — деди япон.

Уни холи қолдирдилар. Жон таслим қилган йиғитларига бир-бир кўз ташлади. Ҳар бирининг устига оқ чойшаб ёпди. Кейин жойига қайтди-да, базмга аталган шамни ёқди. Чуқур хаёлга толиб, ярим соатча қилт этмай ўтирди.

Стол четида қарта қутиси ётарди. Жодугар унга назар ташлаб, мийиғида қулимсиради.

— Қачонлардир шундай бўлиши керак эди, — деб пичирлади у. — Лекин мен ҳам анойи эмасман. Бир шаҳардан, бир қиморхонадан чиқмай туриб ҳам уларнинг кунини кўрсатиб қўяман. Ким деб ўйлашаяпти мени? Ахир, бежиз донг таратмадим. Кимсан — жодугар Кэтрина!

Агар ҳақиқий жодугар бўлганимда... Йўқ-йўқ, мен ҳақиқий жодугарман! Сохта эмасман, сохта эмасман...

Телефон овоз берди.

— Ало, — деди Кэтрина.

Нариги томондан товуш келди:

— Бизнинг казино сен учун энди ёпик, алвасти!

Дарҳол алоқани узишди. Жодугар хўмрайди. Бироқ бу ҳолваси экан. Япониянинг турли қиморхоналари унга дўқ ура бошлашди. Сўнгра Италиядан қўнғироқ қилишди, Лондондан, Париждан... Энг ёмони Америкадан ҳам. Барча-барчаси Кэтринани деб йирик мафия билан қирпичоқ бўлиб қолишни истамасдилар.

Яна телефон жунбишга келганди, Кэтрина аппаратни деворга улоқтириб пачоқ қилди. Шундай сўкиндики, ўқ овозини эшитмаган қўшнилар қўланса сўқинишни эшитдилар.

— Кўрсатаман бу қисик кўзларга! — қичқирди у. — Мени бева кампир деб ўйлаяпсанларми, ярамаслар?! Эркак бўлиб туғилганларингга пушаймон қилдирмасам... — Кейин илондек вишиллади. — Сенларга Лобар керакмиди? Вой, аблаҳлар-ей! Ундан фойдаланмоқчи бўлдингларми? Навбат сенларники эди-да, а? Тўнкалар!.. Ма, ма...

Кэтрина сўқиниб ва уят қилиқлар қилиб чарчагач, ўзини стулга ташлади. Ранги бўздай оқариб, шамга тикилиб қолди. Бир миллион доллар бериши керак, шуларга — ёмон кўрган одамларига! Бермаса ўлдиришади. Мана, хизматидаги японларни қилча қадрлашмади. Америкалик аёлга хизмат қилаётса-да, барибир ўзимизнинг фуқаро, демади. Итдай отиб кетишди.

Шундай пайтларда Кэтринанинг мияси тез ишлаб кетгуси эди. Ҳозир ҳам бирдан тўлқинланди. Хаёлига келган гоё ажабтовурлиги билан ажралиб турарди: “Қимор-маскарад” ёки “Арвоҳлар иштирокидаги қарта ўйинлари”.

— Майли, — деди жодугар ўзига-ўзи, — Лас-Вегасдан чиқмасликка ҳукм этилдим, розиман! Ўзларинг мени ахтариб келасанлар! Шип-шийдон бўлганларингни билмай қоласанлар. Миллион долларми? Бугуноқ топаман, бугуноқ бу оролни, атом бомбасидан қарахт бўлган халқни ташлаб



кетаман. Ҳеч қайси мамлакатга бормаганим бўлсин!  
Ҳамманг ўз оёғинг билан келасан, ҳа, ўз оёғинг билан!..

Кэтрин бармоқлари-ла нозик ҳаракат қилган эди, шам ўчиб, сархуш тутун кўтарилди.

\* \* \*

Ўша кечдаги воқеадан сўнг Миямото Лобарнинг тақдиридан хабар топди.

— Вадуд, — деди у дўстининг елкасига қўл ташлаб, — мени кечир, лаънатилар Лобарни отиб ташлашибди.

Вадуд чол узоқ жим ўтирди, сўнгра бир пиёла ароқни сийриб, Миямотога тикилди.

— Мен айбодорман, — деб мингиллади.

— Нега сен? Ахир, анави товламачи мараз менга телефонни берганида овоз чиндан ўғлимникига ўхшади. Чув тушдим, бурнимнинг тагидан олиб кетишди уни.

Вадуд чолнинг мушт бўлиб тугилган панжалари ёзилди. Тиззасига уриб қўйиб, ўрнидан турди.

— Кетаман, — деб ўртоғига қарамай сўзлади. — Ҳамма нарсадан кўнглим қолди. Бу ерларда-ку бир кун ҳам қолгим йўқ.

Миямото ҳам дераза ёнига келди. Қирқ тўрттинчи қаватдан кўринаётган шаҳар манзараси уни аллақачонлардан бери ҳаяжонга солмай қўйганди.

— Шундай дегин...

— Биз қаридик, дўстим, — Вадуд чол пешанасини ойнага тиради. — Курашдан қолдик... Қандай алдаб кетишди-я!

— Минг марта алданса ҳам одам курашдан тўхтамаслиги мумкин. Кураш бошқа тушунча. Биласанми, сен ўша даврда, шўро мамлакатада нима учун курашгансан?

— Тушунмадим?

— Ўзингнинг ор-номусинг учун.

— Нега буни гапираяпсан?

— Ўз қобигингда қолиб кетдинг, Вадуд. Халқдан узилиб, бор аламингни ароқдан олдинг. Назаримда, сен ҳалиям ўша камерада ётгандайсан. Бу жуссадаги эса бошқа одам. Менга қара, менинг шаҳримга қара.

— Нима бўпти? — елка қисди Вадуд. — Буни сен

қурганинг йўқ-ку! Мана шу ерда, ху анави жойда Лобарни ўлдиришди. Ер юзида Токио деган шаҳар борлигидан ҳеч қачон фахрланмайман.

— Сен энди Лобарсиз кетасан, — деди Миямото бир оздан сўнг. — Биз бошига етишларига қўйиб бердик.

Вадуд чол яна бир пиёла ароқни жигилдонига қуйди. Миямото намоз ўқишга ўтирди.

Қизиқ. Вадуднинг аждодлари мулла ўтганди, Миямотоники эса ароқхўр балиқчи. Ўзлигини унутган одамни тақдир минг қўйга солмоқда эди...

Вадудни аэропортга кузатиб бораётган Миямото оғир хўрсинди.

— Мен мусулмончиликни Вадуд деган одамдан, яъни сендан ўрганганман. Сен эса ароқхўрга айландинг. Мен уюшган жиноятчилик дунёсидан чиқиб келдим, сен эса кириб келдинг. Нега бундай бўлди? Дўстим, асл ҳолингга қайтсанг нима бўлади? Шол бўлиб қолмайсан-ку!

Вадуд чол бегона шаҳарга сўнгги бор нигоҳ ташлади. Мурдаси топилмаган, изсиз йўқолган аёл ўлмагандек, қаергадир ғойиб бўлгандек туюлди.

— У ўлмайди! — хайрлашар чоғи деди Миямотога. — Лобар хор бўлиб ўлиб кетадиган аёл эмас. Ўғлини топиши, бахтли бўлиши, бир кун келиб ҳажга ҳам бориши керак. Мен ишонаман.

Миямото кўзларини олиб қочди. Бир нималар деди. Вадуд чол шуни англадики, ёшликдаги дўстини учратмоқ ҳамиша ҳам яхшилик келтирмас экан.

\* \* \*

Сарсон-саргардонликлардан сўнг Қувон Тошкентга қайтиб келди. У даволаниши лозим эди. Озод этилганиданок қариндошлари уни қўярда-қўймай қишлоққа, ота-онасиникига олиб кетишди. Дарров “хатм” қилинди. Ҳамма уни безориларга дуч келган, деб ўйлади.

— Э, чет элда нима бор ўзи? — қўл сийтаб гапирди жиззахлик тоғаси. — Россиясиyam, Кореясиyam ўзимизнинг

битта тепага арзимаиди. Мен бойликни, куч-қудратни, техникаларни айтаётганим йўқ! Мен оёқ остидаги ерни айтаяпман!

Ҳар қандай тасаллилар, тантанавор нутқ, насиҳатлар Қувоннинг қулоғига кирмасди. У фақат бир нарсани ўйларди: Вадуд чолни топиб, Лобар ҳақида гаплашиш ва Шомилга боғланиб, жодугар Кэтринанинг изига тушиш...

Бу тез кунларда юз беради. Зеро, Қувон энди ҳаётини эски ўзандан, Лобарни учратмасидан бурунги даврдан бошлаёлмайди. Саргузаштлар ҳиқилдоғига келган эса-да, гўё ихлосмандидай интилаверади. Аслида бунинг барчаси кунланмаган улкан жиноий иш эди.

Туман шифохонасига қатнаб юрди. Бир оз ўтиб, яраларини қўшининг ҳамшира келини боғлай бошлади. Кундан-кун жароҳат излари битиб борар, қалбдагиси эса алам-ла ачитар, малҳами топилмаётганди.

Ожиз қолган дамларда Қувон “нима қилсам экан?” деб хаёлга ботарди. Лобарнинг тирик эканлигига ишончи сўниб бўлаёзганди. Жодугар Кэтрина кўз олдида отиб ташлади-ку. Наҳотки Лобарнинг ўлимига тўлиқ ишонмаса? Қартабоз аёлнинг ўлмай қолиши ёинки жодугар маҳв этувчи фикридан қайтиб, касалхонага юбориши, шифокорлар Лобарнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкинми? Кэтрина раҳм-шафқат қиладими?..

Қўшни келин ярасини боғлаётиб, сўради:

— Бола, Россияга кетганлар ўрис хотинларга уйланиб олаётганмиш, ростми?

“Вадуд бовани топиб бўлармикан?” деб ўйлаб ўтирган Қувон ихтиёрсиз тарзда елка қисди. Сўнг жавоб кутаётган янгасига тикилди. Эрининг Россияга жўнаганига бир йилдан ошган, анча мунғайиб қолибди.

— Эшақўлдининг қизлари куёвларини олдириб қўярмиди, — деди ҳазиллашиб.

Бу жувон Эшақўлди қишлоғидан келин бўлиб тушганди. Овсинлар ҳазиллашиб бир-бирини қишлоқ номи билан чақиришарди: Молтопнинг қизи, Калтепаннинг қизи...

Янга ним жилмайди.

— Овсинларнинг ҳазили сизга ярашмайди. Айтасизми, йўқми?

— Аввал айтинг, акамни соғиндингизми?

— Қунига “Вир ва Зара”нинг кўшиғини эшитиб, йиғлаб олмасам кўнглим тинчмайди. Ишқилиб, “двд” ўлгур бор бўлсин.

— Ҳа, соғинибсиз. Лекин хавотир олманг. Бизнинг акалар унақа иш қилмайди.

— Қанақа? — талмовсиради янга.

— У ёқдаги хотинлар билан оёқ алмаштириш...

Янга лолодай қизариб, Қувоннинг елкасига оҳиста урди.

— Ўлинг-е, уялмайсизми!? Сиздан тўғрисини сўраяпман.

— Қизиқ экансиз, менам ростини айтаяпман. Бизнинг ака битта хотинни эплаб юрсаям катта гап. У ёқдаги жононлар Эшақўлдиннинг қизларига ўхшаган эмас. Эркакдан талаб қилади романтик эркак бўлишни.

— Айниманг, бола, шприц тиқиб оламан.

Кўчадан букчайган, сап-сарик йигит ўтиб қолди.

— Абдибайматни чақиринг, сўраймиз, — деди Қувон. — У Росейяда икки йил юриб келди.

— Қўйинг ўшани, — истамди янга. — Дўхтирга қатнаб юрибди. Қўтир бузовларнинг касалини ортириб келган.

— СПИД эмасми?

— Енгилроғи.

Жимиб қолишди. Ҳамшира охирги ярани боғлаб, малҳамларни йиғиштирди.

— Биламан, одамнинг ўзига боғлиқ, — деди у хўрсиниб.

— Тўғри юрган киши чет элдаям тўғри юради. Акангизга ишонаман.

Қувон бош қимирлатди.

— Худога шукр, бу дунёда расво одамлардан яхшилар кўп, янга. Емон кўп бўлганида дунё мувозанатни сақлаёлмасди.

— Бола, гап келганда сўрасам ростини айтасизми?

— Аввал сўранг-чи.

Янга атрофга ўғринча аланглагач, паст товушда:

— Самарқандда хотинингиз борлиги чинми? — деди.

Қувоннинг Лобар ҳақида сўзлаб бергиси келди. Аммо нима қилади гап кўпайтириб! Шундоқ ҳам марҳума



келинчагининг акалари гумонсираб юрибди. “Синглимизни Қувоннинг ўзи ўлдириб қўймадимикан”, деганмиш.

— Хотин... йўқ, — Қувон қуруққина жавоб қайтарди.

Шу он уч уй наридан дод-вой, чуввос солиб йиғлаганлар овози оламни тутди. Янга ҳам, Қувон ҳам кўчага шошилди. Бояги сариқ йигит ўпкаси тўлиб, шошиб қайтиб келмоқда эди.

— Нима гап, Абдибаймат? — сўради Қувон.

— Бердимурод ўлибди, — деди у тўхтаб.

— Бердимурод? Ийе, ўтган ҳафта Россияга кетганди-ку!

Иши яхши дейишганди...

— Тожикистонлик йигитнинг ўрнига ўтган экан. Ичиб келиб сўйиб ташлабди. Ўша жойда, квартирасида жон берибди, бечора.

Олти кундан сўнг тобутни келтиришди. Пайвандчилар темир кесаётганда Қувон ҳам борди. Дорилаб ташланган мурда бузилмаганди. Негадир Қувоннинг тўйиб-тўйиб йиғлагиси, Бердимуродни қучиб, бор дардини тўкиб солгиси келди.

Одамлар жанозада гапиришди: Бердимуроднинг тобути келган самолётдан яна олтига тобут туширилганмиш, у ёқда — Москвада йигирмадан зиёд тобут рейс кутаётганмиш.

Қувон жанозадагилар ўзига синчков назар ташлаб қўяётганини сезиб, четроққа ўтди. Қишлоқда ифвогарлар, туҳматчилар йўқ эмас. Тунов куни бир гап эшитганди. Эмишки, Қувон самарқандлик қўшмачи аёл билан чет элга одам сотармиш, япониялик безорилар эмас, ўшалар дўппослаган эмиш. Унчалик таъсирланмаганди, аммо миясига лоп этиб урди: ҳозир халқ ундан нафратланаётган бўлса-чи?!

Хона ўртасига ётқизиб қуйилган Бердимуроднинг юзини сўнгги бор очиб:

— Қандай яхши йигит эди-я, охирги марта кўриб қолинглар-а... — деб йиғлади аёллардан бири.

Она бояқиш ҳушидан кетди...

Майитни дарров чиқаришди. Ўша кеча Қувон ухлаёлмади. Лобарнинг ўлиги топилмаганлиги қийнарди уни. Аммо тўсиндан шундай хаёлга борди: “Япониядан қайтганимдан

кейин мамлакат полицияси мурдани ахтариб топган бўлса-чи? Худди Бердимуродни кузатгандай қариндошу маҳалладошлари Лобарни ҳам сўнгги манзилга кузатган чиқса-чи? Мен эса ойимқизлардай даволаниб ётибман. Лобарнинг қотилини, лаънати Кэтринани ким фош этади? Ким унинг ўғлини чечен мафияси қўлидан халос этади?” Шундай қилиб, Қувон яна шаҳарга йўл олди.

\* \* \*


Қувон адашган йигитларнинг энг олдинги сафидан ўрин олган эди. У мактабни битиргунча қишлоғидан деярли чиқмади. Болаларча хаёли Ғубдин, Бахмал ва Жиззах тоғларидан нари ўтмасди. Қишлоқ Тошкент-Самарқанд йўлига яқин жойлашган, мол-қўй боқиб юриб, турли русумдаги машиналарни томоша қилардилар. Ким билади, машиналар ҳам дайди хаёлларга доялик қилгандир.

Лобар билан танишгунча у лойчи усталар гуруҳида ишлаб юрди. Орзулар қанчалик юксак бўлмасин, пул топиш мажбурияти пастда, лой ичида юришга ҳам ҳукм этиши мумкин.

Очиғини айтганда, Қувоннинг орзуларини юксак деб аташ тўғри келмайди. Шоҳона иморат, ҳашамдор қора “Мерседес”, шаҳарлик чиройли хотин, Тошкентдаги машҳур ҳофизлар куйлаган тўй...

Кўпчилик хомхаёл деб атайдиган шу орзулар Қувоннинг юрагига билдирмасдан чуқурроқ илдиз отганди. Бу хаёллар бошқаларда ҳам бўлади, лекин бошқалар Қувондек телбалик қилмайдилар.

Қизиқ жиҳати шу эдики, у табиатан оққўнгил йигит бўлгани учун ҳаммаси ўз-ўзидан, мўъжиза туфайли рўй беришини истарди. Ҳаром пуллардан ҳазар қиларди. Ахир, у “қора қарта рақси”га сўзсиз бас келадиган ягона одам. Истаган рақибини ютиб, миллионларни қўлга киритиши мумкин. Шомилнинг шериги бўлиб юрган кезлари-чи? Доллар тугул тиллаларни кўрди, аммо мана у — ўртаҳол бева. Эшитган одам ишонмайди, ишонса ҳам “буюрмабди-да” дейишади.



Уйландио кўп ўтмай хотинидан айрилди. Тўйдан сўнг эндигина тинч ҳаётни ўйлай бошлаганди. Фожиа юз бериб, яна қасос ўти гурлади.

“Тинчгина ўтирсанг бўлмайдими? — дейди гоҳо ички овоз. — Улар билан ўйнашма! Бундан баттар бўлишинг ҳеч гапмас. Мақсаднинг — яхши яшаш. Қасос олишни эсан чиқар. Оғир бўл, келажагингни ўйла. Ҳали қанақа одамларни кўрмайсан бу ҳаётда! Ҳар бирига тиш қайрасанг, қайроғинг ҳам, тишинг ҳам соб бўлади. Бойларни қара, маза қилиб яшапти”.

— Аввал ишимни тугатай, — пичирлайди у.

Бироқ барча ёмонлардан ўч олиб бўлгач, қайси йўл билан бойишни ҳаёлига келтирмайди. Ўжар орзулар фаровон келажакни ваъда қилади, қилаверади...

Самарқанд автобусига чиқиб, эзма одамнинг ёнига ўтириб қолди. Бир замонлар Тинч океан флотида олти ойлаб сузган эмиш. Энди эса уч соатлик йўлга ярамай, қон босими ошаётганмиш.

— Армияга борганмисан? — шанғиллади у.

— Ҳа, ички ишлар қўшинида, Одмалиқда хизматда бўлганман.

— Самарқандда нима қиласан?

Қувоннинг ўжарлиги тутди.

— Бир аёлнинг ўлиги келганми-йўқми аниқлашга кетаяпман.

— Ё товбангдан...

— Ҳайрон бўлманг, ҳаммамиз ҳам ўламиз. Мана, сизнинг ҳам ёшингиз ўтиб қолган. Бирор кор-ҳол бўлса, қариндошларингиз менга ўхшаб сўроқлаб боради. Ё бормайдими? Боради, албатта боради...

Чол терс ўгирилиб олди.

Қувон шоҳбекатдан такси ёллаб, Лобарнинг уйигача миқ этиб оғиз очмади.

— Шу ерга сақланг, — деди шаҳар шеvasида. Лекин машинадан тушмай бирпас ўтириб қолди: Лобарнинг уйи пештоқиға “Уй сотилади. Тел.: 370-07-...” деган ёзув осилганди. Дарвоза кулф эди. Қувон бир дарахт тагига ўтириб, ўзини бировни кутаётгандай тутмоқчи эди, илло сапчиб туриб, қўшни уйга қаради.

— Вадуд бова, — беихтиёр шивирлади тили.

Чолнинг уйдан бола йиғиси эшитиларди. Сўнгра бир хотин эроний шевада ўшқриб берди, йиғи тинмади.

Эшикка чиққан бека одми кийинган, ўттиз ёшлардаги қиррабурун хотин эди. Қувонга ташвиш билан боқди. Иккиси ҳам бир-бирини сира учратмаганди бу атрофда.

— Кечирасиз, Вадуд бова уйдами?

— У киши ўлганлар.

— Ўлганлар?.. Япониядами?

— Иби, жиннимисиз, нега Японияда ўларканлар?! У киши шу ерда ўлдилар.

— Уйда? Қанақа қилиб? Лобар опа билан Японияга борган эдилар...

Хотиннинг кўзлари чақчайди, эшикни ёпмоқчи бўлди. Қувон шошиб қўл тиради.

— Сиз буларни қаёқдан биласиз? — деди хотин ҳадиксираб. — Мен келинларининг амакиваччасининг қўшниси бўламан. Квартирада турамиз, уларга алоқам йўқ.

— Лобар...

— Қўшни янгамулломи? — ишора қилди хотин. — У киши ҳам ўлганлар, Японияда... Вадуд бобо билан адаштирманг, укажон.

— Қандай ўлганини айтмадингиз Вадуд бованинг.

Жувон эшикни қаттиқ силкиди, ёпишга кучи етмади. Лаби шундай тўнкарилиб кетдики, фоже бир вазиятда йигитнинг кулгиси қистади.

— Нима, мелиса чақирмоғимни хоҳлайсизми? Қочинг, кучингизни уйингизда кўрсатасиз. Ё маниям, бачамниям ўлдирмоқчимисиз?! Ҳаммангни бегуноҳ бобонинг арвоҳи урсин, илойим! Эртагаёқ эримга айтиб кўчиб кетаман! Шунақа жонимга тегди! Бир қарасанг мелиса, бир қарасанг бунақа киши!..

— Менга қаранг, — Қувон қадам ташлади. — Бовани ўлдирдиларми? Аниқроқ гапиринг, янга.

— Ўлдирдилар, ҳаммомда осиб ўлдирдилар.

Қувон яна бир қадам ташламоқчи бўлди, лекин қандайдир куч уни орқага, кўчага тортди. Қараса, Лобарнинг уйи



ортига бориб қолибди. Эълон тахтасидаги рақамларни териб, телефонга қулоқ тутди. Қўли бежо қалтирар, ғазаби тошар, негадир шошилар эди.

— Ало, эшитаман, — деган овоз келди.

— Мен Қувонман, Лобарнинг таниши. Ҳозир уйга келиб, эълонни кўрдим. Нега уй сотилаяпти? А, қим бу ўзи?.. Баҳроммисиз ё Соҳиб?

— Баҳромман. Шунақа бўп қолди... Опам ўтганини биласизми?

— Нима?

— Дунёдан ўтганини эшитган бўлсангиз керак, Қувон ака... Айирилиб қолдик...

— Ўлиги келдимми?

— Йўқ... Мени кутиб туrolасизми, ҳозир бораман.

Шу ўртада юрганмикан, ўн дақиқа ўтар-ўтмас Баҳром етиб келди. Қувон Лобар билан дўстлашган кезларидан буён бу йигитни танирди, лекин яқиндан суҳбатлашмаганди. Йигит ҳам, оила аъзолари ҳам Лобарнинг эркак танишларидан ўзларини тортиб туришар, Лобарникида кимдир борлигини пайқашса, иложи борича уйга кирмай кетардилар. Лобар илк марта Москвада бегона эркаклар қўлида қолиб кетганидан бери унга жигарлари ҳам шубҳа кўзи ила қарашарди.

— Қувон ака, — кўришди йигит, — ҳаммасидан хабарингиз бор шекилли.

— Ҳаммасидан эмас.

— Ўлиги келдимми, деб сўрадингиз. Ўлик бошқа жойда эканлигини биларкансиз-да.

— Ҳа, Японияда эканидан хабарим бор.

Қувон қотилликка гувоҳ эканлигини йигитдан яширди. Жиний гуруҳ денгиз бўйидаги воқеани полицияга бутунлай бошқача тарзда кўрсатганига Токиодаги касалхонада шохид бўлиб, қалтис ўйинни тушунганди. Олис Самарқанддан туриб, денгиз бўйида Лобар ҳам бўлганлигини, отиб ташланганини қандай исботлайди? Қувоннинг фикрича, жодугар Кэтринани ёки япон жинийи уюшмаси — “Шиروي одори”ни яксон этиш жараёнидагина ҳақиқий сирлар очилиши мумкин эди. Эҳтимол, чечен киллери — Шомил

“Якудза” мафияси билан боғланса (боғлана оладими-йўқми), бирон натижага эришар. Нима бўлганда ҳам ҳозир Қувон Шомилдан бошқасига “мен ҳам ўша ерда эдим, Кэтрин Лобарга ўқ узди, кўзимни очганимда атрофни сув босган экан, мурда топилмади” деб дардини тўкиб солишни истамасди.

— Ростми шу? — сўради йигит кўзлари пирпираб. — Бизга телефон қилиб айтишди, кейин Вадуд бова келди. Уям тасдиқлади. Теглишли жойлар эса ўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Биламан, опам доим ёмон ишларга аралшиб юрарди. Қарта бир куни бошини ейди деб онамгаям кўп айтганман. Ҳеч ким қайтаролмади. Лобар опам “ўзимга тўғриман, одамлар нима деса десин” дерди. Мана, йўқ қилиб юборишди... Мозориям йўқ...

Йигит ичидагини гапираётган бўлса ҳам Қувонни асло ёқтирмаётгани сезилди. Қувон ҳам уни хушламади.

— Жўра, — деди жиддий оҳангда, — ўлди деб гап чиққани рост. Лекин ҳеч қайсимиз ўлигини ўз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ. Нега аза очдинглар? Нега уйини сотаяпсизлар? Бунга... очиғи, тушунмадим.

— Уйдагиларнинг қарори шу.

— Ҳеч билмаса бир йил кутиш керак эди.

— Уй керак бўлса олинг, — деди йигит кўрслик билан.

— Икки юз минг доллар нарх қўйдик. Бехосият уй бизга керакмас. Мўъжиза юз бериб, опам ўлмаган бўлиб чиқса, бу уйда барибир яшаттирмаймиз.

Қувон асабий бош тебрантириб, дарвоза сари юраркан, истеҳзо аралаш:

— Сотинглар, сотиб қолинглар, — деди. — Тағин худо раҳматли Абдулла аканинг ўғиллари эга чиқмасин.

— Поччамнингми? Э, уларнинг бир тийинлик ҳақи йўқ.

— Аслида бехосият уйнинг ўта даражада бехосият пулларида сизларнинг ҳам ҳақларингиз йўқ. Калитлар ёнингиздами?

Лобарнинг укаси тумшайди. Қувондан ҳайиққани учун эшикни очишга тутинди.

— Вадуд бовага нима бўлди? — сўради Қувон. — Ўлибди дейишди?

— Ҳа, ўтган ҳафта жанозаси бўлди.

— Осибдимми?

— Осиб кетибди, деган мишмишлар юрибди. Экспертиза ҳам тасдиқлаганмиш. Ишқилиб, опам билан Японияга боргани учун ўлган бўлиб чиқмасин-да.

Қувон елка қисиб, йигитга саволомуз тикилди. Дарвозахонага кирганларида сўради:

— Ўша ёқдан келиб ўлдирган деб ўйлайсизми?

— Ким билади, — Лобарнинг укаси уҳ тортди. — Айтдим қўйдим-да. Мелисалар ҳозир бозор ёнида этикдўзлик қиладиган Васька деган кишини ахтараётганмиш. Чунки иккови икки-уч кун бўкиб ичишган, муштлашган, бозорнинг ўртасида сўқинишган, Васька “сени ўша ҳаммомингга осиб керак” деганини ёймачиларнинг ҳаммаси эшитган.

— Вой-бу, Вадуд бова бир қўл бўлсаям уста билан муштлашганми?

— Васька пуф деса учиб кетадиган паканагина чол. Баъзилар Васька чўп деб лақаб қўйиб олишган.

Қувоннинг шубҳалари янада ортди: у нозиктаёқ ҳоли билан чолни қандай осади? Аёнки, ҳаммом “Широи одори”нинг қотиллик қилиш жойи.

— Нарсаларингизни биттаям қолдирмасангиз, — деди Лобарнинг укаси яланғоч, чанг қоқлай бошлаган хоналарга бош суқаркан. — Сумкаларингиз қаерда эди-я?

— Уларни биронта гадойга бериб юборинглар, мен рози. Ҳозир эса ертўлани очинг. Ленталарим бор.

Қувон овоз ёзиш ускуналари ғойиб бўлганини кўриб, ажабланди. Яхшиям, кессета-ю тасмалар олиб кетилмаганди.

— Қани қолганлари?

— Ускуналарми? Уйга обориб қўйдим, — деди Лобарнинг укаси.

— Уйга?.. уйга! Эсларинг жойидами?! Ахир, аппаратлар меники-ку! Ташиб кетишга бунча ишқибоз бўлмасаларинг-а!

Шундан сўнг у жаҳл билан ёзув тасмаларини бўш қутига жойлади-да, чиқди.

Кетаётиб деди:

— Мен Лобарга эмас, сизларга ачинаман. Лобар ўлмаган бўлиб чиқиши ҳам мумкин, лекин сизлар... бошқача бўлиб чиқмайсизлар.

\* \* \*

Бу пайтда жодугар Кэтрина Лас-Вегасдаги уйида шарбат ичмоқда эди. Ҳали замон ухлагани ётиши керак. Негадир ичгиси келди, ичаяпти. Кўзлари телевизорда, хаёллари ҳали ҳам Японияда.

“Фақат уларнинг ўзлари эмас... — деди хаёлан. — Бу ерда америкалик мафиозларининг, айниқса, италиялик ва россияликларнинг қўли бор. Шунча эркак битта аёлга қарши!.. Японияга бормаслигим керак эдими? Бораман, нега бормас эканман! Керак бўлса дунё харитасини бошқатдан чизиб чиқаман. Шошмай турунглар!.. Келиб-келиб японлар мени чоғга қулатди-я! Лобар керак эмиш у аблаҳларга!”

Кўзи уйқуга илинмади. Яна шарбат ичди. Кутилмаганда ҳамма ташвишлари четга сурилиб, кўз олдида Жорж гавдаланди.

— Кечани ўша ҳайвонга бағишласаммикан? — минғирлади у сигарет тутатиб. — Ҳойнаҳой, биронта фоҳишанинг туфлисини ҳидлаб ўтиргандир.

Шошилмасдан рақамларни терди. Уйқусираган овоз эшитилди:

— Сенмисан, Кэтрина?

— Бўлмаса ким, оппоғим? Нима, ухлаяпсанми?

— Бугун насиб этди ухлашдай ҳузурбахш машғулот. Икки кундан бери казинода тик оёқда эдим.

— Бошқа машғулот ҳадея этсам, нима дейсан?

— Сени жуда соғинганман, аммо...

Кэтрина ўзидан ўн саккиз ёш кичик хуштори афтини қандай бужмайтирганини тасаввур қилди. Бироқ унга барибир шу йигит керак эди.

— Қийналаяпсанми, Жорж?

– Унчаликмас. Тушум зур бўлса билинмайди.

– Қийналаяпса-а-н, – чўзиб гапирди жодугар, – менсиз пул топиш нималигини ҳис қилаяпсан. Шундай ҳис қилаяпсанки, топган арзимас ўн минг долларинг бурнингдан чиқаяпти. Қора меҳнат сенга ярашмайди, жин ургур.

– Қанақа қора меҳнат? Қизларни шайдо қилувчи ошиги олчи қиморбозман-ку!

– Кечирасану, агар севмаганимда сенга ҳам, ишингга ҳам тупурган бўлардим. Билиб қўй, сени қиморбоз ҳисоблаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Казино малайисан, холос.

– Шу гапларни айтиш учун уйғотганмидинг?

– Аччиқланма. Сенга хушхабар бор.

Жорж “хиҳ” деб қисқа кулди, индамай кута бошлади.

– Эшитасанми? – деди Кэтрина.

– Ҳа, уйқумни қочириб бўлдинг.

– Янгича қиморхона очмоқчиман, Лас-Вегасдан. Номи “Арвоҳлар базми”. Бунда фақат “нариги дунёдан келганлар” қарта ўйнайдилар. Қартадан бошқа қимор турлари мавжуд бўлмайди.

– Яна қанақа арвоҳлар?

– Ҳақиқий эмас, албатта. Бунда ўйновчилар бир-бирини мутлақо танимайдилар. Тасаввур қил: нимқоронғи хонада катта айлана стол. Қарта ва пулларни фарқлаш учун шуъла столнинг ўзидан таралади, хирагина. Ҳар бир қартабоз қора ридо ёпиниб олган. Юзларида эса ўлим рамзи ҳисобланувчи ниқоблар. Қартани биладиган ҳар қандай киши чўнтагида неча пули борлигидан қатъи назар ўйинларда иштирок этиши мумкин. Ҳой, ухлаб қолмадингми?

Жорж гўлдиради:

– Гапир, бошқа иложим йўқ чоғи...

– Мижозлар шундай кўпаядики, санаб саноғига етолмайсан. Энг бой билан энг камбағал ҳам ўйнаши мумкин. Полициячи ўзи қидираётган жиноятчи билан қарта ташлашганига нима дейсан! Қаршингдаги одамни мутлақо таний олмайсан-да, ахир.

– Ажойиб! Аммо қашшоқларнинг сариқ чақаси нима бўларди.

— Шошилма! Ҳар жума оқшомида миллионлар тикиладиган “олий арвоҳлар ўйини” уюштирилади. Шубҳасиз, бу кечага ҳафта давомида юз минг доллардан зиёд пул ютган учарлар тақлиф этилади.

— Ҳўш, мен нима иш қиламан? Шам ёқиб турмасман, ҳойнаҳой.

— Жорж, — деди Кэтрина, — миссиянг нималигини келсанг айтаман. Телефонда валақлашганимиз етар. Аммо-лекин сени сюрприз кутаяпти.

Жорж қанчалик ҳориган бўлмасин, пулнинг ҳиди уйқудан устунлик қилмоқда эди. Курткасини кийиб, кўчага чиқди. Ҳар эҳтимолга қарши тўппончасини камарига қистирди. Осмонўпар бинолар орасида полиция машинасининг ноҳуш сиренаси чинқирар, бахтлилар ва бахтсизлар йўлакда у ёқдан-бу ёққа, манзиллари сари ўтиб турар эди.

Жорж “Кадиллак” газини босиб, катта оқимга қўшилиб кетди...

Кэтринанинг эғнида биттагина халат бор эди, холос. Тўшакдан ҳозиргина турганлиги боис (у чўмилиб олганди) пардоз қилмаганди. Қариллик уфураётган юзи Жоржнинг эркаклик ғурурига тегиб кетди. Истамайгина ўпишар экан, дарров ишдан оғиз очди:

— Азизам, бизнес режаларинг билан уйқумдан уйғотдинг, қанақа иш бермоқчисан ўзи?

— Осиёлик бир аёл бор, — дея Кэтрина диванга ўтириб, оёғини чалиштирди, — миллати ўзбек, жуда кетворган! Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, у қартада мени ютади, нақ шайтоннинг урғочиси. Ўшани антиқа йўл билан Америкага олиб келганман. Эшитсанг ғаройиб тарих! Тарих эмас; афсона! Сен уни...

— Тўхта-тўхта, — қўл кўтарди Жорж, — сен айтмоқчисанки, осиелик аёл суперпрофессионал қартабоз. У сени, яъни жодугар Кэтринадай буюк зотни ютади.

— Ҳа, мен унга Японияда ютқаздим.

Жорж ўз пешанасига шапатилаб, ҳонада у ёқдан бу ёққа юрди. Ҳаяжонга тушгани чинми, ёлғонми, билиб бўлмасди. Ва айнан қувонаяптими, хафами, англаш мушкул эди.

## Азамат ҚОРЖОВОВ

— Гўзаллигини айтмайсанми? — дея Кэтрина Жоржга синчков назар солди. — Агар эркак бўлганимда, у фақат ва фақат меники бўларди.

— Шунчалик дилбарми?

— Ҳа-да.

— Ёшми?

— Ўттизда. Бу ёш сен учун қандай?

— Биласан-ку, ахир, Кэтрин, мен ёшга унчалик ҳам қизиқмайман.

— Қулоқ сол, — жодугар Жоржга оҳиста яқинлашди. — Маза-бамаза гапларни бас қилайлик. Сен уни асов отни жиловлагандек жиловлаб олишинг керак. Сезишимча, у эркак зотидан кам меҳр кўрган. Севиб қол, Жорж!

— Кейин-чи?

— У ёгини менга қўйиб бер.

— Орқамга ўхшатиб тепишинг учунми? Қанчалар рашкчи эканлигингни биламан.

— Бизнесда “рашк” аталмиш атама борлигини ҳеч қайси китобда ўқимаганман. Бошлаган ишим ниҳоятда жиддий. Лобарни қўлга олишингга кўп нарса боғлиқ, Жорж.

— Мени умуман истамаса-чи? — деди йигит ўзини босиб олиб. — Эркаклардан ҳуркадиган аёллар Осиёда соннингта. Қолаверса... кўринишим яхшимас.

— Нега яхшимас? Танангда европалик, осиелик, африкаликларнинг қони аралашиб оқаяпти. Кўринишинг ҳам ҳеч қайси қитъани хафа қилмайди. Аёл ўзига кераклисини топиб олаверади.

— Майли, аёл бўлса қочмас. Менга пуллар ҳақида бир нималар дедингми?

— Ўтир, бунисини энди шарбат устида гаплашамиз.

Иккови бир соатлар, чамаси, ўтирдилар. “Арвоҳлар базми” деб ном қўйилган очилажак қиморхонаю ниқобда қарта ўйнайдиган аёл, Жоржнинг вазифаларию маошлари ҳақида гап кетди. Охирида Жорж сўради:

— Кэтрин, Лобарни нега батамом бадном қилмоқчисан?

— Ахир, у осмондаги шартларни қўяди, — деди жодугар.

— Бажариш учун ширин жонимни гаровга тикишим лозим. Менга ўн миллион доллар ютиб берган тақдирда ҳам унинг боласини топиб беролмайман.

— Бечора Лобар, — кесатди Жорж. — Роса эзгилаб, мажақлаб, топтаб, сувини ичарқанмиз-да.

— Сен сувни ичавер, менга унинг қони керак.

Шундан сўнг ёвуз ниятлилар тўшакни бир қилиб, зиноли умрларидаги танаффусга якун ясашди.

\* \* \*

Лобар жодугар Кэтринанинг истагига қўнишга мажбур бўлган эди. Уша мудҳиш оқшомда милтиқ отилганини билади, бир вақт кўзини очса, аллақандай машинанинг орқа ўриндиғида ётибди. Олдинда нотаниш эркаклар.

Қимирлаган эди, кўксидаги оғриқ кучайиб инграб юборди. Шунга қарамай ихтиёрсиз равишда қаддини ростлаш, машинадан тушиб қолиш ҳаракати пайида бўлди.

— Сен қўрқма, — деди калбош русчага тили зўрға айланиб. (У европалик эди). — Биз яхши одам. Сени Америкага жўнатамиз. Посилка қиламиз. Тушунарли? — сўнгра қўшиб қўйди: — Бошқа йўл йўқ, аёл.

Машина зулмат қаърига шувиллаб кириб борар, йўл белгилари лип этиб ўтар, Лобарнинг кўкси зирқирарди. Пайпаслаб, жароҳатдан қон оқмаганини билди. “Қанақа ўқ билан отган экан-а”, — кўнглидан кечирди у.

Эркак ортига қайрилиб, сўзсиз тикилиб қолди. Чимирилган қошлари, қимтилган лаблари, шиша мисоли кўзлари уни сурбет, ушлаган жойини узиб оладиган қилиб кўрсатарди.

— Оғрияптими? — сўради у.

— Оғрияпти... — ингради Лобар. — Дўстимга нима бўлди?.. Оғриётган жоним кўзимга кўринмайди, менга у керак...

— Оддий ёлланма кишиман. Топиб беролмайман. Сени Америкага жўнатиш — вазифам.

— Кэтрина қанча тўлади?

— Хомтаъма бўлма, биз сотилмаймиз.

— Мен юз минг доллар демайман, бирйўла беш юз минг!

— Қанча?

— Беш юз минг доллар бераман, — деди Лобар.



Эркақлар бир-бирига қараб кулишди.

— Ҳали бир миллион ҳам дерсан? — пичинг қилди калбош. — Воҳ, баданим ёниб кетмоқда.

— Қўлимдан келади бир миллион топиш! — бўш келмади Лобар. — Мен “қора қарта рақси” ўйинларини билувчи сўнгги қартабозман. Ҳар қандай қиморхонада қарта ўйнашим мумкин.

— Ҳар қандай қиморхона? Бу нима дегани?

— Мени майда қиморбоз деб ўйлаяпсизми? — Лобарнинг жаҳли чиқди. — Ўн минг-йигирма минг тикиладиган жойга қадам босмайман, ишонинглар. Мен энг катта ўйинларда иштирок этганман. Қўлимдан миллион доллар ўтган.

— Миллон доллар ўтган? Кўриб турибмиз.

— Агар оддий аёл бўлганимда Кэтрина шуларни уюштирармиди?! Каллани ишлатинг, жаноб.

Инглиз яна қайрилиб қаради. Бармоғини пешанасига нуқиб:

— Калла яхши ишлайди, — деб илжайди. — Шундай яхши ишлайдики, маслаҳатинг, таклифларинг умуман керакмас. Ҳа, ҳа, умуман!.. Қайси олимпиадага боргансан?

Лобар бу одам жиддий гапираяптими, дегандек диққатназар қилди. Жиддий, эс-ҳуши жойида, ҳаттоки ичмаган ҳам.

— Олимпиаданинг нима алоқаси бор? — сўради Лобар.

— Катта ўйинларда қатнашган менми ё сен?!

— Қарта ўйинларини гапирдим. Миллионлар тикиладиган ўйинлар бор. Унга бутун дунёдан энг бой ва кучли қиморбозлар келади. Ўзимда пул бўлмагани сабаб бошқалар учун ўйнаб берардим. Албатта, ютардим. Кэтрина ҳам шундан қўрқиб мени йўқотмоқчи.

— Сени йўқотмоқчи? Буюк олимпия чемпионини-я! Менимча, сен ўзингни ўзинг йўқотиб бўлган кўринасан. — Кейину ўриндиққа чўкиброқ ўрнашаркан, тилла соат таққан қўлини силтади. — Ё Худойим, мен контрабанда билан шуғулланаяпман, деб гоҳо гуноҳларимни афв этишингни сўрайман. Бу дейман, оппоқман, шекилли. Мана, сен ёзган тақдир қанақа одамни йўлиқтирди! Жин урсин, аёл боши

билан қарта ўйнайди, дунё бўйлаб қиморхоналарни кезади. Мен-ку контрабанда молларини халққа арзонроқ сотаман, уларда йўқ нарсаларни, камёбларни, ноидирларни етказиб бераман. Жиноятим шу! Булар эса нақ иблиснинг ўзи! Қимор ўйнаб кун кечиради, бир-бирини хонавайрон этади, ўлдиради. Ҳатто, соғлом дунёдан ўрнак олиб, ўзларининг олимпия ўйинларини ҳам ўтказади...

Лобар европаликнинг ўз тилида олимпия ҳақида бир нималар деганини фаҳмлаб деди:

— Жаноб, балки мени тушунмаётгандирсиз?

— Бўлди, гапирма! — амр этди контрабандачи. — Сен ҳақиқатан, улар айтган аёл экансан. Битта нарсани тан олишингни истардим: эркак бўлсам-да, умримда қарта ушламаганман. Шунинг учун қарта унақа-қарта бунақа деб бошимни қотирма. Биринчидан, ҳеч вақони тушунмайман, иккинчидан, тушунсам ҳам ишонмайман. Ишонишим учун Кэтрина каби сени ҳам камида уч йилдан буён танишим керак... Ва мафиянинг зуғумини эшитишим керак.

— Миллиондан воз кечган инсонни биринчи кўришим, — дея Лобар кўзларини юмди.

Эркаклар ўз тилларида нималардир дейишиб, бош чайқашди. Улар асира аёлнинг кўзларидан ёш сизиб чиққанини кўрмадилар. Унсиз йиғлаётганига Лобар ҳайрон эди. Кўз ёшларини тўхтатолмас, хўрлиги келар, нима учун шу кунлар пешанасига ёзилганига фаҳми етмас, фақат ва фақат йиғларди, яшириб йиғларди.

“Нега қарта ўргандим? — дерди у. — Нега? Нима учун?.. Ўша кунларга лаънатлар бўлсин! Умримни қаро қилди, бахтимни адо этди, расво... расво...”

Машина узоқ юрди. Тонг ота бошлагач, улар кичикроқ шаҳар четида овқатланиб олишди. Албатта, ресторанда эмас. Рулдаги киши халтачада ул-бул олиб келди, машинада едилар.

Лаби-лунжини артган калбош:

— Лобар, — деди худди узоқ вақтдан бери танийдиган кишидек алланечук яқин олиб, — сенга раҳмим келади, ammo мен мафия асоратига тушиб қолганман. Уларнинг

буйругини бажармасам... Ўзинг тушунасан! Хуллас, сени ҳеч ким ўлдирмоқчи эмас. Эсон-омон Америкага олиб борсам, сендан ҳам, мафиядан ҳам қутуламан. Йўлда бирон ишқал бўлмаслиги учун, илтимос, чизган чизигимдан чиқма. Акс ҳолда кафолат беролмайман.

У гапининг хотимасида пиджаги барини очганди, тўппонча кўринди. Шу тобда сал наридан полиция машинаси ўтиб кетди.

— Сен танлайдиган йўл йўқ, — деди контрабандачи.

\* \* \*

Лас-Вегасдан йигирма беш чақирим нарида Кэтрина жодугарлик сирларини ўрганган уй бор эди. Қалбаки ҳужжатлар билан таъминланган Лобар юк кемасида Қўшма Штатларга етиб келгач, ўша уйнинг ертўласига банди этилганди. Қўриқлаш учун Кэтрина биттагина одам ажрата олди. Сир-асрорининг ёйилиб кетмаслиги гарови сифатида камсонли хизматчиларни раво кўрарди ўзига.

Бироқ уйда яна бир киши истиқомат қиларди. Лобар унинг исмига, насл-насабига, касбига қизиқмади. Шунчаки уй эгаси, оддий бир кампир деб ўйлади. Кэтрина келиб-кетганидан сўнг тўсатдан кампирга зимдан қизиқиш уйғонди...

Ўша куни эшик оҳиста ғийқиллаб очилди ва остонада жодугар Кэтринанинг шахсан ўзи намоён бўлди. Уйқусираб ётган Лобар унга кўзи тушган ҳамона илкис бош кўтарди. Кэтрина жилмайиб, ноз-ла сузилиб, тўшакнинг бир бурчинини эгаллади.

— Хўш, қалай?

— Мақсадингиз нима ўзи? — деди Лобар.

— Мафия мени четга суриб ташлади. Энди она шахримдан ўзга маконда қарта ўйнамаслигим даркор. Бу мафия қўйган шарт! Майли, нима ҳам дердим. Қиморхоналарга бормас эканман, қиморбозларнинг ўзлари Лас-Вегасга келишади.

— Мени булар қизиқтирмайди, Кэтрина. “Мақсадингиз” деб бу ёқларга олиб келишингизни, бандиликда ушлаб туришингизни айтаяпман.

— Шошилма! Гапимни охиригача эшит. Қиморбозларнинг аксариятини жалб қилиш учун янгича турдаги қиморхона очишга қарор этдим. Унда қартабозлар ниқобларда, қора кийимларда ўтирадилар. Хона эса хира ёритилади. Бир четдан ҳазин мусиқа таралиб туради. Мен эса ўйнамайман. Юзимни очган ҳолда четроқда қўр тўкиб ўтираман. Қўлимда узун мундштукли сигарет. Иккинчисида йккита соққа. Столим устида эса қалла суяги шаклидаги кулдон. Қиморбозлар қартахона соҳибаси мен эканлигимни кўриб қўйишсин. Ва айниқса, қарта ўйнамаётганим хотиржам қилсин уларни. Сен эса чўлоқ чолларнинг ҳузурида мени қандай ютган бўлсанг, уларни ҳам шундай ютасан. Айтиб қўяй, биронтасига бой берсанг, ўлдираман. Айтганим, албатта, бажо бўлишини биласан-а?!

Кэтрина мағрур ҳолда шифтга боқди. Сўнг Лобарга қия назар ташлади.

— Ўғлинг ҳеч тутқич бермаяпти, шундайми?

Лобар юзини четга бурди, уф тортди. Машҳур қиморбознинг яккаю ягона фарзандини фаройиб йўл билан ўғирлаб кетишганини кўпчилик эшитган. Топиб беришни дастак қилиб, ўз ноғорасига ўйнатишни истаганлар қанча.

— Ўғлимни сизга ўхшаган мингта аёл жонини жабборга бериб ҳам тополмайди, — деди Лобар зарда билан. — Ундан кўра Кувондан сўзланг, тириқ қолдиргансиз, деб умид қилиб ўтирибман.

— Тириқ у. Агар ўлдирсам, икки дунёдаям йўригимга юрмасдинг.

— Ишонтиринг.

— Андерсон, телефон! — буюрди жодугар.

Шу заҳотиёқ телефон келтирилди. Жодугар рақамларни терди. Овоз кучайтиргични босиб, Андерсонга имо қилганди, йигит тўппончасини чиқарди-да, Лобарнинг чаккагига тиради.

— Мабодо оғзингни очадиган бўлсанг у ҳеч қандай фокуссиз ўқ узади. Бу галги ўқ резина тўпча эмас.

Кэтрина рақам кўрсатгичи йўқ оддий уй телефонига — Лобарнинг ота уйига қўнғироқ қилганди. Кимдир, қариндошларнинг қизларидан бири гўшакни кўтарди:

— Алло, эшитаман, — деди ўзбекчалаб.

— Уй сотади, деб хабар топдик, — Кэтрина русчалаб сўзлади. — Нархи қанча?

— Ҳозир тоғамни чақирай...

Шундан сўнг қиз тоғасини — Лобарнинг укаси Соҳибни чақира бошлади. Овоз олидан эшитиларди, эшик шарақлагани ҳам қулоққа чалинди. Лобар пастки лабини тишлади, стулни асабий чангаллади, ранги бўзариб, томирлари бўртиб чиқди.

У ота уйининг садоларини тинглаб ўтирарди. Ҳақиқатан олидан келарди бу саслар. Курраи заминнинг нариги томонидан, бепоён Осиёнинг ўртасидан.

Оҳ!..

Лобарнинг боши шилқ этиб тушди. Гавдаси-да мункиб кетди, лекин йиқилмади. Ўқчимоқчидек ҳиқ-ҳиқ этди.

— Алло... — деди Соҳиб.

— Уй ҳақида сўраяпман. Сизларда ҳовли сотилармиш, ростми?

— Ким бу? Таниш туюлаяпти овозингиз?

— Э, йўқ, мени мутлақо танимайсиз. Телефон рақамингизни Қувон исмли йигит берди.

— Қувон аками? У Баҳром акамнинг қўл телефонини биларди, уникини қаердан олди экан?

— Олгандир-да. Хўш, ҳовлига қанча сўрайсиз?

— Икки юз минг сўраяпмиз.

— Ўҳ-ҳў, қиммат-ку. Эшитишимча, уй сизнинг номингизда эмас экан.

— Опамники эди. У киши қазо қилдилар. Уй ўз-ўзидан бизники бўлди. Хужжатларидан хавотир олманг, хола...

— Қувоннинг ўзини тополмаяпман, — деди Кэтрина ижикилаб.

— Ўтган ҳафта ускуналарига келиб, Баҳром акам билан

гаплашган экан, шундан бери кўрганимиз йўқ. Уй олмоқчи бўлсангиз, Баҳром акам билан гаплашаверинг... Исмингиз нима?

— Яхши қолинг, йигит, уйингиз қи... мат экан. — Кэтрина телефон тугмачасини босди, Андерсон тўппончасини қўйнига тиқиб, бўсағага қайтди.

— Кўрдингми, — деди Кэтрина тақ-туқ юриб келиб, — Қувон ҳам, бошқалар ҳам соппа-соғ, фақат сен уларнинг назидида ўлгансан. Ҳатто, Қувон билмайди ҳаёт эканлигингни. Томоша шунинг учун эди. Муҳими, мафия ҳам сени рўйхатдан ўчирди. Қандай яхши! Қандай бахт! Сен энди америкаликсан, Лобар. Аввалги ҳаётингдаги одамлар учун йўқсан.

— Лекин...

— “Лекин”инг нимаси! Казино маликаси бўлиб яшайсан. Истаган жойингдан уй олиб бераман. Машина, банкда ҳисоб рақами...

— Тушунишимча, қарта ўйнашим керак.

— Албатта-да! Қартани оддий ўйиндан саноат даражасига чиқарамиз. Бу саноат бутун дунёни қамраб олади. Нақ пуллар тоғи! Сенга бошқа йўл керак эмас. Миянгни ишлатсанг-чи, ахир! Одамлар беш юз доллар учун нималар қилмаяпти. Ўзинг ҳам кўргандирсан?

— Лобар бошини кўтарди. Сочини тузатиб қўйди-да, деди:

— Мақсадингиз шу эдимми?

— Шу! Беқиёс истеъдодинг ҳурмати опа-сингил тутинишни Туркияда қарта ўйнаганингдан бери интизор кутаман. Барча қўполликларимни унут. Бу бошқаларнинг кўзи учун қилинган амаллар.

— Уйлаб кўришим керак, — дея Лобар совқотаётгандай жунжикди, билакларини ишқалади, хонанинг нариги четида юриди.

Кэтрина кулимсираб, ундан кўз узмай турарди. Қўлида ҳамон Андерсоннинг телефони.

— Ўғлинг чечен жинойтчилари қўлида, — деди у. — Исми Парвиз, етти ёшда. Италияда бир неча марта жарроҳлик столига ётган. Соғлиғи унчалик яхшимас. Рус, инглиз, чечен ва... нима эди-я... ҳа-ҳа, ўзбек тилларида сўзлай олади.

Лобар тошдай қотиб эшитарди. Кэтрина ғолибона давом этди:

— Менда рақамлари бор.

— ...

— Ҳозир атиги бир неча тугмачани босаман ва... — Жодугар атайин тўхтади. Кўзлари ёввойи мушукникидек ёниб, Лобарга тикилди.

— Кимнинг?.. — деб сўради Лобар. — Кимнинг телефон рақамлари бор сизда?

Кэтрина тез юриб борди-да, осиелик қиморбоз аёлни бағрига босди, сочини силади. Гўё икковини ҳам битта қайғу чирмаб олганга ўхшарди.

— Кимнинг?! — такрорлади Лобар Кэтринани нари итармоқчи бўларкан. — Ўғлимнингми?

— Менга ишон, айтганларимга кўнсанг, болангни топиб бераман. Қўлимда қанча ахборот борлигини кўрмаяпсанми? Ҳозиргина бир чимдимига гувоҳ бўлдинг. Лобар, шунча гапимдан кейин ҳам кўнмасанг... билмадим, сени тентак деб атайман.

— Қарта... Нега фақат қарта?! — зорланди Лобар.

Шунда жодугар қулоғига шивирлади:

— Сен ҳам мен каби қартага жодулангансан. Ундан фақат ўлиб қутуламиз, ўлиб.

— Қарта ўйнама деди, ўйнадим — қўлим куйди, — пичирлади Лобар, — қарта ўйна деди, ўйнамадим — уйим куйди.

“Қора қарта рақси” устаси Лобар ва қиморбозлар жодугари Кэтрина шу тариқа ягона қарта столига ёвуз кучларини бирлаштирдилар.

\* \* \*

Кэтрина битимдан сўнг гапни эркакларга бурди.

— Билишимча, Қувон сенинг жазманинг эмас.

— Жазман? Бу жуда қўпол гумонсираш, Кэтрина.

— Жазманинг эмас деяпман-ку.

— Барибир шунақа ўйлайдиганлардан ҳеч қутулмадим-да. Агар ўзбекона ҳаёт тарзидан хабардор бўлсангиз, аёл

ёки эркакнинг ўйнаши борлиги, кечириб бўлмас жиноят ҳисобланди. Ҳатто, бир одамнинг устидан ўзларича ўлим ҳукмини ўқишлари ҳам мумкин.

Жодугар мийиғида кулиб. Лобарнинг қўлини силади.

— Ваҳимали қилиб айтма, асалим. Мен ҳаммасини биламан. Балки биронтаси жаҳл устида хотинини ўлдириб қўйгандир, лекин ўзларича суд қилиб қатл этиш — чўпчак. Хотинини ароққа алмаштириб юборишади, керак бўлса.

— Бизда араб тилидан ўтган “зино” деган сўз бор. “Фаҳш” ҳам унинг бир маънодоши. Фаҳш ишини қилувчи кимсага бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жирканч махлуққа қарагандек қарашади. Фаҳш ҳеч қандай сабаб билан оқланмайди, гапимнинг маъносини тушунаёпсизми? Агар мен бир эркакни севиб қолсам, эркак ҳам мени севиб, висолимга эришиш учун Ер юзидаги жамики одамларни ўлимдан қутқариб қолсаю сўнг инсоният қаҳрамони сифатида ҳузуримга келиб, бир кеча ёнимда қолса, билингки, барибир у жирканч махлуқ. Ҳа, мен никоҳидаги хотин эмас эканман, у жиноятчи бўлиб қолаверади.

— Аҳмоқона қонун! — эътироз билдирди жодугар. — Севги-муҳаббат...

— Йўқ, бу фаҳш деб аталади, севги эмас! Бутун дунёни халос этиш даражасидаги қудратли инсон нима учун ўзининг майлини, иблисона майлини тиёлмайди?! Демак, у аслида иродасиз ёки иродага ўхшаган кучга эга кимса.

— Миянг ёшлигингдан бошлаб бирёқламалик билан заҳарланган. Эрини севмай яшаган аёлнинг кўнгли бошқада эканлиги, кўнгилнинг устунлиги сенларда юқори баҳоланади-ку. Китобларингдан, қўшиқларингдан, фильмларингдан билса бўлади. Сен ҳозир ўзингни юксак тарбияга эга шарқ аёли қилиб кўрсатмоқчисан. Баъзан мусофир осиеликларнинг шунақа жини тутиб қолади.

— Худога шукр қиламан, — деди Лобар ва бирдан мавзуни ўғлига бурди: — Ўғилчам ҳақида анча маълумотга эга экансиз. У ҳозир қайси мамлакатда?

Лобарнинг хотиржам сўраши Кэтринага ёқмади, талвасага тушишини истаган эди. Шунинг учун елка қисиб, лаб бурди.



— Билмайман... Аниқроғи, бола ҳақида маълумот олишинг учун аввал хизматни бошлашинг керак. Кейин ўз-ўзидан “билиб қоламан”. Хизматинг эса шахсинг номаълумлиги билан чамбарчас боғлиқ. Қиморхонада мендан бошқа сени бир эркак танийди, ҳолос. Исми Жорж, ёши йигирма иккида. Жуда сенбоп йигит. Ўша сурбет Қувонни бежиз сўрамадим, ахир. Нима керак хоин дўст сенга? А?! Жорж эса ўктам йигит. — Кэтрина кўз ости билан қаради. — Унинг оҳанрабоси сендаги диний қуллик занжирларини узиб юборади. Менга ишон, асалим.

Лобар кулмоқчи эди, чиқмади: лаблари беўхшов қийшайиб кетди. Бармоқлари ниманидир таъкидламоқчи бўларди.

— Менга ўйнаш тавсия этаяпсизми? Бу нима керак сизга?

— Сенга чек-чегарасиз эркинлик ваъда қиляпман, Лобар. Менинг қиморхонамда ўтириб, юзлаб, минглаб қиморбозларни эзиб-янчаркансан, албатта, толиқасан. Сауналар, массажлар, чиройли ресторанлар жонингга оро кириши лозим. Ёнингда мен ҳамроҳ бўлиб юришимни истамассан?! Ёлғиз ўзингни эса одам бижғиб ётган шаҳарга қўйиб юборолмайман. Демак, сенга ёш, бақувват, ёқимли эркак керак. Худди шундайи бизда бор...

Кэтрина ўзининг Жорж билан кечган ишқий саргузаштини айтиб юборишига бир баҳя қолди. Ҳарҳолда, Лобар қандай тушунишини у биларди.

Юзи тундлашган Лобар Кэтринага аламли нигоҳ ташларкан:

— Жоржни қўйинг, — деди. — Шаҳар кўчаларини кезиш ниятим йўқ. Уғлимни соғ-саломат кўрсам, шунинг ўзи менга беқийёс ҳаловат. Гапларингиздан сезиляаптики, сиз Парвизнинг қаердалигини аниқ билмай, тилёғламалик қиляпсиз. Қиморий кайфият уйғотиш илинжида эркак ҳам таклиф этаяпсиз. Лекин мен қарта ўйнамасдан иложим йўқлигини тушуниб ўтирибман. Саунаю эркаклар... Буларни бошқа гапирманг!

— Сен нима десанг шу!

— Қарта ўйнайман, бироқ ўғлимни топиб беришингиз шарти билан! Ҳақиқатан, ахборот кўламингиз кенглигига ишондим, Кэтрина.

Жодугар ёйилиб кулди. Шунда Лобар эҳтиёткорлик ила сўради:

— Қувонни нима учун хоин деб атадингиз? Шунчаки ҳақоратми?

— Йўқ, у сени “Широи одори” уюшмасига сотган. Қолаверса, Токиода изингдан пойлаган.

— Бўлиши мумкинмас.

— Нега мумкинмас! Ахир, Вадуд чол сен билан бирга Токиога борганлигини у қаёқдан билди?

Лобар ҳайрон бўлмади. Биронтасидан сўрагандир-да. Ҳозир нима кўп — чўнтак телефони кўп; интернет алоқаси ҳам авж олган.

— Дастлаб мен уни хавфсизлик хизмати жосуси деб ўйладим, — деди Кэтрина. — Бироқ “Широи одори” уюшмаси одамлари билан гаплашиб, амин бўлдимки, у бир тентак.

— Мен билганлар ичида энг яхшиси Қувон, — эътироз билдирди Лобар. — Ортимдан жосуслик қилишига ишонмайман. Ўлса ўладики, мени сотмайди. Японияга нима мақсадда борганлиги менга маълум, лекин сизга очиқроқ айтмайман. Ўйлаганингиздек, у ҳеч қанақа хавфсизлик ходими эмас. Жиноий уюшма атрофида ўралашиши эса, албатта, хато. Буни “шахсий иш” деб ўйлайди.

— Ўҳ, ҳаммасидан хабаринг бор экан-да.

— Ёшгина хотинини қиморбозлар ҳаммомда ўлдириб кетишган. Бу ҳам бир тухмаг оқибати! Қувон қиморбоз эмас. Қотиллик — нотўғри маълумот туфайли содир бўлган. У ботиб қолган ботқоқ мана шу.

Жодугар Кэтрина муғомбирона кўз юмиб, деди:

— Ботқоқда мен ҳам борманми? Айтмоқчиманки, оёғи тагидаги балчиқнинг бир қисми менманми?

— Йўқ.

— Нега энди?

— Жуда билгингиз келаяптими, Кэтрина?

— Ҳа-да. Бекорга жағимни қимирлатмайман.

— Унда эшитинг. Сиз россиялик полковник Иволгиннинг

ботқоғисиз. У сизни ўлдирмоқчи бўлганини эшитганман.  
— Ана янгилик! — Кэтрина кўзларини очди. — Қизиқ,  
унга нима ёмонлик қилибман, негадир эслолмаяпман.  
Тўхта-тўхта, Иволгин, ахир, сенинг Токиодаги ҳамроҳинг,  
аниқроғи, бошлиғинг эмасми?

— У бир неча марта менинг бошлиғим бўлган, —  
деди Лобар. — Лекин ҳозир айтган гапимни Японияга  
бормасимдан аввал эшитганман.

Бу билан жодугарнинг нуқтаи назари ўзгармади. У  
барибир Қувон мавзусига қайтди.

— Мафиянинг айтишича, — дея сигарет тутатди. — Қувон  
бир неча қиморбозларни, жумладан, сицилияликларни ҳам  
отиб ўлдирган. У бир томондан сенга, иккинчи томондан  
эса чечен мафиясига боғланган. Топдимми?

— Чечен мафияси? Қувон билан?.. Ҳақиқатдан анча  
йироқ, Ердан Ойгача.

— Уэр. Адашибман, — бош чайқади Кэтрина. — Шомилни  
мафия билан кўп чалкаштираман-да. Ўша иккинчи эринг  
аслида ким?

— Нима иш билан шугуланишини аввал ҳам билмаганман,  
ҳозир ҳам.

— Билмасдан турмушга чиққанмисан?

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ.

— Ҳа, майли, айтмай қўяқол. Уни тилга олганимнинг  
боиси шуки, менинг изимга аллақандай истеъфодаги  
полковник эмас, худди ўша Шомил тушган. Айбим қарта  
ўйнаганим экан. Эшитаяпсанми, қарта ўйнагани учун одам  
ўлдирилса, аввал сен ўлишинг керак. Чунки сен уларникисан.  
Ўзиникини ўлдириб, намуна кўрсатиши лозим.

— Кэтрина... — Лобар унинг гапини кесди, — Кэтрина,  
Шомилни биларкансиз, душман экансиз, қандай қилиб  
ўғлимни топиб бермоқчисиз? Ўғирлайсизми, тортиб  
оласизми? Сизга бўлган ишончим йўқолапти.

— Ўша ўғлинг ҳечам Шомилнинг кўлида эмас. Халоскоринг  
икки марта ғафлатда қолган: биринчисида, сени русларга  
алмаштириш баҳонасида ўғлингни ҳам, сени ҳам олиб  
қочишни режалаштирган, иккинчисида, атрофдаги

кавказликларга ортиқча ишониб юборган. Улар болани олган-да, Греция қайдасан деб қуённинг расмини чизиб юборган.

Лобар жодугарга тан берди. Бунчалик кўп маълумотларни билиш учун одам ростдан жодугар бўлмоғи даркор эди. Истаган мамлакатига кўнғироқ қилиб, кимнинг қаердалигини сўраб олади, таржимаи ҳолларни-ку қийиб юборади.

— Уни соғ-саломат кўрсам, ҳамма айтганингизга розиман, — деди Лобар. Бир оздан сўнг ўйчан қиёфада ўзбек тилида нола қилди: — Бечора гўдаккинам! Болажонгинам!.. Онангнинг дастидан қандай кунлар тушди-я бошингга!

Кэтрина ўрнидан турди. Лобар унга қараркан, қимор оламида нафақат ўзининг, жодугар саналмиш қирққа кирган манави қирчиллама хотиннинг ҳам тақдири қил устида эканлигини англади. Чечен киллери битта ўқ билан умрига яқун ясаши мумкин. Япон, рус, итальян мафиялари ҳам бу жодугарни истаган вақтларида ўлдира оладилар. Бироқ жинойт олами жинойтчилар эвазига яшайди ва Кэтринага ўхшаганлар осонгина ўлиб кетавермайди. Ҳам осон, ҳам қийин! Бир сониядан сўнг нима бўлишини билмайди, деб кўпроқ шуларни айтса ярашади.

Эшикка етган янги хўжайин бошини хиёл буриб, шароит ҳақида суриштирди.

— Ўғлимнинг топилишига умид мени чидашга мажбур этапти, — деди Лобар.

Кэтрина бир қадам ташлаб, яна тўхтади.

— Бу хонани жаннат деб тасаввур қилавер. Сен Анна Сергеевна қабри қаердалигини биласанми?

— Анна Сергеевна... — Лобар олис чўққидан тош юмалаб, ҳадемай етиб келишини кутаётгандай қўрқув-ла тикилди.

— ...Анна Сергеевна Туркияда ўлдирилган. Уни ўзларининг жинойт тўдаси бошлиғи қартадан ютқазганликда айблаб отиб ташлаган.

— Биламан. Лекин сен мозори қаердалигидан хабардормисан, йўқми?

— Йўқ. Туркиядаги биродарлик қабристонидан бўлса керак.

— Адашасан, у шу ерда.

Лобар ишонмади. Тошқалъада жони узилган кампирнинг мурдаси қандай қилиб Америкага келиб қолади? Бу ишни ким ҳам зиммасига оларди? Бир вақтлар энг яқин кишиси Лобар эди. Билардики, унинг севимли инсони, қайғурадиган қариндоши, биронта ҳам меҳрибони йўқ.

— Мурдани олиб келиш кимга зарур экан? — деди Лобар.

Кэтрина елка қисди ва:

— Уни соғинганмисан? — деб сўради.

— Нега соғинарканман? Агар ҳаёт бўлганида ҳам бориб кўрмасдим. Бир вақтлар онамдай бўлган. Ундан кўрган яхшиликларим ўрнини ёмонликлари шунчалар босиб кетдики...

Кэтрина совуқ кулимсираб, эшикни очаркан, дона-дона қилиб деди:

— Лобар, устознинг қадрига етмайдиган аблаҳ шогирдсан. У сени ҳеч қачон қарта ўйнашга мажбур этмаган. Ҳаммасини ўзинг бошладинг. Эҳ, менинг устозимни кўр сен: шу уйнинг бахтли соҳибаси!

\* \* \*

Лобар шинам безатилган ертўлада ёлғиз қолди. У руҳан қимор ўйинларига тайёр эди ва бандиликдан халос бўлиб, ўғлини топишнинг ўзга йўлини кўрмасди.

Илк бор уй соҳибасига қизиқиб, у ҳақда ўйлай бошлаган кунда овозини ҳам эшитди. Ё тавба, кампир худди Лобар хоҳлаганидек рус тилида бийрон сўзларди.

— Андерсон, — деди у эшик яқинида туриб, — аҳволи яхшими меҳмонимизнинг?

— Буни мендан кўра яхши билсангиз керак, хоним, — жавоб берди қўриқчи ҳам русчалаб.

— Мени ҳалигача жодугар деб ўйлайсан чоғи, кўрмасам қандай биламан?! — ҳасса дўқиллади, кампир ўзига ярашмаган чаққонлик ила тез юриб келди. — Жим-ку! Анави алвасти юмма талаб кетмадими?

- Йўқ, – кўрс оҳанг эшитилди.
- Эшикни оч.
- Тушунмадим...
- Эшикни оч!
- Эшикними?
- Ҳа-да. Сен нимани ўйлагандинг, ярамас!

Андерсон уни аврай бошлади. Бу ерга тушиш жисмонан толиқтиришини, шифокорларнинг маслаҳатларини, ҳассадан кўра аравача қулайлигини – кўп гапларини қалаштириб ташлади.

Шовқин тингач, Лобар оёқларини қучиб, тиззаларига бош қўйди. Кишида баъзан шундай туйғу пайдо бўлади: узоқ ўлкаларда юрганидан ҳайқиб кетади. Бир вақтлар Лобар Тошкентга боришни мушкул сафар ҳисобларди. Энди эса Москва, Истанбул, Қоҳира, Афина, Ўлик орол, Дубай, Макка, Токио ва мана Лас-Вегас. Худди келинлик даврига қайтиб қолгану тўсатдан ўзини Америкадаги бир уйда асира ҳолида кўриб юраги ёрилаётгандек туюлди унга.

Алламаҳалда тўшагига чўзилди. Андерсон киритган овқат ҳар доим жуда ёқарди: қовурилган жўжа гўшти, Канада унидан ёпилган бўрсилдоқ нон, Бразилия кофеси, ичимликлар. Бироқ ҳозир иштаҳаси бўғилиб, шифтга қараб ётибди. Ўтган дамлари кўз ўнгида лип-лип жилоланади. У энди ҳеч кимга айтолмайдиган сирлар тоғ мисоли йўлини тўсади. Масалан, Қувоннинг номига олинган ов милтиқда қиморбоз-босқинчиларни отиб, биринчи бор қотилликка қўл ургани! Ёки Ўлик оролда, Грецияда одам ўлдиргани... Қолаверса, халқаро қиморбозлар ва мафия даврасида турли жиноятларга гувоҳ бўлгани...

Йўқ, у кўрган-кечирганларини оқизмай-томизмай ҳуқуқ-тартибот органларига ёзиб беришга қодир эмас. Юраги дов бермайди. Бирдан бахтли бўлиб қолишни истайди. Ўғлини топсаю ортида қолган жамики азоблар, кирдикорлар унутилса, ҳаётини қайтадан бошласа.

Ҳа, қайтадан бошласа! Жўнгина эмас, бир сеҳргар пайдо бўлса-ю унга: “Лобар, қизлик даврингга қайтиб қолишни истайсанми?” деб сўраса. Маъруфга ҳеч қачон

хотин бұлмасди. Майли, Абдулла акага — учинчи эрига турмушга чиққан, учинчи эри ҳам уни қартага тиккан ўша мудҳиш кунга қайтиб қолса ҳам рози эди. Идиш-товоғу уй-жойини сотиб, қарзга ҳам ботиб қиморбозлар сардориникига борардилар, пулларни берардилар. Бироқ “эркак бұлсанглар мен билан ҳам ўйнанглар” деб ўз “санъати”ини намойиш этмасди, сирини очмасди.

Ҳақиқатан, қимор ҳаром экан!

Унинг пуллари Лобарга буюрмади.

Қалбида эзгуликни сақлаб қолишга қанчалик уринмасин, залолатга юз тутди...

Шу кеча Лобар тушида бир ит билан олишиб чиқди. Катта овчарка эмиш. Эгаси “ҳечқиси йўқ, тишламайди, шунчаки эркаланиб ўйнамоқчи”, дермиш. Аммо итнинг кўзларида газаб зуҳурланибди, Лобарга осилиб, юз-кўзларини ялай бошлабди. Фижинишдан ҳам қўрқув устун келган Лобар гапирмоқчи бўлса ёки итни ўзидан нари сурмоқчи бўлса, қозик тишлар кўринармиш. Ана тишлайди, мана тишлайди, деб-кутибди. Ўтган-кетганлар эса парво қилмасмиш. Қайси ит эгасига эркаланмаган? (ахир, бу ҳолатда Лобарни эгаси деб ўйлашади-да.)

— Қутқаринглар, мен итнинг эгаси эмасман...

Лобар ўз овозидан чўчиб уйғонди. Хаёл суриб ётганича ухлаб қолганини, ҳозиргина кўрганлари туш эканини фаҳмлади. “Уйқуда гапирадиган ҳолга ҳам етибман”, — хўрсинди у.

Шу пайт ёнгинасидан хириллоқ овоз эшитилди:

— Салом, Лобар.

Заиф чийиллаб юборган Лобар ўзини тўшакнинг нариги томонига отди. Хира ёруғда бир шарпа қад кўтарди ва шу заҳотиёқ кампир эканлиги маълум бўлди.

— Салом... — иккинчи марта салом берди у.

— С... са-лом... — Лобар кўрпани кўкраги қадар ёпди. — Сиз Мая Харисонмисиз?

⇒ Тўғри, Мая Харисонман. Шу кошонанинг ёлғиз соҳибаси. Фамилиямни қандай билдинг?

Лобар бош чайқади. Ростдан у Харисон тилига қандай келганини тушунтириб беролмасди.

— Бери кел, — имлади кампир.

Лобар унга яқинроқ сурилди.

— Келавер, еб қўймайман.

Лобар икки қарич нарида букчайиб ўтирарди. Шахло кўзлари йилт-йилт этиб, жодугар Маянинг завқини келтирди.

— Хуш келибсан, қизим, — деди кампир касалманд товушда.

— Хуш... — Лобар давом этолмади.

— Бугун эски ҳунаримни эслаб қолдим. Нега десанг, сени жуда-жуда кўргим келди. Бу сендан таралаётган кўзга кўринмас яхшилик нури, болагинам.

Лобар боши ила унинг гапини тасдиқлади.

— Яхшилик нури кўзга яққол кўринмайди. Нурдан ҳам кўра радиотўлқинларга ўхшайди. Юрагингда тоза жойлар кўп экан. Ҳозир йиғлаяпти, қулоқ сол.

Лобар индамай тикилиб ўтираверди. Гўё кампир ҳам рўё эди.

— Йўқ, юрагинг қандай йиғлаётганини эшитмаяпсан. Чунки... бегонасан. Борган сайин бегона бўлиб бораяпсан, ўзингга!

Лобар у билан гаплашолмаслигини ҳис этиб, нуқул бошини лиқиллатарди. Эшик ёпиқлигини, кампир шовқинсиз қандай кирганлигини ўйлар, калласига жўяли бир фикр келмас, у мендан нима истайди, деб боқарди.

— Эски ҳунарим мана шунақа, — дея жодугар Мая қўлларини Лобарнинг юзи атрофида айлантирди. — Фишт, ҳишт, хушт... — Кейин кўзларини чарақлатиб сассиз кулди. — Ниманидир ҳис қилдингми, қизим?

Ёлғондакам бош қимирлатмоқчи эди, кампирнинг ўткир нигоҳидан “ёлғон сўзлама зинҳор” маъносини уқди.

— Мен кўрқувни ҳис қилаяпман, — деди Лобар.

— Нега айнан кўрқувни? Ахир, камина сенинг ягона ва сўнгги нажоткорингман. Эшитаяпсанми, сени халос этаман, бу чиркин йўлдан халос этаман. Кэтрина жодугар эмас,



сен ҳам жодуланмагансан. Гирдоб тубидаги жодуланган зот менман. Айлантираяпман, айлантираяпман, ҳамманг ўзингни ташлаб ётибсан. Икковинг ҳам аёлсан. Нима керак бу?!

— Сизни аввал кўрмаганман, хоним. Мен Ўзбекистон деган олис юртданман. Қимор йўлига киришим ҳам бошқа сабаблар орқасидан...

— Битта гапни тушун: мен қимор салтанатининг маликаси эдим. Дунё қиморхоналарию қиморбозлари менинг ҳукмдорлигим остида яшардилар. Нима бўлса мен туфайли, нима бўлмаса ҳам мен туфайли!.. Балки уларга мактуб юборган ёки сим қоқиб турган деган ўй туғилгандир сенда. Йўқ! Қартабозлар билан деярли сўзлашмаганман. Яширмайман, уларнинг баъзилари хат жўнатишган, кўнғироқ қилишган, ёвуз кучимдан баҳра олиш учун остонамга кўрпа-тўшак солиб ётишган. Мақсад — кучли қиморбоз бўлиш! Қара, қандай қабиҳ мақсад! Парвардигори олам кечирсин, гуноҳларимни мағфират қилишини сўраб тавба қилганман, узр, сени ҳам ўша қавмдан дебман. Неча кундирки, юрагинг эзгулик нурини таратиб, кўнглимни бўшатиб юбораяпти. Кечир, қизим, мусибатларингга сабабчи бўлиб қолдим. Аввал кўрмаганман дейсан, лекин қарта ўйнаганмисан? Ўйнагансан. Бирйўла мўмайгина пул тушса, қувонганмисан? Ютганинг сайин завқинг келганми? Ҳар гал янги қўлга қараганингда “зот”лар, тузлар, беқиёс козерлар ҳузур бағишлаганми? Ҳа-а... Демак, мени кўргансан, болажоним. Мая Харисон қаршингда турган. Бунинг учун кечаю кундуз дуо ўқирдим. Жодуланган қарталарни бутун дунёга тарқатардим. Лотин ёзувли, кириллча, хитойча, арабча... Ҳатто, беҳаё аёллар сурати акс эттирилган қарталарга ҳам дуо ўқирдим. Илоҳиётнинг бир қонуни бор: руҳоният оламида ёвуз кимсаларга ҳам ўрин ажратилади. Бу ўринга эга чиққан бадниятли киши жодулайди, дуоибад қилади, бировни эсидан айиради, фол очади, ҳатто, уруш бошлайди. Дарвоқе, фол очирганмисан?

— Ҳа, қишлоқнинг фолбини очган.

— Мен Кэтринага айтганман, сенинг қаерда ўлишинг

башорат қилинганини! У Японияда шу саҳнадан фойдаланди. Шунини айтадилар, фолга ишонсанг, сени таъқиб этади, деб. Ишонмасанг, яхши ниятларингни амалга оширишдан чарчамасанг, фол ёлғон бўлиб чиқади.

Лобар бу кампир билган нарсасини аввал сўраб олишига диққат қиларкан, сеҳргарми ёки бисотидаги маълумотлардан усталик билан фойдаланаяптими — англашга уринди. Назарида, у ўз фикрига ишонмай аввал сўраб оладиган эҳтиёткор одамга кўпроқ ўхшарди.

Лобар битта савол билан кимлигини аниқлаш мумкинлигини ўйлаб деди:

— Кечирасиз, бу ерга қандай кирганингизни кўрсата оласизми?

— Эски ҳунар, қизгинам.

Лобар кўрпани сидириб, дивандан тушди. Кампир ғалати қизиқсиниш ила кузатиб ўтирди. Эшик қулф эди.

— Қандай кирганлигингизни айтмай қўя қолинг. Лекин мени қутқара оласизми?

— Бунини айтдим.

— Кўп нарсани биларкансиз. Менга айтинг-чи, ўғлим...

Шу вақт соат занг урди. Лобар ертўлада соат борлигини энди пайқади.

— Кечикдинг, — деди жодугар Мая, — афсус, кечикдинг. Жинларим айтаяпти, Худо ўладиганлар рўйхатига менинг исм-фамилиямни ҳам қўшиб қўйибди. Ҳар йили Шаббон ойида дейишяпти. Бу йилги рўйхатда бор эканман. Шаббон ойи... шаббон... Бизнинг қайси ой, Лобар? Ўлишимни кўнглим сезаяптию, аммо куни ва соатини ҳам билсам дегандим... Охирги гапларим... Эшит! Сен болангни топасан, бахтли бўласан, бир ишинг туфайли Худо томонидан кечирилиб, ёруғ манзилда ўласан... Аммо барчаси ўзингга боғлиқ. Анна Сергеевнанинг ҳузурда ўзингни бардам тут, иблиснинг гапларига учма...

Кампир тўшакдан думалаб тушди-да, инқиллаб-синқиллаб эшик сари юрди. Биқини оғриётгандек чап ёнини ушлаб, оёғини судраб босарди. Яқин келганда, Лобар юзи чидаб бўлмас азобдан даҳшатли қиёфа касб этганини кўрди. Чинқириб юбормаслик учун оғзига қафт

босди. Бечора жодугар биқинини эмас, пастга тушган қора юрагини чангаллаётгани Лобарнинг хаёлига-да келмасди.

— Анна Сергеевна ўлган-ку... Уни яна кўраманми? — савол берди титраб Лобар.

— Ўлган бўлса ўлган-да! — жеркиди кампир ихраган алфозда.

Оғриқ важидан гапириш малол келаётганини тушунган Лобар оғиз жуфтлаган кўйи қотиб қолди. Жодугар эшик пойига йиқилди. Лобар кўмаклашиш учун унга сари юрди, аммо қатъий амр эшитилди:

— Қўлингни теккизма, ўрнингга ёт!

— Ҳеч бўлмаса айтинг...

— Йўқол!

Лобар тушуниб-тушунмай тўшак томон чекинди, ҳолсиз ўтирди, сўнг оҳиста ўзини ташлаб, кўрпани ёпди. “Булар яна қанақа томошалар кўрсатмоқчи-я?!” — кўнглидан кечирди у ва уф тортди.

\* \* \*

Курраи заминнинг Америкадан энг олис гўшаларидан бирида Қувон акса урди. Шу тобда у “Лобар тирик, яқин-орада уни, албатта, топаман”, деб ўйлаб ўтирганди.

— Ҳаққас рост, — деди ўзига ўзи.

Кейин эса яна тасмаларга битилган товушларни тинглашга тушди. Улар Лобарнинг ҳовлисидаги ертўлада жойлашган махфий овоз ёзиш ускунасида ёзилган эди.

...Буниси Лобар ва Фароғатнинг соатлаб қурган суҳбати. Ўшанда Фароғат исмли келинчак кўп келинли оилада содир бўлган воқеа, куёвининг қиморга муккасидан кетиши, алалоқибат бор-шудини бой бериши ҳақида бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб берганди. Лобар уларга ёрдам берди. Бегона бир келинчакни халос этиш учун “Ситора” меҳмонхонасида япон қиморбозларига қарши ўйнади:

“Ким Лобарга ёрдам беради? Ким қутқаради уни? — деди Қувон хаёлан. — У ўлмаган... Бунда Кэтринанинг бир найранги бор... Мен ҳам аҳмоқман. “Широи одори” қароргоҳига тўғри

кириб бораманми? Кимман ўзи? Жиноят олами қонунларини унча-мунча биламан-ку! Ё Шомил бўлмоққа уриндимми? Шомил... Ундан қачон ёрдам сўрайман? Ҳойнаҳой, ҳозир ҳам Кэтринага ўхшаганларнинг қушандасидир? Ўшандан бери қаерда экан-а? Ёрдам сўрамоқчиману тирикмикан у? Парвизни нега онасига қайтармади? Лобар айтганидек Анос хазинасини топаман деб Лобардан буткул юз ўгирдимми? Балки Шомил ўлдириб юборилгандир...”

Шомилни топиш учун нима қилиш кераклигига Қувоннинг ақли етмади. Биргаликда Сицилия ва Туркия мафиясига қарши курашганида кейинчалик ўзини қаердан топиш мумкинлигини бир оғиз айтмаганди. На электрон почтаси, на телефон рақамлари бор. Уй манзили ҳақида-ку гап бўлиши мумкинмас. Унинг излари Россия пойтахтию ўрмонларида, Италия қишлоқларию соҳил бўйларида, она юрти Чеченистонда топилади, лекин ўзини кўрмайдилар. У бирдан пайдо бўлиб қолади ва аёвсиз ўлдиради...

Бир қарасанг, ўриндиққа ҳорғин чўкиб, синиқ жилмаяди-да: “Уларни ўлдириб яхши қилдимми? — деб сўрайди. — Нима керак бу... қаланғи-қасанғи қартабозлар?! Одамлар енгилроқ нафас олишсин, мен ҳам хотиржам ухлай... Лобарни эса бирон ёққа юбориш керак. Тўрт-беш йил ҳаво алмашиб, қарталарни унутиб келсин...”

Қувон бошини қашиди. Радио-телевидение, интернет хабарларини тўхтовсиз кузатиб бориш орқали Шомилдан хабар топиш фикри ғовлаган миясига келди. Қаерда қиморбозлар ўлдирилса, ўша атрофда Шомил бўлади, деб ўзини ишонтирди.

Бироқ полиция тополмаганда, Қувон тополармиди...

Набатдаги тасмага Лобар, Вадуд чол ва Иволгин суҳбати ёзилган экан. Қувон тинглаб ўтириб, миясига ярқ этиб келган фикрдан қувониб кетди.

Мана, ўша кунги суҳбат:

“Вадуд чол: — Мен Ивашканинг калласини олишга қасам ичгандим... лекин қўлимдан келмади, яна қамалдим. Озодликда юрганимда кўп ахтарганман. Бир қўл бўлсам-да... Айтгандай, Лобар, нега бир қўл эканлигимни шунча

вақт суриштирмадингиз, мавриди келди, ўзим айтай, қўлимни маънави жаллод кесиб ташлаган...

(Аллақандай шопиллаган овоз эшитилди. Нимадир тўқ этди. Афтидан, Вадуд чол сув сепиб юбориб, идишни жаҳл билан жойига қўйганди.)

Иволгин: — Лекин биз прокуратура терговхонасида эмас, бир қартабоз аёлникида ўтирибмиз. Қўлингни мен кесганлигимни кимга исботлаб берасан? Ҳеч кимга! Мана, биринчи марта гувоҳ олдида юзингга айтаяпман: қўлингни мен чопиб ташладим, мен! Хўш, энди нима қиласан?! Лобар гувоҳ бўлади дейсанми? Кечирасану унга мен билан боғлиқ муаммоларнинг ўзи етарли.

Лобар: — Иван... Нахотки, сиз қамоқхона бошлиғи бўла туриб... Вадуд бовада нима қасдингиз бор эди?

Иволгин: — Вадим ўз билганидан қолмайдиган қайсар! Қамоққа ҳам шу феъли етаклаб келган. Қочишга ҳам лаънати феъли айбдор... Бир қарасанг, обком биносига от билан кирган, бир қарасанг, Москвадан юборилган прокуратура терговчисини бўғиб ўлдирмоқчи... Босмачи!

Вадуд чол: — Ўзинг босмачи!..”

Бу — истеъфодаги полковник Иволгинга қарши рад этиб бўлмас далил эди. Вадуд чолнинг ўлдирилишини Иволгинга боғлаган ҳолда, аудио ёзувни ҳам илова қилсами...

Қувон енгил нафас олиб, Москвага жўнаш тараддудига тушди. Суперпрофессионал киллер — кўринмас Шомилни топишдан кўра Иволгинни топиш минг марта осон эди. Ҳа, Иволгин чечен жиноятчиси қаерда эканлигини тахминан бўлса-да билади. Бунга шак-шубҳа йўқ. Зотан, кичик қозонда қайнаган гўшт катта қозонга маза-таъм бермайди. Шунга кўра Қувоннинг ишончи бор эди, гарчи Иволгин илгариги мавқеини йўқотган эса-да, чеченистонлик ёлланма қотил ва қартабозлар кушандасининг қаердалигидан бохабар.

Қувон аудиоёзувнинг нусхасини олиб, ўзгача шижоат ила Москвага учди. Қозоқ осмонидан учиб ўтаётганида хаёли негадир Лобарнинг онаси томон кетди.

“Шошилдим, — ўйлади у, — боришим керак эди, ҳол-аҳвол сўраб, Лобарнинг ўлганлигига гумоним борлигини

айтишим лозим эди. Эртага Лобарнинг кўзига қандай қарайман? Худо кўрсатмасин, онасининг қон босими ошиб ўлиб қолса, Лобар мендан гина қилади”.

У телефонда айтишга аҳд қилди. Москвада биринчи учраган уланиш бўлимига кириб, “сим-карта” харид қилди. “Кўнғироқ қилмасам-чи? — иккиланди яна. — Умидвор этишни истамадим дейман. Лобар эса... Лобар тирик бўлиб чиқмаса-чи? Уни омон қолдириш Кэтринага зарил кептими?”

Сўнгра барибир эски қарорига қайтди.

— Алло, Баҳроммисиз?

— Ҳа. Ким бу?

— Қувонман. Бирон янгилик йўқми?

— Қанақа янгилик? Рақамларингизга қараганда Россияга кетдингизми?

— Москвадаман. Тўғриси айтсам, Лобарнинг ўлганлигига шубҳам бор, жўра. Бу ерда бир одам билан учрашаман, анигини кейин биламан. Унгача... бир нима деёлмайман, онангизни авайланг.

— Ака, Лобар опам тирик қайтишига менда ҳам ишонч пайдо бўлаяпти. Ҳатто, уйини сотиш фикридан қайтдик. Сиз опамни кўпроқ биласиз, аслида нима воқеа бўлган?

— Отган... қанақадир милтиқдан... Кейин гаплашамиз, дўстим, майли...

Қувон атрофга аланглади, кўнгли хижил тортди. Лобарнинг яқинлари билан гаплашиб бир кўнгли қувват олгиси ҳам келганди, лекин тескариси бўлди. Улар ҳаммасини билиб ўтирган эди гўё. Ва алланечук шумликлари ҳам йўқ эмасди.

“Москвада Лобар иши юзасидан юрганлигимни нега айтдим-а? — ўзини сўқди Қувон. — Қачондан бери эш бўлиб қолдим уларга? Ҳали туҳмат қилмаса эди. Мен ҳам бор эдим, деб жон куйдиргандим, энди “ҳеч нарсани кўрмадим” дейишга тўғри келмасайди ишқилиб...”

Полковник Иволгиннинг уй манзили Қувонга номаълум эди, лекин Лобарнинг ҳикоясидан у яшаган кўчани

тахминий аниқласа буларди. Бир кун вақт кетар, бир ҳафта кетар... Бошқа йули шуки, ички ишлар бўлимига кириб, Иволгинни сўраш мумкин. “Қандай ишинг бор?” дейишса, катта пул қарз олганини, шу манзилни берганлигини тўқиб-бичади. Сўнгра биронтаси валақлаб қолар. Ёинки манзилни пулга сотар...

Арзонроқ меҳмонхона топиб узоқ ўйлаб ётди. “Барча иккиланишларни йиғиштириш керак, нега келдим бу юртга?!” — деб оёққа қалққанида қоронғи туша бошлаганди. У кийиниб, кўчага чиқди. Такси дарё бўйлаб кетган йўлдан ўтаркан, кўҳна Москванинг усталлик билан ёритилган манзараси намоён бўлди. Қайсидир тақвимда кўрганди. Йўқ-йўқ, тақвим эмас, қартада. Адашмаса, меҳмонхонага кираверишдаги столда бир эркак қартадан фол очиб ўтирганди. Кўзлар кўзларга тушди. У турк эди, қаердадир учратгандай, иссиқ кўринди.

— Кечирасиз, қайси бирига? — сўради таксичи кўчанинг икки ёнини эгаллаб олган кўнгилочар иншоотларга етгач.

— Бир оз ўтиб тўхтанг, — деди Қувон. — Қайси бирига киришни ўзим танлайман.

Бошқа ҳеч нарса демайди деб ўйлаганди таксичини. Лекин кўзгудан боқиб:

— Ўрта Осиёдан келгансиз, шекилли?— дея билимдонликка ўтди. — Боя “казино, ресторан, шунга ўхшаган бирор бино” деганингиздаёқ пайқагандим, сиз қиморбозсиз, топдимми? Тагин мени “мент”лардан деманг. Уларга хизмат қилиб зарил кептими? Асли муҳожирман...

— Ма, пулингни. — Қувон тушишга шошилди.

— Ака, қулоқ солинг, — бидирлади таксичи, — ўтган кунни душанбелик қартабозларни олиб келдим, жуда катта пул тикилади, дейишди. Илтимос, эҳтиёт бўлинг.

Қувон аввал унга, сўнг атрофга ўткир кўз ташлаб олди.

— Жуда эпчил йигитга ўхшайсан, — эшикка энгашди. — Ҳожатбарорлигинг кўриниб турибди. Зийраклигингга қойил, ростдан Ўрта Осиёданман. Лекин сен ўйлаганчалик қиморбоз эмасман. Бировни ахтариб юрибман.

— Бирон кишингиз йўқолганми?

— Мени “йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмаган” деб тасаввур қил. — Қувон костюми чўнтагидан беъш минг рубль олиб, узатди. — Демак, мен кимман?

— Қасоскор, — оғзининг таноби қочди таксичининг.

Қувон эшикни асабий чертиб, атрофга ўгринча кўз югуртиргач:

— Қаерлик муҳожирсан? — деб сўради.

— Польшалик.

— Сенга тўлиқ ишонмаяпману аммо пулни тўппонча учун бердим. Топиб келсанг ошиғи билан тўлайман. Келишдикми?

Шундан сўнг таксичи пулни киссасига солди, бир оз энгашиб деди:

— Бугунга десангиз, қирқма милтиқ бор, қўшотар, вертикал, йигирма тўрт.

— Йигирма тўртнинг вертикалими? — қизиқсинди Қувон.

— Ҳа, саксон етти.

— Таваллудими?

— Таваллуди, — бурнини тортди таксичи. — Маъқулми?

— Тўппонча тополмасанг, милтиқни эрталаб меҳмонхона олдига келтир.

Қувоннинг томирларида қон эмас, аллақандай қайноқ суюқлик оқаётгандек, бадани ҳам металлга айланиб қолгандек, ресторанга гердаиб кириб борди. Юзи қанчалик қаҳрли тус олганини ҳис этиб турарди. Овқатланиш бўлимининг тўрига, сунъий дарахтлар оралиғидаги эшикка юрди.

— Эй қора бадан, — йўлини тўсди қизғиш йўлакда икки киши, — йўл бўлсин? Худди катта холангникига келаётгандай юрибсан.

— Оғайнилар, мен қартабозман.

— Сен-а?

— Шак-шубҳасиз. — Қувон қош чимирди.

Ҳалиги кишилар йўлак охиридан кимнидир чақиришди. Қувон хотиржам кута бошлади. “Қарга сеҳрини ўрганиб, — деган дил ёзувлари чиқди кўнгил ойнасига, — бу



нокасларга қарши ишлатмадим. Аммо қартабозликда айбланиб, шафқатсизларча жазоландим. Энди навбат менга. Қочгани ковок тополмай қоласан сен каламушлар!”

Иволгинни қиморхоналардан топиш қарорига келган йигитнинг иккиламчи мақсади чўнтагини тўлдириб олиш ҳам эди. Ҳозиргина у охирги беш минг рубллик бойламни ҳада қилиб юборди. Шахсий харажатларию йўл пулига ҳам ҳеч вақо қолмади. Агар Россия бўйлаб кезиш, Европа ёки Америкага чиқиш зарурияти туғилса, у чорасиз қолади. Қарз берадиган одами ҳам, қарз топиш нияти ҳам йўқ.

Шу дамда ниҳоятда пўрим кийинган, семиз, тепакал яҳудий кўринди.

— Ким у? — сўради одамларидан.

— Қартабозман деяпти.

Яҳудий тўрт бармоғини букиб-букиб, Қувонни чақирди. Уст-бошига зимдан разм солгач, деди:

— Қайси қурилиш объектида ишлайсанки, прорабинг бўш вақтингда қарта ўйнашингга ижозат берди? Ва қандай аҳмоқки, бу ерда ўйнашингга маслаҳат солди?!

— Қартани қойиллатиб ўйнайман, — ўжарлик қилди Қувон.  
— Қанақа прораб ҳақида гапираяпсизу қанақа қурилиш — тушунмадим. Туркияда бўлганман. Сицилия томонларда ҳам. Балки қурилиш эмас, қуриш демоқчидирсиз?

— Қуриш... қуриш дегин. — Яҳудий шаштидан тушди.  
— Орқамдан юр.

Улар иккинчи қаватга чиқишди. Ойнаванд мўъжазгина залдаги диванлару журнал столчалари бизнесменларнинг ҳордиқ чиқариш хонасини эслатарди. Телевизор қаршисида мудраб ўтирган кимса малол келгандек кўзини очди.

— Италиян шуми? — ажабланди у Қувонга қараб. — Ўхшамаяпти-ку.

— Италияндан ҳам баттари, — дели яҳудий. — Синаб кўр-чи.

— Қартани биласанми ўзи? — Кимса димоқ-фироқ ила Қувонга ўшшайди.

Қувон ён томондаги юмшоқ креслога чўкди. Кимса Россияда деярли ўйналмайдиган қарта тури — безик бўйича сузди. Лобар каби европача ўйинларнинг устаси бўлмаса-да

Қувон ўйин қоидасини зўрға эслади.

Икки қўл самарасиз кетди. Янги йигитда нимадир борлигини сезган, кимса илжайар экан:

- Француз ўйинларига тобинг йўққа ўхшайди, – деди.
- Кел, бошқасини ўйнаймиз, эплей оласанми?
- Эплейман, яна сузишингиз мумкин.

“Оқ қарта рақси”нинг шарти – тезлик ва биринчи уринишдан ютиш эди. Қувон дарҳол кучлиларини олға сурди. Рақибни қўлида устунлик қила олувчи қарталар қолган ҳолда ютқазиб қўйди.

– Бунчалик шошмасанг, – тўнғиллади у.

Шундан кейингина Қувонга қарта сузиш имкони келди. Жон-жаҳд билан аралаштира бошлади, ҳатто учтасини умумий тўпдан ҳаволатиб ажратди-да, қўл теккизмасдан қўшиб қўйди.

Бунақа чийлашни иккаласи ҳам умри бино бўлиб кўрмаганди. Рақибларини қойил қолдираётган Қувон имони куйиб бораётганини-да ҳис этар, қаҳрли қиёфага кирар, юзи буришар, лабини тишлар, атрофига аланг-жалаң боқарди.

“Оқ қарта” – қартага қарши қарта ўйини. У ашаддий қиморбозни жазолаш учун қирқ йил мобайнида чеченистонлик кампир томонидан кашф этилган. Кимки “оқ қарта рақси”ни эгалласа, унда нафс бўлмаслиги шарт. Қиморга беқиёс нафрат билан қараши, шу нафрат шижоати ғалаба келтириши даркор.

“Оқ қарта”га ўхшаш японларнинг услубий қарта ўйинларини кўргач, Қувоннинг кўнглига гулгула тушди, мен ҳам пулга ўйнасам-чи, деб тез-тез ўйлай бошлади. Кутулиб кетаман, деганди бу васвасадан. Ахир, биринчиси эмас. Бироқ буниси ёмон васваса бўлиб чиқди. Қартани кўрган сайин ўртайверди. Ўтган йили бир одам ҳикоя қилиб берганди: кўп йиллар давомида ароқ ичибди, ичишни ҳаёт мазмуни ҳисобларкан. Ароқсиз тўй-зиёфат совуқ ошдай туюларкан. Бир куни дўстлари билан бўкиб ичиб, лойга йиқилибди. Улфатлари икки-уч уринишиб, оёққа тургазолмагач, ташлаб кетибдилар. Олти ой шифокорга

қатнабди. Ароқ шу бўлса, дўстлар шу бўлса, ичмайман ҳам, улфатлар даврасига қўшилмайман ҳам, дебди. Бирдан рўзгорига барака, рангига ранг, турмушига маъни кирибди. Ароқнинг қандай қасофат эканлигини янада чуқурроқ англабди. Мастларни кўрса ўтмиши ёдига тушиб: “Эй Оллоҳим, ифлосликка қоришган ҳаётдан халос этганингга минг қатла шукр”, дея шукроналар айтаркан, юракдан севинаркан. Ишхонаси ва уйи ўртасида эса бир дўкон бўлиб, ноз-неъматларга лиқ тўла эди. Ароқ, вино, коньякларнинг юзлаб турлари ердан шифтга қадар тахланган, кўзини қамаштирар даражада ярқираб турарди. Шишалардаги тип-тиниқ ичимликларнинг кўзни олишини-чи? Бай-бай-бай... Ширин, аччиқ, қоп-қора винолар...

Ароқни ташлаган одам дўконга иложи борича кир-масликка ҳаракат қиларкан. Бироқ дўконда дунё неъматларининг бошқаларидан асл-тозалари мавжудлиги боис хотини фақат шу ердан харид қилишини буюраркан. Иш вақти тугаганда атрофдаги корхонаю идоралардан ҳориб-чарчаб чиққан кишилар уч-тўрттаси битта ароқ олиб, пештахтадаёқ майдалаб, колбаса еб, уй-уйларига тарқаркан.

Оҳ, ароқни ташлаган одам бундай маишатбозликни илгарилари тотиган эмасми, ичаётганларга ютиниб қараб қўядиган бўлибди. Ойлар ўтаверибди, дўконга рўзгорлик харид қилиш учун киришда давом этаверибди. Рўзгори тинчиб, ишлари жой-жойига тушиб кетган, кўнгли хотиржам экан. Тинч ва фаровон ҳаётини, муваффақиятларини нишонлаш, ўз-ўзини мукофотлаш фикри уйғонибди. Кабоб ебди, балиқ ебди, бўккунча шарбат ичибди. Нима қилса қилибди, аммо кўнгилдагидай дам ололмабди. Ётишмаётган нарсани биларкан. Бу — ароқ! Ишдан ҳориб, очиқиб чиқадию бир стакан ароқ буюради, сўнгги томчисигача сипқориб, колбаса газак қилади. Сигарет чекиб, уйга оҳиста йўл олади. Мана шу эмасми жонга оро кирадиган малҳам? Ҳафта охирида бир стакан ичса нима қилибди? Ароқнинг ками шифо дейишади. Баъзи намозхонлар ҳам вақти-вақти билан ичармиш. Етмишга кирган чолларнинг

ичганини кўрган. Шундай қилиб, у оғзига ароқ олибди. Кўп ўтмай бурунги ҳолига қайтиб, инсондай яшаган ароқсиз дамлари эсидан чиқиб кетибди.

Қувон иккинчи қаватдаги кимсани ютгач, сездирмай хўрсиниб қўйди. Ароқни қайтиб қўлига олган ўша иродасиз киши каби ҳис этди ўзини.

Энди Қувон ҳам қиморбоз. Қиморбоз бўлганда ҳам унча-мунчалардан эмас.

— Босиқ йигит экансан, — яхудий елкасига кафт тишлади.  
— Кўзларинг ўйчан.

— Бу ерда катта пул тикилиши рости?

Ҳалигилар бир-бири билан кўз уриштиришди. Сўнг нигоҳлар Қувонга қаратилди.

— Нега сўраяпсан? Пулинг камми?

Қувон яхудийга қараб хиёл қазарди-да, мийиғида кулиб, деди:

— Кам, жудаям кам.

— Ўн минг? Йигирма минг?..

— Долларми? — ҳайрон бўлгандек икковига аланглади йигит.

— Албатта. Ахир, бу кошона рублда ўйналадиган қиморхона эмас.

— Менда уч юз бор, холос.

— Уч юз минг долларми?

— Йўқ, уч юз рубль.

Яхудий Қувонга еб қўйгудек тикилди. Қўлларини чўнтақларига тикиб, бурчакдаги камерага қарата алланима деб минғиллади. Пастдан қўриқчи йигитлар чиқишди. Нима қилайлик, мазмунида буйруққа маҳтал турдилар.

— Йўқ-йўқ, жойларингга боринглар, — дея яхудий икки-уч қадам юрди, Қувонга ортидан келиш ишорасини берди.

— Менга ёқиб қолдинг, — деди мрамарнусха хонага кирганларида. — Айт-чи, Россияга иш ахтариб келганмисан ёки ҳақиқатан Осиё қиморбозимисан?

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас.

— Кимсан унда?

— Қартани яхши ўйнайдиган, лекин тирикчиликка айлантормаган, қўл меҳнати билан кун-кечирадиган оддий йигитман.

— О-о, қарта ҳам қўл меҳнати-ку. Қани, ўтир. Шундай маҳоратинг бўла туриб камбағал эканлигингга ачинаяпман. Масалан, мен яхши ўйнолмайман, ўрганишга қунт йўқ. Бироқ қурган иморатимга қара.

— Ҳақиқий қиморбоз бой бўлолмайди, — деди Қувон. — Катта топади, катта сарфлайди ва катта ютқзади.

— Масалан, шу ерда бизнинг пулимизга бир кун ўйнасанг, қирқ-эллик минг рубль ишлайсан. Балки юз минг рубль ҳам оларсан. Фақат ютишинг керак. Бир ойдан бир кун ўйнаб йигирма тўққиз кун ялло қилиб ётмайсанми?! Бунақа қуруқ юриш нимаси?

— Ишга олмоқчимисиз?

Яҳудий қувониб, қўл чўзди.

— Яшавор, осиелик.

— Фақат шошманг. У ёқда ҳам куним ўтарди. Москвага иш ахтариб келганим йўқ. Менга Иволгин Иван Антонович деган киши керак. Бир неча йил бурун истеъфога чиққан ички ишлар полковниги. Қартага жуда қизиқади... Уй манзилени биласизми?

Яҳудий бармоқларини чапиштириб, Қувонга қаттиқ тикилди. Пешонасидаги бўйлама чизиқлар кўпайди.

— Полковник Иволгин... қартабоз... — Соқолини силаб, семиз лунжини шиширди у. — Эшитганман.

— Ҳозир қаерда? Менга у одам жудаям керак.

— Аввал нима ишинг борлигини билсам бўладими?

— Қарзи бор, доллар ҳисобида.

— Сенданми?

— Мендан. У биз томонга бориб, қарта ўйнаган. Қолгани тушунарли бўлса керак.

— Ҳмм... — Яҳудий кўзларини олиб қочди. — Исминг нима, дўстим?

— Саттор, — дея алдади Қувон.

— Саттор, эшит. Иволгиннинг уй манзилени билмайман, шахсан таниш эмасман. Орқаворотдан суриштириш

ноқулай. Ўзини икки ё уч марта учратганман. Юзма-юз келсам танимасам ҳам керак.

— Жуда заррур эди-да.

— Қанча қарз? Ўша пулни шу ерди ишлашинг мумкин. Иволгинни анча айёр деб эшитганман. Қулоқ сол, унақа одамларнинг изидан сўроқлаб юрмайдилар. Ҳокимият қонунларидан беҳабар кўринадан. Улуғ мартабада ишлаган шахс, наҳотки, назоратсиз ташлаб қўйилса?! У доимо кузатувада, тушундингми?

Кувон бош қимирлатди. Иши ўнгидан келаётганидан хурсанд эди, айти пайтда яҳудий ҳам жилмайди.

\* \* \*

Жодугар Кэтринанинг дарҳол қайтиб келгани Лобарни ажаблантирмади. Тунги воқеадан сўнг ғувиллаётган боши борлиқ тасаввуротини ҳаяжонли тарзда акс эттирмоқдан йироқ эди. Туш кўрдимми, алаҳсирадимми деб ўйлаётган он машъум хабар айтилди:

— Мая Харисон кечаси ўлибди.

Қизарган кўзларини қадаб, Лобар хаста товушда деди:

— Ўлибди? У кечаси кирганди бу ерга...

— Ким?

— Мая Харисон.

Шу заҳотиёқ Кэтрина Андерсонни чақирди. Пицца кавшаётган қўриқчи бекасининг қичқирғидан сўнг ичкарига отилиб кирди-да, Лобарга ўқрайди.

— Қаерда эдинг? — депсинди жодугар.

— Хонимнинг мурдаси ёнида, — Андерсон сўнгги луқмасини ютиб, Лобарга яна ўқрайди. У асира аёл бекага хужум қилган, деган хаёлда эди.

— Кечаси қаерда эдинг, галварс?

— Ҳар доимги жойимда.

— Қампирнинг шу ерга киришига рухсат бердингми?

— Йўқ.

— У ҳолда кечаси манави хотиннинг ётоғида нима қилиб юрибди?

— Ким? Мая Харисонми? Нималар деяпсиз, у кечаси ўрнидан-турадиган алфозда эмасди. Икки минг биринчи йилдан бери тунда ўрнидан турмаган кампир қандай қилиб аҳволи оғирлашганда сайр қилади? Бунинг устига калит менда, ертўлага сичқоннинг инидан кирадими?!

— Кўп валдирама. — Кэтрина бир зум хаёлга толди, Лобарга ўгирилганида ингичка лаблари қимтилган, бир қоши кўтарилган эди. — У қаердан кирганлигини кўрдингми, Лобар?

— Кўрмадим.

— Андерсон, бизни ҳоли қолдир.

Иккови рўпарама-рўпара ўтиришди. Кэтрина:

— Тўғриси айт, — деди ички бир ҳадик ила, — Мая Харисон нималарни алжиради? Унақалар ўлими олдидан бошқача бўлиб қолишади.

— Қарталарни жодуланганини, ким ўйнаса ўз домига торганини, сизга ахборот етказиб турганини гапирди. Соат занг ургач, бирдан ўзгарди. Худо ўлим юборганини айтди. Қандай чиқиб кетганини билмайман. Жойимга ётишга мажбурлади.

— Шуларми?

— Ҳа, у кўп ўтирмади. Лекин... лекин бир гапи мени ўйлантириб қўйди.

— Қайси гапи?

— Анна Сергеевна ҳақида гапиргандингиз, Кэтрина. Мая Харисон ҳам уни тилга олди. Яқинда учрашармишман. Ахир, отиб ташланганини кўрганман-ку. У билан учрашишим қайси маънода?

— Қайси маънода деганинг нимаси?

— Кэтрина, сиз жодугар эмассиз, сеҳр-жоду сизга бегона. Ҳаммаси Мая Харисоннинг иши. Анна Сергеевна ва мен ҳақимда ундан сўраб олгансиз. Айтинг, Анна Сергеевна ўлмаганми? Ё нариги дунёда учрашишим шама қилиндими?

— Борганда кўрасан.

— Майли, у ҳақда сўрамоқчи ҳам эмасдим. Ёгласиз,

менга ўғлим керак. Мая Харисоннинг кароматгўйлигини билиб, аввалроқ учрашганимда, шак-шубҳасиз, Парвизни сўрардим...

Кэтрина юзини четга буриб:

— Бошланди, — дея кесатди.

— Сиз ўғлим қаердалигини ундан билиб олгансиз. Найранг қилманг, ўғлим ҳозир қаерда? Мая Харисон нима деган? Айтинг!

— Жуда билишни истайсанми?

Лобар сакраб туриб, хо́на ўртасига юрди, йўлидан чиққан столни коса-тавоқ билан қўшиб ағдариб, қичқирди:

— Шунча вақт аҳмоқ бўлганим етар! Қўнғироқ қилиб гаплаштирмасангиз, ҳеч қачон қарта ўйнамайман! Билишни истайсанми эмиш! Шу ҳам гапми?!

Шовқинни эшитиб чопиб келган Андерсон бекасининг имоси билан қайтиб кетди. Хонага оғир сукунат чўкди. Кэтрина газабдан кўкариб ўрнидан тураркан, идиш-товоқларга зимдан қараб қўйди. Индамасдан чиқиб кетаётгани Лобарни янада газаблантирди.

— Қўлингдан келса ҳақиқий ўқ билан от! — бақирди Лобар кўксига муштлаб. — Лаънати қиморхонангга қўшилиб қўшмозор бўл! Шунини эсингда тут: мен сендан эмас, сен мендан осонликча қутулмайсан! Барча кирдикорларинг умрбод қамалишингга етиб ортади!

Кэтрина тўхтади.

— Маянинг ўлгани яхши бўлди, — деди у. — Энди ҳамма сирнинг қалити менда. Бу қалитларни осонликча ва арзонгаровга тутқазиб қўядиган телба эмасман. Идишларни йиғиштириб ол. Бундан кейин ҳузуримда овозингни бир поғона ҳам кўтарма, тилингни ҳам, қўлингни ҳам тий! Ўғлингга келсак, қартадан ютасан, айнан рўйхатдагиларни! Сўнг гаплашасан! Бугун устозим дафн этилади, эртага сенинг устозингнинг ёнига борамиз. Тўйгунингча қарғайсан, сочини юласан, юзига тупирасан. Кейин эса қарта мавсумини бошлайсан.

— Мен...



— Бас! Етдим деганингда тентаклик қилма, Лобар. Сенга истаған вақтимда ўқ узишим мумкин. Аммо унутма, мен ҳам аёлман. Фарзанд ҳажрини сендан кам ҳис қилмайман. Боланг соппа-соғ. Яқинда Япониядан Кипрга қайтиб келди. Манзилини ҳозироқ айтишим мумкин...

Жодугар Кэтрина алдамаган эди. Мая Харисонни дафн этилганининг эртасига Лобарга янги уст-бош беришди. Нонуштадан сўнг ҳовлига чиқди. Ойнаси қорайтирилган “Прадо” жипи уларга мунтазир эди. Бир зумда ойнадай текис асфальтга чиқиб, шаҳар томон елиб кетди. Рулда Андерсон, орқада Лобар ва Кэтрина.

— Ушандан бери қўлимга қурол ушламабман, — дея жодугар сумкачасидаги тўппончани кўрсатди, — хулоса қил, шаҳарда ҳазиллашмайман. Ортиқча ҳаракатинг қимматга тушади. Устозингни кўрасан, гапирасану дарҳол қайтамиз.

Лобар Америка табиатидан кўз узмай борарди. Даставвал йўл четида иморатлар кўзга ташланмади. Кўп ўтмай худди чопиб келаётгандай лип-лип ўта бошлади. Ахийри бинолар табиатни тўсиб олгач, машина бир четга тўхтади. Шу заҳоти эшик очилиб:

— Хэлло, — деган овоз эшитилди.

Лобар овоз эгасига ялт этиб қаради. У турқи совуқ, кўзларидан хотинбозлиги ошкор йигит эди. Шунинг учунми, даставвал Лобарга кап-катта эркак бўлиб туюлди.

— Жонгинам, — деди Кэтрина унга, — сал бўлмаса босиб кетардик, нега чопиб чиқасан-а?!

— Билмадим, — дея у ҳам муғомбирона кўз қисиб, русча сўзлай бошлади. — Ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли.

Машина олға интилди. Янги ҳамроҳ ҳечам лаби-лунжини йиғиштирмасди. Гоҳ русча, гоҳ инглизча сўзлар, негадир Лобарга нигоҳ ташламас, лекин зимдан эътибор қилаётгани сезиларди.

Кэтрина Лобарни туртди.

— Таниш, бу — Жорж. Ҳой Жорж, бу — Лобар.

— Мен яна ўзимни йўқотдим, — пичинг қилди Жорж ва алмисоқдан қолган урф эсига тушиб, қўл чўзди. — Ижозатингиз билан, майлими, қўлингизни ўпсам.

Лобарнинг қовоғи очилмади. Гапиришни истамаса-да, деди:

— Сизга ўптирадиган қўлим йўқ.

— Э-э, тушунаман. Ахир, мусулмон аёлсиз-ку! Истайсизми, пойингизга сажда қиламан.

— Аёлга сажда қилган эркак эркак эмас.

Жорж ўриндиқ сўянчиғига ўзини ташлаб, инглиз тилида сўкинди:

— Кэтрина, қандай танишиш кераклигини ўргат. Танишмасам ўлиб қоламан. Яқин йигирма йил ичида бундай гўзални учратмаган эдим.

— Сиз манави аёлнинг сценарийсига мажбуран киритилган қахрамонсиз, — Лобар жим ўтирса, баъзи имкониятлар ҳавога сингиб кетишини англаб, дадилланди. — Умуман ортиқча эканлигингизни ўз вақтида тушунсангиз ёмон бўлмайди. Бир муддат аввал Кэтрина менга эркаклардан оғиз очганди...

— У танишмоқчи, холос, — деди Кэтрина. — Ҳар нима деб алжирама.

— Бунақа нусхалар билан танишмайман, — юзини ойна томон бурди Лобар. — Ийтимос, Кэтрина, ишга алоқаси йўқ кимсаларни тикиштирманг.

— Нима деди у?! — Жоржнинг жиғибийрони чиқди.

— Ишга алоқаси бор, албатта, — Кэтрина Жоржнинг елкасига юпатиш маъносида уриб қўйди. — Бу йигит энди сенга йўлдош. Чунки у қартабоз. Йирик қиморда ёлғиз ўйнаш қийин.

— Нима каромат кўрсатади? Рақибларимнинг қартасига мўралаб, чақимчилик қиладими?

— Йўқ, у сен билан битта хонада тунайти, бирга овқатланади, қимор столида ҳам ёнма-ён ўтиради. Аммо-лекин қартабозлар шерик эканликларингни пайқамасликлари керак. Буни улардан сир тутган ҳолда ҳамкорлик билан ўйнашларингни талаб қиламан. Гапларим тушунарлидир?

— Тентаклик ҳам эви билан-да, — бош чайқайди Лобар.

— Андерсон, бу — Андерсон! — қўл силкаб гапирди жодугар. — У қарта ўйнолмайди, ёнингда юролмайди! Қара, феъли ёмон.

Андерсон хўжайинига қайирилиб қарамай, қовоқ-тумшук қилиб борарди. Дастлабки кунларданок Лобарни ёқтирмаган эди.

— Энасига тўппонча тиранг, тамом! — деди Андерсон шангиллоқ овозда. — Нега уни инглиз қироличасидай кўрасиз?! Балки сиз каби кўп нарса билмасдирман бу ҳаётда, аммо аминманки, ҳар қандай тирик жон ўлим олдида ичган қасамидан қайтиб кетади.

— Овозингни ўчир, йўлингга қара, нима қилишни ўзим биламан. Лобар шунақа аёлки, пешанасига тўппонча тирагандан кўра илтимос қилган маъқул.

Андерсон ишшайди.

— Жоржга қийин бўлади, — дея шеригини турткилади.

Лобар улар ўз тилларида ҳақоратомуз гаплар гапирганини фаҳмлаб, тишини тишига босди.

Бир оз юрилгач, Кэтрина қора рўмол билан Лобарнинг кўзини боғлаб, деди:

— Агар йўлни билиб олсанг бошингга кўп балолар орттирасан. Ҳеч нимани кўрмаганинг яхши.

Бу гап Лобарга жуда-жуда таниш эди. Муаллифи ўзи бўлиб чиқса ажаб эмас. Ахир, у қарталар оламига кириб келганда, кўзи очиқ эди, кўп нарсани кўриб қўйди. Кўрлар эса... Улар ҳалигача уста қиморбоз бўлмоқлик умидида тентираб юришибди.

Машина ярим соатлар шаҳар кўчаларини қезиб, лўкиллаганча аллақандай дарвозадан ичкарига кирди. Дарвоза гувиллаб ёпилди. Рўмолни ечиб олганларида, Лобар нимқоронғи зални кўрди. Сал нарида турли маркадаги учта машина турарди. Бирининг рақамларига кўзи тушди, ёдлашга уриниб хаёлида такрорлай бошлади.

— Мотам рўмолини бер, — деди Кэтрина. — Сен устозингга аза тутмасанг керак. Адашмасам, биринчи душманинг аслида ўша бахтиқаро кампир.

Қора рўмолни маҳкам чангаллаб олганига ўзи ҳам ҳайрон Лобар темир зиналардан юқорилаб, йўлакда пайдо бўлди. У ўйлади: “Мотам ўлганларга тутилади. Бу ер эса қабристон эмас. Кэтрина бир неча кун илгари Анна Сергеевна мозори

ҳақида алжираганди. Кейин эса ҳаёт эканлигига шама қилди. Бир дақиқадан сўнг барчаси аён бўлади. Мана, охирги эшик...”

Қўлидаги рюмкага ўйчан тикилган хўппасемиз жаноб эшикдан кириб келганларга кўзи тушган он кулиб, инглиз тилида нималардир деди. Жорж дарҳол Лобарнинг ёнига жойлашиб, тилмочлик қилишга тушди. Семизнинг исм-шарифи Сэм Ла Шапель эди.

— Мен антиқа коллекциялар ишқибозиман, — деди у Лобардан кўз узмай. — Сизни кучли қартабоз дейишди. Қўлларингизнинг ўзини беш юз минг долларга харид қилишга тайёрман. Бу — ҳозир кесиб оламан деганим эмас. Марҳамат, ҳужжатга имзо чекиб, пулни олинг-да, кетаверинг.

— Муслима эканлигимни айтмадингларми? — аланглади Лобар.

— Нима бўпти, — елка қисди Кэтрина. — Муслима бўлганингда бирон нима ўзгариб қолармиди?!

— Инсон танасини сотиб олиш, коллекция қилиш... — Лобарнинг кўзларида ўт кўринди. — Ким ўзи бу? Тагин Анна Сергеевнанинг танасини сотиб олган чиқмасин!

— Нималар деяпти? Тушунтирсаларинг-чи! — шошилди Ла Шапель.

— Мусулмон қизиман деяпти.

— Мен доллар ҳисобида тўлашимни таржима қилдингларми?

— Ҳа. Лекин у Худога ишонишини писанда қилишдан чарчамаяпти.

— Айтинглар, менинг уйимда Худодан гап очилмасин, — семизнинг оғзидан тупук сачради. — Уйим черков эмас! Ва... нимади оти?.. Мачитми? Ҳа, мачит ҳам эмас.

Жорж мезбоннинг гапларини ўгирган эди, Лобар ўзини босолмай, оёққа қалқди.

— Қарта ўрганганимга биринчи марта аллақандай розилик ҳиссини туйдим, — деб Кэтринага яқинлашди. — Сиз одамфурушсиз, бу эса Сэм исмли шайтон. Уйдан чиқмай оддий ўзбек аёли бўлиб яшаганимда дунёнинг

асл моҳиятини ўла-ўлгунимча тушунмасдим. Аллоҳим кўргизаяпти, кўз олдимга бирин-кетин-шундай одамларни келтириб ўтяптики, дўзахнинг туби шуларники. Нега муслимаман дедим? Билиб қўйинг, ўликнинг устига бир дона гул барги тушса, у тош тушгандай азобланади. Тиф тегса, жаннат ундан қочади. Буни муслима бўлганим учун ҳам тушунаман.

— Бечора, эсан оғиб қолади-ёв; — деди Кэтрина атрофдагиларга. Сўнг Лобарга ўқрайди. — Ўзингни бос, Сэм Ла Шапелнинг уйига тана аъзоларингни сотишга олиб келганим йўқ. У шунчаки хоббиси тақозо қилиб сўради, холос. Зийрак экансан, Аннанинг шу ерда, қай алфоздалигини бир оз олдин билдинг.

— Мен одамзотнинг бунчалар тубан кетишига гувоҳ бўлсам, чидаёлмайман, Кэтрина. Бундай ортиқ жазо бормикан уларга?! Ўз танасини сотиб, ўлгунича ҳузур-ҳаловатда яшаш, ўлигини ёқиб, кулини гулзорга сепишни васият қилиш, мурдани атайин музлатиб қўйиш... Қўйинг, бу ифлос билан мени гаплаштирманг. Анна Сергеевнанинг мурдасини кўрайлик — қайтайлик.

Ла Шапель таклифи келгусида ҳам инобатга олинмаслигини билиб, “аҳмоқ экансан”, дея жирканганнамо афт бужмайтирди ва меҳмонларни эргаштириб, коллекция залига кирди. Лобар кутганидек, ичкари совуқ эмасди. Ўнлаб шиша қутиларнинг ҳар бири алоҳида советгич эди.

— Бу бармоқ машҳур жангарилардан бириники, — деди Сэм. — Қаранглар, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи. Худди шу бармоқ “Калашников” ва “Макаров” тепкиларини босавериб жуда қаварган. Юзлаб одамларни ўлдирган! Бизнинг авиациямиз бомбардимон қилгач, қабиҳ танаси парча-парча бўлиб, менга бармоғигина етиб келган. Кимники эканлигини айтмайман, чунки орамизда унинг ватандоши бор. Хўш...

Ла Шапель сарғимтир суяклар тахланган қутини оҳиста силаб, Кэтринага боқди.

— Устихонлар кимга тегишли эканлигини айта оласизми?

— Малика Диана, — деди жодугар жарангдор овозида.

— Йўқ-йўқ, одамни балога қолдирманг. Мен унинг мурдасини ўғирлашга уринганларга ҳечам алоқадор эмасман. Малика тинч ётибди. Бу суяқларни менга Жанна Д'Аркники деб сотишган.

Лобар қутилар оралаб олға юраверди. Қўллар, оёқлар, каллалар ойна ичида кўзга ташланар, Лобарнинг юрагини сиқар, дунёда инсон танасини коллекцияга айлантирувчи кимсалар борлигидан ўкинар, ўт қўйиб юборгиси келарди. Ниҳоят, бурчакда қора қути кўринди. Йўқ, у ҳам ойна эди, устига қора бахмал ёпилган.

Лобар тўхтади. Орқадагилар ўз тилларида чуғур-чуғур қилиб, ён-верига тўпланишди.

— Балерина Анна! — дея Сэм бахмални тортиб юборди.

Лобар оқ тортиб, бир қадам чекинди. Руҳан тайёрланиб турган эса-да, етмиш минг асаб толаси бижирлаб кетди. Ойна ичида Анна Сергеевна тик турарди. Устида ягона ҳарир либос. Шунчалик юпқаки, кампирнинг бадани кўринарди. У аёл зотига эмас, сарғиш тери ёпиштирилган жинссиз скелетга ўхшайди. Тик туриш учун бир неча жойидан илгичлар ўрнатилган. Кўзлари оқик туриши учун қовоқлар юқорига тортиб тикиб қўйилган...

Лобар ўқ изига қаради. Россиялик жиноий тўда бошлиғи беҳато отган эди. Пешанасига тушиб турган соч тагидаги қалам сиққудек тешикни дарров пайқарди киши.

— Мана у, — Кэтрина Лобарнинг елкасидан қучди. — Худди маъбудалар каби мағрур боқишини! Айтишларича, у устозим Мая Харисондан ҳам кучли бўлганмиш. Лекин ҳаётлигида иккиси бирон марта учрашмаган.

Лобар тош каби қотиб турарди. Миқ этмагач, жодугар пичинг оҳангида деди:

— Тақдир тақозоси билан шогирдлари учрашди. Қизиқ, а?!

— Қизиқ...

Лобар негадир даҳшатли мурдани бир вақтлар Шомилнинг уйидагидек жилмайган ҳолда тасаввур қилишга уринди. Уринди эмас, қутилмаган эпкин ўтмишнинг олис гўшасига олиб кетди.

Анна Сергеевна меҳрибон аёл эди. Ҳартугул ўша дамда ундан-да меҳрибон зот топилмади. Эри қиморга тиккан аёл

құлма-құл сандироқлаб, лоп этиб онасининг қаршисидан чиқиб қолди гүё. Кейинчалик орани қарғиш урган “қора қарталар” бузди. Икки аёл — икки қутб. Ұртада пулдан ясалган илонлару қон оқаётган дарёлар, калла суяқларидан бунёд бўлган тоғлар.

Бу ҚИМОР водийси... ҚИРҚ МОР водийси...

Анна Сергеевнанинг мурдаси ёрдамга муҳтож эди ҳозир. Аянчли ва шармандали тарзда мозорга маҳтал ўликнинг руҳи шу хонада чирқиллаб кезинарди. Оҳ, руҳ азобини тасвирлашга қалам ожиз. Ким телба овозда ёввойиларча чинқириб, азобга дош беролмаётган, ўзини ҳар ёнга отаётган онасини тасаввур қила олади? Ким оловда секин-аста жизганак бўлаётган, бор овозича чинқираётган боласини кўз олдига келтиришни истайди? Астағфирулло, дейди ҳар мўмин..

Астағфирулло!..

Астағфирулло...

Лобарнинг пешанасида совуқ тер томчилари кўринди. Бу даҳрий Сэмни қувонтириб юборди.

— Машҳур қартабоз шуми? — деди у тантанавор оҳангда.

— Қўрқиб кетди, ҳа-ҳаҳ-ҳа...

— Мен қайтиб келаман, — деб Лобар ортга чекинди. — Кутинг! Сабр қилинг. Албатта, қайтаман.. Ҳаммангизни дафн этаман... дафн...

Бу гаплар кимга қаратилгани уларга қоронғилигича қолди. Лобар ердан кўз узмай одимларди. Елкасидан тоғ босиб тушган эди. Ҳаёт-мамот тоғи! Қиёмат тоғи!

\* \* \*

Яҳудий билан оғзаки шартлашган Қувон биринчи кунданоқ олтмиш етти минг доллар ютди. Кучага чиқишида чўнтагига бир бойлам рубль солиб қўйишди. Хўжайин ҳайдовчиси меҳмонхона кўчасигача элтиб қўйди. То бўсагагача бормоқчи эди:

— Бу ёғига пиёда кетаман, — деди Қувон. — Тоза ҳавода ўпкамини тозалаб олмасам тутунга тўлиб қолди.

Барзанги норозиларча пўнғиллади.

— Нотаниш жойда яёв айланишнинг ўзгача гашти бор,  
— деди Қувон.

Барзанги ярим қайрилди.

— Москва милицияси йўлингдан чиқса, Эфреим мени  
осади, хурсанд бўласанми?

— Ахир, менинг ҳужжатим бор.

Қувон ўжарлик ила машинадан тушди. Қиморхона  
машинаси кўздан йўқолгач, курткаси ёқасини кўтариб,  
чўнтақларига қўл тикди-да, меҳмонхонага шошилди. Кун  
омадли келди. Ҳозир у тўйиб ухлашни истарди...

Кўзини очганида Москва узра булутлар орасидан хира  
кўёш мўраларди. Қувон пулни санади: ўн саккиз минг рубль  
экан. Қанча ютган эдимки, неча фоизини беришибди, деб  
бир оз бош қотирди, аммо натижа чиқаролмай, пулни  
тап этиб тумба устига ташлади. Тўсатдан милтиқ сотиб  
олмоқчи эканлиги ёдига тушди.

— Ўҳ, роса куттириб қўйибман-ку, — деди у соатга  
қарагач.

Дарҳақиқат, кечаги такси юз қадамлар наридаги дарахт  
тагида кутмоқда эди. Кимдир эшигини очмоқчи эди,  
таксичи бош чайқаб, алланима деди.

Қувон яқин боргач, таксичи қўлидаги егуликни бир  
четга қўйиб, моторни юргизди. Орқа ўриндиқ қулай эди.  
Қувон эшикни ёпгач, шаҳар четига ҳайдашни илтимос  
қилди. Адашмаса, бу ердан йигирма дақиқалик йўл эди.

— Тўппончами ё қўшотарми? — сўради Қувон боғча  
майдончасида тўхтаганларида.

Таксичи сумка оғзини очган эди, шоколад тусидаги  
кўндок изи, изолента билан чирмалган даста кўринди.

Қирқилган ов милтиққа Қувоннинг ичи ачишди.

— Қанча? — таксичига кўз остидан қаради у.

— Беш юз “кўки”дан.

Қувон рус пулини долларга ҳисоблаб, тўлади. Таксичи  
қуртдай санаб олиб, деди:

— Ўқлар сочма эмас, ўн иккитаси ҳам “чўчқа”. Алдаб  
нима қиламан, менда шундан бошқа ҳеч вақо йўқ. Кеча



тўппонча ҳақида гапни олиб қочдим, холос. Милтиқни эса топиб олганман. Бекорға ташлаб юборгим келмади.

— Ҳайда, — ўнг томондаги кўчага ишора қилди Қувон, — бирон беҳавотир бекатда тушаман.

Меҳмонхонага қайтиб, милтиқни кийимга ўради-да, йўлакдаги каттакон гул туваги орқасига яширди.

Кечга яқин ювиниб-тараниб, яна яҳудийнинг казиносига борди. Иволгиннинг дарагини топишга шу кечадан умидвор эди.

— Замонамиз қаҳрамони ташриф буюрди! — деди яҳудий кучоқ очиб. — Нега ҳаяллаб қолдинг-а?! Юр, аввал овқатланамиз. Сибирликлар пўстинларига ўралиб кутиб ўтиришади.

Иккови шинамгина хонага киришди.

Кечки овқат ҳозир у нозир эди. Яҳудий таом ейишини мақтанаётгандек “оҳ-оҳ”, “ваҳ-ваҳ”, “ширин-а?” деб ҳузур қилиб ея бошлади.

Кейин момик сочиқни лабига босиб, шимининг осма тасмасини шапиллатиб ўйнади.

— Биз беғараз дўст бўлиб қолишимиз керак, — деди у. — Мендан хавфсирашга ҳаққинг бор. Истасанг, ётар жойингни яшир, истасанг исмингни, менга фарқи йўқ. Муҳими, қаминга ишонсанг бас. Пулни қизғанмасдан тўлайман.

— Кеча келишдик, — деб қўйди Қувон.

Яҳудий норизо нигоҳ ташлади. Яна сочиққа лаб босди.

— Сенга ютуқнинг тенг яримини беришим ҳам мумкин.

Қувон ажабланмади. Унга ҳам овқатланиш кўпроқ ёқаётган эди.

— Лекин менга ростини айт, кимсан?

— Кеча айтдим... Эфреим ака...

— Йўқ, сен Саттор эмассан. Ҳақиқий исминг Қувон. Паспортингда Туркия, Япония давлатларига визанг бор.

Қувон нонини ликобчага қўйди.

— Қойил! Ҳаммасини бир кунда билиб олибсиз-да?!

— Кимсан? Россияга келишдан мақсадинг нима? Россияни қўя турайлик. Казиномга келишингдан мақсадингни айт!

— Кеча айтдим.

— Кеча! Кеча!.. — тугақди яҳудий. — Иволгинни ахтариб келдинг, шундайми?

— Шундай. Мен ҳеч қанақа мафия одами эмасман.

— Кимсан, бўлмаса?! Илтимос, юрагимни сиқмасдан айтиб қўя қол. Ўрта Осиёдан полковникни ахтариб келасан, манаман деган рус қартабозларини ғалати усулда шиласан. Феълинг-ку умуман сирли. Тағин, сен америкаликнинг одами бўлиб чиқма.

Қувоннинг қулоқлари динг бўлди.

— Қанақа америкаликнинг?

— Яқинда қиморхоналарда бир миш-миш кезиб қолганди. Америкадан жодугар қиморбоз чиққанмиш. Кэтрина бўрони қутирган кезлари бир кечада қирқ миллион доллар ютиб, рекорд ўрнатгани боис Кэтрина жодугари деган лақаб орттирган. Уни оддийгина қилиб “жодугар Кэтрина” деб аташади.

— Билмасам уни.

— Ҳар бир мамлакатда устаси фаранг қиморбоз шогирди, бошқача қилиб айтганда, жосуси бор эмиш.

— Эшитмаганман.

— Унинг..

Қувон сир бой бериб қўймаслик учун бепарво қўл силкигандек ҳаракат қилди-да, қийналиб сўзлади:

— Жаноб Эфреим, аллақандай жодугарлар билан бошимни қотирманг. Қўйинг ўшанақа бўлмагур гапларни. Юринг, ўйнаймиз. Ким дедингиз лақабини? Кэтринами?.. Иволгинга ҳам, унга ҳам, бошқасига ҳам тупурдик. Сибирликлар кутиб қолди.

Яҳудий синчков назар ташлагач, жойидан турди. Қувонга қўшилиб юзига фотиҳа тортди.

— Мусулмончиликдан хабарингиз борми дейман? — сўради Қувон.

Яҳудий қовоқ уйиб жавоб қилди:

— Қанақамусулмончилик?! Қилиқларингни ўзлаштираяпман. Театр кийим илгичдан бошланади.

Бу кеча ҳам шахсан ўзи қимор бошида Қувоннинг ўйинини кузатди, оғзини пойлади. Ҳатто, томоғини

хўллаётиб ҳам бирдан сергак тортар, ниманидир эшитмай қолишдан чўчирди.

Ниҳоят, тонгга яқин оймаконлик қартабоз Иволгиндан гап очди:

— Дунёда соғ одам қолмади, — деди у, — ишчиям, директорам қиморбоз. Авваллари уялар эдим, милиция полковниклари уялмаганда, мендек телемастерга уят йўл бўлсин, ҳе-хе-хе...

— Сиз анави Иволгинни айтаяпсизми? — шивирлади Қувон.

Бироқ сибирлик қовун тушириб, бақирди:

— Ҳа, ўша тўнғизни! Ҳозир Москвага қадам босолмай юрибди.

Яҳудийни чалғитиш учун Қувоннинг ўзи гапни буришга мажбур бўлди:

— Тўнғизлар бор, тулкилар бор! Истайсизми оққуш бўлишни ёки бургутдай самода сузишни?! Манави қартага қаранг, шу ҳозир бошингизни ейди, ҳоппа!.. Бу ҳеч қанақа фокус эмас.

— Қувон қарталаридан бирини оймаконликка кўрсатиб атайин ютқазди.

— Мен ютдим! — қичқириб юборди у. — Ука, осмондан келма-да, ахир! Қарта ўзингнинг бошингни еб қўйишига сал қолди. Қани давом эттираемизми?

— Эртага ўйнасак...

— Қочма!

— Сиз энди очилаяпсиз, — дея Қувон сибирликнинг юрагига чўғ солди. — Шу кетишингизда юз минг ютасиз.

Қувон нима қилиб бўлса-да, оймаконликни эртага ҳам Эфреим қиморхонасида учратиш ташвишида эди.

Кетаётганида яҳудий пул тутди.

— Улушингни ол, — деди қандайдир тагдор маънода. Қувон бош қашиб, пулга истар-истамай қўл чўзди.

— Эфреим ака, — хижолатпазлик ила мурожаат этди у, — менга бир сумка озиқ-овқат, ичимлик беринг, эрталаб номеримдан чиқиш ё бировни чақиринг малол келаяпти.

Айтгани бир зумда ҳозир у нозир қилинди. Бу Қувоннинг

хийласи эди. Эртасигаёқ у ижара уйга кўчиб ўтди, бошдан-оёқ пўрим либослар харид қилди ва эски кийимида қиморхонага йўл олди. Сумкада эса қирқма милтиқ бор эди.

Соқчилар одатдагидек уни тинтиб кўришди. Бири сумкани олмоқчи эди, Қувон бермади.

— Йигитлар, мен ҳар куни шу идишларда овқат, нон қайноқ қаҳва олиб кетаман. Ташвишланманглар, ҳозир юқоридагиларга топшираман.

Қувон кўз қисиб, улардан узоқлашди-да, ҳожатхонага кириб, милтиқли филофни тақиб, устидан жемфер кийди. Куртка бутунлай яширди-қўйди. Сўнгра сумкани ташлаб, йўлакка чиқди. Ўн қадам ҳам юрмагандики, йигитлар чопиб келишди.

— Сумкани нега ҳожатхонага қўйдинг? — сўради бири дағдага билан.

— Эҳ, эсимдан чиққанини! — Қувон ортига қайтиб, сумкага қўл чўзганди ҳамки, йигитлар тортиб олишди-да, идишларни бирма-бир текширишди.

— Бораверинг, ошпазга ўзимиз бериб қўямиз, — деди соқчи.

Аксига олиб яҳудийнинг кайфияти йўқ эди.

— Қувон, — деди у, — ўйлаб кўрдим, бугундан бошлаб шу ерда яшайсан, ҳамма шароитларни қилиб бераман. Юртингга бой-бадавлат бўлиб қайтасан. Агар хоҳласанг, умрбод Россияда яшаб қолишинг ҳам мумкин. Фуқароликни олиб бериш менинг зиммамда. Келишдикми?

— Бир-икки кун яшаб кўрай-чи. Ёқса қоламан.

— Ёқмай нима! Сенга бу ер гадойхона эмас! — Сўнгра курткага бармоқ нуқиди. — Совуқ урганми, еч манавини.

— Совқотмасам ечаман, — деди Қувон ҳам қовоқ соларкан. — Сибирликлар пўстинда ўтирганда, битта курткада ўтиролмаيمانми?!

Ўйин ҳар кунгидан эртароқ бошланди. Бешинчи қўлдан кейин устунлик Қувон томонга ўтди.

— Кеча ҳазиллашгандим, — кулди у. — Биронтанг менга

тенг келолмайсам. Туркларни, ўзбекларни, қозоқларни, италянларни, японларни ютганман. Ҳамма жойда сўзсиз галаба қозонганман.

Яҳудий каловланиб қолди. Оймаконлик ҳам безовталаниб, шерикларига кўз югуртиргач:

— Лекин мен ҳам... — дея бир нима демоқчи эди, Қувон столни муштлади.

— Четдан ўзингга боқ, сибирлик! Қўғирчоқдек ўйнатаяпман-ку! Иволгинни шип-шийдам қилганимда сен ким бўпсан?! Биласанми, Иволгин ҳозир қаерда?

— Билама, Пензада.

— Мен туфайли Москвага келолмайди!

Эфреим ортиқ чидаёлмади. Қувоннинг найранг ишлатаётганини англаб, қулоғига деди:

— Мумкинми, бир дақиқа ташқарига...

Лекин Қувон сапчиб турди-да, хўжайинни орқадан қучоқлаб, томоғидан бўғди. Яна бир уриниш билан милтиғини суғуриб олди.

— Ортиқча ҳаракат қилманглар, — амр. этди дарғазаб ҳолда. — Йўқса, ўқим башараларингнинг абжағини чиқаради. Менга, ҳатто, пуллари ҳам керакмас. Кўчага чиқаману таксига ўтириб жўнавораман, холос.

Шу пайт эшик очилиб, қўриқчилар чопиб киришди. Иккитасининг қўлида тўппонча кўринди. Бири айёрлик билан қуролини чиқармасдан ўзини овсарроқ тутишга ҳаракат қиларди.

Қувон уларга деди:

— Сенларни ким қақирди? Дарҳол даф бўлинглар! Акс ҳолда хўжайинларингни итдай отиб ташлайман.

— Қўйвор, ярамас! — ўдағайлади қўриқчи ғазабдан титраб. Аммо уни Эфреимнинг ўзи ҳовурдан туширди:

— Тинчланинглар... ўзларингни босинглар, — деди у. — Бу одам биздан ҳеч нарса талаб қилмайди. Мақсадига эришди, ахтараётган одами яшайдиган шаҳарни топди. Эсон-омон чиқиб кетиб, ўша ёққа бормоқчи... Қуролларингни тушириб, йўл бўшатинглар.

Дарҳақиқат, Қувон барчаси шундай яқунланишини

истаганди. Иволгин Пензада. Пенза Москвадан беш соатлик йўл. Гарчи катта шаҳар бўлса-да, бир кунда топади Иволгинни.

— Фақат орқа эшикдан! — буюрди Қувон. — Битта машина керак, ярим соатдан сўнг меҳмонхона олдидан олиб кетасанлар.

Машина ҳам беришди. Қувон Эфреимни ёнига ўтказди-да, газни босди, биринчи муюлишдаёқ яҳудийни машинадан тушириб юборди.

Катта тезликда ижара уй эшигига етиб келгач, ҳонасига чопди. Кийимларини, аудиоёзувни олиб, қайтиб тушганида атрофда шубҳали кимсалар кўринмасди. Машинага ўтириб нариги кўчага йўл олди. Бирон овлоққа ташлаб, Пензага йўловчи машинада кетмоқчи эди. Бироқ шошилишда орқа ўриндиққа қарамаган экан. Қулоғи тагида овоз эшитилди:

— Салом, қардош.

Қувон енгил сесканиш олиб, пешойнага қаради. Туркнинг кўзлари чўғдай ёнарди. Уни таниди: Москвага келган куни меҳмонхона фойесига қарта эрмак қилиб ўтирган йигит:

— Салом...

— Мени танидингми? — сўради турк.

Қувон баҳонада қия назар ташлади. Чақирилмаган меҳмоннинг қўлида “Макаров” тўппончаси бор эди.

— Кўзимга иссиқ кўринаяпсан, — деди Қувон.

— Танимадинг-а?

— Меҳмонхонада учратгандим. Айт, кимсан? Мендан нима истайсан? Сезишимча, Эфреимнинг одамига ўхшамааяпсан.

— Хўжайиним у эмас. Сен танирдинг худо раҳматлини.

— Танирдим?

— Ҳа, Иброҳим давангир деб эшитганмисан?

— Туркнинг забардаст ўғлони, Осиедаги энг кучли мафия сардори! Нега танимас эканман, ахир, Туркияда яшаганман, юзма-юз ҳам келганман.

— У ҳолда тез тил топишамиз. Қулоқ сол, Иброҳимбейнинг ўлими Лобар билан боғлиқ. Агар ўзингни гўлликка солмасанг барчасини муаммосиз эслайсан. Эсингдами, ўшанда

Лобарни учратиб қолдинг, Иброҳимбей меҳмонхонага келиб-кетишингга ижозат берди. — Уша ерда, аниқроғи, ертўлада милтиғим бор эди. Жуда ноёб тур. Ироқлик қуролфурушлардан анчайин қимматга сотиб олгандим. Кейин унга Лобар қизиқиб қолди. Мен милтиқни сотадиган, Лобар эса “қора қарта рақси” ўйинларини ўргатадиган бўлди. Курол сотганимни Иброҳимбей билмаслиги лозим эди. Билса, асирага милтиқ сотганим учун мени ўлдирарди. Бироқ ҳеч ким хабар топмагани қайтага қимматга тушди. Лобар милтиқни кимга берганини биласанми?

Қувон “снайпер милтиғини мен олиб кетганимни, Тошқалъадаги қиморбозларни ўққа тутганимдан хабардор, жўртага сўраяпти”, деб ўйлади, талмовсирашни жоиз топди:

— Нимани?

— Милтиқни! Биласанми, йўқми?

— Ростини айтсам, — гапни айлантирди Қувон, — Лобар билан ўртамизда севги бор эди, холос. Унақа ҳамкорлик қилмаганмиз. Енгилтакликдан, қимордан, ёмон одамлар билан бирга юришдан қайтаришга кўп уринганман.

— Лекин сен ўхшамааяпсан. — Турк ён ўриндиқдаги сумкани юлқиб олди ва қирқма милтиққа кўзи тушиб, хуштак чалди. — Даҳшат-ку!

Қувон тоқатсизланиб, деди:

— Исминг Усмон эди-я?.. Менга қара, Усмон дўст, бу машина қиморхонадан олиб қочилаяпти, узоққа боролмаймиз.

Усмон тишларини гижирлатди.

— Ақл ўргатма, ошиқ бола! Мен нафақат Лобарни, унинг снайпери Шомилни ҳам ахтараяпман. Икковини ҳам ўлдираман! Ўзим сотган қуролдан ўзимни отишди-я! Ҳали кимлигимни билмабди, лаънатилар. — Кейин бир оз ўйлаб олгач, деди: — Қўрқма, Лобарни ўлдирмайман, лекин мени алдагани учун пушаймон қилдираман. Айтайлик... енгил пушаймон...

Қувон тор кўчалардан бирини мўлжаллаб, кескин бурган эди, туркнинг кайфи учиб кетди. Тўппончасини маҳкам қисимлаб:

— Қаёққа ҳайдаяпсан, ит? — деб сўкинди.

Тормозни босган Қувон оғир тин олгач, тушунтирди:

— Айтаяпману бу машинада ортиқ юриб бўлмайдилар!

— Пензага пиёда бормайсан-ку, ахир. Гарангсимасдан машинадан туш, бошқасига ўтирамыз, жўнаймыз. Сени ўлдирмайман.

— Пензага бораётганимдан хабардор экансан-да?

— Ҳа. Бахтингга қарши сибирликлардан бири қалин ўртоғим. Новосибирскда, жарроҳлар қўлида ҳаётга қайтганман. Дўстлик иш берди, сенлар ресторан-казинонинг орқа эшигидан чиқаётганингда менга телефон орқали ахборот бериб бўлинганди. Хўш, улар Пензадами?

— Тавба, ўлган одамлар Пензада эмас, нариги дунёда бўлади. Усмон, наҳотки, Лобар Японияда отиб ўлдирилганидан хабаринг бўлмаса? Тирик қолганида ҳам Иволгин билан яшармидилар!

— Гапни кўпайтирма, машинадан туш! Бошқа машина бўлса, бошқа машина-да!

Улар Пензага тонгга яқин кириб боришди. “Жигули” ҳайдовчиси ёнида ўтирган йигит банди, орқадаги куролланган жиноятчи эканлигини сезмай, йўл-йўлакай иккисига-да тенг гап бериб борди. Машинадан тушишгач, Қувон:

— Сибирлик ошнангга қўнғироқ қил, Иволгиннинг уй манзилини айтсин, — деди. — Бутун шаҳарни титкилаб чиққунимча сабринг чидамаса керак.

— Аллақачон сўраганман, улар аниқ жойни билишмайди. Лекин мўлжал бор: собиқ комсомол ходимлари яшайдиган ҳовлилар атрофида.

— Нега менсиз бора қолмадинг? — сўради Қувон.

— У ердан топаманми, йўқми, худо билади. Сен керак бўлиб қоласан. Юр, юравер, оғайни.

Дуч келган биринчи таксига ўтириб, тахминий манзилни айтдилар. Орадан йигирма дақиқа ўтиб, “комсомоллар даҳаси” топилди.

— Уй эгаларини уйғотишни истамаймыз, — деди Усмон таксичига. — Совуқда кўчада кутиш ҳам ноқулай. Шунинг учун икки соат шу ерда турасиз, ҳақингизни тўлайман.



Уч соат кутишга тўғри келди. Кўчада одам кўринганданоқ Усмон таксичига жавоб бериб юбориб, Қувонни олдига солганча бораверди.

— Сўра, яхшилаб сўра, — буюрди Қувонга. — Полковник эски рақибим бўлади. Бир вақтлар изимдан Андрей деган йигитни кўйган.

Қувон буларни биларди. Турк Лобар Дубайда юрган кезларидаги воқеаларни айтмоқда. Тошқалъадаги снайпер ҳам, Ўлик оролдагиси ҳам Шомил эмас, Қувон эканини Усмон билмайди.

“Мен уни атайин ярадор қилдим, — хаёлидан ўтказди Қувон, — вақтинча овозини ўчирдим. Ўлдиришни истаганимда ҳозир қурт-қумурсқаларга ем бўлиб ётарди. Одамзот шунақа! Шукр қилмайди, ажал келтирувчи гафғонинг ортидан қувади”.

Олтмиш ёшлардаги одам Қувонга ажабсиниб боқди. Индамай ўтиб кетмоқчи эди, қизиқиш устун келди.

— Биров керакми?

— Истеъфодаги полковник Иволгинни ахтариб юрибман,  
— деди Қувон.

— Бу ерда ҳамма истеъфодаги полковниклар.

— Ҳамманинг фамилияси Иволгинми?

— Ҳамманинг.

— Ҳаммаси қартабозми?

Ҳалиги киши кемшик тишини яширолмай кулиб юборди.

— Шунақа демайсанми, ўғлим! Бизда битта қартабоз бор, уям бўлса Иволгин... Иволгинмиз деб ҳазиллашдим, Иволгинлар аждоди бизларга етти ёт бегона. Камина Тинч океан флотининг истеъфодаги майори... Павлов...

Қувон Самарқандга кетаётган автобусда дуч келган эзма қарияни ёдга олди. У ҳам Тинч океан флотида хизмат қилганди. “Нега уммон матрослари бутун дунёга сочиб юборилган-а?!” — деди Қувон ичида.

Айтилган манзил — иккинчи қават, 26-уй эди. Шифт бўйи кўҳна эшикни тақиллатган Қувон ҳозир кўз ўнгида

Иволгин намоён бўлишига ишонгиси келмасди. Уни топиш осон кечмаган эса-да, Қувонга ҳаммаси тўсатдан содир бўлаётгандек туюлди. Маъна у...

Йўқ. Эшик очилиб, калта юбка кийган қизил сояли галати кампир, оғзида сигарет, бўй кўрсатди.

— Сенга ким керак? — сўради у тутун пуфлаб.

— Иволгинда бир оғиз гапим бор.

— Ухлаяпти...

Кампир гапини туғатмасданоқ Усмон Қувонни итариб юборди. Қувон-ку йиқилмади, аммо кампирнинг оёғи осмондан келди.

Эшикни ичкаридан беркитган турк қурол ўқталганча (бир қўли билан кампирни судраб), ичкари хонага юрди. Даҳлизнинг икки ёнидаги эшикларни тепиб очиб, мўралашни ҳам унутмади.

Тўрдаги хона уч деразали бўлиб, балкон эшиги ҳам шу ерда эди.

Ҳордиқ чиқариш учун қўйилган шалоқ диван хона ўртасини эгаллаган. Унда пайпоғини ҳам ечмасдан полковник хуррак отган кўйи уйқуни урарди. Бадбўй ҳид Қувоннинг кўнглини айнитди.

Усмон бурчакдаги стулга ўтиргач, милтиқ солинган сумкани оёғи остига қўйиб, тўппонча тутган қўлини силтади.

— Қувон, башарасига ўхшатиб теп чўчқанинг! Сен ялмоғиз эса анави бурчакда дамингни чиқармай ўтир... Айтгандай, Иволгиннинг кими бўласан?

— Маъшуқасиман, — минғиллади кампир уялмай-нетмай.

— Ол-а, — ёқасига туфлади Усмон.

Қувон полковникни тепмади. Кийимидан тортиб турғазди.

— Эй, нима гап?.. — кўзини очди Иволгин. — Ким... кимсан?..

Шу пайт тўппончани кўриб қолди. Карахт мясида гужғон ўйнаётган тасвирлар бир ипга тизила бошлади. Қай аҳволдалигини англаб етган чоғи, ранги гезарди.

— Нима? — деди беихтиёр тисланиб.

Усмон оёғини чалиштирди.

— Лобар қаерда?

— У... ўлган.

— Шомил-чи?

— Қайси Шомил?

Усмон тўппончани отишга шайлади.

— Мен йўқотадиганларимни йўқотиб бўлдим, полковник. Ўша чечен раҳбарлигидаги қотиллар дўстларимни тутдай тўкдилар, тутдай! Ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим яқунлайман энди!

— Заррача алоқам йўқ, адашибсан... — деди Иволгин.

— Ҳозир гап Шомил ва Лобарни топиш ҳақида кетаяпти. Сен катта қиморда жавлон уриб юрибсан, ўзингга ўхшаган амалдорлардан батамом узилиб қолмагансан. Сўрагансан, билгансан!

— Лобар Японияда отиб ташланган. Мурдаси денгизга улоқтирилган.

— Бу чўпчак. Гувоҳ борми биронта?

Иволгин Қувонга имо қилди.

— Иккаласини отишган, аммо кўриб турибсанки, буниси тирик, — полковник ичишга нимадир ахтариб, хонага кўз югуртирди.

— Бўни биламан. Майли... Дунёда Шомил кўп, — деди Усмон, — лекин шулардан бири, яъни сеvimли машғулотингга алоқадори жуда таниш. Мансабда ўтирганинга ҳам унга қарши кўп курашгансан. Иккинчи марта “қайси Шомил?” дема.

— У ҳам ўлган.

— Гувоҳ?

— “Техрон-Бадахшон” гуруҳи одамлари билан тўқнашувда отиб ўлдирилган, деб эшитганман, эшитганимданок ишондим... Вой, бошим-ей!.. Чунки душанбелик қиморбоз аёлни ваҳшийларча ўлдириб кетишган, айби — “эронча қарта сирларини европаликларга фош этгани”. Ўшанда душанбелик аёл Лобар билан Шомилга ҳамроҳ бўлган. Қарта сирларини яна икки киши билиши мумкин, дея шубҳаланган эронликлар Лобарга Бокуда тузоқ қўяди.

Бу тузоқ Алиакбар исмли шахсга қарта ўргатишидан иборат эди. Машқлар видеотасмага ёзиб олиниб, “Техрон-Бадахшон” томонидан таҳлил қилинади. Қарасалар, Лобарда эрончадан ҳеч вақо йўқ. Лобар сиртдан авф этилади, лекин чечен шубҳа остига олинади... Илтимос, сув ичишга рухсат беринглар, ичим куйиб кетаяпти.

— Демак, Шомил ҳам ўлган? — сўради Усмон.

Полковник унга ялинчоқ нигоҳ ташлади.

— Ўлган, аниқ ўлган. Гувоҳ сўраб нима қиласан! Кел, яхшиси, сени Туркияга қайтариб юборайлик. Мени биласан, тички ишларда одамларим кўп. Тинчгина ватанингга кетишингга нима етсин!.. Қуролингни йиғиштирсанг-чи, ахир!

— Туркияда нима қиламан!? Дўстларимнинг қабрига кўз ёш тўкиб ўтираманми? Йўқ, мен Шомил билан Лобарнинг ўлганига ишонмайман... Америкада жодугар Кэтрина лақабли қартабоз аёл бор эмиш. Ўзича дунё қиморхоналарини бирлаштирмоқчи, якка ҳоким бўлмоқчи экан. Ростми?

— Рост, — деди Иволгин. — Худди ўша аёл Лобарни ўлдирган.

Қулай фурсат қидираётган Қувон дераза рахидаги графинга кўзи тушди.

— Йўқ, у Лобарни ўлдирмаган, — қатъий оҳангда деди Усмон. — Шундайми, Қувон?

— Кэтрина кўз олдимда отиб ташлади, — деди Қувон кўз ёшларини яширди. — Сўнг мурдани тошга бостирди. Денгиз суви кўтарилиб...

— Ёлғонни бас қил! — бақирди турк газабланиб. Кейин эса қўшнилар эшитмадимикан, деган хавотирда кўзлари бежо ўйнади, кампирга ўқрайди. — Қувон, илтимос, менга найранг ишлатма. Акс ҳолда одам ўлдиришимга мажбурлайсан. Кэтрина кимлигини эшитганман, ахир!

— Ўз кўзим билан кўрганман.

— Кўрган бўлсанг нега Лобарни ахтариб юрибсан?

— Россияга Иволгинни деб келдим, — Қувон полковникка қаради. — У Вадуд исмли ногирон чолни ўлдирган.

— Нима?! — Полковникнинг кўзлари олайди. Жойидан

турмоқчи эди, гувиллаётган бошини тик тутолмай қайтиб ўтирди. — Бу қанақа тўхмат? Чолни бошимга ураманми?

— Анави сумкада, — ишора қилди Қувон, — сен, Лобар ва Вадуд бобо суҳбати ёзилган кассета бор. Унинг кўлини чопиб ташлаганинг, яна алламбало душманликларинг ҳақида гапиргансан. Ҳозир магнитофонга қўйиб, эшитиришим мумкин.

— Нимага эришмоқчисан? — гижинди Иволгин.

Қувон кулимсиради.

— Кўп нарсага, — деди ва графинга қараб юрди. — Бир стакан сув ичиб олмасанг, ҳозир айтадиган гапларимдан ҳушингдан кетиб йиқиласан. — Сув қуяётиб, Усмонга гап қотди. — Бу одамнинг сирларини билмайсан-да. Эшитсанг, Лобар ҳам, Шомил ҳам қизиқтирмай кўяди, чунки у...

Шу лаҳзада Қувон кўчага қаради-ю “Милиция уйни ўраб олаяпти!” деб бақирди. Ва... барчаси киприк қоққулик фурсатда содир бўлди: Усмон ярим туриб, деразага қайрилди, Қувон унга ташланди. Оралиқ масофа беш қадам эди. Беш қадамни-босиб ўтгунча Усмон кўчага қарашга, ҳеч ким йўқлигини кўришга, Қувоннинг оёғи тагида пол гичирлашини эшитишга, энг ёмони, тепкини босишга улгурарди... Ҳа, улгуриши мумкин эди. Аммо лаҳзанинг бир бўлаги ҳисобига кечикди, икқови ҳам полга ағанади, бешафқат олишув бошланди. Усмон осонликча қурол бериб қўймаслигини англади, шундай чирандики, сал бўлмаса, Қувоннинг пешанасидан дарча очиб қўярди.

Кейинги ўқ деворга эмас, кекса жазманга тегди: кампир қўғирчоқдек қулади.

Иволгин пихини ёрган эмасми, гандираклаб бориб, ўзини сумкага отди, лекин унда пуллар йўқ эди, кийимлар ва қирқма милтиқ.

Шу вақт Усмон яна бир чираниб, Қувонни тагига босиб олди. Тўртта қўл битта тўппончага чирмашган, тиззалар эса тепкилашмоқда.

Қирқма милтиқдан пақиллаб ўқ узилди, Усмон қичқирган кўйи девор тагига учиб тушди. Иволгин иккинчи

ўқни Қувонга атаган эди, аммо Усмоннинг қурол тутган қўли мўлжалга олаётганини кўриб, ажал оғзини бурди. Тенки босилди.

Қувон полковникнинг оёғидан чалиб йиқитди, тумшугига иккита мушт қўйди...

Хонада уч киши ётарди: икки мурда ва бир қарахт қимса.

Қувон ҳансираб диванга ўтирди. Кампир ҳам, турк мафиясининг сўнгги вакили ҳам тил тортмай ўлган эди. Нима қилиш керак? Ҳадемай уйни ростдан ҳам Пенза милицияси ўраб олади.

Қувон сув ичди, Иволгиннинг ҳам оғзига қуйди. Кейин вазминлик билан деди:

— Менга қаранг, полковник, нимани ўйлаётганингизни билмадим, лекин бу воқеа барибир сизга минус. Кампирнинг қотили турк, туркники Қувон деб тухмат қиласиз, катта даргоҳлардан қувилганингиз билан кичик даргоҳларда сизни суяшади. Лекин... қайтараман, бу сизга минус...

Иволгин силкиниб, зўрма-зўраки кулди. Инқиллаб-синқиллаб тураркан, минғирлади:

— Минус ҳам гапми! Аҳмоқлар!.. Адойи тамом қилдиларинг.

— Менга Шомил керак.

— Нима, уни боқиб ўтирибманми? Нега менадан сўрайсанлар-а?!

Қувон милтиқни сумкага жойлаб, кассетани чиқарди.

— Нима қилдик, Иван Антонович? Тақдирингизни ўзингиз белгиланг.

— Очиқроқ гапир. — Полковник уст-бошини эпақага келтира бошлади.

— Улар ўлмаган, — деди Қувон.

Иволгин кўйлак тугмасини ушлаб, бир нафас ўйланиб қолди, кейин ялт этиб қаради.

— Кэтринани Японияга бормасдан ўлдирмоқчи эдим, Лобарга ҳам айтганман. У бор экан, қиморда мувозанат бўлмайди. Майли, сенга ростини айтай: Лобар Америкага олиб қочилган.

Қувон ғалати энтикди, кўзларида ҳаётбахш нур порлади.

— Шомил-чи? Унинг қисматидан сўзлаганларингиз чинми?

— Эшитганларим! Лекин у ҳам ўлмаган бўлса керак. Фақат нимадир бўлгану аллақаерларда қочиб юрибди. Лобарнинг ўғли унинг қўлида эмас, бошқа бир тўдада. Мен Америкага кетмоқчиман. Истасанг, сени ҳам олиб кетаман.

— Мени?

— Ҳа. Бошқача қилиб айтганда, биргаликда қочамиз. Бироқ у ёқда ўзингни оппоқ қилиб кўрсатмайсан. Қарта ўйнайсан. Эвазига Лобарни ҳам, ўғлини ҳам топасан. Ахир, жуда кучли қартабозсан-ку!.. Розимисан?

\* \* \*

Жодугар Кэтринанинг хаёлотини она шахри Лас-Вегасда иш берди: “Арвоҳлар базми” деб аталмиш қиморхона тез кунларда донг таратди. Унга ҳар қандай одам қадам ранжида қила оларди.

Бироқ барча казинолардаги каби бу ерда ҳам кишининг ҳаётига ва пулига таҳдид солувчи ҳолатларни юзага келтирмаслик учун ҳукумат нақд пулдан фойдаланишни ман этди. Қартани ҳам рақиблар чийдамасди, сузмасди. Қиморхона хизматчисининг иши эди бу.

Қартабозлар бошқа-бошқа эшиклардан ниқобда кириб келадилар, кимлигини ўйин хонасидагилар билишмайди, аммо ташқаридаги қиморхона назоратчилари кўчадан кирган ҳар бир қиморбознинг паспортини қайд этиши, ўқотар ва кескир қуролларини олиши шарт. Пул ўрнида турли рангдаги, турлича қиймат англлатувчи махсус тангалар қўлланилади. Ютуқлар эса касса орқали берилади...

Даставвал жодугар бурнини жийриб юрди. Янгича услубдаги қиморхонаси тўғи бошқа казинолардан фарқ қилмай қолганди. Лекин тез орада кўнгилдагидек натижа бўлди: одамлар чироққа урилган парвоналардек “Арвоҳлар базми”га ёпирилиб келишарди.

Жорж қарта сузувчи ишини бажара бошлади. Кэтрина бурчакда, шам ёруғида ўтирар, на қўлидаги сигарет, на бокалдаги ичимлик тугарди.

Эшикда ички қўриқчи. Буфет томонда уч малай хизматга ҳозир у нозир: Ниқобдагиларнинг бири, албатта, Лобар бўлиб, у рақибларини эрмак қилиб ютарди. Бошқаларга қартадан келадиган етмиш хил завқнинг биронтаси хурсанд этолмасди уни.

Жума оқшомида ҳафтанинг энг кучли қиморбозлари тўпланишади. Улар ҳафта мобайнида омади чопган, унча-мунча ютган қартабозлар эди...

Лобар ўша куни маҳзун уйғонди. Тўшакка қайтиб, донг қотиб ухлашни истарди, лекин эшик тақилламоқда, бу — Жорж, хирапашша.

— Гаранг эмасман! Нима гапинг бор? — қичқирди Лобар.

— Бугун қайси кун эканлигини унутма.

— “Олий арвоҳлар ўйини”. Шунини сўрамоқчимисан?

Жорж деворни муштлади.

— Менга нима! Шунанга бадфеъл бўлсанг, Кэтринага айтаман, ўрнимга мексикалик муҳожирлардан бирини қўяди. Биласанми, у сени нима қилади? Бир кечадаёқ... А, чўчка дедингми? Балки сенга куч ишлаган эркаклар ёқар? Унда эшикни синдираман...

Лобар ва Жоржни бир уйда яшашга мажбур этган Кэтрина ҳар куни шу каби томошаларга замин яратганди. Бироқ бу сафар ҳаммаси кутилмаганда тугади-қўйди: телефон жириглади.

— Алло... Ҳа... У шу ерда... Ҳозир... Лобар, сени сўрашяпти. Кечаги илтимосинг!

— Қанақа илтимос? — эшикни очди у.

Жорж телефонни узатди.

— Хонимни огоҳлантирдинг. Эртагача ўғлим билан гаплашмасам бўлмайди дединг. Ва ниҳоят, сўзининг устидан чиқди. Ма, нега қотиб қолдинг?! Жин урсин... Эй... эй...

Лобар телефонни қўшқўллаб зўрға ушлади.

— Ким? — сўради у негадир Жорждан.

— Ўғлинг. Нима, шунчалик қўрқасанми?

Лобар деворга суяниб қолди. Телефонни қулоғига тутган, оёғидан мадор қочиб, сирғанганча ўтирди, ушоққина онага айланди.



— Алло... — дедию жон қулоғи билан нариги томонни тинглади.

— Алло, сиз онаммисиз? — деб сўради бир бола ўзбек тилида.

Шу заҳотиёқ Лобарнинг кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. Гапирмоқчи бўлиб оғзини очди: гап ҳам чиқмади, нидо ҳам.

— Гапиринг. Шомил ака айтаяптики, сиз онам экансиз.

Лобар телефонни янада маҳкам ушлади, янада букчайди.

— Сенинг исминг Парвиз... Шундайми?

— Шундай, — деди бола.

— Ҳозир қаердалигингни айтолсанми?

— Айтоламан...

— Қ... қаердасан, болам?..

— Биз меҳмонхонадамиз, маза қилиб ухладик.

— Америкадами?

— Ҳа, жуда боймиз, жудаям! Шиша синиқларидан хазина топганимни эшитдингизми? Сиз ҳам келинг, соғинганман, аяжон! Катта бола бўлганман, катта! Келасизми, аяжон?

Телефонни Шомил олди.

— Салом, Лобар, — деди рус тилида. — Тез орада ҳаммаси тугайди, мана кўрасан. Осуда кунларингга оз қолди. Бир неча соат мум тишлаб юришингга тўғри келади, тушундинг-а, мен билан гаплашганингни ҳеч кимга айтма.

— Ҳозир қаердасиз? Мен уни кўришим керак... Бир марта!.. Илтимос-о-о-с...

— Ўғлинг қўлимда эканидан Кэтрина хабар топмасидан ишни якунлашим керак. Гапимга қулоқ сол. Ёнингдаги нусха қиморхонагача етиб бормади. Ўзингни ҳеч нарса билмайдигандек тут. Қарта ўйнаётганингда хонага қуролланган киши бостириб кирса, эсингда тут, ўнг қўлингни кўтариб, қилт этмай туравер. Тушундингми? Акс ҳолда сени танимай қолиш мумкин. Бу ўлдинг дегани.

— Лекин ўғлим...

— Ҳаммаси жойида! Сендан нима талаб қилаётганимни ҳозир айтдим.

Алоқа узилди. Лобар “алло, алло” деганича қолаверди. Жорж энгашиб, телефонни олди.

— Кэтрина ҳамиша сўзи устидан чиқади, — деди у. — Шундаям норозисан-а? Қани, тур. Овқатланиб, у ёққа жўнашимиз керак.

Лобар руҳсиз ҳолда ювиниш хонасига юрди. Эшикни ёпдию яна ўтириб қолди. Барчаси ўзи кутгандан-да тезроқ якунланаётганига ишонгиси келмасди. Бир замонлар тоғасининг ўглидан совчи келганда шундай энтиккан эди. Маъруфга турмушга чиқишни ўзи хоҳламаганди, лекйн келин бўлишни, кимгадир келин бўлишни ўйласа, ёқимли туйғулардан боши айланганди.

Ҳозир ҳам ичидан тошиб келган қувончдан сархуш бўлди. “Парвиз бағримда бўлади, кетамиз... олисларга кетамиз... Қиморсиз дунёга... бахтиёр диёрга...”

Ярим соатдан сўнг эшик тақиллади. Негадир Жорж соатига қаради, ҳайрон чимирилган қошлари тажанглик аломатларини зоҳир этиб, Лобардан сўради:

— Ким келиши керак эди? Мен эслолмаяпман.

Лобар елка қисди ва яна хаёл уммонига фарқ бўлди. Жорж эшикни очиб, аллаким билан гўнғир-гўнғир гаплаша бошлади. Кейин куртқасини кийиш учун қайтиб кирди-да:

— Дарров келаман, — деб шивирлади. — Агар... мабодо бир-икки соатда қайтмасам, Кэтрина ўзи келади. Қочишни ўйлама.

У эшикни қулфлаб, нотаниш киши билан машинага ўтирди. Лобар деразадан машинанинг бир четинигина кўриб қолди: қора жип эди.

Жорж хотинидан айбини яширган кимсадек ҳалиги одам билан тортишиб ўтирмади, иложсиз ҳолда, бурнидан ип ўтказилгандек эргашди-кетди.

Шу кўйи йигитдан дарак бўлмади. Лобар Шомилнинг телефонда айтган гапини эсларкан, “наҳотки, унинг навбатдаги ўйинлари бошланди?” деб хаёлидан ўтказди. Учиқуйруғи йўқ бу жараёндан кимлар омон чиқаркан? Кимлар мурод-мақсадига етаркан? Ҳаловат топармикан бирон зот?..

Бир бурчакдан иккинчисига зир қатнади. Нима қилиш керак? Қандай йўл тутса, эсон-омон топади жигарбандини?

Ўйчи ўйини битиргунча эшик тагида оғир “Кадиллак” тормози ғийқиллади, сигнал ҳам эшитилди. Эшик устма-уст тақиллади.

– Жорж! Жорж!..

Бу – Кэтрина эди. Дераза томонга айланиб ўтди. Хайдовчиси ҳам аланг-жаланг боқарди.

– У мени қамаб, аллақаяёққа жўнаб кетди, – деди Лобар.

Кэтрина ёнини кавлаштириб калитларни топди-да, эшиклар очилганданок, хайдовчисига ҳаммаёқни тинтиб чиқишни буюрди.

Ростданам Жоржнинг қораси кўринмасди.

– Тўғриси айт, уни ким олиб кетди? – жодугар сўраш асносида Жоржнинг телефон рақамларини терди, ўчирилганлиги ҳақидаги хабардан депсинди.

Бирон натижа чиқмагач, ўзини юмшоқ креслога ташлаб, сигара тутатди.

– Балки қилган гуноҳлари учун жавоб берадиган кун келгандир. Майли, ҳар ким ўз тақдири учун жавобгар! Нью-Йорклик арабларнинг ишига ўхшаяпти! Хотинбозлик эркакнинг бошига етади! Етмасданам қўймайди! Минг лаънат!

Улар ўйчан ҳолда казинога жўнашди. Кўнгилларига қил сиғмасди. Ярим йўлга етганда Кэтрина Лобарга зимдан қараб қўйди.

– Боланг билан эртага гаплашасан, – деди қаттиқ оҳангда, – кўраяпсан-ку, бугун бошимни ачитмаган битта сен қолаяпсан. Сал очилиброқ ўтир. Бугунги ўйинда кутилмаган меҳмонлар иштирок этишади. Бўрондай шиддат билан янчиб ташлашинг керак.

– Улар ҳафта давомида ютган ғолиблар эмасми?

– Шунақалари ҳам бор. Мен аввалроқ айтганимдек, “Арвоҳлар базми”га қизиқиш ҳаддан ташқари кучайди. Бирйўла бугунги катта ўйинда иштирок этишни истаган даъвогарлар топилиб қолди. Уларга бирон марта ҳам имкон қолдирмаслигинг шарт, бирон марта ҳам!

Лобар чуқур нафас олди, қўллари мушт бўлиб тугилганини ҳеч ким кўрмади. У илтижо қиларди шу ҳолда: “Илоё, бугунги қимор умримдаги охириги ўйин бўлсин... охириги ўйин бўлсин!..”

\* \* \*

Иволгин бежиз Қувонга хорижга қочиш ҳақида гапирмаганди. Биринчидан, унда Қувон “оқ қарта рақси”ни биладиган қартабоз эканлиги ҳақидаги маълумот бор эди. Иккинчидан, АҚШга учиб кетиш учун барча ҳужжатларини тахт қилиб қўйган бўлиб, фақат шеригинигина кутарди.

Қизиги, шерик кимлиги айнан маълум эмасди. Қувон розилик бергач, аллақерга сим қоқди.

— Биз ҳозир борамиз; ҳужжатлар тахтми?.. Бўлди, яна икки минг қўшаман... Ҳа, у мен билан... суратга оласан, мен айтган одамнинг исм-фамилиясини ёзасан... Шундан кейин қутуласанлар...

Ўша кеча улар Нью-Йоркка учишди. Лас-Вегасга, Американинг нариги чеккасига жўнаб кетишаётганида, кўзларига ишонмаган Қувон деди:

— Қойил, Иван Антонович! Салкам сеҳргар экансиз, дунёнинг бир четига олиб қелдингиз-а!

— Бу — менинг сўнгги сеҳрим, — хўрсинди полковник, — энди Россияга қайтолмайман. Ўзимни ўзим тамом қилиш эвазига Америкага келишга муваффақ бўлдим.

— Нега энди? Сохта ҳужжат тайёрлаб берганлар ортиқ ёрдам беролмайдими? Қаллобга пулини берсангиз, бас-да.

— Қаллоб эмиш! Биласанми, улар ким? Мен ишлаган даврда оёққа туриб олган бечоралар! Ишим чаппа кетиб, мансабдан тушиб, қиморга ютқазганимда, айтишган: “Иван Антонович, сохта ҳужжат билан бўлса ҳам чет элга чиқиб кетинг, биз ими-жимида ёрдам берамиз, умрбод қамоқда ётганингиздан кўра ўша ёқда муҳожир бўлиб яшаган афзал эмасми?” Кўрдингми, Қувон, улар мендан қутулишди, осонгина. Энди мен йўқман, ўлганман.

“Мен-чи? — ўйлади Қувон. — Одам сониди борманми? Бу ердан Россияга учолмайман, ўз паспортимда эса Америкага келиш хусусида ҳеч вақо қайд этилмаган...”

— Ұйланиб қолдингми? — Полковник Қувоннинг елкасига қўл ташлади. — Нима қиласан ўша ёқларни! Жаннатга етдик! Энди бу ердан кетказиб бўпти! Хаҳ-хух-хихҳ...

Дастлабки кунлари Иволгин Қувонни ишга солмади. Чунки у “ғилдирак” ўйинларини соғинган эди, уззукун казинолардан бери келмасди. Нафси ором топгач, Қувоннинг ҳузурига яна уч-тўрт кило семириб қайтди.

— Хўш, қалай? — иршайди у чўнтакларидан боғлам-боғлам долларларни чиқараркан. — Ҳалиям ўша ургочи шайтонларни ўйлаб ётибсанми?

— Менга қаран! — Қувон сапчиб турди. — Сизга ҳамтовоқ бўлиш ниятим йўқлигини биласиз. Лобарни ахтариб юрибман. Лобар учунгина бу ерга келдим. Агар алдаган бўлсангиз...

— Алдаган бўлсам нима? Россия элчихонасига борасанми? Ё анави ошхона пичоқлари коллекциясини кўксимга қадаб чиқасанми?

— Ундан ҳам баттарини қиламан!

— Ишонаман. Чунки сен мараз қотилсан, Қувон! Қотил эмасман, деб кўкрак керишингдан аввал Пензани эмас, Туркияни ўйла. Сен мерган йигитсан, шундайми? Лобар билан тил бириктириб...

Қувон унга ташланди ва ёқасидан бўғиб, ўшқирди:

— Лобар қаерда?! Уни Кэтрина қаерга олиб қочган? Қайси шаҳарда?

— Анигини билмайман. Казиноларни кузатиб, суриштириб юрибман. Ўзингга маълум, у менга ҳам керак. Ахир, бизга ўхшаганлар бунақа шаҳарларда бир йилга қолмай энг бой кишиларга айланади. Қўйиб юбор, Қувон. Қизишсанг ўзингга ёмон бўлади.

— Майли, — бир оз бўшашди Қувон. — Лекин алдаган бўлсангиз, ўлдираман. Мендан омон қолмайсиз.

— Нега ишонмаяпсан? Ахир, сенинг “оқ қарта рақси” устаси эканлигингни, Туркияда қиморбозларни ўлдирганингни, Вадудни “Широи одори” одамлари йўқ қилганини аниқладим-ку. Наҳотки, Лобарнинг сирли қисмати олдида ожизу нотавон қолсам?!

Қувон ёнаётган вужудининг ҳовурини босиш учун “кола” қуйиб ичди. Сўнг Иволгинга газабнок нигоҳ ташлаб:

— Казинога мен ҳам чиқаман, — деди. — Қачонгача қамалиб ўтираман. Жонга тегди!

— Ўзим ҳам шуни айтмоқчи эдим, “ғилдирак” ўйинлари баъдга урди, қартага фурсат келди. Биттасидан эшитдим, шаҳар чегида “Арвоҳлар базми” деган қартахона очилибди. Жума кунини катта ўйин бўлармиш. Сен Америкадаги фаолиятингни ўша ердан бошлайсан.

— “Арвоҳлар базми”... Нега бунақа ном?

— Борганда кўрасан. Зўр ташкил қилинган, дейишди.

\* \* \*

Жума.

Қуёш қийналиб ботди. Лобар яна ўша жойига ўтирди. Ниқоб ичра ниқобли одамларни кузатиш, бир оғиз гапирмасдан, имо-ишоралар ила ўйнаш, аёл эканлигини сездирмаслик даставвал маъқул тушганди. Бугун эса ниқобни юлиб отгиси, “Эй бадкирдорлар, мендек бир ожиза аёл билан ўйнаяпсанлар”, дегиси келди.

Кэтрина ўзгача қиёфада, ҳар кунгидек сигарет чекмоқда. Сочини қизилга бўяб, шунақанги шиширибдики, бир даста янтоққа ўхшайди. Лобар ҳам танимайдиган даражада пардозланган.

Бошқалар ҳам келиб ўтиришди. Четдаги ниқобли норғул йигит атрофга иккй-уч қайта алантлагач, Кэтрина ўтирган бурчакдан кўз узмай қолди. Унинг илк бор келгани сезилиб турарди.

Қиморбозлар сигарет тутатишди. Нимқоронги хона тутунга тўлди, ҳаво ҳайдовчи паррақлар тозалаб улгуролмай қолди.

Лобар норғул йигитдан кўз узмасдан ўтирарди. Шу тобда Жоржнинг ўрнига қарта сузиш вазифаси юкланган мексикалик ўйинни бошлаб юборди.

“Ҳозир бир нима бўлади, — хаёлидан ўтказди Лобар. — Шомил ака шулар орасидамикан? Ўнг қўлингни кўтар дедими кеча?..”

Биринчи сафар Лобарнинг қарталари кучлидиги қилди. Ҳеч қанақа мураққаб усулсиз ютди. Кейингисида аялдан шубҳали қўл келди. У қандай усул қўллашни ўйлаётган кез норгул йигит ўн минг доллар қийматни англатувчи “газна”ни тикиб, рақибларига бирма-бир кўз югуртирди.

Лобар ҳам тикди. Шунда иккови бир бирига ўқдай кўз қададилар. Ниқоблар ўймасидаги кўзлар йилтиради.

“Шомил ака эмас, — деди Лобар ичида, — лекин нимасидир таниш... Кўнглим сезаяпти... Ё у ажалиммикан?.. Наҳотки, устунлик қилса?!”

Охирги кунда охирги дақиқаларда ютқазини!.. Йўқ, Лобар бўшашмаслик лозимлигини ҳис этди. Гарчи Шомил кўнгироқ қилиб ҳаммаси тугашини айтган эсада, Кэтринанинг важоҳатли башарасини ўйлар, ўз-ўзидан қарталар оламига шўнғиб борарди.

Бир соатдан сўнг ўйин шиддатли тус олди, уч киши икки миллиондан зиёд ютқазгач, ўйиндан чиқишга мажбур бўлдилар. Қиморбозлар сараланиб бормоқда эди. Лобар қаршисида уч кишини кўриб турарди: икки бақалоқ эркак ва норгул йигит.

Ўйиндан чиқиб; томошабинга айланган қартабозлар, казино хизматчилари — жами ўн чоғли одамга бирма-бир нигоҳ ташларкан, ораларида Шомил ёки унинг кишиси йўқлигига ишонч ҳосил қилди.

“Демак, у ташқаридан бостириб киради, — кўнглидан ўтказди Лобар. — Ҳаммамиз ниқобдамиз. Кирадию ўнг қўлини кўтарган кимсанинг мен эканлигимни тушунади. Кейин-чи? Бошқаларини ўлдириб, мени омон қолдирадими ёинки аксинча? Балки қурол ўқталиб, қиморбозларни ҳайкалдай қотирган кўйи мени ўғирлаб кетар?..”

Навбатдаги ўйинда ўртага тикилган пул уч миллион доллардан ошди-ю кутилмаганда норгул йигит бир ҳаракат билан “испан-модерн” усулига ўхшаш қарта тизмасини намоёиш этди. Таомилга кўра яна пул тикилиши ва кимнинг қартаси кучли эканлиги аниқланиши лозим эди.

Казино ходими Кэтрина томон қаради. Инглиз тилида: — У ҳамма қарталарини очиб ташлади, — деди. — Қайтадан сузайми?

Бақалоқлардан бири столни муштлаб, рус тилида сўкинди:

— Жин урсин! Ҳайвонлар! Нима фирромлик? Ахир, бу одам энг кучли қўл билан зарба берди. Унинг қарталарига ҳеч ким бас келолмайди!

Шунда иккинчи бақалоқ юзидаги ниқобни юлиб олиб, бақирди:

— Сен Иволгинсан! Мени танияпсанми? Эфреимман, москвалик Эфреим!

— Вой, аблах! — полковник жойидан сакраб туриб, ниқобини ечди. — Биз билан қанақасига теппа-тенг ўйнаяпсан? Қўлингдан қарта чийлаш ҳам келмас эди-ку!

Лобар Иволгинни учратганидан ғазабланиб, аммо сир бой бермай ўтирарди. Кэтрина столидаги шамни пуфлаб ўчирди, девор ёқалаб буфетчи йигитлар сари ивирсиб бора бошлади.

— Ҳой, чироқни ёқинглар! — қичқирди яхудий. — Булар уюшган қиморбозларга ўхшаяпти. Иван бежиз ёнидаги йигитга ён босмаяпти, уни ҳам танидим, шекилли: Исми...

Эфреим керакли исми тополмай каловланиб қолди. Шунда Лобар норғул йигит намоиш этган ўйин усулидан сездики: бу “оқ қарта рақси”нинг дебоча ўйинлари! Ҳа, “оқ қарта”чиларгина шу тахлит ўйин кўрсатишади! Демак, у... “Широи одори”дан ёки Қувон!

— Қайси бири? — беихтиёр шивирлади Лобар. — Кимсан?..

— Эсладим, — деди Эфреим, — у ўзбекистонлик қартабоз, исми Қувон! Ичак-чавоқларим ҳаққи қасам ичаманки, бу ўша! Ўша-а!!! Ниқобини очинглар!

— Кимлиги билан нима ишинг бор, мурда! — Иволгин унга муштини дўлайтирди. — Қиморхона қондасига кўра...

Шу пайт кўшни хонадан аллақандай заиф, аммо кўнгилга қутқу солувчи товушлар эшитилди, нимадир жаранглаб синиб, кимдир йиқилаётиб эшикка гурсиллаб урилди.

Бу товушлар овози тиндиргич ўрнатилган тўппончадан ўқлар узилганини, қўриқчилар йиқилганини, бутилкалар синганини аңлатарди.

Ҳеч ким қочишга улгурмади. Қарсиллаб очилган



эшикдан кўринган кимса ҳали остона ҳатламасданоқ икки кўчини отиб ташлади. Лобар ўзи билмаган алфозда ортга тисланди. Кейинги ўқлар Кэтринани ва буфетчи йигитларни ерпарчин қилди. Шундагина Лобар қочиб қутулолмаслигини, киллер таниб олиши учун ўнг қўлини кўтариши даркорлигини англади. Ва кўтарди...

Киллер уни мўлжалга олдию ўқ узмади. Бир сония кечикканидами!

“Таниди!...” — хаёлидан ўтди Лобарнинг.

Кўз очиб юмгунча Эфреим ва Иволгин башараларидан ўқ еб, полга қуладилар.

— Қувон! — қичқирди Лобар.

Ўзини норғул йигитнинг устига ташлади, ажал машинаси эса ҳамон одам ўлдиришда давом этарди. Ҳар бир ўқи битта одамни — қачонлардир онадан туғилган, неча йиллар эркатойи бўлган, кейин эса балоғатга етиб ҳаёт сўқмоқларида адаша-адаша шу ерга келиб қолган бутун бир турихни, тирик тарихларни — бир қоп гўшт-суякка, жонсиз мавжудотга айлантирарди...

Лобар кўзини чирт юмиб, ҳалиги йигитни қучиб ётаверди. Бир вақт Қувоннинг овози эшитилди:

— Лобар... Лобар!.. Тирикмисиз?

Ўқдонларни алмаштирган киллер уларнинг бошига келиб, ниқобини ечди. У Шомил эди. Ўтган вақт ичра ҳечам ўзгармаган ўша чечен, ўша бўри қарашлар.

Таниш оҳангда, Лобар учун бир замонлар қадрдон бўлган овозда деди:

— Салом, Лобар! Буни қаранглар! Наҳотки, Қувонни кўраётган бўлсам! Чақилмайдиган ёнғоққа ўхшайсан, ошна!

— Нима қилганингиз, Шомил ака? — Лобар мурдадай оқариб, қалтираганча ўрнидан турди, Қувон ҳам қад кўтарди. — Бошқа йўл йўқмиди? Одамхўрлик-ку бу!.. Одамхўрлик худогаям хуш келмайди!

Шомил оғир тин олиб, қуролини кўтарди. Бурчакда кимдир инграган эди, тепкини икки марта босди: учиб тушган гильзалар полда жаранглаб рақс тушди.

— Кетдик, — деди киллер, — мурод-мақсадимга етган кўринаман. Гувоҳлар эса халақит беришдан бошқасига ярамайди.

“Арвоҳлар базми” казиноси олдида фургонли машина турарди. Учаласи кабинага шошилиб чиқишди.

— Парвиз қаерда? — сўради Лобар.

Шомил эшитмаганга олди, тезликни оширди.

— Қаерда деяпман?!

Чечен жилмайди, сўнг бош чайқар экан, деди:

— Эҳ, Лобар, Лобар! Нималар қилмадинг-а болангни деб! Сенга олтиндан ҳайкал кўйиш керак. Қувон, нима дединг?

Қувоннинг чап юзи асабий тортишди.

— Йўқ, — кўрс жавоб берди у. — Лобар ўзига кўйилган ҳайкални емириб бўлди. Аниқроғи, ёлғиз эмас, сиз, мен, Иброҳим давангир, Анна Сергеевна, Иволгин... биргаликда емирдик... Лобар қанақа аёл эди-я!

— Чеккимас... — лаб бурди Шомил. — Шу ўтиришимиз ҳам рамзий. Мен рудаман, ўртада Лобар, сен эса чеккадасан. Истасанг, шартта эшикни очиб, пастга сакрашинг, биздан қутулиб қолишинг мумкин. Ҳеч ким сени қувмайди. Чунки қимор ўз табиати билан қувувчи эмас. Аҳмоқ одамларнинг ўзлари уни қувадилар.

Лобар тиззаларини икки қўллаб муштлади.

— Ҳозир бораётган жойимизда ўғлимни кўраманми ёки яна кимгадир бериб юбордингизми? Нега гапни айлантирасиз?

— Уни ҳеч кимга бериб юбормаганман, — деди Шомил.

— Мендан ўғирлашган, холос. “Шири одори” деб эшитганмисан?

— Номи ўчсин!

— Улар энди йўқ! Бу ёқда эса... кўрдинглар, Кэтрина ҳам йўқ. Жоржни ёқтирмас эдинг-а? Жорж ҳам йўқ. Ла Шапель деган ҳайвонниқига борганмидинг? У ҳам йўқ. Ҳаммаларидан қонга беланган мурдаларгина қолди.

— Демак, Анна Сергеевнанинг ўлигини кўрибсиз-да?

— Ҳа, ҳозир у орқада, фургонда. Лобар, сенга бошидан айтганман, биз, ким бўлишимиздан қатъи назар, мусулмон

фарзандларимиз. Гарчи динсиз бўлса-да, онахонимизни иззат-ҳурмат билан тупроққа қўйишимиз керак.

Қарама-қарши тёмондан иккита полиция машинаси шувиллаб ўтди-кетди. Шомил фургонни ўнгга, серчироқ кенг йўлга бурди. Кўп ўтмай шаҳар ортда қолди.

— Парвиз ажойиб бола, — деди Шомил. — Кампирни дафн этганимиздан сўнг ҳаммомга тушиб, покланасан, ҳаққимга дуо қиласан, шундан кейингина боланг билан учрашасан. У ишончли аёл қўлида!

Қаровсиз қолган қабристонга кириб бордилар. Машина чироғини ўчириб, гўр қазидилар. Мурдани гўр четига ётқизишгач, Шомил:

— Юзини очайми? — деб сўради Лобардан. — Видолашмайсанми?

Лобар тунги шамолдан жунжикиб, машина томон индамай кетди.

— Тушунарли, — деди чечен, — тушунарли, Лобар. Лекин “қора қарта рақси” Анна Сергеевнани сендан кўп қийнади, шуни тан олсанг бўлди... Алвидо...

Сарсон-саргардон майит ўз жойини топди. Шомил қисқача тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортгач, машина сари шошилди.

Йўлда у соатига қаради.

— Кечикдик, — дея Лобарга кўз ташлади.

— Нима?..

— Парвиз Тошкентга учиб кетди. Улгураимизми деб ўйлагандим.

— Нималар деяпсиз?!

— Ташвишланмасанг-чи, Лобар! Унинг ҳамроҳи сен тушингда ҳам кўрмаган яхши инсон, яъни менинг хотиним! Хужжат бўйича эса онаси! Ҳозир олдимизда бошқа бир муаммо турибди: икковингга хужжат тайёрлаш, эсон-омон Тошкентга учирш...

Лобар йиғлай бошлади. Шунда Шомил телефонини узатди.

— Ма, уйингга қўнғироқ қилиб тирик эканлигингни, боланг тез орада Самарқандда бўлишини айт. Америкада

эканингни сир тут. Сен юртингга Токиодан, Қувон Москвадан қайтса, муаммо камаяди. Бугун, эртан шундай кунларки, биз охирги марта кўришиб турибмиз. Унутма, сени йиғлашга ўргатмаганман.

\* \* \*

Октябрнинг биринчи ҳафтасида Самарқандда ёмғир ёғди. Кузнинг илк ёмғири эди бу. Қурилиш бўлаётган кўчалардаги чанг босилди, Афросиёб харобалари тўқ рангга кирди, гўё расадхона олдидаги Мирзо Улуғбек ҳайкали янада ғамга ботгандек. Феруза гумбазлари ярақлаб Шоҳи Зинда, Бибихоним, Регистон, Гўри Амир шаҳарга ўзгача шукуҳ бахшида этади. Кўчаларда сон-саноқсиз “Дамас”лар манзилларга шошади. Уларнинг-да ойналари ҳўл.

Лобар “Нексия”нинг орқа эшигидан зўрға чиқди. Ўғлига атаб олган каттакон айиқ қўлидан сирғалиб тушди. Сал нарида... атиги ўттиз қадамлар нарида... бувиси ёнида Парвиз жиддий тикилиб турарди. Икки ярим йил ичида кап-катта бола бўлиб қолибди. Пўрим кийиниб олганиничи! Қош кўзлари Лобарга шунчалар ўхшайдики...

— Бола-а-м!.. — Лобар ўкириб юборди. — Парвизжон!!!

Онаизор уч-тўрт қадам юриб, йиқилди. Сўнг оёққа турди, яна талпинди... Юришни, югуришни эплолмаептими? Ўттиз қадам... ўттиз йил... ўттиз сония...

Боласини куч билан бағрига босди. Ёмғир кучайди. Она-болани кузатиб турганлар ҳам йиғлардилар... Осмон ҳам...

Парвиз чўнтагига қўл солиб, банк қоғозини чиқарди.

— Нега йиғлаяпсиз?! — деди у. — Сизларга пул керак эдими? Мана, бир юз йигирма минг долларга ҳужжат! Фақат ўзингизга бериб қўйишимни тайинлаган... Йиғлашингиз ортиқча... йиғламанг!

Лобар анграйиб қолди.

— Менга ёмғирда қўл туриш мумкин эмас, — дея Парвиз она қучоғидан чиқиб, ортига бурилди.

IX ҚИСМ

ҚИРОЛ ГУСТАВ ВА ПАРАНЖИ ЁПИНГАН  
ҚАССОБЛАР

Жамики тирик махлуқотга дунё секин-аста ўзгарадиган ҳолда кўрсатилади. Биз туғилиб бир мунча вақт яшайдиган ва яна бағрига сингиб кетадиган юмалоқ дунё — Ер шари ҳам, чанг зарралари каби фазодан жой олган сон-саноксиз сайёралар ҳам секин-секин, имиллаб сайр қилади. Сокинлик, жимжитлик — булар аслида йўқ, ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, бўлмайди ҳам. Бошимиз узра нур сочаётган Қуёшнинг билқиллаб туриши, узун-узун олов тилларининг дошқозонда қайнаётган тирик махлуқдай ўзини ҳар томонга отиши... Во дариғ, алломалар Қуёшнинг овозини эшитишга уриниб кўрдилар, аянчли гувиллашлар, юрак ёрар увиллашлар... Қуёш ҳар сонияда неча бор ўзгаради. Балки бир вақтлар келиб, Ернинг гижирлаб айланаётганини ҳам эшитармиз. Ҳатто, деворлар ҳам жонсиз эмас. Ногоҳ тупроққа тушган миттигина гул барги ҳам нола қилади, ахир унинг нафис вужудини биз фақат заррабинда кўрадиган махлуқотлар аллақачон еб-битири бошлади-да. Тасвирчи кадрларни шитоб-ла айлантириб, майсаларнинг ўсишини, булутларнинг ўқдай учиб ўтишини кўрсатади. Ҳеч бўлмаса, техник воситалар ёрдамида англаймиз, сукунат ёлғонлигини. Менгзайдиган бўлсак, инсон қисмати, қалб дунёси, хаёллар — биронтаси ҳам ором нималигини билмайди. Қачонлардир эри Москва қиморхоналаридан бирининг ертўласида кавказликларга ютқазиб қўйган хотин, яъниким Лобар ҳам бугун дунёи дун тириклари рўйхагида нафас олаётиб, буларнинг бари тинчлик эмаслигини фаҳмлади. Нега айнан бир юз йигирма минг долларлик ҳисоб рақами ҳадя этилди? Қарзини тўлаш учун йигиб-терганларини куйдириб ташлашди ва ўрнига пул беришди, демак, қарз деб ҳисобламаган эканлар-да? Шу кўйи Шомил ҳам “нафақага” кетса экан. Йўқ, улар

кейинги йилларда юз берган жаҳон сиёсий саҳнасидаги Европа ва америкалик янги қўғирчоқларни бир четдан обдон ўрганмоқликни ихтиёр этгандек туюлади. Лас-Вегасда қулоғига бир гап чалинганди: Шомилни Италия мафияси ҳеч қачон ихрож айламаган, ўша пайтларда Берлусконининг ўзи уларнинг сўл қанотига қақшатқич зарба берган бўлиб, бу зарб ўз-ўзидан Сицилияда ҳам акс-садо қолдирганди. Масаланинг иккинчи томони Қўшма Штатларнинг машҳур Лэнгли шаҳрига бориб тақалади. Негаки, ҳеч қутилмаганда Римдан бир неча чақирим нарида аллақандай афғонистонлик террорчи Марказий Разведка Бошқармаси хуфиялари томонидан тутиб олинган эди. “Суперпрофессионал киллер” тамғаси остидаги Шомилнинг ҳам хирагина сурати террорчилар сафига тиркаб қўйилиши мумкин эди ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлига кишан урилиши ҳеч гап эмасди.

Америкадаги авзойидан Лобар шундай хулоса чиқарганди: эски ақидасида собит қолиб, ҳеч қачон дунёвий ҳамда диний салтанатларга қарши бормайди. У ҳукуматларнинг битта жиҳати билан келишолмайди, холос: ҳар қандай давлат қотиллик учун оғир жазо тайинлайди. Бундай жазо билан икки марта қотиллик қилиш мумкин, учинчисига умр етмайди. Шомил эса қанчалик сир тутмасин, ҳали кўплаб қиморбозларнинг ёстиғини қуритмоқчи эди.

Оғир ўйлар босган Лобар киндик қони томган заминга келибгина бошидан кечирганлари нақадар даҳшатли, қонли ва ҳаттоки, инсоният учун ҳалокатли эканлигини янада теранроқ англаб етди. У касаллик ташувчи ҳашарот каби Россиядан лаънатланган қарта ўйинини юқтириб келган эди. Тўсатдан унга талабгорлар чиқиб қолди, жиноятчилар қартани унинг қисматига айлантириб ташлашди. “Мисргача бордимми?” деб гоҳо ҳаммасини тушга йўйгиси келарди. Мана, бугун фарзанди ёнида. Кундан-кунга ўрганишиб бормоқда бир-бирига. Баъзилар она-бола эндиликда ялаб-юлқашиб яшаётган бўлса керак, деб ўйлашгандир. Таассуфки, бундай бўлмади. Уша

октябрнинг илк ёмғирли кунидан сўнг Лобар шамоллаб қолди. Парвиз ҳар куни беш-олти марта хонага кирар, беш яшарлигидаги каби интиқ бўлмас эди.

Бир куни Лобарнинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади.  
— Мен йиғлатаяпманми? — сўради Парвиз.

Хонадагилар она-болага жимгина қараб ўтирардилар. Лобар сўзсиз бош чайқади. Шифтда исириқ тутуни ҳамон сузиб юрар, гиламлар ҳидга тўйингандай эди.

— Йиғламанг, — деди бола ва қаердандир топган шеър китобчани варақлашга тушди.

У ҳали ўқишни билмасди, қариндошлар ҳам, бемор она ҳам меҳр ва қизиқсиниш ила кузатиб туришди. Бола ҳамманинг нигоҳи қадалганини сезиб, мингиллаб қўшиқ айтган кўйи варақлашдан тўхтамади. Худди Лобарникига ўхшаш охуваш кўзлари беғубор ва негадир оч тикиларди саҳифаларга.

— Ўқишни ўрганиволдингми, болажоним? — Бувиси бошини силади.

— Йўқ, мактабга бормаяпман-ку. Нега рухсат бермаяпсизлар? Қўшни болалар айтишдики, агар бу йил бормасам, ўзимдан кичиклар билан ўқирканман.

— Худо хоҳласа, ҳаммадан ўзиб кетасан.

— Ўзиб кетиш керакмас, улар билан ўйнагим келади. Уйда ўтирганимда эса манавинақа китоблардан шеър ёдласам дейман.

— Шеър китоб эканлигини билганини. Жуда ақли-да, бу Парвизжон.

У Италияда эканлигида хонасида шоир ва эртак-нависларининг китоблари ўйинчоқ ўрнида сочилиб ётарди. Энага гоҳ эртак, гоҳ шеърлар ўқиб берар, аммо қайси тилда мутолаа қилишдан қатъи назар қасалманд Парвиз ўша кезлари ҳеч нимани англамасди. Бир умрлик ақли заифликка мубтало бўлади, дейишганди. Бахти бор экан, соғая бошлади, тақдир онаси билан учраштирганда у ўтган йиллардагидан анча тузук эди.

— Бу ерларда светофорлар кам экан, — деди китобчани ёпиб.

Лобар сесканиб тушди. Бошқалар ҳам секин кўз уриштириб олишди. Парвизга дори беришганида, светофор ёнида ўлимга юз тутганди. Гарчи бу ёлгон ўлим бўлиб чиққан эса-да, Лобар кейинги вақтларда тушида фақат светофорни, қизил чироқларни, ўғлининг қийналиб жон бераётганини кўрарди, бошқаларга ҳам айтганди тушларини.

— Светофорни гапирма, гапирма... — дея Лобар тўшакдан қаддини кўтарди.

— Нега ҳар бир гапим жаҳлингизни чиқаради? — ўпкалади бола. — Мен чет элликман, ҳурмат қилишларингиз керак.

— Ҳеч қандай чет эллик эмассан, — деди Лобар.

— Сизларнинг болангиз бўлсам мактабга беринглар, ўқишни ўрганай, бошқаларга ўхшаб кўчаларда юришни хоҳлайман.

— Махсус мактабга бермоқчиман, шу ҳафта ҳал бўлади. Биласан-ку, мазанг йўқ, маҳалладаги мактабга қатнашинг мумкинмас, — зўр-базўр тушунтирди Лобар.

— Хўп, келишдик, — Парвиз шошилиб чиқиб кетаркан, қўшимча қилди: — Ҳаммадан ўзиб кетсам, хафа бўлмайсиз.

Лобар ним жилмайиб, болишга ўзини ташлаб, деди:

— Қариндошга келин бўлиб шу кунларга қолдим. Ўқиганимда, қўлида касби бор йигитга турмушга чиққанимда, ҳаётим тинч, осуда, рўзғор билан андармон ўтарди, ая.

— Нолима, — деди онаси, — шукр қил. Шукр қилишни билмаган одам бундан кейин ҳам адашади. Маъруфга берди, деб мени айбдор қиласан. Тўппа-тўғри, акамнинг ўғлига мен бергиздим, лекин чечен ўлгурни ўзинг танладинг, Абдуллани ҳам ўзинг топдинг.

— Туғилганимдаёқ пешонам шўр бўлган.

— Пешонанг шўр бўлишини билганимда туғмасдим. Қаёқдан биламан, ҳаётинг бунақа кечишини? Бировни айблашдан олдин ўйлаб гапир.

— Касални касал демайсиз, бўлди-да, янга, — деди қишлоқдан касал кўришга келган амманинг қизларидан бири Лобарнинг онасига.



Кейинги ҳафтада Лобар оёққа турди. Бир вақтлар олис тумандан кўчиб-келган ён қўшнилари-уй-жойини сотиш тараддудига тушиб қолгач, харидор Лобар чиқди. Вадуд чолнинг кўчасидаги ҳовлини сотиб юборганди. У энди онаси билан қўшни бўлди.

— Шу ерда яшаймизми? — деди Парвиз ҳувиллаб ётган хоналарни кўздан кечираётганларида.

— Ҳа. Ёқдими, ўғлим?

Бола бош қимирлатди. Кейин эшик қулфини, дераза панжарасини текшириб, яна бир бор маъқуллади.

— Душманлар ҳужум қилишса, осонлик билан киромайди, — деди билафонлик билан.

— Қанақа душман? Қўй, ўша совуқ гапларни, — қовоқ уйди Лобар.

— Сиз қартани яхши ўйнайсизми?

— Қаердан топдинг бу гапни?

— Ростини айтинг.

— Мен онангман. Шунақа савол бераверсанг, касал бўп қоламан, тушундингми?

— Тушундим. Алдагани ҳар доим бола яхши.

Шундан сўнг Лобар ўғлига сал-пал ҳазил қиладиган, барчасини жиддий олмайдиган бўлди. Ҳатто, ҳовлида чириб ётган қарта бўлагини кўришганда:

— Вой аблаҳлар-ей, биздан олдинги уй эгалари ҳам қарта ўйнаган экан-да, — деб пошнаси билан эзгилаб ташлади. Югуриб келган Парвиз ҳам онасининг ишини такрорлади.

Кичик оиланинг банкда бир юз йигирма минг доллар ҳада пули бўлишига қарамай, фақат ўзлариникини ишлатишди. Ҳовлининг пулини тўлаш, таъмирлатиш, жиҳозлар — шу билан ақча ҳам тугади. Лобар ишга кириш ҳақида ўйлай бошлади. Бировнинг берган пулидан фойдаланиш унга шудгордаги қуйруқ бўлиб кўринарди.

Бир неча кундан сўнг “Гала-маркет” номли уч қаватли дўконининг парфюмерия бўлимига сотувчи бўлиб ишга жойлашди. Лобарнинг қора ўтмишини кўпчилик биларди. Бу ўтмиш одамларга тескари таъсир қилар, улар қартабоз аёл билан эмас, даҳшатли мафия каллакесарлари билан

юзма-юз келган қаҳрамон билан ишлаётганларидан ҳам гурурланишар, ҳам ҳайқишарди.

Лобар бахтли ҳаёт учун катта пул керак эмаслигини ҳис этди. Пулларининг катта қисмини укаси Баҳром ўзлаштириб юборган, ўз бизнесини ташкил қилган эди. У ҳалиги ҳовлини олишда пулдан қарашди.

Лобар Парвизни барча шарт-шароитлари муҳайё қилинган репетиторга бериб, келгуси йил сентябрда мактабга жойлаштиришни кўнглига тугди. Ўзи эса “Тала-маркет”да ишлайверади, балки умрбод касбини ўзгартирмас.

Баҳорга чиқиб, Парвиз китоб ўқийдиган бўлди. Баъзан электр ўчиб қолар, шунда она-бола чироқ ёруғида Андерсен, Сельма Лагерлёв, Шарль Перро асарларини ўзгача мароқ-ла ўқишар, ким билади, булар Парвизга айни ҳақиқатдек туюлар, аммо Лобар ҳақиқий санъат аслида эртақ эканлигига, ҳаёти ҳам эртақка айланиб бораётганига мутаассир бўлиб, ичида йиғларди. Гоҳо тақдир чархпалаги орқага қайтадигандай кўнгли хилма-хил ёмонликларни сезиб, нажот истарди, қўрқарди. Одамлар қўй каби қирилиб ётган мудҳиш оролни тез-тез эслар, пешонасидан отиб ташланган йиғитлар типирчилашга ҳам улгуролмай жон бергани бот-бот кўз олдига келар, жигарбандлари жувонмарг бўлган маҳалладошлари ҳали-ҳамон қарғаб ётганини ўйлаб юраги увишарди.

Шундай кунларнинг бирида (серқуёш якшанба эди) Лобар ўглини кўча сайрига таклиф этди.

— Врачим жимжит боғда, тоза ҳавода сайр қилсин деганди, охири кўнибсиз-да? — деди Парвиз.

— Машиналар учрамайдиган тинч кўчаларга олиб бораман.

Она-бола ўтирган такси азим дарахтлар туташган кўча бошида тўхтади. Лобар сочини сариққа бўяб, тиззадан келадиган малламтир юбка кийган, кофтаси ёқасидан кўриниб турган тилла занжир бўйнини бениҳоят нафис кўрсатиб турарди. Онда-сонда учраган кишилар она-болага ҳавас билан қараб қўйишарди. “Қора костюмдаги бола

албатта мактабга кетаётгани йўқ, — ўйлашарди улар, — бу ерлик ҳам эмас. Улар чошгоҳданоқ сайр қилиб юришибди. Қандай яхши! Биз эса шулардай юришга вақт тополмаймиз. Дунёда бахтлилар қанчалик кўп-а!..”

Чамаси, бир соат юришди. Бир-икки бор катта, ғавжум кўчаларни кесиб ўтишга ҳам тўғри келди. Чор Россияси даврида қурилган кўҳна уйлар мудраётган баландликдаги салқин кўчалар бошқаларидан ёқиб тушди. Икки томонда қари акациялар соя ташлаган. Кўча секин-аста пастга энади, кўз олдинда шаҳарнинг пастқам маҳаллаларининг айқаш-уйқаш уйлари жонланади. Ногоҳ кўтарилган оқиш тутунда ҳам сеҳр бордай.

Бир пайт қайсидир кўча охиридаги қизил ғиштли ажойиб бинони кўриб қолдилар. Бино эртақдаги маликалар қасрини эслатар, кунгурадор томи сеҳрли мамлакат бошланаётганидан дарак берарди гўё.

— Анави уйни томоша қиламиз, — деди Парвиз. — Биласизми, у менга нимани эслатапти?

— Кеча ўқиб берган эртагимдаги уйни.

— Тополмадингиз.

— Ишқилиб Италия дема, асалим.

— Нега Италия дейман? Бу ерни тушимда кўрганман.

— Баъзан одамга аввал ҳам шу воқеа бўлгандай, шу ерларга келгандай туюлади. Масалан, менда ҳам...

Парвиз таққа тўхтаб, кўзини чирт юмди. Ранги хиёл оқаргани онага дарров сезилди.

— Парвизжон, мазанг қочдимми? — жон ҳолатда сўради Лобар.

— Машиналар... светофор... чорраҳа... — деди бола ғўлдираб.

Шу пайт чиндан ҳам ўнлаб машиналар эртақнамо уй ортидан ўта бошлади. Энди Лобарга ҳам бу манзаранинг қаеридир таниш эди. Беихтиёр олдинга уч-тўрт қадам ташлаб, кўча охирига хавотирли син ташлади. Таниди! Ўша маҳалла эди, бир вақтлар яшаган, бошига оғир кунлар тушган.

Бу кўча ўнгга бурилса эски уйига олиб боради. Эртақнамо

уй ўрнида эса дўнглик бўларди, янтоқ, ковул ўсган. Чапга юрилса, ростдан светофор. Парвизнинг ёлғон ўлими воқе бўлган макон.

— Юр, кетамиз, — Лобар ўглининг қўлидан маҳкам қисиб ортга судради.

— Йўқ! — дея Парвиз шундай силтандики, онаси айирилиб қоладигандай бор кучи билан кучоқлади.

— Анави ерга борайлик, кейин кетамиз.

— Бехосият жойга яқин йўлатмайман. Кўнглим сезаяпти, болажоним, у ерда яна бир фалокат юз беради... Нега бунча оқариб бораяпсан? Бошинг айланаётганими?

— Э, ая, соппа-соғман. Ўзингиз жинни бўп қолдингизми, бунча кўрқасиз? Юринг, юрсангиз-чи.. Ана, милиция ҳам бор, бунинг устига куппа-кундуз бўлса.

— Фақат беш минутга, эшитдинг-а? Кейин такси ушлаймиз-да, уйга қайтамиз. Ўзинг ҳам сезаяпсан, мазанг йўқ.

Лобар ва ўгли секин юриб кетишди. Гавжум кўчанинг нариги томонида чиндан икки милиция ходими турарди. Улар она-боладан кўз узмаётганини пайқаш қийин эмасди. Негадир Лобарни айнан хизмат кишилари хавотирга солмоқда эди. Бири ўзини тақасалтанглардай тутиб тиржая бошлагани хавотирига олов сепди. Шунда кўкдан тушдими, ердан чиқдими, орқада бир кимса пайдо бўлиб, аввал қаттиқ йўталди, кейин хириллаган оҳангга сўради:

— Айтолмайсизларми, Паранжихона қаерда?

Лобар ортига ўгирилдию сесканиб тушди. Узун бўйли, чўпдай озғин қаримсиқ кимса қоп-қора плашда, бошида қора шляпа, саволмуз боқмоқда эди.

— Қанақа паранжихона? — аччиқланди Лобар.

Кимса кўҳна иморатлар томон ингичка бармоғини бир сидра юргизиб, қўлини шошилмасдан яна чўнтагига тикди. Ажинлари қоришиб кетган эди.

— Шу атрофда... — деди у.

Гапирганда оғзида нимадир бордек қийналиб жағ қимирлатарди.

— Биз бу ерлик эмасмиз, билмаймиз, — Лобар шундай деб ўглини етаклаб катта кўча сари шошилди.

Акеига олиб милиция ходимлари ғойиб бўлган эди. Бир оз юрганларидан сўнг Парвиз болаларча қизиқиш устунлик қилиб ортига қайрилиб қаради.

— Ая, анавунни қаранг! — қичқириб юборди у.

Лобар ортига ўгирилди. Қора плашли кимса ерда бир чизиқ бўлиб ётарди. Бечора суяк деб аталмиш устун ва устига тортилган теридангина иборат экан, нима қилади кўчада сандироқлаб, аллақандай паранжихонани ахтариб? Лобар шубҳали ҳодисадан ўғли ила тобора узоқлашиш истагида бир қадам ташлаганди, Парвиз жаҳлдан бўзариб, оёқ тиради.

— Ўлиб қолади, ёрдам беришимиз керак.

— Кетдик, у алкаш...

— Кўрмадингизми, у маст эмасди. Жудаям қари одам, нимасидан қўрқаяпсиз?

Она-бола шундай тикилиб қолишдики, ҳозир иккиси бир-бирига чанг солиб, ейишмаса гўрга эди деган хаёл туғиларди кишида. Светофорнинг қизили ёниб, машиналар таққа тўхтаб, ичкари кўча ҳам осудаликка чўмди. Қушлар яхшилик ҳақида ўз тилларида чуғурлашиб, инсониятга бахт-саодат тилади.

— Юр, — деди Лобар, — фақат сен нарийроқ турасан.

— Хўп, ая. Лекин билиб қўйинг, сиз ўйлаганчалик даражада ёш бола эмасман.

— Огоҳлантираман: кўп гапирма!

Лобар ғалати кимсанинг бошига энгашди. Сон-саноқсиз ажинлари, дами чиққан пуфакдай осилган бақбақаси, буришган бўйни бир вақтлар семиз, дўрсиллаган эркак бўлганидан далолат берарди. Энди эса мадори қуриб, асфальтда ерпарчин бўлиб ётибди. Синчиклаб қаралса, у ҳалигача ўзига бино қўйганлигини, қолаверса, камида бирон жойда профессор эканлигини фаҳмласа бўларди. Саргарошнинг уста қўллари анча уриниб, тирик ҳайкалга ишлов берган, уст-боши дид билан танланган, думалаб ётган шляпаси қимматбаҳо (буни Лобар бир замонлар Анна Сергеевна билан Москва дўконларини айланган кундаги тажрибасидан яхши биларди).

Чолнинг бўйнидаги кўкиш томир тез-тез кўтарилиб тушаётганини пайқаган Лобар мамнун бош силкиди.

— Ўлиб қолибдими, ая? — хавотир инган оҳангда сўради Парвиз.

— Ўлмайди, — Лобар телефон рақамларини терди. — Алё, кўчада бир одам ҳушидан кетиб ётибди, касалманд, қари киши, қон босими кўтарилган шекилли... Менми? Йўқ, ҳеч кими бўлмайман... Манзилми? Чор Россияси даврида қурилган эски уйлар жойлашган кўча. Номи... Ҳа, эскича Куропаткин дейиларди... Раҳмат. Хўп, хўп.

Лобар ўғлининг ёнига қайтди.

— Бир нима қилсак-чи? — деди Парвиз куюнчаклик билан.

— “Тез ёрдам” бир неча дақиқада етиб келади, меҳрибон болажоним.

— Биринчи ёрдам кўрсатишимиз керак.

— Аксинча, уни тинч қўямиз. Нега дейсанми? Миясига қон қуйилганга ўхшайди. Агар қон қуйилган бўлса, салгина қимирлатсак ўлиб қолади.

— Нега?

— Биз шифокор эмасмиз, Парвизжон.

Бола йўл четига чиқиб, ажриқ босган ариқ лабида хаёл суриб қолди. Атрофда улардан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Лобар ўғлини кучди.

— Биласанми, — деди қулоғига, — сени қайта топганимдан кейин бир нарсадан хавотирлангандим, яъни ваҳший болага айланишингдан. Ўғирлаб кетганлар, тарбия бермоқчи бўлганлар, ҳатто даволатганлар — ҳаммаси Худодан қайтган нокаслар эди. Уларнинг қўлида салкам уч йил яшадинг. Барибир ниманидир ўргангансан, шундайми?

— Ҳеч нима ўрганмаганман.

— Ҳеч нима-я?

— Шу саволингизни мингинчи марта эшитишим, ая. Билиб қўйинг, мен ўрганмаганман, эшитдингизми, кўрганман... фақат кўрганман! Кўр эмасман-ку, ахир!

— Қўй, асабийлашма!

— Үзингиз асабийлашаяпсиз-ку!

— Менми?

— Яхши она бўлишингизни хоҳлайман.

— Ёмонманми, Парвиз?

— Ким сизни ёмон деяпти? Яна бошлаяпсизми? — Парвиз ер чизди, буйнию сочларидан фақат оналар туядиган ажиб ис таралди. — Эртақлар ўқиб берасиз, яхши бола бўл дейсиз, лекин икки хилсиз.

Лобар ўглини маҳкамроқ қучоқлади.

— Ҳам ҳам биламан. Иккита одамман. Бири сен яхши кўрган она, меҳрибонинг. Иккинчисини нима деб таърифласам экан? Совуққонроқ. Ҳар нимадан гумонсираб, ёмон томонларни кўрадиган Лобар.

Шу пайт инграш эшитилиб, барабар бурилишди: чол ўтирган кўйи шляпасини гарангсиб ахтарарди. Она-бола унинг қошида ҳозир бўлдилар.

— Шунақа қасалим бөр; — деди қора либосли кимса. — Бирдан йиқиламан-қўяман... Узр, туришимга ёрдамлашворинглар.

— Лобар-унинг тирсагидан тутиб, оёққа турғазди. Чол худди калтак егандай ёвқараш қилиб, ёлворганнамо қиёфада чайқаларди.

— Паранжилар бошимга етмаса эди, — минғирлади у.

— Биз кетсак ҳам булар, — деди Лобар ўглини етаклаб.

Бироқ боланинг ҳеч кетгиси йўқ эди.

— Ростдан ҳам Паранжихона қаердалигини билмайсизми? — сўради кимса Лобардан. — Мендан хавотир олманг, қизим, касалим юкумли эмас. Мартабамга келсак, фан номзодиман. Маданият, тарих, тил... — Илм кишиси шляпасини ушлаб кўйди. — фанларига умримни бағишлаганман.

— Паранжихона ҳақида биринчи марта эшитишим. Мабодо сен эшитмаганмисан, ўғлим? Ҳм, демак, бошқалардан сўрашингизга тўғри келади, домла. Ие, ма-шинангиз ҳам келди.

“Тез ёрдам”ни кўриб чол алам билан депсинди. Она-бола такси ушлаб уйга қайтдилар.

— Машина олишга пулимиз бор, нима учун пиёда юрамиз? — деб сўради Парвиз.

— Банкдаги пулларни назарда тугаяпсанми? Уларни эсингдан чиқар.

Бола бош эгиб, кўзларини пирпиратди. Лобар уҳ тортиб, унинг сочини силаб қўйди.

— Бизга деб беришган бўлса-да, на сенки, на меники. Қисқаси, ўша пуллардан фойдаланмаймиз, гапим гап.

— Бояги чолга ўхшаб касал бўлиб қолсам-чи?

— Худо сақласин! Бунақа гапларни гапираларми, ўғлим, ёмон бўлади, тушунарлими? Бу бир. Иккинчидан, пулнинг ташвиши сенга қолгани йўқ, катталар қиладиган ишларга ёш бола аралашмайди. Келишдикми?

— Келишдик. Лекин иситмам чиқаётганини катталарга ўхшаб тушунтирсам майлими?..

Шу куни Лобар ўғлини шаҳар касалхонасига олиб боришга мажбур бўлди.

— Душанба куни келсангиз, ажойиб инсон билан учрашасиз, — деди ёш шифокор.

— Нима, мунажжимлар башоратини айтаяпсизми?

— Сизни ва ўғлингизни таниб қолганман. Касали нима эканлигидан ҳам хабардорман. Тасодифни қарангки, Германиядан келган шифокор айнан ўғлингизникига ўхшаш касалликлар бўйича тенгсиз мутахассис. У кўриб қўйса, чакки бўлмасди.

Шифохона биносидан чиққанларида дарвоза тагида қора кийинган чолни яна учрагишди. “Тез ёрдам” шу ерга келтиришган экан-да.

Аммо чол тушмагурни шукуҳли қора “Мерседес” ўз ичига олганини, машина бурилиб олаётганида орқа ўриндикда бир қиз уни ўпганини кўрган Лобарнинг кўнглида шубҳа-гумон илонлари гимирлаб қолди. “Бир кунда икки марта? Бу ҳам тасодифми? Йўқ, бунда бир гап бор шекилли. Адашмасам, чол атрофимизда изғиб қолди...”

Ҳарҳолда, Лобар умрининг қолган қисмини ўлса ҳам қартага сарфламоқчи эмасди.



\* \* \*

Эртасига Лобар ва Парвиз шифохонага кириб келишганида биринчи қават тирбанд эди. Касал болаларни кўрган Лобарнинг томоғига нимадир тиқилди. Гўё ташқарида фашист самолётлари изғиб юришар, бетиним бомбалар ёғилишидан юрак олдириб қўйган оналар паноҳгоҳга бекиниб, жондан азиз жигарпораларини бағрига маҳкам босганича нажот дақиқаларини кутишарди. Бир йигит ҳамширанинг изидан чопмоқда, йиғидан кўзлари қизарган. Чўпдай озгин қизчани кўтариб ўтишди, ёнма-ён кетаётган ғамгин аёлнинг қўлидаги шиша идиш найчаси қизчанинг билагига санчилган игнада.

— Сизларга мумкин эмас, — дея Лобар ва ўғлини лифтга киргизишмади. — Бу касаллар учун!

— Соғ бўлсак келармидик, тўхтанг.

Лифт эшиги қапишаётиб, тиқилинчда ҳалиги озгин қизчанинг оёғини қисиб қолди. Эшик қайта очилганида Лобар бемор қизчанинг аҳволи оғирлигини пайқади.

— Шу кўйга тушсаккина ҳақиқий касал ҳисобланамизми? — деди исёнкор товушда.

Шарт бурилиб зинапоя ёнидаги навбатчи ҳамширанинг ёнига борди. Кеча келганини, германиялик шифокор билан учрашишга шартлашганини айтди. Ҳамшира телефон рақамларини тераётиб, Лобарни сару пой кузатди. Нигоҳида қойилқолганлик ёхуд ҳайиққанлик аломатлари зуҳурланмади, шунчаки менсимай, фикрини қарарди бу ойимқиз.

— Алё, Акрам ака, немис дўхтир бугун одам қабул қиладими?. Ҳа, одам қабул қиладими, деяпман. Бу ерда биттаси ўгли билан киришга рухсат сўраяпти... Ўлинг-е, Акрам ака... Сиздан жиддий сўраяпман...

Бир уддабурон хотин келиб гапни бўлди:

— Қизим, учинчи қаватга шундоқ чиқиб келай, палатага кирмайман, неварамни зинага чақиртираман, хўпми? — Шундай деб у ҳамширанинг чўнтагига беш юз сўмлик

тиқди. Ҳамшира зинапояга қўйилган тўсиқни очган эди, хотин овқат солинган бидончани кўтариб, тирбанд одамларни доғда қолдирганча юқорилади.

— Акрам ака, — деди ҳамшира гўшакка, — немисингиз одам қабул қиладими, йўқми?... Ҳа, пастда одам кутаяпти, одам... Сиз ким деб ўйладингиз?

— Бошқа вақт ҳайвонларни текширадими? — чидаёлмади Лобар. — Ё мени ҳайвон деб ўйлаясанларми?

— Опа, — ҳамшира гўшакни тушириб, сақичини бошқа жағига ўтказди, — манга унақа “тўн”да гапирманг, хайми? Бекор ўтирганим йўқ. Ҳозир ҳамманинг ҳам “нерви” тамом бўлган, так что...

— Нима? Сен — оқ халатли маймун — ким билан гаплашаётганингни биласанми?

— Э, ким бўлсангиз ҳам оғзингизга қараб гапиринг! — қичқирди ҳамшира жойидан шаҳд билан туриб.

Лобар залворли тарсаки туширди, ҳамширанинг боши навбатчилар каталагининг ойна деворига қарс этиб урилди, кўзлари чақчайиб, сочлари тўзғиди. Бу билан қаноат топмаган Лобар телефонни юлиб олди-да, мрамарга улоқтириб, чил-чил қилди. Кейин ҳамширанинг ёқасидан чангаллаб, кўзларига ғазабнок тикилди.

— Яхшиям, эгнингда оқ халат бор, агар кўчада бўлганингда соғ қолмасдинг!

У силтаб юборган эди, касалхона ходими полга ўтириб қолди. Лобар тўсиқни кўтариб, ҳамон анграйиб турган Парвизга кўл чўзди.

— Ўғлим...

Зинадан шошилмасдан чиқиб бораётган шаддод жувон ва касалманд болага атрофдагилар лол бўлиб қараб қолишганди. Қўлида машина калитини ўйнаб турган олифга эркак тиббиёт ходимларининг ёнига келиб, деди:

— Нима қилмоқчисизлар? Орқасидан чиқасизларми ё милиция чақирасизларми?

— Нима ишингиз бор?! — дейишди унга.

— Айтарли ишим йўқ. Сўраётганимнинг сабаби, бу аёлни танийман. У чет элдаги мафия раҳбарининг

хотинчаларидан бири деб эшитганман. Битта қўнғироқ қилса, қатта муаммо туғилади. Юриши оддий, а? Италия мафияси ҳам тан олган, нон урсин. Маслаҳатим, вақт борида кечирим сўранглар.

Лобарнинг ортидан қувишмади, лекин немис шифокори қабулида турганида, бош шифокор келиб, кабинетига таклиф этди.

— Пастда тўполон бўлибди, — деди бош шифокор кўзойнагини олиб. — Адашмасам, исмингиз Лобар.

— Ҳа, шундай.

— Сиз ҳақингизда эшитганман, ходимларимиз номидан узр сўрамоқчиман.

Лобар ўрнидан туриб, Парвизнинг елкасига қўл ташлади.

— Мен ва ўғлим оддийгина оиламиз. Қиморга ҳам, халқаро жиноятчиларга ҳам алоқадор жойимиз йўқ. Телефон учун эса жарима тўлашга тайёрман. Ҳамширангизга келсак, уни аллақачон тиббиёт соҳасидан ҳайдавориб, мол бозорга далол қилиб қўйиш керак.

— Кичик кўнгилсизликни унутасиз-да энди, Лобархон.

— Сиз ҳам ҳамширангизнинг ишини қилаяпсиз.

— Мен-а? Қанақасига?

Лобар жавоб бермади. Немиснинг қабулига навбат келганди. Она-болани қирқ ёшлардаги узун бўйли, дўнгпешона шифокор қаршилади. У рус тилида бинойидай сўзлашаркан. Салом-аликдан сўнг Парвизни рўпарасидаги стулга таклиф этди. Текширув нақ бир соатга чўзилди. Хулосага гал келгач, хорижий мутахассис жилмайди.

— Даволаш мумкин, — деди у, — асоратларни бутунлай йўқотиш дейилади бу. Менга икки ой вақт ва ўзим истаган шарт-шароит керак. Йигирма кундан сўнг юртимга жўнаб кетаман. Демак, вақт ҳам йўқ, шарт-шароит ҳам. Тўғри тушунарсиз деган умиддаман.

— Биз бормаган шифокор қолмади, аммо касаллик барибир хавф солаяпти.

— Мен айтадиганимни айтдим, — деди немис. — Битта йўли бор — мен билан кетиш.

— Албатта, маблағга боғлиқ иш ҳақида гапираятсиз...

— Йўқ, — гапни чўрт кесди профессор, — бола соғлиғига боғлиқ иш ҳақида гапираяпман. — У ҳарҳолда ҳисоб-китоб қилиб, натижасини айтди: — Йигирма минг доллар сиздан.

— Келишдик, — деди Лобар.

Парвиз йўлакда сўради:

— Доллар ҳақида гапирдингизми, ая?

— Пул ҳақида лом-мим демасликка ваъда бергансан, ўғлим. Лобар хорижлик валинеъмат тақдим этган бир юз йигирма минг долларлик ҳисоб рақамидан йигирма минг долларни олиш ҳақида ўйлаб борарди. “Барибир ўша пулларга куним қоларкан-да, — деди ичида. — Бошқа иложим ҳам йўқ, шекилли... Лекин пул топганимдан жойига қўяман...”

Касал қизчанинг онаси бир четда жавдираб турганини кўриб, тўхтади.

— Опа, бирон ёрдам керакми?

— Йўқ, — деди аёл, — қизим касал, шунга келувдим.

— Бир соат аввал сизни лифтда кўргандим, қизчангиз тузукми?

— Худо умр берса яшаб кетади, — овози қалтираб чиқди онаизорнинг.

— Мен билан юринг, ҳозир банкдан икки минг доллар олиб бераман, дори-дармонига ишлатинг. Юрсангиз-чи!

— Мен... мен бунча пулни... кейин қандай узаман, синглим?..

— Пулни қарзга бермаяпман, мендан совға, опажон.

— Биров билан адаштирмаяпсизми? Мен...

— Лифтда олиб чиқилган қизчанинг онасимисиз?

Аёл боши билан тасдиқлаб, қулт этиб ютинди, қўллари қалтираётганини кўрган Лобар “Буларнинг жонини шапалоқ еган ҳамширага ўхшаганлар олиб қўйган”, деган хаёлга борди.

Бошқа саволга ўрин қолмаган эди. Муштипар аёл Лобарнинг изидан мунғайиб эргашди. Биринчи қаватдагилар уларни кўрган заҳоти йўл бўшатишди. Қизчанинг онаси гўёки қамоққа кетаётгандай атрофга қўрқа-писа алангларди.

Банкда пул олиш учун кутаётганлар тўдаси йўл бермайди. Бироқ Лобар ҳамон ғазаб отида-эди, туртиб-суртиб йўл очди-да, ходимларга ҳужжатларни кўрсатди. Улар дам қозғаларга, дам Лобарга кўз ташлаб, каттароқ кишини чақиришди.

— Нима гап? Тинчликми? — сўради сабр косаси тўлган Лобар.

— Тинчлик, — деб жавоб беришди, аммо ҳаммаларининг кўзларида алланечук саросима сезилар, Лобарнинг қадами етган ондан нимадир ёмонлик сари ўзгарганди.

— Бор-йўғи икки минг доллар олмоқчиман, — деди Лобар банк ходимига. — Қанча кутишим керак?

— Бир оз сабр қиласиз.

Орадан ярим соат ўтди ҳамки, Лобарни чақиришмади. Шунда у ичкарида нимадир рўй берганини сезди. Яланғоч ва совуқ деворлар бахтсизликдан дарак беришини Лобар биринчи бор ҳис этиши эмас эди. Шунга қарамай, ҳадик аталмиш юрак титроғига айнан ҳозир сиғинишни истамасди. Навбатдаги дилхираликни қаршилаш олдидан муштлари тугилди, тишлари бир-бирига шундай жипслашдики, лаблари чўччайиб кетди.

Ниҳоят, сутранг эшик очилиб, ойналар ортида бўйинбоғ таққан кимса кўринди. Бир неча сониядан сўнг ўқўтмас ойна ортидаги хизматчи тирқишдан:

— Осимова, — деди, — марҳамат, келинг.

— Кўп кутгирдинглар.

— Узр, опа.

— Имзонгиз... Манави жойга ҳам... Раҳмат. Агар сўмга алиштирмоқчи бўлсангиз...

— Йўқ.

Лобар “Кассадан узоқлашмай санаб олинг” деган эълонни ўқиб, юзталиқ долларларни тезда санокдан ўтказиб, истеҳзоли жилмайиб қўйди. Банкда ҳеч кимга АҚШ долларини тез ва бунча миқдорда нақд бермасдилар.

Пулни бемор қизчанинг онасига тутқазди.

Сўнг ўғлини етаклаб, эшик сари юраркан, бемор қизчанинг онасига гап қотди:

— Ҳамиша аниқлик бўлиши керак жойда ҳамиша аниқлик йўқ.

Тўғриси айтганда, муштипар аёл ҳеч вақога тушунмади. Кутилмаган воқеадан тентак бўлиб қолмаса, шунинг ўзига жон-жон деб раҳмат айтиш керак эди. Лобар енгил тортиб, шифохона бўсағасида орттирган кўнгил хижилликларидан бирмунча қутулди.

Таксининг иккинчисини тўхтатди. Бемор қизчанинг онасига нега сўм олиб бермаганига ажабланди.

— Пулни алмаштиришни биласизми? — сўради Лобар аёлдан.

Бирга ўтирмақчи бўлган она таққа тўхтади.

— Билмайман... — қўрқа-писа бош чайқади.

— Бўлмаса, банкдан алмаштира қолинг.

Буларнинг суҳбатига қулоқ солган ҳайдовчи хитоб қилди:

— Э, долларжонми? Мана, биз-да алмаштирадиган? Чиқинглар!

Учаласи таксига ўтиришди. Машина жойидан силжиди. Таксичи шўх одам экан, рулда бўлса-да, қаҳ-қаҳ отиб ҳадеб ортига қарайди.

Кейин у шартта машинасини тўхтатди-да, қўлини чўзди.

— Беринг. Юзталикими?

Лобар қанчалигини айтган эди, ҳуштак чалиб қўйди.

— Бунча кўп? Нима, банкни ўмариб чиқаяписизларми? Алишка қилишим учун уйга боришга тўғри келади. Яқин, Мевабоғда.

Парвиз жуда чарчаган эди. Мевабоғ кўчасига боргунча, уйга етиб қўйиларди. Бекатда Лобар ҳалиги аёл билан хайрлашаётиб, исмини сўради.

— Отим Бувихол, — деди у, — сизни мингдан-минг дуо қиламан. Илойим, бола-чақангининг роҳатини кўринг. Бир кунлар тўй қилсам, чақираман...

Лекин Лобарнинг исмини ҳам, манзилени ҳам сўрамади. Тушуниш мумкин, осмондан ёғилган икки минг доллар ҳазилакам гап эмасди-да, ахир.

Лобар таксичига бечора аёлни қатъий тайинлаб, оқ йўл тилади.

\* \* \*

Кечқурун машина масаласи Парвизнинг битта гапи билан кўндаланг бўлди.

— Пулимизни бировларга бериб қўйгунча, машина олсак-чи?

Бувиси бошини кўтариб, дам неварасига, дам қизига хавотир аралаш қаради. Боланинг таънаомуз гапини ўзига олди. Негаки, Лобар олис мамлакатда сарсон-саргардон юрган кезларда онанинг раҳбарлигида бир неча миллион сўм ишлатиб юборилган эди. Ўзбекчилик бизни сақлайди, деб ўйлашса-да, бир кун келиб, Лобар пулларининг ғавғосини бошлашидан чўчишарди.

— Пул масаласига аралашма деганман-а? Кўрдинг-ку, ўша аёлнинг қизчаси касал, ота-онаси яхшироқ даволатиш учун пулдан қийналиб юришибди, балки отаси йўқдир.

Бувига бирдан жон кирди.

— Қанақа пул ҳақида гапираяпсан, Лобар?

— Бугун бир аёлга ёрдам бердим, ая. Шунақа раҳмим келди, асти қўяверасиз. Қизча бояқишнинг қасалини ўтказиб юборишган шекилли, беҳуш ётибди, осма уколнинг шишчасини онасига ушлатиб қўйиб, қайсидир палатага чиқаришаётган экан.

— Дуч келган аёлга пул бераверасанми? Қанча бердинг?

— Ҳисоб рақамимни буздим.

— Буздинг? Ўша аёл учун-а? Лобар, қачон ақлинг киради? Ўғлингни даволатишга ҳазилакам пул керакми? Бунақада биринг икки бўлмайди. Қанча бердинг? Юз минг сўмнинг бетигаям қарамагандирсан?

— Икки минг доллар бердим.

— Вой!.. Нима бало, пулларингни кўчадан териб олганмисан? Нега сочасан? Нега?! Энди қайтариб бўпти. Ўла қолса ҳам тан олмайди. Ёки тилхат ёзиб бердимми?

— Айтаяпман-ку, пулни ҳадя қилдим, деб.

— Банканинг қоғозларини олиб чиқ, менда турсин. Олиб чиқ! Олиб чиқ! Сенга қолса, ҳаммасини бегоналарга

тарқатасан. Кеча эшитдим, доллар кўтарилибди. Икки минг долларинг неча миллион сўм бўлишини ҳозир ҳисоблайман. Хў-ўш... Тағин мени алдаётган бўлма! Бермадим де!

— Бердилар, — тасдиқлади Парвиз.

— Кўриб турибман, илжаяпти-ку, — онаси Лобарга қош чимирди.

Лобарнинг чиндан кулгиси қистаётганди. У кўк чой қуйиб, хўплади.

— Ая, — деди жиддий оҳангда, — ҳисоб рақамдан пул олишга барибир мажбурман. Германиялик врач шундай далиллар айтдики, рад этолмайди киши. Парвизни айнан унга даволатаман. Италиялик дўхтирларни танимайман ҳам, ахтармайман ҳам. Хуллас, каттагина маблағ керак. Йигирма минг атрофида, кўкидан.

— Шундайми? Унда нега пул сочаяпсан? Қизиқ, кечагина ҳаром пулларни ишлатмасликни айтиб, бизни хуноб қилаётгандинг?

— Пуллар... пуллар... Қисқаси, ҳисоб рақамдан фойдаланмасдан иложим йўқ. Эртага... худо сақласин-ку-я... ўғлим ҳам касалхонада учратганим болалардек ётиб қолишини истамайман. Германиялик врач ҳали вақт бор, даволаш мумкин, деди. У Парвизнинг ўтмишидан хабардор одамдек касаллик сабабларини айтганда, билимига тан бердим. Бировдан қарз сўрашим керак эдимиз? Боламнинг келажаги учун қарз сўрашдан ҳам, банкдан фойдаланишдан ҳам қўрқмайман.

— Қўрқмайман, деб ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб ташлама. Банкдаги пул сенинг номингдами, тинчгина олавер кераклигича... Негадир шу кунларда авзойинг бузилиб турибди. Худди қимор қургурни ўйнаб юрган дамларингдагига ўхшайсан.

— Эртадан бошлаб Парвизга қараб турасиз, — деди Лобар.

— Германияга кетиш учун югур-югурим кўп.

— Муаллимга қатнайдимиз?

— Шу ҳафта борсин, кейин майли...



— Кейин яна уйда ўтираманми? — инжиқлик қилди бола. — Истамайман! Уйдан муаллим яхши.

— Бир вақт машина овози эшитилди, тормоз ғийқиллади. “Ҳозир сигнал чалинади”, — деди Лобар ичида. Кутганидек устма-уст бийбиллаш эшитилди. Сўнгра кимлардир дераза тагига келиб, гугурт чизиб, сигарет тутатишди, ойнани синдиргудай чертишди.

— Кимсизлар? — сўради Лобар пардани очиб.

— Жиноят қидирув бўлимидан.

— Оббо, — деди Лобар.

Қўнгли ёмон бир шумликни сизди. Кўча эшикни очиб:

— Тинчликми, ишқилиб? — деб бўйдор йигитларга тикилди.

— Биз билан боришингизга тўғри келади.

Улар фуқаролик кийимида бўлгани учун Лобар аввалига ишонмади. Қиморбозлар найранг қилаётган бўлиши ҳам мумкин эди-да. Шу кунларда Тожикистонинг Регар ҳудудида уч ёқлама қарта ўйинлари уюштирилишидан Лобар саккиз ой бурун хабардор қилинганди.

— Ҳужжатларинг-борми? —

Иккови ҳам қизил жилдли гувоҳномани ёруғликка тутган эди, гаплари рост эканлиги исботланди. Кийимини алмаштиргунча, йигитлар ҳовлида кутиб туришди.

— Бу уй сизникими? — йўлга тушганларида сўради йигитлардан бири. — Шунчаки савол, тагин тергов қилаяпти, деган хаёлга борманг.

— Меники.

— Бир вақтлар келгандим, бошқа одам яшарди-да, шунга айтаман... Кўчиб кетдимми?

— Фақат мозорлардангина кўчиб кетилмайди.

— Тушунарли.

— Мана, тил топишиб олдик, — деди Лобар олдинга хиёл энгашиб, — энди айтинг-чи, нега олиб кетаяпсиз?

— Бугун шаҳар касалхонасига борганмидингиз?

— Гап бу ёқда денг. Ойимқиз арз қилибди-да. Лекин бу ўзига қимматга тушади.

Милиция ходимлари ўзаро кўз уриштиришди. Рулдагиси

огир ух тортиб, бош чайқаб қўйганди, Лобар сергак тортди.

— Лобар, — деди ёнидагиси, — у бир соат аввал ўлдириб кетилди. Ҳали турмушга чиқишга ҳам улгурмаган экан, эшитяпсизми?! Бунинг устига ота-онасининг ёлғиз фарзанди, тилаб олган қизи.

— Тавба-тавба, — ёқасига туфлади Лобар, — шаҳар касалхонасида навбатчиликда турган ҳамшира қиз-а?

— Худди ўша.

— Бунга... ўлдириб кетилишига қандай алоқам бор?

— Мендан сўраяпсизми? Уни урганингизни, телефонни синдириб ташлаганингизни кўрган гувоҳлар бор. Бошқармада яхшилаб тушунтирасиз, айбингиз йўқлигини. Бу — бир. Ўлдирилган иккинчи аёлнинг фамилияси нима эди, қоғозни титкилаб ўтирмай... Қуроловами, Қуроновами?

— Қуролова — деди шериги.

— Иккинчидан, ўша Қуролова Бувихол билан ниманинг олди-бердисида келишолмаганингизни ҳам изоҳлашингизга тўғри келади? — ортига қайрилди ходим. — Доллар бергансиз, икки минг...

Лобарнинг қулоғи чиппа битиб, кўзи тинди. Охири дамларда қон босими ошиб, боши айлангувчи эди. Боя ичган кўк чойнинг таъсири йўқолди-кетди. Шунда ҳам олд ўриндиқни шаҳд ила чангаллаб қичқирди:

— Бехосият! Гапингизни ўйлаб гапиринг, йигит! Ҳамшира ўлдирилди... Бувихол опа ўлдирилди дейсиз!.. Нега... нега ўлдирилади?! Қизчаси касал эди, ўша аёлни айтаяпсизми? Икки минг доллар ёрдам қилгандим... Эй худо! Нега уни ўлдиришади?.. Адашмаяпсизми?.. Адашмаяпсизларми, деб сўраяпман?!!

Лобар ўриндиқни юлиб олгудай силташга тушди.

— Ўзингизни босинг; Лобар, рост гапни айтаяпмиз.

— Қонхўрлар! Пул учун аёлни ўлдириб... Ахир, пуллар шунчаки қоғоз-ку! Жонсиз қоғоз!.. Қизчаси реанимацияда ҳушсиз ётганди... Вой ярамаслар-а?! Ким... ким қилган бўлиши мумкин?

— Пуллариға тегинмаган, — деди ходим.

— Тегинмаган? — ялт этиб қаради Лобар. — Унда нима сабадан... нима сабадан... Қишлоқдан келган бечора аёл бўлса!..

— Билмадик, билмадик, — дейишди йигитлар.

Чароғон бинонинг иккинчи қаватига чиқишди. Йўлак охирига етмасдан ўнг томондаги эшикдан кирдилар. Кенг хонада уч стол, уч компьютер, ёш терговчи йигитлар ўтиришарди. Лобарнинг таъби баттар тирриқ бўлди. “Шундай оғир жиноятни шу тиррақи бузоқлар оча олармикан?” — хаёлидан ўтди унинг.

Ўйлаганидек, бири — отасининг пули билан бу даргоҳга келиб қолган шекилли — Лобарга ўдағайлади:

— Нега турибсиз? Ўтир, дегандан кейин ўтиринг. Ҳар бирига алоҳида таклиф айтиш шарт.

— Кимсан? Аввал ўзингни таништир! — деди Лобар қўлини плаши чўнтагига солиб.

— Нима? Катта холангнинг уйидамисан?! — йигит столни икки қўллаб уриб, оёққа қалқиди.

— Тупурдим сенга, лайча! — дея Лобар шарт ортига бурилиб, йўлакка чиқди.

Қиморбоз аёлни таниганлар ҳалиги йигитга ўзини босишни маслаҳат бера бошлашди. Шу пайт бош терговчи (уни Лобар илк бор судланганида таниб қолганди) пайдо бўлди. Қовоқ уюб:

— Бу ёққа, — деди ичкари хонага имлаб. — Ҳеч тинч юрмас экансиз-да... Нималар бўлаяпти? Эй! — Ёш ходимларга бақирди у. — Бас қилинглар тўполонни!

Кейинги хонада сочига оқ оралаган, салобатли, қовоқдор кишилар ўтиришарди. Улар Лобарга стул кўрсатишди. Аввалига расмиятчиликка ўхшаш савол-жавоб ўтказилди. Сўнгра мум тишлаб ўтирган четдаги қаҳҳор одам ўрнидан туриб, Лобарга секи яқинлашди.

— Биладан, сени милиция, қамоқ, ўлим — ҳеч нарса чўчитолмайди. Лекин билиб қўй, карьеранг билан қўшилиб йўқ бўлиб кетасан! Шу ерда ишлаётган эканман, сенга ўхшаган жиноят инкубаторини озодликда эргизиб

қўймайман. Ўлсам ўламанки, лекин сени йўқ қиламан, батамом ўчираман номингни! Одам паиша эмас, уқиб ол, ҳар бирининг бир тола сочи учун йиллаб жавоб берасан, йиллаб! Сен қочиб қутуладиган биронта ҳам йўл йўқ, маслаҳатим, чиранма! Энди айт, иккала аёл ҳақида кимга гапирдинг? Кимга гапирдингки, уларни сўйиб кетишди?! Ёки алоҳида-алоҳида буюртма бердингми? Гапир! Гапир деяпман!..

Кутилмаганда ходим ўзини тутолмай, Лобарнинг қулоқ-чаккасига тарсаки урди. Шундоқ ҳам ҳилвираб қолган аёл гилам устига ҳушсиз йиқилди. Кўзини очганида “ДСП”дан қилинган кирлаган пол устида ғужанак бўлиб ётарди, каталакдек хона. Ўрнидан туриб, ихтиёрсиз ҳолда эшикни итарди, қулфланмаган экан, ғийқиллаб очилди. Негадир йўлакда ҳеч ким йўқ эди. Гўё Шомил келиб, ходимларни битта қолдирмай қириб ташлагандек. Панжарали деразачалар ортида эса қора тун сирли мўраларди. “Уни ўлдиролмайман! Ўлдиролмайман, ахир!..” деган овоз эшитилди йўлак бошида...

Лобар ортига ўгирилди. Бир тарафи панжарали туйнуклар, иккинчи тарафи эшиклардан иборат йўлакда ўзининг соясидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Бино тагидаги қамоқхона инсониятнинг ёдидан кўтарилиб кетмаганмикан, деб ташвишга тушди у.

Яна олд томонга қараганда, овоз такрорланди: “Уни ўлдиролмайман!..”

Лобар қаерда эканлигини, нима қилиб юрганини англашга уриниб, тўхтади. Тўхтади-ю бино ғойиб бўлиб қабристон манзараси жимирлади. Негадир қабристонга зулмат чўкмаганди. Гўрлар орасида кезиниб-кезиниб, бир қабртош ёнига келди. Бу — Парвизнинг қабри эди. Ўлди деб ўйлаб юрган кезлари тош бевафо ҳаётнинг барча рангларини ўчириб ташлайдиган ўчиргич бўлиб туюларди. Ҳозир эса оддий ва ҳақиқий қабртош эканини билди. Тобора ўсиб бораётган катта тош боланинг бўйидан ҳам баланд, оғир ва қора эди. “Ўлганингдан кейин бошингга томдай тош қўйишлари нақадар аҳмоқлик, — деди Лобар

хаёлан. — Худога шукр, тирикман! Болам ҳам тирик! Ўлимдан олдин васият қилиб қўйишим керак, тош қўйманглар, тош қўйманглар... лар... лар...”

Хаёлан айтилган гапи акс-садо беришини кутмагани учун Лобар яна тўхтади. Йўқ, у тўхтаб турган эди, шунда ҳам яна бир бор тўхтаганини ҳис этди. Ички дунёси ағдар-тўнтар бўлганини тушунишга, англашга ҳаракат қилди. “Қаерда эдим, қаерга кетаяпман?” деб сўради ўзидан.

— “Уни ўлдиролмайман!” — хитоб бу гал хаёлида жаранг топди. Эс-ҳуши ҳарҳолда ўзига қайтди ва уриб ҳушидан кеткизишганини эслади. Акс ҳолда хаёлида жаранг топганини қаёқдан биларди.

Мана, ҳозир ташқи оламга йўл излаб бораяпти.

— Ие, бу қанақаси! — Лобарни кўрган соқчи шеригининг елкасига туртди.

Улар ойна ортидан чопиб чиқиб, анграйиб қарашди.

— Қаердан келиб қолдингиз?

— Буни сизлардан сўрамоқчиман, — жавобан деди Лобар.

— Бу бўлимдаги камераларда ҳеч ким йўқ, дейишганди-ку. — Улар бир-бирига саволомуз тикилишди.

Лобар телевизор баланд овозда қўйилганини энди пайқайди. Қандайдир фильм намойиш этилаётган бўлиб, “Уни ўлдиролмайман!” деб ойнаи жаҳондан жар солишмоқда эди.

Лобар бўш стулга ҳолсизланиб ўтиришга чоғланди, аммо ғайрихатиёрий куч билан эшикка ёпишиб, бандини юлиб юбораёзди. У кўзига кўринаётган манзаралардан қутулмоқчи, уйига кетмоқчи, ёстиғига осуда бош қўйиб, ҳаммасини тушга айлантirmoқчи эди. Айни пайтда қамoқдан ҳам, ўлимдан ҳам қўрқмас, вужудида бир неча йил бурунги телбалик ғимирлаб чиқаётганидан қаёққа қочишни билмасди. Руҳшунослар касаллик яна қўзимаслиги учун хотиржамлик нақадар муҳимлигини айтишган эди, бугун эса шафқатсиз қимор ўйинларида эмас, битта тарсаки билан масаласи ҳал бўлди-қўйди. Эҳтимол, касал қизчанинг онаси ва ҳамшира сўйиб

кетилгани мувозанат устунларини қулатиб юборгандир?

Шу он бошқа бир эшик шарақлаб очилиб, қаҳрли тусдаги аёл кириб келди. Милиция формасида янада серзарда кўринарди у.

— Осимова, ўзингизни қўлга олинг! — деб қичқирди. — Мен билан юринг, уйингизга кетасиз.

Лобарни оғиз очишга ҳам қўймай судраб кетди. Эшиклар тарақ-туруқ очилиб-ёпилди. Юзига совуқ ҳаво урилганда, ходимдан сўради:

— Яна қанча юрамиз?.. Шомил ака қани?

— Шомил акангизни танайман. Сизни уйингизга олиб боришим керак, шуни биламан, холос.

— Кам нарса биларкансиз, — Лобар “урсаммикан?” деб олайиб қаради. Бироқ шапалоқ еган ҳамшира қиз ўлдириб кетилганини, қолаверса, ургани учун Худо дарров қайтарганини ўйлаб, ниятидан воз кечди.

Дарвозада уларни “Даган” русумли хизмат машинаси кутарди. Яшил формадаги киши рулга ўтириб, моторни юргизган ҳам эдики, терговчилардан бири ойнага энгашди.

— Лобар, бизни кечирасиз, хизматчилик, — деди у. — Лекин таксичи ҳақида яхши гапирдингиз.

— Бунинг учун узр сўрашнинг нима кераги бор?

— Узрни майор учун сўраяпман. У қизишиб кетди. Ўзингиз тушунасиз, жудаям жиззаки одам.

— Тупурдим унга!

— Ҳайда, — буюрди терговчи рулдаги ходимга; шу тобда бошқа нима ҳам десин.

Лобар ўйлаб борарди: “Таксичи ҳақида қачон маълумот айтдим экан? Нима бўлаяпти ўзи менга? Тентакхонада ётмаганим қолганди ўзи?.. Йўқ, тентак эмасман, тентак бўлмайман..”

Уйига яқин қолганида, формали аёлнинг эгнидан ушлади.

— Мен икки минг доллар берган ўша аёлни таксичи ўлдирган эканми? Унинг уйи Мевабоғда эди... Тутдингларми?

— Йўқ.

– Қайси саволимга йўқ деяписиз?

– Ҳар иккисига ҳам.

– Тутмасдан туриб қотил ўша эмаслигини билдингларми? Унда ким экан?

– Айтмоқчиманки, таксичи ўз оёғи билан келиб, ҳаммасини сўзлаб берди. Долларни сўмга алмаштириб бергач, аёл касалхонага шошилган, аммо етиб бормаган. У ўлдирилган вақтда таксичи уйида бўлган. Хуллас, шунақа гаплар.

– Қаерда, қандай ўлдирилган?

– Буни сизга айтишди, шекилли.

Лобар тарсаки егандан кейин камерада бирдан пайдо бўлиб қолмаганини элас-элас эслади. У ҳам майорни қайтиб урмоқчи бўлдими-ей! Ҳушига келганида диванда ўтирарди, атрофида ҳалигилар... Кимнингдир юзига туфлаб юборди. “Шу аёл эмасмикан? Йўқ, бошқа эди...” Кейин яна гаплаша бошладилар, терговчи компьютерга Лобардан эшитганларини ёзиб олди, алланималарга имзо чектирди. Сўнгра негадир ёлғиз хона сўради. Шу боис ертўладаги камерада уйғондимикан?

Машина келганини кўрган Лобарнинг онаси эшикни очди. Лобар онаси сари бораркан, тарсакининг жойи зирқираб оғриқ бериб, кўзлари ёшланиб кетди. Ички ишлар ходимлари билан хайрлашмади ҳам. То- уйга киргунича бағритошга айланиб, онасига шарт ўгирилди.

– Шу вақтгача нега ётмадингизми, ая? Парвиз қани?

– Соат учда нима қиларди, хонасида ухляпти. Кўнглим бир ёмонликни сезганди-я, қизим... Вой-бў, рангингда ранг қолмабди-ку, нима бўлди? Ҳеч тинч қўймади-тинч қўймади-да шулар. Энди қартанинг яқинига ҳам йўламаяпман демадингми?

– Гап қартада эмас. Иккита аёлни ўлдириб кетишибди, шунга маълумот сўрашди.

– Сенданми?

– Бирини ургандим, иккинчисига икки минг доллар ёрдам бергандим. Қотил эмаслигимни билиб, қўйворишди.

– Ҳаммасини ўзинг бошлаб юрасан. Нима керак

хамширани уриб?! Сен ҳам замонга боқ-да, қизим. Ичкарига киритиш учун беш юз сўм сўраяпти, дебмидинг? Қизиқсан! Дуч келган аёлга икки минг доллар бериворасану битта ҳамширадан беш юз сўм қизғанасанми? Эл нима қилса, шуни қил-да, болам! Хўп, бечора қишлоқига ёрдам бердинг, охири нима бўлди? Пулини оламан деб ўлдириб кетган бўлса, сенинг ҳам гуноҳинг бор энди. Пул бермаганинда шўрликкина ўлмас эди.

— Пул учун ўлдирмаган?

— Бўлмаса нега ўлдиради?.. Чой ичасанми? Бошинг ҳам оғриб кетгандир? Тўхта-чи! Чакангга нима қилди?

— Уришиб қолдик.

— Милиция биланми? Улар урдими? Эртагаёқ бошлиқларига бораман!

— Нега ураркан?! Айтаяпману жанжаллашиб қолдик деб!

— Милиция билан жанжаллашсанг қамаб қўярди-да. Ё битта-яримтасининг хотини билан юлишдингми?

— Сўрайверманг, ая... Шундоқ ҳам тўйиб кетганман машмашалардан!

Онасининг нолаю фиғонларини ортда қолдириб, Лобар ўғлининг ётоғига кирди. Томирларида титроқ, беҳаловатлик, исён ҳамон кезинар, “руҳий касаллар шифохонасига тушиб қолмасам эди” деган ўй бонг чаларди миясида.

Фарзандини оғушига олгандагина ором топди. Дунёда фақат Парвизгина ёмонлик қилмаганди. Кўзларини оҳишта юмди. Маконлар тез-тез алмашаётгандай туюлди: бир қараса уй, бир қараса қамоқхона, кўча, бозор, касалхона...

“Аёлни пул учун ўлдиришди, — деди Лобарнинг ички овози, — лекин қўлидаги пулларга тегинмаган, сабаби беҳосият ҳисоб рақамида эди! Фойдаланмоқчи бўлганлар ўлдирилади!.. У ҳолда ҳамширанинг кушандаси ким? Яна ўша номаълум кучлар!.. Афтидан мен керакман уларга. Ёки... яна алламбало ўйинларини бошлашди...”

Лобар уйқуга кетар экан:

— Ҳаммасини вақт кўрсатади, — деб шивирлади.

Негадир тушига қора либосли қаримсиқ олим кирди. У ҳалигача паранжихонани ахтариб юрганмиш.



\* \* \*

Телефон жиринглаганда, Лобар уйқудан кўз очадиган аҳволда эмасди. Ўғли турткилай бошлади. Ниҳоят, гўшакка қулоқ тутганида, нариги томондан шундай дўқ-пўписа эшитилди:

— Лобар, қанақа одамсиз?! Нима бало, ишдан ҳайдалгингиз келдими? Мен янги бошлигингизман! Галя Безрукова! Ишлайсизми, йўқми деяпман?

— Кимсиз? Тушунмадим... Бузрукова... Танимайман...

— Безрукова! Янги бошлигингизман, шанба куни тайинланганман.

— Барибир тушунмадим.

— Қулоғингизга нима бўлган? Эй худо, ҳалигача ухлаб ётгандим, денг? Ишга келинг, гаплашамиз!

— Кўп чийилладинг-да! Кимсан ўзи? — Лобар гижиниб қўйди.

— Нима-нима? Кўрсатиб қўяман сурбетликни!

— Йўқол-э!..

Лобар гўшакни тарақлатиб қўйиб, ўғлига боқди. Кейин кўзгуга нигоҳи тушди: қовоғи шишган, чаккаси кўкарган, сочлари тўзғиган ғазабнок жувон ялпайиб ётарди.

— Ая, одамга ўхшаб олинг, — деди Парвиз ва бошқа сўз қотмай чиқиб кетди.

Шу куні Лобар “Гала-маркет” дўконидан ишдан ҳайдалди. У ҳаммасини йиғиштириб, психиатр ҳузурига бормоқчи бўлди. Лекин мияси суйилган одамнинг ўзи психиатрни ахтариб топиши камдан-кам учрарди. Яна терговга чақиришди ва ҳали-вери Германияга кетолмаслиги ҳам ойдинлашди.

— Дунё мендан нима истаяпти? — ғазабланди Лобар.

Боши оққан томонга йўл олди. Охир-оқибат заводдан ҳозиргина чиқиб, ароқхонани забт этмоқчи бўлган оломонга қўшилиб қолди. Дароз ва пакана, соқолли ва кўса одамлар билан пештахта олдида ёнма-ён, тиқилишиб турарди. Орқадагилар Лобарни суриб, ароқфурушга рўпара қилиб қўйишмаганида, у ароқхонанинг бир бурчагида қаланғи-

қасангилар билан навбат кутиб тик оёқда қолаверармиди.

Ёнидаги рус хотин Лобарни қисиб қўйган эди, дарров узр сўраб, стаканга ишора қилди.

— Навбатингизми, опоқи? Олинг, — манзират қилди у ўзбек тилида бинойидай сўзлаб.

Лобар стаканни кўтаргач, газাগига труп еди, кўзлари ўз-ўзидан ароқфурушга қадалди. Яна қуяйми, деган маънода қош қоққан эркакка ҳеч нима демаган эса-да, қултиллагиб қуйди у. Лобар навбатга ҳам қарамай иккинчи стаканни ичиб юборди...

Кўчага чиққанида чироқлар порлаган шаҳар кучоқ очди. Лобар яна нимадир содир бўлишини истади. Гўё бугун охириги кун, ўйнаб-кулиб қолмоқчи. Қувонни эслаб, алам билан депсиниб қўйди.

“Нима қиляпти экан-а у?” — деди ўзига-ўзи.

Шу заҳоти ёнида Шомилни кўрди.

“Бугун ароқ ичдим, — Лобар кўз қисди. — Бир сафар жиннихонада ётиб чиққанимни айтганмидим?.. Такрорланаяпти! Ичяпман... Ичмоқчи эмас эдим, қисматнинг ўзи олиб бориб, ўзи ичириб қўйди. Ишонмайсизми? Ишонманг!.. Мажбурлаш йўқ!”

“Яна адашаётганингни биласанми?” — сўради чечен.

“Йўқ, билмайман... Буни сиз ҳам билмайсиз, Шомил ака. Одам адашганини ўлганидан кейин билади”.

“Унда ўлиб қўя қол, — Шомил серқатнов йўлни кўрсатди. — Ростини айтсам, бундай юрганингдан кўра машина тагида қолганингни афзал кўраман...”

“Тўхтанг-тўхтанг, ўшанда мени чиндан севганмисиз? Яқинда гезатада ўқидим, ёши катта эркак, бунинг устига одам ўлдиришни касб қилган шахс ҳеч қачон севмас экан. Шунчақи кайф-сафо учун ўзини севиб қолгандай ҳис қилармиш...”

“Аҳмоқсан, Лобар”.

“Аҳмоқ бўлсам бўлай... Бир оз кулсам майлими?”

Лобар елкаси силкиниб, йўлакнинг гоҳ ўнг, гоҳ сўл қирғоғига оғиб кула бошлади. Ўтган-кетганлар, кучук

етаклаган хонимлар ўзига-ўзи кулиб бораётган жувонга ачиниб қарашар эди. Катта шаҳар, телбалар бисёр, ҳайрон қолмаса ҳам бўлади...

Кула-кула атрофига аланглаб, Шомилни тополмади. У ер ютгандай ғойибу пинҳон бўлган эди. Чорраҳага етгач, катта йўлга чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Баҳайбат машина бурнига тегар-тегмас гувиллаб ўтди, устма-уст сигналлар чалиб, чироқдор машиначалар зув-зув ўта бошлади. Биронтаси илиб кетса, камида ўттиз қадам нарига олиб бориб ташларди.

Лобар бир алфозда уйини топиб келди. Алламаҳалда томоғи қақраб уйғонди. “Тонг отган, яна бир мудҳиш кун бошланган, ҳозир милиция сўраб келади”, деб хаёлидан ўтказди.

Нариги хонадан чироқ шуъласи тушиб турарди. Соатга қаради: 23:23.

— Қаерда ичдинг? — онаси Лобарнинг юзига ҳам қарамади. — Пичоқсиз сўяяпсан мени!

Лобар миқ этмай чойнакни олди. Бостириб-бостириб совуқ чой симирди. Бир лаҳза бош эгиб ўтиргач, туйқус шундоқ хонтахта устида ётган ғалати қўлэзмага кўзи тушди. Муқовасига шундай сўзлар ёзилган эди: “Қирол Густав ва паранжи ёпинган қассоблар. Бухоро. Олмония”.

— Бу нима?! — деди Лобар. — Парвиз шунақа нарса ўқияптими?

— Автобусдан топиб олибди.

Лобар қўлэзманинг биринчи саҳифасини очди. “Биз сени учратдик, — деб бошланарди қўлэзма. — Бунинг учун қанча азоб чекканимизни билмайсан. Биримиз ўлдик, бутун машаққатлар иккинчимизнинг бўйнимизда қолди...”

Онаси қовоқ уйиб, Лобардан кўз узмай ўтираверди. Қизининг бузилган ҳаёт йўлига кўниккан кўринса-да, кўз ёшлари юрагига қон бўлиб оқаётганини пайқаш қийин эмасди.

— Бер буни, — деб қўлэзmani тортиб олди, — бор, ухла. Бўккунча ичгансан!

— Майли, лекин уни боламга берманг.

— Боланг тушунармиди. Биронта домланинг диссертациясига ўхшайди-ку.

— Барибир менга ёқмаяпти, бу... бу... умуман... топиб олингани ростми ўзи? Ўғлим, сендан сўраяпман!

— Болага бақирма!

Буви ва невара нариги хона эшигида ғойиб бўлишди. Қўлэзма ўз жойида турарди. Лобарнинг қулоғига девордаги соатнинг чиқиллашигина эшитила бошлади. “Ҳозир онам билан гаплашдимми? Ўғлим ҳам шу ердамиди? Нима дедим уларга?..”

Елкаси бир маромда кўтарилиб тушар, ҳужайраларига ароқ сингиган аёл текин ҳамда ҳеч қандай гуноҳ саналмайдиган беминнат ҳавони ютишга қийналаётгандай эди.

Қўлэзмани минг машаққат билан яна бошидан ўқишда давом этди: “Биз сени учратдик. Бунинг учун қанча азоб чекканимизни билмайсан. Биримиз ўлдик, бутун машаққатлар иккинчимизнинг бўйнимизда қолди. Иккинчимизнинг исми Густав эди. У Бухоронинг минорлари кўрингунча ўлмасликка қасам ичди. Ўз ишини авлодларга мерос қолдиришнигина эмас, замона кишиларини ҳам баҳраманд қилишни ўйларди.

Буюк Олмон диёрининг сўлим бир маконида яхши тарбия кўрган бола катта шаҳарлардаги билим бочкаларидан истаганча илм шаробидан симириб, қалбида ниш урган орзу дарахтининг қулига айланган эди. Орзу дарахти шундай тарвақайлаб кетдики, нафақат соҳиби доносини чирмаб олди, балки бутоқлари олис Осиёнинг тоғлару водийларидан ошиб, саҳроларига ҳам етиб, бетиним шамолларда олмон дарахтларидек тебраниб ётарди.

Ҳа, олмониялик эди, аммо сеҳрли Шарқ диёри ҳақида эртақлар тинглаб, қиссалар ўқиб улгайди. “Мен Шарқнинг янги қирраларини кашф этаман”, деди у. Кунларнинг бирида қиморхонада ўтирганида (қарга ўйинлари жонидили эди), ғаройиб бош кийим кийган киши ўйинга кўшилди. Одамлар унга эътибор билан қарашар, биров сайёҳ деса, биров экспедициядан қайтган олим дерди.

Ҳақ гапни пивофуруш айтди: бу одам жўғрофия

магистри бўлиб, айти пайтда жосус вазифасини ҳам ўтаб, Афғонистон, Бухоро, Туркистон ўлкаларини кезиб чиққан эмиш. Бошидаги кийим эса “дўппи” деб аталаркан ва бухороликларнинг миллий бош кийими эмиш.

Шундан сўнг дўппили магистр қизиқарли ҳикоялар сўзлаб берди. Бироқ бу ҳикоялар жуда қисқа эди ва албатта тингловчига кифоя қилмасди.

Бир пайт қиморбозлардан бири баланд овозда:

“Айт-чи, эй чала шляпа, — деди, — сен борган юртларда хотинлар қоп ёпиниб юришади, дейдилар, шу ростми?”

“Рост. Эътиқод шундайки, қизлар, хотинлар, ҳатто кампирлар ҳам юзини, қўлини бегона эркакларга кўрсатиши шармандалик ҳисобланади, ўлим билан тенг”.

“Хотин олмоқчи бўлса, қандай йўл тутади? — ҳиринглади биттаси. — Пойлайдими ё қопнинг ичидан чиқадими ўша жонон?”

“Чиқиши мумкин, лекин мен кўрмадим. Ахир, бутун Осиё аёлларига номаҳрам ҳисобланаман. Тасаввур қилаяпсизларми, сон-саноксиз аёлларнинг ҳаммасига! Номаҳрам — сен унинг учун эркак сифатида мавжуд эмассан, дегани! Бир нарсани айтиб қўяй, бўлажак эрхотинлар биринчи марта тўй куни учрашишади...”

“Тасқара бўлиб чиқса-чи?”

“Ким? Келинми? Иккита эмас, тўртта хотин олишингга ҳам рухсат бор, Фридрих! Кўраяпман, қартада омадинг чопаяпти, наҳотки, тўртта имкониятдан биттасида ҳам гўзалга дуч келмасанг.”

Қиморхона қаҳ-қаҳ кулгига тўлди. Олис юртлардаги хотинлар билан боғлиқ ҳикоялар ҳамиша бошқаларга эрмак бўлади. Бора-бора қиморбозлар урф-одатларга эмас, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларга ёввойиларча ишқибоз эканлигини ошкор этишди. Магистрнинг бурни тагида кетма-кет пиво бокаллари пайдо бўлавергач, маст бўлиб қолди шекилли, даврани яна оғзига қаратди.

“Осиёда одам гўшти ейилади! — деди у. — Бухоро амирлигидаги шаҳарлардан бирида кўрганман...”

Бунга жавобан хитоблар янгради:

“Ишониш қийин! Алдама!”

“Гапингни исботла! Мисол келтир!”

Магистр эса довдириб қолмади. Аммо негадир атрофдагиларга кўз югуртирди ва Густавни, яъни каминани ахтариб топди...

Ҳа, ўша Густав мен эдим! Франкфуртда, минг саккиз юз етмиш бирда, ўртаҳол оилада таваллуд топиб, оддий одам қиёфасида ўлмоқликни истаган банда. Бироқ тақдир камсуқум исмимга “Қирол” деган номни тиркаб қўйди, жаҳонгашта тарихчи ва қиморбозга айланиб бўлган эдим...”

Шу жойга етганда Лобарнинг боши ғовлаб кетди. Қўлэзма немис сайёҳларидан бирининг китобидан таржима экан. Бухоро амирлиги замонасида, тахминан, Биринчи жаҳон урушидан аввал германиялик бир шоввоз Ўрта Осиёга келган, чор Россияси ҳарбийларининг, амир сипоҳиларининг, айниқса, халқнинг эътиборига тушмай жосуслар каби кезиб юрган. Эҳтимол, кўриниши осиеликларга ўхшагандир, эҳтимол, гримм ёрдамида ўзини татаристонлик гадой қиёфасига солгандир...

— Менга нима!.. — Лобар қўлэзмани юмшоқ ўриндиққа отди. Кейин барчасини унутиб, кўзларини юмди.

\* \* \*

Бу кеча тушига Шомил кирди. Юзи шу даражада аниқ кўринадикки, буни туш деб тан олишга Лобарнинг кўзи қиймади. Кечқурун эргашиб келганини сезмай қолибман, деб ҳисоблади.

“Нима ўқидинг?” — сўради киллер; бошида қора шапка, эгнида ёмғир ўтказмайдиган пиджак, қора шим, баланд ботинка. Елкасида скрипка ғилофи. Йўқ, бу қурол ғилофи бўлса керак.

“Ўғлим автобусда кимнингдир қўлэзмасини топиб олибди, тарихий асарга ўхшайди”.

“Хотимасида сенинг ҳаётинг ҳақида ҳам гап кетган, Лобар”.

“Ишонмайман, ахир ў юз йил бурун ёзилган немис китобининг таржимаси-ку...”

Шомил ён-верига мағрурона кўз югуртириб, бир оз энгашиди ва:

“Ҳаммасини биламан, — деди. — Ўша қўлёзмада ўзинг ҳақингда ўқийсан, лекин мен ҳақимда ҳеч вақо тополмайсан, чунки камина аслида йўқ инсон!”

“Бу — эски гап, ака! Бир вақтлар сизни ростдан йўқ одам деб ўйлаганман...”

“Юз-кўзимга синчиклаб қара, ҳеч нимани илғаёлмаяпсан, шундайми?”

Лобар вужудини кўзга айлантириб тикилгани сайин ёлланма қотилнинг бахайбат салобати туманга қоришгандай хиралашиб борарди. Туш кўраяпман, деган қарорга тўхталмоқ истади, аммо туш бўлса ўз йўлига, ҳарҳолда арвоҳ, билан гаплашмаяпманмикан, дея қўрқув босди.

“Сизга бир гап бўлган, кўзимга бежиз кўринмаяпсиз!”

“Аксинча, менга эмас, сенга бир нима бўлган, Лобар”, — деди у.

Шундан сўнг Лобар чўзилиб узоқ ётди. Ўтгиздан ошиб ўтин бўлаётган аёл қарта ўйинларисиз телбага айланаётганини англаб етмаётган эди. “Қора қарта рақси”ни ўрганган аёллар, шубҳасиз, жодугарга айлана борган, барчасининг қисмати бир-бирига ўхшарди. Қимор ва спортнинг, хусусан қарта ва шахматнинг фарқи шунда эдики, шахматда ақлга суяниб иш тутилар, ҳеч кимни жинниликкача олиб бормасди, қарта эса инсондан ақлни эмас, омадни, омад шаклидаги жодуни талаб этиши билан инсон руҳига мисли кўрилмаган зарар етказарди. Шу ваддан шахмат, шашка, бильярд кабилар спорт, қарта эса абадий қиморлигича қолган эди. Қартани аслида ўйин деб ҳисоблаш нотўғри бўлур. Ахир, ўйин ақл ва ҳаракат натижаси эмасми? Алалхусус, боғчага бориш, мактабда ўқиш, уйланиш, урушга бориш, шаҳарлар қуриш, сиёсат майдонига от суриш, қўшиқ айтиш, ҳатто тандирда нон ёпиш ҳам — ҳамма-ҳаммаси ўйин. Бу дунёда ўлим ўйин

эмас, қимор ўйин эмас. Қартага қўл урганлар ўз-ўзидан омадга ишона бошлаши, турли усулларни ўрганиб, фокус кўрсатмоқчи бўлишлари, уч туз, козер ёхуд шунчаки зотдор қарталарни қўлида тўплашга ҳаракат қилишлари бани башарга сир эмас-ку. Қартадан фол очишга ишонадиганлар қанча! Қартани кўрганда қўли қичиши, ўйнамасдан туrolмаслиги, қандайдир ором топиши жодудан далолат-ку. Асрлар муқаддимасида унга иблиснинг нафаси теккан бўлса, не ажаб! Ёки ҳар бир одамда иблиснинг бир бўлаги яшармиқан?..

Лобар бошини кўтариб, шу уйни сотиб олгани учун ўзига лаънат айтди. Ҳаял ўтмай кимга ё нимага қарғиш ёғдирганини тушунолмай бир оз гарангсиб турди-да:

— Парвиз!.. Парвизжо-он!.. — деб чақирди.

Ҳеч ким жавоб бермади. Баҳромнинг хотини чиқиб, уйни саронжом-саришта қилиб қўйганини эшик пардасидан билди. Супурган уйининг эшигида парда бўлса, келин албатта белидан тугиб қўйгувчи ва шу ҳолида унутиб қолдиргувчи эди.

— Келин... Шу ердამисиз?..

Сўровлари яна жавобсиз қолди. Шуниси маъқул, деб ўрнидан турди-да, одам тусига кириш учун ҳаммомга йўл олди. Уйни қурганлар ошхона орқали мўъжазгина ҳаммомчага эшик очиб қўйишган эди. Ҳозиргина лаънат айтган Лобар энди шукр қилмоқчи бўлди, бироқ эътиқоди капалакдай учиб юрардию, кўнишга кўнгил отлиқ гулни тополмасди.

Ювинаётганда кимлардир келди, онаси уларга қаттиқ-қаттиқ гапирди. Чақирилмаган меҳмонлар афтидан ички ишлардан эди. Лобар артганиб, қуриниб олгач, ҳақиқатан шаҳар ички ишлар бошқармаси ва шаҳар прокуратураси ходимлари кутаётганини кўрди. Бири ҳалиги қўлёмани варақлаб ўтирарди.

Лобар ошхона орқали бошқа хонага кирди-да, нақ ярим соатда чиқди. Элчихонага бораётгандай расмий либосда, пардози ҳам шунга яраша эди.



— Хайрият, — деди терговчи, — яна бир соат кутамизми, деб ўйлагандим.

— Айтиб қўяй, ҳеч қаерга бормаيمان.

— Кийинишингизга қараганда йўлга отланибсиз.

— Сизларга алоқадор идораларга эмас. Ўғлимни Германияга, Франкфурт-Майндаги шифохонага олиб бормоқчиман. Унинг касали энгил кўрингани билан даволаш мушкул, асорати хавфли. Болам бояқиш асорат билан яшаб юрибди. Бунга қандай қараб тураман?!

— Доктор Герхард Бауэр даволамоқчимиз?

— Ҳа, у яқинда бу ердан кетади, бирга жўнаш учун ҳужжатларимни тахлашим керак.

— Бизнинг руҳсатимизсиз паспортиңгизга ҳеч нарса босилмайди, — деди терговчи, — Германия, билиб қўйинг, Россия ёки Туркия эмас, истаган вақтингизда чипта олиб жўнайдиган.

— Бу билан болангизга бирон кор-ҳол бўлса, биз жавоб берамиз, демоқчимисиз? Марҳамат, тилхат ёзинг, кейин сиз учун вақт ажратаман.

— Лобар, бунақа гаплар нима керак?! Шу ернинг ўзида баъзи нарсаларни сўраймиз, кетамиз. Ишимиз шу, ҳар куни, ҳар соатда безовта қилишимиз мумкин. Далиллар тўплаш, тўлдириш, қайта текшириш айтишга осон.

Она дағал оҳанглардан чўчиб:

— Қизим, ҳовурингдан тушиб гаплаш, булар шахсий иши билан келмаган-ку, — деди.

Лобар тўсатдан қаҳрли қиёфада бақириб юборди:

— Менга нима фарқи бор, ая, қанақа иш билан келганининг!

Ходимлар зўрға чидаб ўтиришарди. Синган ғурурларини кўриб Лобар ичидан севинди ва ўриндиқлардан бирига чўкиб, оёқларини чалиштиргач, сиполик билан сўради:

— Майли... Нима гапингиз бор эди? Сўранг, вақтим кам.

— Ҳисобингизга бир юз йигирма минг доллар ким томонидан қўйилган?

— Гап бу ёқда денг. Хўп, айтаман. Шомил ака бериб юборган, ўғлимдан.

— Шомил ака деганингиз ким?

— Чеченистонлик собиқ қиморбоз. Ҳозир Европада яшаётган бўлса керак, аниқ манзилини билмайман. Умри давомида элликтача одам ўлдирган, лекин қамалмаган, қизиг-а?

Ходимлар кўз уриштириб олишди. Терговчи давом этди:

— У билан сизнинг қандай алоқангиз бор?

— Ҳазиллашаяпсизми? У иккинчи эрим-ку. Россияда турмушга чиққанман, тақдир тақозоси билан ажрашиб кетдик. Умуман, бу ҳақда биринчи марта судланганимда батафсил маълумот олинган. Шомил акани интерполдан ҳам суриштиришингиз мумкин. Бир нарсага тушунмаяпман, икки аёлнинг қотилини топиш учун на менинг “дело”мга, на интерполга мурожаат қилмай бамайлихотир юрибсизми? Нима, бу сизнинг иш усулингизми? Узр-ку-я, лекин аҳмоқ экансиз. Бугун ҳаммаларингиз, ҳой галстук, сизгайм айтаяпман, аризаларингизни ёзинг. Эл олдида шарманда бўлгунча вақтида ишдан бўшанглар. Қанча-қанча каллалари изқуварлар бор! Нега ёнимга изқувар бўлиб келмайсизлар-а?!

— Психиатрга қўнғироқ қилинг, — деди терговчи ёнидаги ходимга. Сўнг Лобарга янада юмшоқ оҳангда сўзлади: — Рухий касаллар хорижга чиқолмайди, бунинг устига вояга етмаган бола билан.

— Чет элга бошқа паспортда чиқаман, билдингизми? — деди Лобар зарда билан.

— Ёмон гоё эмас, аммо шарт-шароити зўр шундай хонадонга тўрт-беш йилдан кейингина қайтишингиз бир оз ачинарли. Чет элдан эмас, қамоқхонадан, хусусан, қалбаки паспорт учун демоқчиман.

Бўйинбоғли ходим мийиғида кулиб, терговчига кўз қирини ташлаб, лабини бефаросатларча ялади.

— Бола масаласида муаммо йўқ, — деди у ҳамкасбига, — Осимова бизда ушлаб турилади, ўғилчасини эса қариндошларидан бири Германиядаги шифохонада даволатиб келади. Бу борада ёрдамимизни аямаймиз.

— Тўнка! Пулни отангдан оласанми?! — сенсираб қичқириб юборди Лобар. — Фақат мен борсамгина пул бўлади, мен борсамгина-а-а!.. Тушунгдингми?! Энди... йўқол... йўқол уйимдан ҳамманг!.. Аблахлар! — Кутилмаганда ўкириб йиғлаб юборди. — Кўрмаяпсизларми, хайвон эканлигимни! Хайвонман!.. Шу керакми сизларга!.. Шундаям тинч қўймайсизлар! Думимни филлар босиб турибди! Қаёққа қочай?! Неча йилдан бери тузоқдаман!.. Халос этиш ўрнига... сизлар!.. Неча йилдан бери қутулолмайман!.. Узимни ўлдиришдан бошқа чора қолмади... қолмади...

Чойнакни деворга отиб чил-чил қилгач, Лобарни ушлаб, ўрнига ётқишиди. Онаси бундай вақтда нима қилиш зарурлигини ҳарқалай унутмаган эди. Эркакларни чиқариб юбориб, таблетка ва совуқ сув ичкизди. Сўнг:

— Нега асабийлашасан? — деди йиғламсираб. — Сен одам ўлдирганинг йўқ-ку! Бошқа ишларни буларнинг олдида очиб нима кераги бор эди? Бошингга бало сотиб олишингни ҳеч бас қилмадинг-да! Куйиб кетдим... бетинг очилганидан куйиб кетдим-ей... Қандай қиз эдинг-а! Паранжига ўрабгина узатгандим Маъруфга!..

— Паранжига?! — Лобар сакраб туриб кетаёзди. — Паранжи дедингизми?.. Паранжи!.. Демак, Шомил ака... ҳам... нимани назарда тутганини энди тушундим!.. Бу қўлёзма топиб олинмаган!.. Ҳаммаси шунинг ичида!.. Ҳа, нега бу аҳволга тушганимни қўлёзмадан ўқиб оламан. Қани у? Олиб кетишмадими, ая?.. Сиз ҳақиқатнинг калитини айтдингиз, қўйворинг меңи!..

Онаси Лобарни куч билан тутиб қолди ва тўшак четига ўтиришга мажбур қилди.

— Кўрган нарсангга бунча ёпишдинг?! Парвизни репетиторниқидан олиб қайтаётганимда, одатдагидай такси кутмадик, шунга энди жонимни олмоқчимисан?

— Гап бунда эмас, қўйворинг!

— Аввал эшит, кейин оғзингга келганини гапирасан! Таксининг қораси кўрингунча автобус келиб қолди. Бурнимнинг тагида, эшиги ланг очик. Нима қилайлик,

шартта чиқиб қўя қолдик. Ана, Парвиздан сўра, ўзи ҳам автобуска қизиқди. Ҳеч ким қўлимизга қоғоз-поғоз тутган эмас. Қанақасига атайлаб топиб оламиз? Қизиқсан.

— Парвиз қани? — сўради Лобар.

— Тоғаси билан кетди. Қилиқларинг билан ўзингдан бездириб бутунлай бегона қиласан-қутуласан!

— Қўлёмани нега айнан у топиб олди, ая? Нималар ёзилганини биласизми ўзи?

— Биламан, ҳаммамиз қараб чиқдик, диссертациями, гўрми, баломи...

— Менинг қисматим ёзилган унга!

— Бўпти, сенинг қисматинг. Қутулдимми энди? Неварам бечора яхшиям пул топиб олмабди, ўғрига чиқариб юбораркансан, тавбалар қилдим-эй! — Она эшикка юрди. — Қимирламай ўтир, анави касофатлар эзмаланиб, ҳали кетмади.

— Тўхтанг, қаёққа? — сўради Лобар титраб-қақшаб.

— Қўлёмани олиб келайми ё ўзи пилдираб кеп қоладими?

Ҳарқалай Лобар бошқа тўполон кўтармади. Мияси ихтиёрсиз равишда паранжи ҳақида ўйларди. “Паранжи... паранжи... паранжи...” Муҳим нарса қачонки жумбоққа айлансагина шовқинлар тинади. Шу дамда ниманингдир калити қўл узатса етгудай масофада турибди. Бироқ ниманинг калити эканлигию қаерга қўл узатишга Лобарнинг ақли қосирлик қиларди. “Паранжи... Мени паранжига чирмаб узатишган, ўзимдан ўн ёш катта яқин қариндошимизга. Бу турмушдан бахтсизлик топдим. Йиллар ўтди. Ичимда қандай бўлсам, сиргимда ҳам шу эдим. Жумлаи жаҳон кўрдик, маъсума келинчак жодугар қиморбозга айланиб қолди. Аммо-лекин узоқ сарсонгарчиликлардан сўнг юртига қайтгач, ҳамма ҳам мени жодугар деб ўйламади. Кимнинг тушига кирибди дейсиз Лобар, яъни камина қарта сирларини билиши, билганда ҳам ҳеч ким бас келолмаслиги!.. Шунча вақтдан бери паранжи ёпиниб юраман, фақат буни ўзим ҳам билмайман. Шундай паранжик, кўзга кўринмайди... Кўзга кўринмаса, паранжилиги қолибдими, бегона кўзлардан соҳибасини бекитиши керак-ку, дерсиз? Ҳа, менинг фожиам шунда-да ахир!..”

Лобарнинг миясида бир неча жумла жаранг топди:

“Қирол Густав ва паранжи ёпинган қассоблар. Бухоро. Олмония...”

“Айт-чи, эй чала шляпа, сен борган юртларда хотинлар қоп ёпиниб юришади, дейдилар, шу ростми?..”

“Ҳаммасини биламан... Ўша қўлэзмада ўзинг ҳақингда ўқийсан, лекин мен ҳақимда ҳеч вақо тополмайсан, чунки камина аслида йўқ инсон!..”

Шу пайт Лобар кимдир савол бераётганини англаб қолди. Онаси қўлэзма билан андармон бўлганда, ходимлардан бири лип этиб ётоққа кириб олганга ва Шомил хусусида савол бераётганга ўхшарди.

— Нима? — деди Лобар бошини кўтаролмай; кўзлари эса қонга тўлган эди.

“Шомил исмли шахс билан охири марта қачон учрашгансиз, деб сўраяпман? Шу билан бугун тинч қўямиз сизни.”

— Ҳар куни... ҳар соатда... У нега керак? Жонингиздан тўйдингизми? Фақат меники бўлган одамни... фақат менинг кўзларимгагина кўринадиган кишини... сиз икки дунёда ҳам кўролмайсиз... Сизнинг елкангизда тақа бөр, юлдузсимон тақа... у эса тақасиз одамлардан... Мана, фарқингиз нимада!

“У ҳақда хабар топганлар ўлади, демоқчимисиз? Бундан чиқди, кимлардир хабар топган экан-да?”

— Ундан кўра аёл бўлиб туғилмабсиз-да, ака!

“Лобар, биламан, айбингиз йўқ, лекин саволларимга шу тарзда жавоб бераверсангиз, иш психиатргача боради. Унинг бир оғиз гапи билан “психболница”га тушиб қоласиз. — Ходим газаб билан шошиб сўзлар, Лобар эса сочлари тўзғиган ҳолда хиёл энгашганча, бир нуқтага тикилиб қолганди; афтидан нотаниш қимса уни артистлик қиляпти, деб ўйлаётганди. — Эшитяпсизми гапимни? Бу қарта ўйини эмас”.

— Қарта?... Эҳ... Чўчка, ит ва эшак қарта ўйнабди... — Лобар бетийиқ кулди. — Топинг-чи, қайси бири ютган?

“Менга қаранг, ҳолингизга маймунлар йиғляпти, наҳотки, кўзларингиз кўр бўлиб қолган?”

— Тополмадингиз. Учаласи ҳам ютқазган. Бизнинг ўйинда голиб йўқ.

“Биламан, аввал ётиб чиққансиз ўша касалхонада. Лекин энди ўта оғир жиноятга алоқаси бор шубҳали шахс сифатида даволашади. Даволашади эмас, касалмисиз, йўқми, текшириб кўришади. Бундай текширув бошингизга тушгандан кўра ўлганингиз маъқул.”

— Бизнинг ўйинда голиб йўқ, — такрорлади Лобар хаста товушда.

“Қўл-оёғингизни чирмаб боғлашади-да, оёғингиздан осиб, одам зўрға сиғадиган уч метрли қувурга тикишади. Типирчилаб, қичқирингизга қараб соғ ё касал эканингиз аниқланади. Устингизга тўрт-бешта илон ҳам ташлаб юборишади. Тўғри, чақмайдиган илонлар, аммо масалангиз ҳал бўлади-қўяди. “Вой-дод, касал эмасман, ҳаммасини сўзлаб бераман”, деб йиғлаганингиздан кейин ҳам уч-тўрт соат қимир этолмай қувур тагида оёғингиз осмондан келиб ётасиз. Кейин ҳам бир нималарни яширмасин деб, олдиндан қўшимча азобни ҳисобингизга ёзиб қўйишадидан!.. Илонлар қўйингизга киради, бўйингизга чирмашиб, тишсиз оғзи билан қулоқларингизни шимади. Илоннинг жағида қулоғингиз қирт-қирт этганини, ола-чипор, совуқ жисми юзингиздан сирғалиб ўтганини, найчадай бўғзидан вишиллаган товуш чиққанини, ҳатто нафаси қулоғингизга урилганини ҳис этасиз. Бу — ўлим дегани, Лобар! Жаҳаннамда ҳам бунақа азобни кўрмайсиз. Ўзини жинни кўрсатиб, қамоқдан қутулиб қоламан деганлар у ердан “қамоқ курорт экан” деб чиққан, сиз қаёқдан ҳам тушунардингиз!”

— Мулойимлик билан туфлаган бўлардим башарангизга, — деди Лобар.

“Анализ топширсам, шунга қараб касал ё соғ эканимни аниқлашади, деб ўлайсиз-да, а?.. Ўзини телбаликка солиб, касалхонада ётиб олиш осон, шундайми?”

Шу пайт эшик очилди, остонада қўлёзма кўтарган она турарди. Терговчи чиқиб кетар экан:

“Қизингизда касаллик аломатлари сезилаяпти, — деди, — текшириб кўришимиз учун олиб-кечишимизга тўғри келади, опа”.

— Уйимнинг остонасига қадам қўйганингиздаёқ муддаонгиз шу эдими? — сўради Лобар зарда билан.

“Нега энди?..” — кулимсиради ходим.

— Қизим касал бўлса, ўзимиз текширтирамиз, сиздан ҳеч ким ёрдам сўраётгани йўқ, деяпти аям. Уша Шомил деганни топиб беради, десангиз, кечирасиз, уни чет элдан ахтаринг, менинг уйимдан эмас, деган маъно ҳам кўз қарашларидан сезилиб турибди... Нега кирасиз қизимнинг ётоғига, деб сўрайди ҳозир... Ая, нима учун индамаяпсиз бу одамга? У нималар деб алдамоқчи бўлганини биласизми? Гўёки илонлар маконига ташлар эмиш... Шомил ака қаерда эканини, ёнимга қачон келганини айтармишман... Кеча гаплашдим у киши билан... Йўлакда ёнма-ён кетдик...

“Қаерда кўрдингиз, Лобар? Қайси йўлакда?”

— Чиқиб кетинг! — Лобар маккор ходимга эшикни кўрсатди. — Яхши гап билан чиқиб кетинг!..

“Ҳозир психиатр келади, касалхона ертўласига олиб борамиз ва азобланишингизни томоша қиламиз! Қийноқларни сотиб олмоқчимисиз ўзингизга?..”

— Қамоққа олишга ордер олиб келсангизгина уйдан чиқаман. Акс ҳолда бир қадам ҳам...

Эшик тарсиллаб ёпилди. Лобар чўчиб тушди ва онасига ҳайрон қаради. Она кўзларини катта-катта очди. Қўлзма сирғалиб тушди қўлидан. Лобар дарҳол қоғозларни териб олишга шошилган эди; онаси елкаларидан тутиб, кўзларига еб қўйгудай тикилди.

— Сен... сен ўзингни атайин шундай кўрсатаяпсанми?.. Органдан қутулиш учун... Қўрқма, улар кетиб бўлишди.

— Кўрдингизми сурбетлигини?! Илонлар билан қўрқитмоқчи... Нима учун бир оғиз гапирмадингиз унга?

— Кимга?

— Ҳозиргина чиқиб кетган кишига.

— Нега одамнинг юрагини ёрасан, қизим? Хонада ҳеч ким йўқ эди.

— Ҳозиргина ёнингиздан ўтган одамни кўрмадингизми?

— Худо-ё тавба, нималар деяпсан, Лобар?! Ўзингга-ўзинг жўртгага гапирдинг, десам... Ҳаммасига ўзинг айбдорсан. Йўқ жойдаги ишларга бурнингни тикиб юрганингнинг оқибати бу! Ўқитвориш керак... Шу қоғозга бунча ёпишдинг-а? У ерда исминг ёзилмаган, сен ҳақингда бир оғиз сўз йўқ. Агар бўлганидами, терговчилар олиб кетишарди-да. Уларга кичкина бўлса ҳам, ашёвий далил керак.

— Менга ҳам, — деди Лобар варақларни очиб. — Давомини тополмаяпман. Қаерга келгандим?

Онаси чўлоқ одамдай қийналиб, уф тортиб, юрак-бағри куйиб тарк этди хонани. Мулланикига одам юборишини айтмаган эса-да, Лобарнинг наздида онасининг девордаги сояси ортига ўгирилиб: “Биз муллани чақиртирамиз, тайёр тур”, дегандай бўлди.

\* \* \*

Юз йил бурунги дунё манзараси кўз ўнгида жонланганда, Лобарнинг юз-кўзига ўтмиш шамоллари урилиб, юраги орзиқиб кетди. Дунё деганда аксарият кишилар табиат манзарасини — гуллаб-яшнаган сўлим боғлару далаларни, олисдаги тоғлару чарақлаган қуёшни тушунади. Лобар ҳозир яккам-дуккам янтоқ, шувоқ, туяқорин ўсган жазирама даштни кўрди, эсаётган иссиқ шамол қум тўлдирадигандек беихтиёр кўзларини юмди. Шундай иссиқда ҳам узун қизил чопон кийган серсоқол киши бешта туяни етаклаб келарди. Туялар қари бўлса-да, мағрур эди. Ҳар бирига катта-катта иккитадан қоп ортилган. Енгилроқ мол шекилли, сахро кемалари қийналмай қадам ташлайди.

Сиёҳранг, йўл-йўл чопон кийган бола туякашнинг ўғли бўлиб, уч йилдан бери отасининг дастёри эди. Бироқ биринчи марта шу сафар бегона одамни ҳамроҳ қилиб олишган. Бегона одам укки кўз, от ияк, озгин, телбатабиат кимса. Ҳўлдираб, тутилиб, имоғишоралар билан зўрға тушунтиришидан шу нарса маълум бўлдики, Бухорога йўл олган.



Боланинг отаси зийрак эди, қудуқ ёнида юзма-юз келганданоқ уни ажнабийга ўхшатди. Бироқ бегона қимса онаси татар, падари эса бухоролик эканини айтиб, “алҳам... алҳамдулиллоҳ...” деб мусулмонлигини тушунтиришга, онт ичишга уринди.

“Ўринбурундан шу ёққача келаяпсанми?” — сўради савдогар.

“Тошкент... Тошкент...” — Кимсанинг жавоби шу бўлди...

Лобар ўйланиб қолди. “Бориб-бориб бу дайдига — қачонлардир Германиядан келиб, Бухоро амирлиги шаҳарларини кезиб чиққан шарқшуносга менинг тақдирим қай йўсинда ва вақтнинг қайси чорраҳасида боғланади? Ҳарҳолда Шомил бўлар-бўлмас гапларни вайсамайди! Ҳеч ким халақит бермаса, охиригача ўқиб чиқаман... охиригача... Шундан сўнг руҳий касаллар шифохонасига олиб кетса ҳам майли!..”

Хона чироғи ўчиқ эди, Лобар шоша-пиша дераза тагига бориб, пардани суриб қўйди. Шунда ҳозиргина онасининг сояси тирик одамдай-ортига ўгирилганини, тилга кирганини эслаб, сесканиб тушди ва хонани қўрқув тўла нигоҳи билан кузатиб чиқди. Ҳеч ким йўқ эди.

— Ростдан ҳам алаҳсираяпманми? — деди яна ўзига-ўзи. — Онам бояқиш ҳақ экан. Ҳақиқий ҳаётга қайтишим керак. Хўш, тақдиримдан башорат қиладиган бу қўлёманинг қаерида тўхталгандим... Ҳа, топдим... Кеча ўқиган жумлаларим... Қиморхона...

Лобар сатрма-сатр кўз югуртириб шошиб ўқий бошлади:

“...Магистр эса довдириб қолмади. Аммо негадир атрофдагиларга кўз югуртирди ва Густавни, яъни каминани ахтариб топди...”

Ҳа, ўша Густав мен эдим! Франкфуртда, минг саккиз юз етмиш бирда, ўртаҳол оилада таваллуд топиб, оддий одам қиёфасида ўлмоқликни истаган банди. Бироқ тақдир камсуқум исмимга “Қирол” деган номни тиркаб қўйди, жаҳонгашта тарихчи ва қиморбозга айланиб бўлган эдим.

“Адашмасам, Густав сенсан, — деди у, — кўп ўқиганингни биламан. Айт-чи, дунёнинг қайси ҳудудларида ҳалигача одам одамни ейди?”

Жўғрофия, тарих ва маданият бобидаги билимим қиморхонада иш бериб қолиши тушимга ҳам кирмаган эди. Фурурли қиёфада жавоб бердим:

“Каннибализм Африка, Америка қитъаларида яшайдиган баъзи ёввойи қабилалар орасида сақланиб қолган”.

“Ҳозир Осиё ҳақида гап кетаяпти!” — бақирди мастлардан бири.

“Икковлашиб бизни майна қилманглар”, — деди иккинчиси.

Гапимни йўқотиб қўйишимга сал қолди, бахтимга магистр шу қадар хайрихоҳлик билан тикилиб ўтирардики, умрим бино бўлиб инсон зотининг ҳеч биридан бунчалик куч олмагандим.

“Бизнинг асрда, — дея овозимни бир парда кўтардим ва кафедрада сўзлаётгандай тўлқинланиб кетдим, — бутун Ер юзи бўйлаб маданият ғолиб бўлмоқда. Шундай экан, одамхўрлик ҳам секин-аста йўқолиб бораёпти. Ўйлайманки, ҳурматли ошнаимиз бошқа нарсани назарда тутди. Яъниким, бугунги кунда ҳам билиб-билмай одам ўз биродарининг гўштини еб қўйиши мумкин. Қолаверса, бировнинг умрини хазон қилиш ҳам одамхўрлик деб талқин этилади. Бунга шубҳам йўқ!”

“У мени тўғри тушунди!” — ҳайқирди магистр ва ўрнидан отилиб туриб шундай кучоқладики, маст эмаслигига амин бўлдим.

“Одамхўрлик ҳеч қачон йўқолмайди! — хитоб қилди у қулочини кенг ёзиб, аҳли қиморга юзланар экан. — Қадимги тош асрдан кейин йўқолиб кетди, деганлар бир кружка чўчқа балчиғини ичиб, сасиган балиқ думини газак қилибди! То қиролларимиз бор экан, бўлинмай қолган ерлару, ечилмай қолган диний, сиёсий масалалар яшар экан, каннибализм ҳам барҳаётдир!..”

Биз қиморхонадан чиққаннимизда Франкфурт чироқлари хира тортиб қолган, кўчаларда оғир туман унсиз-сузарди. Иккимиз ҳам қушдек энгил эдик. Негаки дардларимиз бир эди ва бақириб-чақириб тўкиб солгандик аламларимизни.

“Сени ахтариб келганимга ишонасанми, Густав? — деди у Майн дарёсидан пороход гудоги эшитилгач. — Яқинда яна жўнаб кетмоқчиман, ўша Осиёга. Қисқаси, менга шерик даркор, оғайни! Шерик бўлганда ҳам айнан Германиядан. Биз Самарқанд, Бухоро орқали Хоразмга, кейин эса Каспий бўйига чиқиб, шимол бўйлаб юртимизга қайтамыз. Рози бўласанми, Густав? Бу каминанинг сўнгги сафари, сенга эса олам-олам шуҳрат келтиради”.

“Доимо хавф-хатар остида яшаймизми?” — деб сўрадим.

“Ўлимдан бошқа ҳеч қандай хавф таҳдид солмайди”, — деди у.

Розилик берарканман, шу заҳотиёқ афсонавий Шарқ дарвозалари ланг очилиб, туманлар орасида мовий гумбазларни, гиштин минораларни кўргандай бўлдим. Негадир ҳамма муқаддас-нарсаларга дор-соя-соларди.

Эртасига магистр шундай деди:

“Густав, бошидан айтиб қўйишим керак. Биринчи вазифамиз, амирлик хазинасига тегишли жавоҳирлар кўмилган ҳовлини аниқлаш. Уйнинг битта белгиси бор: қассобхонадан кейин қирқ биринчи. Лекин қайси томондаги қирқ биринчи ҳовли эканлигини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди...”

Бу маълумот Лобарга ниманидир эслатгандек туюлди. Назарида, “қассобхонадан кейинги қирқ биринчи уй”, деганда тақдирдан сўз очиб бўлингандек эди. Бир қарашда соддагина жумбоққа ҳам ўхшарди. Жумбоқнинг жавобини топмоқ учун эса ақлдан калит яшашга тўғри келар ва лекин ҳозирча калитсиз ҳам очилажакдай кўрингани вазидан қартабоз жувон ўқишга чанқоқлик сезарди, холос.

Ишонч ва эътиқод билан мутолаада давом этаркан, гарчи Шомил тушда айтган бўлса-да, барчаси рост чиқишига баҳоли қудрат ишонди. Балки қўлёмани ўқиб чиқиши

билан ҳеч нарса ўзгармас, тақдир ҳукмига чора топилмас, нима бўлганда ҳам, сатрлар ҳеч бир истисносиз жалб этар, бош кўтаришга-да қўймасди.

Лобар ўтмишда қолган ҳаёт парчаларини бир-бир тера бошлади. Таржимон баъзи ўринларда зерикиб кетганми, ҳафсаласизлик билан тузилган жумлалар учрарди. Бироқ чалакам-чатти, бўяб-бежаб ёзилганда ҳам Лобарни тўхтатиб қололмасди. Ахир у қўлёзма ичидан ўзини топишга маҳкум эди-да.

Қўлёзма Густав тилидан шундай давом этган эди:

“...Магистр хазинага тегишли жавоҳирлар ҳақида оғиз очгандаёқ шубҳа булути тунд қилди мени. Бойлик учун жонимни хавф-хатарга қўйишни асло истамасдим.

“Қассобхона атрофидаги ўша ҳовлини топиб нима керак? — дедим ўрнимдан туриб. — Бу билан жавоҳирларни Германияга олиб келамиз, бойиб кетамиз, демоқчимисиз?”

“Жавоҳир бизга баҳона, мақсадимиз эса битта: иккимиз ҳам китоб ёзиб қолдирмоқчимиз. Йиллар ўтади, эҳтимол, Осиёнинг ўша нуқтаси ҳам Европа каби ривожланиб кетар, сайёҳларга ҳеч қандай мушкулот қолмас, лекин айнан Амир ҳукмронлиги давридаги ҳақиқий ҳаётни, сирли воқеалару ғалати удумларни бизнинг китобларимиздан билиб олишади”.

“Лекин сизга ишонмаяпман, жаноб. Гапларингизнинг илдизи шубҳадан, япроғи алдовдан эканлиги ўзингизга ҳам сезилаётгандир? Сизни товламачи демоқчи эмасман, ўртада бошқа бир одам, яъни жавоҳир ҳақида шипшиган ёлғончи кимса борлиги аниқ”.

“Ўша кимса қаршингда турибди, Густав, — деди магистр бош кийимини бостириб кияркан, — лекин ўзимни ҳам, сени ҳам алдамайман. Эшит, охириги марта боришимда, Бухорода етти ой турганман. Кўп нарса ўргандим, кузатганларимни ўтириб ёзсам, икки йил уйдан чиқмаслигим керак. Бир куни қизиқ ҳикоя эшитдим. Амир хазинасидан қимматбаҳо кашмир жавоҳирлари ғойиб

бўлибди. Қайси моҳир ўғрининг иши эканлигини ҳеч зог билолмабди. Хазинабон зиндонбанд қилинибди, ўша куни газнахона атрофида ўралашиб юрган ўтинлар бўйича масъул кимса эса дорга осиб ўлдирилибди. Жавоҳирларни топган фуқарога мансабу олтинлар ваъда қилинса-да, бирон хушxabар келмабди саройга. Кўп ўтмай шаҳарда бир мишмиш тарқалибди. Гўёки осиб ўлдирилган ўтин амалдори тирик эмиш, ўрнига бошқа одам — бедаво дардга чалинган укаси қурбон этилганмиш. Ҳақиқатан, ўлган одамни жулдур кийимда кўрганлар топилибди. Халқ ҳайрон эмиш: ака-укалардан қайси бири тирик? Кимга ишониш керак? Ё жавоҳир аслида ўғирланмаган, бу бир фитнами?..”

Магистр кўзлари чақнаб тикилди. Мени қай даражада асир айлаганидан завқланаётганини сезмаслик мумкин эмасди.

“Нега тўхтаб қолдингиз? Кейин нима бўлибди?” — дедим.

“Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлиб чиқди, дўстим, ўтин бўйича масъул одам ўлмаган экан”.

“Бўлса бордир. Шарқ мени ўғирланган жавоҳири билан мафтун этаётгани йўқ. Шусиз ҳам бораман. Фақат у ёқда қассобхонадан кейинги қирқ биринчи уйни ўзингиз ахтариб топасиз”.

“Ёрдам бермоқчи эмасмисан?”

“Тўғри тушунасиз, деган умидламан”

“Биласанми, Густав, ўша ёқда бир одамни учратганман, сента қуйиб қўйгандай ўхшайди. Агар жавоҳирларни топиш учун шерик бўлганингда, қиёфангдан яхшигина фойдаланардим, яъни ўша бухороликни ўлдириб, сени у деб кўрсатардим, бемалол кириб борардинг қассобхонага. Қирқ биринчи уйни аниқлаш учун қассобхонага киришга тўғри келади. Хуллас, бир бегуноҳнинг жонини сақлаб қолдинг”.

Магистр шубҳали гаплари билан бездириб қўймади, аксинча, унинг етовида олис Осиёга тезроқ равона бўлишни истардим. Қолганига Худо пошша...”

\* \* \*

Ховлида одамлар гўнғир-гўнғир қила бошлашди. Лобар бош кўтарганда, фуқаро кийимидаги бегона кишиларни, бир нечта милиция ходимини кўрди. Улар қайтиб келишдими ё ташқарида маслаҳатлашиб туришганмиди, Лобар идрок этолмади. Ихтиёрсиз бир ундов билан пусина-пусина хонама-хона ўтди-да, ҳаммом ўтхонасига кирди. Шу ерда чордоққа чиқиладиган торгина туйнук бор эди. Оёқ тагига қути қўйиб, қувурга осилди, сўнг деворга оёқ тираб, миңг машаққат билан тирмаша-тирмаша туйнукка бош суқди.

У чордоқдан паноҳ топиб, совуқни ҳам сезмай, яна қўлёмани ўқишга тутинди. Воқеа ҳамон юз йил бурунги замон тоқида осилиб турарди. Жаҳонгашта магистр Шарқ дунёсига ҳаддан ташқари қизиқувчан Густавни авраб, ўз йўлига солди-да, Франкфуртдан йўлга чиқди. Улар йўл юрган сари қашшоқлашиб борардилар. Ахийри бир чақасиз қолишди. Бир куни немисча либосларини маҳаллий гадойларга алмаштиришди-да, бинойидай тиланчига айланишди. Магистрнинг режасига кўра, охирги уч ой мобайнида мутлақо соқов ҳолда йўл босишга мажбур эдилар. Атрофда хуфиялар, полициячилар изғиб юришарди.

“Ҳали бу ҳолваси эди, — деб ёзилган эди қўлёманда. — Бухорога етгунимизча юзлаб чақирим сахро ястаниб ётарди. Истаган вақтларида бизни ўлдириб кетишлари мумкин эди. Магистрнинг айтишича, кўпчилик туркийлар жанг қилиш орзусида тарбияланар экан. Улар учун вояга етган йигит, албатта, жангчи бўлмоғи лозим эмиш.

“Илм кишиларини, ҳунармандларни, деҳқонларни унутиб қўяяпсиз, — эътироз билдирдим бир куни. — Ахир, Туркистонда фақат жангчилар яшаса, Русия қаёқдан босиб оларди?! Ҳамма масала қуролга тақалади, деб баҳслашишга уриниб ҳам кўрманг. Қурол устунлиги урушда сезилади, холос. Босиб олиш учун урушнинг ўзи кифоя эмас”.

“Ким айтди муллалар уруш қилолмайди, деб? Деҳқонлар, чорвалдорлар дейсан... Жангчилик, бу — фуқаролик белгиси. Касбга келсак, бирон жангчи ғаллакор, бошқаси подачи, ҳунарманд, ошпаз. Тушундингми? Ўқиган китобларингни қўявер, Густав, Астрахандан кейин кўз олдингда жонли китоб варақланади. Босиб олиш масаласига келсак, урушнинг ўзи кифоя эмас, дединг-а? Тўғри айтдинг, босиб олинишга жангчилар камлиги ҳам сабаб бўлолмайди”.

Астраханда тўйиб овқатландим, икки кун қимирламай ухладим. Бундай вақтда яна юзлаб чақирим очин-тўқин йўл босишни ўйлашнинг ўзи азоб эди.

Парвойи палак магистрнинг сири бор экан. Кечқурун хароб саройга товонигача етадиган узун зар чопон кийган турк савдогар ташриф буюрди. У менга ўқрайиб қаради. Сўнг магистр билан туркийчада дағал-дағал сўзлашди. Ташқарига мўралаб, кимнидир чақирган эди, елкасига хуржун ортмоқлаган қотма кимса ҳозир у нозир бўлди. У хуржунни ташлаб сас-садосиз чиқиб кетди. Савдогар алланималарни тушунтириб, иккимизга ҳам бош силкиб қўйди ва қандоқ келган бўлса, шундоқ қорасини ўчирди.

“Танишингиз борлигини айтмагандингиз? — дедим ғазабланиб. — Яна бошқа сирларингиз ҳам чиқиб қолар?”

“Секинроқ, бу ер Европа эмас, немисчалаб бақи-раётганингни эшитишса, умринг қамоқда ўтади”.

“Хўш, ҳалиги нусха ким эди? Ишқилиб, экспедициямиз бошлиғи бўлиб чиқмас?”

“У ҳомийлик қилмоқчи”.

“Сахий кишиларни ҳамма жойда учратиш мумкин, лекин бечора дайдиларга бу қадар ишонч билан ҳомийлик қиладиган, мутаассиб бир мамлакатга кириб олишлари хусусида қайғурадиган, хўжайиндай сўзлайдиган валинеъмат... Йўқ, оддий ҳомий деб бўлмайди. У эски танишингизми?”

“Топдинг, — дея магистр хуржунни кўздан пана жойга олиб қўйди. — Ў, чиндан зарур нарсалар билан таъмиқлабди-ку, Густав, тилни яхши тушунаркансан”.

“Ким бўлса ҳам, яхшилик чиқмайдиган одам”.

“Ўрталарингда катта жарлик бор, шунинг учун нолияпсан. Аслида у шоир, тарихчи, мусиқачи ва албатта, пулдор инсон. Қувонишинг мумкин, унинг шарофати билан Каспийдан бепул сузиб ўтамиз. Шубҳа-гумонингга келсак, туркийларнинг шоирлари кўп ва уларнинг ҳаммаси ҳам истарали эмас”.

Магистр мен ётган сўри устига инқиллаб чиқиб олди-да, бир нафас хаёлга толгач, деди:

“Олти ой бурун Бухородан қайтишимда, Астраханга кўниб ўтдим. Зарур хужжатлар ва пулим бир одамникида сақланарди. Европагача қайси аҳмоқ гоҳ пиёда, гоҳ аравага илакишиб борарди! Биринчи поезд станциясига етиб олсам бас, у ёғи тарақ-туруқ, тарақ-туруқ... Жонажон юртим!.. Жавоҳирлар воқеасидаги ўтин маъмури эсингдами? Тақдир мени унга дуч қилган эди. Чанқаганда сув, оч қолганда нон тутдим, охир-оқибат сирини айтди. Бухородан қочиб келаяпман, Астраханда қариндошларим бор, деди. Бояқиш укаси каби оғир дардга чалиниб, зўрға қадам ташларди. Манзилга яқин қолганда, бандаликни бажо келтирди. Сўнгги дамларида тепасида фақат мен бор эдим, Густав. У нариги дунёга сир олиб кетишни истамасди. Бухорода тарқалган мишмишлар ростлигини айтиб, хазинадан ўғирланган ҳинд жавоҳирлари қаерга яширилганини маълум қилди. “Сен барибир ўша уйни тополмайсан, — деди ўтинчи маъмур. — Қассобхонадан кейин қирқ биринчи уй... Меҳмон ётадиган алоҳида хужранинг бурчагида... Қайси томондаги қирқ биринчи уй эканлигини эса жиянларимдан Сатторқулгина аниқлай олади...” Шундай қилиб, сарой маъмури хор-зорликда, менинг қўлимда ўлди. Жавоҳирлар қиймати эса заргарлик бозорида йигирма кило олтин баҳосидан ҳам юқори эканлигини айтиб, юрагимга гулгула солиб кетди...”

“Нега қариндошини аврамадингиз?” — сўрадим магистрдан.

“Ўтинчининг укаси дорга осилганидан сўнг Астрахандаги



қариндошлар анча-мунча нарсадан хабардор эдилар. Дабдурустдан қирқ биринчи уйни суриштирганимда, мендан шубҳаланишлари, сирдан воқиф бўлгач, ўлдириб юборишлари мумкин эди. Дайдининг тақдири билан ким ҳам қизиқарди! Сатторқулни топиб, тоғаси йўлда ўлганини, қабри шаҳардан унча узоқ эмаслигини айтгандим, кўрсатасиз, деди. Менга ҳам шу керак эди. Катта йўл четидаги мазор сари жўнадик. Гап орасида Бухорода бўлган-бўлмаганини суриштирдим. Савдо ишлари билан ўн мартача боргани ҳақида қисқача гапирди. Уйларни санаб чиқишнинг иложи борми, деб сўрагандим, телба деб ўйлади, шекилли, ғалати қараб қўйди. Бухородаги айқаш-уйқаш иморатларнинг ҳисобини топгандан кўра нариги дунёдан қайтиш осонроқ-да... Туман тушиб, қарғаларнинг қағиллашидан бўлак тирик жон асари сезилмасди. Бир амаллаб, гўрни топдик. Сатторқул тиловат қилди. Назаримда, у бахтиқаро тоғасига заррача ачинмаётгандай эди. Бир пайт томоғимдан ғиппа бўғдида, жавоҳирлар ҳақида тоғаси нималар деганини сўрай бошлади. Кўзларини кўрсанг эди! Пул учун одам иблисга ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас экан. “Қанақа жавоҳирлар? Эсингиз жойидами?! Шуми яхшиликка ёмонлик?” — десам ҳам қўйиб юбормади. Лаънатида ёввойи тўнғизнинг кучи, айёр тулкининг ақли бор эди. Бухоро уйларини сўраганимни пеш қилди. Кўрдингми, шаҳардаги қайсидир уйнинг чекка ҳужрасига кўмилганини у ҳам эшитган, аммо қайси гузардаги кимнинг уйида эканлигини билмаган. Сал бўлмаса, таслим бўлиб қўя қолардим, бахтимга ханжари эсимга тушди. Ўзига ҳаддан ташқари ишонган одам ипириқси дайдилар пичоқбозлик қилишмайди, деб ўйлашади. Белидаги қинга қўл чўздим... Зап олишув бўлган эди-да! Сенингча, Густав, ким енгиб чиққан? Топ-чи?”

Магистрнинг афт-ангорига ҳайрон бўлиб қарадим. Каспийдан сузиб ўтиш масаласи ҳал қилинганини эшитиб, хурсандлигидан меровсираб қолдим, нима бало!

“Ким енгганини кўриб турибман”, — дедим.

“Йўқ, мен уни ўлдиришга улгурмадим. Йўлдан бир отлик ўтиб қолди. Шовқинни эшитиб, устимизга от қўйди, туёқлар тагида майиб бўлишдан Худонинг ўзи асради, оғайни!”

“Ҳозир келган валинеъматингиз эдими ўша?”

“Ҳа”.

“Кейин Сатторқулни биргаликда тинчитиб, шерик бўлиб қолдингизми?”

“Сен воқеалар замирига чуқур кириб боролмайсан, Густав. Нега энди нотаниш савдогар дайдининг тарафини олиб, яхши кийинган бинойидай юртдошини ўлдиради? Ҳатто, дайдини халос этмайди ҳам. Ўшанда Мустафо Маман нега жанжаллашаётганимизни сўради. Табиийки, Сатторқул ростини айтолмас эди. Мен эса... мен эса ундан ёрдам тиландим. Жавоҳирлар ҳақида ниманидир биладиган одамни осонлик билан бериб юборади, деб ўйлайсанми? Сатторқул қўлимдаги ханжарни тортиб олиб, мени судраб кета бошлади. Ўлдирмоқчи бўлгани учун маҳкамага топширишини айтди. Шунда жаҳлим чиқди ва: “Маҳкамага топширсангиз, хазина қаерга бекитилганини икки дунёда ҳам айтмайман!” дедим. Хитобимни эшитган Мустафо ортига хиёл ўгирилгандай бўлди. Кўп юрмадик. Отларимиз боғланган жойга етган ҳам эдикки, орқадан ўқ узилди. Сатторқул “воҳ”, деб йиқилди. Ўқ қаерига текканини билмадим, аммо бир зумда жон берганига қараганда, нишонга аниқ урилган эди. Шу тариқа Мустафо Маман билан танишганман...”

“Нега у сизни ўлдириб юбормади?”

“Ўлдирса, хазина қаердалигини билолмас эди”.

“Билганидан кейин-чи? Ахир сиз унга икки томондан рақиб бўлиб қолгансиз. Биринчидан, қотилликка ягона гувоҳсиз, иккинчидан, жавоҳирлар қаердалиги, тахминий бўлса-да, сизга маълум”.

“Анойи эмасман, — деб магистр қўлларини боши остига қўйиб, шифтга термулди, — дарёдан ўтказиб қўйсагина хазинанинг манзилени айтишга ваъда бердим.

У ҳам мендан қутулади, мен ҳам. Шумлик қилиб, қочиб кетдим. У мени узоқ ахтарди. Польшагача қувиб бориш шаштида эди. Ниҳоят уч кун деганда, русларга қарашли трактирда етиб олди. Дағдаға қиладиган бўлса, мен ҳам қараб ўтирмасдим, полицияга мурожаат этардим. Майли, Германия жосуси, деб қамаб юборишсин, ҳаётим фойдага қолса бўлди-да (шуни эслатиб ўтишим керакки, ўша ҳудуддаги полиция чиновникларидан бири танишим эди, мени қартабоз жуҳуд деб ўйларли, қамалганимда ёрдам берарди). Кутилмаганда аламзада турк билан гапимиз бир жойдан чиқди. Бир-биримизни полицияга фош этмасликка келишдик. Ийиб кетганимдан нечанчи ҳовли эканини айтдим. Айтдим, она томондан австралиялик бобом бўлмиш ёғоч оёқ Гофманнинг бир ҳийласи эсимга тушиди. “Мустафо, — дедим унга, — шаҳримга борганимдан сўнг китобларим билан машҳур бўлиб кетаман ва бир кун келиб Астраханга олим сифатида расмий ташриф қиламан. Шунда яна бир учрашсақ, ёмон бўлмасди, қаердан топаман, а?” Мустафо манзил-берди, кеча чиқиб кетганимда, уни ахтариб топдим...”

“Аҳмоқ экан. Душманига ҳам уйини, исм-фамилиясини ошкор қиладим?”

“Албатта, ўз манзилини бермаган, бир этикдўзники экан. Ўша орқали учрашдик”.

“Энди муддао си нима? Одатда сизни, сизга қўшиб мени ҳам ўлдиришдан бошқа хулосага келмаслиги керак эди-ку?”

“Эҳ Густав, булар на қучанинг, на уйларнинг рақами бўлган Бухорои шарифдан қирқ биринчи ҳовлини қаёқдан ҳам топсин! Гўё уларга Тинч океанига кема чўкканини айтганман, холос. Менсиз юз йилда ҳам топишолмайди! Қувонавер!”

Эртасига хуржундаги кийимларни кийдик ва Мустафо Маманнинг хизматкорлари қаторида кемага чиқдик. Агар ишимиз юришса, ундан у ёғига, амирликнинг биқинигача поездда боришимиз мумкин эди.

Бироқ режалар ўзгариб қолди.

“Густав, — деди магистр Красноводскдан чиққанимизда, — туркман чўлида икки ҳафта дам оламиз. Совуқ ўлкадан келган одам шу баҳонада бир оз қораймаса, жазирамага ўрганмаса, ажалидан беш кун бурун ўлиши мумкин. Бундан ташқари, сен билан бир одам учрашмоқчи. Касби — жарроҳлик...”

“Узр, осиёлик жарроҳлардан ошнам йўқ”.

“У сени... кесиши керак. Худо кўрсатмасин, муллаю шайхлар сезиб қолса, кофир, деб дорга ошишлари турган гап! Бу ерда болалигидаёқ суннат қилишади. Нима, бичиб ташлайди, деб қўрқаяпсанми?..”

\* \* \*

Лобар икки немиснинг тарихий-биографик саргузаштини ўқишдан тўхтаб, бир нуқтага тикилиб қолди. Қўлёзмага унинг-да қисмати яширинган экан, ҳозиргина яна бир аломат зоҳир этилмадими? Парвизга суннат тўй қилинмаган-ку?

Бирдан-бир машаққат — келгусида рўй беражак фожиани рамзлардан ахтариб топиш эди. Шундагина Лобар ўзини ва оиласини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга улгуриши мумкин...

Чордоқ музлатгичдек совиб кетганини Лобар эндигина пайқади. Сирли қўлёзмани ўқишга ҳаддан зиёд берилиб кетганимдан совуқни ҳам писанд қилмабман, деган ҳаёл кўнглидан ўтди, аммо у яна бир саволга, чордоққа қандай чиқиб қолганига ҳам жавоб бермоғи лозим эди.

Ўрнидан шошиб турдию, бошини шиферга уриб олди, каптарлар ҳавога кўтарилгани эшитилди. Худ-бехуд юрган эса-да, миясини милиция ходимлари бир сония ҳам тарк этмаган эди, шу важ қистовида амаллаб бир тирқиш топди-да, ҳовлига мўралади: онаси куйиб-пишиб тушунтирмоқда, фуқаролик кийимдагиси эшитаяпти, формадагиси эса зерикиб кетганидан юзини бужмайтириб атрофга аланглайди. Каптарлар учганини кўриб, томга ҳам кўз югуртирди...

— Булардан мени ким қутқариши мумкин? — сўради Лобар ўзидан.

У қўлёмани унутиб, чордоқнинг нариги бошига хаёл етакловида борди, кейин яна шу ҳолда изига қайтди. Оёғи тагида юмшоқ том билқиллайди; сувоқ тагидаги эски қамиш қичирлайди.

Қўлларини иситишни истаб, куҳ-куҳлади, чалиштирди. Бахтли каптарлар яна ғув-ғувлашиб кезина бошлаган эди. Уларга маза, деб ўйлайди киши, аммо одамзод бахтлими, қушларми — буни ҳали ҳеч ким аниқлай олмаган.

— Шамоллаб қоламан, — деди у барча аёллардек киндик атрофидаги оғриқдан ташвишга тушиб.

Ўз-ўзига сўзлагани он худди овозида афсун бордек каптарлар яна ҳуркиб учди, шиферларга, тунука қопламаларига осудалик чўкди. Шу пайт:

— Чордоқда бўлса керак, — деган овоз баралла эшитилди. Алланималар тарақ-туруқ этиб, чордоқ тўрида кепкали бош кўринди. Лобар уйимнинг нариги томонини қайси тентак тешиди экан, деб қаҳр билан қаради. Бу — укаси Соҳиб эди ва у ҳеч қандай шифтнинг тешимаган, аксинча, Лобарнинг ўзи туйнукдан тескари томонда талмовсираб турганди.

— Опа, келинг, улар кетишди. Тушасизми?

Шифер тагидаги индан майин пат учиб тушди. Қайсидир йили патнинг учишини Анна Сергеевнанинг балет саҳнасидаги рақсига ўхшатган, ўтмиш манзаралари кўз олдида жонланиб, балеринанинг ёвуз аёлга айланганини ҳазм қилолмаган эди. Ҳозир эса ҳис-туйғудан мосуво бўлгандек киприги-да қилт этмади.

— Чиқайми ёнингизга, опа?

Укаси жавобни кутиб ўтирмай туйнук лабига таянди, “ҳоппа” деб чордоқда пайдо бўлди. У яхши кийинган, тўлишган, кайфи чоқ, опасидан фарқли ўлароқ ниҳоятда бахтманд эди.

“Менинг пулларимни ейди, бечора укамлар”, — ич-ичидан раҳми келди Лобарнинг. Кейин ёдига лоп этиб немислар тушди. Густав ва магистр Каспийдан сузиб ўтишди. Густавни жарроҳ кутмоқда...

— Совқотиб қолибсиз, юринг, — деди Соҳиб.

— Жиянингга суннат тўй қиламиз.

— А, лаббай? Тўй қиламиз, деяпсизми? Қачон? Бу йилми? Албатта.

— Парвизнинг тўйи ажойиб бўлади.

— Албатта, ажойиб бўлади-да, опа.

Туйнукка етиб келишди. Кимдир уйга нарвон киргизаётиб, шкафга уриб олди, идиш-оёқлар жаранглаб кетди, лекин синмагани пастдагиларнинг “ҳеч нима қилмади”, “бутун” деганларидан маълум эди, шунда ҳам Лобар юқоридан туриб:

— Аста-е!.. Ҳамма нарсамни пачоқ қилдиларингми нарвон билан? — деб койиб берди.

— Оббо, опам-ей, — деб қўйди укаси.

Пастда магнитофон қўйилди, шўх қўшиқ уйни тутганда Лобарнинг онаси:

— Учир, шундай пайтда мусиқага бало борми? Ҳозир отин келади, — дегани қулоққа чалинди.

— Отин дедими? — сўради Лобар.

— Аям сизни ўқитвормоқчилар.

— Нариги маҳалладаги шкафми? Кўргани кўзим йўқ, айт, келмасин.

— У эмас, бошқаси. Кўрсангиз, ҳайрон қоласиз, тумбочкадай.

Лобарни чордоқдан амаллаб тушириб олишди. Ростдан ҳам уйга нарвон киргизилган эди ва ҳайрон қолгани шкафга уриб олишганида нарвон эканини Лобар кўрмаганди. Бу — ўзига-да номаълум сезгилари қарта ўйинларидагидек ҳамон ҳаракатда эканлигидан далолат берарди.

— Неча соат ўтирганингни биласанми? Совуқ қотиб кетибсан-ку! — аччиқланди онаси. — Нима, улар сени еб қўйишармиди? Сўраган одамга тўғри жавоб бер! Қачон қарама ўзингни шубҳали кўрсатиб юрасан. Мелиса тугул бутун маҳалла сени жиноятчи деб ўйлайди.

— Улар кетишдими?

— Бошлиқларига телефон қилдим. Қизимни касал ҳолида

ҳам тинч қўймайсизлар, яхшилик қиламан, деб туҳматга қолиб ўтирибди, дедим. Яхши одам экан, тушунди.

– Аёл кишга қўл кўтарган маразни “яхши” деяпсизми?

– Айтгандай, у сенга қўл кўтармаган экан, жиннинг қўзиб, ўзингни ўзинг урибсан, тирнабсан, яқинлашганининг юзига туфлабсан. Яхшиям, жиннихонага олиб бориб ташламабди. Сен даволанишинг керак, қизим. Тасаввуринг билан ҳақиқий ҳаётни чалкаштириб юрагимизни ёраяпсан. Асабларинг чарчаган.

– Тасаввурим бошқа, ҳақиқий ҳаёт бошқа эмиш, – деб Лобар ичкари хонага кириб кетди. – Парвиз қани?

– Ана, ёнингдаги ким?

Лобар беухшов кулиб қўйди.

Иссиқ чой ичиб, ул-бул тановул қилиб ўтирган эди, куча эшик очилиб, отин келди. У бировларнинг ҳовлисини бекаму кўст биладиган анча-мунча тажрибали хотин эди. Укаси айтгандай тумбочкага ўхшаб кетарди. Паст бўйи, миқти гавдаси, чақноқ кўзлари бойқушни ҳам эслатгани Лобарга кулгили туюлди. Шундан сўнг Лобар ўхшатишлари ҳаддан ташқари ҳақоратомуз тус олаётгани учун фақат яхши нарсаларни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди. Кўзлари оҳиста юмилди. Даставвал отиннинг пичирлаб дуо ўқиши эшитилди, мой иси анқиди, сўнг овоз зулмат қўйнига сингиб кетди-да, атроф секин ёриша бошлади. Таажжубки, бу – Туркман чўли эди.

Вақт юз йил орқага қайтди. Лобар сирли қўлёзма ичида яшай бошлаганди.

\* \* \*

Сатрларда тасвирланган ўша жарроҳ мўйловли, озгин, оддийгина қорача кимса эди, туркманлардан кўра озарбайжонларга тортарди. Ҳозир у умрида биринчи марта ёши ақл бовар қилмас даражада катта мижози олдида ўтирибди. Негаки, одатда энг катта мижоз етти ёш бўлгувчи эди.

Таомилга кўра Густав нон тишлаб ётиши керак, аммо у немислигига борди: нон узилиб тушиши мумкин, яраланган аскардай бирон қаттиқроқ нарсани тишлаган дуруст.

Дўсти унга саксовул чўпини берди. Йигирма дақиқага чўзилган иш якунига етгач, жарроҳ пешонасини артиб, илжайди:

— “Энди ҳақиқий мусулмонсан, — деди. — Табриклайман. Ҳечдан кўра кеч бўлгани ҳам маъқул экан, Ғидинбой”.

Густав учун диннинг фарқи йўқ эди. У нотаниш олам остонасида турар, тарих деворларига номини ўйиб ёзиш, Европага атрофлича бўлмagan Бухоро амирлиги ҳаётининг икир-чиқирларини юксак бадий савияда ёритиш, цивилизация инқироzi мавзусида диссертация ёқлаш каби истақлар учириб келганди бу ерларга.

Устани кузатиб қўйгач, магистр ўтовга ҳорғин қайтди.

“Бир ҳафтадан кейин... — деб кунчиқар томонга ишора қилди. — Ҳозирча дам. Бошқа иложинг йўқ, оғайни”.

“Ўтовда неча кун қамалиб ётаман?”

“Истаган вақтинг сайр қилиб келишинг мумкин. Лекин буни маслаҳат бермайман.

“Мустафо Маманнинг одамлари димиқ ўтовни қаердан топган экан-а?” — деди бир оздан сўнг Густав.

“Ташқарига бир чиқсанг, бу ер жаннат бўлиб туюлади, ётмайсанми ижара муддати тугагунча, мусулмон”.

Густав кўзага қўл чўзди, шўртаъм илиқ сувдан икки-уч хўплаб, ўйланиб қолди.

“Нимани ўйлаяпсан?” — син ташлади магистр.

“У бизни сотиши мумкин”.

“Нега бу хаёлга келдинг? Биз қочоқлар эмасмиз, Бухорога ҳам яширинча бораётганимиз йўқ. Келишсин, кўришсин, бор-йўғи жулдурвоқилармиз, бошқача қилиб айтганда, қаландарлар авлодидан. Боз устига исломни қабул қилдик”.

“Ёшим нечадалигини қавмдошларига айтса, тамом, шу ёшда суннат қилдирган махлуқ ким экан, деб бир тўдаси кўргани келишади”.



— “Хўш, нима бўпти! Мен ҳам, сен ҳам жиноятчи эмасмиз. Эндигина динга кирган соқов татар дейман. Бу ўлкада мусулмон динини қабул қилганларга ҳурмат кўрсатишади”.

“Онт ичиришингиз шубҳа туғдиришини ўйлаб кўрмадингизми?”

“Аксинча, шубҳа мени онт ичиришга мажбур қилди”, — деди магистр.

У чоригига яшириб қўйган қартани олди. Густав тез-тез қиморхонага борса-да, магистр каби учига чиққан қартабоз эмасди. Бироқ ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек қарта ҳамиша эрмак бўла оларди. Гоҳ вақт ўлдирувчи, гоҳ чигил ёзадиган восита; гоҳида эса ҳе йўқ-бе йўқ қартага ташланишар, муккасидан кетишган кўйи соатлаб ўйнардилар.

Магистр нечундир финляндиялик дарахт кесувчилар кўпроқ ўйнайдиган “Қарағай” ўйини учун саккиз донадан қарта сузди. Очиғини айтганда, Франкфуртнинг биронта фуқароси “Қарағай” ўйнамас эди. Магистр қўярда-қўймай ўргатган, ҳатто бу ёққа келаётиб-Польшадаги рус аскарлари билан ҳам қайсидир ўрмон ёқасида икки соат ўйнаган эди.

“Нега энди “Қарағай”, тушунмадим?”

“Ёқмайдими?”

“Гап бунда эмас. Агар сизга бирон нима керак бўлса, дарров финча қарта ўйинига сузасиз. Ютишингиз муқаррар-да, а?”

“Сен ҳам ютишинг мумкин. Бу — ўйин. Ютиш ҳеч кимга қафолатланмаган”.

“Гапни айланторманг, мендан нима сўрамоқчисиз?”

“Сендан фақат сенигина сўрашим мумкин, Густав, — деди магистр. — Кел, ҳозир бир шарт билан ўйнаймиз. Агар ютсанг, оғир топширигингни бажараман, аксинча бўлса, менинг айтганимга жонингни тикасан. Келишдикми?”

Густав ҳамроҳининг кўрқув билмас, айёр, айни дамда инсонийлик уфуриб турган нигоҳидан мақсадини уқиб олмоқчи бўлди. Шакл-шамойилдан эмас, хотира қаъридан қидириб топди жавобни.

“Жавоҳирларни топишингизда мен керакман”.

“Зийрак йўлдош бўла олганинг учун... (анави ким деб атади? Фидинбойми?) Хуллас, раҳмат сенга, Фидинбой!”

“Жавобимни эшитгансиз-ку”, — қатъий оҳангда сўзлади Густав.

“Шу ҳолингда якка-ёлғиз, пулсиз қайтиб кетмоқчимисан Германияга?”

“Энди кетолмайди, шарт қўйсам ҳам бўлаверади, демоқчимисиз? Аввало, мени жавоҳирлар зигирча қизиқтирмайди! Ва ҳали-вери қайтиб кетмоқчи ҳам эмасман”.

Густавнинг кўзларида ғазаб ўти чақнади. Бироқ магистр ўзини ғазабга лойиқ деб ҳисобламасди.

“Нима, сени ўлимга буюраяпманми?! — бақирди у. — Нега гирибонимдан оласан? Ҳали ютаманми, йўқми, гижиллаганинг гижиллаган! Қовоқ каллангда заррача фаросатинг бўлганида моддий томонни ҳам озроқ ўйлардинг. Бор-йўғи, кичик ролинг учун ҳўкизнинг калласидай ҳақ оласан, сахийларча тўлайман, деяпман-ку! Умрбод пулсиз яшамоқчимисан? Сени ҳеч қайси университет боқмайди, билиб қўй! Қассобхонага кириб, лақма қассобларни авраш эса қўлингдан келади. Ўзингни соқовга солсанг, тилингдан илинмайсан, яна қанақа муаммо бор?”

“Бойлик илинжида келган эмасман, деб минг марта айтдим! Бу мамлакатда ўғриларга ўрин йўқ! — Густавнинг бўйин томири бўртиб чиқди. Кейин кўксига муштлиди. — Манави еримда ҳам жой топилмайди сиз ваъда қилаётган лаънати пулларга! Тушундингизми?! Ё тушунтириб қўяйми?”

“Кимга? Менга-я?” — Магистрнинг кўзлари олайди.

“Албатта, сизга!”

Густав пичоққа қўл чўзган эди ҳамки, магистр ялтироқ, кичкина тўппонча ўқталди. Бу қуролни Густав илк марта кўриб туриши эди.

“Демак, қуролим ҳам бор денг?”

“Сен нима деб ўйлаганинг? Биз паркта сайр қилиб юрганимиз йўқ. Ташла пичоқни!”

Густав ғам-аламдан куйиб, телбаларча кулди. Магистр қўлидан тортиб олмоқчи эди, кечикди: Густав ўз оёғига тиг урди-да, азобдан додлаб юборди.

“Жинни! — Магистр пичоқни юлқиб олиб, ўтов бўсағасига улоқтирди. — Нима қилиб кўйдинг, ярамас?! Шу ерда чириб-битмоқчимисан?”

“Энди ҳаммаси ишонарли бўлди, — деди Густав. — Ҳозир ярамни боғлайман-да, битта ҳасса топиб оқсоқланганча йўлга тушаман, ҳеч ким шубҳаланмайди. Сизга эса Бухоро остонасигача йўл бошлаб келганингиз учун раҳмат!”

Магистр қараб турса Густав рост сўзлаяпти.

“Ҳей! — деб ёқасидан тутди. — Келишга келиб, энди амирлик ичкарисига ёлғиз қочиб қолмоқчимисан?! Бекорларни айтибсан! Жавоҳирлар қаердалигини биласан! Сени ҳеч қачон кўйиб юбормайман!”

“Шайтон олсин ўша хазинангизни!”

“Кечирасану, мен эмас, сен кўпроқ айёрсан! Нега оёғингга пичоқ урдинг? Бундай азобли ҳийлани ҳар ким ҳам эплай олмайди! Гапни кўпайтма-да, айтганимни бажар! Йўқса, жаҳл устида бир нима қилиб қўяман!”

Икки немис бир-бирига сўзсиз тикилди. Четдан қараганда йўл азоби иккисини-да абгор қилган, иккисида қил устида турган жонларини минглаб чақиримлик масофада, минг бир ҳодисадан омон сақлаши лозим эди. Шундоқ экан, бўриваччалардай гижиллашиш телбаликдан бошқа нарсага ўхшамасди.

“Қарга ўйнаймиз, розиман”, — деди Густав.

Кейин у тиззадан пастанда, гўштдор болдирга санчилган пичоқ ярасини боғлади. Ўрнидан қийналиб турди-да, ташқарига йўл олди.

“Қаёққа?.. Сендан қаёққа деб сўраяпман”.

“Ҳасса топишим керак. Бу ҳолда юриш осон деб ўйлайсизми?”

“Жин урсин сени, Густав! Ҳозиргина “Қарағай” ўйнашга рози бўлдинг-ку!”

“Шу ерда дедимми? Сизнингча, бекордан-бекор ўз

оёғимга пичоқ урарканман-да? Ҳадемай, ўтовга туркманлар бостириб келишади”.

“Лаънати! — бўкирди магистр, аммо Густавга эргашишдан бошқа чора тополмади. — Мустафо Маманга ўзинг тушунтирасан, эшитаяпсанми?!”

Улар барханлар оша икки соат юришгач, қандайдир қатқалоқ йўлга чиқиб қолишди. Бу ердан яқинда туялар ва эшаклар ўтгани тезаклардан маълум эди. Тоғдай қумтепалар, саксовулзорлар оралаб юриш ҳолдан тойдиргани вожидан шу йўлдан кетавердилар.

“Нима дейсан; осиеликлар орасида ҳам қартабозлар борми?” — сўради магистр.

“Қадамим эндигина етган бўлса, қаёқдан биламан? Буни ўзингиздан сўраш керак”.

“Тез орада бўлади”.

“Осие бўйлаб қарта ўйини тарқатмоқчимисиз?”

“Бу оқ кийимлиларнинг вазифаси, — деди магистр сувдонини очаркан, — яъни русларнинг. Бухоро амирлиги тўп оғзида турган ночор мамлакат, кўп ўтмай барибир пиликка ўт кетади. Бу башорат ҳам эмас, хулоса ҳам. Бор-йўғи кўзга кўриниб турган ҳодиса”.

Бир пайт Густавнинг олдида жундан тўқилган буюм парчаси чиқиб қолди. У ўз билимига таяниб, нима эканлигини аниқламоқчи бўлди.

“Ташла, у сенга ҳаливери керакмас, — магистрнинг кўнгли айниб кетди. — Ташласанг-чи, нима, чўчқамисан!”

“Бу юртнинг бир дона янтоғигача тадқиқот қилишим керак, ҳақоратингизни қайтиб олсангиз яхши бўларди”.

“Ахир, у терлаган туянинг човини артадиган латта-ку, аҳмоқ. Келиб-келиб шуни ўрганасанми?”

Тўсатдан Густав ҳамроҳига ғалати тикилиб қолди. Кўзларидан хаёли жойида эмаслигини, жамики диққат-эътибори қулоқларида эканлигини билиш қийин эмасди.

“Отлиқлар”, — пичирлади у.

Шу пайт қумтепа ортидан чанг кўтарилди, отларнинг кишнаши, туркманларнинг қийқириғи, ҳатто қамчи қарсиллашигача эшитилди. Уларни қувиб келаётганлар ҳадемай муюлишда кўринади...

\*...\*

Лобарнинг эс-ҳуши яна ўзига қайта бошлади. Пақана отин дуонинг сўнги бандларини ўқиб, куф-суф қилди ва кўзига нима кўринганини сўради. Лобар жавоб бермагач, деди:

— Жавоҳирлар, олтинлар кўрдингиз-а, қиз?

— Йўқ, — деб Лобар кўзини очди, — отлиқларни кўрдим... улар қуюндай бостириб келишяпти... Агар Густав тирик қолса, жавоҳирлар қаердалигини билиб оламан... Орадан юз йил ўтган бўлса ҳам...

Отин ойи асло таажжубга тушмади. Умр бўйи инжинсларни ҳайдайвериб, кўникиб қолган шекилли, бир туки қилт этмай, деди:

— Густав ким эканини билмадим, лекин жавоҳир, деганингизни тушундим, қоқиндиқ. Бизнинг момолар кўп ҳам унга қизиқишмаган, асосан тилла, кумуш тақиб юришган. Тўғри-да, жавоҳирни нима қилади? Уни ҳозир ҳам унча-мунча одам тақмайди.

Лобарнинг онаси хавотир аралаш сўради:

— Гапига чалғиманг, ҳар нарса деяверади. У яхши бўп кетадими, шундан гапиринг.

— Қизингизнинг аҳволи ёмон эмас, — хивчин ва пиликларни йиғиштира бошлади отин ойи. — Энди, тушунасизми, йўқми, ҳарқалай онасисиз, менга бир жиҳати қоронғи. Бахшиликни бўйнига олсин демайман-у, шу... нима десам экан... Ҳеч учратмаган бир ҳолни кўрдим. Лобарда жинларим ҳам чўчийдиган, дам оқ, дам қора тусга кирадиган, дев деса, девга, пари деса, парига ўхшамайдиган куч бор. Лекин қизим қарта жодусига чалинган, деган гапингизга қўшилмайман. Ростини айтсам, қартанинг жини йўқ, агар бор десалар, ишонманг, у қат-қат қоғоз-ку.

— Қат-қат қоғоздаям гап кўп-да, — куюниб қўйди Лобарнинг онаси. — Икки-уч келсангиз, кучли отин ойиларни ҳам чақирсангиз, ишқилиб тузатиб берсаларингиз...

— Албатта, — деди отин ойи фахр билан. — Эскичани тан олиш керак.

— Жавоҳирларни кўрганимни қаёқдан билдингиз?

Отин ойи савол келган томонга бурилиб қараганида, Лобар аллақачон кўрпача устида ўтириб, сочини тарамоқда эди.

— Бунинг ҳеч сирли жойи йўқ, онангиз ҳам эшитди пичирлаганингизни.

Лобар яшиндек чақнаб тикилди чордоққа. Отин ойининг дуо кучи ила мозийга сайр қилмаганини; балки чордоқда телбаларча ўқиб чиқилган қўлэзма воқеалари хаёлида жонланганини фаҳмлади. Қизиги, у Густав ва магистрнинг айнан ўтовдан қочиб, отлиқлар таҳдиди остида қолган воқеасини қачон ўқиганини эслаёлмади.

— Мен... — дедию, тўсатдан хаёлига келган ўйдан сесканиб тушди. — Ростдан ҳам одамлар ўйлаган аёлмиканман?..

У илк бора ўзида ғайриоддий куч — сеҳр-жоду, гипноз, биоток, фолбинлик борлигини пайқаган ўспириндек ҳис этди яна Анна Сергеевнадан “қора қарта рақси”ни ўрганиб, енгилмас қартабоз даражасига етгани айни ҳақиқат, бироқ ўрнида бошқа жувон бўлганида жодугар қиморбозга айланармиди? Қани, биронтаси эплай олгани? Лобар қиморбоз бўлганмиш, деб қариндошлари бутун дунёга жар солишмадимми? Ўзбек аёли қартабоз бўлиб танилиши қиёматнинг яқинлигидан далолат, деб лоф урмадиларми? Ахир бу қарталар оддий қарталар эмас, қат-қат қоғозларнинг ёлғиз-ёлғиз зуҳурланиши, нозик қўлларда ҳали илм-фан тушунтириб беролмаган номаълум куч-қудратнинг воқе бўлиши эмасмиди? Таассуфки, бу истеъдод қарталар орқалигина рўёбга чиқди, қарталар тимсолида яшаб келмоқда.

Лобар бир манзарани кўз олдига кўп келтирган: тўрт киши чордона қуриб, қарта ўйнаяпти, ўй-хаёли қарталар ва пулда. Улар ўйинга шу қадар берилиб кетишганки, диққат-эътибор буюк кашфиётлар чоғида эмас, қимордагина жамланиши мумкиндек. Шунда Лобар қўлларидagi қарталар ҳамда ўртадаги пулларни йўқ, деб тасаввур қилади. Ўйновчилар эса ҳамон ўйиндагидек ўтиришибди. Одам фикрга чўмган, одам бош қотирмоқда, одам одамлик

билан машғул. Туйқус дахшатли ҳақиқат кўзни очишга мажбур этади: эй инсон, қарта ўйнаяпсанми ёки қарта-сени ўйнаяптими?

Лобар ўзининг ўрнини, ҳолатини, бошига тушган аччиқ қисматини шу ҳолда тасаввур этади ва гуноҳлар ичидаги оғир гуноҳ — аёл зотининг эркаклар ила ошиқ ўйнаб, пул ютиши чекига ёзилмаслигидан умидвор бўлади...

— Сочингни тарам, қизим, — дея онаси Лобарни қўярда-қўймай, уйига етаклади.

Отин ойи инсон фожиасидан кўра барча ҳамкасблари каби ўз куч-қудратини таъкидлашга уриниб:

— Уч кун ичида дардларидан фориғ бўлади, — деди. — Мелиса руҳий касал, деб айтаверади. Саволга тўғри жавоб бермаган одам касал ҳисобланаверса, дунёда соғ одамни топиб бўлмайди-ку. Мен ҳам қўрқсам дудуқланиб қоламан. Бир куни уйда ўтириб, кўзим илинибди, денг, не кўз билан кўрайки, бошимда бир аёл турибди, нуқул имо-ишора қилади. Бўйи нақ теракдек, ранги сап-сарик. Ишонсангиз, қўрққанимдан... — Отин ойи Парвизни кўриб, ноҳўя сўздан тилини тийди. — ...шарманда бўлишимга сал қолди. Кейин билсам, нариги маҳаллалик Ноил гунгнинг ўрис хотини экан. Ўзига ўхшаган гунг хотинни олган-да, бояқиш.

Лобар ўглини эргаштириб, ичкарига кирди. Айвонда отин ойи билан Лобарнинг онаси гунг хотин ҳақида алламбало гапларни гапиришга тушиб кетишди.

— Ўғлим, — деди Лобар секингина, — отин оингдан қўрқмадингми?

— Йўқ.

— Чордоққа чиқоласанми?

— Нарвон ҳовлида.

— Қўлэзмам қолиб кетибди боя.

— У сизники эмас, нега “қўлэзмам” дейсиз?

— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, давомида нима ёзилганини ўқимасдан туриб билаяпман. Ҳатто, кўзим билан кўргандек бўлдим. Юз йил аввал икки немис Бухорога йўл олади, пою пиёда. Кейин чўлда отлиқ туркманлар қувиб етиб . Йўқ,

у ёғини эслолмаяпман. Қўлёмани олиб тушишим керак, кечаси чиқсам тополмайман.

Парвиз ерга қаради. Сўнгра худди ножўя ишини тан олгандек айбдор оҳангда сўради:

— Ая, ростини айтинг, “паранжи ёпинган қассоблар” деб ёзилгани сизга бирон нарсани эслатмадимиз?

— Айёрлик қилма, нимани яшираяпсан?

— Қўлёмани йўқотган одамни танийман, сиз ҳам... Фақат бунинг учун уришманг, майлими?

— Нима? Ҳали ўғирлаган бўлиб чиқарсан? Ким экан немис тилидан таржима қиладиган ўша таржимон? Умримда... — Лобар туйқус қаримсиқ кишини эслади. — Э-э, биздан паранжихонани сўраган мол! Шундайми?

Парвиз бош силқиб, тасдиқлади.

— У нега сенга берди? — ўғлини силтаб сўради Лобар. — Қаерда учрашдинглар?

— Сал нарсага аччиқланаверманг. Автобусда кўриб қолдим, деяпман-ку. Бувимнинг панасида анча вақт кузатиб ўтирдим. Касалми, уйқуси келганми, ҳадеб мудрайверди. Тиззасида катта малла сумка бор эди, муаллимлар тутади-ю, ўшанақа. Сумкадан қоғозлар чиқиб тургани етмагандай қўлтиғига папка қистириб олибди. Лекин бир оғиз гаплашганим йўқ. Биз манави ерда ўтирган бўлсак, у анавинча жойда, охириги ўриндикда эди.

— Қўлёмани қандай олдинг?

— Бир қарасам амаки йўқ, бекатда тушиб қолибди.

— Папкаси ўтирган жойида ётган экан, дарров чаққонлик қилиб, ўғрига ўхшаб?.. Бу нима қилиқ, Парвиз?

Бола мўлтираб қаради.

— Автобусда юришига ҳам ишонмайман, — деди Лобар ўзига ўзи сўзлаётгандек.

— Рост, — деб Парвиз онасининг билагига осилди. — Нега мени ёлғончига, ўғрига чиқарасиз?!

— Ёлғончисан, ўғрисан деганим йўқ. У автобусда юрмайди, билдингми? Шунинг назарда тутаяпман! Агар



автобусда кўрсанг, англаки, бировнинг изидан тушган. Бекордан бекорга автобусда нима қилади? Сени касалхонага олиб борганимда ўни “жип”да кўрдим.

— Жосусми?

— Жосусдан ҳам баттари бўлиши мумкин. Шундай қилиб, мана, калаванинг учи қайси томонга кетган! Қўлёмани сен олишинг учун атайин “унутиб” қолдирганини аниқлашим керак. Ҳм... агар қўлёманда бойликлар бугунги кунда қаерда эканлиги ёзилганда эди, ўзбек тилига таржима қилиб ўтирмасди. Уларга мен керак бўлиб қолганга ўхшайман.

Парвиз онаси ҳозироқ кетиб қоладигандек маҳкамроқ қучди. Лобарнинг нигоҳи шифтга қадалди. Ҳовлида шамол эса бошлади. Отин ойи ҳам кетган кўринади, бугун жоду учун сўйилиш қисматига ёзилмаган товукларни Лобарнинг онаси киш-кишлаб юрарди.

\* \* \*

Қўлёмна саҳифалари Лобарнинг хаёлот дунёсида биринкетин очилиб, Густав ва магистрни туркманлар қувиб етган жойида тўхтади. Бу воқеа қуйидагича содир бўлган эди: Густавнинг ранги мурдадек оқариб, карвон йўлида қоққан қозиқдек қотиб қолган, магистр эса тулкилигини ишга солиб, четга чиққанча таъзим қилган...

Отлиқлар беш нафар эди. Улар шовқин-сурон кўтариб, отларга шартиллатганча қамчи босиб, терлаб-пишиб етиб келишди. Ҳақиқатан, икковини тутиб олиш муддаолари эканлиги аён бўлди.

“Ҳей, — деди ораларидаги энг дадили, энг мирғазоби. Афтидан у сардор эди. — Айтганимдек, уларни кўзи энасини эмгунча ушладик! Отларга ўнгаринглар! Йўл устида ўлдирсак, ҳаром қони билан ифлос қилишади! Ичкарига ҳайда! Ичкарига!”

Отлиқлар ўраб олишган эмасми, бир зумда икковини ердан илиб олиб, қийқирганларча жўнаб қолишди.

Густав отлар сояси билан бирга ўлим шарпаси ҳам чопиб келаётганини ҳис этди. Фақат мўъжизагина қутқариб қолиши мумкин эди.

Дарвоқе, йўл азобидан кейин топган манзиллари, наҳотки, қатлгоҳ бўлса? “Қиморхонадан чиққанимда, ўша олис жонажон Франкфуртда отиб ўлдириб кетишгани яхши эмасмиди? — деди хаёлан. — Бухорони кўрмай ўлиб кетаманми? Минг афсус, агар қуролим бўлганида...”

Шунда у магистрнинг тўппончаси ҳақида ўйлаб қолди. Отлиқлардан биттасидагина милтиқ бўлиб, қолганлари қамчи ва ханжарларига ишониб эгарга ўтиришган кўйи буларни ахтариб от қўйгандилар.

“Кимсанлар?” — сўради сардор иккисини ҳам тиз чўктириб қўйгач.

“Бу менинг дўстим Зиннур, — деди магистр, — у ҳам менга ўхшаб мусулмон, бир бечора татар қаландари, тилдан қолган соқов...”

“Ўчир овозингни! Ўзингинг кимлигингни айт!”

“Овозимни ўчирсам, қандай айтаман? — деб магистр милтиқли кимсага зимдан қараб қўйди. — Шундай мард одамлар бизга ўхшаган бечоралар билан уруш қилгунча, оқ пошшо аскарларига қарши муҳорабага чиқмайдиларми?”

“Аввал сенларга ўхшаган айғоқчиларни ўлдиришдан бошлаш керак!” — бўкирди сардор ва ёнидаги кимсанинг милтигини тортиб олиб, ўқ узмоқчи эди, кечикди: магистрнинг қўлида тўппонча пайдо бўлди. Отлиқлар тўрваларни улоқтириб, жулдурвоқиларда бошқа нима ҳам топиларди, деб кийимларини тинтув қилишмаганди.

Магистр қуёшда қорайган товоқдай башарага ўқ узди. Миясининг қатиғи чиқиб кетиши керак эди, аммо бошини хиёл буришга улгурган сардор ўз жонини сақлаб қолди: ўқ ўнг лунжидан кириб, чапидан тешиб чиқди. Сардор қалқиб кетди, лекин йиқилмади. Қўлини секин кўтариб, эти шалвираб қолган лунжини ушлади, қип-қизил қон бўлди.

“Биттанг жилсанг, пешонангга отаман! — Тўппончани

чангаллаган магистр милтиқни ҳам олди, сўнг шоша-пиша чекинаркан, хитоб қилди: — Ҳеч-ким ўлгани йўқ! Келинлар, қурбонсиз ажрашамиз!.. Ҳой Густав... э-э, Зиннурмидинг?.. Нега лаллайиб турибсан? Отларни олиб кел, биттасиниям қолдирмаймиз буларга. Милтиқни ол, бўшашма, каллакесар”.

Шоввоз сайёҳлар икки отни эгаллаб, учтасини етаклаб, жўнаворишди. Албатта, Густавнинг от миниши осон эмас эди, аммо ажал шарпаси олдида ҳеч нима кўзга кўринмай қоларкан.

Бироқ улар бу билан қутулиб кетолмаслигини билмас эдилар. Чўлда ўсган мағрур чорвадорлар қандай бўлмасин, иккисини ўлдириш учун изларидан бўридай искаб келишлари аниқ эди.

Иккинчи кеча бир тўқайда тунашга тўғри келди. Магистр катта йўлга тушиш фурсати келганини айтиб, чуқур уҳ тортди.

“Яна эски торимизни чалиб кетаверамизми?” — Густав шеригига нигоҳ ташлади.

“Йўқ, аввало от харид қиладиган бирон кишини топиб, отларимизни пуллаймиз, кейин бозорга тушиб, уст-бош харид қиламиз. Сен Бухорогача пиёда кетолмайсан, чунки ўз оёғига ўзи пичоқ урган аҳмоқсан”.

“От ўғрисига айланар эканмиз-да?”

“Ўзингни ким деб ўйлаяпсан? — магистр ўчиб қолаёзган гулханга чўп ташлади. — Худо урган бандалар рўйхатидан аллақачон ўрин олгансан”.

“Исбот?”

“Мен шарқшунос ҳам, сайёҳ ҳам эмасман”.

Густав унга олайиб қаради. Тўқай шовиллаши, чиябўри улиши, номаълум қуш чинқириғи қулоққа чалинди. Бундай маконда юлдузлар ҳам хосиятсиз жимирлайди.

“Бўлмаса кимсиз?”

“Сенинг ўғрингман”.

“Менинг ўғрим?”

“Ахир, сени алдаб Германиядан ўғирлаб келаяпман-ку. Бухоро амирлигида фақат амир эмас, оддий фукролар,

косиблар, қассоблар, чилангарлар, шу билан бирга, масалан, каминага ўхшаш фаранг ўғрилар ҳам яшайди. Биз сенга ўхшаганларнинг гўштини сотамиз. Қўрқма, то тирик экансан, ҳурматинг жойида бўлади”.

“Чўл жазирамаси миянгизни суюлтириб бўпти...” — кафтларини боши остига қўйган Густав юлдузларга хотиржам боқди.

Магистрнинг қўлида тўппонча ярақлади. Густав кўз қирини ташлаб, хотиржам ҳолда қарта ахтара бошлади. У ўтовдаги шартлашувни эслаб қолган эди.

“Таклифингизни бугун, шу ерда қабул қиламан, — деди Густав. — “Қарағай” ўйнаймизми?”

“Густав, қачон ақлинг кирганини билмай қолганим учун узр”.

Магистр яна бир чўп ташлаб, деди:

“Бироқ энди ўйиннинг ҳожати йўқ”.

“Нега? — чирт этиб тупурди Густав. — Балки мен ҳам сиз ўйлаган лақма эмасдирман? Айниқса, амирликка келиш борасида...”

Иккови чангалзор сўқмоғида дуч келган йиртқичлардай бир-бирига тикилиб қолишди. Шунда Густав ҳамроҳини ҳайрон қолдирганча ҳуштак чалиб, зулмат қўйнидан кимнидир чақирди. Буни ҳам ҳазил деб ўйлаган магистр мийиғида кулиб қўйган эди, тўсатдан тўқайлар орасида бир неча машъала кўринди. Шоша-пиша тўппончада мўлжалга олган магистр:

“Булар кимлар, жин урсин?!” — деди ўтакаси ёрилиб.

Густав машъалалардан кўз узмаган кўйи ёнбошлаб ётганча яна бир марта, лекин бу гал меровсираб туфлади. Сўнгра кўзлари олайган ҳамроҳига ер остидан қараб, деди:

“Бу нима қилганингиз? Қичқирманг...”

“Ким улар?” — тўппончасини силтади магистр.

“Ҳозир биласиз”.

Густав ёпинчиғини кўтариб, оловни ўчирмоққа шайланган эди, милтиқдан пақиллатиб отишди. Ўқ икковига ҳам кўринди: узунчоқ чўғ мисоли эди у. Визиллаб

ўтишига қараганда, тошни ҳам ёрадигандай. Ёпинчик силтаниб кетдию шу заҳоти ўртасида ўйиқ пайдо бўлди...

\* \* \*

Лобарнинг кўзига бир томчи қон оқиб тушди. Деворга бемажол суяниб, немис сайёҳлари ила олис дарё яқинидаги тўқайда эмас, ўз уйида, ўлан тўшагида эканини англади. Ҳозир отилган ўқ ҳам хаёл оламининг димиқ ҳавосини ёриб ўтган эди, холос.

Қулоғи тагида магистрнинг хитоби акс-садо берди: “Булар кимлар, жин урсин?..”

Лобар ўзигагина эшитиладиган тарзда пичирлади:

— Агар икковиям ўлса, қўлёманинг қолган ўн беш-йигирма саҳифасида нима ёзилган экан? Москвадан Петербургга саёҳатми?.. Йўқ, Густав ўлмайди, менга керак... У билан Бухородаги қассобхонага борамиз... Кейин қирқ биринчи уйни ахтарамиз... Юз йил аввал ўғирланган жавоҳирларни топаман...

Парвиз кўз узмай ўтирган эди, онасининг нимадир деганини пайқади. Эмаклаб келиб, меҳрибонлик билан сўради:

— Чой ичасизми, ая?

— Йўқ. Чироқ тугмачасига бўйинг етадими? Ёқвор.

Парвиз айтилган ишни зудлик билан бажо келтириб, яна онасига тикилиб қолди. Лобарнинг пешонасида тер томчилари жимирлади. Думалаб тушди кўзига яна. “Қон эмас экан-ку”, — деди қарталар жодугари.

— “Жин урсин”, дегани ёмон гапми? — сўраб қолди Парвиз.

— Шундай дедимми? Чет элликлар кўп ишлатадиган сўкинишнинг таржимаси...

— Мабодо танимаган одам сизни шу ҳолда кўрса, касал деб ўйлайди, ая... Лекин касал эмассиз-ку.

Лобар ўғлини бағрига босиб, ифтихор ҳиссини туйди. Кимнинг шундай ўғли бор? Қиморбоз, деб маломатга

қўйсинлар, қотилликкаю неча турли каззобликка шерик десинлар, лекин яккаю ягона фарзандини соғ-саломат кўрса, жамики ғам-аламлар босилиб кетмайдими? Шу эмасми фарзанд отли неъматни дунёга келтирганнинг бахти?

— Нега индамайсиз?

— Парвизжон, тоғанг уйда бўлса, чақириб кел, чордоққа чиқиб, қўлёмани олиб тушсин, давомини ўқимасам бўлмайди. Қара, мазам қочиб борапти.

Шунда бола ўйланиб турди-да:

— Ўзингизни касал қилишдан бошқа нарсани ҳам ўйлайсизми? — деб юборди.

Лобар ўғлини биринчи марта кўраётгандай ғалати тикилиб қолди. Бошига тушган мушкулотлар ечими балки шу ўғлидадир?

“Фарзандинг рост гапирди, — деди ички овози, — ёшинг ўтиб борапти, қачон ақлинг киради? Ўғлинг улғайиб, кўпдан-кўп ҳақиқатларни айтиб, ништар санчимайдими бағрингга? Ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатлар қуртдай еб-битирмаса гўрга... Айбинг — бошқа қиз-жувонлар юрган йўлдан юрмаганинг. Элдан ҳам чиқдинг, йўлдан ҳам... Аёл бўлиш жуда ҳам қийин...”

Лобар сочини йиғиштириб олди. Кимлардир чордоқдан қоғозларни олиб тушиб, Парвизга берди, бола диванда ўтирган онасининг қўлига тутқазди. Этни жунжиктирадиган совуқ оқшом чўккан эди.

Аммо Лобар қўлёмани ўқиёлмади, холаваччалари ҳол сўраш баҳонасида бир тўда бўлиб меҳмонга келишди. Лобар худди биров тургизиб юборадигандай диванда қимир этмай, маҳкам ўрнашиб ўтирарди. Аҳволи-руҳиясини тушунганлар ўзлари бирин-сирин ўпиб кўришдилар. Кейин кўрпачалардан жой эгаллаб тизилиб ўтирдилар. Ҳаял ўтмай, қўшиб-чатиб бўлган-бўлмаган ҳангомаларни қизитиб юборишди. Қайсидир қизнинг ўқишга ўтгани, келинларнинг рўзғор юмушлари, маҳалла хотинларининг баъзи одатлари, тўй-маъракада кимга нималар дейилгани айтиларди. Бундай гапларга Лобарнинг

кўнгил дарвозалари очилмади. Ўз ўрнида меҳмонларни ҳам юз йил бурун саёҳатга чиққан Густав ва магистр, Бухоро амирининг ўғирланган жавоҳирлари, Финляндия дарахт кесувчиларининг “қарағай” ўйини, ва ниҳоят, Лобарнинг тақдир иплари боғланган Европадаги ҳозирги казинолар — биронтаси қизиқтирмасди, тушунмасдилар ҳам.

Лобар хотин-халажнинг гала-говуридан наф олмай мум тишлаб ўтираверди. Нафсиламбирини айтганда, меҳмонларнинг тезроқ кетишини истарди. Бу каби истак ҳар қандай меҳмондўст одамда ҳам тез-тез туғилишига шубҳа йўқ эди.

Ахийри чидаёлмай, деди:

— Бир вақтлар юртимизга икки сайёҳ узоқ-узоқлардан келган экан. Иккиси ҳам бир-бирини шарқшунос деб ўйлашаркан. Шулар ҳақида манави қоғозларга ёзилган, ўқиб ётибман... зеркиш йўқ... Лекин ишонгим келмай қолди. Икковиям сайёҳ эди, шарқшунос, географ... Билмадим, қайси жин чалди, бири “мен одам ўғрисиман, сени алдаб Германиядан ўғирлаб келаяпман”, деса, иккинчиси, “мен ҳам сиз ўйлаганча эмасман”, деб бутунлай бошқа бўлиб чиқди. Йўлда чўл одамларига дуч келиб, зўрға қутулганди, барибир ортидан қувиб етишди. Давомига қараб билай-чи, нима бўлган экан.

— Қайси кино? — сўради бири.

— Ўл, ким сенга кино деяпти? — чимчилади ёнидаги. — Қоғозда ёзилган, ана, кўрсатаяпти-ку... Кейин-чи, Лобар? Гапиравер.

— Улар билан хаёлан саёҳат қилсам, жавоҳирлар қаердалигини билиб оламан. Ҳозирги тилда айтганда, бриллиантлар... Шундай жойга кўмилганки, ҳалигача ҳеч ким тополмаганига ишонаман. Гапларингизга қулоқ солиб, сизларга пул кераклигини тушундим. Ўғирланган жавоҳирлар ўша даврда йигирма кило олтинга тенг баҳоланган.

— Оти курсин, ўғирланган экан-да. Бировники бировга юқармиди!

— Агар топсам, пулини ҳаммангизга тарқатаман.

Меҳмонлар кўз уриштириб олишди. Тёрговчилар Лобарни не бөисдан холи-жонига қўймаётганидан қариндош-уруғлар хабардор эди. Икки минг дўллар хайрия қилганида касал қизчанинг онаси ўлдириб кетилган. Ва бунда сирли қотилларнинг қиморбоз аёлга алоқадорлигини баъзи далиллар айтаётгандек эди.

— Қўйинг, — деди холасининг катта қизи кулиб, — йигирма кило тилланинг пулини тарқатаман деб, қариндошсиз қолманг, тинч ўтирайлик. Тўғрими? Сизлар ҳам бир нима денглар.

Бировнинг пули керак эмас, — оғринди холаси; — ўзимизникиям етади.

Шундан сўнг меҳмонлар тилла мавзусига канадай ёпишиб олишди. Қайсидир келинчакка қайнотаси “келиниг салом” да тилла занжир совға қилгани, нариги маҳаллалик камбағал қизнинг қўлига бойвачча йигит узук тақиб кетгани, нашаванд фарзанд ўз онасининг тишларини ўғирдаб сотгани...

Лобар ўрнидан туриб, ётоғига секин юрди. У икки ҳаётни ичра яшарди. Густав ва магистрнинг тўқайда холи нимани кечганига кўпроқ илҳақ бўла бошлади.

— Дам олмоқчимисан? — сўради онаси.

— Дам олиб бўлдим, ая, — деди Лобар.

Ётоқ эшиги вазмин ёпилди. Гўё ўттиз ёшли жувон эмас, Ж саксонни уриб қўйган қасалманд кампир судралиб кириб кетгандай туюлди. Меҳмонлар учун тилла мавзуси эскириб қолган эди, суҳбат ўз-ўзидан Лобарга бурилди. “Эрга бериб юбориш керак”, деди бири, “Самарқанддан узоқларга, Сурхондарёгами, Фарғонагами юбориб, табибларга даволатган яхши”, деди иккинчиси. Ҳатто бири: “Ҳар замонда қарта ўйнамаса, касал бўлиб қолиши мумкин экан, хўжайиним айтди, — деб лоф урди. — Чунки Лобар опам “қора қарта рақси”ни ўрганган, Уни биладиганларни қарта пирлари тинч қўймас эмиш...”

Эътирозлар ёғилди:



— Қартада пир бўладими? Ҳайлаб гапирсанг-чи!

— Ҳўжайиннинг Лобарнинг ҳолидан хабар олибдимикан, буларни қаёқдан билади? Кўчадан эшитган бўлса, кўча тўла мишмиш.

— Бунинг ўзи кўчадан қолишмайди, — пичинг қилди хола...

\* \* \*

Лобар ётоқ чироғини ёқиб, қоғозларни титкилашга тушди. Нариги хонадан келаётган товушлар қулоғига кирмай қўйди. У қўлёмани охириги сатрларгача ўқиб, сир-синаотнинг қоронғи йўлакларидан нурафшон олам эшигини топмоқни умид қиларди.

Тўқайдаги воқеалар Густав тилидан баён этилган бобни бир амаллаб топди. Сочлари тўзғиб, вараққа энгашганча ютоқиб ўқий бошлади:

“Биз таом пиширган олов ёпинчиқ ўртасидаги тешикдан кўриниб қолди. Ё парвардигор, туркманлар ақл бовар қилмас-катта калибрли милтиқдан ўқ узишган эди. Ваҳима исканжасида шундай туюлдимикан? Нима бўлганда ҳам, бошимни мажақлай олишмаганига шукр қилиб, магистр каби жуфтакни ростладим.

Ҳамроҳим жавобан иккита ўқ узган эди, босқинчилар бақир-чақир кўтариб, сиқувга олиб келаверишди. Жонимизни сақлаб қолишни ваъда бергувчи тўқай ичкарисига уриб қолдик.

“Ҳой тентак, булар ким деб сўраяпман?” — бўкирди магистр.

“Қаёқдан биламан?.. Олов ёқмаслигимиз керак эди...”

“Ҳуштак чалган сенми ё ичингга чиябўри кириб қолганми, лаънаги тўнғиз?”

“Мени Франкфуртдан ўғирлаб келаётган одам ўғрисининг ҳолига маймунлар йиғласин! Кимсиз ўзи? Ростини айтиб, худо олдида қасам ичинг!” — деб ёқасидан гиппа бўғдим.

“Қўйвор! Сен худо эмассан!”

Биқинимга тўппонча ботди. Машъала шуъласида кўзлари бўриникидай совуқ йилтирарди. Ким билсин, Осиёнинг олис бир тўқайида ватандошини ўлдириш ҳеч гап эмасдир? Бироқ бундай қотиллик ҳақида ўйлашнинг ўзиёқ жамики ҳисларимни жунбишга келтириб юборди. Кўзларим бирдан ёшга тўлиб:

“Сен немисни отмоқчимисан? — деб сўрадим. — Немисни-я? От!.. Отсанг-чи, ярамас!”

“Густав...” — деди у ва бирдан жимиб қолди.

“Бухоро амирлиги ҳақида китоб ёзиш учун келаётган қаландар қиёфасидаги сен билган шарқшуносман!” — дедим тишларимни ғижирлатиб.

Тўппончасини туширди, сўнг елкамга қоқиб:

“Ҳазилинг курсин! — деди. — Омон қолсак, “қарағай” ўйнаймиз. Ўлдиришса, нариги дунёда сўроқ бераётган бўламиз, асирга тушсак бу ерда... Нима фарқи бор, кетдик!.. Тақдиримизга нима ёзилса, шуни кўрамиз!”

— Бизни ҳимоя қиладиган ўрмонлар йўқ эди. Қамишлар эт-бетингни тилганда, оёқларингга илдизлару қовжираган ўтлар чирмовиқдай ёпишганда ўлимингга рози бўларкансан.

Ит азобида этакка чиққанимизда, машъала кўтарганлар тўқайга ўт қўйиб, сония сайин яқинлашиб келишарди.

“Дарёга етолмаймиз, — деди магистр. — Яхшиси, анави ёққа қочамиз-да, қумга кўмилиб оламиз. Кучуклар вовилламаяпти, демак, искаб топишларидан кўрқмасак ҳам бўлади”.

Шу пайт тўқайдагилардан бири:

“Густав! — деб қичқирди. — Қаердасан? Шеригинг тирикми? Унга айт, сенларни ўлдирмаймиз! Иш бор!..”

Магистр тўппонча ўқдонини текшириб, ўқ тугаганигами, қуваётганларнинг менга мурожаат этганигами, аччиқ кулди. Тан олиш керак, овоз жуда таниш эди. Магистр шўрхоқ дўнглик томон қочаркан, ой чиқаётган барханлар адоғига ишора қилди.

“Шошилишимиз керак, яна беш дақиқадан кейин бизни қуёндай овлайди”.

“Ким у? Менга жуда таниш туюлди”.

“Мустафо мерган, – деди магистр-ҳансираб. – У жавоҳирлар қаердалиги биладиган одам – харитани овламоқчи. Лекин мен ундан қочаётганим йўқ-ку. Кел, Густав, осиеликларни алдаш учун бир ҳийла ишлатамиз...”

Магистрнинг кўзлари лик-лик ўйнаётганини кўрдим. Ҳийла дарахти мева берадими, йўқми, билмас эди бечора. Балки ўзига дор вазифасини ўтар?

Шунда кўнглимга ажабтовур ўйлар келди: “Жавоҳирларни топиш учун биз керак эканмиз, нега туркманлар ўқ узишмоқда? Ҳартугул мурдалардан наф йўқ-ку! Нега айнан менинг исмиمنى айтиб чақиришди?”

“Қаёнақа ҳийла?” – сўрадим ҳамроҳимдан.

“Мустафо Маманга қассобхона манзилини, қирқ биринчи уйни сен орқали қандай топиш мумкинлигини шипшиб қўйганман. Буларнинг бари ёлғон эди, тентак эмасман-ку ростини айтиб! Кел, ҳозир унга рўпара келасан-да, гапларимни тушунтирасан, бу вақтда дарёга етиб олган бўламан. Акс ҳолда мени ўлдириб, оёғингни ерга теккизмай сени Бухорога олиб кетишади. Гапим қулоғингга кираяптими, нега бунча довдирайсан? Уларга Лайлакли гузаридаги қассобхона деганман. Лекин у ерга борганингда сендан бир мирилик иш чиқмайди! Терингга сомон тикишади кейин!

– Тушундим, ҳеч вақони билмаганим учун шу ердаёқ мени ўлдиришади...

Таъқиб этаётганлардан бири қорамизни илғади шекилли, пақиллатиб ўт очди. Бироқ у Мустафо Маман каби мерган эмас эди, ўқ қайси томондан ўтганини сезмадик ҳам.

Дўнглик ортида магистр яна алланима демоқчи эди, атиги ўттиз қадам нарида, қум тепалик томондан пусиб келаётганларни пайқаб, қамишзорга қочдик. Яна ўқ отилди. Соқов дарё шалопламас, намчил ҳавосини уфурмас, жиллақурса сағрисининг бир четини кўрсатишни ҳам раво кўрмай умидсиз қолдириш ниятида гўё олислаб борарди.

Минг йилдан бери ёвузликка гувоҳ бўлавериб, пояларига шафқат инган қамишларгина олға чорлади.

Ниҳоят, оёғим тагида намчил ер билқиллади. Шатир-шутир қилиб ортда қолаётган қамишларнинг охиргиси ҳам чопиб ўтгандай туюлди ва кутилмаганда сувга юзтубан йиқилдим. Гўёки дунёдаги ягона ҳавза мендек бахтлини бағрига тортди, вужудимда янгитдан куч уйғонди.

Магистр ҳам ёнимда сузиб борарди. Қўллари эшкак каби ҳаракатланиб, мени ортда қолдира бошлади. Таъқибчилар биздан нима истаётганларини ўзлари-да билмаётганга ўхшардилар. Йўқса, милтиқлардан ўқузиб, боз устига тирик ушлашга аҳд қилармидилар? “Бу – мен, Густавман, – дегим келди. – Ахир, сизларга керакманми, йўқми? Орқада қолди деб ҳойнаҳой мени мўлжалга олаётган бўлсаларинг керак? Оббо, наҳотки бир ёқадан бош чиқаролмасаларинг?!”

Нариги соҳилга бир қулоч қолганда, магистр сувга шўнғиб, кўздан йўқолди. Шу тобда оёғим ерга теғди. Энди бизни ҳеч ким ўққа тутмаётган эди. Ҳамроҳим сувдан бош чиқариб:

“Густав...” – деб қўл чўзди, сўнг яна ботиб кетди.

Қўлтиғидан кўтариб, қирғоққа амаллаб судраб чиқардим, қаерига ўқ текканини билиб бўлмасди. Ҳар эҳтимолга қарши панароққа ётқизай деб яна судрамоқчи эдим, ортиқ қийнамаслигимни илтимос қилди.

“Қовурғамни синдириб юборди, – деди инграб, – лаънати... бу...америкалик гаранг полковник ясаган милтиққа ўхшайди... Нима ҳам дердим, ковбойлар қитъасининг замони келаяпти чоғи... Сен... Густав, ўлмайсан... Ҳали ҳаммасини китобингда ёзиб, менинг номимни ҳам абадийлаштирасан... Магистр номи билан қолсам, бас... Бир вақтлар Тевтон орденида бобокалоним қаҳрамонлик кўрсатган... Шунинг шарафига... магистрлигимча қоламан...”

“Умидсизланманг. Ҳозир ярангизни боғласам...”

“Бир парча латта деб, катта хазинадан қуруқ қолма... Қу... қулоқ сол...”

Ой осмон тоқига ўрмалаб чиқаётган гўзал кеча ҳеч қачон бу қадар бефайз туюлмаган эди. Назаримда, иккимиз учун

ҳам, бизга қўшилиб бутун олам учун ҳам ҳаёт тугаётган эди.

“Банги Шариф маҳалласи... чинордан кейин... бозорнинг кунботарида... Қассобхонага девона қиёфасида кир... Гунг хотинниқига гўшт бериб юборишларини кут... Билиб қўй, ўн икки қозиқли уйнинг сандиқ турган бурчагида... кўп қазимайсан...”

“Лекин ўғирланган жавоҳирлар менга керак эмас. Мақсадим...”

“Истасанг, илм-фан йўлига сарфла...” — Магистр бутунлай ҳолдан тойди.

“Пешонамга Франкфуртга қайтиш насиб этган бўлса, яқинларингизга нима деб қўяй?” — деб сўрадим.

У тўппончани зўрға сурди. Кейин менга — бу дунёдаги тирик инсонга сўнгги марта тикилиб, синиқ кулимсиради.

“Агар Европанинг бирон кунжагида... учратсанг... менинг гапимни эмас... унинг гапини етказ... — Лабларидан сўнгги сўзлар учди: — Менга... менга...”

Шундай қилиб, магистр жон таслим қилди. Тўппончасининг ўқдонини текшириб, биттагина ўқни кўрдим. Сувға тушиб чиққандай кейин отилмас эди, шунда ҳам қуролни қўйнимга солдим-да, бошим оққан томонга йўл олдим. Таъқибчилар ҳализамон дарёни кечиб, ортимдан тушишлари муқаррар. Узоқроқ қочгандан кўра изни йўқотиш хусусида бош қотирганим маъқул эмасми, имкон борича қатқалоқ ерлардан юра бошладим. Шувоқзордан ўтиб, чамаси, бир соатча судралганимдан сўнг мадорим қуриб йиқилдим... Кўзимни очганимда, тоғ ёришган эди. Олти ой ухлаган айиқ каби ўнгуримдан бош чиқариб, атрофни кузатдим: қувонишим керакми, қайғуришимми, ҳарҳолда қилт этган жон кўринмади.

Кийимларим қуригач, тушдан сўнг яна йўлга тушдим. Очлик азоби бир сония ҳам тинч қўймас, ажалим етишини истарди. Юлғунзордан ўтиб, тўхтадим. Тўппончадан ўқни чиқариб, эринмасдан тозалладим. Ўқни офтобга тутиб, узоқ томоша қилдим. Тақдир устимдан кулаётган эмасмикан, деб ўйга толдим. Чек-чегараси йўқ дашту саҳрода битта ўқ билан ҳам қоламанми?

Кечга яқин қўйлар сурувига кўзим тушди. Бисотимдаги яккаю ягона мулким бўлмиш қуролни ўқсиз ҳолда чўпонга ҳадя этиб, эвазига қорнимни тўйдиришни илтимос қилишни кўнглимга тугдим, кўнглимга тугдим эмас, миям бундан ортиқ ҳеч қандай фикрни рўёбга чиқаролмас, вужуд мамлакатида борган сайин ҳаёт асари сўниб борарди.

Сон-саноксиз қўйлар орасидан ўтиб бораяпман: на чўпон кўринади, на ўтов. Бир пайт кимдир елкамга қўл ташлади. Ўгирилиб қарадим. Кўзителпакни бостириб кийган кумуш соқолли чол синчков тикилиб, сўради:

“Кимсан, болам?”

Агар сўзлайдиган бўлсам, туркийчада йўқлигим, аллақандай ажнабий эканлигим сезиларди-қоларди. Марҳум ҳамроҳимнинг ўгитини эслаб, бош чайқадим, гўлдирадим, имо-ишоралар билан катта шаҳарга кетаётганимни тушунтирдим. Қўйлар орасида уни пайқаманганим — эгнида ҳам кўзи пўстин бор эди. Ҳойнаҳой, қорни ҳам тўқ бўлса керак. Ўтовда ичганим бамаза эчки қатиғи қовжираган томоғимдан қулт этиб ўтгандай бўлди, кўзимга иссиққина қозон патир ва бир парча ҳил-ҳил гўшт кўринди.

Кўзлаган манзилимдан кўра оч эканлигимни тушунтирсам бўлмасмиди, деб ўзимни койидим. Қуруқ қолмаслигимни сезиб турсам-да, чўчидим ва шоша-пиша тўппончани чиқармоқчи эдим, у оҳиста бурилиб кета бошлади. Дайди ит сингари эргашдим. Янтоқзор ўртасида кулранг эшак ётган экан, бизни кўриб ўрнидан турди ва қулоғига кирган қурт-қумурсқаларни ҳайдаш учунми, бошини куч билан силтади.

“Кел, ўтир, — деди чўпон. — Қурулланганимга қараганда, қаландар эмассан. Айт, нима истаб юрибсан бу ерлардан?”

У саксовул шоҳига илинган хуржундаги егуликлар билан меҳмон қилмоқчи эди, бир нафас ҳам сабр қилмасдан хуржунга ташландим-да, дастурхонни юлқиб олдим. Йўқ, бу жойнамоз экан. Иккинчи кўзидан кирлаган сурп халтача ва кўзача топдим. Яхна гўштан тишлаб, нон бурдасини оғзимга тикдим, кўзачада қолган охирги қултум айронни ютоқиб симирдим. Чўпон жимгина кузатди.

“Эрталаб сени бир одам сўраб келди”, — деди у.

Қўлимни кўксимга нуқидим. “Меними?” деганим эди бу.

“Ҳа, у ахтарган одам сен эдинг. Айт-чи, фарангимисан ё оқ пошша юртидан қочиб келаяпсанми? Нега кўзларингда ўлим кўланкаси бор?”

Нафсим ором топа бошлаган эди. Тўппончамни пайпасладим, у қўйнимда маҳкам ўрнашиб турар, амин эдимки, четдан қараган одамга заррача сезилмасди. Тўппончам борлигини қандай билди экан, деб ҳайрон бўлдим.

Хаёлимдан ўтган ўйни уққан чўпон деди:

“Пешинни ўқиб, қўйларни чўлиқларга топшириб, Юмронбой даштига бордим. Тўппончангни тозалаб ўтирган экансан, лекин мени пайқамадинг. Икки юз қадам наридаги юлғунзорда эдим... Бухорога кетаётганга ўхшайсан-а?”

Ё тавба, қаршимдаги оддий чўпон эмас, мисоли балои азим изқувар эди. Нима қилсам экан? Егулик ҳаққига қурол бермоқчи-эдим, шундоқ-кетавераманми?

Ўрнимдан туриб қўл узатдим, у ҳам қўл чўзган эди, меҳмондўст ва донишманд вужудни меҳр билан қучиб олдим. Бу йўсиндаги миннатдорчилик унга таниш эди, елкамга мамнунона қоқди ва:

“Қўлингга жойнамоз бежиз илашмади, — деди, — сен кароматли инсонсан”.

Ичимда раҳмат айтдим. Ҳақиқатан, кароматли бўлганим учун ҳам кеча тирик қолгандирман. Амирлик ҳақидаги китобни ёзиш, чоп эттириш, фанга номимни тиркаб қўйиш ҳам насиб этар. Ахир, пешонамга ёзилгани учун шу ерларда юрибман-ку. Минг машаққат билан Бухорони топиб келасан ва шаҳар остонасида ўласан, деб пешонамга аянч битик битилганига асло ишонмайман.

Чўпоннинг жойнамозини буклаб, қўлтиғимга урдим. Ибодат қиламан, деб ишоралар ила тушунтирдим. У эшагига хавотир аралаш қараб қўйди. Билдимки, фақат эшакнигина каминага раво кўрмайди. Ҳа, беминнат

сахийлиги учун ўз эшагини ҳамроҳ қилиб қолдирдим унга. Шунисига ҳам шукр қилсин. Бир мақол эшитганман: ўғри бўл, гар бўл, инсофли бўл.

Кейинги кун ёмғир ёғди. Чорвадорларга, деҳқонларга тез-тез дуч кела бошладим. Мендан ярим кунлик олдинда кетаётган таъқибчига (менимча, Мустафо Маман бўлса керак) чап бериш учун Сармакон йўлига бурилдим. Бу айланма йўл Бухорога жанубий сарҳадлар орқали элтадиган бўлса-да, Мустафосиз тинч ва бежавотир саёҳатни ваъда қилар эди.

Амирлик ҳудудига кирган куним бир саховатпеша эшон эскирган кийимларини берди, жандамдан қутулдим. Эртасига эса тўй устидан чиқиб, ёғли ошга бўкдим. Мажруҳ тиланчига уч-тўрт чақа садақа берадиганлар ҳам топилди. Нима дейсан — билганингча дуо ўқийсан. Текин дуодан ҳам мўл қайтим борми дин ўлкасида!

Ва ниҳоят, кунларнинг бирида ота-бола савдогарларга дуч келдим. Улар яқин-атрофдаги қишлоқлардан бешта қари туяда майдаланган сомон йиғиб, Бухоро бозорида сотар эканлар. Савдогар мени татар гумон қилиб, Оренбург томонлардан деб ўйлади. Жанубдан келаётган бўлсам, нега оренбурглик бўларканман? Қизиқ-қизиқ одамлар дучор бўларди саёҳат йўлларида.

Қуёш ботишдан аввал савдогар ўғли турткилади.

“Минорани кўряпсизми?”

“Во ист ди штадт?!” — деб юбордим беихтиёр ўз тилимда.

“Ана... Вой, бошига лайлак қўниб турибди-ку”.

Бола ишора қилган томонга қараб, ҳеч қандай шаҳарни кўрмадим. Савдогар менга анграйиб қаради. Далли-девоналар ичида ажнабийини учратмаган шекилли, оғир-оғир нигоҳ ташлади. Фурсат борида буларнинг беш туяли савдо қарвончасидан қочиб кетишим даркор эди. Ҳожаат баҳонасида сувсиз ўзанга тушдим-да, жуфтакни ростладим.

Ярим кечаси чироқлар кўринди, от кишнагани, итлар ҳургани эшитилди. Бухорога етдим, деб қувондим. Бироқ бу қарвонсарой экан. Қоровул бўлса керак, бир йигит осиеликларнинг телба сўкимбозларига хос қўланса сўзлар билан сўкиниб кутиб олди.



“Ҳой кўтир, кимни сўкаяпсан?” — деган хитоб эшитилди  
Бөлөхонадан.

“Манави яна келибди”, — ҳиринглади йигит.

“Ким у “манави” деганинг?”

“Кузда қассоблар калтаклаб, эшакка тескари ўтқазиб  
юборган жинни эсингиздами?”

“Ё Оллоҳ, уни ўлган дейишганди-ку?”

“Ишонмасангиз қаранг, худди ўша”.

Болохонадаги кимса ёғоч зинани ғижирлатиб пастга  
тушди. Кейин қўлидаги фонусни юзимга тутиб, кўзларига  
ишонмагандек узоқ тикилиб қолди. Билдимки, марҳум  
магистр айтган девона, яъни қиёфадошим Бухорои  
шарифда хийла машҳур экан, карвонсаройдаёқ уни  
таниганлар топилди.

“Орқамдан юр, — деди карвонсарой соҳиби, — сенга бир  
хизмат бор...”

Карвонсарой салкам шаҳар остонасида жойлашганини  
бу ерга қўнган ўтқинчиларнинг гапидан билса бўларди.  
Ҳалиги бола ростдан ҳам Минораи калонни олисдан  
кўрдимикан, деган ўй лип этиб ўтди кўнглимдан.

Дарз кетган эшиклар, пойдевори нураган хоналар  
амирликда таъмирлаш санъати таназзулга юз тутганидан  
дарак берарди. Кейинчалик амир Олимхоннинг фо-  
тосуратини кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Суратда  
бино ҳам акс этган, эшик ва деворлари оддий фуқаро  
хонадониникидан у қадар фарқ қилмас эди.

“Кир ичкарига”, — деди карвонсарой соҳиби чеккадаги  
хужра эшигини очиб.

Шам ёруғида ўтирган кишига кўзим тушиши билан  
ортимга чекиндим, аммо кечиккан эдим. Қаёққаям  
қочаман, бу — Мустафо Маман эди. Тўппончамдаги сўнгги  
ўқни миясига жойлаб қўйсам, қотилларга шафқатсиз жазо  
бериладиган мамлакатда ўзимнинг ҳолимга ҳам маймунлар  
йиғлаши аниқ. Ким ҳам ўзини ҳимоя қилгани учун дорга  
осилишни истайди, дейсиз.

“Шу одамга бир дастёр керак, — биздан беҳабар карвонсарой эгаси тавозе билан сўзлади, — жуда ақлли бўлиши шарт эмас, деяпти. Менимча, сен мос тушасан”.

“Ўтир”, — амр этди мерган.

Дарвоқе, милтиғи қўл чўзса етгулик масофада турган экан. Ўқ узишга ҳаракат қилганимда ҳам енгиб чиқишим даргумон эканлигини тушундим.

Иккимиз ёлғиз қолганимизда Мустафо Маман деди:

“Барибир қўлимга тушдинг. Эртага мени тўппа-тўғри қассобхонага олиб борасан. Нағма қилсанг, ўласан. Гапимни тушундингми?”

Бошим билан тасдиқладим. Шунда туркман қўл-оёғимни боғлаб, эрталабгача хотиржам ухламоқчи бўлди чоғи, арқон олиб, мен томон юрди. Шу тобда отиб ташлашга имконият келди, бироқ қотилликдан кейин қассобхонага боролмаслигимни ўйладим. Негаки, меҳмонни девона ўлдирди, деган гап шаҳар бўйлаб тарқалади ва Банги Шариф маҳалласидаги қассобхонага кирган заҳотим қўлга тушаман.

“Кечикамиз”, — дедим ортимга тисарилиб.

У ғолибона илжайди.

“Нега?”

“Қоронғида... тонг отмасдан қассоб уйига кирамиз, бу — шарт. Унинг уйи шаҳардан ташқарида”. — Гарчи равон сўзлай олмасам-да, Мустафо Маман мени яхши тушунди.

“Ҳозирми?”

“Ҳа, ҳозир. Уй қаерда... мен биламан”.

Мустафо Маман изига қайтди, арқонни ташлаб, хуржунини олди. Милтиқ хуржун кўзига тиқиб қўйилган, теридан қилинган ғилоф аңча эски эди.

“Пиёда кетамиз, от керак эмас, — деб бармоқларим билан ифода этдим. — Дарвоза яқинидаги уй. Лекин унинг белгисини айтмайман... Бу менга ҳаёт учун кафолат...”

У хуржунни елкасидан қўймай, ёқамдан силтаб, йўлга солди. “Юр”, деди жеркиб. Ҳар ҳолда режам иш бераётганидан хурсанд эдим, фақат қўйнимни тинтиб кўрмаса, бас.

Кўп ўтмай, карвонсарой ортида қолиб кетди. Биз пою пийеда пана-пастқам ҳовлилар ёнидан ўтиб борардик. Мустафо Маман дам-бадам турткилаб сўрайди:

“Қофир, адашмаяпсанми? Ана шаҳар дарвозаси. Қайси бири?”

Қорайиб кўринган деворлар тепасида олов ёнади. Гўёки шаҳарни эмас, улкан қамоқхонани қўриқлаётган раҳмсиз, тош юрак соқчилар гимирашаётгандек.

“Йўқ, бу дарвоза эмас, бошқа”, — дедим мен.

“Яхши кўринмаяпти, қаёқдан биласан? — сўради Мустафо Маман. — Аввал келмагансан-ку”.

Сувсиз зовур ичига тушдик. Юз қадамлар юрганимиздан сўнг тўппонча дастасидан маҳкам ушлаб, ортимга ўгирилдим. Қандай отганимни ҳали-ҳануз эслаёлмайман. Жон-жаҳдим билан ерни тирмалаб, бир пасда гўр қазидим. Жасадни судраб (ростини айтсам, у ҳали жон бермаган эди), қабрга туширдим, аммо саёзлик қилди. Устига нари-бери қум тортиб, йўлимда давом этдим. Зовурдан чиққанимда шаҳарга хийла яқинлашиб-қолганимни кўрдим.

Ниманидир унутган каби ортимга ялт этиб бурилганимда, Бухорогача босиб келган йўлим кўз олдимда жонланди. Нима мақсадда йўлга чиққан эдим? Илм истабми ёки ҳазина дардида? Нега қассобхона ҳақида ўйладим? Шаҳарга киргач, тўппа-тўғри қассобхонага бормоқчи эмас эдим-ку? Мустафо Маманни ўлдириш фикри ҳам қаёқдан туғила қолди? Мен кимман? Ўзгалар диёрини кашф этиш орзусида минглаб чақирим азобли йўл босгану, аммо ўз қалбини кашф этолмаган бахтсиз банда эмасмиканман?!

Ўзимни ўзим тушунмай, тонг-саҳаргача чўк тушиб ўтирдим. Эшак минган бир чолга эргашиб, тупроқ йўлдан шаҳарга кирдим. Шаҳар беш юз йилдирки, цивилизацияни унутиб, мудраб ётарди. Мен ҳам аслида чолга эргашиб шаҳарга кирмаган эдим...”

\* \* \*

Лобарни уйқу элитди, қўлэзма сирғалиб тушиб, сўнгги варақлари ёйилиб кетди. Соат миллари бирни кўрсатиб турар, меҳмонхона чироғи ўчирилган, ҳовли сукунат қўйнида эди.

Шундай бўлса-да, Лобарнинг қулоғи тагида оломоннинг бақир-чақири, сарбозларнинг сўкиниши, туяларнинг бўкириши бир зум акс-садо бериб турди. Шу билан хаёлот дунёсига ҳам жимлик чўкиб, қирол Густав тарихига хотима ясалгандек бўлди. Бироқ Лобар уйқуда ҳам кута оладиган дардга чалинган эди. Бани башарият само деб атайдиган йўқлик қаърида юлдузлар порлаган каби шуъла кўзга ташланажак... Воҳ, мана унинг кутгани. Қора плаши шамолларда ўйнаб, зулмат ичидан чиқиб келди. Ҳеч ўзгармаган Шомил эди у.

“Мени кутаяпсанми?” — деб сўради рўё.

“Шомил ака, оилам бағрида, ўз уйимда тинч-тотув яшамоқчиман... ўғлимга тўй қилмоқчиман... Нега энди сизни кутарканман?”

“Қўлэзмани ўқиб бўлдингми? Энди сен бизга кераксан. “Тинч-тотув яшамоқчиман”, деган гапингни минг марта эшитганман”.

“Нега керак бўлиб қолдим? Ҳаётимга қарта ва қонни олиб кирмоқчимисиз?”

“Йўқ, Лобар... Францияда битта хатога йўл қўйганман! У сени сўради, мен... сени унга бермоқчиман...”

“Тушунмадим. Кимга бермоқчисиз? Бу... ҳаммаси туш. Тўғрими?”

“Тез орада ўннга айланадиган тушнинг ҳақиқатдан фарқи йўқ... Энди унга бас келишга мажбурсан...”

“Кимга?”

“Исмнинг нима фарқи бор? — жаҳли чиқди Шомилнинг. — Яқинда билиб оласан, кўрасан, танишасан. Лекин унга бас келишинг шарт. Битта қуроли бор, фақат шу жиҳатдан таслим бўлмаслигингни илтимос қилардим”.

“Нима экан ўша қуроли?” — Лобар ўзидан ҳам кучли қиморбоз борлигини барибир ҳазм қилолмади.

“Ишқ”, — деб жавоб берди киллер.

“Лекин қўлэзмани ўқиб бўлишимнинг қандай алоқаси бор? Ўз тақдирим ҳақида бирор сўз ҳам учратмадим-ку унда? Агар рамзий маънолардан ахтарадиган бўлсам, Қирол Густав менман, шундайми?”

“Шундай”.

“Демак, сиз магистрсиз?”

“Мен ҳақимда ҳеч қандай маълумот тополмайсан, деганман. Магистр бошқа одам. У ҳозир бу дунёда йўқ”.

“Анна Сергеевна! Топдимми?”

“Шуни билиб қўйки, — деди Шомил Лобарнинг топоғонлигига парво ҳам қилмай, — ҳаётинг энди бошланаяпти. Янги давр остонасида икки сайёҳ тақдирини кўрдинг. Иккиси ҳам ўзга халқларни ўрганишни мақсад қилган эди, иккиси ҳам қандай қилиб бойликка ружу қўйганини, хазина домига тушганини билмай қолди. Одам аввало ўзини забт этиши керак. Сен ҳам хазина ахтараман деб янглишма, Лобар”.

“Ҳали охиригача ўқиб бўлганим йўқ..”

“Охиригача ўқиёлмайсан ҳам. Чунки сен ҳамиша бир ишнинг орқасидан иккинчисини чақирадиган девларингнинг қулисан. Отин ойидан эшитганларинг ҳам рост”.

“Сиз Шомил ака эмассиз? Арвоҳмисиз, жинмисиз?.. Айтинг, нега ҳар доим кўзимга кўринаяпсиз? Ҳатто, тушларимда ҳам!”

Шомил сиймосидаги шарпа жавоб бермади, қоронғилик қўйнига кириб, ғойиб бўлди. Лобар уйғонганида тонг отган эди. Бугун “қора қарта рақси”ни ўрганганига ўн бир ярим йил тўлганди. У тўшагида тиззаларини қучоқлаган кўйи ўтириб, тушини эслади. Ҳақиқатан, охириги дамларда истаристамай Шомил ҳақида кўп ўйлади. Гоҳо ўнгида, гоҳо тушида тўсатдан пайдо бўлиб, яна йўқолиб қоладиган киши — собиқ турмуш ўртоғи яқин келажакда бир қаромат кўрсатишини кўнгли сезди. Ҳозирча унга аён бўлгани шуки, Шомил Францияда аллақандай кимсанинг олдида ожиз қолган. Балки ўлим хавфи, балки умрбод қамоқ таҳдид солаётганда,

душманнинг таклифини қабул қилгандир? Бу таклиф, шубҳасиз, Лобарнинг қарта ўйинидаги суперпрофессионал даражаси хусусида эди. Бир юз йигирма минг долларлик ҳисоб рақами очган, севган аёлига тақдим этган кишида ҳам, албатта, маълумотлар сақланади. Лобар ҳисобдан пул олиши билан фожиа юз берди. Халқаро жиноятчилар билан худди шу жойда боғлиқлик сезилмаяптими? Қимор ва қон кесишган чорраҳа бу!

— Тушундим, — деди Лобар ўзига ўзи, — мақсадлари бўлса, очиқ айтсин. Аммо бегуноҳ аёлларни ўлдирмасин. Майли, сенларга керакманми, олинглар мени!

У кўзгу олдидан қайтаётиб, сочилиб ётган қўлзмага бир муддат тикилиб турди. Кейин Шомилнинг “охиригача ўқиёлмайсан ҳам” деган гапи ёдига тушиб, сўнгги варақни титкилаб топди-да, қуйидаги сатрларга кўзи тушди: “Ким буни ўқиса, бошига бало ёғилади. Бошига бало ёғилмаслиги учун паранжixonани топиши керак. Унда сён ахтараётган барча синоат мужассам...”

— Охиригача ўқидим. Хўш, нима ўзгарди? Телбанинг алаҳсираши-ку булар.

Лобарнинг жўсмидаги касаллик ўз-ўзидан чекинганга ўхшарди. У меҳмонлар билан қайтадан ҳол-аҳвол сўрашиш учун меҳмонхонага кирди, лекин холаваччалари кечанинг ўзида уй-уйларига кетиб бўлишган эди.

— Парвиз, ҳалиям ухлаб ётибсанми? Неча кундан бери дарс қилганинг йўқ, билиб турибман.

Бола бояқиш қувноқ аёлни танисмай кўрпадан бош чиқариб, кўзларини пирпиратганча қараб қолди: наҳотки, ўз онаси бўлса?

Лобар кичик укаси Соҳибни ҳовлида учратиб, сочини тўзгитгудек силади ва:

— Телефонингни олиб чиқ, — деди. — Пули кўпми?

Хушxabар бир зумда қўшни ҳовлига — Лобарнинг ота-онасиникига етиб борди. “Отинг ойи даволади”га чиқди Лобардаги ўзгаришлар.

Эрталабки тўққизда банкка қўнғироқ қилиб, ҳисоб рақамидан бирийўла қанча нақд пул олишга, бошқа ҳисоб рақамга кўчирйишга ҳақли эканлигини сўради.

— Сизникидан бир минг беш юз доллардан кўп пул олинса, сигнал кетади, — деди банк ходими. — Узингиз шунча миқдорни белгилаб, имзо чеккансиз.

— Мен-а? Тушунмадим?

— Товламачилар, хаккерлар пул ўғирламаслиги учун шундай қилинган. Чунки улар минг ёки беш юз доллар олмайди, ўн минг, йигирма минг, ҳатто, юз минг долларни бошқа ҳисоб рақамига ўтказишга уринишлари мумкин. Шунда пул ўғирланаётгани аниқланади. Кўпроқ олмоқчимисиз? Марҳамат, ҳужжатларингиз билан келинг...

Демак, икки минг доллар олган кунийёқ қаерларгадир сигнал етиб борган. Бироқ бу масалада Лобарни безовта қилишмади. Пул эгаси ёлғиз ўзи эмаслигига амин бўлиб, хаёлга чўмди.

Шу пайт кўча эшик тақиллади. Лобарнинг онаси очди ва бир муддатдан сўнг баланд овози ҳовлини тутди:

— Худойимга шукр, уч кунга қолмай, ҳамма мушкулотлар ариди-я! Лоба-а-р, қизим, чиқ бу ёққа! Қотил ушланибди. У ҳамшира қизнинг севгилиси эмиш. Жўвонмарг ўлгур рашк қилганидан шундай хунрезлик қилибди. Гувоҳ бўлиб қолган бечора аёлни ҳам ўлдирибди. Айтдим-а, қизимнинг айби йўқ, деб!..

Лобар милиция ходими билан келган қаримсиқ олим — қора кийимли сирли кимсани кўриб ҳайронлигини яширмади.

— Кечирасиз, — деди ички ишлар ходими Лобарга, — терговга келганимизда уйингизда бир қўлэзма кўргандим. Қирол Густав, паранжи ёпинган қассоблар, Бухоро амирлиги ҳақида эди. Бир қанча вақтдан бери бу киши автобусда йўқотган худди шундай қўлэзмани ахтариб юрибди, олиб чиқинг, кўрсинлар-чи.

Қора кийимли киши қўлэзмани узоқдан таниб, дўкиллаб чопиб келди, саҳифаларни ағдар-тўнтар қилди, сўнг бир четга ўтирди-да, чўнтагидан гугурт чиқариб, ўт туташтирди.

— Оббо, ёқиб юбордингиз-ку, — деди ходим ажабсиниб.

— Китоб қилиб чиқаришим керак эмиш. Ҳечам-да! Бунда ёзилганларнинг барчаси ғирт ёлғон. Ишонасизми, юз йил аввал икки сайёҳ Ўрта Осиёга дунёнинг нариги чеккасидан яёв келибди. Йўлда бири ўлгач, иккинчиси аллақандай қассобхонага кирибди. Кирган заҳоти уни бир қаландарга ўхшатиб: “Ие, қул Дўлана, тирикмисан?” — деб қучоқ очиб кутиб олишибди. Гўштни бир гунг хотинниқига элтиб беришини айтишибди: Гунг хотиннинг ўн икки қозиқ қоқилган уйда бриллиантлар кўмилган эмиш... Бўлмагур гап!

Милиция ходими жилмайиб, ҳаммага бир-бир қаради.

— Хўп, хайр. Бриллиантларни ўзларинг бўлишиб оларсизлар, яхши кунларда учрашайлик... Кетмайсизми, домла?

— Ҳа, ҳозир. Манави куйиб қулга айланмагунча кўнглим жойига тушмайди.

— Беш-ўн минутга қололмайсизми? — деди Лобар таржимонга. — Баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим.

— Бош устига, қизим... Буни қаранглар, биз танишмиз чоғи? Қаерда кўрган эканман-а? Эсим қурсин... Тўхтанг, мабодо қўлёмани бошдан-охир ўқиб чиқмадингизми?

— Қирол Густав қандай ўлган? — сўради Лобар.

— Ўқиган бўлсангиз, бу Густавнинг тилидан ёзилган. У қачон ўлганини қандай ёзади? Масалан, сизни ўзимнинг жанозамга чақиролмайман-ку.

— Густав ҳақида бошқа манбаларда маълумот йўқми?

— Бор, тирик “манба”лар бор, қизим. Немисча қўлёмна ксерокопиясини Германияга борганимда казинолар хўжайини жаноб Шандор берган эди. У Густавнинг невараси бўлади.

— Бундан чиқди, Густав Бухородан тирик қайтган?

— Жавоҳирларни топган, Самарқанд томонга қочишга мажбур бўлган, Паранжихона деган эски обиданинг ғиштли супаси тагига кўмган. Кейин Густавни Сибирга жўнатишмоқчи бўлганида, ярим йўлда қочиб қолган. Самарқандга эмас, Франкфуртга, аниқроғи, Франкфурт-Майнга кетган. Уйланган. Ўша йили қиморхонадан



чиқаётганда, бир маст қиморбоз отиб ўлдирган.

Лобар қўлөзмадағи “Қиморхонадан чиққанымда, ўша олис жонажон Франкфуртда отиб ўлдириб кетишгани яхши эмасмиди?” деган жумлани эслади. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин қилади, деган гапда жон бор экан-да.

Кекса таржимон ўрнидан турди. Касалхонадан чиқишда қора машинада уни бир қиз ўпганини эслаган Лобар невараси бўлса керак, деб ўйлади. Ҳилвираб, умр шами сўниб бораётган киши ишқ масаласида ночор эди, албатта.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ҳам ўтмади. Париждаги ер ости йўлида юз берган отишмада Германиядаги машҳур казинолар хўжайини бўлмиш Шандор исмли киши ўлдирилгани хабар қилинди. Полиция тўплаган маълумотларга кўра, қотил ёлланма бўлган. Қизиги, негадир қотил паранжини эслатадиган ёпинчиқ ёпиниб олган. Баъзи норасмий хабарларга кўра, Шандор Парижга қандайдир қиморбоз аёлни сотиб олишга ёки ишга жалб этишга борган бўлиши ҳам мумкин экан. Аёлнинг шахси ҳозирча аниқланмаган. Қотил Италия мафиясига алоқадор, деб гумон қилинган. Интернет сайтлари эса Европа мафияси иккига бўлинди, уруш бошланди, деб жар солди. Бу вақтда Лобар ўз бошида қора булут қуюқлашганидан беҳабар бемалол шифокорга қатнаб юрарди. Чунки у икки минг доллар учун қотиллик содир этилмаганига амин эди.

## X ҚИСМ АРВОҲ ЙИҒЛАГАН НИКОҲ КЕЧАСИ

Икки кишидан иборат кичкина хонадон Янги йил оқшомида қариндошлар билан гавжум эди. Кўнгилдаги гап — Парвизнинг хатна тўйини маслаҳатлашдилар. Парвиз — яккаю ягона ўғил, Лобарнинг ундан бошқа фарзанди йўқ эди. Тошкентдаги машҳур бир шифокор қўлида декабрнинг охиригача даволанган Лобар ҳозир ой деса ойдек, кун деса кундек бўлиб ўтирар, шу ҳолида, агар совчи келса, турмушга чиқишга розилик шашти ҳам сезиларди. Кимлардир эси кирди-чиқди, деб ҳозиргача орқаваротдан гап тарқатишар, руҳий касалликнинг давоси йўқлигидан лоф уришар, Москвада Лобарнинг хизматида боласи ўлган онаизорлар эса: “Бетинг қурсин, аёл боши билан ўрисларни қартадан ютиб, бузуқчилик қилгани учун қарғиш урди, тентак бўлиб қолди”, — дея алаמידан чиқишарди.

Парвизни германиялик шифокор Герхард Бауэрга даволатишнинг имконини қилишолмади. Ўлик ҳолатига солувчи, бола вужудида асорат қолдириши хавfli ҳисобланган “Ши-Марго 500” дорисини еб, олти соат қабр ичида қолиб кетган Парвиз энди тенгқурлари сафида бахтиёр болалик гаштини суролмайди, деган тахмин ҳаммани қийнади. Қаёқда! Самарқандда Нажмиддин дўхтир деган болалар шифокори учрадию даволаш мумкинлигини айтди. “Мақтабга берсам, суннат қилдирсам бўладими?” — сўради Лобар байрам арафасида; даволаш бошланганининг учинчи ҳафтаси эди. “Э, синглим, қизиқ экансиз, — деди хушчақчақ шифокор, — уйлантиришингиз ҳам мумкин, фақат келин топсангиз, бас...”

Суннат тўй ҳақида гап чиққанданоқ, холаси Лобарга май ойини мўлжаллаш кераклигини айтди.

— Нега энди май? — сўради Лобар кулимсираб арча ўйинчоғини ўйнарган.

— Ўн саккизинчи май — туғилган кунинг. Парвизжоннинг тўйини ўша кунга тўғирла.

— Йўқ, эртароқ ўтказамиз. Майда бошқа режаларим бор.

— Иби, ўзларининг тўйларини ҳам еймиз чоғи?

— Кўёв чиқса, ейсиз, — деди Лобар бўш келмай.

— Май ойида никоҳдан ўтганларнинг тўқсон фоизи бахтли бўлмас экан, газетада ўқидим, — тинқиллади холаваччалардан бири.

— Ўчир овозингни! Сенгина нимани билардинг? Гапини қаранглар! — чуғуллашди бошқалар.

Гап эркаклар даврасига ҳам кўчди. Жиддийроқ тус олди ва ростдан-да тўй эрта баҳорга белгиланди. Парвиз саккиз ёшга тўлганди. Сентябрдан маҳалладаги мактабга, ўзидан бир ёш кичиклар синфига қатнай бошлади.

Бу вақтга келиб, Европада тинчлик ҳукм сураб, аллақачон қуролларидан ўқларни суғуриб, мойланган латтага ўраб қўйган жиноятчилар қора кўзойнак тақиб, қай гўрдаги оромгоҳларда ишратдан бўшамасдилар. Қарталар ҳам ором олар, казиноларда ёрдамчи вазифадаги қизил ҳошияли қарталаргина хизматда эди ва у аслида ҳақиқий қарта ўйини ҳисобланмасди. Одам неча қадамдадир ортига қараб қўяди. Дунё қиморбозлари ҳам маҳорат ва нақд пул голиб чиқадиган асрий ўйинларни соғинишар, мабодо ўйин икки тўда базми жамшидининг гулхани бўлса, берди Худо эди. От ўйини ёки ит ишқибозлари ҳамма жойда учрагани каби қарта учун жонини аямайдиган кимсалар ер юзи бўйлаб сочиб юборилганди. Қайси ўлкага борманг, астойдил суриштирмасдан, бемалол қарта ишқибозини топиш мумкинлиги чўпчак эмасди. Фақат уларнинг ўйин тегирмонига сув қуядиган мироб ва қоп-қоп пул ҳамиша ҳам топилавермасди.

Шундай қилиб, мартнинг иккинчи ҳафтасига Парвизнинг тўйи белгиланди. Ҳашамдор қилиб ўтказишни ният қилган Лобар кутилмаганда бирдан совиди. У собиқ турмуш ўртоғи, чеченистонлик жиноятчи Шомил Америкадан қайтишда ҳадя қилган бехосият ҳисоб рақамидан яна пул олишни истамади. Ўзи эса шу кунларда ҳеч қаерда ишламас, қолган-қутган пуллари Баҳромда эди. Бироқ укаси яхши

ниятни кўнглига туккан эканми, Лобардаги тушқунликни сезганданоқ енг шимариб, тўй ташвишларига бутунлай киришиб кетди. Парвизнинг ота томондан ўғай акалари ва амакилари келишди. Раҳматли Абдулла аканинг ҳаққи-хурмати деб хатна тўйга бош-қош бўлишга Лобардан изн сўрашди.

Тўйда Маъруфнинг опа-сингиллари ҳам иштирок этишди. Бир замонлар тоғасига келин бўлгани, тоғаваччаси Россияда уни қиморга тиккани, кавказликларга ютқазгани, шундан бери қил устида кечириладиган шўрлик қисмати бошлангани — барчасини Лобар тўй тантанасида яна бир бор эслади. Бироқ тоғанинг қизларини ҳайдаб юборармиди. Маъруфдан кейин Шомилга, Шомилдан сўнг Абдулла акага турмушга чиқди, қолаверса, тоғасининг қизлари ҳозир уни собиқ келин эмас, аммавачча ўрнида кўришаётгани сезилиб турарди. Маъруф эсласа эслагудек ҳеч нарса қолдирмай жувонмарг бўлди, опа-синглиси нимасига қуйишни ҳам билмайди, ахир.

Тўйнинг айна авж палласида Қувоннинг ҳеч қачон гурур, мардлик ва оқкўнгиллик сўнмайдиган чехраси кўринганда, Лобар қичқириб юбораёзди. Беш-ёш кичик ғаллаороллик йигит унинг юрагида дўст қиёфасида яшаётган бўлса-да, муҳаббат оловидан қолган чўғлар ҳали ҳам сўнмаган эди. Лас-Вегасдаги қонли саргузаштлардан сўнг улар бир-бирини унутиб, айро яшашга ҳаракат қилгандилар.

— Парвиз қани? Елкамга кўтариб ўйнайман! — Қувон қулоғига баланд овозда гапирган бўлса ҳам, карнайлардан ларзага келган ресторанда Лобар эшитмади.

— Нима? Тушунмадим.

— Елкамга... — деб ишора қилди Қувон. — Видеочини ҳам чақирамиз. Парвиз қани деяпман?

— Суннат бўлган... мумкинмас...

Икковлон кулишиб, давра ўргасида, меҳмонлар орасида нақ ярим соатча ўйинга тушишди. Куй-қўшиқ, ўйин-кулги умрбод давом этадигандек туюларди. Шу орада Лобарни бахмаллик қариндош хотинлар чақириб қолишди.

Ростини айтганда, иккитасини таниди. Ён-веридагилар “Самарқанднинг тўйини ҳам бир кўрайлик-чи”, деб қизиқсиниб келишганга ўхшарди. Айниқса, қорачадан келган бир хотин орқадан келиб, елкага қўл ташлаб қуюқ сўрашганида, Лобар хижолат чекди. Меҳмон унинг ва фарзандининг исмини айтиб, ота-онасини тилга олиб, чин дилдан ҳол сўраяптию, мезбон танимаяпти.

— Вой, бу мени унутиб қўйибди, — бахмаллик аёлларга қараб кулди қора хотин. — Майли, мен ҳам аччиқ қилиб ўзимни таништираман... Яқинда пенсияга чиқаман, лекин ҳали-ҳануз отиб тураман. Бир умр винзаводда ишлаганман, хўжайиним раҳматли ҳам комбинатда умр ўтказди... Энди эсладингизми, Лобархон?

— Йўқ.

— Унда манави пиёладагини олинг. Винзаводда ишлаганим учун айтишим мумкинки, бу аёллар учун энг зўр қора вино. Олинг, олинг... Сизлар ҳам! Вой-бў, тўйга озиб-ёзиб бир келибсизлар, чолларингизнинг қовоқ-тумшугидан қўрқиб қачонгача ичмайсизлар?

Лобар пиёлани лабига теккиздию дарров дастурхонга қўйди. Қора хотин шуни кутиб турган эканми, хахолаб кулиб, яна бир пиёла узатди. Бунисида сариқ ичимлик вижирларди.

— Ҳеч бўлмаса, “напитка”ни охиригача ичарсиз, танимаган мезбон?

Лобар яхна ичимликни сўнгги томчисигача сипқорди. Назарида, ғалати таъмга эга эди: ҳаддан ташқари хуш-бўйликми, газ кўплигидан ачимсиқ ҳолга келганми... Бироқ мазаси хусусида бош қотириб ўтиришга вақт йўқ. Лобарни холаваччалари рақсга тортдию, сариқ ичимлик ҳам, қора хотин ҳам унутилди.

Тўй тугади. Ресторандан чиққанларида, осмонни қуюқ булут қоплаган, ёмғир ана-мана ёгаман, деб турарди. Узоқдан келган қариндош кампирлар, холалар шу кеча Лобарникида қолишга аҳд қилишди. Тўй баҳона

тўпланишган экан, тонггача дийдорлашиш иштиёқида эдилар. Гап айланиб-айланиб Лобарнинг тақдирига тақалди.

— Энди бундай юрма, — деди сирдарёлик момоси (Лобар уни умрида биринчи марта кўриши эди. Айтишларича, бир вақтлар чўлга ишга кетиб, ўша ёқда вафот этган амақиларидан бирининг кампири эмиш), — ёш хотин битта бола билан есир ўтадиган замон эмас. Ўйнаб-куладиган давринг, тенгингни топ-да, тегиб ол.

— Мени ким ҳам оларди, момо? — деди Лобар гапни ҳазилга буриб. — Ўттизга кириб, ўтин бўлдим.

— Элликка кириб, элак бўлмайсанми! Айтаяпман-ку, ҳар кимнинг ҳам тенги бор, деб! Нималарни ўйлаб юрибсан? Қани, айт-чи. Мана, мен бор, энанг бор, булар бор. Ўртада маслаҳат соламиз, маъқул тушар бирортаси.

— Қарта ўйнайдиган хотинга ҳеч ким ўйланмайди.

— Қарта деб ошиқни айтаяпсанми?

— Йўқ, оддий қоғоз қартани.

— Э, ҳаммаси битта қимор-да, айланай, — тишсиз оғзини очиб кулди момо, — ким ўйнамайди! Чўлга борганимизда, вагонда яшаганмиз. Дам олиш кунлари нуқул ошиқ ўйнардик. Амакинг мени ютиб олган, ишонмасанг, энангдан, холангдан сўра!

— Сиз ҳам гапни оласиз-да, — кулди Лобарнинг онаси, — ошиқ ташлаш бир баҳона. Аслида Лайли-Мажнун бўлиб севишгансизлар, қариганда яширмай қўя қолинг. Чолим қимордан ютган, деб Лобарнинг юрагига чўғ содманг-да энди. Худо кўрсатмасин, бунингиз бир ўйинга тушса, ҳеч бир эркак ютолмайди...

— Куёвсиз қолишдан қўрқаяпсизми? — деди момо.

Уй кулгига тўлди. Лобар ҳам ҳаммага қўшилиб кулмоқчи эди, баногоҳ юраги санчиб, кулгиси ташқарига чиқмаёқ сўнди. Чой дамлаб келиш керак эди, холаваччасини уринтирмай ошхонага йўл олди. Оғриқ вужуд кўрғонига кирган дайди ит мисоли тентирар, дам юраги, дам чаккаси, дам қўл томирлари зирқирар эди. “Чарчабман, — деган ўй ўтди Лобарнинг кўнглидан, — тўй ташвишлари билан бўлиб...”

Кейин меҳмонлар олдида кўп ўтиролмади. Вақт ярим кечадан ўтган, тарновлардан шариллаб сув оқар, ёмғир бир маромда шивалаб ёғарди. Ниҳоят, уйни сукунат бутунлай забт этди, аммо кўп ўтмай холанинг гўдак невараси гингший бошлади. Онаси кўкрак тутди шекилли, ҳаял ўтмай унинг ҳам овози ўчди.

“Валерианка ичсаммикай?” — деди Лобар.

Телефоннинг соатига қараса, уч бўлаяпти. Парвиз пишиллаб ухлаб ётарди. Ўғлининг устига чойшаб ёпиб, негадир дераза томон юрди. Хаёлида кимнингдир нигоҳи таъқиб қилаётгандек эди. Пардани очиб, ёмғирдан ялтираётган асфальт кўчага боқди. Бу пайтда ким ҳам бўларди?.. Йўқ! Лобар сесканиб тушди. Негаки, уч уй наридаги симёғоч чироқи ёруғида бир кимса қилт этмай турарди. Қоп-қора кийиниб олган эди.

— Одамми ё... устунми? — пичирлади Лобар ўзига-ўзи.

Оёқ учида нариги хонага ўтди. Бу ердаги деразадан қулайроқ кўринарди. Парда четидан секин мўраладию, шарпа орқароқ чекинганини сезди, гарчи у кўча ўртасида бўлса-да, пайқаш барибир мушкул эди. Лобар қизиқсиниш ва ўжарлик исканжасида тиззалаб ўтирди, кўз узмай кутди. Аммо шарпа қимир этишни истамас эди. “У ҳеч қаёққа чекинмаган, бошқа хонадан кузатаётганим учун шундай туюлаяпти, — деган хаёлга борди Лобар. — Балки ростдан ёғоч устундир... Лекин нега кўча ўртасида?..”

Валерианка ичгач, тўй ҳақида ўйлаб, ёстиққа бош қўйди. Ёмон тўй бўлмади. Дастурхон мўл, кўнгиллар шод, қариндош-уруғ жамулжам. Меҳмонлар кўплигидан кўпчилигини танимади ҳам. Оила қуриб тўй-маъракага аралашса экан, таниса. Анави қора хотин эса ҳазил-ҳазил билан ўзини ростдан таништиради. Бир умр винкомбинатда ишлаган, эри ҳам... Лобарнинг уйқуси баттар очилди. Хотирот дунёсини ағдар-тўнтар қилиб, қора хотинни муқаддам ҳеч қаерда учратмаганига амин бўлди. Ҳатто, вино соҳасида ишлаган эр-хотин қариндошлари борлигини эшитмаган ҳам эди. Шу қадар гапдон, ҳазилкаш, эркакшода аёлни

аввал кўрганида, гаплашганида албатта эслаб қоларди. Охирги вақтларда хасталикка чалинди ва лекин хотирасини йўқотмади. Қасам ичиши мумкинки, ғирт бегона эди, кўзларида алланечук муғомбирлик, сохталик, шайтонийлик сезиларди. “Онамдан сўрасаммикан?.. Аммо шу маҳалда-я?”

Оғриқ у қадар қийнамаётган эса-да, худди ўн чашка қаҳва ичиб олгандек уйқудан асар қолмаган эди. Туйқус Лобарнинг кўнглида бир шубҳа пайдо бўлди: тўйда нимадир ичиришди, ҳа, айнан ўша қора хотин! Қўлидаги сариқ йчимлик нима эди? “Фанта”ми? “Бонита”ми? Йўқ, биронта ичимликка ўхшамасди.

Лобар яна телефон соатига қаради. Сўнг ички бир қизиқиш ила дераза тагига бориб, кўчага мўралади. Шу пайт чақмоқ чақди, кучсиз чақмоқ бўлса-да, ҳарқалай анча-мунча ёритди. Лобар ишонч ҳосил қилди: у устун эмас, одам эди. Бошдан-оёқ узун қора ёпинчиқ ёпинган баланд бўйли, озгин кимса. Шубҳасиз, айнан Лобар қараётган деразага тикилаяпти.

Яна бир чақмоқ чақишини кутди. Шамол деразага ёмғирни учирди, симёғоч чироғи жимирлаб кўрина бошлади, шарпа ҳам томчилар пардаси ортида хира тортди. Бироқ шу он бутун дунёни ёритиб юборадиган даражада кучли чақмоқ чақди, қўшни уйларнинг деразалари ялтираб кетди. Ва Лобар сирли шарпани хийла аниқ кўрди. У ёпинчиғининг четларидан маҳкам ушлаб, кўкрагига босган, шамол этагини ҳилпиратар, кўзлари эса ҳақиқатан Лобар қараётган деразада эди.

Момақалдироқ гумбурлагач, бир неча қадам ташлаб, симёғоч чироғи ёруғига келди. Ивиб кетганига қарамай яна қилт этмади. Назарида, у имлагандек туюлди.

Лобар ҳам ёпинчиқ ёпинди-да, остона ҳатлади. “Кўчага чиқаётганимни уйдагилардан биронтасига айтсаммикан?” — деб ўйлади. Бир тўхтама келолмай, кўча эшикка яқинлашди. Кейин ихтиёрсиз ҳаракат билан қалитни буради. Эшикни очиб қолдириб, кўча ўртасига чиқди-да, оҳиста яқинлаша бошлади. Ўн қадам қолганида сирли шахснинг аёл эканини билди.



— Эй, кимсиз? — сўради Лобар. — Боядан бери нима қилиб турибсиз?

— Илтимос, бери келинг...

Ҳайрон бўлган Лобар яқин борди. Ўртада бир одим ҳам масофа қолмади.

— Кимсиз, деб сўраяпман? — жаҳл билан тергади Лобар. — Соғмисиз ўзи? Нега ярим тунда, ёмғирда бундай турибсиз?

Аёлнинг ёши қирқларда эди, чамаси. Рўмолни бурнигача ниқоб қилиб ўраб олганига қарамай, Лобар унинг касалманд, рангпар ва қандайдир дарддан азият чекаётган бахтсиз аёл эканини пайқади.

— Боядан бери турганим йўқ, ҳозиргина келдим, — деди сирли хотин ҳирқироқ товушда. — Лекин менга ҳам кўчангизда кимдир бордай туюлди, ип-ингичка, узун одам эди..Анави ёққа юриб, девор орасида ғойиб бўлдим, жин кўчага уриб кетдим, сезмай қолдим.

Лобар биринчи кўрган шарпаси новча эканлигини эслаб, аёлнинг гапига ишонди, лекин ич-этини гумон, ҳадик ва ҳайронлик тарк этмай саволомуз тикилди.

— Лобар деган аёл керак, — деди хотин. — Уйи шумикан, деб иккиланаётгандим, менимча, сиз Лобарсиз, адашмадим-а?

— Ҳа, Лобарман.

— Исмин Омонгул, — дея аёл юзини очди, — тоғлар орасидаги олис қишлоқдан бугун пешинда етиб келдим. Бешқиз деб эшитганмисиз? У ерни ҳамма билади. Мени ҳам эшитган бўлсангиз керак, ҳам табиб, ҳам жин ҳайдайдиган бахшиман, фолбинликдан ҳам хабарим бор. Одамлар Товли табиб дейди.

— Товли табибни эшитганман, лекин...

— Бошимга бало бўладиган бир ишда ёрдам беринг, — аёл бирдан йиғламсираб, Лобарни қучоқлаб олди. — Саида синглим ўлди, уч боласи бор эди. Дилруҳ деган кенжа синглим ҳам безовта, лекин навбат менга келганга ўхшайди. Буни қаранг! Яхшилаб қаранг, синглим! Ахир, сиз шу соҳанинг устасисиз-ку!

Жонсарак хотин шоша-пиша енгидан бир бойлам инглиз қартасини чиқариб, Лобарга тутқазди. Лобар Фолкстон қарталарини таниб, сесканиб тушди. Негаки, Америкадаги сўнгги учрашувда Шомил Европада “Фолкстон ўйини” деган жиноий ҳаракатлар бошланганини, унинг бошида сиёсатчилар турганини, мафия баъзи амалдорларнинг қўлида қўғирчоққа айланганини айтган ва Фолкстон қарталарини кўрсатиб, бошқаларидан фарқини тушунтирган эди. Бир гал кимдир Англиядан қайтаётиб, Фолкстон қарталарини сотиб олган, сўнг “Евростар” поездига ўтириб, Ла-Манш туннелидан ўтган. Манзилга ҳам етиб келган, аммо эртасига тўшакдан турмаган. Шомил: “Ухлаб ётган кўйи дорилбақога рихлат қилишида мафия қотилларининг қўли бор”, — деганида Лобар эътибор бермаган эди. Бундай мишмишларни кўп эшитар, газеталарда ҳам кўп учратар, бўлмағур воқеалар ўрнида кўрарди.

— Бу Фолкстон шахрида чиқарилган қарталар, — деди Лобар. — Қаердан олдингиз? Қачон?

— Анча вақт бўлди, бунинг тарихи узун. Сиздан шошилинич сўрайдиганим шуки, қарталарнинг оиламиз тақдирига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Неча кундан бери кўнглим хижил. Жинларим ҳеч қачон алдамайди, яқинда бир фалокат юз беради... Фолкстон қаерда ўзи?

— Англияда.

— Англияда? Жуда узоқ-ку... — Омонгул опа бир лаҳза ўйга толди. — Фолбинлигим ҳам ёрдам бермайди, бахшилигим ҳам. Шунинг учун сиздан ёрдам сўраб келдим. Айтишларича, қарталар жодусини билар экансиз. Қарталарда нима синоат бор экан, бир қарашда пайқадингиз шекилли, а, синглим?

— Ўйга кирайлик.

— Йўқ-йўқ, — шивирлади аёл ортга чекиниб, — “Балх” меҳмонхонасидан битта хона олганман. Озроқ нашам бор. Ҳозироқ бориб уст-бошимни алмаштириб, нашадан еб олмасам, эртага уйимга етиб боролмайман. Тўғрисини айтинг... — Қарталарга имо қилди у. — Мен ўламанми?

Лобар қарталарни яна бир марта ёруғга тутиб, қараб чиқди. Сўнг:

— Адашмасам, кўз остига олинган одам аллақачон ўлиб бўлган, — деди. — Бу қарталар эски ва... Нима десам экан?... У сизга жўнатилмаган.

— Тўғри айтдингиз, қарталарнинг ҳақиқий эгаси бўлган аёл ҳозир дунёда йўқ.

— Аёл? Бу аёл кишининг қартасими?

— Яхшиси, ҳаммасини эрталаб сўзлаб бераман. “Балх”га келинг, хўпми? Ўттиз биринчи хона. Сиз ҳам унғача қарталарнинг сирини янада чуқурроқ ўрганинг. Ишқилиб, ёрдамингиз тегсин... Ишқилиб бир иложини топинг... Сиздан умидворман, Лобаржон... Тагин бу эси оққан аёлни биров юборибди, алдаб чақиряпти, деманг. Бекорга “Балх” меҳмонхонасини танладимми? Шаҳарнинг ўртаси, истироҳат боғи, милиция бўлими, банк, институт биноси, умуман, тинч жой.

— Майли, — деди Лобар.

Омонгул опа ортига бурилиб, кўча бошига тез-тез юриб кетди. Лобар ҳам уйига шошилди. Мудҳиш жиноятларга қарталарнинг қандай алоқаси борлигини тезроқ аниқлашни истарди. Парвиз ухлаётган хонага киргач, стол чироғини ёқди. Фолкстон қарталарини ёйиб, бир-бир қараб чиқа бошлади. Ёмғир тинган, аммо тарновдан тушган томчиларнинг чаккилаши эшитиларди.

Лобар тажрибали қартабоз сифатида қарталарга қандай махфий белгилар қўйилишини билар, қўлбола, фабрика ва станок белгиларини Россияда яшаган дамларидаёқ Анна Сергеевнадан ўрганган, ҳатто игна усулининг “Пиар-темп” блокли ва блоксиз белгиларини 1997 йил ўзи кашф этган эди.

Тадқиқотга эндигина киришган дамда телефонига “смс” келди. Тонгга яқин ким ҳам “смс” юбориши мумкин? Ҳалиги аёлмикан? Телефонни очдию интернетдан, аниқроғи, компания сайтидаги бепул “смс” юбориш хизматидан икки бўлиб юборилган қуйидаги хабарни

ўқиди: “Деразадан қара. Муҳим сирни билмоқчи бўлсанг, гувоҳсиз чиқ. Ўн дақиқа кутаман, холос. Кечиксанг узоқ ахтаришингга тўғри келади!”

Йўқ, Омонгул опа эмас. Ахир, у билан ҳозиргина гаплашди, меҳмонхонада учрашишга келишиб олинди. Яна ким бўлди экан?

Лобар парда четини кўтариб кўчага мўралади. Қўлини айвон қилиб ҳам тикилди. Бироқ ҳеч кимнинг қораси кўринмади. Симёғоч чироғи тагида ёмғирдан ҳориган асфальт йўл қоронғиликка туташиб кетган, бўм-бўш.

“Кўчага қайтиб чиқсаммикан? — деди Лобар. — Кечиксанг, узоқ ахтаришингга тўғри келади, эмиш. Нега уни ахтарар эканман? Алламаҳалда айтадиган шунчалик махфий сири бор экан, кундуз бир илож қилиб қулогимга шипшиб қўйса бўлмасмиди? Ё телефон қилсин эди...”

Лобар ялт этиб телефонига қаради. Номаълум кимса телефон рақамини билади. Нега айнан “смс” юборишни жоиз топган бўлса?

Яна ўқиди: “Деразадан қара. Муҳим сирни билмоқчи бўлсанг, гувоҳсиз чиқ. Ўн дақиқа кутаман, холос. Кечиксанг, узоқ ахтаришингга тўғри келади!”

Лобар ёпинчигини елкасига ташлаб, кўча эшикка юрди. “Боядан буён ёмғир тагида кутиб тургандан кўра телефон қилсин ё деразани тақиллатсин эди”, — кўнглидан ўтказди у.

Ёмғир тўхтаган бўлса-да, битта-иккита адашган томчилар тушиб турарди. Этни жунжиктирувчи совуқ шабада эсиб, Лобар маҳкамроқ ўранди. Кўча ўртасига чиқиб, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга боқди: ҳеч зог йўқ.

“Бу қанақаси бўлди? Қани новчаси қурғур? Устимдан кулдими дейман. Йўғ-е, шу вақтда ким ҳазил деб ўлиб боряпти? Лекин ростдан ҳам кўрдим-ку, аллаким мени, ҳа, айнан мени кутди. Омонгул опа ҳам пайқаганини айтди... Қаердасан-а? Кела қолмайсанми? Қанақа муҳим сиринг бор экан?”

— Лобар, нима гап? — Ортидан онаси эргашиб чиққан эди. — Каллаи сахарлаб кўчада нима қилаяпсан?

Лобар атрофга сўнгги бор аланглаб, уйига қайтди.

— Шунчаки ўзим... юрагим сиқилиб кетди.

— Яхшимисан ишқилиб? Нега сиқилади?

— Яхшиман... Ухласангиз-чи, тонг отишига ҳали бор.

— Қовоқларинг салқиб қолибди. Мазанг йўққа ўхшайди сен қизнинг? Тўй билан чарчаб, қотиб ухлаш ўрнига кўчада нима қилаётгандинг? Ростини айт.

Лобарнинг шумлиги тутди.

— Туш кўрибман, ая, — деди эшикни қулфлаб. — Тўйдаги қорачадан келган хотин бору, бахмаллик аёллар билан ўтирган. Ўша ҳадеб менга вино ичираётганмиш, маст бўлиб қолибман. Кўзимни очсам, чиндан кўнглим айниганга ўхшади. Эр-хотин кўп йиллар винзаводда ишлаган экан-а? Танийсизми, ая?

— Қайси хотинни гапираяпсан?

— Дераза томондаги стол атрофида бахмаллик қариндошлар билан ўтирганди. Тўрдаги охирги дераза. Қариндошларингизнинг олдига бордингизми, бир марта бўлсаям?

— Бордим, лекин винзаводда ишлаган қариндошимиз борлигини сендан эшитаяпман... Ҳа, айтгандай, бир хотин сенга бидирлаб гапирётганига кўзим тушганди. Худди ўша меҳмонлар олдида.

— Танийсизми?

— Танимадим. Бир гапни яшираяпсан, Лобар.

— Тушимга кирганига айтаяпман-да, ая.

Лобар хонасига ўтди. Парвиз бурнини қашиди, сўнг девор томон ўгирилиб ётиб олди. Лобар ўйларди, ўйларди, ер тагида илонлар қимирлаётганини сезиб, теранроқ ўйларди. Тунги меҳмонлар икки киши экан-да: бири бошдан-оёқ узун ёпинчиқ ёпинган новча, иккинчиси Омонгул опа. Улар бу ерга тасодифан бир вақтда келиб қолганини, табиб аёл новчага халақит берганини тушунди.

“Нима учун сайтдан “смс” юборган? — тирсагига суяниб ўйлади Лобар. — Телефон қилса ёки хабарни ўз рақамидан жўнатса бўлмасмиди? Шундоқ кўчамда, ёмғирда бекордан-бекор ивиб кутди. Қизиқ, сал аввал, яъни “смс” юбормасидан бурун кўчага ўз-ўзидан чиқишимни

кутаётганмиди? Боламга тўй қилганман, ҳориб-толиб ухлаб ётган бўлишим мумкин-ку. Унинг миқ этмай кўча ўртасида серрайиб кутиши қип-қизил телбаллик!”

Лобар парда ортига ўтди-да, дераза ойнасига пешонасини босиб кўчага узоқ тикилди ва шундай хулосага келди: у телефон қилиб ёки деразани тақиллатиб бошқаларни уйғотиб юборишдан чўчиган. Баайни “смс” келган дамда чақирилувчи аёл уйғоқ бўлиши учун тўйда қора хотиннинг кўли билан уйқу қочирувчи дори берган. Гувоҳсиз чиқ, деганларига қараганда, кимдир кўриб қолишдан ҳақиқатан кўрқади. Сирли киши жуда ҳам эҳтиёткор, сабрли, бир оз романтик. Ёки унга Омонгул опанинг бошига тушган савдодан минг марта даҳшатлиси таҳдид солиб турибди, минг чандон эҳтиёткор бўлиш талаб этилаяпти. Мушкулоти Лобарга қайсидир жиҳатдан боғлиқ. Ёпинчиқ ёпиниб олганига қараганда, ниқоби ҳам бор. Шунга қарамай, у “менга Лобар эмас, аксинча, Лобарга мен керакман”, деб ўйлайди...

— Агар кечиксам, уни узоқ излайманми? Ким экан у? Нега излайман?.. — деди Лобар ўзига-ўзи.

Сўнгра Фолкстон қарталарининг яширин белгиларини ахтаришда давом этди. Бироқ уйқу туман каби секин босиб кела бошлади, аксига олиб қарталардаги махфий белгилар ҳам тезроқ топила қолмади. Лобар чарчоқ ва зеркиш хуружини даф этолмай, аввал столга бош қўйди, кейин оҳиста сирғалиб ўғлининг ёнигача етди-да, бирпасда тошдек қотди.

Янги кечмишлари шу тариқа бошланди унинг.

\* \* \*

Чошгоҳда онаси уйғотди. Кўзини очдию Парвиз оёқларини саланглатиб стулда ўтирганини, қарталарни берилиб томоша қилаётганини кўриб, эсхонаси чиқиб кетаёзди. Кўлидан шарт юлиб олиб:

— Столимдаги нарсаларга тегинишингга ким рухсат берди?! — деб юборди баланд овозда.

— Жинни бўлганмисан, нега бақирасан? — деди онаси ва Нарвизни етаклаб чиқиб кетди. Нариги хоналарнинг биридан хитоб қилди: — Боламга тўй қилдим, деб кеча “шампанский” ичганми, нима бало, ҳалиям боши говлаб ётибди... Лобар, Лобар, деяпман, тур энди, уят бўлади-я! Момонглар кўтишяпти!

Лобар қарталарни шоша-пиша йиғиштириб, кўрпа тагига тикди. Меҳмонларнинг ҳузурига чиққанида хийла мулойим тортиб қолганди. Ўзбекона ҳол-аҳвол сўрашиш, кечаги тўйни мақташ, кимларнингдир гийбатини тилга олиш бошланди. Лобар ортиқ кутолмас эди. “Балх” меҳмонхонасидаги табиб аёл кўзи тўрт бўлиб ўтиргандир. Тагин индамай жўнаб қолмасин.

— Ая, бир жойга шошилинч бориб келишим керак, — деди Лобар. — Бафуржа гаплашиб ўтиринглар, бир соатда қайтаман.

— Болани сал нарсага уришаверма, — сирдарёлик момо насиҳат қилди. — Кечаги гап гап! Совчи келса, узатамиз. Уй қилмаган аёл шунақа бўп қолади. Айтдим-а кеча!...

— Майли топинг, тегаман, — ҳазиллашди Лобар. — Лекин шартим шуки, сизга ҳам топаман.

— Қари билганни пари билмайди, десам, ёш билганни шайтон ҳам билмайди-ёв.

Кулишдилар.

Лобар маҳалла ичкарисидан қайтаётган таксини тўхтатди. Манзилга етгунча Фолкстон қарталарига яширилган иккиламчи белгиларни яна бир марта топишга уринди. Барибир натижа чиқмади. Бирламчи белгилар эса кечаси кўчадаёқ ошкор бўлган, Лобар тахламга қараб қаршисидаги аёл қарта ўйинини билмаслигини, модомики, қарталар унинг қўлида экан, бошқа бир кишига жўнатилганини фаҳмлаган эди. Нақшлар орасида “К” шаклини ифодалайдиган олти нуқталар бор эди. Агар қарта ҳиндлар қўллайдиган “фар-фар” ёки русча оддий усулда пирпиратилса, “К” ҳарфи ёнида рақам пайдо бўлганини кўриш мумкин. (Бу ҳақда Анна Сергеевна пичинг билан: “Афсуски, жоним, болалар севиб

‘томоша қиләдиган мультфильмларга қартабозлар асос солган-да’, деб гапиришни, ҳатто етмишта қарта донасидан рақсга тушаётган балет маликаси ҳақида “мультфильм” намоиш этишни ёқтирарди. Ким билади, балки марҳум жодугар қартабознинг гапида жон бордир).

Манзил яқин қолди. Фолкстон қарталарининг калитини топиш осон эмасди, шундай эса-да, Лобар жумбоқни ечолмаганидан хижолат чекди. Ҳозир Омонгул опага нима дейди? “К” инглизча “ўлим” маъносини англатишини, “мультфильм” усулида аниқланган рақамлар эса ўлим ўтган йили содир бўлганини билдиришини айтади, холос. Омонгул опа яқин кунларда бошига тушажак ҳалокатни сезиб, ёрдам сўради. Вафот этган синглисининг ўлими ҳақида олдиндан юбөрилган хабарнинг топилиши қонун идораларига кўпроқ асқотиши мумкиндир, бироқ опа учун ҳозир аҳамиятсиз эди. Синглисининг ўлими қарталар билан боғлиқ бўлиб чиқиши унга янгилик эмас, ўзига ва оиласига ким, қачон, қандай таҳдид солаётгани аниқланиши ёки барчаси васваса эканлиги исботланиши лозим эди.

— Машиналарни ўтказишмаяпти, ё меҳмонхонага нуфузли меҳмон келган, ё манави болалар учун, — деди таксичи олдинга имо қилиб.

Дарвоқе, йўлни милиция тўсиб қўйган, машиналар шу жойдан қайтиб кетишмоқда эди. Зум ўтмай Лобар ёш-яланглар оқимига қўшилди. Қушлар ва жониворлар билан боғлиқ аллақандай тадбирга шошилмоқда эди улар. Кўпчиликнинг қўлида каптарлар, мушуклар, қафасга солинган тўтиқушлар. Кимлардир ит етақлаб олган бўлса, кимдир аквариумда балиқ кўтарган. Бир бола тошбақасини мақтаниб бораяпти. Жониворлар табиат бағридан қочиб, инсон аталмиш махлуқотдан нажот сўраб келибди, деган хаёлга борарди киши.

“Балх” меҳмонхонаси бурчагидаги акация тагида турган ит кутилмаганда Лобарга ҳуриб берди. Кулранг овчарка экан. Оғиз атрофи тимқора, тишлари оппоқ. Ана, тилини осилтира бошлади.



Дарвоза очиқ, қоровул нима биландир андармон эди. Лобар меҳмонхонанинг ойнаванд эшигини тортиши билан аллақандай мушук ўзини ичкарига урди. Итдан қўрқиб қочди шекилли.

— Хизмат, опажон? — пешвоз чиқди ташвишга ботгани афт-ангоридан кўринаётган меҳмонхона ходими. У бир оз кечикди, чунки мушук диван тагига яширинишга улгурган эди.

— Мен... — дедию девордаги улкан кўзгуга кўзи тушган Лобар тутилиб қолди. Кўзгу чап йўлакда турган шифокорларни, икки милиция ходимию ҳарбий формадаги бир кишини акс эттирарди. Фақат одам ўлгандагина улар шу тахлит туришини кўнгли сезиб, томоғига нимадир тикилди.

— Хона олмоқчимисиз ё бирон кишини сўраб келдингизми?

— Мушук, — дея Лобар диван тагига энгашди.

— Мушук?

— Ҳа, қизим кўтариб келаётганди. Итнинг вовиллашидан қўрқиб, қўлидан тушиб шу ёққа қочди. Эшик қия очиқ эканми, келиб-келиб меҳмонхонага кириб кетганини... Бечора... Пиш-пиш... Ушлашиворасизми?

Мушукнинг йўли тўсиб қўйилган эди. Жонивор қочишга уринмади ҳам. Йигит тутиб олиб, Лобарга узатар экан, сўради:

— Нима байрам бўлаяпти, ҳамма ит, мушук, каптар кўтарган?

— Нимасини сўрайсиз, бу қўшнимизнинг мушуги, қизим учун “прокат”га олдим, — гапни кулгига бурди Лобар ва шу заҳотиёқ кўздан йўқолди. “Бир фалокат бўлгани аниқ, бу ерда ўралашмаганим маъқул”, ўйлади у.

Кўнгли сезган экан, кўп ўтмай меҳмонахонадан ўлик олиб чиқишди. Лобар юз қадам наридаги ўриндиқда ўтирганди. Жонивор ишқибозлари боғдаги амфитеатрга кириб бўлишган, кўчада, хиёбонда одам сийрак эди. Бир неча милиция ходими амфитеатр томон жўнади. Кўча супураётган букри фаррош меҳмонхона дарвозаси олдида ўралашган эди, кетишни буюришди. Лобар унинг изидан тушди ва оддий қизиқувчанлардек:

— Бу ерда нимадир бўптими, опа? — деб сўради.

— Битта аёлни илон чақиб ўлдирганмиш, — жиғибийрони чиқди фаррошнинг. — Шаҳарнинг ўртасида, шундай озода жойда ҳайвонларни тўплаб, концерт ўтказиш кимга керак?! Мана оқибати! Қайси биринингдир илони қочиб кетганда, гўр бўлармиди.

— Ўлган аёл чет эллик эканми?

— Э-э, қанақа чет эллик! Узоқ қишлоқдан келганмиш. Тоғлик экан. Балки илон ўзиники бўлгандир, тўғрими? Одамлар бемалол илон сотиб ётишибди-кў.

Лобар такси тўхтатиб, ўз маҳалласига қўшни ҳудуддаги болалар боғчаси манзилини айтди. Омонгул опа ажалли билан ўлмаганига ишонч ҳосил қилган эди. Нега айнан шу аёлни илон чақади? Ҳойнаҳой, хонасида ўтирган, шу пайт амфитеатр сари ҳайвону паррандалар кўтарган йигит-қизлар ўта бошлаган. Бирининг илони террариумдан қочиб чиққанда, оёқ чиқариб меҳмонхонага чопган. Зич ёпиладиган ташқи эшикни очиб, зиналардан учинчи қаватга кўтарилган ва омад тарк этган аёлни чақиб ўлдирган...

“Бўлиши мумкинмас! — деди Лобар ичида. — Фолкстон қарталарини биладиган (демак, ўта тажрибали) қиморбозлар қасос олаётганга ўхшайди. Бояқиш аёл!.. Оиласида ким бор экан-а “Фолкстон ўйини”га аралашиб қолган? Шомил ака юқори доирадаги ўйин, деганди. Европалик, россиялик қиморбозлар ёки казино эгаларига хавф солиниши мумкин, олис тоғ қишлоғида истиқомат қилувчи одмигина табиб аёлга эмас. Омонгул опа уларга халақит берадиган гувоҳ эдими? Йўқ, у сингисининг ўлимини бежиз айтиб ўтмади. Калаванинг учи сингисида. Ҳа, қиморбозларга сингиси алоқадор бўлиши керак. Бешқиз қишлоғига борсам, кўп нарса ойдинлашарди...”

Боғча ҳовлисида нариги кўчага чиқиладиган йўл бор эди. Лобар тор кўчалар оралаб уйига пиёда етиб келди.

Бир неча кундан сўнг “Балх” меҳмонхонаси атрофида бирор хабар илинжида юрган эди, Дилором деган синфдош дугонасининг укасини кўриб қолди.

— Исминг Жаъфар эдими, яхшимисан? — деди Лобар.

— Мени танидингми?.. Опангнинг дугонаси Лобарман-ку. Қандай, Дилоромлар яхшими? Уйнаб-кулиб юрибдими?.. — Гапни хийла айлантиргач, мақсадга кўчди: — Қишлоқдаги қариндошларимиздан бирининг ўғли расмчи. Танишларингиз бўлса, меҳмонхона ресторанлари билан гаплашиб берсангиз деганди. Бу ерга кирай десам, ўтган куни одам ўлдирилган эканми, шунга киришга иккиланиб қолдим.

Жаъфар кулиб юборди.

— Шу гапни учинчи марта эшитишим. Меҳмонхонада ҳеч ким ўлдирилмаган. Аёлни илон чақиб олган. Бу — бир бахтсиз ҳодиса.

— Меҳмонхонада илон нима қилади? Ё ўша аёл илонфуруш эканми? Ахир, ичқарига илон олиб киришга рухсат беришмаса керак?

— Тоғлар орасида яшайдиган табиб аёл экан. Яширинча илон олиб кирган, дейишяпти. Амфитеатрда ўша куни уйда боқиладиган ҳайвонлар, қушлар танлови бўлганди, лекин биронтаси илон олиб келмаган экан. Демак, ҳамма гап аёлнинг ўзида.

— Ўлган аёл илон боқармикан? — синчковлик билан сўради Лобар.

— Йўқ, — деди Жаъфар, — у сотишга олиб келган, бошқа нимага ҳам керак? Аввал шуғулланмагани учун эҳтиётсизлик қилиб, ўз ўлимига сабабчи бўлган. — Йигит атрофга бир қараб олиб, давом этди: — Лекин “одам ўлдирилди” деган мишмиш ҳам бекорга чиқмади. Ярим кечаси келганига қарамай эрта турибди-да, пастга тушиб, қоровулдан: “Шу атрофда никоҳ ўқийдиган мулла борми?” деб сўрабди.

Лобар фаройиб ҳикоя тинглаётгандек тутди ўзини. Мулла ҳақида эшитиб, жўрттага ним кулимсиради.

— Олис тоғ қишлоғидан келиб, меҳмонхонада никоҳ ўқитмоқчимикан? Тавба, одамлар ҳам қизиқ-а, Жаъфар?

— Кимга кимни никоҳлатмоқчи бўлган, буни ҳеч ким билмайди. Ўзини никоҳлатмоқчи десак, мантиқсиз, негаки эри бор экан. Бирон қариндошига деган тахмин ҳам... —

Жаъфар бош чайқади. — ...шаҳарда қариндошлари ҳам, танишлари ҳам йўқ эмиш. Бу ерга нима мақсадда келганига яқинлари ҳам ҳайрон. Уйидан “қизимникига кетдим”, деб чиққан аёл шаҳарда пайдо бўлиб қолгани, кечаси аллақасққа боргани, эрталаб одам ишонмайдиган тарзда ўлгани... Мишмишга шу сабаб бўлди-да, опа.

— Илон чақиб ўлдиргани исботланган бўлса, ростдан шундайдир. Илонни топишибдими?

— Ҳа, жавоннинг тагида кулча бўлиб ётганмиш. Лекин мишмиш бекорга эмас, деб илонни назарда тутмадим, Лобар опа. Қоровул, мулла керак бўлса маҳаллага боринг, деб йўл кўрсатибди, аёл эса дарвоза томонга уч-тўрт қадам юриб, бирдан изига қайтиб, меҳмонхонага кириб кетибди. Худди бировдан қўрққандек туюлибди қоровулга. Шундоқ атрофга алангласа, панжара орқасида, ҳув анави бурчакда уппа-узун одам тикилиб турганмиш. Қоровул икковимиз ҳар куни шу ҳақда гаплашамиз. Бизнинг фикримизча, раҳматли ўша одамдан қўрқиб қочган бўлиши ҳам мумкин.

— Уппа-узун одам... худди устундай денг... — Лобарнинг ранг-рўйи сезилар-сезилмас ўзгарди.

— Ростдан, нақ қоровулнинг гапини айтдингиз! Бир қарашда-панжара орқасидаги устунимикан, деб ўйлабди.

— Кийим-пийими эсида қолмабдими?

— Қаёқда! Қоровул собиқ нашаванд, фаросат ҳам ўзига яраша. Шунинг учун ҳам бошимни қотириб милицияга айтмаяпман. Кўкнорихаёлнинг қутқусига учиб, пашшадан фил ясаяпсан, дейишлари аниқ. Бечора аёлни ўлдиришлари учун “номер”га кириб, илоннинг оғзини бўйнига босишлари керакми? Ишонасизми шунга? Нима, аёл қичқирмайдими? Қаршилиқ қилмайдими? Ҳеч бўлмаса, бирон одам бегонани кўриши мумкин-ку. Нега кўрмади? Қисқаси, бу ёғини кавлаштирак, детектив фильм бўлади... Нима ҳақида сўрагандингиз ўзи? Сураткашликми? Телефон рақамингизни айтинг. Иш бўлса, хабар қиламан.

Лобар сумкачасига қўл узатдию хаёлида кимдир

меҳмонхонанинг юқори қаватидан тикилаётгандек туюлиб, аланглади. Ҳеч кимни илғамади. Гарчи номаълум кимсалар “смс” юбориш учун рақамни аниқлаб бўлишган эса-да, барибир дуч келган одамга ошкор этаверишни хоҳламас эди.

— Эсим қурсин, сим-карта олганим йўқ, боя кириб ўтмоқчи эдим-а! Ҳар доим шу ердамисан, Жаъфар? Эрта-перта келарман, хўпми, укажон?.. Раҳмат. Дилоромга салом де.

Хиёбон яқинидаги таксилардан бирига ўтирди-да, “Балх” меҳмонхонасидан узоқлашди. Қотиллик содир этилганига имони комил эди. Уйқудами, уйғоқ ҳолдами, илон чақар экан, наҳотки, миқ этмай ўлиб кетаверган бўлса? Ўша кеча Омонгул опа: “Озроқ нашам бор, ҳозироқ бориб уст-бошимни алмаштириб, еб олмасам, эртага уйимга етиб боролмайман”, деганди, балки собиқ нашаванд бўлмиш меҳмонхона қоровули қотилликка алоқадор чиқар? Ўша кун меҳмонхонага мушук ахтариб киргани, бугун эса зимдан суриштириб, сўнгра телефон рақамларини айтмасдан ими-жимида қочиб қолгани шубҳа уйғотиб, Лобарнинг ўзини айблашар?

“Изқуварларга ўхшаб кўп тадқиқ қилипман-да, — деди Лобар ахийри. — Табиб аёл ўз ажали билан ўлмади. Бу ишда қиморбозларнинг қўли бор, Фолкстон қарталари эса менда. Шундай экан, қотиллик усулини аниқлаш менинг ишим эмас, қотилларнинг ўзлари ҳақида ўйлашим керак. Омонгул опа айнан шу қарталар туфайли хазон бўлди, хўш, мен энди қайси йўлдан юришим керак? Уйда биқиниб ўтириш, олис тоғ қишлоғи Бешқизга жўнаш, милицияга арз қилиш?.. Кечаси “смс” юборган кимса ўн дақиқада чиқмасам, ўзим ахтариб боришимни шама қилганди. Унинг қароргоҳи қаерда? Мен фақат Бешқизга бормоқчиман-ку. Омонгул опа қора рўйхатга тушиб қолган экан, нега ёмғирли кечада, маҳалланинг овлоқ кунжагида ўлдириб кетишмади? Ёки “илон чақди” воқеасигина режалаштирилган эдими? Омонгул опа меҳмонхонада ҳаёт билан видолашди, меҳмонлардан бошқа бегона одам кириб-чиққанини ҳеч ким кўрмаган. Демак...”

Лобар чуқур уҳ тортди.

— Демак, у меҳмонхона ичида... — бир оздан сўнг ўз-ўзига шивирлади. — Меҳмонхонадан “номер” олиб қўйган ўта айёр одам... Эҳтимол, Жаъфар билан гаплашиб турганимни ҳам кўрган... Кимдир қарагандек бўлди-ку... У мени танийди... Новча кимса шериги, қора хотин малайи...

Шу пайт, хоҳламаса ҳам, Шомил кераклигини англаб қолди. Ҳеч бўлмаса, қўнғироқлашганида, “Фолкстон ўйини” кимларнинг бошига тушишини, ҳозир қандай чора кўрмоғи лозимлигини сўраб оларди. Бироқ уни қаердан топади? Ҳарқалай она юрти Чеченистонда эмас. Италиядан ҳам қувилган. Америкада эса кўпи билан бир ой ҳам яшолмаслигини айтган, Америкада эмаслигига баҳоли қудрат ишонса бўлади.

Битта йўл — қўлидаги Фолкстон қарталарига яширинган иккиламчи махфий белгиларни топиш ва Омонгул опанинг бошига етган сирдан воқиф бўлиш эди. Шундай сирки, Лобарни аллақачон ўз домига тортиб, ажал тигларини чархлаб турарди. Оний гафлат ҳам ўлим билан хотима топишини билган қайси одам мудрайди дейсиз?

\* \* \*

Уйимда ўзгариш йўқмикан, деб кўрпа-тўшак, шкаф, гиламларгача синчиклаб текширди.

— Мени ҳеч ким сўрамадими? — Баҳром билан Соҳибга боқди у.

Кечгача ҳаммадан бир хил жавоб эшитди. Кейин хонасига қамалиб олди-да, қарталар устига энгашиб, машъум жумбоқнинг калитини ахтаришга қирқинчи марта киришди. Лобар кучсизланиб қолганини тан олишни истамасди. Халқаро қиморбозлар билан тўқнашувдан бир ярим йил вақт ўтган, “қора қарта рақси”нинг жодубахш кунларида ҳам қартани қўлга олмай қўйган эди.

Ҳолдан тойиб, кўзи уйқусизликдан кўр бўлаёзган тунги иккиларда ёстиққа бош қўйиб, гўлдиради:

— Ёрдам сўрайман... Қаерда кучли қартабоз бор?... Шуғулланиб юрган... Ғаллаоролга бораман... қиморбозлик қилмаса ҳам, Қувоннинг олдига...

Эртасига у ростдан Қувонникига отланди. Парвизнинг тўйида хайрлашаётиб, ҳар йили бир марта кўришиб туришга келишилган эди, орадан бир ҳафта ҳам ўтмади. Йигит қишлоғидан икки чақирим наридаги дала бошида экан, бегона “Нексия”ни кўрганданоқ кўнгли сизди шекилли, уват сари тез-тез юриб кела бошлади. Лобар таксичига йўл бошида кўтиб туришни буюриб, Қувонга пешвоз чиқди.

— Тинчликми? — қўл бериб кўришди Қувон.

— Уруш, — деди Лобар.

— Ер ҳайдатяпман. Чиллик, қарға, таппон, гишт экаман.

— Топдингиз, яна қарта можароси, — деб Лобар бўлган воқеаларни қисқача сўзлаб берди.

Қувон уват четига ўтириб, Фолкстон қарталарини кўздан кечириб, елка қисди.

— Бунинг белгиларига тушунмайман, Лобар. Менимча, сиз ўша аёлни танийдиганлардан суриштиришингиз керак. Табиб, бахши, фолбин деяпсиз, ким билади, яна қанақа ҳунарлари бўлган? Шомил ака бундай қарталар мафиянинг ўлим қоғозлари деган бўлса, Европа ҳудудини назарда тутгандир? Қирқлардан ошган, оддий тоғлик аёл экан. Шўрлик хотинда Европадаги мафиялардан қайси бирининг ўчи бўлиши мумкин? Менимча, бекорга ваҳима қилиб юрибсиз. Буларнинг бари бахтсиз тасодиф.

— Бўлмаса, новча шаъра ким эди? Уни “Балх”нинг атрофида ҳам кўришган, куппа-кундузи. Аёл менга эрталаб меҳмонхонада қандайдир мудҳиш сирни сўзлаб бермоқчи эди.

Қувон жимиб қолди. Ташвиш инган нигоҳи дала ўртасидаги трактордами, булутлар карвони сирғалиб ўтаётган қишлоқ уфқидами, ноаниқ эди.

— Энди нима қилмоқчисиз? — мужмал қилиб сўради у.

— Бунимендан сўраяпсизми? Нима қилишни билганимда, келармидим? Менга бировнинг руҳий кучи керак, ёлғиз ўзимнинг руҳим ожиз.

— Қарталарнинг ичида ҳеч қандай сир бўлмасачи?

— Далангизда тупроқ йўқлигига ишонасизми? — қизишди Лобар.

— Бўпти, — тиззасига таяниб ўрнидан турди Қувон. — Қачон одамга ўхшаб меҳмон бўлиб келгандингиз? Доим бир ишқал, доим ғавго. Бунинг устига қишлоғимнинг одамлари гап тарқатишлари кам: “вой, шаҳарда хотини бор эмиш”, “қишлоққа ҳам ахтариб келади...”

— Гийбатчи бўлиб туғилганлари учун айбдор эмасман.

— Лобар, бир шапалоқ уришимга қачон рухсат берасиз-а?

— Қувон машинага қараб юра бошлади. — Кетдик, лаллайманг. Ярим соат йўл юрсак, каптарфурушникига етамиз. “Нексия” ўзингизданми?

— Каптарфурушингизни бошимга ураманми?

— Юрасизми, йўқми? У аввал қутурган қартабоз эди. Кейин бозорларда “уч қарта” ўйнатиб юрди. Тақиқлаб қўйишганидан сўнг каптарларни эрмак қиляпти. “Солдат қариса, медаль тақар, қартабоз қариса, каптар боқар”, деган мақолни эшитганмисиз? Умуман эшитмагансиз. Чунки бунақа мақол йўқ.

Кунчиқарга элтувчи йўлдан “Нексия”да ўқдай учиб бораётганларида, Лобар сўради:

— Каптарбозингиз яхши кутиб олармикан?

— Агар тирик бўлса.

— Анча қарими дейман?

— Етмиш беш-етмиш тўрт ёшларда.

— Нега энди “етмиш беш-етмиш тўрт” деб, тескари ҳисобляяпсиз?

— У жуда кўп ғалабаларга тескари ҳаракатлар билан эришган. Фолкстон қарталарининг калити ҳам, эҳтимол, тескари томондадир?

Бу гапда жон бор эди. Қарталарнинг сиртига қараб, боши ёки қуйи қисми қаерда, кўпчилик билмасди. Лобар махфий белгиларни келтириб чиқариш учун аввало қарталарнинг бошини топиш шарт эмасмикан, деб ўйлаб қолди ва шу заҳотиёқ ишга шўнғиб кетди. Кўп ўтмай ўттиз олти қарта тартиб билан, боши юқорида, оёғи пастда қилиб тахланди.



Ичкарида эса аввал “қирол”, кейин бошқалари, охирида “туз” жой олган эли.

— Нақшлар тилга киради, — хаяжонини яширолмади Лобар.

У қарталарнинг тахини бузмасдан кафтида бир сидра пириллатиб кўтариб-туширдию қичқириб юбораёзди.

— Қаранг, қарасангиз-чи!.. — дедию махфий сўзни баралла айтмай, имо қилди.

Дарвоқе, қарталар кўз илғамас тезликда рақсга тушганда, орқа сатҳда “Roma” деган ёзув шаклланишини пайқаш қийин эмасди. Бу йигирма етти яширин нуқтадан ҳосил бўладиган белгили битик эди.

— Рим... Италия, — пичирлади Лобар.

Кейинги уринишлар бефойда кетди: бошқа ҳеч қандай ёзув топилмади.

— “Рим”, бу — пароль бўлиб чиқса-чи? — деди Қувон.

— Паролни қартага иккиламчи белги қилиб яширишмайди, Қувон. Бунда ёзувнинг давоми борлиги аниқ, аммо қандай қилиб топамиз?

— Қувоннинг боши қотиб, мияси ачиди шекилли, ўриндиққа ўзини ташлаб, кўзларини юмди. Дунёда Лобардек ўжар, тентак аёлни топиб бўлмайди, деб ўйлаётгандир, эҳтимол.

— Борлиги аниқ... — деди Лобар ҳамон қарталарни турли усулларда текширар экан.

— Понтий жимжима жонингизга оро киради, бунча шошмасангиз.

— Лақабими?

— Ҳа биз ахтариб бораётган қрим-татар каптарфурушнинг лақаби Понтий жимжима. Лақабига ўт тушгур, уста қиморбоз бўлган, лекин бойлик тўпламаган. Қимор кимнинг косасини оқартирган эдики, Понтийнинг косаси оқарса! Эҳ, одамлар ақлни ақлли ишларга ишлатса-да. Шунисига куясан.

Машина катта йўлдан ўнгга бурилиб, кичикроқ сув омборини ортада қолдиргач, яна равон йўлга чиқиб олди. Олисда ҳайбатли завод биноси кўриниб турарди. Булутлар

чекиниб, қуёш чарақлади; ҳайдовчи магнитофон қулогини бураб, қўшиқ қўйди. Тўй ҳақида эди у. Йўл четида эса қўйлар ўтлаб юрарди. Тирик мавжудот ичида ўтхўр ҳайвонлардан ҳам ошириб баҳорни яхши кўрадигани бўлмаса керак.

— Нега никоҳ ўқитмоқчи бўлган экан? — сўраб қолди Қувон. — Сизга шуниси кўпроқ сирли туюлмаяптими?

— Нега сирли туюлмасин, Қувон, ўйлаб-ўйлаб жўяли бир фикрга келолмаяпман. Милиция бахтсиз ҳодиса деб ҳисоблагани учун кўп нарса очилмай қолди. Балки тоғдаги қишлоқда тергов олиб борилганда, нагижа чиқармиди? Уликни олиб кетишга келганларнинг уч-тўрт оғиз гапига асосланиб юрибмиз. Уйдагилар, қўни-қўшнилари, қариндошлар... айтгандай, биринчи галда синглиси сўроқ қилиниши керак. “Саида синглим ўлди, энди навбат менга келганга ўхшайди, Дилруҳ синглим ҳам безовта”, деган гапига диққат қилинг-а! Фолкстон қарталари айнан опа-сингилларнинг умрига зомин бўлаётгани сезилмаяптими? Дилруҳ билан бир гаплашсам яхши бўларди-да.

— Лекин сиз милиция ходими ҳам, Шерлок Холмс ҳам эмассиз.

— Биринчидан, Омонгул опа мендан ёрдам сўраб келди, иккинчидан, усиз ҳам ўша кеча уйим орқасида қаққайиб турган эди анави новча. Иккови бошқа-бошқа бўлишса-да, ўртадаги масала битта, яъни Фолкстон қарталари ва менинг тақдирим.

— Новча одам арвоҳ бўлиб чиқса-чи?

Лобар “устимдан куляпсизми?” дегандек қараган эди, Қувон жиддийлашди.

— “Қора қарта рақси”ни ўрганганлар ўз-ўзидан жодулар билан боғланиб қолади. Жоду эса кўзга кўринмайдиган кучлар борлигидан далолат. Кўзга кўринмайдиган кучлар бор экан, арвоҳлар ҳам бор. Хафа бўлманг-ку-я, асабларингизни даволатганингиз билан асоратлари қолган бўлиши мумкин. Парвизжоннинг тўйи деб чарчагандирсиз, эллик-эллик ичгандирсиз?

— Ҳа, одамни тентакка чиқариш осон. Лекин уни ўз кўзим билан кўрдим, меҳмонхона қоровули ҳам кўрган.

— Икковингиз ҳам шарпасини кўргансиз, холос. Балки сизга элчи келгандир? Нима дедингиз?

— Кимдан? Европа мафиясиданми? Ёки Шомил акаданми? Келиб-келиб шу йўлни танлашдимиз? Аҳмоқона “смс”, аҳмоқона қаққайиб кутиш! Яна денг, ёмғир остида...

Улар кичикроқ шаҳарчани эслатадиган посёлкага етишди. Икки қаватли коттежлар ва завод биноси устида оқ каптарлар учиб юришар, дам-бадам ҳавода ажиб умбалок ошиб, рақсга тушишар эди.

— Понтийнинг маконига етдик, — деди Қувон. — Каптарларнинг кайфиятига қараганда, қрим-татар тирик.

Машина ўйдим-чуқур кўчага бурилганида, бир йигит қўл силтаб тўхтатди.

— “Хрущёвка”ни сўраган сизларми? — деди у ойнага энгашиб.

— Бу ерлардан уй олишдан Худо сақласин, — дея Қувон кўча-охирини кўрсатди, — Понтий ака ҳаётми? Айтмоқчийдимки, уйи шу кўча охиридами?

Маклер йўл кўрсатди. Понтий жимжиманинг хонадони икки қаватли коттежнинг чап қаноти экан.

— Аввал ўнг қанотдагиси эди, чамамда, — минғиллади Қувон, — тавба, бутун умри тесқари-я! Ишқилиб, қариб-чириб ўлиш ўрнига ёшариб қолмаса, бас. Етмишинчи йилларда, навқиронлик кезларида бунга тенг келадиган безори бўлмаган.

— Уни қаёқдан танийсиз, Қувон?

— Фақат сиз танимайсиз, Лобар. Понтийни билмаган одам борми?

Қувон йўл бошлади. Собиқ қиморбознинг ҳовлисига одам қараб бўлмасди. Лобар қимор йўлини танлаган кас абадул-абад файз-барака топмаслигига амин бўлиб, ўз ҳаёти қайғусида юрак-бағри ўртаниб кетди. Агар унга: “Эй Лобар, қимор дунёсида яшасанг-да, бахтли бўласан, сенга қўшилиб бошқа қиморбозлар ҳам бахт топади”,

дейишганида, шубҳасиз, бахтсизликни авло кўрарди.

Тўнтариб кўйилган пачоқ тоғора ортида бир ит бош кўтариб, норози тикилган эди, Қувон ҳар эҳтимолга қарши:

— Тек ёт, Шарик, — деб тинчлантирди.

Шу пайт иккинчи қават айвонидан палағда овоз эшитилди:

— Унинг оти Шарик эмас.

Лобар панжарага суянганча папирос чекаётган жиккаккина қрим чолга кўз ташлаб, умри қамоқда ўтган одам эканлигини фаҳмлади. Нигоҳида меҳр-оқибат, ачиниш каби инсоний аломатлар сезилмас эди. Гўёки, барча иллатлар одам шаклидаги шу кичкина вужудга қамаб кўйилгандек.

Қувон салом берган эди, алиқ олмасдан, хириллади:

— Нега келдинглар, ку-клукс-клан? Бу аёл ким?

— У... “қора қарта рақси” меросхўри... Қартабоз! Исми Лобар.

Понтий шапкасини кўтариб, қалин қора қошларини чимирди. Кўзлари уккиникидек ёнди. “Келаверинглар” маъносида эшикка имо қилиб, каптарларини бир қур кузатди-да, айвондан ғойиб бўлди.

Супурилмаган зиналардан бир-бир босиб, иккинчи қаватга кўтарилишди. Ис босган хонага қадам кўйишган он Понтий яна бир папирос тутатиб, Лобарга синчков нигоҳ ташлади.

— Шундай қилиб, Лобар ўз оёғи билан келибди-да? Хурсандман, ку-клукс-клан.

— Муҳим иш билан юрибман, Қувон сизнинг кўлингиздан келишини айтди. Очиғи, ҳаёт қозонида кўп қайнаган кўринасиз.

— Ку-клукс-клан, — деб у папирос кулини стол устига чертиб туширди.

— Ҳамма гап манави қарталарда. — Лобар Фолкстон қарталарини Понтийнинг қўли етадиган жойга оҳиста кўйди.

— Нима жин урибди бу қарталарни? Инглизларникими дейман, ку-клукс-клан?

— Ха.

— Хуш?

— Унга махфий белгилар қўйилган. Бирламчисида бир аёл ўлдирилиши ифодаланган. Ўтган йили ҳукм ижро этилган. Иккиламчи белгиларни топиш осон бўлмади. Ниҳоят, ҳозир йўлда келаётганимизда, тескари тартиб бўйича “Рома”, яъни “Рим” деган сўзнигина топдик.

Понтий ғалати одағига биноан:

— Ку-клуks-клан, — деб тўнғиллади ва қарталарни қурушқоқ қўлига олди; қатларига син солиб, бош чайқади. — Иш пачава-ку, ойимқиз... — Кейин Қувонга юзланди. — Сен пардани каттароқ очиб қўй. Кейин бу ерда ўтиришинг шартмас, айвонда туриб, “носачуби”ларнинг ўйинини кўр. Қартадаги чилликлар худди шу каптарлар маъносини билдиради, агар фаросатинг ўзингда бўлса, албатта... Бор, боравер.

Понтий қарталарни ўз билганича тахлаб, уч қисмга бўлди. Ҳар бир тахламнинг ўзини ўн-ўн беш марта қўлида ўйнатди, пирпиратди, эринмасдан разм солиб ўтирди. Орадан бир соат ўтгач, қоғоз-қалам олди-да, тезда жумла ёзиб, Лобарга узатди. Унда лотин ёзувида қўйидаги сўзлар ёзилган эди: “Via Vittorio Veneto, 136 Roma”.

Мактабда беш йил француз тилидан дарс ўтилган, Европа тилларидаги айрим сўзлар бирмунча тушунарли эди. Шунинг учун Лобар бир қарашда итальянча махфий ёзувнинг биринчи сўзи “кўча” эканлигини фаҳмлади. Тахминан бундай эди: “Рим шаҳри, Витторио Венето кўчаси, 136-уй”.

Понтий жимжима Лобарга ёввойи мушук сингари киприк қоқмай тикилиб ўтирар, қариларга хос сабр билан кутарди.

— Раҳмат, — деди Лобар, сўнг сумкасини кавлаштириб, бир бойлам мингталикини столга қўйди; яна ниманидир кўнгли сезиб, сўради: — Яширин сўзлар фақат шуми?

— Фақат шу бўлганда қандоқ, ку-клуks-клан. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, ичидаги маъноларни қидириш керак. Ўрнингдан тур, шкафни тинтиб кўр. У ерда қарталар

энциклопедияси бор, жигарранг. Агар ўтган ҳафта ўғирлаб кетишмаган бўлса, ётгандир чанг босиб, ку-клукс-клан. Номи русча: “Человек, карты и судьба”. Бор-йўғи етти дона чиқарилган, етмиш еттинчи йил январда.

Лобар шкафни очиб, ўғрилар қўл урмаганига амин бўлди. Китоблару шиша идишлар, аллақандай кема макети, ашқол-дашқоллар — барчасини чанг босиб ётарди. Айвонда каптарларни кузатаётган Қувон чапак чалиб, қийқирган эди, Понтийнинг афти бужмайиб кетди.

— Ку-клукс-клан, бефаросат, — пўнғиллади у. — Каптар билан қарғанинг фарқига борадими, йўқми? Чапак чалишини қара. Э, чўпон!.. Сен ҳам ўзингча билимдонсан, ку-клукс-клан. Манави пулни нега бердинг? Бу ер дўкон эмас, Понтийнинг уйи.

Лобар “бу одам мард экан”, деган хаёлга борган ҳам эдики, бутунлай тескари гапларни эшитди:

— Жон деб олардиму бир кун келиб сотиб қўйишинг мумкин, ку-клукс-клан. Бизнинг ўз қонунларимиз бор. Қарта сирларини пулга сотмайсан, синалган шогирдлардан бошқасига ўргатмайсан, қарта ва қимор ўйнамайдиганлар билан гаплашмайсан.

— Бундан ҳам шафқатсиз қонунларни кўрганман, — деди Лобар ортига хиёл бурилиб.

— Лекин шафқатсиз ижроларни кўрмаганингни юз-кўзинг айтиб турибди, ку-клукс-клан.

Понтий томоқ қириб, Лобарга ер остидан қараб ўтирарди. Кейин оғзига яна битта папирос солиб, гугурт чизди, эринибгина тутун торта бошлади. Тонна-тонна тамаки бу вужудни қуритиб, туршакка айлангирган, аммо бутунлай маҳв этолмаган эди.

— “Витторио Венето” номли ҳарбий кема бор деб эшитганман, ку-клукс-клан, айнан ўша Италияга тегишли, — деди хириллоқ товушда. — Шу номдаги меҳмонхона, казино, ресторан ҳам бўлиши керак. Китоб топилса, сенга бошқа бир жиҳатини ҳам кўрсатиб бермоқчиман, ку-клукс-клан.

— Шу сўз Виктория эмасмикан? — сўради Лобар.

— Йўқ, — кўзлари чақнаб кетди Понтийнинг. — Хато қилмадингми, демоқчимисан? Хато қиладиган кимса бўлганимда, шу вақтгача тирик юрмасдим. Шафқатсиз қонунларни кўрганман, дейсану авом хотиннинг ўзгинасисан. Бу жиҳатинг менга ёқмади. Қандай қилиб бўрилар даврасида қарта ўйнагансан-а? Ку-клукс... минг лаънат!

— Мафиозлар етаклаб борган, қўриқлашган, бошимда туришган.

— Жонли қўғирчоқмисан?

— Унчалик эмас.

Лобар жигарранг китобни топиб, авайлаб қўлга олди-да, чангини пуфлади. Қалин муқовасининг питири чиқиб кетган эди. Понтийнинг тумшуғи тагига қўяр экан, “ҳақиқатан ноёб китобга ўхшайди, кимлар ёзган экан-а?” деган ўй ўтди кўнглидан.

— Қарта ҳақидаги китобларни ўқимаганман, — деди Понтий. — Қартани тик оёқда ўрганганман. Устозим, ку-клукс-клан, итфёъл-кимса-эди. Оёқда ўрганганингни ўтириб бемалол эплайсан, дерди. “Зона” катта мактаб қарта ўрганувчилар учун.

— “Кафтма-кафт”...

— Нима деганинг бу?

— “Кафтма-кафт” ўрганиш усули ҳақида кавказликлардан эшитганман. Лекин устозим кавказлик эмас, москвалик.

— Бунинг менга қизиғи йўқ. — Понтий жимжима китобни очиб, деди: — Белгиларга ишим тушсагина китоб қарайман. Жойингга бор. Ишлаётган биронта қартабоз орқадан мўралашларини ёқтирмайди.

У қайсидир саҳифани очиб, Лобардан қоғозчани сўради. Сўнгра текислади-да, дам қоғозчага, дам китобга кўз ташлаб, мушоҳадага киришди. Лобарга аён бўлгани — саҳифада жадвал ва рақамли рўйхат бор эди, холос.

— Уй рақами вақтни ҳам билдиради, — деди ва тўсатдан кучли йўтал тутиб, китобни ёпди. — Бу йўтал мени олиб кетади, ку-клук... клук... уҳ-ху...

Понтий бемаъни ва жонга тегадиган “ку-клукс-клан” иборасини йўтал орасида ҳам айтишга чиранарди. Лобарнинг энсаси қотди.

— Қанақа вақт? — деб сўради у.

— Ўн учинчи июнь...

Понтий ўпкаси чиққудек йўтала бошлагач, Қувон ичкарига кирди. “Қалай?” деб Лобарга ҳавойи сўроқ йўллади.

— Яна нима дея оласиз? — Лобар Понтийга яқин борди.

— Ҳеч нима... Ўн учинчи июнь... Бор гап шу...

Лобар “136” рақами “13-кун, 6-ой” маъноларини ҳам англатишидан Понтийнинг сирли жадвали дарак берганини фаҳмлади.

— Бизга бирон хизмат айтасизми?

— Пулингни олиб кет... Бу қарталар сенга ҳам, уҳ-ҳу... менга ҳам... ўлим келтиради... Юзтадан бир... бир...

— Нима дегани у “юзтадан бир”?

— Юзтадан битта омон қолса... катта гап... Кетинглар!..

Боринглар энди...

Лобар ва Қувон машинага етишига оз қолганда, ит ҳуриб, чопқилаб кела бошлади. Бироқ келгувчилар уловга ўтириб, эшикларни ёпишди. “Нексия” посёлкадан чиққанида, Лобар Фолкстон қарталарини халтачага солиб, деди:

— Агар Понтийнингизни тескари одам деб ҳисоблайдиган бўлсак, дунёда жуда кўп одамни унинг сафига қўшса бўларкан.

— Ити ҳам тескари экан, кетаётганимизда ҳурди, — кулгига олди Қувон.

Машина Қувоннинг қишлоғига кириб ўтди, кейин Ғаллаорол ҳам ортада қолди. Шундагина Лобар Понтий фалсафасини тушунгандек бўлди. Одам ҳаракатда эмас, у қуёш каби бир жойда туради, тақдир чархпалаги эса теграсида сон-саноксиз воқеаларни айлантираверади. Бир ҳазилкаш “Самарқанддан йўлга чиққан одам Тошкентга эмас, аксинча, Тошкент унинг қаршисига келади”, деб бежиз айтмаган эди. Агар одамда жичча иқтидор бўлса, шаҳарлар сурилиб келиши не тонг! Бунга ҳеч ажабланмаса ҳам бўлади.





Эртасига Кувон қўнғироқ қилиб, Понтийнинг муҳим гапи борлигини айтди. “Кечаси билан ўйлаб чиққанга ўхшайди”, деди.

— У ёнингиздами? — ажабланди Лобар.

— Йўқ, бир болани жўнатиб, телефон рақамини бериб юборибди. Қўнғироқлашасизми?

Лобар уйдан анча наридаги кўчага етгач, дуч келган йигитдан телефон сўради. Пулим кам деганди, қўлига уч минг сўм тутқазди. Четроққа ўтиб, Понтийнинг рақамларини терди.

— Сенга айтадиган сўнги сўзларим шуки, — деди Понтий жимжима бўғилиб, — кеча аниқланган ёзувлар... бу йил юз бериши керак, ку-клукс... Қандайдир учрашувнинг вақти билан манзили... Яъни келаётган ёзда, июннинг ўн учинчи кунда; Римнинг ўша кўчасида... Сенга қандай тушиб қолган бўлса, шундай қайтариб бер. Бўлмаса, тамомсан, ку-клукс-клан.

— Буни берган аёл ўлдирилганини айтдим-қу.

— Менга қара, ҳукм ўтган йили ижро этилди, деб бошимни қотирдинг, ку-клукс-клан! Лекин қарталар қўлингга яқинда тушган. Энди айт-чи, кимдан олгансан? Ўтган йили ўлдирилган аёлнинг арвоҳидан эмасдир ҳарқалай?

— Ўлган аёлнинг опаси берганди. У менга баъзи сирларни гапириб бермоқчи эди, афсуски, эрталаб илон чақиб ўлди.

Понтий қаттиқ йўталди, бўғилиб қолди, бир нималар деб гўлдиради. Лобар телефонни қулоғига маҳкам босганча, агрофга кўз югуртирди. Аллақандай хавф таҳдид солаётганини кўпни кўрган Понтийнинг гапларидан ҳам ҳис этди. Қарталарни ёқиб юбориш билан ҳаммаси тугаса экан.

— Қаерда?.. Қандай қилиб?

— Эрталаб шаҳар марказидаги меҳмонхонада.

Понтий аёл киши билан гаплашаётганини ҳам унутиб қўланса сўзлар билан сўкинди.

— Юзтадан бир деб янглишган эканман, — деди кейин.  
— Ҳамманг ўласан, ҳамманг... Лаънатилар, нега шуни бошидан айтмадинглар?

— Ўзингизни босиб олинг! Нима гаплигини тушунтиринг!

— Викинглар деб эшитганмисан? Бу — викингларнинг иши, ку-клукс-клан!

— Тарихда қолиб кетган босқинчи викинг қабилаларими? Англия тарихидаги ёвузлар?..

— Ҳеч нарса изсиз йўқолмайди, “Викинг” тўдаси бугун... уҳ-ху... бор... Фолкстон қарталари уларга керак... Италиядаги манзилни ахтаришаётгани кўришиб турибди... Лекин нега сен тириксан, тушунмаяпман? Улар сени ҳам ўлдиришлари аниқ, ку-клукс-клан...

— Пешонада борини кўрамиз. Қарасам, қарталарни эгалик қилаётган учинчи аёл эканман. Оз бўлса-да, омадим бор. Яна бир нарсани айтиб қўяй, Понтий ака, қарталар кўлимга тушмасдан сал аввал қандайдир номаълум киши мени учрашувга чақирди, шундоққина уйимнинг орқасига. Менга қарталарни берган аёл эмас эди. Узун бўйли кимса эканлигини биламан, холос. Агар қарталар тасодифан кўлимга тушиб қолганида, аллақачон ташлаб юборардим. Изидан тушганимнинг сабабини тушунаётгандирсиз?

— Яқинларинг билан видолашиб қўй. Ким билади, яна қанча яшайсан. Бу сенга Понтийнинг биринчи ва охириги маслаҳати.

— Ёзувни аниқлаб берганингиз учун яна бир марта раҳмат. Балки европалик қонхўрларнинг орасида ўзимиздан чиққан жиноятчилар ҳам бордир, викинг эканлигини билмасдирман, нима бўлганда ҳам, кўрқмайман. Бечора аёлнинг ёрдам сўраб илтижолари қараб турган нигоҳлари ҳаққи!

— Телефондан рақамларимни ўчириб ташла, ку-клукс-клан, — деди Понтий. — Сени қиморбоз десам, актриса экансан. Биз қайтиб учрашмаймиз, шунинг учун... алвидо... Бошқа нима ҳам дейман... Уҳ-ху, уҳ-ху...

Лобар қоронғи тушгунча ўй ўйлади. Қувон телефон қилиб, Понтий нима деганини сўраганида, қуруққина

жавоб қайтарди. Бу ишга кимнидир аралаштиришга ҳаққи йўқлигини тушуниб етган эди. Ёлғиз йўл — Бешқиз қишлоғига бориш. Омонгул опанинг эри, фарзандлари ва синглиси билан гаплашиш. Аммо нима деб баҳона қилади?

Шу замон жавоб топилдию Лобар севиниб кетди: ахир, ўтган йили яхшироқ шифокор ахтариб юрганида баъзи қариндошлар табибга боришни тавсия этишганди-ку. Бу ердагиларни табибга кетяпман, деб кўндиради. Тоғ қишлоғидагиларни эса “онангиз тушимга кирди” қабилидаги кароматли тушлар кўрганлиги билан алдайди. Ҳатто, кечаси арвоҳи билан гаплашдим, дейди. Бошқа илож йўқ. Қандай қилиб бўлса ҳам Омонгул опанинг хонадонига кириб бориши, бир кеча тунаши керак эди.

\* \* \*

Душанба куни эрталаб Баҳром машинада Лобарни шоҳ бекатга олиб келди. Таниш аёллар билан бораман, деганди. Қарадио, опаеи-алдаганини сизди. Бу йигит маҳалла-кўй олдида Лобарнинг ўтмишидан ҳам, ҳозирги ҳаётидан ҳам уялар эди. Бироқ ҳадди сиғиб гапиролмас, озиқ-овқат дўкони, машинаси, уйи — ҳаммаси бир вақтлар Лобарга тушган пулнинг қолдиқлари эди.

— Хўп, яхши боринг, — машинасига ўтирди йигит. — Телефон қилиш эсингиздан чиқмасин, опа.

Лобар машина кўздан йўқолгунча қараб турди, кейин Бешқиз қишлоғи жойлашган туманга қатнайдиған “Раф”га шоша-пиша ўтириб, кўкиш пардани тортиб қўйди. “Раф” бир соат одам кутди. У ёқларга борадиган йўловчи кам эди.

Туман марказига тушда етиб келишди. XX аср бошларидаги ота-боболари одатларини сақлаб қолган эркак-аёллар пўрим кийинган жувонга бошдан-оёқ қараб қўйишарди. Шунда Лобар ташқи кўриниш борасида жиддий хатога йўл қўйганини англади. Кўзойнак, тор кўйлак-шим, ялтироқ костюм, бежирим сумка, ҳатто бўялган лаблар...

Эътибор бериб қараса, биронта аёл рўмолсиз эмас. Онда-сонда учрайдиган ўн беш-ўн олти ёшли қизлар қора шим кийган, аммо шуни ҳам эплаб кийишолмай услубни расво қилишган эди. Қўллари меҳнатдан ёрилган, юзи қовундек тўрлаган йигитлар оғизларидан суви оқиб термулишади. Сувсаган кўнгилларнинг куй-қўшиқ истаётган тугёни Озодбек Назарбеков қўшиқлари билан босилиб қоладигандек нуқул дискларга талпинар, отасининг қўлидан ушлаб олган миттигина болакайлар эса рэпчиларнинг дискини кўрсатиб, хархаша қилишарди. Гўё эзгулик ва ёвузлик ҳеч кимга билдирмасдан дисклар шаклида жаҳон урушини бошлаб юборган эди.

— Кечирасиз, ака, — Лобар яхшигина кийинган эркакни учратиб енгил тортди, — Бешқиз қишлоғига борадиган таксилар қаерда, айтолмайсизми?

— Эҳ-ҳе, тоғ ичкарисигами? Анави “Дамас”лар қаторининг охиригача борасиз. Агар омадингиз бўлса, Бешқиз таксисига илашасиз.

Омад юз ўгирмади: “Москвич”да битта жой бор экан.

Аввалига қатлам тошлару харсантлардан иборат қизғиш тоғ оралаб кетишди. Бора-бора ўтлар кўрина бошлади. Тоғ дарёсидан ўтишгач, қўй-қўзилар, отлар; аллақасққа кетаётган эшак минган одамлар учради. Тераклари найза-найза қишлоқ жамолини кўрсатди.

— Етдикми? — сўради Лобар дардлашиб келаётган аёлдан.

— Раҳматли Омонгул опанинг уйигача тўртта қишлоқ бор, — деди аёл. — Бу биринчи қиз қишлоқ.

— Бекорига Бешқиз дейишмас экан-да?

— Ҳа, бунинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Бир замонлар тоғда қароқчилар кўпайгандан кўпайиб, кимда қиз бўлса, ўрага яшираверган. Номинг ўчгурларнинг хотини бўлмагандан кейин қизларга чангал солади-да. Бир куни ҳар бир қишлоқдан биттадан қизни ушлаб, отга ўнгариб тоғнинг бошига ола жўнаганлар. Эналари йиғлаб қолаверган. Орадан олти ой ўтиб, биттаси қайтиб келган. Омонгул опа бечоранинг қишлоғидан бўлган ўша

қиз. Эна хурсанд, ота хурсанд. Лекин қувончлари узоққа чўзилмаган. Ёмғир савалаб ёққан кўкламнинг дим қоронғи кечасида ҳалиги қиз тўшагида йўқмиш. Бунга нима бало бўлди, деб энаси ҳовлига чиқса, қизи бир нуқтага тикилиб, уст-боши шалаббо бўлиб, қилт этмай турганмиш. Бояқиш эна қизи қараётган томонда нимани кўрибди, денг...

Бешқизлик аёл тирсаги билан беихтиёр туртган эди, Лобар сесканиб тушди. Саксон йил муқаддам юз берган воқеа билан бир неча кун бурун уйи орқасида содир бўлган ҳодиса, шубҳасиз, ўхшаш эканлигидан таажжубда эди. Бу аёл ҳаммасини билиб, жўрттага тўқиб чиқармаяптимики, деган гумон ҳам ўрларди кўнглида.

— Нимани кўрибди? — деди аёлнинг шокосадек ола кўзларига тикилиб.

— Кетмоннинг дастасидек озғин, уппа-узун махлуқ эмиш. Ё Баҳовуддин, бу нима бало, деб калима қайтариб, икки-уч қадам юрибди. Қараса, ҳалиги нарса ортига тисарилиб, узоқлашаётганмиш. “Тур, йўқол! Одаммисан, жинмисан, келма бу ерга!” деб бақирибди. У пайтларда аёлларнинг юраги катта бўлган-да, меҳмонжон. Сўнг қизига: “Нима жондор эди у? Нега ёмғирда бундай қаққайиб турибсан?” деб таънаю дашном қила бошлабди. Орадан қирқ кун ўтгач, қизнинг мазаси қочиб, ҳадеб қайт қилаверибди. Эна шўрлик қараса, қизи ҳомиладормиш. Иккиқатлиги тез орада қишлоқ аҳлига маълум бўлибди. Лекин ҳеч ким кулмабди, нафратланмабди. Чунки беш қизни қароқчилар ўғирлаб кетгандан бери бешала қишлоқнинг қулоғи тинчиган экан-да. Албатта, қизларнинг шарофати билан...

— Йўқ, бунисига беш кетмадим, — деди ҳайдовчи. — Бошқача талқин қилмай гапиринг, Ризвон чеча. Нима, боваларимиз қизларини бериб, эвазига тинчгина яшашганми? Фурур-пурур йўқ эди, демоқчимисиз?

“Москвич” ғала-ғовур бўлиб кетди. Лобар ўз кўзи билан кўрган устунсимон шарпа қачонлардир Бешқиз қишлоғида ҳам ярим кечаси ёмғир остида пайдо бўлганини эшитиб росмана ҳайратда қолган эди. Бироқ аллақандай ички амр билан бу ҳақда чурқ этмай, ўсмоқчилаб сўради:

— Хола, неча йиллардан бери тўй-маъракаларда шу мавзу устида гап талашадиган кўринасизлар. Мен бир меҳмонман, ёмғирдаги шарпа ҳақида ҳозир эшитдим. Тортишгандан кўра давомини айтиб қўя қолинг. Ким экан ўша махлуқ? Қизни севиб қолган қароқчилардан биридир-да?

“Москвич” ўнқир-чўнқир, қия йўлга етгач, таксичи рулга ёпишиб олди, энди муҳокамага вақт йўқ эди.

— Охири сал ачинарлироқ, синглим, — деди аёл.

— Ёмғирда новча шарпани кўргандан кейинги воқеалар ачинарли, демоқчимисиз?

— Ҳа-да, бошқа нимани гапираяпман? Боланинг отасини топишни ҳаёлига ҳам келтиришмаган. “Ишқилиб қизимиз эсон-омон туғиб олсин”, деб кечаю кундуз кўз-қулоқ бўлишган. Чунки қиз бечоранинг эси кирди-чиқди бўлиб қолган экан. Бир кеча қараса, яна тўшагида йўқ эмиш. Ака-укалари калтак кўтариб ҳовлига чиқишибди. Худди махлуқни биринчи марта кўрган дамдагидек ёмғир қуяётганмиш...

— Ўшанда серёмғир баҳор экан, айти шундай кунлар, — гап қўшди таксичи.

— Не кўз билан кўрсинларки, қиз яна ҳалиги шарпага тикилиб турганмиш. “Ўлдиришлар махлуқни!” деб фатво берибди отаси. Ака-укалар қува кетишибди. Қани етолса! Ёмғирда ҳилвираб, касалманд кўринса ҳам, мурдадек жонсиз туюлса ҳам, номинг ўчгур чаққон экан. Тошдан тошга, ўнгурдан ўнгурга лип-лип сакрармиш. Ушлолмаймиз-ов, дейишибди ака-укалар. Лекин қўшни уйлардан ҳам йигитлар чиққан экан, ҳар томондан қуршаб келаверишибди, қайси томонга қочса, ўша ёқдан кимдир чиқиб йўлини тўсаркан. Охири, қува-қува қирнинг ёнидаги экинзорга қамабди. “Палончи у ёқдан кел!”, “Писмадончи бу ёқдан!..” деб шовқин-сурон билан боришибди. Ораларида таксичимизга ўхшаган тап тортмаси бор экан, биринчи бўп етиб борибди-да, кўкраги аралаш ўроқ солибди. Шу, қарсиллаб кетибди-ёв ўроғи!..

— Лекин у махлуқ-пахлуқ эмас экан, — деди таксичи

кулиб. — Оддий ёғоч қўғирчоқ экан!.. Меҳмон, бу чечамиз шунақа афсоналардан ўнтасини билади. Жуда уста! Мабодо газетада ишламайсизми? Ёзиб олганингизда яхши бўлардида! — Пешойнадан синчқов боқди. Афтидан Лобардан нафақат у, машинадаги яна икки йўловчи ҳам шубҳа қилмоқда эди. — Диктофон, дафтар-қалам йўқми?

Лобар жилмайиб бош чайқади. Бешқизликларни тушунса бўлади: яқинда Омонгул опани дафн этишди. Сирли ўлим сабабларини топиш қасдида кимлардир келган кўринади.

— Ростдан ҳам таёқдан ясалган қўғирчоқ экан, экинни қўриқлаш учун ўртага ўрнатиб қўйишган экан, — деди аёл.

Лобар ҳайрон бўлди.

— Ўша вақтларда ҳам полиз қўриқчиси бўлганми, Ризвон опа?

— “Суст хотин” қаердан чиққан? Қўғирчоқ яқинда ўйлаб топилмаган, синглим.

— Хўп, ишондим дейлик. Қўғирчоқнинг жони бормикан? Ҳомиладор қизниқига қандай борган? Воқеа айни шу кунлари бўлган деяпсиз, демак, март ойи деб ҳисоблаймиз. Янада ҳайрон қоларли бир савол туғилади: эрта баҳорда полиз қўриқчиси нима қилиб турган экан? Йўқ, бунга ишонмайман.

— Шунинг учун ҳам бу афсона, — деди аёл лабларини чапиллатиб. — Ҳали охиригача айтганим йўқ. Шаҳарликсизда, дарров камчилик топишга уринасиз.

— Эшитайлик-чи охирини.

— Чақалоқ туғилмасдан кимгадир иккинчи хотинликка беришмоқчи бўлибди бечора қизни. Лекин кунлардан бир куни ўз-ўзидан ўлиб қопти.

— Ким? — қулоғи динг бўлди Лобарнинг.

— Ўша қиз.

— Қаерда?

— Отасининг уйида.

— Илон-пилон чақибдими? — Лобарнинг қошлари чимирилди.

— Вой, кўкламда нега илон чақади? Атайлаб боқиб ўтирган илони бормиди? — деди Ризвонгул опа.

Лобар “Балх” меҳмонхонасидаги сирли ўлим ҳам муҳокамага қўшилиб кетади, деб ўйлади, лекин машинадагилар Омонгул опа ҳақида оғиз очишмади. Эрта баҳорда бу ерларда илон чақиб ўлиш ҳолатлари кузатилмас экан, нега табиб аёлнинг ўлимига илон сабабчи, десалар ҳамма ишонди?

— Атайлаб илон боқишадими? — деб сўради Лобар бир оздан сўнг.

— Илонлар маконидасиз, сингилгинам, уни боқишнинг нима ҳожати бор?! — деди Ризвон опа ва бирдан ёнидаги киши билан об-ҳаво ҳақида гаплаша бошлади, сал ўтмай суҳбат мавзуси селга бурилиб кетди.

Дарҳақиқат, тоғлар бошини қоп-қора булут аждаҳоси секин-аста ямлаб ютиб келмоқда эди.

\* \* \*

Биринчи қиз қишлоғидан бешинчисигача ўн чақиримча юришди. Тоғ йўли йўловчиларни ҳам, машинани ҳам қийнаб юборди. Айниқса, ёғоч кўприкдан ўтаётганда орқа гилдирак ёриққа тиқилиб қолди. Шундоқ кўприк тагида лойқа сой гувиллаб оқиб ётар, ногоҳон тушиб кетган одам фарқ бўлиб ўлиши тайин эди.

Лобар умрида бунчалик узун қишлоқни кўрмаганди. Ҳар бирига алоҳида ном қўйса ярашгулик қишлоқлар эди улар.

— Юринг, раҳматли табибимизнинг уйини ўзим кўрсатаман, — деди Ризвонгул опа. — Лекин ичкарига кирмайман, “Соҳиба” деб чақирсангиз, қизи чиқади. Бугун шаҳарга қайтиб кетолмайсиз-ов, бир кеча қаерда ётмоқчисиз? Омонгул опанинг эри, мен сизга айтсам... яхши одаммас. Бизникига кела қолинг, отимни айтсангиз, ёш бола ҳам кўрсатиб беради уйимни. Ҳув ана, тегирмон! Ушанинг орқасида.

— Омонгул опанинг синглиси бор-ку!

— Э, синглисини танийсизми?

— Йўқ, эшитганман, холос. Исми Дилруҳ, шундайми?



— Дилруҳ, — бош силқиди аёл.

Бешқиз уйлари сариқ лой билан сувалган, деразалари фақат ҳовлига қараган, шиферли, пастак уйлар эди. Бекорчи одамлар бирор тош ёки ғўлага ўтириб, ўтган-кетганларга еб қўйгудек тикилардилар. Лобарни кўриб-ку, буткул анграйиб қолишди. Итлар ҳам айнан Лобарга ҳурди, худди “Балх” меҳмонхонаси олдидагидек.

Ёнига таппи тахлаб қўйилган молхона орқасидаги кўча анча юқорилаб, девори нураган ҳожатхона ёнида яна пастлаб кетарди. Шу ерга етганларида, Ризвонгул опа:

— Ие, Дилруҳнинг ўзи келаяптими? — деди қувониб. — Ҳозир таништириб қўяман.

Лобар юқоридан хомуш тушиб келаётган кўҳликкина жувонни кўрди. Узун кўк кўйлак, яшил нимча, бошида оқ рўмол. У рўпарадагиларга бир қарадию, яна бош эгди.

— Меҳмон олиб келаяпман, — деди Ризвонгул опа.

Дилруҳ илкис бош кўтариб, саломлашди, кейин сиёик оҳангда:

— Бизгами? — деди.

— Опанг раҳматлининг доврўғини эшитган экану, тириклигида келолмабди. Бандалик қилганини эшитиб, жигарларидан кўнгили сўрай, яшаган жойларини кўрай, дебди. Исми Лобар, Самарқанддан. Магазинда сотувчи бўлиб ишлаган экан, ҳозир бекор...

Дилруҳ бошини билинар-билинемас қимирлатиб, индамай қулоқ солиб тураверди. Хаёли жойида эмаслигини сезган Лобар деди:

— Агар вақтингиз бўлса, мени опангизникига эргаштириб борсангиз, дуои фотиҳа қилай. Кун ҳам ҳадемай кеч бўлади.

Ризвонгул опа кетгач, Лобар Дилруҳни тўхтатди.

— Сингилжон, — деди атрофга бир қур кўз югуртиргач, — иккимиз холироқда гаплашиб олишимиз керак, билмадим, поччангиз қанақа одам, унинг олдида гаплашолмасак керак...

— Поччалар қанақа одам бўларди? Ҳаммаси бир гўр, — деди жувон.

Лобар ҳақиқатан ҳам Омонгул опанинг эрини кўпчилик жинидан ортиқ ёмон кўришини тушунди. Дилруҳнинг гапида эса почча зотига нисбатан анча-мунча нафрат ўтлари гурилларди.

— Нима қилдик? Поччангизникига борамизми ё сизникига?

— Иккимиз гаплашиб олишимиз керак, деяпсиз, бундан чиқди, гапингиз менга тааллуқли, шекилли? Ундай бўлса, бизникига борамиз.

— Шундай қилайлик.

— Тўғриси айтинг, кимсиз? — деди Дилруҳ орқага қайтаётганларида. — Шунча узоқдан ёлғиз ўзингиз кўнгил сўрашга келганингизга ишонмайман.

— Опангизни тушимда кўрдим, Саида синглим ўлган, Дилруҳ синглимга учраш, деди. Сиз нимадандир хавотирда экансиз... Тўғрими?

Дилруҳнинг кўзлари ҳозир йиғлавораман, дегандек пирпираб кетдию битта бурун тортилиши билан тийилди.

— Нега сизнинг тушингизга кирган? Кечирасиз, мен... мен ишонолмайман бу гапларга. — Дилруҳ рўмолчасини чиқарди. — Шошманг, балки опам сизнинг олдингизга боргандир?

— Тез хулоса қиларкансиз, — деди Лобар. — Фақат туҳмат қилиб қўйишдан қўрқсангиз бас.

Дилруҳ кўзларини катта-катта очиб, Лобарга эш бўлганча оғзига тикилиб кетавёрди, кейин... барибир йиғлаб юборди.

— Билсангиз айтинг, опам нега у ёққа борди? Нега ўлиб қолди? Илон-пилон чақмаган! Илон билан шуғулланмасди! Гиёҳ билан даволаган, дамламалар ичирган... Лекин илон билан эмас!

— Бу ҳақда билмайман, лекин билишни истайман, келишимдан яна бир мақсадим ҳам шу, — деди Лобар. — Нима учун эканлигини уйингизда борганда тушунтираман. Аввал айтинг, опангиз вафот этгандан сўнг кимлардир ул-бул суриштириб келдимиз? Ахир, опангиз илон билан шуғулланмаслигини биларкансиз, керакли жойларга даъво қилгандирсиз?

— Ҳеч нарса қилмадим. “Ул-бул” деганингизга келсак, нимани назарда тутаяпсиз? Пулними?

— Йўқ, турли маълумотларни. Масалан, милиция ёки бошқа бир органнинг фуқароча кийинган ходимлари алланималарни ахтардимиз?

— Поччамнинг олдига “Жигули”да икки-уч марта келиб, қўл қўйдириб кетганларини биламан.

— Фақат милицияданми?

— Ҳа.

— Бошқа ҳеч ким келмаган, сизни ҳам безовта қилмаган...  
Ҳм, тушунарли.

— Кўнглим сезаяпти, сиз аниқ биласиз, опа.

— Келинг, сир яширмасликка шартлашамиз, — деди Лобар чапаниларча қўл узатиб: — Бундан фақат сиз ютасиз. Чунки мён қизиқишимнинг ортидан эргашиб юрибман, холос. Сиз эса жиддий муаммога учрагансиз, бир эмас, икки опангиз... вафот этди.

Лобар унга ишониш мумкинлигига амин эди. Кўргуликлардан адо бўлаётгани шундоқ ҳам аён-ошкор. Нафсиларни айтганда, бояқишнинг бирор дардкаши қолмаган эди бу дунёда. Ўша кеча Омонгул опа айтган безовталиқ, дилгирлик, таҳлика кўзларида жо-бажо.

— Бўпти, уйга борайлик. Анави қирнинг орқасида.

Лобар Самарқанд нони солинган сумкани узатди, жувон шуни кутгандек лом-мим демай олди-да, қадамини тезлатди. Эгилган боши, мунғайиб қадам ташлаши, ҳар замонда бурнини тортиб қўйиши одамни эзиб юборарди. Понтийнинг гапи ҳақ бўлса, Фолкстон қарталари изидан “Викинг” тўдаси қашқирлари ҳид олиб юришибди. Европадаги сирли қотилликларга муаллифлик қилган, Швейцария банкларини ўмаришга уринган, бир қанча казиноларга ҳукм ўтказган, ҳатто Италия мафияси билан ҳудуд талашган кимсаларнинг Бешқиздаги опа-сингилларда нима хусумати бўлиши мумкин? Наҳотки, Омонгул опанинг умрига ўша даҳшатли ташкилот малайлари нуқта қўйди? Қарталар учунми? Қарталар Лобарда экан, нега таҳдид

қилишмаяпти? Ва лаънатга учраган бу қарталар Европадан Марказий Осиёдаги тоғлар орасига қандай келиб қолди?

Қир этагидаги йўл лойга ботиб ётарди. Кўкаламзор оралаб ўтишаётганда, Лобарнинг оёғи тойғониб кетдию йиқилиб тушаёзди. “Вой” деганини Дилруҳнинг эшитгани ҳақиқат эди, аммо қайирилиб-да қарамади. “Демак, сизга кўп ҳам ишонмаслигимиз лозим”, — деди Лобар ичида иддао билан.

Қўйхоналари ва оғиллари чўзилиб кетган айвонли уй кўринди. Эшакдек ит дўриллаган товушда вовиллаган эди, Дилруҳ: “Ёт, Қоплон!” дейиши билан овозини ўчирди-да, суяк гажишда давом этди.

— Ая, холамларникидан келаяпсизми? — сўради етти ёшлардаги қиз.

У Дилруҳга қуйиб қўйгандек ўхшарди. Лобарни ҳайратга солгани — она-бола ўртасида кўпи билан ўн тўрт-ўн беш ёш фарқ бор эди.

— Қизингизми? — сўради Лобар ишонқирамай.

— Йўқ... аниқроғи, ҳа, — деди Дилруҳ пешвоз чиққан қизнинг бошини силаб. — Меҳмонга салом бермайсанми, қизим? Уят бўлади-я!

Бир чойнак чой дамлаб, нон синдиргач, ҳазин оҳангда сўзлади:

— Лобар опа, бу уй Саида опамники, бояги қиз ҳам аслида жияним. Мен... биласизми, мажбурият юзасидан поччамга турмушга чиққанман... Жиянларинг ўгай она қўлида қолмасин, ўксимасин, деб қариндошлар кўярда-қўймай... шундай қилишди. Қисматимдан ўкинмай яшайман, дегандим. Афсуски... — Дилруҳнинг кўзлари филт-филт ёшга тўлди. — ...афсуски, биринчи никоҳ кечасидаёқ хато қилганимни англадим. Узр, куёв ва келин ўртасидаги муносабатни назарда тутмаяпман... Мен ўша тунда, ўша бехосият ёмғирли тунда опамнинг овозини эшитдим... Аввалига шундай туюлаётгандир, деб ўйладим. Кейин эса аниқ-тиниқ эшитдим... Энг даҳшати, бу овоз қаердан келганини биласизми?

— Хўш, қаердан экан? — деб Лобар беихтиёр уй ичига аланглади.

Дилруҳнинг кўзлари асабий пирпираб кетди. Неча ойдирки, мазкур сирни сақлаб, эзилиб юргани, охири дамларда бундан янада қийналаётгани, мудҳиш қисмат нуқси бутун борлиғига уриб қолгани — барчаси зоҳир эди. Омонгул опанинг заҳил юзини эслаб, опа-сингиллар узоқ вақт ўлимга усталик ила тайёрлаб борилаётганига амин бўлди. Қотил Европада эмас, шу қишлоқда бўлиши керак эди, назарида.

— Уйнинг орқасидан, — кўз ёшларини артиб, имо қилди Дилруҳ.

— Уйнинг орқасидан? Айнан уйнинг орқасидан эшитилишининг алоҳида муҳим аҳамияти борми? Менимча, арвоҳ йиғисини эшитишингизнинг ўзиёқ қўрқинчли. Қаердан эшитилгани эса иккинчи масала. Тўғрими?

Дилруҳ Лобарга ҳадик аралаш тикилди. У меҳмон жувон илк суриштирувлардан кейин бас қилади, фақат кўнгилни кўтарадиган гаплар билан кифояланади, деб чўтлаган, бунчалик тергашини, бир нимани биладигандек ижикилаб савол беришини асло кутмаган эди. Кўчада эътибор бермаган экан, кўзларида ҳеч бир аёлда кўрмаган совуқ қатъият намён эди Лобарнинг. Модомики, опанининг ўлими юзасидан қелиб, сабабларни ойдинлаштирмоқчими, шаҳарлик хотинга нега ёрдам бермасин?

— Уйнинг орқасидан деганимнинг маъноси катта, — овозини пасайтирди Дилруҳ, — опамнинг ўлигини ўша ердан топишган. Бечора ярим кечаси нега у ёққа ўтган, тушунмаяпман. Буни бировга айтсам, устимдан кулади. Хожатга чиққан, деб жиғимга тегади бу калтафаҳмлар.

— Ёмғир ёққанмиди?

— Ўлган куними? Йўқ. Нега ёмғирни сўраяпсиз? Опам ёзда вафот этган, булутсиз кунда.

— Омонгул опангиз ўлишидан аввал эса ёмғир ёққан. Балки Саида опангиз ёмғирдан кейин бир кун-икки кундан сўнг ўлгандир? Эсланг.

– Фожиадан аввалми?.. Ҳа, бир кун бурун ёмғир ёғиб ўтганди. Нега эсимдан чиқар экан, ахир бизникига келганида калишлари лой эди.

– Бирор иш билан келган эканми?

– Ўзимни ўқитиб юборишим керак, ёмон тушлар кўраяпман, деди. Энам қучли бир муллани билади...

– Мулла деяпсизми?

– Ҳа, оддий мулла.

Лобар айтсамми-айтмасамми, деб иккиланиб қолди. Кейин аста қармоқ ташлади:

– Мабодо Омонгул опангиз ҳам шундай қилмаганми? Ўзини ўқитиб юбориш ҳақида гапирганини эсларсиз?

– Йўқ, у кишининг ўзи бировларни ўқигич эди. Табиблик, бахшилик, ҳаттоки, фолбинлик ҳам қила оларди. Охирги кунлари бирдан чўкиб қолди, ўлганини эшитдим у бу ерда бир гап борлигини тушундим:

– Мулла ҳақида сўраганимнинг бойси, Омонгул опангиз машъум воқеадан сал аввал мулла ахтарган. Бундан хабарингиз бор-йўқлигини аниқлаш учун гапни бир айлантриб кўрдим, узр.

– Муллани қаёқдан биласиз? Мен... ҳозир эшитиб турган жойим.

– Меҳмонхонада ишлайдиган бир кишини гапга солдим, айтиб берди. Ҳайрон қолаётганим шуки, Омонгул опангиз ўзини ўқитиш мақсадида эмас... Опангиз... айтиш бир оз ноқулайку-я... никоҳ ўқитмоқчи бўлган.

– Никоҳ ўқитмоқчи бўлган? Қанақасига?..

– Сизнингча, кимни никоҳлатмоқчи бўлган? Шаҳарда қариндош тугул, бирор таниши ҳам бўлмаган экан?

– Миям тормозланиб қолган, опа... Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти... Опам никоҳ ўқитишга мулла суриштиргани... Тавба, одам ишонмайди.

– Опангиз ҳақида тўппа-тўғри шу ерга келиб суриштираётганим йўқ. Айтдим-ку, меҳмонхона ходимларини гапга солдим, деб... Ростини айтганда, илон чақиб ўлганига ишонмадим, Дилруҳ. У киши илон боқмас экан-ку?

— Шунинг учун ҳам ишонмай ўтирибмиз.

— Йилонга чақтириб ўлдиришмаганмикан, деб ўйлаб қолдим.

Дилруҳ мунғайиб ўтирган эди, бу гапдан сўнг жон кириб, юз-кўзида умидворликка ўхшаш аломатлар зуҳурланди.

— Шунақа бўлиши мумкинми? Тўғриси айтинг, Лобар опа, кимсиз ўзи? Мелисада агент аёллар ишлайди, деб эшитгандим, агентмисиз?

— Йўқ.

— Саволларингизга қараганда, оддий аёл эмассиз. Нега очиқчасига тергов қилмаяпсиз? Мен синглизиман-ку! Кимдадир гумонингиз борми? Келинг, биргаликда аниқлайлик, жон деб ёрдам бераман, опажон.

Лобар бирпас сукутга чўмди.

— Гумондан ҳам баттари... — деди пиёлани дўқ этиб қўйиб. — Кимлигимни айтсам, ишонасизми?

— Ишонаман, айтинг. Ёлғончи аёлга ҳеч ҳам ўхшамайсиз.

— Собиқ поччангиз, бугунги кунда эрингиз бўлмиш одам Саида опангиз ўлган кунни уйда бўлганми, йўқми, асл касби нима, қандай иш билан шуғулланади — шуларни айтинг, кейин кимлигимни айтаман. Сўраганим сизга қийин эмасдир?

Дилруҳ “бу билан нима демоқчисиз ўзи?” дегандек сергак тортди, кўз қорачиқлари қанчалар тез ўйнаб кетганини кўрган Лобар қарта чийланаётганда “қарға” ва “чиўлик”нинг алвон белгилардан фарқли ўлароқ ажабтовур рақс тушишини эслади.

— Хўжайиним гумонда экан-да! Майли...

Лобар бош қимирлатиб, бармоқларини қовуштирди, қимтилган лаблари Дилруҳда “шак-шубҳасиз, бу аёл милициядан, у эрим ҳақида маълумот тўплашга юборилган”, деган ўй туғдирди.

— Хўжайинимнинг исми Иқроор, шу қишлоқдан, мана, уйда ўтирибсиз. Қишлоқнинг саккиз йиллик мактабини тугатиб, тоғ этагидаги ўн йилликда икки йил ўқиган. Сўнг туман марказидаги билим юртида бир йил дурадгорликда ўқиб, ташлаб кетган. Авваллари қўй боқарди. Саида опамга

уйланганда ҳам чўпон эди, тоғ бошида ҳафталаб қолиб кетганини эслайман. Энди ҳеч қаерда ишламайди. Ҷзи ёмон одам эмас. Опам ўлган кун эса уйда бўлмаган, тўйга кетиб, оғайниларианикида қолиб кетган.

— Бор гапингиз шуми?

— Айтаман десам гап кўп, сўранг, жавоб бераман. Нимага асосланиб у кишидан гумон қиляяпсизлар ўзи?

— Аввал баъзи саволларимга жавоб беринг. Иқроп ака армияга ёки чет элга борганми? Тожикистон яқин экан, балки охириги вақтларда Тожикистонга боргандир, Россияда ишлаб келгандир?

Дилруҳнинг ранги сезиларли даражада оқариб кетди.

— Бундан чиқди... милициядан ҳам катта органдан келганга ўхшайсиз... Чет эл деяпсиз...

— Мен қартабозман, — деди Лобар ниҳоят кимлигини ошкор этиб, — бир вақтлар қимор ўйнаб, дунёнинг яримини кезиб чиққанман.

— Кимман дедингиз? — ёқасини ғижимлаб, ҳолсизланди Дилруҳ.

Лобар дастурхонга энгашиб, кўк чойдан бир пиёла қуйиб берди.

— Қишлоқ одамлари органдан бунча қўрқишмаса-я? — деди кулимсираб. — Ростдан қарта ўйнайдиган аёлман, милицияю бошқа органларга умуман алоқам йўқ. Лекин ҳозир ташлаб юборганман бемаза касбни. Тагин қарта ўйнайдиган одатим борлигини бирортага гуллаб қўйманг; ҳозирча буни сир сақлашимиз шарт.

Дилруҳ кўзларини чирт юмиб олди. Лобарнинг миясига ярқ этиб бир ўй келди: “Балки у Фолкстон қарталарининг даҳшатидан боҳабардир ва дабдурустдан уйида қартабознинг пайдо бўлишидан довдираб қолгандир?”

— Қарталар ҳақида нимадир биласиз чоғи? — шошиб сўради Лобар. — Менга қаранг, билсангиз, ҳеч вақони яширмай рўй-рост гапириб беринг. Менинг эмас, сизнинг ҳаётингиз устида гап кетаётганини эслатиб ўтирмай.

— Ўз тилингиздан илиндингиз, энди сиз ҳам бор ҳақиқатни гапиринг, Лобар опа. Раҳматли опам қайсидир



шаҳарда қарта ўйинларида ҳеч ким бас келолмайдиган аёл бор, деганди. Демак, борлигингиз чин экан. Опам шаҳарга сиз билан учрашгани борган. Топдимми?

— Ҳа, — деди Лобар, — тушимда кўрдим, деб алдадим. Опангиз уйимга қидириб борди. Алдаганимнинг сабаби, сиз билан, опангизнинг оила аъзолари била гаплашиб олиш эди. Ҳаммасини тўғри-тўғри айтиб ташласам, кўчага қувиб соласизлар, деб кўрқдим. Милиция чақириб, алламбало даъволар қилишларингиз ҳам мумкин эди. Сиз бу қарталарни танисангиз керак?

Лобар упа қутисига яширилган Фолкстон қарталари бойламини олиб Дилруҳга кўрсатди.

— Ўша... худди ўша... — кўз қирини ташлади Дилруҳ.

— Сизларга қаердан келиб қолган?

— Опам уйимдан олиб кетган, менга эса қўшнининг боласи қудуқдан чиқариб берган.

— Қанақа қудуқдан?

— Уй орқасида сувсиз эски қудуқ бор. Бир куни фонар тутиб қарасам, қарталар кўринаяпти.

— Қандай қилиб қудуқда пайдо бўлиб қолган?

— Никоҳ кечам ҳақида гапираётиб, чалғиб кетдик, опа. Биласизми, ўшанда чимилдиқда ўтириб, бир умр яшайдиган одамимни, ўз поччамни минг бир азоб билан кутаётгандим. Ҳаётимдаги энг қора кун эди. Шунда бошим айландими, ақлдан оза бошладимми, опамнинг овозини эшитдим. У: “Қотил!.. Одамхўр!.. Энди синглим хотин бўлаяпти... Ўрнимни бермайман... бермайман...” деяётгандек эди. Лекин, нима десам экан; ноаниқ овоз эди, ўзимга-ўзим гапираётгандек, садо ҳам кўп ўйлайверганимдан ҳаёлимдагина жаранглаётгандек туюлди. Кейин уй орқасида мушук миёвлади. Миёвлаш секунди-аста йиғиға айланди. Опамнинг овозини таниб, чинқириб юбораёздим. Етти кун тақрорланди бу ҳол. Етти кун қовушолмадик. Аҳийри, мулла чақириб, ўқитиб юборишгач, васвасадан қутулдим. Биз эр-хотин бўлганимиз билан ҳозиргача кўзимизга тик қараёлмаймиз, иккимиз ҳам хато қилганимизни тушундик. Поччам бошқа қизга уйланиши керак эди...

— Масала бу ҳақда эмас, — деб Лобар Дилруҳни яна мавзу марказига қайтарди. — Опангиз ўлган жой ва қарта топилган қудуқ ҳақида айтиб беринг, илтимос.

— Шошманг, ҳаммасини билишни истасангиз, сабр билан эшитинг. Уй орқасига кундуз ҳам ҳеч ким ўтмайди, дўлана шохлари билан ўралган уч сотихча ташландиқ жой. Уйдан беш-олти қадам нарида қудуқ бор. Опам уй билан қудуқ ўртасида жон берган. Жасадини текшириб кўрганлар юраги ёрилиб ўлган, деб тахмин қилишди. Ишондик, экспертиза қилдирмадик. Тиг тегмаган одам жаннати бўлади, деб ҳамма маъқуллади бизни. Тўрт ойдан сўнг поччам уйланаётганини эшитдик. Болалари ёш эди, йиллаб аза тутолмасди ҳам. Бунинг устига у киши ҳақида бўлмағур гаплар тарқалиб кетди. Хотинининг ўлимидан кейин девонага ўхшаб қолган, тоққа чиқиб кетиб, кечгача дарбадар кезармиш, ўзига-ўзи гапирармиш. Хуллас, иккинчи Қизқишлоқдан битта қиз топиб, уйланмоқчи бўлганини эшитган қариндошларим менга ёпишиб олишди. “Жиянларингга кун бермайди, ўзининг онасини урган у махлуқ!”, “Вой десанг ҳам, дод десанг ҳам, Иқрорга тегасан” деб ҳаммаси ҳар томондан талаб ташлашди. Ҳеч иложим қолмади. У кишига эндигина кўниккан кунларим ҳадеб тушимга қудуқ кираверди. Бир куни қопқоғини очиб қарадим, қарта илиниб қолган экан. Фонар тутган эдим, тубида анча-мунчаси сочилиб ётганини кўрдим.

— Қўшни бола ҳозир қаерда? — сўради Лобар.

— Уйда. Ҳеч кимга айтма деб қасам ичирдим, пул бердим. Ёлғиз учратсам, ҳалигача сўрайман, бола бояқиш сир сақлайди.

— Нима учун бошқалардан сир тутдингиз?

— Опамнинг ўлимига шу қарталар сабабчидек туюлаверди. Кимгадир кўрсатсам, мени тентакка чиқариб, қарталарни йўқотиб юборишидан қўрқаман. Чунки булар менга бир кун келиб далил бўлишига ўз-ўзидан ишониб қолганман. Ишончим ўзини оқлаётганга ўхшаяпти-ку, а?! Поччам қарта ўйнамаган, қўшнилари

ҳам ўйнаганини эслолмайман. Нега энди опам болалари билан ёлғиз қолган тунда уй орқасига чиқади? Нима учун қудуқ тушимга кираверади? Менимча, йиғи ҳам, “қотил”, “одамхўр” деган садолар ҳам беҳосият қудуқдан чиққандек. Бу Омонгул опамга ҳам аён берган экан, қарталар ҳақида гапиришга мажбур бўлдим.

— Кейин қарталарни олиб кетдимиз?

— Ўз қўлим билан берган эмасман. Бир кун қарасам, тахмон орасида турган нарса ўз-ўзидан ғойиб бўлиб қолибди. Опамга бордим. “Сен аралашма, ёшсан, ҳаммасини ўзим ҳал қиламан”, деди. Қарталар туфайли бу опам ҳам ўлишини билганимда, йиғлаб тармашардим, олиб қўйиб сойга отардим.

— Эрингиз ҳеч нима билмайдими?

— У кишига кўрсатганим йўқ.

— Чиндан профессионал қартабозман, сингилжоним, — деди Лобар. — Тарихим сизникидан ўн барабар узун. Бу қарталарни опангиз менга бериб, ёрдам сўради. Саида синглим ўлди, Дилруҳ ҳам безовта, деди. Ёмғир шаррос қуйиб турган ярим кечада кўча ўртасида учрашдик, икки оғиз гаплашдик, холос. Эрталаб ҳаммасини сўзлаб бермоқчи эди. Лекин вақтида етиб боролмадим. Боргунимча ўлиб бўлган экан. Ўша кундан бери безовтаман. Тушимга кираяпти, демоқчи эмасман. Бу ишнинг тагига мен етишим керак, тушунайсизми, мен! Буни опангиз яхшигина фаҳмлаган. Қутқариб қололмаганим учун қанчалар қийналаётганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бу ерга келгунимча қаерларга бормадим дейсиз! Касалнинг жонини сақлаб қололмаган врач виждон азобида қоладими? Қолади! Лекин беморнинг касал бўлишига айнан ўша врач айбдор эмас-ку! Фолкстон қарталари Саида опангизга жўнатилган, бунда менинг айбим йўқ...

— Саида опамга жўнатилган? Ким жўнағади?

— Ким, нима сабабдан юборганини аниқлаш учун сизникида ўтирибман. Инглиз қарталарида ўлим белгиси бор, бу белгиларни унча-мунча одам тополмайди. Ва бу

ўлим ўтган йили юз бериши ишора қилинган. Диққат билан қаранг, кўрдингизми? Хулоса шуқи, Саида-опангиз қартани олгач, кўп ўтмай вафот этиши керак эди.

— Нега энди?.. — Дилруҳнинг газаби жўшиб келди.

— Ҳамма гап шундаки, бу ўйин қартаси эмас, ўлим қартаси, тушунаётгандирсиз? Уладиган одамга олдиндан юборилади.

— Нега айнан Саида опамга? Нима айби бор эди, ахир? Барибир гапингизга тушунмаяпман, ҳар куни дунёда қанча одам ўлиб, қанчаси туғилади...

— Қулоқ солинг, — Лобар Дилруҳга яқинроқ сурилди, — чойингизни ичинг, яна бир муҳим гап айтаман.

Дилруҳ қўллари қалтираб чойни симириди. Ҳовлида ит бўғиқ овозда эриниб вовиллади, қаердадир яқин-орада эшак ҳангради. Уй анчайин салқин эса-да, тобора қизиб бораётганига Лобар ҳайрон эди.

— Эрингиз бу ишда асосий гумондор. У ашаддий қиморбоз.

— Бўлиши мумкин эмас! Ҳеч қачон қарта ўйнамаган!

— Нима, унда Саида опангиз қиморбоз экан-да? Чекка тоғ қишлоғида яшовчи оддий уй бекаси даҳшатли ва қонхўр қимор мафиясининг жиғига теккан! Узр, бундай хулоса чиқаролмайман, Дилруҳжон!..

Яна ит вовиллади. Лобар:

— Иқрор акани синаб кўришим учун менга бугун кечаси бирон имконият қилиб бероласизми? — деб сўради Дилруҳга илтижоли боқиб. — Фақат рашк қилманг, бузуқ эмасман. Қўлимдаги Фолкстон қарталари. Бу қарталар билан шуғулланадиган одамларнинг занжири Европа казиноларига уланган. Мен бир учини топиб олсам, охиригача борардим. Бу — ўзим учун ҳам керак. Бир неча йилдан бери дом-дараксиз кетган бир жиноятчи билан учрашмоқчиман. У собиқ эрим, яъни иккинчиси. Бировлар Францияда, бировлар Англияда дейишади, лекин Италияда деб гумон қиляпман. Уни топиб, бир гаплашмоқчиман.

Дилруҳ пиёлани кўтарди, лекин чой тугагани боис

ҳавони ҳўплагани эшитилди. Шундай эса-да, ҳаракатини яна тақрўрлаб, кейин пиёла тубига ҳардамхаёллик-ила қараб қўйди.

— Демак, қотил қиморбозлар билан алоқангиз бор экан-да? — сўради у беихтиёр оғзи қийшайиб.

— Ҳеч ҳам алоқам йўқ. Дунёнинг кўплаб қиморхоналарида мендан таъзирини ейишган. Лекин энди сувга тушган тошдек гўм бўлиб кетишди: Сизга айтган одамим, унинг атрофидагилар қиморбоз эмас. Европа казиноларига боғланган занжир, деб собиқ эрим биладиган ўта ваҳший, каззоб, жинойт фанининг профессорларидан тузилган бир тўдани назарда тутдим. Бахтсизликларда уларнинг қўли бор. Фолкстон қарталари бунинг исботи. Менимча, кимларнидир ўта сирли равишда ўлдириб, шундан ҳузурланишса керак. Лекин, биласизми, қанчалик ваҳший бўлишмасин, катта қиморга алоқадор жинойтчилар мени шу вақтгача ўлдириб юборишмади. Яқин-ўртада безовта қилишмади ҳам. Опангиз келган кунни ҳисобга олмаганда, албатта.

— Тушунмадим, айтмоқчисизки...

— Омонгул опа келишидан сал аввал менга интернетдан “смс” юборилган. Мазмуни шундайки, кўчага гувоҳсиз чиқишим, кутиб турган қандайдир одам билан учрашим керак, агар сал кечиксам, кейин ўзим ахтариб боришимга тўғри келади.

Дилруҳ карахт ҳолда бош силкиди, аммо тушунмаётгани юз-кўзидан аён эди.

— Сизга ярим кечаси шундай “смс” келсаю, ташқарига қарасангиз бир шарпа турибди, чиқармидингиз? Чиқмасдингиз. Мен эса тайёр эдим. Ташқарига чиққанимда, теракдек узун шарпа ғойиб бўлиб, ўрнида опангиз турарди. Сирли кимса жўнаб қолган, опангиз эса уйимни топиб келганидан сўнг қандай чақиришни билмай, иккиланаётган эди. Бекорга бунга бош суқмаганимнинг яна бир сабаби шу, синглим. Мен билан учрашмоқчи бўлган новча шарпани сиз ким деб ўйлайсиз? Опангиз ва ўша одамнинг бир-бирига алоқаси бўлганми? Йўқ, улар

тасодифан бир вақтда мени ахтариб келишган. Аммо бир масала бўйича иши тушган.

— Қайси масала?

— Қайси масала бўларди, Фолкстон қарталари-да!

— Уларда ҳам шунақа қарта бўлган дейсизми? — қовоқ солди Дилруҳ. — Ўша новча шарпангизни айтаман-да! Гапларингизнинг яримидан кўпи ёлғонга ўхшаяпти.

— Ёлғон билан тахминнинг фарқига борасизми? Сизни алдашдан менга нима наф? Уйлаб-уйлаб шу хулосага келдим: Омонгул опа қишлоқдан чиққанидан хабар топиб, улар мени ўзларига қаратиб олмоқчи бўлишгандир? Нега деганда, Саида опангизнинг ўлимига писанда қилинган қартадаги махфий белгиларни бир қарашда билиб олишимдан қўрқишган.

Дилруҳ бурнини тортиб, янада хомуш бўлиб қолди. Шу ўтиришида бир бурда бўлиб кўринарди. Кейин рўмолини бир оз кўтариб, ёшли кўзларини Лобарга тикиб, синиқ товушда деди:

— Агар сиз айтгандек бўлса, нега... нега сизни ҳам... кечирасизку-я, ўлдиришмади?... Мелисага чақишингиздан қўрқар эканлар, қарта қўлингизга тушганидан кейин янада ташвишланиши керак эди-ку?! Кўча-пўчада йўлингизни тўсиб, бирор нима демаган бўлса... — Шу пайт Дилруҳ қудуқни эслаб, Лобарга қаради. — Қарталар бировнинг қўлига тушишидан қўрқишади, дейсиз, унда нега қудуқ ичига ташлаб кетишган?

— Худди шуниси исботланмаган, — Лобарнинг кўзларида ўт шуълаланди. — Опангизнинг ўзи қудуққа отиб юборишга улгурган бўлиши мумкин. Охирги вақтларда қандайдир ўйчанлиги, паришонлиги, тушкунлиги сизга ҳам очиқ сезилгандир? Ўзини ўқитишга мулла ахтаргани ҳам шунга далолат, шекилли.

— Бутунлай ўзгариб қолганди опам бояқиш.

— Қарталарни қаерга қўйишни билмай, ярим тунда уйдан шунинг учун чиққан. Уйига етмасдан эса ўлиб қолган... Яъни ўлдирилган.

Иккиси бир-биридан кўз узмай сўзсиз қотиб қолишди. Эшик қия очилиб, қизча бош суққан эди, Дилруҳ “ёп” маъносида қўл силтади.

— Мени гум қилиш у ёқда турсин, гаплашмаганлари ҳам жуда қизик, — деди Лобар. — Айтганингиз тўғри, нега қарталарни бир оғиз сўрашмади? Шунча ёлғиз юрсам ҳам ўлдиришга уринишмади. Ортимдан пойлашаётганини ҳам сезмаяпман.

— Бунинг сабаби иккинчи эрингизда деб ўйлайсизми? Жиноятчилар ўз туққан оналарини танимасалар керак, опа, эрингиз кимлигига қараб ўтиришармиди?

— Нима бўлгандаям... жумбоқларнинг тагида қандай сир борлигини билишни хоҳлайман, Дилруҳ! Ўлсам ҳам, сирни билиб ўламан. Менга қанчалик боғлиқлигини, аммо бунда айбим йўқлигини тўла-тўкис тушундингиз. Шу сабаб икки юз чақиримдан келиб юрибман, қарталардаги ўлим хабари, суиқасдлар — булар билан мен шуғулланишим керак, деб бежиз қақшамаяпман. Бошларингизга қора кунларни солган одамлар эрта-индин сув юзига қалқиб чиқади, қалқиб чиқмаганига ҳам қўймайман... — Лобар кўксини ушлаб, чуқур нафас олди. — Жонимга теккан! Шунчалик жонимга текканки, ўша одамни — иккинчи эримни топсам, атрофимдаги гавғоларга алоқадорлигини билсам, ўзимни ҳам, уни ҳам ўлдираман... Шу билан тинчийман... — Ундан шунчалик тўйганмисиз? — ишонқирамади Дилруҳ.

— Ўрнимда бўлганингизда бундан баттар қарорга келардингиз.

Бирпас бош эгиб ўтирганидан сўнг:

— Сиз... ўзингиз... ўрнимда бўлганингизда-чи? — деб сўради Дилруҳ.

Лобар унга синчков назар солиб, Иқроп ҳақида ўйлади.

— Опангизнинг ўлимига эрингиз сабабчи эканини билганингиздан кейин қандай яшардингиз, деб сўрамоқчимисиз?

— Ҳа. Опам ўз ажали билан ўлмаганини никоҳ кечасиёқ сезганман. Биринчи гумоним — раҳматли опамнинг овозини эшитганимда пайдо бўлган. Бир нимадан ҳорози эканки,

арвоҳи безовта. “Қонхўр”, “қотил” деганлари гойибдан келмаган, “арвоҳ шивирлади”, десам ҳам, балки гуноҳга ботарман. Лекин қандай товуш эди у? Эсим кирди-чикди бўлиб қолганидан аломатми? Ё Омонгул опамга ўхшаб менда ҳам жинлар билан гаплашиш иқтидори милт этдими Нима қилишни билмадим. Кейин поччам (энди эса эрим) Саида опамнинг қотили эмасмикан, деб ўйлаб қолдим... Бу... жудаям катта бахтсизлик... нима десам экан.. Бахтиқаролик!.. Душманимга ҳам раво кўрмайман... У энг яқин одамимгиз... эрингиз... Гумонингиз бор, даъво қилолмайсиз...

— Шуни исботлашимга ёрдам беришингизни сўраяпман, — дея Лобар хиёл энгашиди. — Иқрор ака қаерда?

— Тоққа чиқиб кетган, кечга яқин қайтади.

— Ҳеч қаерда ишламайди, дедингиз. Айнан бир йилдан бери нима иш қилади?

— Бизда кун бўйи ташқарида юрадиган эркаклар кўп. Тайинли бир касби бор деёлмайман, бу бекорчиликдан изғийди, деганим ҳам эмас. Биров молидан хабар олади, биров тош ағдаради. Кимлардир текисроқ ер топиб, деҳқончилик қилади. Гиёҳ териб сотиш ҳам бизнес.

— Хўш, шулардан бирини касб десак, қайси бири?

Дилруҳ ғалати саволга дуч келган каби оғиз очолмай, ўйланиб қолди, афтидан эрининг ҳозирги касби хусусида жиддийроқ ўйлаб кўрмаган, энди эса бекорчи, деб айтишга тили бормаётган эди.

— Ҳеч бири, — деб жавоб берди у. — Хўжайинимнинг ногирон эканлигини айтиш ёдимдан чиқибди. Иккала қўлининг панжасини Россияда станок кесиб кетган.

— Россияга борган экан-да! Бармоқлари йўқми?

— Бор... Ғалати бужмайиб қолган.

Лобар тез орада қандай одам билан юзма-юз келишини тушунди. Гарчи Шомил Лас-Вегасдаги учрашувда ўрталарида на муҳаббат, на никоҳ ришталари бўлса-да, Лобарнинг қўлидан тутган, бармоқларига худди Москва четидаги дала ҳовлидаги каби термулиб қолиб: “Қарта ақл ва бармоқлар муштарак келгандагина ғалаба ваъда қилади”, деганди. Кўп ўтмай гап орасида “Фолкстон



ўйини”га тўхталиб ўтиб, қарта ўйнашдан маҳрум қилиш учун бармоқларни мажақлаб ташлаш-жазоси-берлигини, буни қиморбозлар хиёнат қилган шерикларининг бошига солишини айтганди.

\* \* \*

Лобар учрашув онларини кута бошлади. Дилруҳнинг эри қиморбоз эканлиги исботлангандагина масаланинг ечими бўлади, деган хулосага келган эди. Бу орада Дилруҳ кечки овқатга уннади. Саида опадан икки қиз ва бир ўғил қолган экан, ул-бул юмуш билан куймаланиб юришларини кўриб, Лобар ҳам ичкарида ўтиролмади. Ўчоқ бошига бориб, тоғ аёлининг овқат пиширишини томоша қилди. Тобора қуюқлашаётган қора булутларга қараганини пайқаган Дилруҳ:

— Сел келмаса гўрга эди, — деди.

Бироқ Лобар табиат офатларини кўрмаган, умри шаҳарда ўтган жон эди. Дилруҳнинг ҳамма қатори рўзгор юмушларига кўмилиб олгани-кўпроқ ҳайратлантирди. Ахир, бир неча дақиқадан сўнг эрининг қотил эканлиги исботланиши, халқаро қимор мафияси тўрига илакишиб, Саидани, кейин эса Омонгул опани қурбонликка берган бўлиб чиқиши мумкин эди-да.

У эса ўчоқ тагини гуриллатиб, ош пиширмоқда.

— Сел келса нима бўлади? — сўради Лобар маҳзун тортиб.

— Ўзининг ўтадиган йўли бор. Бу ёққа келишингизда, сойни кўрдингизми?

— Ёғоч кўприкдан ўтдик, тагидан шарқираб сув оқиб ётганди.

— Селнинг йўли ўша ер. Агар, Худо кўрсатмасин, қишлоқ ораласа, пастликдаги уйларни ювиб кетиши мумкин. Кичкина қизчалигимда бутун бир подани оқизиб кетганини эслайман. Селдан олдин бирдан жимлик чўқади, қаердандир гувиллаган овоз эшитила бошлайди. Сал ўтмай юзингизга енгил шамол урилади. Том бўйи қоп-қора лойқа сув шиддат билан қутуриб келаётганини кўриб, табиатнинг

қудратига тан берасиз. Харсангтошми, теракми, тракторми, йўлидан нима чиқса оқизиб кетаверади.

— Офатлардан Худо сақласин, — деб қўйди Лобар.

Кейин қишлоқ йўлига кўз югуртириб, Иқроор ака деб гумон қилинган бирорта одамни кўрмади. Вақт борида уй орқасига ўтиб, Саида ўлган жойни, қарталар топилган эски қудуқни кўрмоқ истагини билдирди. Дилруҳ қизини чақирди:

— Назокат, бери кел. Холангга уйнинг орқасини кўрсат.

— Болага бекор айтдингиз, — деди Лобар, аммо қиз эшитиб бўлган, чопқиллаб келмоқда эди.

Зийраклик билан:

— Нега, ая? — деб қизиқсинди.

— Ҳеч нима. Ола сигирнинг бузоқчаси эмиб бўлганга ўхшайди, боғла.

— Уйнинг орқасини кўрсат, дедингиз-ку, — ўпкаланди қиз.

— Бузоқчага қара! — тўсатдан Дилруҳ шундай ўшқириб бердики, Лобарнинг қизчага раҳми келди.

— Қўявер, бузоқча яна беш дақиқа кўпроқ эмади, юрчи, — деб Назокатга қўл узатди.

Ким бўлишиндан қатъи назар агар инсоний хислатларни сақлай билсанг, тарих гуноҳларингдан ўтади, деган гапга Лобар ишонарди. Одамлар фоҳиша, қиморбоз, деб маломат тошларини отганда, замонлар келиб кимдир “у зўр аёл эди” дейишидан, шак-шубҳасиз, умид қиларди. Ҳеч бўлмаса, шу қизча айтади.

Уй орқаси ҳақиқатан уч сотихча ташландиқ макон экан. То қудуққача текисланган, беда экилган, олманинг қовжираб ётган новдасига қараганда, ўтган йили боғ қилишга урийиб кўрилганди. Қудуқдан сўнг чириган шох-шабба ихотаси чўпонларнинг яъжуж-маъжуж сурувларидан ҳовлини ҳимоялаш учун бунёд этилган. Кейин эса қир бошланади.

— Бу ер уйимизнинг орқаси, лекин биттаям дераза йўқ, ҳаммаси олдинда, — деди Назокат.

Овозидаги мунгни сезмаслик мумкин эмасди. Ҳар гал бу ерга кўзи тушганда кўнглидан нималар кечар экан? Ё шунчаки бехосият жой, деб ўйлармикан?

Лобар деворга тақаб қўйилган ўтинни суриб, зўрға ўтиб  
қлди:

— Даданг ҳеч кимни қўймайдими бу ёққа?

— Ўйнаманглар, деган. Шу ерда ўзимнинг аям ўлган, у  
киши эса аввал холам эди, Дилруҳ хола...

— Сен хафа бўлма, Назокат, хурсанд кунларинг кўп  
бўлади, туғилган кунлар, тўйлар, байрамлар... Тоғнинг  
тўйларига ўйинчилар келадими?

— Ҳа, келади. Сиз ҳам ўйинчимисиз?

— Ўхшайман-а?

Қизча уялиб, боши ила тасдиқлади. Лобар уй орқасидаги  
ҳазин йиғи ичкарига эшитилганига шубҳа қилиб, деворни  
синчиклаб кузатди, ҳеч қандай дарча йўқ эди. “Нега дарча  
ахтараяпман? — деди ўзига-ўзи. — У менга тирик одамнинг  
овозини эшитдим, дебмиди...”

Қудуқ оғзига темир қопқоқ ёпиб, шох-шабба бостириб  
қўйишган экан. Шу дамда қудуқ тубини фонарсиз кўриб  
бўлмасди. Алланечук сесканиш олган Лобар қопқоқни  
ёпаркан, деди:

— Вой-вў, жудаям қоронғи экан-ку! Авваллари ҳеч сув  
олишганми бундан?

— Йўқ, — деган кўрс овоз эшитилди.

Лобар ортига қарадию елкасига хуржун ташлаб олган,  
неча кундирки соч-соқолига устара тегмаган, сўлғин юзли  
эркакни кўрди. Назокатнинг сояси ҳам йўқ эди.

— Ассалому алайкум, сиз Дилруҳнинг хўжайинимисиз?  
— деб Лобар ҳозиргина ўзи йўл очган ихота ёнига келди.

— Кимсан? Нега бу ерда тимирскalaniб юрибсан? — дағал  
товушда тергади кимса.

— Менми?.. Умримда тимирскalaniб юрганимни  
эслолмайман...

Қаршисида тажрибали аёл турганини кимса бир қарашда  
пайқади ва шарт бурилиб, жўнаб қолди. Лобар ортидан  
борганида, хуржунини ўтин устига ташлаб, Дилруҳни  
қойимокда эди.

— Айт, бу ердан кетсин... кетсин! — деди у ва уйига кириб,  
эшикни шарақлатиб ёпди.

— Хўжайиним шу киши бўладилар... — мунгайди Дилруҳ.  
— Опамнинг маъракаларига келолмаган экан, бизникида бир кеча ётади, десам... тавба, бўкириб берди.

— Рўй-рост гаплашиб олсам нима дейсиз? Авраб бўладиган одамга ўхшамаяпти.

— Билмасам, жини тутиб турибди, гаплашолармикансиз?

Четдаги хонадан қарталарни олиб чиқди. Айвон орқали Иқрор аканинг хонасига ўтаркан, Дилруҳ ва болалари қанчалар қўрқув билан қараётганини кўриб, жилмайиб қўйди. Умри давомида фаолиятини бунчалик ҳадик билан, айниқса, норасидалар кузатиб туришганини “қора қарта рақси” афсунгари ҳеч ҳам кўрмаганди.

Ҳарқалай, одоб юзасидан эшик тақиллатган эди, жавоб бўлмади. Майишиб кетган пойабзал ўз эгасининг ғарибу нотавон кўйга тушганига гувоҳлик берарди. Лобарнинг қўллари қиморбозлару қаллоблар эшигини очолган, нега энди иккиланар экан? Жавоб бўлмагач, мажбурият ҳукмида остона ҳатлади. Иқрор ака ғазабдан бир меъёрда тебраниб ўтирарди.

— Хўш, энди айтарсан, — деди у қайирилиб-да қарамасдан,  
— қайси палид юборди уйимга?

— Манавилар, — деб Лобар Фолкстон қарталарини олача устига отиб юборди.

Тан олиш керак, қарталар тап этган онда Иқрор ака сесканиб тушди, ўгирилганида кўзлари қонга тўлиб бўлган эди. Бир муддат сас-садосиз кўз узмай ўтирди, кейин жағлари икки ёнга бориб-келиб, тишлари гижирлади.

— Нима бу?

— Фолкстон қарталари. Англияда ўйин учун ишлаб чиқилади, лекин нақшлари орасига бошқа қарталарга қараганда кўпроқ белги қўйиш мумкинлиги сабаб, бошқа мақсадларга ҳам хизмат қилади. Масалан, кимнидир оғоҳлантириш керак бўлса...

— Тўхтанг, сизни танидим, ахир, сиз... — Унинг юзидан қаҳр ифодалари сидирилиб тушиб, бинойидай эркакка айланди. — ...ахир, Лобар эмасмисиз?.. Ҳалиги... Шомилнинг хотини...

Лобар буни кутмаганди, илло керак бўлганида ҳар қандай мазмундаги гапга туриб бера олиш жиноят кўчасининг шартларидан эди. Киприк қоқмагани Иқроор аканинг эътиборидан четда қолмади чоғи, гапини такрорлади:

— Россиялик Шомил... Иккинчи эрингиз... чечен... Униси эса... биринчиси Москвада сизни қартадан ютқазиб қўйган... Кейин Шомил билан оила қургансиз... Кавказликларнинг уйида яшаб, катта қартабозга айлангансиз... Танидимми, йўқми?

— Йўқ.

— Бўлиши мумкинмас. — Иқроор ака ўрnidан турмоққа уриндию, ҳаддан ташқари чарчагани боис меҳмонни ўтиришга таклиф этишни мақбул топди.

— Ким биландир адаштираяпсиз, — деб Лобар пўстакка чўкди.

— Бўлмаса, буларни... қаердан биласиз? — қарталарга имо қилди Иқроор ака.

— Нимани биламан?

— Гапни айлантирманг, — У тиззалаб юриб келди. — Ҳозиргина Фолкстон қарталари ҳақида бир нималар дедингиз?

— Хўп, Лобарман, Фолкстон қарталари ҳақида бир нималар дедим. Сиз ҳам кимлигингизни айтарсиз.

— Хотинимдан сўрамадингизми? Ҳаммасини билиб олгандирсиз? Камлик қилаётган бўлса, сўранг, айтай. Бировлардан яширадиган сирим йўқ.

— Сўрашга сўрадиму... Қизик, у қиморбоз, қартабоз эканлигингизни билмас экан. Ё шунчалик “ўқитиб” ташлагансизки...

Иқроор ака илжайиб, тўмтоқ қўлини кўтарди.

— Лобар... Лобар, мен қиморбоз ҳам, қартабоз ҳам эмасман. Туҳмат қилиш яхшимас.

— Қарталарни кўриб, капалагингиз учиб кетди, ака. Бу — бир. Фолкстон қарталари ҳақида шундай гапирдингизки, илгаридан хабардорлигингиз билинди-қолди. Бу — икки. Учинчидан эса мени, айниқса, Шомил акани таниркансиз.

— Ҳа, уни Россияда кўрганман, — тўмтоқ қўлини ўйнатди уй эгаси.

— Бармоқларимни Шомил ака мажақлади, демоқчимисиз? Йўқ, мен таниган Шомил аканинг хотин, бола-чақасини қиморбозлар сўйиб кетишганидан кейин умрини уларга қарши курашишга бағишлаган. Ҳеч қачон қиморбознинг бармоқларини кесиб ёки синдириб ўтирмайди, шартта пешанасидан отади-қўяди.

— Қиморбоз бўлсам, нега мени отмади?

— Балки қайсидир маънода керагингиз бўлган. Ёки “Викинг” мафиясининг одамлари сизга чора кўргандан сўнг учратгансиз уни.

“Викинг” сўзини эшитганиданми, бошқа сабабданми, Иқроор ака биқинига ниқталган каби сапчиб тушди, шундай ўқрайиб қарадики, бундай дарғазаб башарани Лобар яқин-ўртада кўрмаган эди. Бурун парраклари керилиб, кўкраги бир маромда кўтарилиб-тушди, Лобардан кўз узмай бир неча сония қотиб ўтирди.

— Сезишимча, “Викинг” бўриларининг тузоғига тушиб қолганга ўхшайсиз, ака. Менимча, қартани қийиб юборадиган даражада ўйнашни улардан ўргангансиз. Бир куни нима бўлгану, ўртада келишмовчилик чиқиб, сизни жазолашган, яъни иккинчи марта қарта ўйнамайдиган, аниқроғи, ўйнолмайдиган қилишган. Индамай қўйиб юборишса, бошқа жойларни гуллатишингиз мумкин бўлган. Кўп ўтмай бу ҳам кифоя қилмаган. Қарта сирларини кимгадир ўргатишга урингансиз. “Ҳеч қачон ўйнамайман”, деб ичган қасамингиз бузилган, оқибатда хотинингиз Саида ўлдирилган.

— Ёлғон! — Иқроор ака хонтахтани чўлтоқ қўли билан тарсиллатиб урди. — Фол очманг, Лобар, фол очманг деяпман! Қўлларим станок орасида қолган!

— Фол эмас! Уларнинг қонун-қоидаларидан анча-мунча хабардорман.

— Ким етказган бўлса ҳам бекор айтибди!

— Ҳеч ким етказгани йўқ, хулоса чиқараяпман, холос. Неча

йил умрим чет элларда, қиморбозлар орасида ўтди, ахир!

— Мақсадингиз нима? Илтимос, мени қовламанглар! Тамом бўлган одам эканлигимни кўрмаяпсизларми? Хотиним ўлди, болаларим энасиз бўзлаб қолди, эндигина уйланиб, тинчгина яшай бошлаганимда... Қандай тушунтирсам бўлади сизларга?! Мен ҳеч ким эмасман! Агар қиморбозларгами, мафиягами қўшилиб, улар жазолайдиган иш қилган бўлсам, майли, бармоқларини кесиб, жазолабди, деб ҳисоблаб қўя қолинглар. Аралаштирманглар бошқа ишларга!

— Лекин далиллардан келиб чиқиб...

— Яна шу гап! Сизнингча, қайта-қайта жазоланган эканман-да! Бармоқлар, хотин, қайнопа!

— Ҳар бир гапингиздан илгари ким бўлганингиз уфуриб турибди-ку, Иқроор ака! Ўтмишингизни чуқалаб, сизга ёмонлик қилиш учун келганим йўқ! Менга айтинг, “Викинг” мафияси Россиянинг айнан қайси шаҳрига ин қурган? Шомил ака қаерда? Қандай қилиб “викинг”ларнинг қадами бу қишлоққа етди? Омонгул опанинг изидан шаҳаргача қандай боришди? Сиз эмас, улар керак менга! Улар!

— Ўзингиз топиб олинг, аралаштирманг деяпман-ку! Агар қотил деб ўйлаётган бўлсангиз, тепамда Худо бор, ҳеч кимни ўлдирмаганман умрим бино бўлиб!

— Унда эшитинг, — деди Лобар, — хотинингиз Дилруҳ ҳозир ош қилаяпти, оилавий ҳаётингиз яна давом этиши, бир дастурхон атрофида ўтириб, болаларингиз билан бемалол ош ейишингиз мумкин. Агар “эринг қарта ўйнар экан” десам, опасининг қотилига айланасиз-қоласиз. Рад этолмайсиз бунини! Чунки Дилруҳ қарталарни опасининг ўлиmidан кейин, сизга тўй бўлгач, уйингиз орқасидаги қудуқдан топиб олган. Саида қиморбозлигингиз сабаб ўлганини сезган, ўшандаёқ шубҳалангани учун қарталарни кўрсатмаган, миқ этиб оғиз очмаган, зимдан кузатиб юрган қадамларингизни. Лекин Дилруҳ ҳам, бирорта ҳамқишлоғингиз ҳам умрингизда қўлингизга қарта ушлаганингизни кўрмаган. Шу маълумот юзингиздаги ниқобни йиртолмай сақлаб келаётганди.

Бир қарашдаёқ билдим, сиз — қиморбозсиз, ака. Ҳаммани алдасангиз ҳам мени алдаёлмайсиз.

— Иш пишганга ўхшайди, — гўлдиреди Иқроор ака.

— Қулоқ солинг, Омонгул опа синглисидан қарталарни олиб қўйиб, меникига борди. Оиламизга қандайдир кимса ажал келтираяпти, аввал Саида синглим ўлди, энди Дилруҳ ҳам безовта, деди. У синглисидан ҳам кўра ўз жонини кўпроқ ўйлаётганини эртасига ўлдириб кетишганида тушуниб етдим. Бечора ҳаммасини бошдан-охир ҳикоя қилиб бермоқчи эди. Афсуски, эрталаб меҳмонхонага борганимда, кечиккандим.

— Бундан чиқди, сиз... аёл бошингиз билан “разборчик”лик қилаяпсизми?

— Қанақа “разборчик”, Иқроор ака, айтаяпман-ку, менга кимлар кераклигини!

— Тушунаяпман. Нима қиласиз уларни? Худди “территория”нгизда иш қилгани учун уришмоқчидек бўлаяпсиз. Сизга ғирт бегона тоғликлармиз, улар эса арпангизни хом ўрмаган бўлса...

— Лобар эканлигимни билганингиздаёқ ҳаммасини тушунгандирсиз, деб ўйлагандим. Қисқаси, сўраганларимга рўй-рост жавоб беринг. Бир нарсани айтиб қўяй, қотил эмаслигингизга ишонаман. Худди ўйлаганимдек ўз қўлингиз билан ўлдирмаган бўлиб чиқсангиз, қиморбозларнинг тўридан қутулишингизга ёрдам бераман. Алдаб маълумот олаяпти, деманг. Ҳеч кимнинг одами эмасман. Омонгул опадан сал аввал кимлардир мен билан алоқа ўрнатишмоқчи бўлишди. Шундай мужмал ҳаракат қилишдики, ҳеч вақога тушунмай қолдим. Қўнғироқ қилишганида ёки деразамни тақиллатишганида эди, гаплашардим. Лекин кўчада туриб-туриб, тўсатдан ғойиб бўлишди. Ким эди улар? Шомил аканинг элчиларими, “Викинг” малайларими, хайронман. Мендан ёрдам сўраб келган Омонгул опани ўлдириб кетишганидан сўнг Шомил акани топиб, гаплашишни кўнглимга тугдим. У кишидан ажрашиб кетганимга, ўзини кўрмаганимга анча бўлган. Қарталарда яна бир сир — иккинчи махфий ёзувлар



борлигини неча кунлар қийналиб, оқибат барибир топдим. Иккинчи ёзув менга тааллуқли бўлиб чиқаяпти.

— Қандай махфий ёзув? Нега сизга тааллуқли?

— Бунини айтолмайман. Биринчисидан, яъни қарталар уйингизга жўнатилганидан кейин хотинингиз ўлиши ҳақидаги белгилардан юз фоиз хабардор бўлгансиз.

— Буларнинг барини бўйнимга қўйиб хато қиляяпсиз. Қарталарни кўрмаганман!.. Яхшиси, бу ердан кетинг!

— Кулгимни қистаманг, ақа, ахир эркак кишисиз, бунча тонмасангиз! Омонгул опа қишлоқдан чиққанини олис юртдан келганлар қаёқдан билади? Уни шу қишлоқдаги одам кузатиб юрган, яъни сиз! Ким билади, балки меҳмонхонадаги номер эшигини ҳам сиз тақиллатгандирсиз? Бегона одамга эшик очиш, қаршилиқ кўрсатмай ўлиб кетиш... Бу воқеаларнинг стрелкаси, афсуски, фақат сизни кўрсатиб турибди.

— Тухмат! — кўзлари олайиб, ҳезланди Иқроп ака. — Индамасам, қайнопаси билан меҳмонхонада учрашган, никоҳ ўқитмоқчи бўлганга ҳам чиқарасиз!

Сабр-қосаси тулиб, портламоқдан бери бўлди у.

— Ўлдирмоқчимисиз? Уриниб кўринг! Ўлимдан кўрқмай қўйганимга кўп йиллар бўлган.

— Ўлим, ўлим, деб бошимни қотирманг, Лобар! Мени ёвуз, деб қаттиқ янглишаяпсиз!

— Балки Шомил аканинг ҳурматига ўлдирмоқчи эмасдирсиз?

— Эрингиз ҳеч қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмаган. У мафиянинг оддий хизматкори...

“Менга ўхшаб”, деб айтиб юборишга сал қолди шекилли, бирдан оғзи ёпилиб, кўзлари бежо ўйнаб кетди.

— Хизматкор? Шомил ака-я? Бекор гап, у кишини билмас экансиз.

— Боринг! Сўранг ўзидан!.. Лобар эканингизни сезиб, қувониб кетганимга сабаб, кўп эшитгандим сиз ҳақингизда. Наҳотки, уйимга келган, рўпарамда турган одам ўша қиморбоз аёл, деб ҳайратга тушдим. Қанақа эканлигингиз ҳақида, рости, тез-тез ўйлардим, хаёлимдан ўтардингиз.

— У томоғига тиқилган аччиқ нарсани қийналиб ютди.  
— Бундай майдагап, эзма эканлигингиз кўнглимининг кўчасигаям келмаганди.

— Фойдасига жон куйдириб юрганингни эркак зоти ҳеч қачон билмайди, — деди Лобар. — Жуда қийнаб юбордингиз одамни! Айтинг, Шомил акани қачон, қаерда учратгансиз охирги марта?

— Олти ой бурун Новосибирскда, Мариново, ўн уч-ўн бирда. Лекин қарта ўйнаганимининг, ҳатто, бир шивирини Дилруҳ эшитса, ўзимни ўлдираман. Бир хато қилдим, тузатиб бўлмас хато. Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин.

— Қартабоз эканлигингизни умрбод яширмоқчимисиз?

Иқрор ака алам билан бош силкиб, боягидек асабий тебрана бошлади.

— Қарта ўйнаганимни ўз қўлим билан одам ўлдиргандек қабул қилишади булар, — деб олайиб қараб қўйди.

— Саида билан Омонгул опани ўз қўлим билан ўлдирмаганману, бошларини сиртмоққа тутиб берганман, холос, деяпсиз. Гапингиздан тонишга уринманг. Ўз-ўзидан ўлиб қолган, деган вариантни миянгиздан умуман чиқариб ташланг.

— Яна ўша гап! Яна ўша!.. Нима, сўйиб кетишибдими? Бўғибдиларми? Ё Америка киноларидагидек “глушител”ли тўппонча билан отиб кетишибдими?.. Очигини айтиб қўя қолинг, сизнингча, мен ўлдирганманми опа-сингилларни? Хўш, қанақа айби бўлиши керакки, шу қадар ваҳшийликка борсам?! Ёки ўз хотинимни ярим кечаси уйнинг орқасига, жаллодларга чақириб берганманми?

— Ўз қўлингиз билан ўлдирмаганингизга ишонганимни неча марта айтай! Келинг, менга бир бошидан гапириб беринг, Россияга нима сабабдан бордингизу қиморбозлар даврасига қандай тушиб қолдингиз? Энг муҳими, “Викинг” мафияси билан тўқнаш келганингизу Шомил ака уларнинг хизматкорига айланганини оқизмай-томизмай ҳикоя қилинг. Келишдикми? Сизни кўрқитмоқчи эмасман-у, “викинг”ларнинг ваҳшийлигини Америкага борганимда

эшитганман. Океаннинг нариги томонида ҳам билишади уларни. Бир нима талаб қилиб, хотинингизни ўлдирган бўлса, эртага бошқа баҳона билан болаларингизни...

— Худо сақласин...

— ...йўқ қилишади! — чўрт кесди Лобар.

Қўрқитиш мақсадида гапирганини сездирмаслик учун атрофга маъносиз нигоҳ ташлаб, кўз сузиб қўйди. Бу кетишда суҳбат яхшилик ила хотима топмаслиги Иқроор аканинг кўзларида ваъда этилди: қонга тўйинган кўзи ваҳшат касб этарди.

— Новосибирскда дуч келганман, ўша манзилда... — пешанасидан совуқ тер чиқиб хириллади Иқроор ака. — Бильярдхона тепасидаги уй.

— Шу ҳафта Новосибирскка борсам Шомил акани тополаманми? “Викинг”ларни-чи?

— Уларни ўшанда Новосибирскда учратганман... де-моқчиман. Ҳозир қаерда, бошқалар билан қандай алоқа боғляпти, билмайман.

— Бошқалар деганингиз кимлар?

— Қайнопамнинг шаҳардан ўлиги келишида шахсан менинг айбим йўқ, билдингизми! Қарталар учун ўлдирилганлиги исботланса, демак, малайлик қилиб юрган шу ерлик кимлардир бор. (Фақат бу гап милицияга етиб борса, ўлсам ҳам тан олмайман!) Ўша “кимлардир” ким эканлигини билсам, жим юради, деб ўйлайсизми?

— Қарта учун ўлдирилгани исботланди деяверинг. Энди тахмин қилинг, ким бўлиши мумкин?

— Билмайман, деяпман-ку!

— Тўхтанг, Бешқиз бешта овулдан иборат қишлоқ, одам кўп эмас. Сиз “викинг”ларнинг домига қандай тушиб қолганингизни сўзлаб берсангиз, қишлоғингиздан ким малайи эканлиги маълум бўлади. Чунки уларнинг бошига ҳам сизнинг қисматингиз тушган бўлиши керак.

— Яқин-орада биздан ҳеч ким четга бориб келган эмас... — тўнғиллади Иқроор ака ва бу билан дастлабки сирни рўй-рост очди. — Сиз ўта кетган шум аёл экансиз, мени барибир

гапиришга мажбур қилаяпсиз. Айнан Фолкстон қарталари учун ўлдирилгани ҳақида қўлингизда далил йўқ-ку! Тахмин билан юрибсиз. Қайнопам бутунлай бошқа сабаб билан ўлгандир? Бекордан-бекорга тортишиб ўтирибмиз.

— Хулоса чиқаришимда чалкаштириб юборманг, ака; терговчи эмасман. Қайнопангизнинг ўлимида қилча айбингиз йўқ, декин Саиданинг ўлими ҳақида бундай деёлмаслигингизни тушунаёпман. Жиноятга аралашиб қолганларнинг ҳаётида шундай бир ҳолат бор: яқинларидан кимдир жабрланади, сезадики, бу фалон иши учун товон тўлаш, аммо исбот йўқ. Яъни сиздан қасд олиш учун хотинингизни ўлдиришганини сезгансиз, қайнопангиз ҳам ўша қарталарнинг касрига қолган. Буни ҳам биласиз! Қўлингизни мажруҳ қилишганидан кейин иккинчи марта нима учун сиздан қасос олишди? Нима қилгандингиз? Ё нима қилиб беролмагандингиз уларга? Қудуқ олдида кўриб, рангингиз ўчиб кетганидан ҳам билса бўладики...

— Қудуқдан қарталар топилганини сиздан эшитдим!.. Лобар, битта нарсага келишиб олайлик...

Шу дам эшик гийқиллади, Дилруҳнинг бахтсизлик сингиб кетган кўҳлиқкина, айнаи дамда безовта чеҳраси кўринди.

— Кирсам майлими? — бир қадам ташлади у.

— Бориб тур, — жеркиди Иқроор ака.

— Нега дўқ урасиз, кирсин!.. — деди Лобар. — Келинг, Дилруҳ.

— Ҳеч бўлмаса меҳмоннинг олдида ҳурматимни қилинг, — деди собиқ қайнсингил овози қалтираб. Кейин Лобардан шундай бир оҳангда сўрадики, Иқроор ака сесканиб тушди: — Бу кишининг иши... нима бўлди, опа?

Лобар қорайиб кетган Иқроор акага ҳақиқатгўйларда учрайдиган мағрурона нигоҳ найзасини санчиб, Дилруҳга шундай деб жавоб берди:

— Бу кишингиз, сингилжон, сизларни кўп ўйларкан, эзиларкан. Ҳар хил ёмон хаёлларга бораверманг.

— Демак... — дея Дилруҳ ер остидан Лобарга қаради.

— Нима, “демак”? — Иқроор ака қўрққан олдин мушт кўтарар қилиб, дам хотинига, дам Лобарга олазарақ қаради. — Бу нима демоқчи ўзи, Лобар? Ё менинг бошим айланиб қолган, ё унинг!.. Тухматдан фойда йўқ... “Бу кишининг иши нима бўлди?” эмиш... Нима бўларди?.. Қайси иш ўзи? — Ўзингизни босиб олинг, Иқроор ака, — деди Лобар, сўнг Дилруҳга оҳиста бош чайқаб қўйди.

— Боя қарта ҳақида гаплашгансанлар! Мен қартабозманми? Қиморга яқинлашмаганман ҳам!.. Йўқ, тушунмаяпман сени, Дилруҳ...

— Хотинингиздан нега аччиқланасиз? — Лобар овозини бир парда кўтарди. — Тоғдан бери келмай хато қилаётганингизни қачон тушунасиз?! Қўлингиз мажруҳлигига биров кулаяптими? Уч боланинг отаси мундоқ шляпа кийиб, керилиб, яна бир болани режалаштириб юрмайдими? Аёл зотига қўрс бўлавериш керакмас. Ҳеч бўлмаса, собиқ қайнсинглингиз эканини унутманг.

— Бўпти, — Иқроор ака ўрнидан турди, — шамоллаб келай... Ҳадемай жала қуяди, у ёқ-бу ёққа қараш керак... — Эшикка етиб, хотинига ўгирилди. — Таъзияга келган дейсан, шуми та... таъзияси?..

Оғир сукунат чўкди. Дилруҳ аввал бурнини тортди, кейин кўз ёшларини артиб: “Мен турай... овқат соламан...” деб қўлларига таянган ҳам эдики, Лобар:

— “Омин”, бизга ҳам жавоб, — деб Дилруҳдан олдин оёққа қалқди. — Кет деса, кетамиз-да! Йўл узоқ, қўшни-пўшниникидан бир кечага жой топиб берасиз.

— Ҳеч ким “кет” деяётгани йўқ, бизни уятга қўйиб, қўшниникида ётмайсиз-ку, опа.

Улар бир-бирига тикилиб қолишди.

— Хўп, қолганим бўлсин, — деди Лобар. — Омадингиз бор-экан, эрингиз қиморбозга ўхшамапти.

— Шунақа бўлиб чиқишини билгандим, — деди Дилруҳ кўзини олиб қочиб.

Чақмоқ чақиб, момақалди роқ гулдиради. Эшик тагидан норасида болалар нариги хонага чопқиллаб ўтишди. Ёмғир қуйди. Лобарнинг умридаги энг даҳшатли кеча бошланаётган эди.

\* \* \*

У сиртмоқни ёввойи қора отнинг бўйнига беҳато отганига амин эди. Энди эсон-омон жиловлаб, измига сололса, бас. Бунинг учун тонг отиши керак. Нега деганда...

— Эрталаб гаплашамиз, — деди Иқрор ака кечки овқатдан сўнг Лобар ўтирган хона бўсағасига бир қадам ташлаб. — Айбимни Дилруҳдан яширганингиз учун раҳмат. Ҳаммасини сизга гапириб беришга қарор қилдим. Фақат бундан кейин ҳам сиримни ҳеч кимга очмасликка қасам ичасиз.

— Битта нарсага келишиб олайлик, деб нимани айтмоқчийдингиз?

— Шуни.

— Лекин иложини топиб, шу кеча айтиб берсангиз, — совуққонлик билан жавоб қилди Лобар.

— Эрталабгача ўйлаб олишим керак. Сизга чўпчак айтмайман-ку, ахир.

— Мен ҳам ўйлаб олардим. Балки эртанинг ўзидаёқ Россияга учиб кетишимга тўғри келар?

— Йўқ, бўлмади! Хотинимга сездириб қўямиз. Нима, икковимиз битта уйга қамалиб олишимизга қўяди дейсизми? Тўғриси айтсам, мафиянинг италоқларидан эмас, Дилруҳдан кўпроқ кўрқаман. Хаёлимда ажалим унинг қўлида бўлиб туюлаверади.

Иқрор ака кетгач, чой кўтариб, Дилруҳ кирди.

— Нима деди у киши? — сўради қовоқ солинтириб.

— Узр сўради, кўполлиги учун, — ёлғонлади Лобар.

Телёвизорда Санкт-Петербургда шаҳрида юз берган ваҳшиёна қотиллик ҳақида хабар беришди. Бир қанча пенсионерлар ёвуз кимсалардан нолиб, қўлларини мушт қилиб экранга қарата дўқ-пўписа қилмоқда эдилар. Йиртқичга айланган одамларни фош этишми, тажриба юқтиришми, восвосга солишми, ҳали аниқ эмас эди кўрсатув мақсади.

— Ҳеч кимга ишонмайман, — деди Дилруҳ чой қай-тараётиб.

— Мен ҳам, — пинагини бузмади Лобар.

— Иккиси бир-бирининг кўзига-қарамай-индамай ўтиришди.

— Шундай қилиб, опамни ким ўлдирибди? — сўради Дилруҳ худди фильм қаҳрамонлари ҳақида сўраётгандек.

— Биринчидан, бу ҳақда эрингиз ҳеч нарса билмайди. Иккинчидан, билган тақдирда ҳам бир марта суҳбатлашганимдан қотилларни аниқлайди, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Занжирнинг учини топишим учун вақт бор. Эртага кетсам, шу кўйи йўқолиб қолмайман, гаплашиб турамиз. Биласиз, мен қудуқнинг тубига етмасдан қўймайман.

— Қудуқнинг?.. Ҳа, ҳар қандай қудуқнинг туби бўлади. Чой ичинг.

Дилруҳ ташқарига, афтидан ёмғирнинг шовиллаб ёғишига қулоқ тутди. Лип этиб чироқ ўчиб қолди.

— Нариги хонага жой қилиб бераман, лўкидонни суриб қўйсангиз, ҳеч ким очолмайди, — деди бахтиқаро жувон эшик-сари-юриб. — Шамни-олиб-келгунимча шу ерда ўтира туринг.

— Шундоқ ҳам ҳеч қаерга кетмоқчи эмасман, — ажабсинди Лобар.

Уй соҳибаси жавобан оғиз жуфтладию, ниятидан қайтди. Бояқиш қоронғиликда қасалмонанд гимирлар, шарпаси ҳам бахтсиз кўринарди кишига.

Нариги хона дегани тутун иси ўрнашиб қолган чоғроққина меҳмонгўша эди. Иккови кирган дамда қир бошида чақмоқ чақди. Деразалари уй ёнига қараган эмасми, қир ёмғирда ялтираб, қорайиб кўринди. Лобарнинг назарида, ҳар қандай босқинчи тирсаги билан бир уриб ойнани синдириши, илгакни чиқариб, деразани очиши ва истаган муродини ҳосил қилиши муқаррардек эди.

Дилруҳ шамни тўнтарилган ликобчага қадаб, хайрлашаётиб ҳам кўзига тик қарамади, ғалати ўзгариб қолган эди у. Ранги гезариб, қовоғи учарди. Бир йил муқаддам уй орқасидан хонадон бекасининг жасади топилгани,

синглиси никоҳ кечасида арвоҳ йиғисини эшитгани, инсонийлик аломатларини кун сайин йўқотиб бораётган кимса билан битта уйда тунаётгани, туйқус ўзгариб қолгани — булар яхшиликдан дарак беролмас эди.

Лобар эшик лўкидонини суриб, ечинмасдан тўшакка чўзилди. Совуқ кўрпадан тутун иси анқирди. “Саиданинг руҳи безовта қилмаса эди”, деган ўй кўнглидан ўтиб, калима қайтарди. Эҳтимол, арвоҳ уй тўридаги нимқоронғи кунжакда шам ўчирилишини пойлаётгандир. Шунчалик калта шам беришибдики, ҳадемай Лобарнинг ёрдамисиз ҳам хонани зулмат қоплаши кафолатланган эди.

Ёмғир яна кучайди, шовиллаб кетди еру осмон. Фолкстон қарталарини ёстиқ тагига тиқиб, ўғлини ўйлади. Кечкурун қирга чиқиб, шаҳарга қўнғироқ қилса бўларкан. “Антенна йўқ”, дейишганига қараб ўтирадиган аёл эмас-ку, нега бўшашди? Ҳаёт — хаёлга келган яхши ишни бажариш имкони. Иккиланиб қолган инсон икки марта хато қилади.

Кўзларини юмди. Йўқ, хона шундай қоронғи эдики, кўзи очиқ турса ҳам, юмганга ўхшарди.

\* \* \*

Бир туш кўрди. Ўлган эмиш.

“Бошингнинг тагига қарта қўйиб ухлашингни ўн йил кутдиқ”, — дебди дам ҳилпираётган сурпни, дам туманни эслатгувчи шарпа.

Қараса, шарпалар кўп экан. Нимқоронғи хонадаги мебеллару гиламларни пайқаш, уй бўм-бўш эмаслигини кўриш билан баравар эди бу. Истаганининг тилини тушуниш мумкин экану, аммо юзини кўриб бўлмасмиш. Овозларига қулоқ тутиб, ҳаммаси ўлган одамлар эканлигини англабди: биринчи эри Маъруф, учинчи эри Абдулла ака, Москвада ўлдирилган икки қўриқчи йигит, сўнг бир қатор одамлар: Анна Сергеевна, Иброҳим давангир...

“Тапираётган ким?” — сўради Лобар.

“Мен... Саида...” — жавоб эшитилди пойгак томондан.



“Сизлигингизни билгандим. Нима қилиб ўтирибсиз?  
Менда ишингиз борми?”

“Дарёдан балиқ тутаяпман”, — деди арвоҳ.

Шундан сўнг Лобар тобутдан бош кўтарган эди, юзидаги кафан сидирилиб тушди. Оёқ учига кўз ташлади. Ё тавба, ҳақиқатан қизғиш дарё оқиб ётар, бир аёл узун қармоқ ушлаб, сувга термулиб ўтирар, аммо кўзи йўқ эди.

“Тобутинг қайиққа ўхшар экан”, — деди аёл.

Лобар бошини зўр-базўр буриб, ёнверига қаради. Ичига юмшоқ маго қопланган, сирти локланган ёғоч тобутда ётарди. Насронийлар тобутидан кўра чиндан ҳам қайиқни эслатарди.

“Фарқини сезмаяпман...” — дея олди Лобар.

“Аввал мусулмон тобутини синаб кўрганмидингки, фарқини сезсанг?” — шакл-шамойилини ростлади арвоҳ, лекин юзига тикилиш Лобарга насиб этмади, шилқ этиб тушди боши.

“Мени айбламанг... Ўзингиз ҳам аёл бошингиз билан дарёга қармоқ солиб ўтирибсиз-ку” — тобутда ётган кўйи жавради Лобар.

“Аёлнинг балиқ тутуши мумкин эмасми?”

“Шуни айтаман-да!”

“Сенинг жойингга ётмаганимга шукр”, — шундай деб Саида қармоқни қимирлатган эди, жиноят йўлида ўлганларнинг арвоҳлари шовқин-сурон ила тўлғона бошлашди.

Лобар қарта ўйнаганини, эркаклар билан баб-баравар тортишганини, одам ўлдирганини — барчасини тан олди, аммо кафанга чирмалиб ётган экан, қарталарни тобут ичига ким ташлаб қўйганига ҳайрон эди. Ўликнинг ўзи гуноҳ варақларини боши остига қўёлмайди-ку, ахир.

“Сенинг жойингга ётмаганимга шукр... — такрорлади Саида. — Ҳолингга қара... Ҳадемай чўктиришади... Қарғиш текканлардан икки дунёда ҳам яхшилик кутма, эй қиморбоз хотин...”

Лобар бир вақтлар руҳий қасаллар шифохонасида чала-ярим даволангани учун ўзини олис тоғ қишлоғига адашиб-улоқиб келиб қолган аёл деб тушунди. Фаройиб

туш кўриши ҳам бежиз эмас. Ахир, у Шомил билан ҳам ўнгида, худди ростдан кўриб тургандек гаплашарди.

“Қиморбоз эмишман, — деди хўрсиниб, — касалларга фоҳишаликдан бошқа ҳамма нарса мумкин, ҳамма нарса ярашади...”

\* \* \*

Ёмғир ҳали ҳам ёғаётганини тарновдан тушаётган сув айтиб турарди. Бироқ дераза устида ҳам, эшикда ҳам тарнов йўқ эди-ку? Лобар сергак тортиб, асабий қимирлаб қўйди. Қўл-оёғи чирмаб боғланган, аъзойи бадани жиққа ҳўл. Кўзларини очмоққа уринди, аммо қовоқларига тош босиб қўйилгандек зил-замбил эди. Очиқ эшик остонасига томдан сув қуйилаётгани, кимдир йўталгани, билч-билч лой босиб ўтгани қулоққа чалинди.

Қадам товушлари тўхтаб:

— Ўзига келмадими? — деган овоз эшитилди.

— Йўқ, — жавоб берди аёл йиғи аралаш.

— Яхши.

— Лекин... катта хато қилаяпсиз.

— Йиғиштир йиғи-сиғингни! Кўтардик, вақт кетаяпти.

Оёғидан бири, елкасидан иккинчиси тутиб, хиёл юришганди, ёмғир шатир-шутир урила бошлади. Шунда Лобар булар аллақачон матога чирмаб, молхона ичкарасига, шундоққина бўсағага ётқизиб қўйишганини, энди эса кўзланган манзил сари йўл олишганини тушунди. Билгани шуки, эркак — Иқроор ака, аёл эса, шубҳасиз, Дилруҳ эди.

“Иккисининг тили бир бўлиб чиқдими? — деди Лобар ичида. — Дилруҳдек қиз поччасининг таъсирида икки опасини ўлдиришда иштирок этиши, қотилга турмушга чиқиши... Бўлиши мумкинмас! Адашаяпман... Бошқа ришта бор бунда... Мажбурлаш билан ҳам иш битмайди...”

Дилруҳнинг оёғи тойиб кетган эди, Лобар сирпанчиқ қияликдан думалаб, бир ариқ бўлиб оқаётган лойқа сувга тушишига сал қолди.

— Бу ерда эмас! Хавфли! — бақирди Иқроор ака. —

Ҳозир ташлавораман! Ушласанг-чи, Дил!.. Қўлим чўлтоқ бўлмаганида, ўзим билардим... Эртага ўлигини топиб олишади бу ердан!.. Селнинг йўлигача борамиз.

— Ўйлаб кўрдим...

— Эшак! Нимани ўйлаб кўрдинг?! Яхшиликча, ушла деяпман!

— Унинг нияти сиз ўйлаганча ёмон эмас. Эртага изидан келган одамларни барибир алдаёлмайсиз. Мен ўлсам ўлиб кетавераман, лекин жианларимни... болаларингизни ўйлашим керакми, йўқми?

— Сел оқизган одамнинг абжағи чиқиб кетади, ҳеч ниманинг изи қолмайди!

— Уни калтаклаганингиз йўқ, дори бердингиз...

— Мен нима деяпман! Ҳеч қаерида из қолмайди! Кейин ошқозонини текширишади деб ким айтди сенга?! Бу аёл келди, сел ҳам келди. Ўлди-кетди! Бечоранинг пешанасида бор экан.

Лобарни амаллаб пастликка туширишди. Шу пайт Дилруҳ:

— Биров келаяпти! — деб қичқириб юборди.

— Бақирма-е! Қани?

Фурсат ўтмай Лобарни икки-уч қадамга қутурганларча судраб, тошлар оралиғига думалатиб юборишди.

— Ҳей, нима у?! — сўради кимдир йигирма қадамлар наридан.

— Кимсан? — ҳирқироқ овозда жавоб қайтарди Иқроор ака. — Эшбекмисан? Анави ёққа борайлик! Отим қочиб кетди, сел оқизи кетмасин. Ёрдам берасанми?

— Нима эди бояғи?

— Ҳеч нарса! Нимани гапираяпсан ўзи?

Тоғ ортидаги чақинлар ёмғир лашкари олислаб бораётганидан дарак берарди. Чаккаси билан тошга урилган Лобар секин-аста ҳушига келиб, қўллари банддан тортиб олди. Бир оз ортга тисланиб, харсангга суянди-да, оёқларини ҳам халос этди. Энди унга тоғликлар рўй-рост кўринарди.

— Нима бало қилаяпти бу иккови десам... — хотинчалик

оҳангда чийиллади биров: — Чечамми?.. Нега бу ёққа тушдиларингиз? Қўчқортепа оралиғидан ҳам сел келиб қолиши мумкин. Жон керак бўлса, кетингизлар!

— Қўй шунақа гапларни! — чўрт кесди Иқроп ака. — Отимни излашасанми ё ака-укачилик шу бугун, шу жойда битта селни деб узиладими?

Лобар харсангларни айланиб, панароқ жойга яширинди. Хотинчалиш киши ҳамон бор овози билан эр-хотинни хавфдан огоҳлантирмоқда, ҳаққиға кўчганда, ажал элчиси ким: селми ё одамми, ноаён эди.

Қоқиниб-суриниб эллик қадамча чопиб бордию, тўсатдан таққа тўхтади. Умри бино бўлиб, сувнинг бу қадар даҳшатини кўрмаган эди: гувиллаб, ақл бовар қилмас шитоб билан каттакон сой оқиб ётарди. Қасир-қусур қилиб харсангтошлар, ҳатто улкан бир дарахт ҳам оқиб ўтди. Агар юҳога Лобарни улоқтириб юборганларидами, баданида жиноят излари учраши тугул тилка-пораси чиққан жасадини топиш ҳам амри маҳол эди.

Ортга қайтиб, жон-жаҳди билан юқорилайверди. Тошлар яланғоч тиззаларини неча бор тилди, қум аралаш қияликлардан сирпаниб кетганлари-чи! Юрган сайин азобига азоб қўшилар, шуни билардики, катта йўлгача тоғ оралаб камида йигирма чақирим юриши лозим. Ва аниқки, ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқолмайди.

Ҳолдан тойиб, мўъжазгина ўтлоққа чўзилгандагина совуқдан қалт-қалт титраётганини, ияги-иягига тегмаётганини сездди. Қишлоқдаги айрим уйларда яккам-дуккам чироқлар кўринар, молларнинг пайдар-пай бўкиришию итларнинг ҳадикли ҳуриши сой йўлидан сел эмас, улкан аждаҳо судралиб ўтаётгандек тоғ кечасини сирларга кўмиб юборганди.

— Улар мени ўлдирмоқчи бўлишди-я! — деди Лобар ўзига-ўзи. — Тентаклар! Девоналар! Нима дардда келганману, улар нима дардда!.. Қайтага яхши бўлди. Мана, энди айтади яширган сирларини! Бўлмаса, ўлдирмоқчи бўлгани учун қаматаман... Йўқ, даҳшатли сирни айтгандан кўра

қамалишһни афзал кўради... Уни қўрқитишһнинг бөшқа йўли бор... Ҳозир мени ахтаришаяпти... — Лобарнинг тишлари ғижирлади. — Уйда эса катталар йўқ! Болалари қайси хонада ётганигача биламан.

Лобар қаддини зўра ростлади. Бошини солинтирган эди, чаккасидаги жароҳат лўқ-лўқ огриди. Сочи юз-кўзини тўсиб, осилиб тушди, агар шу ҳолига кимдир келса, овлоқда ўтирган жинми ё пари деб, эси оғиши тайин эди.

Чўққилар ортида чақмоқлар ялт-юлт этганда, Лобар оёққа қалқди.

— Дубл “икки”, — гўлдиради у сочини йиғиштириб. — Бошлайман... Бошламасдан ҳам иложим йўқ...

Анчайин олислаб кетган эди. Иқроп аканинг уйини топиб бориш мушкул, баногоҳ кимнингдир томорқасидан чиқиб қолиши, айниқса, тоғликлар “чўпон ит” деб атайдиган баҳайбат қопағон қўриқчиларга дуч келиши мумкин. Итлар одам емайди, аммо сел келган ваҳшатли кечада махлуқ қиёфасида судралиб келаётган қора шарпани таппа босишлари, бўйнидан ғарчиллатиб тишлашлари эҳтимолдан холи эмасди.

Иккинчи қирдан ошиб, пастликда чироқ ва иморатлар қорасини кўрди. Яқинлашиб борган эди, худди кутганидек, ит вовиллади. Вовиллаш Иқроп аканинг қари итиникидан ҳаминқадар фарқ қиларди.

— Ҳой, кимсан-ей?! — деган хитоб эшитилди ёнбағирдан. Овоз чиқарадиган бўлса, бегона эканлигини билиб қолишади, аммо ўзга чора йўқ эди. Лобар таваккални байроқ қилиб:

— Итингизга қаранг, ўтиб кетай, — деди.

— Чеча! Сизми?

— Чечангиз эмасман! Итни ушладингизми? Дилруҳларникига шундай борадими ўзи?.. Иқроп аканикига...

— Келаверинг, ушладим... Сал танайроқ турибман-да, кимсиз? Иқроп аканинг уйи пастда-ку!

— Қайси томонда ўша “паст” деганингиз? — сўради Лобар ва қоронғида айиқдек итни зўр-базўр тутиб турган йигитни кўрди.

— Маёна, пастликка қараб кетаверасиз! Тоғнинг бошини пастлик демайман-ку! Жилғанинг ёнида йўл бор, шундан энкаясиз. Қир тугагандан кейин эса ўннга буриласиз, яна бир қир кўринади. Ўша ерда сўқмоқ бор. Сўқмоққа тушиб олсангиз, бир оз айланиб бўлса-да, осон борасиз.

— Раҳмат, укажон.

— Кимлигингизни билмасам бўлмайди лекин. Ярим тунда нима қилиб юрибсиз? Қаёқдан келаяпсиз? Ҳамма ёқда сел кетиб ётган бўлса!

— Ҳа, худди ўша селни деб йўлдан қолиб кетдим. Каттакон тол гувиллаб оқиб келди-ю, кўприкни гуп этиб уриворса бўладими! Қиёмат қойим! Яхшиям, машинам кўприкка етмасдан сал тепароқда эди... — Лобар бир нима ёдидан кўтарилгандек тўхтади, сўнг: — Қарта ўйноласизми, йигит? — деб сўради.

— “Қулс”ни айтаяпсизми?

— Раҳмат... Ҳайрон бўлманг, шунақа савол берсам, енгил тортаман. Яхши қолинг... — Лобар қадамини тезлатди, Иқроор ака билан Дилруҳдан аввалроқ етиб бориши лозим эди.

Бир пайт тошлар юмалагани қулоғига чалинди. Қайрилиб қараб, қияликдан тушаётган шарпани илғади.

— Тўхтаманг, бирга бораман, — деди таниш овоз.

— Лобарнинг кўнглига қил сиғармиди. Йигитнинг дум бўлиб келиши асаб торларини узиб, тани жони қақшаб кетди.

— Боринг! Эргашманг менга! — деди важоҳат билан.

— Шу маҳалда ёлғиз юрасизми?

— Кўзим учиб тургани йўқ сендақа кўриқчига! — қичқириб юборди Лобар.

— Ҳўп, хўп... Ўлиб қопмиз, вой-бў... Лекин айтиб қўяй, сенсираклаганни мен ҳам сенсираклайман!.. Сен — аёлчанинг ҳеч қандай машина-пашинанг йўқ! Юрагинг ёрилиб ўлиши керак эди ярим кечаси, тоғда! Нега кўрқмасдан юрганингни айттайми? Кўп келгансан бу ерларга! Чайлаларни гуллатиб!

Лобар энгашиб қиррадор тошни олган эди, йигит чопиб келди.

— Мен билан пичанхонага борасан! — деди Йигит Лобарнинг билагидан тутиб. — Тур ўрнингдан! Ташла тошни!

— Очикроқ айтавер, нима қиламиз у ерда? — кесатди кимор маликаси.

— Қамалиб ўтирасан! Тушундингми? Шалтоқ Иқроп тоғни роса булғади! Оқсоқолларни чақираман, улар ҳали билишмайди, Иқроп нима ишлар қилиб юрганини! Ҳаммасини ўз тилинг билан айтиб берасан.

— Тўхта, укажон, гапингга қараганда, Иқроп тоққа ҳар хил хотинларни олиб келаркан-да?!

— Буни мендан сўраясанми? Узинг яхши биласанку!

— Биринчидан, қўлимни қўйиб юбор! — ўрnidан турди Лобар. — Сенсираклама! Иккинчидан, саволимга жавоб бер! Иқроп шаҳарга бориб, шунча олис жойга суюқоёқларни олиб келишига ишонмайман! Улар кимлар биландир келади. Айт! Қачон кўргансан?.. Қўй деяпман! Мен фоҳиша ҳам, ўйнаши ҳам эмасман! Гапимга қулоқ сол! Сен бола Дилруҳнинг Саида опасини билардинг-а? Ўлдирилгани ҳақида миш-мишларни ҳам эшитгандирсан?

Йигит Лобарнинг қўлини қўйиб юборди, оёғи хиёл тойди шекилли, бир қадам орқага кетди.

— Омонгул опа-чи? — деди Лобар. — Улар ўз ажали билан ўлган деб ўйлайсанми? Ҳечам-да! Изидан юрибман, албатта топаман ким ўлдирганини! Энди айт, қанақа машиналарни кўргансан?

— Кимсиз? Машиналарни кўрмаганман!

— Уйингда ким бор?

— Бобом.

— Ҳозир Иқроп аканикига кириб, болаларини эргаштириб чиқаман, ўша пичанхонангга яширамиз, шахсан ўзинг қоровуллик қиласан.

— Тўхтанг, нималар қилмоқчисиз?

— Болаларни пичанхонангга яширамиз, деяпман-ку!.. Яхшиси, ҳув анави қирнинг белида кутасан, мен уйга тушиб чиқаман. Билиб қўй, эрталабгача яшириб турсак,

болаларнинг ҳаётини сақлаб қолган бўламиз. Эр-хотинлар ёмон ишга аралшиб қолган.

— Бўпти, ёрдам бераман сизга.

У Лобарга яқин борди, бир энлик-да оралиқ қолдирмади. Кўзлари йилтиллаб турар, “бу бир бузуқи” деган хаёл аста сўниб, гумонга айланаётгани, гумондан ҳам асорат қолмаётгани тоғлар ортидаги чақинлар мисоли бир лаҳза лип этиб кўрингандек туюлди.

— Мен шу ернинг аёлиман, — деди Лобар, — сен эса шу тупроқнинг ўғлони. Қараб ўтирасанми энди?

— Агар болаларни бир нима қилсам, Худо урсин, деб қасам ичинг.

— Истасанг, уйдан олиб чиқаману сенга топшираман, хоҳлаган одамнингникига олиб бор! Келиб-келиб бегуноҳ болаларга кучимни кўрсатаманми? Ёмон бўлсам, сендек гувоҳ билан гаплашиб ҳам ўтирмасдим.

Лобар сўқмоқ бўйлаб эниб кетаркан, йигит илҳақ тикилиб қолди. Бешқизнинг устига бало-қазо ёғилган тун эди.

— Ёрдамнинг керак бўлса, ҳуштак чаламан, пастга тушасан, — Лобарнинг товуши келди эллик қадамлар наридан; йигит тошга чўкиб, алам билан гудраниб қўйди.

Иқроор аканинг ҳовлисида ит ҳура бошлади, бўғиқ ва касалманд овоз...

\* \* \*

Лобар тўсиқдан ошиб, айвонга мўралади. Йилт этган чироқ кўринмас, деворлар ўлик сукунат ичра мудрарди. Ит лапанглаб кела бошлади, аммо Лобар уйга киришга улгурди.

— Назокат, тур, — Лобар Иқроор аканинг тўнғич қизини силтади, — укаларингни ҳам уйғот. Кетамиз.

Лобар эгнига Дилруҳнинг халатини ташлади ва уйқудан кўз очолмаган болани кўтарди, опа-сингиллар эса қўл ушлашиб олишди. Қари ит умрининг охирида халатга чалғидими, хоинлик қилдими, уй эгаларининг болалари ўғирлаб кетилаётганини кўриб, ўтин устида индамай ётаверди.

— Отам бу ерга сел келмайди деганди-ку? — йиғламсиради Назокат.



— Биринчи сел пастликдан ўтди, бу ерни унчалик хавфли дейишмади, лекин ишонмадим. Аввалдан ўзи болажонман, яхши кўриб қолдим сизларни... Уст-бошимга қара. Йиқилсам ҳам келдим!..

— Аям-чи?

— У бувингдан хабар олишга кетди, “давления”си чиқиб кетибди...

Бир амаллаб, қирнинг ярмига етдилар.

— Қаерга кетаяпмиз ўзи? — сўради Назокат.

— Тепароққа! Қўшнилариликни кига! Ана, кутиб турибди.

Лобар эркакчасига ҳуштак чалди. Йигит югуриб келиб, болани қўлидан олди.

— Иқрор аканинг қиморбоз эканлигини ҳам билармидинг? — шивирлади Лобар.

— Ҳа, лекин ҳеч кимга айтмай юрардим. Икки йилча аввал тоғ бошига кимлардир наша экканди. Ўшанда у киши пода боқарди, қаёқдандир қўшилиб қолди ғаламисларга.

— Тасодифнинг ҳам зўри учради, — деди Лобар.

Шу пайт Иқрор аканинг уйи томондан аёлнинг қичқириви эшитилдию, сўнди. Эркаларнинг олишувини эслатадиган шовқин-сурон ҳам кўтарилди, кимдир аламли нола чекди. Уриб йиқитишди, шекилли.

Йигит ҳаяжон билан:

— Жанг бўлаяптими? — деди. — Кимлар бор эди у ерда?

Назокат йиғлаб юборди, синглиси ҳам қўшилди.

— Болаларни яшир, менсиз ҳеч қачон ҳеч кимга кўрсатма! Лаънагилар ахийри келишибди-да! Жўнанглар! Тезроқ!

Лобар уйга қир томондан эмас, кундузи келган йўлидан яқинлашди. Шўрлик ит чўзилиб ётар, сўйиб ташлашган эди.

Жимжит айвонга, қорамтир деразаларга бир-бир қаради. Кейин айвон саҳнига қадам ташлаб, бир нафас кутди: ичкаридан инграшга ўхшаш сас эшитилгандек бўлди.

— Бу мен... Лобарман! — деди “қора қарта соҳибаси”; бўғзидан бир оз бўғилган, ҳирқираган, эркакшода товуш чиқди. Негадир шу тобда бир замонлар тоғу тошларда

босқинчиларга қарши курашган Олой маликасининг матонатини, гоҳ оч, гоҳ юпун тоғ кезган қаҳрамонларни эслади.

Мафия малайлари, айниқса, дунё қиморбозлари билан юзма-юз келмаганига неча кун бўлганини ҳисоблашга уринди: олти юз, етти юз... Йўқ, тўққиз юз кун...

— Эй, “Викинг” шоқоллари! — деди яна ғазаб билан.

Шундан сўнг эшик очилиб, шапкали бош кўринди. Атрофга аланглаб олгач, чаққон ҳаракат билан Лобарнинг рўпарасида пайдо бўлди. У ўн еттига ҳам кирмаган, озгин, турқи совуқ, кўзлари косасига ботган йигитча эди.

— Нима?! — ўдағайлади у.

— Ким бўлсанг ҳам, нечта бўлсанг ҳам эр-хотинни қўйворинглар! Нега меровсирайсан? Сента гапираяпман!

— Биринчидан, ўв...

— Овозингни ўчир, итялоқ! — Лобар уни йўлдан суриб, бўсағага отилди, шарақлаб кетди эшик. — Чироқни ёқинглар, эй-й!.. Фолкстон қарталарини ахтаришдан энди фойда йўқ! Кеч қолдинглар! Кеч!

Ҳалиги йигит Лобарнинг ортидан эшикни ёпган эди, ичкаридагилардан бири гугурт чақиб, мойчироқ пилигига тутди.

— Бизда ҳамма нарса бор, — қорачадан келган бадқовоқ кимса чўпни пуфлади. — Фонарь, ёндиргич, қўл телефони, ҳатто, тўппонча ҳам. Лекин тўқ ўчиб қолган қишлоқ уйида ўтирмаганимга, ўйлаб қарасам, йигирма йилча бўлибди. Бир вақтлар гугурт билан шундай пиликларни тутатардик. Маза қиляяпман.

— Кечирасиз, хотираларингиз билан бир тийинлик ишим йўқ, — Лобар бурчақда қўнишиб ўтирган эр-хотинга кўз ташлаб қўйди. — Буларни нима қиласиз? Фолкстон қарталарини топиб беради, деяпсизми?

— Жуда бозорчи экансан-ку! Қарталар аллақачон менда. Мана улар.

— Бу энди Фолкстон қарталари эмас, нақшинкор қуруқ варақлар.

— Йўқ, буларни жуда яхши танийман, худди ўша, — чироқ ёруғига гутди кимса.

Йигитчадан ташқари унинг икки барзанги шериги ҳам бор эди. Тўдабошисининг масхараомуз хатти-ҳаракатларидан завқланиб, ҳиринглаб қўйишди.

— Менга қаранг, — Лобар жон-жаҳди ила мураса қилишга уринди, — отингиз нима, билмайман, билишни ҳам истамайман. Яхшиси бу ердан кетинг! Бекорга шовқин кўтаришдан нима наф? Қароқчилардек бостириб кириб, уй эгаларини қийнаяпсиз. Бу билан Россияга ўрнашиб олган қиморбозларни ҳам хавф остига қўясиз, Қирғизистону Тожикистонда ин қурган гумашталарни ҳам! Милиция оёққа турса, ҳаммамиз тамоммиз! Кимнинг касрига бўлади? Сизнинг! Кейин қиморбозлар сизни соғ қўйишадими?

— Барибир қўрқитолмайсан.

— Ҳали қўрқитишга уринганим йўқ. Гап қўрқитиш ҳақида бўлса, қулоқ солинг! Асли кимлигингизни, ким билан ўйнашаётганингизни билмай, ортиқча баҳо бераяпсиз ўзингизга! Манави шотирларингиз сизни кўчадаги қари итлардан қўриқлай олади, холос.

— Лобар, сен ҳақингда эшитганман, лекин, узр, қўрқувни ҳис қилмаяпман, нон урсин.

— Италиян мафиясига қарши тиш қайраб, ўтган йили кузда Парижда отишма қилган “викинг”ларнинг Россиядаги малайининг малайларидан бирисиз! Ҳатто, “викинг”лар билан юзма-юз гаплашмагансиз ҳам! Ўша шоқоллар Фолкстон қарталарининг, янада очикроғи, қарталардаги махфий ёзувнинг изидан тушишган. Шунинг учун сиз бу ердасиз! Мен эса қарталарни раҳматли Омонгул опадан олиб, аллақачон масалани ҳал қилдим. Тез орада ишончли одам орқали махфий ёзув, яъни Римдаги қандайдир уйнинг манзили Италия мафиясига пулланади... Ҳаҳ, эсим қурсин, — Лобар ниҳоятда ҳолдан тойгани учун деворга суянди, — нима эканлигини айтиб қўйдим-а?.. Ҳа, у манзил эди, Римдаги қандайдир уйнинг манзили. Шунча ҳаракат қилаётганларига қараганда, ўша

жойда миллион долларлик хазина яширинганга ўхшайди. Тўғрими, ҳеч вақодан хабари йўқ, қиморбоз ака? Бекорга Италия мафияси билан “Викинг” талашиб-тортишадими? Келиб-келиб шу қарталарни йўқотиб қўйишганига, қарталар ҳам қанот бойлаб, Осиёнинг олис тоғ қишлоғига учиб келганига ҳайронман... Хўш, энди айтинг-чи, биз тезроқ ишлабмизми, сизми? Шу гапимдан кейин ҳам Фолкстон қарталарини керакли нарса деб ўйласангиз, аҳмоқлигингиз учун юзингизга тупураман.

Қора босқинчи шерикларига кўз ташлади, ҳаммаларининг қовоқлари осилгандан осилиб тушди.

— Шунчалик зўр экансан, ким бу аҳволга солди, ҳе-хе-хе? — кулди босқинчи.

Лобар эр-хотинни ияги билан кўрсатди.

— Режа бўйича кечқурун булар билан овқатланиб, бир кечага жой сўрашим керак эди. Буни қаранг, овқатимга уйқу дори қўшилган экан.

— Назокатлар қани? — ўкириб йиғлаб юборди эс-ҳуши ўзига қайтган Дилруҳ. — Қани деяпман?! Қа-а-ни-и?..

— Дилруҳ, ҳеч қачон боланинг кўз ёшидан, ўлимидан, азобланишидан фойдаланмайман. Бунинг устига туз-ингизни едим...

— Уйқу дори қўшилган тузни, — қўшимча қилди босқинчи.

— Қаерга олиб кетдингиз? Ҳеч бўлмаса шуни айтинг, опагон... — зорланди Дилруҳ.

Иқроп ака Лобарга еб қўйгудек тикилар, кечқурун қизарган кўзлари ҳозир буткул қонталаш бўлиб қолган эди. Шу ўтиришида батамом абгор инсон сиймосида кўринди, ҳатто, гўдақларининг тақдири не кечганини бир оғиз сўраёлмади.

— Ўчир, эй ияксиз хотин! — босқинчи тўппонча дастасини маҳкам қисиб, Дилруҳни урмоққа чоғланди. — Шовқин кўтарсанг, отиб ташлайман, дедим-а! Бирорта тоғлигинг овозингни эшитиб, бу ерга келса, у ҳам касрингга ўлади-кетди... — Кейин Лобарга юзланди. — Кўрдик, жуда ақлли

экансан. Яна бир нарсани кўрдик, ёлғиз экансан. Майли, Иқрорнинг болаларини қўя турайлик! Бу ерда сен борсан, мен борман. Ва мана булар! Сенчалик ақлли эмасман, мен учун қамоқ бир қадам! Ўлдираман — қамаламан! Шунинг учун, кел, савдолашайлик. Қарталарда шунчалик қиммат маълумот борлиги тушимга ҳам кирмаганди, “бор, топиб кел”, деди, келавердик.

— Қартадаги сир “смс” орқали ишончли одамимга жўнатиб юборилган, — деди Лобар, — мени ўлдирганларингиздан фойда йўқ эди. Қарасам, ўлдирмоқчи ҳам эмас экансизлар. Гап келишувга бурилди, жуда яхши. Аввало, бир илтимосим бор. Қамоқдан қўрқмайдиган одам экансиз, оғзингизга сиққанича тўлайман, мен айтган бир одамни йўқ қиласиз.

— Ким экан у?

— Илонбоз, — деб жавоб берди Лобар.

— Минг лаънат, яна қанақа илонбоз? — жаҳл дуди буруқсиб кетди босқинчининг. — Қулоғимга лағмон илаётган бўлма тагин?

— Билсангиз-керак, илон-билан-қотиллик қилиб, изсиз ғойиб бўлувчи кимса бор.

— Билмайман.

— Шў вақтгача бир неча одамнинг жонига қасд қилди. Афсус, қаерда эканлигини, кимлигини ҳали аниқлашга улгурганим йўқ.

— Унда танимаган-билмаган одамнингни ўлдиришга буюраётган экансан-да? Буюртмачилар қурбоннинг ҳеч бўлмаса исмини билишарди одатда! Нима деймиз, аёл зотидан ҳар нима кутиш мумкин. Қандай ўчинг бор бечора илонфурушда?

— У илонфуруш эмас, тажрибали илонбоз-қотил. Ўчим шуки, мижозимни ўлдирди.

— Туф-э, одамга ўхшаб тушунтирсанг-чи! Қанақа мижоз?

— Нимаси тушунарсиз? Омонгул опа мендан ёрдам сўраб келди, — овозини кўтарди Лобар, — эрталаб учрашишга келишдик. Боргунимча ўлдириб кетишди. Тушунгандирсиз энди? “Илон чақди” деган гапни эшитдим, ҳамма ишонса

ҳам, афсуски, мен ишоналмадим. Куппа-кундузи шаҳар марказидаги замонавий меҳмонхонада илон чақиши — бўлмағур гап.

Қора босқинчи Дилруҳга кўз соққаси-ла ишора қилиб:

— Ҳм, — деган эди, Лобар бош силкиб:

— Ҳа, опаси, — деди. — Буни мендан яхши биласиз.

— Шунинг учун келган экансан-да буларникига? Ким яқин-орада айланишган, охириги вақтларда кайфияти қанақа эди, хат ёзиб қолдирганми, йўқми?. Гестапо!

— Омонгул опа, Дилруҳ, Иқроор ака ҳақида маълумот берган одам, наҳотки, мен ҳақимда ҳеч нарса демаган бўлса? Бу билан “тоғда эканлигингни билмасдик”, демоқчимисиз? Ахир изимдан юборишгани очиқ-ойдин кўриниб турибди-ку!

— Бизни исковуч ит деб ўйлаяпсанми?

— Эзмаланишни бас қилиб, қарорингизни айтинг! “Ёлғиз экансиз” деб пичинг қилдингиз, аммо, билиб қўйинг, ёлғиз эмасман.

— Вў-ў, — тўппончаси билан Иқроор акани кўрсатди босқинчи. — Шуми? У сени ўлдирмоқчи бўлди-ку! Ё бунисими?

— Йўқ, болаларни олиб кетган шерикларимни айтаяпман.

— Ёмон эмас, — иягини қашиди босқинчи. — Ростдан сени ёлғиз, ҳомийлари эса жудаям узоқда, дейишганди.

— Илонбозни нима қилдик?

— “Наҳотки, у ҳақда эшитмаган бўлсанг?” деб ичимда ўзимни сўкаяпман. Томдан тараша тушгандек таклиф айтиб қолганингга қараганда, мабодо биздан гумон қилмаяпсанми? Афт-ангоринг бегоналарга бегоналар учун тўсатдан буюртма берадиган ақмоқларни эслатаяпти. Совуқ қурулдан фойдаланишимиз мумкин, совуқ жондордан эмас.

Босқинчи ҳузур қилиб тўппончасини айлантирмоқчи эди, бармоғига тиқилиб қолди.

— Бунақа тўппончаларни бармоқда айлантирмайдилар, — деди Лобар. — Шунинг учун ҳам сиздан гумон қилмайман. Чунки илонбоз-қотил жуда эпчил, удабурон; суяксиз. Бекорга “изсиз ғойиб бўлади”, дедимми?!

— “Изсиз... изсиз...” Оширвординг-ку, роса.

— Ўша илонбоз, сизга айтсам, қаердан келиб, қаерга кетганини, қотиллик бўлганини шундай яширадики, гўёки бир бахтсиз воқеа юз бергандек. жиноятнинг на изи бор, на шоҳиди. Сизларни эса манави акамиз билан синглимиз ҳамда мен — уч киши кўриб турибмиз. Ким билади, балки қишлоқ аҳлидан ҳам яна қанчаси кўрган. Бу деганим шуки, илонбоз-қотил бу ерда йўқ.

— Хўп, хўп. Келишув масаласи, пул ҳақида гап бўлмасаям, менга ёқди. Сен айтаётган илонбоз фақат бу ерда эмас, умуман, ҳаётда йўққа ўхшайди, балки киноларда учраб қолиши мумкин, — Заҳарханда қилди қора босқинчи. — Одам илон чақишидан ўлганини пайқамаслик учун бошқалар аммамнинг бузоғидан баттар овсар бўлиши керак. Экспертиза ходими-ку, овсар бўлса ҳам аниқлаб беради.

— Илтимос... — ингради Дилруҳ. — Гўдакларга раҳмингиз келсин!

— Сенга овозингни ўчириш айтилдими? — барзангилардан бири уй соҳибасига пўписа қилди.

— Балки уларни нариги хонага чиқарарсиз? — деди Лобар эр-хотинга кўз ташлаб қўяркан. — Очиқроқ гаплашиб олишимиз керак.

— Йўқ, уларни қимирлатмаймиз.

— Бўлмаса, биз чиқамиз, — деди Лобар, сўнгра “юрагинг борми?” дегандек ҳукмфармо оҳангда қўшиб қўйди: — Айвонга юринг.

Қора босқинчи шериклари ила кўз уриштириб олган эди, шапкали йигит деразадан ташқарига мўралади. Ичкарида чироқ ёниқ турганда фақат аҳмоқ жиноятчиларгина шундай қилишади.

— Гапир, — қўлини чалиштирди тўдабоши айвонга чиққач. Юз-кўзи яхши кўринмаса-да, янада хўмрайиб олгани сезилди.— Булардан яширган қандай сириг бор?

— Гап бундай, ака, — деди Лобар, — ҳозир мен эмас, сиз жар ёқасидасиз. Ўйлаб иш тутмасангиз, ҳолингиз анави итникидан ёмон бўлади.

— Қанақа жар ҳақида гапираяпсан?

— Бунинг ҳаммаси қатта ўйин, яъни ўлим ўйини. Тоққа бориб, қарталарни олиб келишни буюрган, мўмайгина пул тўлайдиган киши сизни ўйинга осонгина қўшиб олган.

— Ўйинликка ҳамма нарса ўйин. Илонбозни шунинг учун ўлдиришим керакми?

— Раҳмат, гапингизнинг оҳангига қараганда, илон ёрдамида одам ўлдирувчи кимса борлигига ишондингиз. Ҳозир уни ахтаришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ, лекин жиноятчиларнинг раҳнамолари билан олди-берди қилаётганимда яна илонбоз масаласи ўз-ўзидан кўндаланг бўлади. Сиз илонбоз ҳақида бугунданоқ ўйланг! Фолкстон қарталарининг сири нималиги, қанча маблағ устида гап бораётганлиги, қартани топиб келишни буюрган шахслар қайси мафия малайлари эканлиги, қисқаси, бирортаси билан ҳам иш тутманг.

— Нега иш тутмас эканман?!

— Қарғиш теккан Фолкстон қарталарини ҳозир барибир олиб кетасиз. Шундай экан, топиб келишни буюрган одамга лом-мим демай топширинг-қўйинг, бу ердаги воқеалару қарта сирларини асло гапира кўрманг. Лобарни чув туширдим, худди айтганингиздек ушладим, денг. Агар Римдаги манзил ҳақида оғиз очадиган бўлсангиз, сиз ўта махфий тутилаётган жиноятчилар сирининг бир учидан хабардор ҳисобланасиз. Уларнинг олдида иккита йўл қолади: сиз ва ҳамтовоқларингизни ўзларига шерик қилиш ёки ҳаммаларингизни ўлдириб юбориш. Энди айтинг-чи, қарталарни топиб кел, деган одам Россиядами?

— Бу билан нима ишинг бор, аввал гапингни охиригача айт.

— Сиз бу сирга ҳеч қачон шерик бўла олмайсиз, ака. Агар чет элга кетсангиз, қайтиб келишингиз даргумон. Ёки эртага бирор овлоқдан ўлигингиз топилса, қандайдир заҳарли илон чақиб олса, ҳайрон бўлмасдим. Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир, деб бежиз айтишмаган. Энг тўғри йўл, қарталарни почта орқали юборинг-да, болачақангизнинг олдида оёқ узатиб ётинг. Воз кечинг бу юришлардан. Ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

— Гапни жа олдинг-да! Демак, шерикликка йўқман?



— Қартага талашиш ўртамизда эмас, биздан минг-минг чақирим олисларда икки мафия ўртасида бўлаяпти. Бу кимнингдир уйида тўпланиб олиб, “гард-кам” деб қарта ўйнаш эмас, нега бурнингизни суқяпсиз? Италиялик мафиозларга ҳам, ҳар жойда изғиб юрадиган “Викинг” тўдаларига ҳам бугун қўлга киритганингиз беҳосият қарталар керак. Кимдир белгили махсус Фолкстон қарталарини бошқа бировга жўнатиладиган қарталар билан адаштириб қўйган, мана бир йил ўтиб изини топишган. Гапларимда жон борлиги тугул, турган-битгани даҳшатли ҳақиқат эканини тушундингиз, шундайми?

— Шундай бўлса, шундай-да! Лекин пулдан қуруқ қолаётганим ёқмаяпти.

— Пулдан қуруқ қолиш кимга ёққан? Сирнинг тагида ётган нарса умуман пул бўлиб чиқмаслиги ҳам ҳеч гап эмас, боя тахмин қилдим, холос. Чет элдаги мафия гуруҳлари фақат пулнинг изидан тушишмайди-ку! Бу ёғини ҳам чуқурроқ ўйлаб кўринг, ака.

— Қисқаси, нима демоқчисан? Нима қилишим керак?

— Эр-хотиннинг олдида илонбоздан бежиз оғиз очмадим. Улар шунга чалғиди, чунки илонбозда икковийнинг ҳам қасди бор. Сизга яна бир гап айтайми? Илонбозни топганингиздан сўнг анча-мунча пулли бўласиз. Битта банкда эгасиз пуллар бор, ўшандан олиб бераман, доллар ҳисобида. Маъқулми?.. Беш минг доллар!.. Эгасиз пуллар деганим шуки, менинг номимга пул ўтказишган. Ўша пулларнинг эгаси деб ҳисобламайман ўзимни, беш минги сизга буюрсин.

Қора босқинчи Лобарга олайиб қаради. Ёмғир аллақачон тўхтаган эса-да, томдан ҳамон томчилар чакиллар, совуқ шамол эса бошлаган эди.

— Топсаму, ўлдиролмасам-чи?

— Унда икки баравар оласиз. “Йўқ қилиш керак” деб бошқа маънода айтганимни тушунгандирсиз?

— Бўлди-бўлди, жуда ҳам “қизиллаштириб” юбординг мени. Демак, қаматиб юбормоқчи экансан-да уни?

Қора босқинчи атрофга қараб олди. Молини арзон бериб қўяётган бозорчига ўхшарди.

— Жазо уни олсин, Утирсин тўрт девор орасида, — деди Лобар.

— Майли, сен айтганча бўла қолсин. Эслайсанми, йўқми, биз аввал икки марта учрашганмиз. Биринчи марта Қозоғистонда, иккинчиси милиция бўлимида. Ўшанда мени ҳам тергов қилишаётганди.

— Э. Тагим келмайдиган жойларда дуч келган экансиз. Энди тасвир жуананг, — деворга суянган Лобар совуқдан қалтираб кетди. — Шерикларингизга ҳам айтинг, оғзига маҳкам бўлмаса, ўлади-кетеди.

— Келишдик, — деб босқинчи тилининг тагига нос ташлади. — Уйингни ўзим топиб бораман. Аёл бўлсанг ҳам мард эканингга ишонаман. Бизни ким юборганини айтолмаганим учун минг марта узр.

— Ким эканлигини айтганингизда ҳам аслида бошқа одам бўлиб чиқади, бефойда. Улар ўйинда асл башарасини сизга ҳеч қачон кўрсатмайди.

Қора босқинчи эшикни қия очиб, шерикларига имо қилди. Бирпас ўтиб, тўрт гумашта қоронғилик қўйнига сингиб кетди. Бироқ ҳаял ўтмай уйнинг ёнгинасида кимнингдир нос туфлагани эшитилди. Қора босқинчи орқада қолиб, айвонни кузатди шекилли.

Лобар бир нафас бу кимса ҳақида ўйлади, аммо эслаёлмади. Эслаёлмаслик шундан далолат берардики, босқинчи тажрибали қиморбоз эмас эди.

\* \* \*

Уйдан биринчи бўлиб Дилруҳ чиқди.

— Болалар қани? — Лобарнинг кўйлагига чанг солди. Кейин одамларни ёрдамга чақириб, шундай чинқирдики, қиморбоз аёлнинг қулоғи шанғиллаб кетди.

— Бас қилинг, Назокатлар қўшнингизникида, уларни қутқариб қолганимга раҳмат денг! — деб Лобар тинчлантирмоққа уринди, қани аламзада хотин қулоқ солса.

Дастлаб оғилхона ортидаги йўлдан отга мингашган икки йигитча чиқиб келди. Булутлар пароканда бўлиб, ой

мўраллади. Шимлари тиззалари қадар шимарилгани учун чўпдек озгин оёқлари саланглаб кўринса-да, халоскор баҳодирлар бўлиб қуюлди Дилруҳга.

— Келаверинглар, уйим куйди, келаверинглар!.. — дунёни бошига кўтарарди Дилруҳ.

Қирда бир неча ит вовиллади. Ҳақиқатан чинқириқ иш берди: тун бўйи сел билан андармон бўлган одамлар Иқроор аканинг уйи олдида тўплана бошлашди. Дилруҳнинг чинқириғидан Иқроор ака ҳам қарахт бўлган, айвон олдидаги нам тахта устида гарангсиб ўтирарди.

— Нима бўлди, тушунтириброқ гапиринглар? — деди бир одам.

— Билмайман... Фалокат босди, тоға... — деб Иқроор ака Лобарга кўз ташлади. Кейин нигоҳлари хотинини ахтариб топди.

Дарҳақиқат, унга икки аёл битмас-туганмас бало ваъда қилиб турарди. Қиморбозлиги учун Дилруҳ иккала опасининг ўлимида айблаши, оила ўз-ўзидан бузилиб, болаларидан ҳам жудо бўлиши, Лобар эса “мени ўлдиришга уринишди”, деб эр-хотинни судга бериши мумкин эди. Шу ваддан у Дилруҳни айюҳаннос солишдан қайтармоққа уриндию, кечикди.

Ола-ғовур ичида бирдан нажоткор овоз янгради:

— Ана, Ашурали ҳаммасини биларкан!

Лобар ҳалиги йигит етиб келганини кўрди. У Лобарни қаерда учратганини, Иқроор аканинг болаларини пичанхонага яширганини, ҳозир бобоси кўриқлаб ўтирганини айтди.

— Йўллар ёпиқ, эртага милиция келсин, ҳаммаси аниқланади, бугун бу уйда ҳеч ким ётмайди... — деди дўшпили басавлат киши. — Қани, меникига ҳайданглар!

— Эртага эмиш! Мана, тонг отаяпти! — гапни бўлди бир шанғи овоз.

— Тонг отгунча шу ерда ўтираммизми?

— Ўтираммиз! Ҳеч ким жилмасин! Бешқизга ёмон мақсадда қадам босган одамнинг ўлиги кетади!

Иқроор аканинг болаларини олиб келишди, Дилруҳнинг акаларию онаси ҳам тунги воқеадан хабар топиб, ҳозир

бўлдилар. Милтиғи борлар биротар, қўшотар қўтариб гўёки уйни ҳужумдан ҳимоя қилмоққа шай эдилар. Йтларини эргаштирганлар ҳам бөр эди, шу боис тонгга яқин ҳовлида ўн беш чоғли эшақдек ит тўпланиб, бир-бирини гажишга тушиб кетишди. Ахшиям, селда боққан қўйнинг ўлигидан хабар топиб, айримлари пасаларга чўкиллаб жўнаб қолди.

— Ахийри қандай қарорга келдик? — соқолини саялати кишлоқ оқсоқоли.

Кийими алмаштирилган, иссиқ чой берилган Лобарчин уйку элита бошлаган эди. У Бешқизда эмас, ўтмишнинг аллақайси пучмоғидаман, деб ҳис этарди ўзини.

— Биздан ҳам айб ўтган, оқсоқол бова, — ерга қаради Иқроор ака. — Бу аёлни милицияга берсак, биз ҳам кетамиз, болалар чувиллашиб қолади. Ҳамманинг олдида тан олаяпман-ку, Россияга борганимда қиморбозларга қўшилганман. Қайтишда бир “импортний” қартасини олиб келганман. Кечаси келганлар шунинг дардидаги одамлар эди. Бу аёл ҳам улардан деб ўйлабман. Ўлдирмоқчи эмасдим. Жонимдан тўйганим учун... юрак олдириб қўйганим учун... элтиб ташламоқчи эдим, қир-пирнинг орасига...

— Гапингга милиция нари турсин, ёш бола ҳам ишонмайди... Нима қилдик? — Оқсоқол ҳаммага бир-бир қараб чиқди. — Шунча вақт қилғиликни қилиб юргани учун Иқроорга қандай чора кўришни ўзим биламан, манави аёлга ўзларинг бир нима денглар!

— Бу аёлни кишлоқдан қувиб юбориб, ишни “босди-босди” қилиш керак, — деди бир букри одам. — Туришига қараганда, милицияга бераман деб ўзи ҳам ўлиб бораётгани йўқ. Қанақа айби борлигини яхши билади. Энг муҳими, болаларни ўғирлади, деб ҳаммамиз ёзиб берамиз, гувоҳликка чақирса, борамиз. Ўзи қамалади-кетеди. Уйку дори бериб, қўл-оёғини боғлаганларига қани исбот?

Лобарнинг аламдан кулгиси қистади. Кетар олдидан шундай деди:

— Тўйга бордим “вой, жигарим”, жанозада “ёр-ёр” экан. Кўп жойларда бўлдим, лекин сизларга ўхшаган телба-

тескари одамларни биринчи кўришим. Қишлоғингизнинг иккита аёли ҳаётдан бевақт кўз юмди.—Сизлар учун бахтсиз воқеа... Ҳа, бахтсиз воқеалигича қолаверсин. Ўша қотилларнинг уясига қишлоғингиз орқали бормоқчи эдим, холос. Майли, яхши қолинглар, менинг яна тўқсонга йўлим бор. Айтиб қўяй, тўқсонга йўлимнинг бирортасида ҳам сизларга ўхшагулик қилмасин.

— Буни “айтиб қўйма”, Худодан сўра, — шанғи овозли киши дарғазаб ҳолда сўзлади. — Соғ аёл бўлганингда дарбадар юрармидинг?! Иқрорнинг болаларини ўғирлармидинг?! Билмадим, ҳеч ким халақит бермаганида нималар қилардинг сен!

Кўприкдан ўтказиб қўйишди. Тўртинчи қишлоқдан чақирилган “Москвич”нинг найнов ҳайдовчиси кутмоқда эди. Ўнқир-чўнқир йўллардан, кеча сел ювиб кетган пастликдан ўтишгач, кутилмаганда машина қоятошлар бўртиб чиққан қир оралиғига бурилди, тобора юқорилаб, мотори кучаниб, олға интилди, бир зумда хийла ичкарилашга улғурди. Орқадан дўланалару қоятошлар тўсиб турар, йўлдан ўтганларга энди машина кўринмас эди.

— Сиз билан бир одам гаплашмоқчи, — деб найнов моторни ўчириб, қўл тормозини кўтариб қўйди.

— Ҳали ҳаммаси эмас, денг; — Лобар жаҳл билан ўнг-сўлига аланглади.

— Менга буюришди, бажараяпман.

— Буйруқни бўри бажаради, сен эса сассиқ дарахтнинг тўнкасисан-ку! Қани, юргиз моторни! Мендан сўрамай ўзингча...

— Ҳув, ана! — деди маломатга қолган ҳайдовчи ва эшикни очди. — Хайр, мен нарироқда кутаман. Ўзларинг келишиб олинглар.

Лобар келаётган одам Иқрор ака эканлигини кўриб, бир оз ажабланди. Бироқ Бешқизда гаплашадиган гаплар қолиб кетгани боис ичида мамнун бўлди. Сездики, худди шу кимса охириги марта Шомил билан учрашган. Ўртада Шомил бўлмаса, “Викинг”га алоқадорлар Лобар масаласида

бош қотириб ўтирмасликларини яхши тушунарди. Орқа ўриндиқдан тушиб, очиқ деразага энгашиди ва “Москвич” галадонига қўл суқди. Қишлоқликларнинг машинасида ҳар доим нимадир бўлгучи эди: занг босаёзган ўтмас пичоқ бор экан. Енгига яшириб (урфдан қолган енги узун кофта Дилруҳники эди), кутиб ўтирмасдан Иқроор акага пешвоз чиқди. Шу тобда у бир вақтлар Ўрта ер денгизи оролида хазина умидида юрган тўда сафида ҳис қилди ўзини. Аниқроғи, кўнгил уммонида сузиб юрган, унутилаёзган ҳисларни чақирди, ҳислар бугунги Лобарни ўтмишдагисига тақлид қилдирди. Агар ҳозир рўпарадан келаётган эркак зугум қиладиган бўлса, кутилмаганда зарб урса, “Викинг” мафияси диёрига йўл очиларди гўё.

Бироқ ҳаял ўтмай эркакнинг фарзандлари кўз олдига келди, пичоқ тутган қўли бўшашди. Дарҳақиқат, ҳар куни болалар ўзлари билмаган ҳолда ўнлаб фалокатларнинг олдини олсалар ажаб эмас.

— Хотинимнинг кийими ярашмас экан, — тишининг оқини кўрсатди чўлтоқ қўл.

— Шунга айтиш учун найновга майнавозчилик қилишни буюрдингизми? — тошларга тирмашиб чиқаётган ҳайдовчига имо қилди Лобар. — Гап йўқ, худди ҳукмдордан фармойиш олгандек бажарди. Россиядаги қиморбозлар даврасидан тирик қайтганман, деб содда тоғликларингизни ўзингизга ром қилиб қўйибсиз.

— Ҳечам бундаймас.

Лобар бу одамнинг кечаги тундлиги анча-мунча ариган совуқ башарасига саволомуз тикилди.

— У менинг синфдошим, — қўшиб қўйди Иқроор ака.

— Ёш кўринар экан.

— Йўқ, мен эрта қаридим, икки йилнинг ичида ўн йилга. Юринг машинага. Кечаси билан сиз ҳам чарчагансиз, мен ҳам. Бемалол ўтириб, ҳаммасини очиқ гаплашиб олайлик.

Иккови машинага қайтишди. Лобар орқага, Иқроор ака олд ўриндиққа ўтиришдан бурун беихтиёр ҳайдовчини нигоҳлари-ла ахтаришди. Ҳайдовчи қоятошлардан бирига

чиқиб ўтирди-да, кафтини оғзига тутиб, бошини кескин ортга силтади. Нос отгани шу эди унинг. Жимгин: кутаман, дегани ҳам эди.

Кейин Лобарнинг кўзи бургутга тушди. У баландда ҳайдовчига яқин осмонда қанот қоқмай сузиб юрарди. Ким билади, балки бургут ов қилишдан кўра кечаги селда қурбон бўлган бирор ҳайвоннинг ўлакчасини ахтараётгандир?

— Нега мени ўлдирмоқчи бўлдингиз? — сўради Лобар.

Икковлари ҳам машина эшикларини ёпмади.

— Қандай ўлдираман?! — машинадан оёқларини чиқариб ёни билан ўтириб сўзлай бошлади Иқрор ака. — Мен ҳақимда барибир тўғри фикрга келолмаяпсиз, фақат қотилман, қотилман... Худойим, ўзинг кечир! Нима бор гапни Шомил ака айтиб берсагина... ўшандагини ишонасизми?.. Худо урсин, ўлдирмоқчи эмасдим! Ўзинги ҳам буни сезиб турибсиз, бўлмаса, шундай овлоқда бемало гаплашармидик?

— Ҳушим ўзимда бўлса, ҳар ким ҳам тенг келолмайди — кўзларида ўт-чақнади Лобарнинг. — Номардлик қилиб овқатимга дори қўшдингиз.

— Мен одам ўлдирмайман. Аввал ҳам ўлдирмаганман.

— Нега уйқу дори бердингиз? Қирнинг орасига шунчаки ташлаб келиш учун қўл-оёғимни боғламагандирсиз?

— Мақсадим — хотинимнинг кўз ўнгида сизни ёлғондакам ўлдириш, уни жинойтга шерик қилиш эди. Бу мен учун қанчалик зарур эканлигини яхши биласиз... Саиданини ўлимида умрбод пешанам қора бўлиб... — Иқрор аканини кўзлари ёшланди. — Умримнинг қолган қисмини тинчгина ўтказай деб... шу билан Дилруҳнинг ҳам оғзини ёпмоқчи эдим...

— “Опангнинг ўлимида айбдор эмасман, лекин қимоғ ўйнаганимни таң оламан, ўшаларнинг айёр жосусини иккимиз ўлдирдик, буни қасос ўрнига қабул қил-да, ҳаммасини унут, ўшанда қимор ўйнаганим учун эса мени кечир”, дердингизми? Иблислик қилиш сизга осон эканлигини биринчи кўрганимдаёқ сезгандим.

— Нима бўлганда ҳам сизни ўлдирмасдим. Қўйворардим, Лобар! Ўлдирсам, эртага сўраб келганларни нима деб алдардим? Худони-чи? Мени шунчалар имонсиз деб ўйлаяпсизми?

— Тентак бўлиб қолибсиз, — пичоқ дастасини маҳкам қисди қиморбоз аёл ва дарҳол яна бармоқлари бўшашиди.

— Ҳа, тентакман.

— Имондан гапирасизу тоғ бошидаги чайлаларда суюқоёқлар билан айшингизни сурасиз.

— Иғвогарлар орасида иғво эшитмай, нима ҳам эшитардингиз?!

— Кўрамиз, қани ҳикоянгизни бошланг-чи. Менимча, Саида опанинг ўлимидаги айбингиздан бошлаганингиз маъқул. Қулоғим сизда. Биламан, қора кунлар ундан аввалроқ бошингизга тушган. Хотинингизнинг ўлими кўргиликларингизнинг якуни бўлди.

— Йўқ...

— Афсуски, бу биринчи қисмининг якуни эди.

— Ҳаммасини ўзингиз биладиганга ўхшайсиз.

— Уйим орқасида турган ёмғирли кечадаги шарпа, галати “смс”, Омонгул опанинг ўлими, Бешқизда ўттизинчи йилларда бўлган воқеаларнинг афсонага айланиши...

— Кечирасиз, афсонанинг нима алоқаси бор? Йўлингиздан нима учраса, қопингизга солаяпсиз, Лобар.

— Афсонанинг нима алоқаси бор? Наҳот билмасангиз бунини?! Афсонадаги воқеани уйим орқасида “саҳналаштиришганини” англаб етмадингизми? Балки Саида опа ўлган кеча сизнинг уйингиз орқасида ҳам ўша “саҳна” ўйналгандир? Нима дедингиз? Устунга ўхшаш шарпанинг олдида борганимда мен ҳам ўлиб кетар эканман-да, а? Хуллас, ҳаммасини айтиб берасиз. Менимча, сиз илонбоз ҳақида ҳам баъзи нарсаларни билсангиз керак. “Хотиним ўлган кунини шундай-шундай ҳодисалар содир бўлганди, буларнинг барига илк марта фалон йили...” деб бошласангиз, яхшироқ бўлади.

— Кейин-чи? Роман ёзасизми?

— Роман ёздириш учун тоғ оралаб чопиб келдингизми?



Бу учрашувни мен эмас, сиз ташкиллаштирдингиз.

— Баъзи нарсаларга ўзаро шартлашиб олмоқчи эдим, ҳолос. Бўпти, ҳикоямни миридан сиригача эшитмоқчи экансиз, нима ҳам дердим. Вақтингиз етармикан? — муғомбирона қараб қўйди Иқроор ака. — Бу кўпга чўзилиши мумкин.

— Қанча вақт ажратай? Истасангиз кун ботгунча ўтираман.

Иқроор ака алам билан кулиб, ҳадеб бош чайқайверди. Юзидаги истеҳзо Лобарга оғир ботиб:

— Бунинг кулгили жойи борми? — деб сўради аламангиз оҳангда.

— Кечагилар билан гаплашганингизда қартадаги яширин ёзувни “смс” орқали шеригимга жўнатиб юбордим, дедингиз. Бу билан нима демоқчи эканлигингиз очиқчасига билинди, лекин калтафаҳмлар балони ҳам пайқамади.

Лобарнинг бир қоши кўтарилди.

— Нима демоқчи эканман?

— Қарталарни Омонгул опа ўлишидан бир кун аввал олгансиз, шундайми? Бизнинг қишлоққа келгунингизча ўртада неча кун ўтиб-кетди? Нега-энди қартага битилган сирли манзилни “смс” орқали айнан тоққа келиб кимгадир юбордингиз?

— Тоққа келиб юбордим, дедимми?

— Гапингиздан шу маъно келиб чиқди. Шунчалик аниқ келиб чиқдики, ҳеч нарса билан хаспўшлаб кетолмайсиз.

— Бор-йўғи шуми? Буни менинг ўрнимдаги ҳар қандай одам ҳам айтарди. Ахир босқинчиларнинг олдида қуролсиз эдим, қўриқчим ҳам йўқ.

— Телефонингизни текширдим, ҳеч кимга “смс” юбормагансиз. Бу хаёлингизга ҳам келмаганди. Қолаверса, бу ерларда “антенна” йўқ. Шомил ака билан эса ҳали гаплашмагансиз, чунки унинг яшаш жойини мендан сўраб ўтирибсиз. Шундай экан, қартадаги сирни қабул қилиб, Италия мафияси билан савдолашадиган одам ҳам аслида йўқ. Бўлганида бошқача гапирардингиз.

— Булар билан нима демоқчисиз?

Иқроор ака лабини ялаб, тоғу тошларга нафратомуз боқди.

— Бошимдан ўтганларни эшитишга кечгача вақт ажратишга ҳам тайёрсиз. Бир нарсага тушунмаяпман, қарталар кечаги ифлосларда кетди-ку! Нега энди бемалол юрибсиз бу ерда? Улар Римдаги қандайдир қимматбаҳо манзилгоҳ битилган лаънати ёзувни бугун эрталаб пуллашар балки? Сиз эса бошимга тушган савдолар билан қизиқиб ўтирибсиз? Наҳотки, кеч қолишдан қўрқмаётган бўлсангиз? Буни айтса бўлади тентаклик деб!

Лобар ихтиёрсиз кулиб қўяркан, деди:

— Қарталар ташвиши — менинг ташвишим. Фолкстон қарталари қўлимда эканини билганларидан сўнггина тоққа изимдан келишди. Агар кеча Бешқизга эмас, Бешариққа борганимда, улар ҳам Бешариққа, Конибодомга борганимда Конибодомга боришарди.

— Бир-бирингизни аввалдан танирмидингиз?

— Йўқ.

— Тилларингиз бир, олдимда шунчаки томоша қўйиб бердингиз, холос. Чунки сизларнинг ўйлашларингизча, илонбоз менман. Тоғу тошларда кун бўйи дарбадар кезиб, илон овлайман. Илон ёрдамида душманларимни, яъни аввал ўз хотинимни, кейин қайнопамни ўлдирдим. Буларнинг ҳаммасини ўта маккорона бажараманки, ҳатто; милиция ҳам бахтсиз ҳодиса, деб ишонади. Ҳеч бўлмаса, шу қадар тубанлашганим сабабини кўрсатишга асос айтарсиз?

— Оғзингизни бекорга оғритманг. Кечаси билан дам олмагансиз, ҳали бориб ухлашингиз керак. Гапиринг, Иқроор ака, кетишим керак, жуда ҳам чарчаганман.

— Бетавфиқлик қилманг; Лобар! — ўшқириб берди Иқроор ака чўлтоқ қўллари билан олд ўриндиқни синдиргудек силтаб.

Лобар ҳам чидаёлмади.

— Бетавфиқлик қилиб этагимни ўйнатаяпманми?! — деди ғазаб билан. — “Қарта кечагиларнинг қўлида кетди, улар билан тилинг бир, шунинг учун шошилмаяпсан” деяпсиз. Нега мени бунчалар овсар деб ўйлайсиз-а? Билмасангиз, билиб қўйинг! Қарталарга қўйиладиган белгиларнинг ҳадисини олганман. Шундай ўзгартириб қўйдимки,

Фолкстон қарталарини олган мафия малайлари бутунлай бошқа манзилга боришади. Аммо тўғри айтдингиз, ҳеч кимга “смс” жўнатганим йўқ. Бунга не ҳожат?! Сизга мени тақдирнинг ўзи юборди, агар ҳаммасини айтиб бермасангиз, яна бир катта хатога, ҳақиқий хатога йўл қўясиз. Бу ўйинда ким ютиб чиқаётганини кўраяпсиз-ку, ака. Тез орада ҳақиқий калит менинг қўлимда эканлигини италияликлар жуда яхши тушуниб етишади.

Иқроор ака бош эгиб, ноилож сукутга чўмди. Лобар ундан жамики ҳақиқатни эшитишга муштоқ эди.

— Мен билан ўйнашманглар, илтимос, — деди Лобар ҳорғин товушда.

— Майли, — деган овози-чиқди Иқроор аканинг бўғзидан, — фақат... мен айтадиган маълумотлар ҳеч кимнинг бошига етмаслигига сўз беринг.

— “Ҳеч ким” дейилган таркибга мафия одамлари кирмайдими? — сўради Лобар.

Иқроор ака бошини янада эгиб:

— Уларни ажал олсин, — деб-пичирлади.

\*\*\*

Тоғ бургути қирлар ортига шўнғиб кетди.

— Саида ўлган куни тўйда бўлганлигим рост, — деб ҳикоясини бошлади Иқроор ака, — танишимникида тунаб қолганим бир оз ёлғон. Ялиниб-ёлвориб, уникида ётганим ҳақида ёлғон кўрсатма беришга кўндирдим. Мени Чиябўри кўпригида кутиб туришганди.

— Ким?

— Танаймасиз. Қимор оламида номи чиқмаган бир кимса. Гап унинг жиноят дунёсида қандай рол ўйнаши ҳақида эмас, олдимга нима мақсадда келишида эди. Чиябўри кўпригига етганимда тун яримлаб қолганди. Қарғиш урган беҳосият кўприкдан бу вақтда бўри ҳам ўтмайди. Уч-тўрт пиёла отиб олганимданми, аламдан юрагим ёниб бораётганиданми, ҳеч нарсадан тап тортмай

келавердим. Жарликдан туман сизиб чиқиб, кўприкни силаб ўтиб борар, атроф гунг қоялару чакалаклардан иборат, сесканасан киши.

Барибир кўрқдим, кўприк бошида серрайиб туриб қолдим. Кейин йўл четидаги тошга ўтириб, сигарета тутатдим. Нечта чекканимни, қанча вақт ўтганини эслолмайман. Бир пайт аллақадан мотор овози эшитилгандек туюлди. Бошимни кўтариб қараганимда тоғлар яна суқутга чўмди. Биласизми, Чиябўри кўприги бу ердан ўн чақирим нарида. Ташландиқ конларга элтувчи йўлни туташтирадиган муюлиш. Кечаси машиналар адашиб ҳам келиб қолмайди.

— Оvloқ макон экан, сизни кутаман, деган одам машинада келиши керакмиди?

— Йўқ, у отда юради. Шунинг учун ҳам мотор шовқини қизиқишимни ўн чандон оширди. Кўприк ўртасига бордим. Шу пайт шовқин аниқ-тиниқ эшитилди, бу — мотоцикл эди. Ва ниҳоят, чироғи кўринди. Кўприкка имиллаб яқинлашиб келаверди. Нима бўлганда ҳам, бемаҳалда бу ерда юрганимни кўрмасликлари керак эди. Йўл четидаги харсангтош ортига ўтиб, бекиндим.

Мотоцикл кўприкнинг ўртасида, ҳозиргина мен тўрган жойда тўхтади. Улар икки киши экан.

“Иқрор ака! — чақирди орқадаги одам эгардан тушиб. — Шу ердამисиз?”

“Иқрор! — деди рулдагиси қўпол оҳангда. — Биламан, шу ердасан! Кел, гаплашадиган гаплар бор!.. Вақт йўқ, кетиш керак...”

Икковини ҳам танидим. Туман марказида донғи кетган қиморбозлар эди. Рулдагиси Босмач лақабли етти марта қамалган, Худо урган банда. Орқадагиси Мўтти лақабли ҳам қартабоз, ҳам ўғри. Лаънати Мўтти институтни битириб, бир йилча қурилишда архитектор бўлиб ҳам ишлаган. Аблахнинг айтишича, келажакда қамоқхонадан қочиш учун архитектурада ўқиганмиш.

— Узр, улар билан қаерда танишгансиз?

— Поликлиникага қатнаб юрганимда ўзлари келиб ҳол-аҳвол сўрашган. Россиядан мажруҳ бўлиб қайтганимни

эшитишган экан. Илк учрашганимдаёқ уларга Новосибирскдан аниқ, батафсил хабар етиб келганини тушунганман... Тўғриси, Чиябўрида уларни учратганимдан, яна денг, кўрмасдан шу ерда эканимни билишганидан таажжубландим.

Йўл устига чиққанимда улар бир-бирини туртиб, имлаб олишди. Негадир фалокат бўлганини сездим, юрагим увишиб кетди.

“Ўша феълингиз қолмабди-қолмабди-да, — деди Мўтти. — Айтилган жойда солдатдек кутасиз. Агар Россияда (қўлингизни мажақлашган куни) қочиб кета олганингизда, ногирон бўлмасдингиз. Шу ерда қутиб тур, деб жаллодларни чақиришга кетса, туравергансиз”.

“Мумсик қани? — сўрадим икки-уч қадам нарида тўхтаб. — Бу ерда эканлигимни нега сизларга айтди? Икковингиз билан ҳам ошна эмасдим, бундан кейин ҳам ошна бўлолмайман. Ярим тунда тоғ орасига мени ахтариб келганларингизга тушунолмаймаман?”

“Таъзияга айтишга келдик”, — деди Босмач безрайиб.

(Биласиз, Лобар, бизда “таъзия” жаноза маъносида ишлатилади.)

“Қанақа таъзия?” — тилим зўрға айланди.

“Гапни узоқдан бошлаш керак эди, — дея Мўтти менга яқинлашди, — Босмач акамиз бир оз қўпол-да!.. Хуллас, бандалик... Янгам оламдан ўтиб қолдилар...”

Лобар, ўша ипирисқи Мўттидан “янгам оламдан ўтиб қолдилар” деган гапни эшитиш қанчалик оғир эди. Мўтти ким ўзи менга? Ҳаётимда бир неча марта учратганман, холос. На ота-онасининг, на қариндош-уруғининг тайини бор ғирт касофат кимса эди. Ўша дамда Босмачга қараганда тузукроқ гапирган эса-да, барибир, умримда бундай нокасни кўрмаганман. Шундай экан, туман марказидан йигирма чақирим наридаги одам оёғи етмас Чиябўри кўпригида, ярим тунда мутлақо кутилмаганда пайдо бўлиб, янгаси ўлганини айтса, нега даҳшатга тушмас

эканман? Қанчалик ажабланарли бўлмасин, “янга” деганда у хотинимни назарда тутаётгани аниқ-равшан-ку. Бироқ кечқурун тўйга чиқиб кетаётганимда Саида соппа-соғ эди. Умрида касал бўлиб, ётиб қолмаган аёл қандай фалокатга учради? Қазоси етиб, вафот этган бўлса, шу каззоблар айтувчи бўладими?

“Қанақа янганг? — сўрадим ўзимни зўр-базўр қўлга олиб. — Сенда янга нима қилади?”

“У хотинингни гапиряпти”, — деди Босмач тўнг овозда.

“Нега... нега ўлади?! — ҳайқирдим тоғларни бошимга кўтариб. — Нима қилди унга?.. Ким ўлдирди?.. Болаларим... болаларим қаерда?”

“Оилангни ўйласанг, шу ишларга қўшилармидинг? — деб Босмач бир тепишда мотоциклни ўт олдириди. — Сенга маслаҳатим, индамай қамалиб кетавер. Йўқса, болаларингдан ҳам айириласан. Гапим тушунарлидир?”

“Сен ўлдирдингми?” — унга қараб юрдим.

Мўтти йўлимни тўсди.

“Иқрор ака, биз бир элчимиз, холос, — деди у. — Босмач акамиз айтгандай, айбни бўйнингизга олиб, қамалиб кетаверинг. Болаларингизга қарайдиган одам топилади. Ҳозир ғавго кўтарсангиз...”

“Биз билан ғавго қилолмайди, бу аниқ, — гап қўшди Босмач мотоциклга газ бераркан, — милиция билан ошқатиқ бўлиб юрмасин. Қўлларидан айирилса ҳам, эси кирганига унчалик ишонмайман...”

“Нима бўлсаям... ҳатто бирон гап-сўз чиқарсангиз ҳам... кетасиз, ака”, — ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди Мўтти.

“Нега... нега ўлдирдиларинг уни? Аблаҳлар...” — дедим, юрагим симиллаб оғрий бошлади. Қўлимдан бир иш келмаслигига чидаёлмай аламдан ўзимни йўқотар даражада турардим. Ёлғиз ўзим овлоқда қандай қилиб икки барзангига бас келаман? Танимда мадорим йўқ, қўлларим чўлтоқ...

Мўтти ёқамдан ушлаб, пешонасини пешонамга босди.

“Ака, — деди у, — эркак ҳаммавақт ўзини қўлга

олиши керак. Наҳанглар билан ҳазиллашиб бўлмайди, Босмач билан ҳам. Сизга айтяпмиз, хотинингизни биз ўлдирганимиз йўқ”.

“Ким?!” — деб итариб юбордим.

“Буни билмаймиз. Борсангиз кўрасиз. Бизга Чиябўри кўпригига бориб, сизга айтиш тайинланди. Мумсик деганингиз ҳам ҳеч вақони билмайди. Унга “Иқрорни тўйдан қайтишда кўприкка чақир”, деб тайинлашган. У ҳам, ўз вазифасини уддалади. Кўп киши ишлаган бу ерда, жуда-а кў-ўп. Қарталарни ўғирлаган экансиз, нега огоҳлантиришлардан сўнг дарров қайтариб бермадингиз? Яна бир марта жазоингизни олдингиз”.

“Ахир, минг марта айтишим керакми? Қарталар аллақачон йўқолиб кетганди. Бунинг учун мени жазоласинлар эди, мени!”

“Шундоқ ҳам сизни жазолашди. Ҳарҳолда, менинг хотиним ўлдирилган эмас. Ўлдираман деса, хотиним ҳам йўқ-ку-я. Омади гап-да бу, ака...”

Улар билан тортишиш-бефойда-эканлигини-бөшиданок тушунгандим. Мен ҳам анойи эмасман: қотиллик бўйнимга илинмаслиги учун тўй бўлган қишлоққа қайтишим, Бешқизнинг яқинига ҳам йўламаслигим кераклигини фаҳмладим.

“Хотиним қандай ўлибди? — сўрадим кетар олдидан. — Мард бўлсанг айт, ука, гиринг десам, эркак эмасман”.

Мўтти елкамга қоқди-да, овозини янада пастлатиб, деди:

“Болаларингиз пишиллаб ухлаб ётибди, ҳали ҳеч гапдан беҳабар. Янгам эса уйингиз орқасида. Унга биронтаси кўлини ҳам теккизмабди, ишонаверинг. Пок бўлиб ўлибди. Бу, менимча, ҳаддан ташқари фожиали ўлим эмас”.

Бош қимирлатдим-да, кўприкнинг нариги бошига — келган йўлимга қайтдим. Бешинчи қишлоққа бу ёқдан йўл йўқ эди. Фақат бешинчи қишлоққа эмас, бахтга, саодатга, ўтмишда қолган гузал кунларимга ҳам олиб бормасди энди бу йўллар.

“Ҳой, қаёққа?” — деди Босмач.

Мўтти мотоцикл рулидан ушлаб тўхтатди.

“Эртага таъзия! Таъзияга ўт лекин! — бўкирди Босмач ортимдан. — Агар ўрнингда бўлганимда, бундай яшагандан кўра ўзимни ўлдираддим”.

Дўстимникига бордим. Тўйдан қайтишда, йўл четида ухлаб қолганимни айтдим. Уша мудҳиш кечада эрталабгача дўстимникида бўлганман.

\* \* \*

— Лекин сиз уй эгасига ёлғон маълумот беришни илтимос қилгансиз, — деди Лобар оғир дамларда болаларининг ҳолидан хабар олмаган, хотинининг ўлигини тащлаб қочган, қуёнюрак кимсадан ижирғаниб.

— Тонг отишига оз қолганди, кечаси билан аллақарларда тентираб юрганимни милиция билса, сиқиб, сувимни ичиши мумкин эди.

— Иқрор ака, аслида сизнинг қонингизни ичиш керак. Аёл киши бўлганим учун Саида опа билан норасидаларига раҳмим келиб гапирмаяпман. Ҳар қандай одамнинг нафсониятини кўзгайди бу.

— Шундай дейсиз... бошқалар ҳам шундай дейди... — Иқрор ака ўзини қандай оқлашни билмадими, далилларни тилга олишни эп кўрмадими, сигарет тутатиб, чуқур-чуқур тортди. Чўлтоқ қўлларига тоза дока ўраб олганини Лобар энди пайқади, алам зўрлигидан шу ҳам эриш туюлди унга. “Қўтир эчкига янги чакмон!”

— Хотинингизни қурбон бериб, жинойт оламида ўрнингизни сақлаб қолмоқчи эдингизми? Ахир, бу бориб турган қабиҳлик-ку!

— Йўқ! Менга уларнинг орасидан ўрин керакмас... керакмас! Халқаро қимор ўйинларига аралашган аёлсиз, Лобар. Қулоқ солинг...

— Халқаро қимор? Жуда “чиройли” таърифладингиз-да.

— “Халқаро террорчилик”, “халқаро жинойт” жумлалари борми? Бор бўлгандан кейин “викинг”лар уюштираётган бир неча мамлакат қиморбозлари ўртасидаги ўйин ҳам халқаро-да!



— Нима, икки мамлакат фуқароси севишиб қолса, “халқаро севги” деймизми? Турмуш қурса, “халқаро-оила” деб атарканмиз-да?

— Бўпти, бўпти... Ўйлаб қаранг, ўша кеча нима қилишим керак эди? “Иқрорга бориб айтинглар, хотинининг ўлимини ўз бўйнига олсин, бизга гап тегса, баттар қиламиз”, деган одамларга қарши қўлимдан нима ҳам келарди? Ё югурдаклик бўлмиш икки қиморбозни сўйиб ташлашим керакмиди? Балки уларнинг гапига кириб, қотилликни бўйнимга олсам, тўғримиди?

— Қишлоғингизга қайтишингиз, Чиябўри кўпригидаги бор гапни қўни-қўшниларга айтиб, ҳовлингизга гувоҳлар билан киришингиз шунча қийинмиди? Нега энди қотиллик бўйнингизга илиниб қоларкан? Изларни текширишарди, терговчилар тўнка эмас-ку.

— Буни халқаро қимор ўйинларида қатнашган аёл айтаяптими? Улар этигимнинг изларини қолдиришган. Менга тузоқ қўйилгани аниқ эди. Экспертиза ишлаганида эди, этигимнинг изларини топишарди.

— Айбингиз мана шу тоғлардан ҳам катта экан-да?

— Айбим майиздек ҳам келмайди, лекин жазоси, ҳақиқатан, тоғлардан ҳам катта. Бу сенга кам, деб болаларимни ҳам аямасликлари мумкин. Минг-минг лаънат ўша кунларга!

— Эрталаб уйингизга йўл олдингиз, фожиа ҳақида кимдандир эшитиб, ўзингизни қайғуга ботган қилиб кўрсатдингиз, болаларингизнинг кўзларига уялмасдан тик қарадингиз...

— Тўппа-тўғри, шундай қилдим, Лобар, — деди Иқроп ака сигаретни зарда билан эзиб ташларкан. — Бошқа иложим йўқ эди. Хотиним ўлдирилганини ҳеч ким сезмагани яхши бўлди. Мен қўрқокман, чунки суянадиган одамим йўқ.

— Суянадиган одамни айби бор киши ахтаради. Ҳаммасини хотиниңизнинг ўлиמידан бошланг, деб бежиз айтмадим. Энди менга барчаси аён. Фақат баъзи нарсаларга тўхталиб ўтсангиз. Сайда опани ҳам илонга чақтириб ўлдиришганми?

— Каттиқ кўрққанидан юраги ёрилиб ўлган. Нимадан кўрққан, нега қичқирришга ҳам улгурмаган, буниси менга қоронғи.

— Бошқа далил билмайман, денг. Омонгул опанинг ўлимига нима дейсиз?

— У ҳақда уйда қақшаб гапирдим-ку, Лобар. Опанингилларнинг хатоси қартани яшириб қўйишлари. Бошқа гап йўқ бу ерда.

— Омонгул опа билан Дилруҳ қарталарни нима учун яширгани маълум. Саида опага нега керак бўлиб қолган экан? Фолкстон қарталарида Римдаги манзилдан ташқари очиқ-ойдин билиниб турган белгилар бор эди, ўлимга ҳукм қилинганлик белгилари. Ўйлагандимки, қарталар хотинингизга жўнатилган, деб.

Иқроор ака тиззасига муштлаб, ихраб юборди.

— Қарталарни чекка тоғ қишлоғидаги ҳеч ким танимайдиган бир бечора аёлга жўнатиб, томи кетмаган-ку уларнинг! Россияда юрган кезларим қарталар афсун қилинган деб ўйлардим. Ўғирлаб келганимдан сўнг, билдимки, ҳеч қандай афсун қилинмаган, сеҳр-жоду йўқ нарса.

— Қартани бошқа ўйнамаслигингиз учун қўлларингизни мажақлашса ҳам ўғирладингизми?

— Ҳа, мажақлашгани учун ҳам ўғирладим. Улар эса ўғирлаган одамни гумдон қилиш учун қарталарга ўлим белгиларини олдиндан қўйиб қўйишганини энди тушуниб етдим. Тан оламан, шохида юрган эканман.

— Нега улар бунчалик кўп томоша кўрсатишади? — сўради Лобар ўриндиқ суянчигига ўзини ташлаб, кўзларини юмиб олган Иқроор акадан.

— Қанақа томоша?

— Бармоқларингизни “классик” усулда мажақлаши, қарталарга ўлим ҳукмини олдиндан ёзиб қўйиши, қотиллик қилишда афсоналарга асосланиши, ёмғирли кечадаги ип-ингичка шарпа, Чиябўри кўприги воқеаси...

— Бу унинг хоббиси.

— Кимнинг? — ажабланди Лобар. (Ахир, сирли равишда қотиллик қилишни ҳам хобби деб бўларканми?)

— Аввалги эрингиз Шомилнинг.

— Ёлгон, — дея тўлғониб қўйди Лобар. Сўнгра қўлларини асабий чалиштирди.

Лобарга ўгирилиб қараганида, Иқроор аканинг қошлари тажанглик ила чимирилиб кетди.

— Инсон боласи қилиши мумкин бўлган ҳамма жиноятларни қилган, ортиқ завқланмай қўйган. Ғалати жиноятлар эса қониқтираётганга ўхшайди уни.

— Шомил акани “мафия малайи” дегандингиз, ҳозир эса гўёки боссага айлантингиз. Кечадан бери оғзингиздан чиққан гапларни бир ипга тизиб чиқсак, бир-бирига зид гаплар бижғиб ётибди.

— Бошида ҳеч қайсини тан олишни истамадим. Фолкстон қарталарини олдимга ташлаганингизда ҳам бошқа нусхаси, деган ўй ўтганди хаёлимдан. Мана, гаплашиб олмасам бўлмаслигини тушуниб, шу ерга учрашув белгилаб, биланларимни гапиряпман-ку.

— Бегуноҳ аёлларни ўлдиришга Шомил аканинг ҳеч қачон ҳадди сизмайди, шунинг учун ҳам айтаёпманки, сиз ёлгончи, бевурд одамсиз, Иқроор ака. Ҳамма гапингиз ҳам ишончли эмас.

Иқроор ака ўриндиқни гижирлатиб, яна орқага қаради.

— Ишонмайман, — деди Лобар қатъий қилиб. — Нима билан асослайсиз?

— Хўп, ишонишга мажбурлаёлмайман. Учрашганингизда сўрайсиз, нега олижаноб қотилдан пасткаш қотилга айланганини. Уни мафия бошлиғи деганим ҳам йўқ; фақат қандай жиноятларни уюштираётганини айтдим. Сизнингча, одам ўлдириш режасини фақат босс ўйлаб топадими?

— Ростгўй бўлсангиз, бу ердаги одамини айтинг, — деди Лобар. — Одами бўлмаса, Омонгул опа Бешқиздан чиқиб, менга учрашганини “Викинг” қаёқдан билади?

— Ўлай агар, айғоқчиси кимлигини билмайман. Ўзингиз айтдингиз, Лобар, “бошингиздан кечирганларни сўзлаб берсангиз, қишлоқдаги жосуси ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади”, деб. Қани, аниқланг энди! Мен билмайману, ҳикоямни чала-чулпа эшитиб, сиз биласизми хоинни?

– Балки Босмач билан Мўтти билар?

– Вў, жуда яхши фикр! – қизариб-бўзариб сўйлади Иқроор ака. – Улар албатга билишади, жуда яхши билишади! Гап йўқ сизга, Лобар! Гап йўқ!

– Нега кесатяпсиз? Айтишмайди, деб ўйлаяпсизми? Балки сир олишни мен уддаларман? А? Манзилини айтинг ярамасларнинг.

– Манзилими? – Иқроор аканинг афти баттар бужмайди.

– Волга...

– Аниқроқ айтсангиз-чи.

– Волга дарёси туби.

– Ўлдирилган, демокчимисиз?

– Эшитишим бўйича, қишда иккови қартага муккасидан кетган. Душанбеда, Боткенда роса омадлари чопишган. Ҳатто, бир ойдан сўнг уйлариға “жип”да қайтишган. Кейин Россиядаги қиморхоналар билан алоқа ўрнатилган. Пул учун ўлдириб, Волга дарёсига ташлаб юборишган, дейишди.

– Қимор бор жойда пул ёки фирромлик учун ўлдиришади, – деди Лобар. – Кеча Санкт-Петербургдаги қотилликни кўрсатишди, телевизорингизда. Ваҳшийлар ҳамма жойда учрайди, ҳамма тоифа ичида. Оддий пайвандчи беш кишини йўқ қилган.

Лобар бир зум хаёл уммонига шўнғиган эди, Иқроор ака яна бир сигарет тутатиб, деди:

– Мафия одами эмаслигингизга ишонаман, Лобар... Мени кечиринг... Биламан, узрни бечора Саиданинг... Омонгул опанинг руҳларидан сўрашим керак... Ҳаммаси менинг касримга қолди... Дилруҳ билан бахтли яшаб кетишимни хоҳлайман... Токи руҳлар болаларнинг бахти ҳаққи мендан рози бўлишса... Журъати йўқ, бебурд одам, деб ўйлайсиз. Балки бундан ҳам баттар бўлгандирман? Барибир, сизни кўриб, бир кун ичида анча нарса ўргандим, оз-моз бўлсаям, ўзардим. Юрагимда журъат тугилмаганда, бу ерда сизга ҳаммасини сўзлаб бермасдим... Улар бутун дунёни эгаллаган тақдирда ҳам қарши кураш олиб борса

бўларкан. Мен эса... қулга айландим. Қиморбозларнинг қули, мафиянинг қули, ҳатто малайларнинг ҳам қули...

— Уларни қандай топишим мумкин? — деб сўради Лобар.

— Шомил аканими?

— Уни ҳам, илонбозу “викинг”ларни ҳам.

— Бу сизга қийин эмас-ку. Шомил билан учрашасиз, ҳаммасидан воқиф бўласиз-қўясиз. Шомилни эса Россияга бориб, казинолардан ёки “қора қиморхона”лардан сўрайсиз. Нега мендан сўриштираётганингизга ҳайронман.

— Йўқ, Шомил ака масаласида янгилишаётганга ўхшайсиз. У ўзини Шомил қилиб кўрсатаётган бўлиши ёки қиёфодоши, исмдоши, яна алламбалолар бўлиб чиқиши мумкин. Ёши, кўриниши, одатларини айтоласизми?

— Айтоламан. У эллик ёшлардан ошган чечен. Гапига қараганда, Грознийда туғилган. Қотмадан келган, қаҳри қаттиқ, бир оз ўйчан одам.

— Сўкинадими?

— Йўқ, — деди Иқроор ака. — Қартани жуда яхши ўйнайди, ҳамisha бизни шилиб оларди.

— У бошқа одам эканлиги аниқ. Шомил ака қартани ташлаган. Қолаверса, Россияда эмин-эркин юролмайди. Қидирувда, ахир.

Иқроор ака сигарет тутунини пуфлаб, даҳшатли далиллар келтира бошлади:

— У кўп нарсани эплайдиган одам. Бу юришимни Лобар кўрса, кўзларига ишонмайди, ўз қўллари билан отиб ташлайди, дерди. “Ҳаёт бошидан бошланаяпти, Москвада Лобарга қайтадан уйланаман”, деганини ҳам эшитганман. Энг қизиғи шуки...

Лобар охириги гапларни жон қулоғи билан тинглай бошлаган эди, “энг қизиғи” жумласи бениҳоя тилсимли туюлди ва олд ўриндиқни ушлаб, яқинроқ суриламан, деб эркакнинг елкасига пичоқ дастасини уриб олди.

— Энг қизиғи шуки, — деб такрорлади Иқроор ака, сўнг

пичоққа ғалати қараб, Лобарга саволомуз тикилди, — Шомил сизни телеқаҳрамон қилмоқчи, Европа-Осиё энди чеҳрангизни томоша қилади. Чеҳрангизни эмас, қарта чийлаш, фокус, ютиш, авраш, алдаш техникаси... дегандек.

— Телеқаҳрамон, бу — шунчаки телевизорга чиқишми? — Лобар ўтмас пичоқни ташқарига улоқтирди. — Қўлимга қандай тушиб қолди-я! Шунақа нарсалар олиб юради-да, таксичилар! — деб қўйди ўзича.

— Россияда телеканаллар кўп, — давом этди Иқроор ака хиёл гезариб, — кўрсатувлар ҳам бижғиб ётибди. Қотиллару фоҳишалар билан ҳам кўрсатув тайёрланаверади. Шулардан бирининг режиссёри билан таниш экан. Энг машҳур қиморбоз аёллардан учтасини студияга тўплаб, аллақанақа кўрсатув тайёрламоқчи эмиш. Менимча, бошловчи турли саволлар беради, рақиблар қанақа бўлиши, қандай ютиш кераклиги қиморбозлар томонидан айтілади. Халққа ўргатиш учун эмас, албатта. Бўлган воқеаларни ҳикоя қилиш, қартадаги найрангларни кўрсатиш. Шунақа шекилли.

— Режиссёр Шомил акага учрашибдими?

— Йўқ, улар тасодифан қайсидир қаҳвахонада танишиб қолишган. Гоя кимдан чиққанини билмайман, лекин бу кўрсатув орқасида мафия тургани аниқ.

— “Викинг”ми?

— Балки, ўшалардир. Лекин жиноятчиларни биласиз-ку, битта воқеа содир бўлса, дарров уч-тўрт гуруҳ фойдаланиб қолади. Бу маълумотлар учун ўлиб кетсам ҳам, гап келганда айтиб қолай, улар кўрсатув орқали қиморбозларни саралаётган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас, Лобар. Айтмоқчи эмасдим, мишмишларга азалдан қизиқмайман. Учрашувдан мақсадим ҳам орамизни очиқ қилиб олиш эди.

— Хўп, — деди Лобар хотиржам ҳолда. — Ахборотингиз учун раҳмат. Сиз умумий тасаввур учун баъзи эски маълумотларни берайспиз, чунки олти ойдан бери, балки ундан ҳам зиёд вақт ичида гаплашдингизми улар билан? Йўқ.

— Шунинг учун ҳам қўрқмай гапиряпман-да, — киноя оҳангида сўзлади Иқроор ака.

— Раҳмат. Энди менга айтинг, Россияга қандай қилиб бориб қолгансиз, бемалол эшитсам бўлар? Шошмаяпсизми?

— Қаёққа шошаман? Мозорга боришимга йигирма-ўттиз йил бор. Ўзингиз-чи? Қарталарнинг орқасидан қувмайсиз, бемалолсиз-да, а? Таржимаи ҳолингизни чала-чулпа эшитган бўлсам ҳам, битта тўғри хулоса чиқарганман. Сиз кўп шошган, хўп ҳовлиққан аёлсиз.

— Тўғри, ҳозир ҳам шошаяпман, фақат эшитиш учун.

Эркак истар-истамай кулди. “Одам мажбуран кулгандан кўра кулмаган яхши”, деди Лобар ичида, аммо ўзи ҳам лаби-лунжини йиғиштиролмади.

\* \* \*

Қирлар орасида, эшиклари очиқ машинада ўтирган Лобар ва Иқроор ака кечаги бўҳронли тундан кейинги серкўёш ҳавода ўтмишни кавлашдан бир зум ҳам тўхтамай, бир-бирига анча эликиб ўтирардилар. Ҳайдовчи эса хийла наридаги қоя устида мудрар, булар ишқдан бошқа нимадан ҳам гаплашиши мумкин, деб ғайирлиги келарди чоғи, ҳар замонда заиф қийқириб, кичик тошчани ҳавога отиб, яна бош эгиб оларди.

— Қулоқ солинг, Лобар, — деб Иқроор ака ниҳоят тинч ҳаётига ғалвалар кириб келгани ҳақидаги ҳикоясига эшик очди, — мен қартанинг “қ” ҳарфини ҳам билмайдиган оддий тоғ йигити эдим. Ҳатто, ўтиришларда жўраларимнинг қарта ўйинини томоша қилишни-да ўзимга эп кўрмасдим.

Саидага уйланишдан аввал “кел, бир касбнинг бошини тутай” деб чўпонликни бўйнимга олдим. Бешинчи қишлоқ тоғнинг анча ичкарасида бўлгани учун ёз бўйи қўй-қўзилар ўтдан қийналмасди. Даштликлар ҳам эринмасдан ўттиз-қирқ қўйини сурувга қўшиб кетишар, яхшигина маош тўлашарди. Етти юз-саккиз юз қўй боққан вақтларим ҳам бўлган. Тожикистон чегараси қайси тошнинг устидан ўтганию, қайси дарада қанақа тулки яшашигача ёд бўлиб кетганди. Раҳматли ота-онам меҳнаткаш, топармон йигитга айланганимга хурсанд эдилар.

Ўзимизнинг қишлоқдан келин топишди. Саида мактаб вақтидаёқ менга ёқарди. Ростини айтсам, жа яхши кўрмаганман, лекин “шунга уйланасанми?”, дейишса, йўқ ҳам демасдим. Вақт ўтган сайин уни мактаб чоғларидаги қиёфасида ҳам тез-тез кўз олдимга келтираяпман. Яхши қиз эди, бояқиш. Мен туфайли ўлиб кетгани юрак-бағримни қандай ўрташини айтсам, Лобар, ишонмайсиз, сизнинг назарингизда, палидман, қалб йўқ менда!

— Илтимос, нолимасдан! Ҳақиқий эркаклардек... — деди Лобар.

— Майли... Тўй арафасида икки бола чўлиқликка ўтди. Улар нариги қишлоқдан эди, пишиққина, уқувлигина. Тўйдан кейин бир ҳафта тоққа чиқмадим, сурувни ўзлари эплашди. Оқ эшакни миниб, хаёл суриб, фақат кундузлари борадиган бўлдим. Кейин шу ҳам малол кела бошлади. Ишга бемалол бориб-қайтадиган, кечқурун уйига тарвузми, қанд-қурсми кўтариб келадиган одамларга ҳавас қилардим. Дўппимни ерга қўйиб, оқ булутларга тикилиб ётганимда, миям не-не ўй-хаёллардан ғовлаб кетмасди, дейсиз.

Афсуски, одамлар секин-аста сурувдан қўйларини олиб кета бошлашди, охир-оқибат юздан ортиқ қўй қолди. Табиийки, чўлиқларга маош тўлаш энди қўлимдан келмасди. Улар бошқа чўпондан иш топишгач, кечаю кундуз қўйлар орқасидан яна ўзим юрадиган бўлдим. Ё Саида қўтонга келиб яшаши, ё чўпонликни ташлашим керак эди. Ёш куёв, бунинг устига ҳаётдан ўкиниб юрган эмасманми, қийин аҳволга тушиб қолдим.

Бир куни қўйларни бўлиқ ўтлоққа олиб бордим-да, нега одамлар менга қўй қўшмай қўйишгани ҳақида ўйладим. Бунинг жавоби тап-тайёр эди: уйланганимдан сўнг неча юз қўйларни тажрибасиз болаларга топшириб, қишлоқда ялло қилиб юришим овоза бўлиб кетганди. Алам қиладигани, бундай гапларни ўз қишлоғимдаги кўролмайдиган одамлар қўшиб-чатиб тарқатишганди. “Қанийди бир сабаб туғилсаю, тўсатдан бойиб кетсам”, деган ўй хаёлимга келаверди. Бироқ бу кимнинг ҳам кўнглида йўқ?! Ким ҳам қийналмасдан пул топишни, маза қилиб яшашни истамайди?!



Бошқалардан фарқли ўлароқ ўша кундан бошлаб бойлик ҳақида тинимсиз хаёл сурадиган бўлиб қолдим. Ҳатто, бир кун и ўзимга шундай савол берганман: “Тоғ йўлида беш-бегона одам дуч келди, хуржунида бир хум тилла, атрофда эса гувоҳ йўқ. Уни ўлдириб, эшагию мурдасини тубсиз жарликка ташлаб юборишга ҳаддим сиғадими?”

Қандай жавоб берганимни биласизми? “Ҳа; уни ўлдираддим...” Хуллас, бойлик илинжи кўнглимни чирик бостирган эди.

Саида тез-тез ўпка-гина қиладиган бўлгач, янада бахтиқаро кўриндим ўзимга. Нега энди умрим тоғу тошлар орасида ярим ёлғизликда ўтаркан?..

— Бу воқеалар қачон бўлган ўзи? — ҳайронлигини яширмади Лобар. — Ахир сиз уйланган йиллари (буни болаларингизни кўриб тахмин қилаяпман) Шомил ака Москвада, менинг ёнимда эди-ку!

Иқроор ака бош чайқади.

— Сизга шайтон қутқусига қандай учган йилларимдан бошладим...

— Узр, — деди Лобар ўриндиқ-суянчиғига ўзини ташлаб. — Демак, “викинг”лар тарғиб қиладиган қимор йўлига бирдан кирмагансиз. Агар ўша дамларда ҳам “викинг”лар ҳозиргидек жиноят салтанатига мўр-малахдек бостириб келганида, албатта тўқнашган бўлардим. Улар ҳақида биринчи марта бир ярим йил аввал кузда эшитганман.

— Қарта ўйинларида қандай натижаларга эришганингизни биламан, — деди Иқроор ака. — Биз ўхшашмиз, Лобар. Масалан, Москвада эрингиз сизни кавказликларга ютқазиб қўйгунча қарта ўйинларини билмагансиз. Тўсатдан ўрганиб, ҳаммасини қотириб ташладингиз. Ҳаётим кўзимга ғариб кўриниб юрган ўша чўпонлик йилларимда қарта тушимга ҳам кирмаган. Орадан уч йил ўтди...

— Янги куёвлик даврингиздан кейинми?

— Ҳа, албатта. Айтмоқчиманки, уч йил ҳасрат чекиб яшадим, чўпонлик қисматим бир зайлда кечди.

— Фарзанд-чи? Уларнинг дунёга келиши ҳам ҳасратларингизнинг ичига кириб кетадими?

— Деярли бир зайлда кечди, демоқчиман. Ота бўлиш бахтидан ўзимни йўқотиб қўйганимни таърифлаб ўтирмадим, бундан ажабланишингизни билиб, нега оғзимни оғритай. Кейин мен айтаётган ҳасрат пулга боғлиқ. Фарзандлар туғилганда одам қанчалик қувонмасин, пул қайғуси ошса ошадики, камаймайди. Бу — оддий ҳақиқат.

Кунларнинг бирида, ўшанда июлнинг боши эди, қўйларни тоғнинг юқори яйловларига ҳайдашга қарор қилдим. Адирлар устидан икки марта вертолёт учиб ўтганини кўрдим. Бизда нашалар июннинг охири-июлнинг ўрталарида гуллайди. Қисқаси, бу ойлarda қишлоқлардан тортиб, тоғ яйловларигача текширишади. Бировнинг орқасидан ёмонлаш эмас-ку, қишлоғимиздаги айримлар оз-моз наша экиб, яхшигина пул топардилар. Қамалганлар ёки бор-будини сотиб, зўрға қутулганлар ҳам бор.

Бойиш ҳақида ўйловчи бўлсам-да, наша экиш фикри калламга келмаган. Барчаси осмондан ёғилишини, тасодифан оёғим остидан чиқишини хоҳлардим, жиндиларча кутардим бойлик ва омад келар кунни.

Вақт тушдан оққанда, сувим тугади. Қизимнинг туғилган кунидан ортган сомсаларни Саида бериб юборгани, айронни ичиб тугатсам ҳам чанқоғим қонмади. Бир қир наридаги жилғани кўзлаб, эшакни ниқтадим. Йўл-йўлакай авваллари ҳеч ўтмаганим унча узун бўлмаган қир оралиғига тушиб, нариги қирга чиқмоқчи бўлдим. Шу пайт офтобда йилтираётган кўлмакни кўриб қолиб, қизиқсиниб тўхтадим. Ўтлар орасидан ўзига зўрға йўл топаётган, самовардан жилдираган сувчалик ҳам чиқмайдиган бўлса-да, чашма қизиқтириб қўйди.

“Қир ошиб, жилғага боргунча чашманинг кўзини топаман”, дедим ўзимга-ўзим.

Торғина оралиқдан ичкариладим. Аввал ўнгга, пича юриб сўлга бурилдим, эшак қурғур таққа тўхтади. Қир оралиғи ҳам тугаб, рўпарамда тик жарлик девордек намоён бўлди. Бу ерда қирнинг нураган жойи борлигини билардим. Юқоридаги сўқмоқдан ўтаётиб пастликдаги

арчага қарайман деб эшакдан йиқилишимга сал қолгани ҳам эсимда. Олдий тоғ арчаси-да, деб ўйлаганим афсонавий дарахтлардек ғалати ҳолда эгилиб туриши, остидаги юмалоқ қизгиш тошга тикилаётгандек туюлиши мен учун ажиб ҳодиса бўлди...

— Ишонарли, ажойиб манзара, — деди Лобар одати бўйича Иқроор аканинг ҳикоясини бўларкан.

— Бироқ манзарадан ҳам ҳайратланарлиси бошқа нарса эди.

— Хўш? — қулоғини динг қилди Лобар.

— Бир қиз арча баргларини синчковлик билан томоша қилар, кўкиш кўйлак кийган кимса эса чашмага ҳовучини тутиб, авайлаб сувга тўлдирарди-да, ютоқиб ичарди. Таажжубга тушдим. Бир қарашдаёқ уларнинг тоғлик эмаслиги аён эди. Атрофда на от, на машина кўрдим, қаердан пусиниб келиб қолди экан?

Қиз харсанг устига ўтираётиб, менга кўзи тушдию, кўлбор илондек қотиб қолди. Оҳиста ҳуштак чалган эди, нотаниш кимса бошини кўтарди, қиз важоҳат билан имлади.

“Э, чўпон ошна, сизмисиз? Келинг, келинг, — деди ҳалиги кимса ўзини йўқотмай, эски танишлардек кулимсирар экан. — Боягина узоқдан кўргандик, қўйларингизни ҳуркитиб юбормайлик, деб индамадик. Бегона одамдан ҳуркади-да, тўғрими? Ҳуркмаса қўй бўладими, а?”

“Кимсизлар?” — сўрадим қовоқ уюб.

“Бизми? Кимга ўхшаймиз, ўзингиз топинг-чи?”

У менга яқинлашар экан, киртайган кўзлари ҳеч нарсадан қайтмайдиган доғули, ёвуз нусха эканлигидан далолат берди. Шу бугун милтиғимни олиб чиқмаганим учун ўзимни сўкдим, итим эса нариги қир бошида, сурувнинг олдини қайтариш учун бўлса керак, вовиллади.

“Ит садоқатли, — деди кимса хавотир билан қараб турган қизга, — кўрдингми, дарров эгасини сўраяпти”.

Эшакдан тушдим-да, устига бостириб бордим. Бўйи мендан паст, озгин, ҳатто касалмандроқ туюлди у. Бир қинғирлиги бўлсаю, олишув бошланса, абжағини чиқариб ташлашимга ишондим.

Бундай вақтда ҳар қандай одам таққослаш иқтидорини ишга солади: “Қиз билан бу одамни фахшдан бошқа қандай ип боғлаши мумкин?” дедим ичимда.

“Ренат, — деб қўл узатди у, — “район”данмиз. Гиёҳ териб сотамиз... Дориворлар дегандек... Кечирасиз, сизнинг отингиз нима?”

“Иқрор, — жавоб бердим хоҳламайгина. — Ўт теришга икковларингиз чиқдиларингизми?”

“Йўқ, устоз ҳам бирга. Ҳозир келиб қолади. Беш-қизданмисиз?”

“Ҳа, Бешқизнинг бешинчи қишлоғиданман. Ҳозир қанақа ўт терилади, тоғлик бўлсам ҳам, унчалик тушунмайман?”

“Тоғлик дегани — табиб дегани эмас. Кўпчилик фақат кийик ўтни билишади, шунинг учун унга бозорда харидор кўп...”

Гиёҳ масаласида қулоғимга боплаб лағмон илаётганини англасам-да, ноилож ёнидаги тошга ўтирдим. У меҳнат қилишнинг айби йўқлигига гапни буриб, пул топиш қийинлигини ҳам қистириб ўтди, пулдорларнинг гўрига гишт қалади, кейин қўлини силтаб, ёлғондакам жаҳл билан:

“Бир умр чўпонлик қилмоқчимисиз? — деди. — Э, дўстим, беш кетмадим! Пулдор ҳам яшайди, сиз ҳам. Фарқларингиз осмон билан ерча. Нима, бундоқ ҳашаматли уйлар қуришни, машина минишни, дунё-пунёни кўришни орзу-қилмайсизми?”

“Нима эвазига?” — дедим ярамни тирнаган одамга ўқрайиб.

“Вей, қизиқмисиз, албатта, пул эвазига-да”.

“Бу ерларда пул ўсмайди, ака”.

“Балки ўсар? Сиз оддий чўпонсиз, қаёқдан биласиз?! — жағи ёпилмай қолди Ренатнинг. — Геолог қаерда нефт, кўмир борлигини айтади; сўнгра қазиб чиқаришади, хом ашё олишади. Мен сизга айтсам, хом ашё, бу — хазина дегани. Миллиард-миллиард сўм фойданинг нақ устгинасидаги чўпонлар арзимас пулга кечаю кундуз жони ҳалак, қўй боқиб юрибди...”

“Устимдан кулманг, меҳмон. Сизнингча, кўмир қазиб, бозорга элтиб, сотишим керакми? Алламбало техникаларсиз...”

“Ростини айтдингиз, кўмирни оддий қўл билан қазиб чиқаролмайсиз, — масхараомуз кулди у. — Ўгай отам шундай деган: киссавур кетмон чопиши шарт эмас, унинг нозик бармоқлари бир неча дона қоғоз пулни кўтаришга қурби етса бас, куни ўтади. Шундай экан, кўмир қазиманг, қўлингиздан келадиган бошқа “кон”ларни очинг, кашф қилинг. “Кон” деганда олтин, нефт, кўмирлар эмас, бошқа нарсалар ҳам тушунилади. Аввал хазина топиб олсагина одам бирдан бойиб кетган, энди қаердан хазина топасиз?.. Лекин “хазина” бор”.

Қиз Ренатга қўрқа-писа қараб қўйди. Афтидан бу Ренат деганлари тоғу тошда офатижон қиз билан кезиб юришининг асл сабаби сари қадам ташлаган эди.

“Етар, Ренат ака, — ялинди у, — бу кишини ишдан қўйманг, қўйларига қараш керак”.

“Писанда қилаётган нарсангиз мабодо наша эмасми?” — дедим Ренатнинг кўзлари еб қўйгудек тикилиб.

Ҳикояси шу жойга етганда, Иқрорака ўзининг зийраклигидан гурурлангандек кўз қирини ғолибона ташлади, ваҳоланки, Лобар адирлар устидан учиб ўтган вертолёт тилга олингандаёқ гап нимадалигини фаҳмлаган эди.

— Ҳа, сиз учратган шаҳарлик эркак билан қизга тоғда нашадан бошқа нима ҳам керак? — деди Лобар. — Қулайроқ жой топиб ўн-ўн беш туп банг ўстиришади. Билса — “меники эмас”, билмаса — йиғиб-териб кетишади. Бунақалар авваллари кўп эди, тўғрими?

— Тўғри, — деб давом этди Иқрор ака. — Нашани гапирганимданоқ Ренат “ў-ў” деб ҳамроҳига кўз қисиб қўйди, қиз эса баттар асабийлашганини кўрдим; у ўта муҳим ҳисобланган сирни келиб-келиб чўпонга айтишларини умуман истамасди. Менинг ҳам жаҳлим чиқди. Иккови тоғ ичкарасига наша экувчи эканини бир қарашда билмай, нима, аҳмоқманми? Тоққа гиёҳ

терувчилар келса, мени кўриб албатта ҳол-аҳвол сўрашади. Қўйларни ҳуркитиб юбормаслик учун индамадик, дейиш тентакнинг баҳонаси эди.

“Мен, — деди гапимга жавобан Ренат, — кўп чўпонларни кўрганман, лекин сиздай ғамга ботганини биринчи учратишим”.

“Нега ғамга ботган эканман? Худой сақласин ғамга ботишдан”, — жеркиб бердим уни.

Ренат сезилар-сезилмас аччиқланди, безори-така-салтангларга ўхшаб, чирт этиб туфлаб, яқинроқ сурилди. Кўзлари бетиним ўйноқларди иблиснинг.

“Умр ўтаяпти, пул эса йўқ, — деди у. — Йигитнинг ўлими шуدير, почча!”

“Сизнинг поччангиз эмасман, тўғри гапиринг, ака. Ё одамнинг устидан кулишни шунчалик яхши кўрасизми? Нашанинг дардида юрганингиз очиқ-ойдин кўринаяпти. Нима, мен сизга...”

“Ҳей-ҳей, қизишманг. Нега тоғликлар битта гап устида бунча ловиллаб ўтиришади, десам, сал нарсага ўзларини камситилган ҳис қиларкан-да! Майли, сиздан яширмайман, чунки ҳақиқий эркакка ўхшаяпсиз. Қисқаси, тоққа наша экиб, тирикчилик қиладиган ашаддий жиноятчиман. Қалай, зўр одам эканманми?”

“Шундай денг-да, ака, нима қиласиз яшириб?! Мен эса сотқин кучук эмасман”.

“Қўл ташланг!” — завқ-шавқ билан қўл узатди у, кафтларимиз тўқнашганда, чарсиллаш эшитилди, худди бўз болаларга ўхшардик.

“Бизни бу атрофда кўрганингизни ҳеч кимга айтмайсиз, — деди у. — Эркакмисиз, келинг, эркакча келишиб олайлик. У ер-бу ерга оз-оздан наша экиб, йиллигимни тўплаб оламан. Тагин жиноятчиларни яширдим, мен ҳам қамалиб кетаман, деб кўрқиб-нетиб юрманг. Қани наша? Қани шериклик қилганингиз? Шунчаки гаплашиб ўтирибмиз, холос. Бунинг учун эса катта пул тўлайман. Ишонмайсизми?..”

“Нега ишонар эканман?”

“Ҳақ гапни айтдингиз, барибир бекордан бекорга тўламайман. Хуллас, менга ёрдам кераклигини тушундингиз. Сизга ҳеч қандай хавф солмайди бу ёрдам. Ҳар йили баҳорда наша экиладиган қулайроқ жойларни топиб берасиз, ҳар замонда зормандаларнинг ҳолидан хабар оласиз. Келишдикми? Биров кўриб қолса, “қўй боқиб юргандим, нима экан деб, томоша қиляпман, наша шекилли”, дейсиз безрайиб. Лекин ҳеч қачон ҳақимизга хиёнат қилмайсиз, қиров ейишдан аввал бир қисмини, қировдан сўнг қолган-қутганини олиб кетамиз. Фақат болаларингизга кўкноридан уч-тўрт туп олишингиз мумкин. Қайта ишлаш, сотиш, ҳақингизни бериш, мана, менинг бўйнимда. Бунинг учун йилига қанча пул ишлашингизни ҳисоблаб берайми?”

Сабр косаси тўлган қиз ҳамроҳининг шаънига бир неча номуносиб сўзни минғиллаб ёғдирди-да, нари кетди.

“Почча деганимга сабаб, мана шу қиз, ҳе-хе... — тиржайди Ренат. — Ёқимтойгина-я? Уни бир-ҳафтага қўтонда қолдириб кетишим мумкин. Гапимга кўнмаса, “устоз”нинг гапини олади.

“Бир буюм эмас-ку...” — деб эътироз билдирдим.

“Қўяверинг, — тиззамга урди Ренат. — Ўзи шу йўлни танлаган, сизга нима фарқи бор? Жазманларини “почча” дейишимиз эса турган-битгани ҳазил. Тагин ўн йил хафа бўлиб юрманг”.

Қизга кўз ташладим, у ҳам менга қаради. Шу кунгача хотинимга хиёнат қилмагандим, аслида хиёнат кўнглимнинг кўчасида ҳам йўқ эди. Ростини айтсам, ўша сониялардан бошлаб ичимда шайтоний олов ёнди. Бирданига ёш, гўзал қиз ҳамда бойлам-бойлам пул таклиф этишаётган эди-да.

— Эркакларнинг шўри бор, — луқма ташлади Лобар.

Иқроор ака эшитмаганга олиб давом этди:

— Уларнинг ҳамтовоғи бўлишга рози эканимни кўзларимдан уқиб олган Ренат елкамга қоқиб:

“Йигит таваккал қилмаса, бири икки бўлмайди, — деди.

— Агар оддий меҳнат билан уй, машина олишнинг иложини қилолганимда эди, тоғу тошларда сарсон кезиб юрармидим? Ҳали бу гиёҳларни минг машаққат, минг бир хавф остида Россияга олиб боришим керак. Бировларга ўхшаб олибсотарлик қилмайман, ўзим экаман, ўзим сотаман”.

Ренат очган чашма кўзидан мен ҳам ҳовучимни тўлдириб-тўлдириб сув ичдим. Қанча ичсам ҳам чанқоғим босилмади.

— “Устоз” дейилган киши ҳам келдими? — сўради Лобар.

— Биз қир оралиғидан чиқиб, тепада гаплашиб турганимизда, нариги қир бошида бир қора кўринди. У бизни аввал панадан дурбинда кузатган шекилли, харсанг устига бемалол чиқиб ўтирди. Кейин дурбинида яна тикилгач, қўл силкиди. Ренат ва қиз аллақанақа ишоралар бериб, уни тинчлантиришди.

Лобар, сизга бу кимсаларни батафсил тасвирлаб ўтирмайман. Умуман олганда, улар билан кўплаб воқеаларни бошдан кечирдим. Вертолётдан бекинганларимиз, милицияга дуч келганимизда, ошналарим деб таништириб, ҳаммаларини қимиз билан сийлаганим, бир гал Ренат қандайдир шеригини эргаштириб келганида, мени милиция жосуси гумон қилиб, ўлдиришга урингани...

Шундай қилиб, иблисга сотилганларга учраб, ғарлик ҳам қилдим, гиёҳфурушликка ҳам ҳиссамни қўшдим. Энди мени Худо уриши, биринчи учраган милиция ходими қамоққа олиши, гиёҳдан ўлганларнинг қарғиши тегиши — ҳар бало бўлишим мумкин эди.

Кейинги йил наша йиғиб-териладиган вақтда Ренат ўлим оғусини эшагимда ташишни таклиф қилди. Хуржунга жойлаштириб, айтилган жойга икки марта бориб келдим. Бу жуда осон туюлди. “Их” дейсану қўшигингни баралла айтиб, тоғ этагига йўл оласан, милиция пост қўйган бўлса, айланиб ўтасан. Машинадан эшакнинг афзаллиги ҳам шу эмасми?

“Маладес, Иқроп, — деди Ренат. — Энди ҳақингизни икки баравар ошиқ тўлаймиз”.



Пулимни беришга келганларида, машина юкхонасидан турли-туман ичимликларни туширишди. Қўйлардан бирини сўйдим, росмана байрам қила бошладик. Албатта, ҳалиги қиз ва дугонаси ҳам шунда эди. Бу каби зиёфатларда ҳеч кимдан қўрқмай беармон байрам жазавасига шўнғиб кетардик, ахир бизни қамоққа маҳкум этадиган ажал гиёҳи аллақачон қоғоз пулга айланиб бўлган, энди у байрам кайфиятига кайфият қўшарди, холос. Аслида бу пуллар бир қанча вақт муқаддам шу тоғларда ўсган наша бўлганлигини ким ҳам исботлаб берарди, дейсиз? “Ўтиндан кул қолади, нашадан пул!” деб бўкирганларим ҳалиям эсимда.

“Ўртоқлар! — деб қолди зиёфат охирида Ренат. — Келинлар, шу қадаҳни Шомил учун ичамиз! Агар Шомил бўлмаганда, биз ҳеч нима қилолмасдик!”

“Ким у Шомил?” — дедим нафсониятим оғриб. Уларнинг “бизнеси”да мендан ҳам муҳим, мендан ҳам устун аллақандай Шомилнинг пайдо бўлишини жиним суймади.

“Э, сен Иқрорий! — деди Ренат бўйнимдан қучиб. — “Шомил ким?” деб кўкрак керма, овозингни баландлатма! Нега деганда, исмини эшитган тоғлар ҳам қўрқувдан зириллайди, тошлар чатнаб кетади. Биз ҳақимизда Россияга “юк”ни олиб бориб, осонгина пуллайди, деб ўйлайсанми? Йўқ, кимгадир суяниш керак. Ҳар кимнинг ўз тоғи бор, бизники эса... ўша! Бўлмаса, аллақачон милиция қўлга оларди, қайсидир қамоқхонада ётардик, кун санаб”.

Шу дам “устоз” деди:

“Шомил буюк қиморбоз бўлган, ҳеч ким бас келолмаган. Кунларнинг бирида уникида яшайдиган бир рус кампир гастарбайтерлар орасида ғаройиб жувонни учратади. Бошқаларга кўп ҳам ғаройиб кўринмас эмиш. Лекин кампирнинг сезишича, қўлларига дуо кетган экан унинг. Кўзларида минг одамнинг жодуси яширинган бу жувонга қарта ўргатилса, даҳшатли жодугарга айланиши муқаррар экан. Шу тариқа улар кавказлик ҳамтовоқлари билан келишиб, аёлнинг эрини қиморга тортадилар. Айнан қимор туфайли оиласи

барбод бўлган хонимимиз вақт-соати келгач, ўзи ҳам тенги йўқ қиморбозга айланади...”

Ўшанда худди афсона эшитаётгандек бўлгандим, Лобар. Кейинчалик Шомил билан юзма-юз келдим, ўша жодугар эса сиз эканлигингизни билдим. Тақдир тасодифларга тўла, шундай эмасми?

— “Устоз” мен ҳақимда яна нималар деганини айтолмайсизми? — ўтинди Лобар.

Иқрор ака бош чайқади.

— Қолгани эсимда йўқ, чунки унинг гапини ҳадеб Ренат бўлаверди, кейин нашани қандай сотгани ҳақида валақлай бошлади.

— Мен афсона эмасман, — деди Лобар алам билан. — Мана, битта машинада ўтирибмиз, тирикман... оддий аёлман... Гапларингиз, аниқроғи, ўша “устоз”нинг деганлари рост бўлса, кўп одамнинг ниқоби йиртилади. Эрим мени қиморга тиккан, ҳамма айб унда, деб юраман. Лекин бу ўйинни Анна Сергеевна раҳбарлигида Шомил ака ва малайлари уюштирган бўлишса...

— Россияга борганингизда бор ҳақиқатни ўзидан сўрайсиз, — деди Иқрор ака. — Бошимдан кечирган ҳамма воқеаларни ипидан-игнасигача ҳозир эслаёлмайман, кўпчилиги ёдимда қолмаган. Ўша машъум кечани эслаганимнинг сабаби шуки, Ренат Саратовга бориши, нашани қандай пуллашларию қанақа маишатбозлик бўлишини гапириб берди. Бу йўл мени дўзахга олиб боришини ҳамон тушуниб етмагандим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ренат ҳам, “устоз” ҳам гўрга кирди. Икковини ҳам Қозоғистонда ўлдириб кетишди. “Гиёҳфурушлик ажалга чорлайди” деган кўрсатувда гапириб ўтишгач, тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Қизлар ҳам изсиз йўқолишди, деб ўйлардим. Тулкитопмас форига улар битта сумкани бекитишган эди. Бир куни эшагимни эгарлаб, қалинроқ кийиндим-да, форга йўл олдим. Биринчи қор тушган илиқ кун эди.

— Форда сумка борлигини қандай билдингиз? — қизиқсинди Лобар. (Зеро, оддий одамлар бир-бирига инонмайдиган сўқмоқларда гиёҳфурушлар бегона чўпонга ишонишармиди?)

— “Устоз” лақабли кимсанинг бир одатини сезиб қолганман, — ҳикоясини давом эттирди Иқроор ака. — Агар сумкада егулик, ичимлик, кийим-кечак бўлса, у кўтармасди. Қачонки, наша ёки пул солинса, дарров елкасига илиб оларди. Бир гал туман марказидан келганларида, саломалик қилмай мендан анча нарида, жилға бўйида, сумка кўтариб турганини кўрдим. Мен, Ренат ва эски танишим бўлмиш қиз — учовимиз гаплашаётган жойимизда “устоз”нинг сумкасига зимдан қараб қўйдим, оғиргина туюлди. Жилға бўйига тушиб, кўришмоқчи эдим, Ренат “ҳозирмас, улар шошиб турибди”, деб шаштимдан қайтарди.

“Лекин бугун Бодомлига бормаслик керак, — дедим Ренатга, — у ёқда экспедиция юрибди, тўртта фотограф манзарали жойларни расмга олаяпти. Нуқул атрофни суратга туширавериши ёмон жиғига тегаркан одамнинг. Бошқа жой қуриб кетдимикан?”

“Урди Худо! Тағин нашазорнинг устидан чиқиб қолишмайдами?”

“Тўрт туп нашангизни гиёҳвандлар ҳам искаб тополмайди, Ренат ака, гектарлаб экканимиз йўқ-ку!”

“Ўв, тилга эҳтиёт, тилга эҳтиёт... Биз доривор ўт терувчиларимиз, эсингиздан чиқарманг, ука... Ўзи Бодомлига бормоқчи эмасдик, — ғалати илжайиб қўйди Ренат. — “Устоз”нинг Тулкитопмасга ишқи тушган. Хув анави соҳибжамолни айлантриб келмоқчи. Кўрдингизми? Кетворган-а?”

Ишонасизми, Лобар, ҳатто, Ренат ишора қилгандан кейин ҳам ёнимдаги қиздан бошқасини кўрмадим. Ренат кулиб, иккинчи марта кўрсатди ва оқ доғли қизгиш тошлар каби ола-чалпоқ либос кийиб, харсанглардан бирига суяниб ўтирган беғона қизни кўзим илғади.

“Тирик тош-ку, — дедим кулиб юбориб. — Бунақа тош қизларни қаердан топасиз-а, Ренат ака?”

Аслида эллик ёшида ҳам қуйилмаган “устоз” лақабли касофат тўдабошимиз бундай ишларга устаси фаранг эканини жуда яхши билардим.

“Ҳорга “тош қиз” билан бирга мен ҳам бораманми, Ренат ака?” — деди илонпари қизимиз.

“Буни “устоз”ингиздан сўранг, — деди Ренат кесатиб. — Қолаверса, сиз чўпон акангизга шу ерда кераксиз, бекорга эргаштириб юрибмизми?..”

“Ўргилдим сиздақа қўшмачидан! — лаб бурди қиз. — Битта чўққининг яримигача чиққанми, йўқми, альпинист деб ёпишиб олган анавига. Ундан кўра...”

Қиз қўланса мисол келтириб, сўкинди.

“Устоз” янги ҳамроҳи билан Тулқитопмас ғорига жўнади. Биз эса овқатга уннадик, шишаларнинг оғзи очилди. Пешин чоғи иккови ҳориб-толиб қайтиб келишди, сумқа эса таг-туғи билан йўқ эди. Билдимки, ғорга бекитишган. Ақлнинг минг ишидан бири ўзини аҳмоқ қилиб кўрсатиш эмасми, ҳеч вақони сезмаганга олиб, қайнатма шўрвадан сузиб бердим. Очиқиб қолишган экан, маза қилиб ичишди. Агар сумкада ароқлару гўштлар бўлганида, ғорда маишатбозлик қилишарди-да!

“Ғор қандай экан?” — нотаниш қизни гапга тутдим.

“Жуда ажойиб”, — мақтади “тош қиз”.

“Тириклар учун ер ости ҳамиша мўъжиза бўлиб туюлади”, — дегандим, “устоз” менга олайиб қараб қўйди.

Ўша “устоз” деганлари “тош қиз”ни бекорга олиб келмаганди. Маъшуқанинг касби, аниқроғи, хоббиси ростдан ҳам альпинизм эди. “Устоз”, “тош қиз” деб фақат лақаблар билан гапираётганимга бунисини ҳам лақаб деб ўйламанг.

Шундай қилиб, биринчи қор ёққан илиқ кунда эшагимнинг эгарига арқон ҳам илиб олгандим. Ғор ичкараси ер қаърига анча эниб кетганини, тушган сайин торайиб боришини яхши билардим. Тулқитопмасга бир амаллаб етиб келдим. Янги ёққан қор яқин-орада ҳеч ким йўқлигидан далолат берарди. Эшакни пастда қолдириб, ғор оғзига тирмашиб чиқдим.

Бу воқеалар сизга эртақдек туюлиши мумкин, аммо эртақ эмас. “Устоз” бир мақсадни кўзлаганини айтиб ўтай. У қимматбаҳо нарса солинган сумкани яшириш учун шаҳарлару қишлоқлардан жой тополмай, тоғ тепасидаги

ғорға бекордан-бекор келмаган эди. Россияға бу гал хавфли сафарға кетаётганини. бир неча йил ушланиб қолиши мумкинлигини билган. Қолаверса, юртига қайтганидан кейин кимлардандир қочишға тўғри келиб қолса, бизнинг овлоқдаги Бешқиз қишлоғию ғордаги хазинаси бор эди.

Ниҳоят, сумкани топдим. Целлофан устидан мотор мойига ботирилган эчки териси ўраб, тошлар билан бостириб қўйишган экан. Ичини очиб, бир неча целлофан пакетга солинган оқ кукунга ва иккита паспортга кўзим тушди. Бири аёлники, иккинчиси эса эркакники, яъни “устоз” номига расмийлаштирилган Қозоғистон паспорти эди. Ўзимизниқидан йигирма, Американиқидан беш бойлам пулни кўрганимда, айниқса, теримга сиғмай қувондим. Умримда бундай катта хазинага дуч келмагандим, дарҳол сумкани елкамга осиб, ғордан чиқдим-да, хуржунга бўшатиб, қишлоққа йўл олдим. Кўзимга ҳеч нима кўринмас, миям бўшаб қолганди. Ахир, кўп йиллар кутгандим бирдан бойиб кетишни!

Қўй-мол сотиб олдим, баҳорда катта қурилиш қилишни, бирийўла машинали бўлишни ҳам ўйлаб қўйдим. Бироқ васвасага солган парса — целлофан пакетлардаги оқ кукунлар эди. Героин отлиқ бало-қазо нашага қараганда ҳаддан ташқари қиммат туриши маълум. Шунда Ренатнинг ҳар доим Саратовга бориши, “савдо-сотик”қа Шомил исмли одам ёрдамлашиши ҳақидаги ҳикоясини бот-бот эслаб, бешта пакетни ўша ёққа сотиб келишга қарор қилдим.

Кимсан — мендек бир тоғ чўпони шаҳарга бориб, Россияға қатнайдиған поездга чипта олди. Ҳар бир пакетни ундан ҳам катта нос пакетининг ичига яширдим, сумкамни текширган одам мени сотишга нос олиб кетаётган экан-да, деб ўйлаши мумкин эди. Албатта, бундай пакетларнинг яна бештасида “қорадори” йўқ эди. Текшириб қолиши, совға қил, деб туриб олишлари мумкин-ку..

Ўшанда юрак катта экан. Йўқ-йўқ, юрак ўша-ўша, ақл-ҳушимни ўғирлаганди оғу кукунлари! Ўтирсам ҳам, турсам ҳам кўз олдимдан пуллар кетмас, очиги, нима

қилаётганимни ўзим билмасдим. Биров “эй хомкалла, бунча героин билан қўлга тушсанг, нима бўлишингни биласанми?” деса, оқибати тушимга ҳам кирмаганини айтишим мумкин эди.

Ҳа, тушимга ҳам кирмаган кечмишлар бошимга тушди. Бора-бора ўзимни игна устида ўтиргандек ҳис эта бошладим. Манзилга яқинлашган сари кўзим ҳам очилаётгандек. “Атрофимдагилар каби ҳалол ишлаб, пул топсам бўлмасмикан?” деб ўйлардим.

Худди дардимни уқиб олаётгандек купедошларим гиёҳфурушлар ҳақида тез-тез оғиз очишар, Россия қамоқхоналарининг азобини, шафқатсиз маҳбусларни гапиришарди. Сумкамни деразадан ташлаб юборсамми, деб ҳам ўйлаб қолдим.

Билмадим, иблис куч бердими, ғордан топилган ажал кукунини ташламадим. Жон кирган мурдага айланиб қолгандим. Поезддан тушаётганимда кўзларим ич-ичига ботиб кетган, рангим нақадар совуқ, оёқларим ўзимга бўйсунмай судралиб бораётган эди. Ҳужжатларимни текширишди, кейин сумкамни очишни буюришди. Ишга чақиришганини, танишларим нос олиб келишни илтимос қилганини тушунтирдим. Пакетлардан иккитасини ёриб кўришди. Омадим бор экан, героин солинмаган пакетлар эди улар.

“Биз ҳам носга ўргандик, — деди милиция ходими, — ёриб кўрганларимизни берасан. Сендан бизга совға”.

“Майли”, — деб илжайдим; жон-жон деб рози эдим. Ўнта пакетдан бештасида гиёҳвандларнинг ажали эмас, менинг ажалим бор эди. “Ўнтадан икки” номли ажал ўйинида ўз жонимни ютиб олгандим, нега энди икки пакет носни совға қилмас эканман? “Олаверинглар!”

Бошқалар каби танишларнинг ижара уйи ёки завод ётоқхонасини эмас, меҳмонхонани қоралаб бордим. Ишқилиб, яна ҳеч ким текширмаса, эсон-омон кириб олсам, бас. Бу ёғи жосуслар ҳақидаги киноларга ўхшаб кетди. Долларни рублга алиштириб олган эмасманми, пул кўп, дарров ресторанга тушдим. Кўринишимдан пулдор

одамга ўхшамаганим учун айримлар гапга тутишди.

“Хўжайиним китоб ишлаб чиқаради, нашриёти бор, — деб ёлғонларни қалаштирдим. — Ҳозир Москвадаги танишлариникида меҳмонда. Эртага бу ерга келиб, қоғоз сотадиган бизнесмен дўстлари билан шартнома тузади”.

Бири маст бўлса-да, хийла зийрак экан, сигарет тутунини пуфлаб деди:

“Қоғоз савдоси бўйича Саратовда шартнома қилишади. Умуман, ёмон бизнес эмас, лекин сизлардаги нашриёт эгалари қоғоз савдосига аралашishi ғалати... Одамлар романларни газетадан ўқиб олишади, китоб иккинчи даражали дейишганди...”

“Хўжайин зўр одам, босмаҳона ҳам қурган”, деган гап ноҳос тилимга келиб қолдию, шукрки, халос этди мени. Шундай гапларни билар эканман, тоғу тошларда чўпонлик қилиб юришим ғирт аҳмоқчилик, деб ўйладим ҳаволаниб.

Ренат мақтаган “Аист” ресторанига кечқурун “юк” сиз, ёлғиз ўзим кирдим. Ўрнимда худо раҳматли ҳамтовоқларим бўлганида нима қиларди? Тўғри ресторанга кириб, таом буюртирарди, кейин эса жиғбятчилар малайи бўлмиш бирор киши уларга тез орада гиёҳфуруш келишини айтарди.

Билганимча иш тутдим. Бироқ аниқки, ҳеч ким “қорадори” масаласида гапирмади. Ахир меҳмонхонадаги сумкамда беш пакет героин харидор кутиб ётганини улар қаёқдан билишсин.

Лобар, ўшанда ичимдаги шайтон ҳадеб юрагимга ўт қалар, бирпасда бир дипломат пул осонгина қўлимга тушадигандек энтикиб қўярдим. “Санаб ҳам ўтирмайман, — дедим ўзимга-ўзим. — Тажрибали кишилардек шундоқ оламану бош силкиб, чиқиб кетаман. Шерикларим борлигини, агар мени ўлдириб юборишса, қотиллар фош бўлишини гапларимдан сездираман. Йўқ, бош силкиб чиқиб кетмайман. Уйимда қолган яна беш пакет “қорадори”га ҳам харидор кераклигини дангал айтаман, менда кўп, ҳали-вери тугамайди, дейман. Тожикистондан биттаси арзон нархда яна топиб беради, деб қўшиб ҳам қўяман”.

Тушликда ичилган ароқ лоҳас қилди, шунга қарамай бу ерда ҳам ичдим. Ароғи маъқул келди, бир зумда бошимга сархушлик ўрмалаб, дунёи дун кўзимга жаннат кўринди.

“Рестораннинг алоҳида хоналари қаерда?” — деб сўрадим официантдан:

У саволимни такрорлашни илтимос қилди, сўнг:

“Иккинчи қаватдаги хоналар аллақачон банд этилган. Сизга нима учун керак?” — деди.

“Бир одам учрашув белгилаган”.

“У қаерга учрашув белгилаганини айтмадими?” — Официант ишонқирамай уст-бошимга маъноли син солди.

“Айтди”, — менсимаётгани жигимга теккани учун шундай ўқрайдимки... Аммо официант пинагини ҳам бузмади.

“Бироқ сиз биринчи қаватдасиз. Гапингизга қараганда, иккинчи қаватдаги алоҳида хоналардан бирига учрашув белгилаган. Тўғри тушунибманми?”

“Тўғри тушунибсан. Ҳозир бориб хўжайинингга, Шомилни сўраб келишибди, де!”

Кўп ўтмай мени иккинчи қаватга бошлаб чиқишди. Лобар, собиқ эрингизни илк марта ўша ерда учратдим. У юмшоқ диванда оёқларини чалиштириб ўтирар, кўзлари одамга тешиб юборгудек тикиларди. Биладан, Ренат ва “устоз” бекорга ўлиб кетмаган. Балки шулар билан келишолмагандир? Ҳар сонияда тилим бошимга бало бўлишига фаҳмим етди.

“Сиз Шомил акамисиз?” — сўрадим ундан. Кавказликларга хос турк-тароватидан чиқарган ягона ишончли хулосам эди бу.

“Хўш, ўзинг кимсан?” — деб қўлини қўйнига тикди. Хонага кирганимда, тўппонча оғзи стол остидан менга қараб турганди, ландовур кимса эканим аён бўлгач, соҳиби хавотирланишга ўрин қолдирмай қуролини филофига жойлаган эди.

“Озроқ “юк” бор эди”, — дегандим, гапимни бўлди:

“Бас қил, аввал менга айт, қарта ўйнайсанми? Бу қошонага фақат қиморбозларнинг тўнини ёпиниб кириш мумкин”.



Ўша кунгача умримда қарта ўйнамаган эдим. Лобар, балки ишонмасиз, ўша кунгача қарта ўйнашни билмаслигимдан фахрланиб юрардим. Дунёнинг ҳар қандай гўшасида бунинг учун барибир раҳмат айтишади, деб ўйлардим. Бироқ “Аист” ресторанида барчаси тескарисига айланиб кетгач, энг мақбул йўл — вақтида тан олиш, деган хулосага келдим ва:

“Кечирасиз, қарта ўйнолмайман” — дедим шоша-пиша.

Чечен диван суянчиғига ўзини ташлаб, соляркани эслатадиган ичимликдан ҳўплади. “Билмайман”, дейиш қўрқоқларнинг баҳонаси эканлигини ўзим ҳам фаҳмладим, лекин ростини айтиш керакми, йўқми? Албатта, кичик бир ёлғон ҳам ҳаёт билан видолашув паттаси бўлиши мумкин эди.

“Чинданми?” — деди ишонқирамай.

Бош силкигандим, рўпарасига ишора қилди.

“Ўтир, қарта бизга ташриф қоғози-ку, биродар, нима қиламиз энди?” — деб ўқдек нигоҳ қадади.

“Унақа нарсаларни тушунмайман, қисқаси, менда “дори” бор, ишончли жойга яшириб қўйибман, харидор керак. Агар гапимиз бир жойдан чиқса, яна олиб келаман. Арзонроқ, кўпроқ, ишончлироқ...”

“Гапни айлантирма, менга ёқмаяпсан. Қайси орган малайисан?”

“Орган? Мен-а?! — деб юбордим ўтакам ёрилиб. — Ўхшайманми, Шомил ака?”

“Ўзинг эмас, қилиғинг ўхшаяпти. Қилиғинг ўхшамаса, Саратовга мени топиб келармидинг, героин кўтариб? Ё сен билан ошначилигим борми? Албатта, йўқ. Етти мингта башарани эслаб қолишим мумкин, афсуски, миямдаги башаралар галереясида сеники учрамаяпти”.

“Агар мен органдан бўлсам, нима қилиб ўтирибман? Бу ер Россия, сизнингча, оддий чўпон россиялик милиционерлар билан ишлайдими?”

“Сен улар билан эмас, улар сен билан ишлаши мумкин. Лекин ҳаммасига тупурганман. Қани, марҳамат, жиноят устида ушласин! Қимор ўйнаяпти, героин савдолашяпти,

липпасига “замбарак” қистириб олибди, десин. Ҳақиқий жиноятчиларни орқадан чалиб, қўлга туширадилар, энг кучли орган ҳам юзма-юз туриб айбини бўйнига қўёлмайди. Айбини бўйнига қўйиш учун фақат далил эмас, руҳ ҳам керак. — У қўлини нотиклардек силтади. — Эшитаяпсанми, руҳ ҳам керак!”

“Гапларингиз тўғри. Лекин мен ҳеч кимнинг одами эмасман. Пул зарур эди, шунинг учун...”

“Ўта хавфли жиноятга қўлга уришга оддий чўпонни жонсиз пуллар мажбур этоладими?”

“Ўзим келдим, қасам ичишим мумкин!”

“Манзилни берган одамнинг муборак исм-шарифини айт, “Ўзим келдим”, деб бошимни қотирасан! Қасам бир қути чипс! Қасир-қусир ейилиб кетаверади, маза! Чипс еб одам ўлганми ҳеч замонда? Ўлмаган. Аллақанақа касалликка чалинишига, қовурилган картошкани кўп ейиши гоҳида сабаб бўлса, ўлиши мумкин. Қасам ҳам шунақа!”

Гапимга ишонтиролмасам, оқибати ачинарли бўлишини ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетди.

“Улар Ренат ва “устоз” деган одамлар, — дедим овозимни кўтариб. — Икковини ҳам ўлдириб кетишганидан хабар топганимдан сўнг бу ёққа жўнадим”.

“Бу ерни ҳамтовоқларингдан эшитгансан, улар ўлгандан кейин таваккал қилиб келибсан-да!.. Ҳм, очигини айтсам, Ренатни ҳам, “устоз”ни ҳам танимас эканман. Бу ёғи қандоқ бўлди энди, ўртоқ қимордан бегона? Мен уларни танимайман, сен эса яқин ҳамтовоқларим қилиб кўрсатмоқчисан”.

“Менга бошқа, сизга бошқа лақабни айтган бўлиши мумкин. Тоғда қўй боқиб юрганимда тасодифан танишиб қолганман. Биз тоққа наша экардик, ҳар йили қишда сотгани олиб кетишарди. Агар Шомил бўлмаганида, аллақачон қамалиб кетардик, деб кўп мақтаган сизни. Кўринишларини тасвирлаб берсам-чи? Ренат ўттиз ёшлардаги озғин, сариқдан келган бурундор йигит. Менимча, нўғой бўлса керак. “Устоз” эса қирқдан ошган, эллик деса ҳам бўлади, сочларига оқ оралаган, кўк кўз.

Кўлида учта “К” ҳарфи татиуровка қилинган. Икковини ҳам Қозоғистонда ўлдиришган”.

“Бунақа одамлар сон-мингта”, — тўнғиллади Шомил.

“Танимаслигингиз ғалати туюлаяпти, — дедим алам билан. — Бўлмаса, улар Саратовдаги “Аист” ресторанини, сизни қаёқдан билишади? Мени синаяпсиз, тўғрими?”

“Эй, Гажар! — хитоб қилди Шомил эшик томон. — Бу ёққа кел, иш бор”.

Хонага оғир атлетикачилардек бақувват, алпкелбат йигит кириб келди. Ўзига бўлган беқиёс ишонч бадқовоқ юзида, меҳрсиз кўзида, ҳар бир босган қадамида зоҳир эди.

“Ренат ва аллақандай “устоз” лақабли кимсаларни танийсанми? — сўради Шомил ундан. — Айтишларича, Ўрта Осиёдан етишиб чиққан нашазор қашқирлари эмиш, бизга наша, героин сотаркан. Ва қандай сотганини чўпонларга мақтанаркан. Натижада, мўмай даромадга ишқи тушган чўпонлардан бири оғзидан сўлаклари оқиб, бизни ахтариб келибди. Хулласи калом, шунақа гаплар, Гажар”.

“Танимайман”, — деди барзанги тўнг оҳангда.

Кўриб турибман, икковининг ҳам авзойи бузилди. Бундай кимсаларни топиш қанчалик қийин бўлса, қутулиш ундан-да, мушкул эди, Лобар. Гуё ўлжасини аввал эрмак қилиб, кейин шафқатсизларча қонга белаб емоқчи бўлган йиртқичларга ўхшардилар.

“Менга паспортларини кўрсатишмаган, уйларига ҳам ахтариб. бормаганман, — тушунтира бошладим. — Ахир, тоғда чўпонлик қилишдан бошқасини билмасдим, деярли йўлим тушмасди туман марказига. Ҳар йили ҳақимни беришарди, эркакча гап, орқаларини кавлаштириб ўтирмасдим. Аввалдан сотқинлик, ғаламислик одатим йўқ”.

“Унда ким хабар берди уларнинг ўлдириб кетилгани ҳақида? Боқиб юрган кўйларингми?”

“Бир-икки марта йўлда овчиларга дуч келишган, уларга кимдир айтибди, тоққа келиб-кетиб юрадиган доривор ўт терувчилар ўлибди, деб. Мен ўша овчилардан эшитдим. Дастлаб ишонмадим, лекин ҳадеганда қоралари кўринавермади. Ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам

билмай юрган кунларимда қайсидир кўрсатувда кўриб қолдим, тўлиқ амин бўлдим”.

“Ўҳ, лаънати! — гавдасини олдинга ташлаб столни муштлади Шомил. — Ҳали улар ҳақида кўрсатув бўлди, дегин! Қайси каналда?”

“Россияникими, Қозоғистонникими, билмадим. Чунки аптеканинг телевизори эди, одамлар дори сўраб, аптекачини банд қилиб туришганди, суриштириб ўтирмадим қайси каналлигини. Қизимга дори олдим-у, шартта чиқиб кетдим. Шерикларимни таниганимнинг ўзиёқ етарли бўлди”.

“Суратлардаги аниқ ўшалармиди?”

“Ҳа”, — дедим.

“Уларнинг кимлигини, нима иш қилишганини, қаердан эканлигини, кимлар ўлдирган бўлиши мумкинлигини журналист оғзигинмай, ваҳимали... нима дейди, сенсацион қилиб, куйиб-пишиб гапиргандир?”

Яна бир марта “ҳа” дейишим билан Шомил Гажарга им қоқди, қулоқ-чақкамга тушган тепкидан икки қадам нарига учиб тушдим. Кейин яна урдими, ёқамдан кўтариб, силтаб-силтаб диванга олиб келдим, эсимда йўқ. Шомил пешанаси теккудек яқин масофадан сўради:

“Гапир, уларнинг исм-фамилиясини нима деди ўша журналист?”

“Эсимда йўқ...”

Тўппонча оғзини тиззамнинг кўзига босди.

“Айтишларича, театр фарроши ҳам машҳурликни орзу қиларкан, афсуски, у сахнага чиққанида зал бўм-бўш бўлади. Қайси аҳмоқ пьеса ўрнига фаррошнинг сахна супуришини томоша қилади дейсан! Афтидан сен ҳам машҳурликни орзу қилган кўринасан, аниқроғи, наша сотиб, бойиб кетишни. Кечир, театримиз яшаши учун актёрлар керак, сендақалар эмас”.

Қўрқувдан дағ-дағ титраб, тилим танглаймга ёпишиб қолганини кўрган Шомил соддароқ қилиб тушунтирди:

“Кўрсатувда исм-фамилиялар албатта тилга олинади. Гапир! Акс ҳолда, тиззангнинг суяклари парча-парча бўлиб сочилиб

кетеди. Порох ва учқур металл олдида суяк нима деган гап?”

Телевизорга қараганим оң исм-фамилиялар айтиб ўтилганимни, йўқми, эслаёлмадим. Кўрсатувда бошдан-охир қаҳрамонларнинг номлари ҳар сонияда такрорлаб турилмайди-ку! Ўзимга таниш одамларнинг суратига кўзим тушганидаёқ тошдек қотиб қолганимни, “ўлдирилди”, “Қозоғистон”, “жиноят олами” деган сўзларнигина эшитганимни гапирдим.

“Қарта ўйнашни билганингда, шунча гавго йўқ эди”, — деди Шомил ва тўппончасини ғилофга солиб, мени олиб кетишларини буюрди. Пул бермаса, “мол” қаердалигини айтмайман, деб аҳд қилдим. Овлоқдаги бир бинонинг ертўласига тушириб, ўласи қилиб дўппослашгач, жон-жон деб меҳмонхона манзилени айтдим.

Совуқ ертўлада ярим тунгача қолиб кетдим. Кўзимга жоним кўринарди. Сўнгра мени бинойидек хонага олиб боришгач, овқат беришди. Оғзимга сигарета солиб, гугурт ҳам чақишди.

“Шомил ақани кўрмоқчиман, — дедим. — Кейин ўлдириб юборсанглар ҳам майли, агар эркаклик гурурларингга тўғри келса, милицияга-топширинглар. Фақат Шомил ақани бир кўрмасам бўлмайди”.

Йигитлар миқ этишмади, чунки Шомил мени одам сиёғига келтириб қўйишни тайинлаб, хабарчи жўнатган экан. У худди банкка ишга келган ходимдек қора костюмда, бўйинбоғда бўй кўрсатгач, девордаги соатга қараб қўйдим — ҳақиқатан ярим кеча эди. Шу маҳалда унга расмий кийинишга бало бормикан?

“Хўш, энди нима дейсан?” — деди оёқ чалиштириб, рўпарамга хотиржам ўтираркан.

“Ўйнаймаман, — дедим. — Фақат менга ўргатишсин қартани”.

“Қартани? Ў-ў, чаккимассан. Аммо биз сени қонуннинг қўлига топширмоқчимиз”.

“Бу ҳақда одамларингизга айтдим, агар тўғри келса...”

“Нега тўғри келмас экан? Сен ҳақиқий жиноятчисан! Баъзи мамлакатларда бунинг учун ўлим жазосини беришади. Келтирган “мол”инг шундай тозаки, у билан бутун бир мутантлар авлодига асос солиш мумкин”.

“Мажбурлаб укол қилишмайди-ку, айб ўзларида”, — дегандим, ҳуштак чалиб қўйди.

“Улардан бола туғилади, — деди кўрсаткич бармоғи ила пўписи қилиб, — ногиронлар сулоласи. Ҳўш, болаларнинг айби нима?”

“Бу бизнинг ташвишимиз эмас”, — дедим қайсарлик билан.

Шомил менга бир муддат тикилиб ўтирди. Унинг нигоҳига бардош бериш осон эмасди. Бор-будим бўлмиш ажал куқунидан айрилганим, қалтакланганим, ё ўлим, ё қуллик таҳдид солаётгани гайритабий равишда ўзгаришимга ваз эди.

“Ихтиёринг, — деди Шомил. — Охирги марта инсонийликка чорламоқчи бўлдим, аттанг, ваҳшийликка мойил экансан. Энди ўзингдан кўр, сени Самарага жўнатаман, ўша ёқдаги уйимда яшайсан. Ҳўш келибсан, жиноят дунёсига, марҳаматли чўпон!”

Шундай қилиб, Новосибирскда уч ой яшадим. Бекорчиликда қарта ўрганардим. Самарада эмас, Новосибирскдаги “Викинг” малайлари қўлида эканимни ўша кезлари билмасдим. Энг оғир иш ҳар замонда келадиган юкларни тушириш, омборхонани ёғ тушса, ялагудек қилиб тозалаш ва ҳар куни бир марта қора костюм, оқ кўйлак, бўйинбоғда қарта ўйнаш эди. Нега бундай кийинишимиз ҳақида қартабоз йигитлардан сўраганимда, Шомил “Спрут” фильмидаги мафия бошлиғининг гунг шотирига тақлид қилишини айтди. Чўққахонада ишлаётсанг ҳам, агар хўжайин чақирса, оқ ёқа, қора костюмда боришинг керак эмиш.

— У бошқа одамга ўхшаяпти, — деди Лобар. — Шомил аканинг бунақа одаги йўқ эди.

— Новосибирскдаги йигитлар ҳам шундай дейишди, — Иқроор ака бошига тушган кўргуликларнинг сўнги қисмларини ҳикоя қила бошлади. — Охирги вақтларда у ҳар хил одатлар чиқара бошлаганмиш, яъни сунъий равишда. Қора костюмга келсак, бу бир воқеа билан боғлиқ эмиш. Италияга борганида узун қора плаши учун устидан роса

кулишибди. Жиноятчиларга хизмат қилиб юрадиган бир аёлнинг бөләсини ўласи қилиб дўппослабди. Умрида бөләга қўл кўтармаган экан. Бола ўлмабди, ҳеч ким полицияга ҳам чақмабди, лекин онаси ўз тилида “илойим, Италиядан ўлигинг кетсин”, деб қарғабди. Шундан сўнг Шомил плашини ташлабди. “Жиноят ҳам унча-мунча расмий касблардан қолишмайди, ҳар қандай жиноятчи халқаро меъёр даражасига етган қора костюм, оқ ёқада юриши керак”, дебди. Дунёда қора костюм, оқ кўйлакдаги юз минглаб жиноятчилар бор эмиш, айримлари конгресслару губернатор қурсиларида, ҳатто прокурор кабинетининг тўрида ўтирармиш... Лобар, бунақа гапларга ишонмайман, эшитганларимни айтаяпман, холос.

Кунларнинг бирида катта темир дарвозани ёпаётсам (Новосибрскда эканим энди менга маълум эди, анча эркин юрардим, ҳатто бино ташқарисига ҳам чиқиб турардим), кўча бошида шитоб билан келаётган қора машинага кўзим тушди. Бир қарашдаёқ танидим: бу Шомилнинг машинаси эди. Наҳотки, оғоҳлантирмаедан келса, дедим. Аммо аслида оғоҳлантирмаслик уларнинг қоидаси эканлигини эслаб, йндамай кутдим.

“Ҳайрон бўлдингми?” — сўради у машинадан тушиб.

“Йўқ, — дедим сир бой бермай. — Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бу ерда уч ойдан бери юрибман, кўп нарсага кўникдим”.

“Гапларинг бурро-бурро! Бугун мен билан қарта ўйнайсан, — илжайди елкамга қоқиб. — Ўз умрини, унга қўшиб яқинларининг ҳам ҳаётини тикадиган одамлар билан кутилмаганда ўйин бошлаб юборгим келади. Буни қара, ўйин мутлақо тасодифан хаёлимга келди”.

“Нега тасодифан деяпсиз? Барибир, эрта-индин ўйнамоқчи эдик-ку?”

“Эҳ чўпон, каллангни қачон ишлатасан, эгни бошимга қарасанг-чи!”

Дарвоқе, бўйни узун жемпер устидан қалин қора пальто кийиб олганди. Жинси шими тўмтоқ малла ботинкасига

ярашиб тушганди. У ўзи ҳурмат қиладиган қиморбозлар билан дуч келган кийимда қарта ўйнамас, шу тобда қора костюмда эмаслиги ё ростдан тасодиф, ёки атайин қилинган ҳурматсизлик ҳисобланарди. Тўғри, мен унинг учун ҳеч ким эдим, истаса, қарта ўйнамасдан ҳам тақдиримни ҳал қилиши, масалан, шартта отиб ташлаб, ўлигимни дарёга отиб юбориши мумкин эди.

Шотирлари машинани ичкарига киритди. Шомилнинг келишини кутмаган бошқа йигитлар ҳам бир оз довдираганини сезиб, иш жиддийга ўхшайди, деб қўйдим. Бироқ бутун оғирлик уларга эмас, менга тушаётган эди, фақат мен учун келганди бу одам.

“Саш, эртага Глубцовага кўчиб ўтасанлар, бу макон сотилди”, — деди ва йигитларга айтадиган бошқа гапи қолмади.

Шомил иккимизнинг ўртамизда бўладиган ҳаёт-мамот ўйини учун ертўладаги безатилган хона мунтазир эди. Айлана стол тепасида худди кинолардагидек фақат бир энлик жойни ёритган осма чироқ. Бошқалар нимқоронғи бурчаклардаги столни эгаллаб, сигарета ва наша тутатишди, бутилкалардан стаканларга қуйилаётган ичимликларнинг қултиллаши ҳам эшитиларди гоҳо.

Лобар, ўша лаҳзада эгнимдаги қора костюм, оқ кўйлак, бўйинбоғ — барчаси ўлимлик кийими бўлиб туюлди. Қартани яқинда ўрганган одам ашаддий қиморбозни ютиши ақлга сиғмайдиган иш эди-да, ахир! Яна денг, Шомил ўз эркинлигимни, жонимни, оиламни ўйинга тикишимни буюрди. Ҳаммасига ўзича нарх белгиледи. Ютқазганим сайин қулга, жонсиз жасадга ва оиламнинг кушандасига айланиб боришим муқаррар эди. Буни хаёлингга келтиришинг билан оёқ-қўлингдан мадор кетиб, тирик мурдадан фарқинг қолмас экан.

“Қартада ҳеч нимани олдиндан айтиб бўлмайди, — деди сигарета тутатиб, ҳузур қилиб пуфларкан. — Ким билади дейсан, балки мени ютиб ташларсан. А?.. Ютсанг нима қиласан? Ўлдирасанми? Балки пул ва паспорт талаб



қиларсан? Ё шу ерда умрбод қолишингни ўтинасанми? Хаҳ-хаҳ-ха-а... Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қимор столи олдида руҳингни чўктирма, тушундингни? Қимор — ҳеч нарсадан тап тортмайдиган юраги чўтирларнинг жанг майдони! Юрагининг қолган-қутган қисмини ҳам озода сақлашни маслаҳат бермасдим. (Ўзи асли озода ҳам эмас, бутунлай чиркинку-я!) Ҳаёт — чанг-тўзон кўтарилган кузги дала. Ҳеч кўрганмисан, кузги шудгорни мола босиб текислашганидан сўнг бирдан тентак шамол чангни юзингга пуфлайди?”

“Кўрганман”.

“Осиёда кўргансан”.

“Қаерда бўлса ҳам кўрганман-да”, — деган эдим, Шомил қарта чийлаётиб таққа тўхтади.

“Ҳеч ўзинг ҳам сезасанми, — деди у, — гапларинг анчамунча ғалати. Баъзан қаттиқ шубҳаланиб қолади одам. Айт, кимсан? Нега ўзингни ўтга-чўққа урасан? Оддий чўпон бўлганингга ўлсам ҳам ишонгим келмаяпти”.

“Бир тийин тўламай—героинимни олиб қўйдингиз, ўшанинг ҳисобига, мана, яшаб юрибман, текинхўр эмасман. Қарта ўйнаймиз дедингиз, ўйнаяпмиз...”

“Бу энди ҳазил ўйин эмас, Иқро. Агар ютқазсанг, ҳукми ижро этамиз. Бу билан демоқчиманки, неки ҳунаринг бўлса, кўрсатиб қол, ўзингни гўлликка солиш ўлиминг билан тугаши мумкин. У ёқдаги оилангни ҳам ўйла”.

“Нима бўлса, ўзимга бўлсин, — дедим. — Мардлар айбдорни жазолайди, бегуноҳларни эмас. Сиздан битта битта илтимосим, оиламни бу ўйинларга аралаштирмайлик, нима сўрасангиз, бераман... топиб бераман... Оддий одам бўлсам ҳам, кўп ишлар қўлимдан келади... Таваққалчиман!”

“Шунинг учун биздан ҳеч нимани яширма! Сени ахтариб топганимиз йўқ, таъимасдик ҳам, излаб бормасдик ҳам! Ўзинг келдинг, ташрифинг билан мени “шок”ка туширдинг. Мен шунақа одам эканманки, минглаб чақирим наридаги чорвадорлар ҳам қаерда эканлигимни, касбимни билишар экан. Бегуноҳлик тушунчаси эса охири пайтлари жуда

нисбий бўлиб кетди. Кимнингдир айби учун жавоб бериш адолатсизлик эмасга ўхшаяпти”.

“Сиздан ўтиниб сўрадим...”

“Бу ёғи ўйинга боғлиқ, ўтинчга эмас! Хулласи калом, бугун сени ўлдиришимиз, аммо болаларини га тегинмаслигимиз мумкин...”

У сўзлаётганида ҳаётим қанчалик хавф остида қолганини негадир теранроқ ҳис этолмасдим. Худди улар мени қарга варақлари каби ҳаёт саҳнасида шунчаки рақсга тушираётгандек эдилар.

“Тоғдаги Бешқиз деган қишлоқда яшашинг, чўпонлик қилишинг рост экан... Анграйма! Биз суриштирдик, аниқладик. Энди оилангни ҳам биламиз. Масалан, хотинингни исми Саида...”

“Илтимос, уларни аралаштирманг”; — дедим. Чап оёғимдан музлаб кела бошладим.

“Героинни қаердан олганинг борасида боплаб ёлғон тўқияпсан. Менга айтишларича, сен Россияга келгунингча, чиндан ҳам чўпон бўлгансан. Охирги дамларда сезиларли тарзда ўзгаргансан, яъни пулинг кўпайган. Хурсанд бўлганим, интерполга зиғирчайам алоқанг йўқлиги ҳақида гапиришди. Бироқ мен Россияга кириб келаётган террорчиларнинг қоидаларини эшитганман...”

“Террорчи деб ўйлаяпсизми?” — дедим. Айни дамда бу томошалар хавфсизлик хизмати найранглари бўлиб чиқмасмикан, деган хаёлга ҳам бордим.

“Гапни охиригача эшит, тушунишинг учун уларнинг қоидаларидан мисол келтираман: ҳеч қачон оқ дўппи киймайсан, тасбеҳ ушламайсан, соқол-мўйлов қўймайсан, бирорта масжид тугул, етти девор ичида ҳам намоз ўқимайсан, метрога сумка кўтариб тушмайсан, китоб олиб юрмайсан, агар ҳарбий полигонда тайёргарликдан ўтган бўлсанг, камида қирқ кун квартирада чилла сақлайсан, чунки бармоғингдан автомат тепкисининг изи, елкангу афтингда офтобда қизарганлик аломатлари ҳам шубҳа уйғотиши мумкин. Менга ёққани — ҳар олти соатда аҳоли гавжум дўкон ёки ресторанга кириб, юз грамм ичиш! Ахир

изингдан тушганларини билмайсан-ку, тўғрими?! Балки ўша юз грамм ароқ ёки вино айғоқчиларни чалғитар? Баъзилар, ҳатто хотинбоз бўлиб кўринишади... Қалай?”

“Бирортасининг менга алоқаси йўқ”

“Айнан алоқаси йўқ. Бошқа томондан олиб қараганда, услубда жуда-жуда алоқадорсан. Героинфурушлик сенинг ниқобинг бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чўпонлик ҳам”.

“Буларнинг ҳаммаси тухмат!”

“Мени тухматқашга чиқараяпсанми? Мюнхень ҳақида эшитганмисан?”

“Шаҳарми?”

“Шаҳар? — деди Шомил. — Албатта, шаҳарда! Мюнхенда бир вақтлар исроиллик спортчилар террорчилар томонидан отиб кетилган. Исроил хавфсизлик хизмати қандай йўл тутган, хабаринг борми? Улар балога қолмасликлари учун ўз ходимларини ишдан бўшатиб, чет элларга қасос олишга жўнатган. Мабодо қотиллик фош бўлиб қолса, “бу одамлар бизда ишламайди, фуқаромиз ҳам эмас”, дейишарди. Қайсидир ташкилотдан ишлаб, кейин атайин бўшаб, чўпонлик қилгандирсан?”

“Шомил ака, сизни тажрибали одам, деб ўйлагандим, — дедим одамнинг раҳмини келтирувчи ҳалим ва бечораҳол оҳангда, — нега мени дам террорчи, дам жосус, дейсиз. Майли, ҳақиқатни айтаман. Героинни “устоз” форга яширганди, ўлганини эшитганимдан сўнг ахтариб топдим. Нима қилишим керак эди? “Қора дори” олди-сотдиси бўйича сиздан бошқа ҳеч кимни танимаيمان. Шунинг учун Саратовга келдим...”

“Лекин сотмадинг, бепул бериб юбординг! — Шомил ўзини орқага ташлаб, берилиб кулди. — Режани юз тоннага етказишимизда Афғонистон беқийёс ҳисса қўшяпти. Ҳа, уларнинг ўчи борлигини тушунса бўлади. Қанақа юз тонна ҳақида гапиряпти, дейсанми? Ҳар йили эллик тонна героин ва опий истеъмол қиляпмиз, деб рус чиновниклари бонг уришганди, бир йилдан сўнг олтмишга чиқди. Қара, булар ҳар йили ўлчашар экан, ақлли чиновниклар ҳалиям бор-да.

Билмадим, ҳозир етмиш тоннадан ошгандир. Бунга сенинг пакетларингни ҳам қўшиб ҳисоблаймиз, ўртоқ героин меросхўри!”

Ниҳоят, қарта ўйини бошланди. Биласиз, “йигирма бир очко”, “қулс”, “гулчинор”, “сувара”, “бешкўтарар” ўйинлари улардан кириб келган, барибир уларнинг олдида кўплаб қиморбозлар ип эшолмай қолади. Шомил кўпроқ “йигирма бир очко” ўйнайди, дейишганди. Йўқ, у афсонавий “қулс”ни танлади. Лаънаги “қулс” ўйинини жуда осон, атиги бир соатнинг ичида ўргангандим, лекин уч дона қарта орқали зотлару “етти”лар, авлиё “туз”лар жангида ғолиб келиш ҳамиша қийин бўлганди менга. Қачон қарама, айнан “қулс”да ютқазиб ўтирардим. Шомил шерикларимдан эшитган экан шекилли, без бўлиб шу ўйинни танлади. Йигирма хил ўйиннинг йигирматасида ҳам мени ютишига наҳотки ишонмасам!

Рингга чиққан боксчидек аввал синаб кўрди: қарталари кучсиз чиқар, катта дов тикмасдан, тез-тез тугатиб қўя қолар, таваккалдан анча-мунча нари ўйнади. Рақибнинг ҳафсаласизлиги кимга хуш ёқмаган, афсуски, бу ҳақиқий ҳафсаласизлик эмаслигини ҳам билиб ўтирардим.

“Ғажар! — чақирди у ёрдамчисини.

Айтарли гап йўқлигини сизди чоғи, қоронғи кунжакдан манфур кимсанинг эринган, ёқимсиз овози келди:

“Лаббай, хўжайин, бирор нима керакми?”

“Бунга қартани кучлироқ ўргатиб юборишибди, ютқазаяпман. Агар ўлсам, ҳузурпарастлар оламига етказилиб берилиши керак бўлган юз тонналик режани бажариш сенинг бўйнингга!”

“Унгача ҳали бор, хўжайин. Эллик йилча!”

Улар ўзаро ҳиринглаб кулишди. Шу дамдан ўйин ҳам қизиди. Озодлигимни бой беришим учун ярим соат, жонимни ютқазимизга эса бир соатча вақт керак бўлди.

“Энди оилангни тикасан”, — амр этди Шомил.

“Йўқ! Тоғда “устоз”нинг яна беш пакет героини бор, уям худди афғони, — дедим ўзимга-да бегона ёввойи овозда. —

Нархини чиқаринг, ўшаларни тикаман, фақат оила, деманг, барибир оиламни қўшмайман, ўлдирсангиз ҳам!”

“Нима қилдик? У менга ялинаяпти”, — Шомил шерикларига ўғирилди.

“Хотинингизни олиб келишни бўйнига қўйсангиз-чи? — деди Гахар. — У ёқларга ўзингиз боролмайсиз, бу гўрсўхта эса тайёр дастёр”.

Лобар, сиз ҳақингизда илк бор ўша ерда эшитдим. Даставвал тушунмадим, кейин Гахар икки оғиз ҳикоя қилди. Жимгина эшитган Шомил тўсатдан столни муштлади.

“Наҳотки, бир нарсани тушунмаяпсанлар, Лобар бизнинг ҳузуримизга келса, итальянларнинг қўли билан ўзимизни гўрга тиқишимиз мумкин...”

Иқроор аканинг ҳикояси шу жойга етганда, йўл томонда от кишнади. Иккаласи ҳам илкис қайрилиб, қизил от минган, кўк чопонли, соқолли одамни кўрди.

— Ким у? — сўради Лобар. — Танийсизми?

— Танаймайман. Тогда шаҳардагидек бегонани учратсангиз, билинги, нафс дарди етаклаб юрибди: ўғрими, айғоқчими, гиёҳфурушми, сайёҳми — фарқи йўқ... Нима қилдик? Ҳайдовчини чақирайми? Ўзимизни жўнаб кетувчи кўрсатсак, кўп ҳам зарар қилмаймиз.

— Нега энди? — “Москвич” ўриндиғига суянди Лобар. — Келаверсин. Мен ҳам тоққа бегонаман, лекин нафс ташвишида юрганим йўқ, жосус ҳам эмасман.

— Жосус эмасмисиз? Шомил ҳақида маълумот тўплаётган ким?

— Ҳикояннгизда давом этинг, ҳозир баҳснинг мавриди эмас. Ўша Гахар деган кимса мени Россияга олиб келишни сизга буюришларини таклиф қилганидан сўнг Шомил аканинг кайфияти бузилди?

— Бузилди, дедим-ку! Бироқ сиз у ёққа борсангиз, итальянларнинг қўли билан ўзларини нега гўрга тиқишига тушунмадим.

— Тушунмаслигингиз табиий, Иқроор ака.

— Нима ҳам дердим.

— Ҳикоянгиз менга кўп нарса берапти. Жийоят оламидан олислаб кетганимга анча бўлган. Тинглаб ўтириб, улар ҳеч ҳам ўзгармаганига ишонч ҳосил қилдим. Башаралар ўзгаради, қонуниятлар унча-мунчага қаримас экан.

— Яшираяпсиз, италияликлар ҳақидаги гапдан қувонганингизнинг сабаби бошқа?

Ҳалиги отлиқ етиб келгач, “Москвич”да ўтирганларга энгашиб, салом берди.

— Чиябури кўпригига шундай ўтсам бўладими? — сўради у.

— Мана шу оралиқдан кетаверасиз, — машинадан тушиб, чўлтоқ қули билан кўрсатди Иқроор ака, — Ҳайдарбой деган одамнинг қўтони чиқади, кейин чапга буриласиз. Чиябурининг йўли шунда.

— Раҳмат, тоза катта яхшилик қилдингиз. Кам бўлманг.

Унинг оддий йўловчи эканидан кўнгли тўлган Иқроор ака қизиқиш амрида:

— Мени кечирасиз-ку-я, у ёққа нима иш билан бораёпсиз, тоға? — деб сўради.

Эндигина отини ниқтаган йўловчи жиловни тортди.

— Э, бунинг тарихи узун, бафуржа ўтирганда дуч келсангиз, айтиб бераман.

— Майли, беҳижолат. Оқ йўл сизга, тоға.

Чол йўл кўрсатган кишини хафа қилгиси келмади.

— Шу десангиз, Чиябури кўпригининг тагида кампиримнинг мозори бор. Бир сабаб билан қабристонга кўммаганмиз, биродар. Сел келибди, деб эшитиб, эрталабдан йўлга чиқдим. Хабар олмасам, кўнгил қурғур тинчлик бермайди.

— Аввал келмаганмисиз? Нега адашиб юрибсиз?

— Келганман. Қийиб чиқса бўлар, деб қирнинг шу оралиғига таваккал от солдим. Иш келса, қариялар ҳам шошаркан.

Иқроор ака отлиқнинг изидан қараб, хўрсинди. Кейин олд ўриндиққа чўкиб, деди:

— Чиябўри кўпригида мазор борлигини билганимда, ўша кеча-узоқ-кутмасдим-лаънати-малайни-Тфу, ирим-қиламан якка мазордан.

— Наҳотки, тоғлик бўла туриб, беҳабарсиз? — ишонмади Лобар.

— Ташландиқ кон йўлида бир вақтлар қишлоқ бўлган, беш-олти хўжалик яшаган. Мозороти ҳам бор эди. Кўприк тагида мазор борлиги эса кимнинг тушига кирибди.

— Шундайлар борки, ўлганларнинг ташвишида юрибди, сиз эса нафс, айғоқчилик, яна алламбалолар дейсиз... Бечора чол!

— Мазор борлигини билганимда эди... — такрорлади Иқроор ака. — Уйимнинг орқасида, хотиним ўлган жойда ўралашиб юргангизни кўриб бежиз жаҳлим чиққани йўқ. Балки Саида бояқиш бошқа куни барибир ўлармиди? Нима бўлганда ҳам, агар билганимда, тақдирим сал бошқача бўлармиди? Қиморбоз ҳамтовоғим келишини эмас, хотинимнинг ўлишини кутган бўлиб чиқдим-а!

— Қарталардаги ёзув олдида-оғиз-қолмасак, хато такрорланмайди.

— Энди менга барибир, — аламли кулди Иқроор ака ва чўнтагини пайпаслади, аммо сигаретаси соп бўлган эди.

— Гапиринг, — деди Лобар, — италияликлардан қўрққанлар севгани билан учрашишни истамайдиган машъум йилларда бошингиздан яна нималар кечирдингиз? Бор-будингизни қартага ютқазмаган кўринасиз.

— Кўзимга тирик кўринаяпсиз, демоқчисиз-да? Тирикликка тирикман. Шундай қилиб, ўша куни қиморга оиламни тикишга мажбурламоқчи бўлишди. Ҳеч қасққа қочиб қутулолмасдим. Ўлигимдан кўра фордан топилган героинларнинг қолган-қутганлари кўпроқ қизиқтирди уларни.

“Иккинчи партиянгнинг манзилини айт”, — деди Шомил.

“Аввал қарта ўйнайман, ютқазсам айтаман”, — деб ўжарлик қилдим. Озодлигим билан ширин жонимни бой берган бўлсам ҳам, охири беш дона пакетни бекордан-

бекор ҳада этишни истамасдим. Меҳмонхонада бепул қўлга киритганлари ҳам етади текинхўр каллакесарларга.

“Аҳмоқ чўпон! — Шомил ёқамдан олди. — Ҳозиргина оилангни қиморга тикишингга мажбурламоқчи эдик, илтимос қилдинг, инобатга олдик, яна бу нима қилиқ? Қартада ўзингга ишонар экансан, нега ялиниб-ёлвординг? Кел, унда охиригача ўйнайлик. Қишлоғингда қолган героинларни ҳам тикасан, оилангни ҳам! Маъқулми?”

“Бунақаси кетмайди, менда қиморга тикиладиган фақат бешта пакет қолди, холос, оиламни унутинг, — дедим. — Сиз мардсиз, Шомил ака, бунга аллақачон ишонч ҳосил қилганман! Мардлигингизча қолинг, мардлигингизча...”

“Барибир ютқазасан-ку, ўйнаб, бекорга вақтимни оласан! Билмадим, нимангга ишонаяпсан?”

“Қартада ҳеч нимани олдиндан айтиб бўлмайди, дедингиз! Омадим чопишига ишонаман! Йигитга омад келади, Шомил ака!”

У ёқамдан кўтариб, итқитиб юбормоқчи эди, аммо ўзини босди. Қароргоҳ уники, ертўла уники, одам қиёфасидаги қашқирлар уники, ҳатто мени ҳам буткул ютиб олган эди. Бироқ таклифим уники эмас, қиморбозларнинг халқаро қонунларига мос келадиган дангал гап гапираётгандим.

“Хўп, сен айтганча бўлади, — деди Шомил. — Саш, янги қарта бер, “викинг”ларниқидан! Агар қишлоғингда қолган “гера”ни ютқазсанг, яна бир қўл ўйнайсан: хотинингни тикасан! Бизни мард ҳисоблаганинг учун болаларингга тегинмаймиз. Розимисан?” — яна сўради у.

Оқ панжарали қора қарталар қутисини Шомилнинг олдига қўйиб кетишди. Одатини айтайми? У бировнинг қўлидан қарта олмайди. Янги қартани очганда эса кераксиз доналарни бир зумда ажратиб, четга суради-да, “хизмат ҳаммага эмас, буюрилганга”, дейди.

Ҳаёт-мамот ўйинининг янги фаслини бошладик. Тўсатдан “қулс”нинг моҳиятини тушуниб етдим. Ҳар қандай ўйин маълум бир қоидаларга асосланади, худди шу қоидаларни чуқурроқ мушоҳада этгандагина, одам



галаба қозониш қонуниятларини кашф этиб бораркан. Қўлингизда уч дона қарға, етол-устида очиб қўйилган зот, қолган қарталар зотнинг устида. Агар сиз, масалан, зотсиз ўн қарға билан ҳужумни бошласангиз...

— Менга қартанинг майда-чуйдаларидан гапириб ўтирманг, — деди Лобар, — математика ўқитувчисига “икки карра икки тўрт бўлади”, деб ўргатаётган болага ўхшашнинг нима кераги бор?! Яхшиси, қисқароқ айтиб қўя қолинг.

— Қирқини эшитдингиз, қирқ бирига ҳам қулоқ солинг. Ўшанда жон-жаҳдим билан ўйинга киришдим. Таваккал, тентаклик, жўмардлик ёруғ дунёдаги охирги кароматларим бўлиб қолсин, дедим.

Бироқ Шомилни ютишга ҳам, ютқазишга ҳам улгуролмадим. Шу пайт ертўла зинапоясида тапир-тупур қадам товушлари эшитилди. Хеч ким бунчалик шовқин-сурон билан ертўлага югуриб тушмас эди. Бурчакдаги столларни банд этганлар ўрниларидан дик-дик туришди. Кимдир шошганидан стакан ва бутилкаларни туртиб юборди чоғи, шарақлаб синган овоз вазиятга янада жиддий тус берди.

“Чорвадан тарқаганлар! Бу нимаси?” — ортига ўгирилди Шомил.

Эшик очилди. Шу заҳотиёқ чироқ ёқилган эди, “Газель” хайдовчиси вазифасида ишлаб юрадиган, қўл-оёғи чаққон Влад деган наркокуррьернинг оқарган башарасини кўрдим.

“Улар келишди, дарвоза тагида”, — деди ҳовлиқиб.

“Кимлар?” — сўраш асносида Шомил бўралаб сўкди.

“Летёха!”

Бу хабар муҳим аҳамиятга молик эканми, ҳаммалари шоша-пиша чиқиб кетишди, қўлимда қарталар, анграйиб қолавердим. Хаёлимда милиция бизни қуршаб олгандек туюлди. Хосиятсиз макондан ўз вақтида қочмай, жиноятчиларга эш бўлганимга мингдан-минг афсус чекдим. Ҳибсга олинсак, Россияга нима мақсадда келганим фош этилади: беш пакет героин! Тамомман!

Ўлимдан қамоқ афзал, деб ташқарига чиққанимда, дарвоза олдида тўпланган ўн беш чоғли одамга кўзим тушди. Ораларида на милиция, на ҳарбий кийимдагилар бор эди.

“Анави хонага кир, бу ерда юрма”, — деди ёнимдан ўтиб бораётган йигитлардан бири.

Қоровулхонага кирдим. Телевизорда бақир-чақир фильм намоиш этилар, инсонийлик қиёфасини йўқотган кимса бир хонадонга бостириб кириб, дам эрни, дам хотинни азоблар, энг ёмони, актёр киноқаҳрамонни табиий чиқариб беролмай, ваҳшийлик мавзусидаги кинолардан бутунлай кўнгилни қолдирарди кишининг.

Келганимдан буён илк бор мафия салтанатига қарши исён кўтардим: телевизорни ўчириб, пултни мажақлаб ташладим. Ўзини тутолмай депсинаётган, бошини қайси деворга уриб ёришни билмаётган, бўғриқиб сўкинаётган мен — гумроҳнинг ҳолига маймунлар йиғлаётганди бу онлар. Милиция ушласа, умрим қамоқда чириydi, Шомилнинг қўлида қолсам, бирор кун отиб ташлайди. Икки фалокатдан бири “насиб этиши” кутилаётган шўрпешана банда бормикан мендан бўлак?!

Пардани хиёл суриб, мўраладим. Улар ҳали ҳам жойларидан қилт этмай туришарди. Гапираётганларни ҳокимларга, барзангиларни эса тансоқчиларга менгадим. Бироқ давлат-одамлари эмаслиги айни ҳақиқат эди. Афтидан омборхонага биздан-да кучли бошқа бир жиноий гуруҳ вакиллари ташриф буюришганди.

Кўп ўтмай улар қоровулхона томон юришди. Хона тор эди, нариги эшикка киришларини хоҳладим. Уч-тўрт қадам қолганда, муҳокама билан яна тўхтадилар. “Яна биттаси бор, лекин қартани билмайди”, деган гап қулоғимга чалинди. Ғўнғир-ғўнғирлардан сўнг:

“Иқрор!” — деб чақирди Шомил.

Шотирларидан бири келиб, сўкиб берди:

“Нима, кармисан? Босс чақиряпти!”

Ҳовлига чиқиб, салом бердим, ҳеч бири алик олмасда, ҳарқалай кўзларида нафрат ўти сезилмаётганига шукр қилдим. Меҳмонлар салобатли, озода кийинган, ўткир кўзли кишилар эди. Агар университет йўлагидан учратиб қолсанг, бамаъни домла деб ўйлашинг ҳеч гап эмас.

“Бошқа ҳеч ким қолмадими?” — Шомил Гажарга қаради.

“Йўқ”, — деб жавоб берди содиқ хизматкөр.

“Одамларингиз нечта эканлигини бир қарашда санолмайсизми? — кўзойнакли киши мийиғида кулди. — Юлдузлардан ҳам кўп, шекилли?”

“Ҳаммаси юлдуз бўлишни хоҳлайди, — Шомил ертўла эшиги сари юрди. — “Казино”га марҳамат қилсинлар!”

Ертўладаги қиморхонага тушиб, ўринларни банд этдик. Шомил ва кўзойнакли киши (унинг лақаби Летёха эканини кейинроқ билдим) тўрга чиқди.

“Биласизлар, — деди Шомил, — ўз бизнесимизга эгамиз. “Ёлғиз баҳодир барибир енгиледи, ҳеч бўлмаса ухлаётганда”, деган ҳикматни эшитганмисиз? Топиб айтишган-да! Баъзан газеталарда бизни мафия деб ёзишяпти. Бу ҳам тўғри! Негаки, ёлғиз баҳодир эмасмиз! Биримиз ухласак, иккинчимиз пойлоқчиликда турамиз, тўрт тарафдан ҳамла қилишса, тўрталасини ҳам қайтарамиз, кўпчиликмиз-да! Бироқ кўпчиликнинг бир ёмон жиҳати ҳам бор. Ўзаро келишиб, иноқ бўлиш-муаммоеи! Давлатлар-Ер-юзини забт этиб бўлди, аммо жиноятчилар ҳали забт этолгани йўқ. Москва бизники эмас, Санкт-Петербург ҳам эгалланган. Қароргоҳимизни Новосибирска тикиб, кунимиз ҳалол меҳнатга қолиб ўтирибди...”

“Шомил, сиёсатингдан чекин! — дея гапини бўлди кўзойнакли. — Ҳали айтган таклифимга бир оз ўзгартириш киритаман: икки гуруҳдан кучли қиморбозлар эмас, кучсизлар иштирок этади. Масалан, сенинг одамларингдан анавини танладим! — У менга кўрсаткич бармоғини нуқиди. — Сен ҳам одамларимдан истаганингни танла! Қанча кучсизини чақирсанг, ўзингга шунча яхши. “Викинг”ларни биласан-ку, ғирт ёввойи. Фолкстон ўйини ҳам аслида ёввойи ақлнинг бир кўриниши”.

Ярим соат аввал Шомил ва одамлари устимдан ҳукм чиқаришган бўлса, энди уларнинг қисмати, маълум маънода, менинг қўлимда эди. Қаршимда “Викинг” мафиясининг рус ерида кезиб юрган шарпалари турарди.

Ким билибди дейсиз, кўзойнакли ҳаммасини олдиндан режалаштириб, ўзи билан бирга фақат кучли қартабозларни олиб келгандир?

– Шомил ака бу шартга осонгина кўндими? – деб сўради Лобар. – Нега деганда, гапингиздан маълумки, қандайдир муҳим нарсани қарта ўйини орқали, яъни икки гуруҳдан ҳам энг кучли қартабозларни майдонга тушириб, ҳал этишмоқчи бўлишган. Тўсатдан ўша Летёха деганингиз сизни кўриб қолган-у, тескари усул қўллаган, яъни ўйинга ҳар икки томондан ҳам энг кучсизларни жалб этиш керак, деган фикрга келган. Бу сизга ғалати туюлмади? Тўғри, Шомил ака ўз оғзи билан сиз ҳақингизда “у қартани билмайди”, деган. Летёха эса шу гапни эшитиб туриб, сиз қарта ўйнашни билишингизни, лекин кучсизроқ эканлигингизни осонгина фаҳмлаган.

– Летёханинг одамлари орасида нўноқ қиморбоз йўқ эди.

– Гап бу ҳақда эмас, Иқроор ака. Хуш, Шомил ака қандай йўл тутди?

– Албатта, индамай кўниб қўя қолгани йўқ. Бироқ илож қанча! Шарт қўйиш Летёханинг қўлида эди. Шомилнинг шунақа жаҳли чиқдики, ҳозир отишма бошланмаса гўрга эди, деб бекиниш учун стол тагини мўлжалладим. Йўқ, ҳарқалай ур-тўполон бўлмади. Шомилнинг норозилигида учта сабабни кўрдим: биринчиси, ҳаммамизга маълум эдики, Летёханинг ён-верида кучсиз қиморбоз бўлмагани учун ҳам шу йўлни тутди. Иккинчиси, Шомил мени нафақат кучсиз ўйинчи, балки ютишдан ҳеч қандай манфаат кўрмагани учун атайин ютқзади, деган хаёлга борди. Фурсат келгандаёқ қасдини олиш у ерда оддий ҳол эканлигини биласиз. Учинчиси эса шуки, Летёха қартани яхши ўйнолмаслигимни, сиз айтгандай, осонгина, ҳеч иккиланмасдан билиб олди. Нега?

– Мен ҳам шуни сўраяпман-да.

– Шомил билан қарта ўйнаганим, бор-будимни ютқазганим ўша заҳотиёқ Летёхага етиб боргани сезилиб қолди. Қисқаси, орамизда сотқин бор эди.

— Ҳал қилинаётган муаммо нима экан ўзи?

— Сезган бўлсангиз, чақирилмаган меҳмонлар “Викинг” мафиясининг Новосибирск томонлардаги вакиллари эди.

— Мафия худди давлатлар каби турли худудларга вакил ташлайди, вилоятларга бўлинади, дейсизми? Йўқ, улар атайин Шомил ва унинг тўдасини ахтариб келишган. Ҳикоянгизда мен ишонмайдиган фикрлар кўпайиб кетаяпти, Иқроор ака.

— Унисини билмадим, лекин қароргоҳини Европанинг ҳар хил мамлакатларига тез-тез кўчирадиганлар эди бизнинг меҳмонларимиз. Ўшанда, менимча, Россияни бўлиб олиш ҳаракати бошланганди. Шомилга ўхшаганлар эса қоққан қозиғидан маҳкам ушлаб, ҳеч қандай шамолга учиб кетмайдиган ғажир эди. Билмадим, нима бўлгану, уларнинг қисмати битта қарта ўйинига тақалиб қолганди. Бу тарихий кинони эслатади. “Келинлар, жанг қилиб, одамларни қурбон қилмасдан, орамиздан энг зўрлар чиқиб, ўртада олишсин, ким енгса, унинг қўшини ғолиб ҳисобланади...”

— Хўд, дейлик. Ўйин қандай бошланди?

— “Викинг”ларнинг орасида Телепат лақабли йигит бор экан, рақибим ўша бўлди. Шомил унинг бир неча марта ютқазганини, қиморни ёқтирмаслигини, фавқулўдда сезгирлиги учунгина мафияга кераклигини аввал эшитган экан. Қартада зийраклик биринчи ўриндаги талаб эмас, зийракликдан олдин нималар муҳим туришини биласиз.

“Фақат бир гапни айтиб қўяй, — деди Шомил Летёхага, — агар биз ютсак, орамиздаги хоин ким эканлигини қулоғимга шипшиб қўясиз. Бу ерда отмайман, бир неча кундан сўнг ўз-ўзидан йўқолиб қолади”.

— “Қанақа хоин, жин урсин сени?!” — ҳайратланди кўзойнак.

“Хоиндақа хоин, — деб Шомил шотирларига бирма-бир кўз югуртирди, мен ҳам ўткир нигоҳдан бенасиб қолмадим. — Ўйлашларинг мумкинки, биз кичик бир тўдамыз, наҳанглар ямламай ютиб юборади. Қайсидир маънода тўғри. Бироқ кучлиларга сотқинлик қилиш керак, дегани эмас бу! Балки эртадан бошлаб бўйсунамиз,

фақат хоинларсиз. Хоинлар бизга ҳам, уларга ҳам, ҳаттоки, хоинларнинг ўзларига ҳам керак эмас!”

Ҳамманинг қовоқ-тумшуғи осилиб тушди, негадир ҳар бир одамнинг кўзида менга нисбатан нафрат ўти ёнаётгандек эди. Дарҳақиқат, охириги дақиқаларда икки марта ёлғиз қолдим: мана шу ер ости қиморхонасида ва қоровулхонада. Тухмат чархпалаги айланиб-айланиб Летёханинг жосусига чиқариб қўймаса эди мени, деб хавотирга тушдим. Худога шукр, қоровулхонадаги телефонни айтмаса, ҳеч қанақа телефонга яқинлашмадим, на қўнғироқ қилиб ютқазिशни келишганман, на мазкур мазмунда “смс” юборганман.

“Иқрор, — деди Шомил менга, — ниманг бўлса, ҳаммасини бой бердинг. Кел, сендан охириги марта бир умид қилай. Агар ҳозир рақибни ютиб, жиноят оламида бизга биргина ғалаба келтиролсанг, озодсан. Ҳеч қандай даъвойим йўқ, уйингга кетасан”.

“Чиндан ҳам...” — деб чайналгандим, Шомилнинг афтангорида қаҳқорлик аломатлари қуюқлашди ва:

“Гап битта, — деди. — Мен сўз бердим. Тушундинг-а?”

“Афсус”, — бош чайқаб қўйди Летёха.

Шомил унга саволомуз боқди.

“Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим, тарихда мисоллар жуда кўп бунга, — икки мисра шеър айтди кўзойнак. — Йигитинг ҳеч қачон Телепатни ютолмайди, умидвор бўлишнинг ҳожати ҳам йўқ. Кейин... мен ҳайрон қолаяпман, ким ўзи бу?”

“Бизга “мол” келтирган чўпон шу бўлади”, — деди Шомил.

“Э, шунақами? — ҳайратланди кўзойнак. — Ҳеч ўхшамаяпти-да оддий чўпонга. Улуғ Хитой донишманди Сун Цзи деганки, жосуслар беш хил бўлади: душман ичига жойлашиб олганлар, маҳаллийлар, иккиёқламачилар, қайтмаслар ва тирик қайтадиганлар. Душман ичига жойлашиб олганлари турли сабаблар билан кўчиб

боришган: кимдир қочоқ, кимдир гастарбайтер, кимдир шу чўпон-каби-ишонч-қозонган-гиёҳфуруш. Маҳаллий жосуслар шу ерда туғилиб-ўсган ва чет эл разведкасига сотилган кимсалар; бунақалар бизни қизиқтирмайди. Иккиёқламачилар эса душманга асир тушгач, бандиликда тарбияланади ва худди қочиб келгандек ўз одамлари олдига қайтиб боради. Афсуски, у энди айғоқчи. Қайтмаслар... — Летёха бармоғини пешанасига тўппонча қилиб тиради. — Бум-м! Ўлиб кетишади. Тирик қайтадиганлар эса, ўзингизга маълум, кўпчилик ҳавас қиладиган учар одамлар. Шомил, бу одаминг қайси турга мансуб деб ўйлайсан?”

“Шизофрения”, — юзини терс бурди Шомил.

“Тушунмадим, нега касалга чиқараяпсан?”

“Биттасидан манзилимни эшитиб, героинни сафар тўрвасига солган-да, ҳайё-ҳуйт деб йўлга отланган. Қизиги, мен Саратовдаги “Аист”-ресторанига ўша кун тасодифан киргандим, ҳарқалай эски ошналарни кўриб ўтиш учун. Бирдан кимдир мени сўраб-келганини айтиб қолишди. Рост, капалагим учиб кетди. Изингдан пойлаб юришган бўлса, тузоқ қўйишганмикан, деган гумонга борасан киши. Пастга тушиб, қарадим, бу ўша эди”.

“Ким?” — елка қисди Летёха Шомилнинг жимиб қолганига тушунолмади.

“Тоғлик”, — деди Шомил мени кўрсатиб.

“Тоғлик?”

“Ҳар ҳолда шундай деб ўйладим. Осиёлик аввалги наркокуррьерлар бир одам ҳақида: “Содда бир чўпон бор, арзимас чақага ҳаётини хавф остига қўйиб, наша экади, индамасанг бизга қўшилиб, “қорадори” сотишга ҳам келаверади, хотини чиройли эканлигини айтмаса, умуман кераксиз нусха”, деб кулишганди. Шубҳасиз, тақдир уни менга рўпара қилганини кўнглим сизди. Лекин, ўзингиздан қолар гап йўқ, дунёнинг неки тирик жонзоти борки, синамасдан сиртидан ўтиб бўлмайди.”

Қарта ўйини шу тариқа бошланиб кетди.

\* \* \*

Лобар Иқроор аканинг ҳикоясини бўлиб, сўради:

— Тўхтанг, раҳматли хотинингиз ҳақидаги пичинг гапдан нега таажжубланмадингиз?

— Бунинг нимаси ҳайрон қоламан? — деди Иқроор ака орқа ўриндиққа кўз қирини ташлаб. — Шомил ёлғон аралаштириб гапириши аллақачон маълум эди менга. Агар ёлғоннинг бир томчисидан ҳам ҳазар қилганида эди, хотинимни тилга олиши барибир ажаблантирмасди. Чунки Ренат билан “устоз” кулги учун ичидан тўқиб чиқарганига ишонмайманми? Албатта, ишонаман.

— Қишлоғингизга қайтганингизда, бирор марта ёдингизга келмадимми ўша ҳақорат?

— Ҳикоям ҳам охирлаб қолди, Лобар, ҳозир ҳаммасини билиб оласиз. Шундай қилиб, биз ўйинга тушдик. Летёха икки жангчи учун “қулс”ни танлашга журъат этолмади, оғзидан “қулс” деган сўз чиқди-ю, бирдан “йигирма бир очка”ни таклиф этди. Бу менга озгина бўлса-да, имконият эди. Телепатнинг қандай қарта чийлашлари ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди. Сизга ўхшаб, ҳаволатиб-ҳаволатиб, ақл бовар қилмас тезликда рақсга тушириб чийламасди у. Имиллаб, жуда секин, одамнинг асабига ўйнаб, сурбетларча “варақлаб” ўтирарди. Лабларидаги истеҳзо-чи... Дастлаб Телепатнинг қўли баланд кела бошлади. Бироқ Шомил менга ҳамманинг олдида ҳаёт ва озодлик ваъда қилди. Ғалаба қозонишни қанчалар истаганимни тасаввур қилаётган бўлсангиз керак. Қарта ушлаган қўлларимнинг тинимсиз қалтираши, рангимнинг оқариб кетгани, кўзларимдаги даҳшатни кўрсангиз эди! Атрофимдагилар ҳам нафас олмай кузатишарди. Агар жиноят олами фақат шу махлуқлардангина иборат бўлганида, аллақачонлар бир-бирига тиг санчиб, ўқ узиб, гўштларини ейишарди. Шомил ҳам, Летёха ҳам аслида қашқирлар галасининг элчилари эди. Элчилар бир-бирини ўлдиргани билан ҳеч



нарса ўзгармайди, ўрнига янги одамлар келаверади.

Ниҳоят, Телепат ўйинни бой бера бошлади. Менга-жон кирганини кўрсангиз эди! Ўзимни машҳур қиморбоз деб ҳис этардим. Қанчалар енгил тортган эдим-а ўшанда! Умримда бундай сурурни ҳалигача ҳис қилмаганман... Ҳа, охир-оқибат ютдим! Бир неча киши стулдан юлқиб олиб, ертўла эшигига судраб кетишди. Бир зумда ўзимни ҳовлида кўрдим. Қийқиришлардан қулоғим кар бўлиб қолганди.

Бироқ бу тантаналар узоққа чўзилмади.

— Нега узоққа чўзилмади? — сўради Лобар. — “Викинг”лар қуроллари ишга солгандир-да?

— Бир томчи ҳам қон тўкилмади. Отишма бўлганида, биринчи ўқ мени тешиб ўтарди. Кейин элчилар бир-бирини ўлдиргани билан ҳеч нарса ўзгармайди, деб янглиш фикр айтдим-ов, агар жанг бўлганида нимадир аниқ ўзгарарди, эски ҳаммом-эски тослигича қолмасди. Шомилни охири марта Новосибирскдаги Мариново кўчаси, ўн учинчи уйда кўргандим, деб айтдимми кеча?

— Ҳа.

— Мен яшаб келаётган омборхонаю ер ости қиморхонаси — ҳаммаси шаҳар четидаги турли корхоналару омборлар жойлашган ҳудудда эди. Мариново эса марказга яқинроқ, Иваново парки ёнидаги кўча. У ерга ўша ўйиндан кейин кўчдик.

“Сен бизни эмас, ўзингни қутқардинг”, — деди Гажар ўшанда.

Шомилнинг барибир қовоғи очилмаганини кўриб, кўнглим хижил тортди. Уни нима безовта қилаётгани лоп этиб ёдимга тушдию, кўрқиб кетдим. Менинг қўлим устун келса, Летёха орамиздаги хоин кимлигини айтиши керак эди. Бундан чиқди, қирғин чўғини ташлаб кетибди-да! Ким ўзи у? Хурсандлигидан терисига сигмаётган қашқирлар галасидаги қайси бири экан “Викинг” мафиясига сотилган, ўз хўжасининг кўзига чўп суққан банда?

“Эшитинглар мени, — деди Шомил Летёха ва йигитлари жўнаб кетишганидан сўнг. — Бу ғалаба аслида бизга ҳеч нарса эмас. Нега деганда, қартабозлик орқали масалани

ҳал қиламиз, деб келишганимизнинг ўзиёқ уларга қарамлигимизни билдиради. “Викинг”, бу — қимор мафияси! Шундай экан, билиб қўйинглар, биз “қорадори” сотишдан воз кечсак кечамизки, қимордан кечолмаймиз. Ҳар қандай кимса биладики, героин савдоси ҳар биримизнинг бошимизга қора кунлар солиши турган гап. Қимор эса, ҳатто, қонунийлаштирилиши ҳам мумкин. Мана, дунёни секин-аста казинолар эгаллаб олаётти. Бироқ биз казинолар йўлидан кетмаймиз, “Викинг” ҳам антиказино йўналишини танлаган тулкидай айёр, бўридай ваҳший ташкилот. Қимор — талон-торож этувчиларга ўз қўлларинг билан бор-будингни бериш, бошқа нима ҳам бўлиши мумкин? Уларнинг таъбири билан айтганда, мол-мулкини ўз хоҳиши билан қўшқўллаб топшириш, ҳалол талончилик! Бунинг учун нима қилади улар? Катта-катта нарсаларни тикишга мажбурлашади. Мажбурлаш бўлган жойдагина қимор ҳақиқий кучга киради. “Викинг” бор экан, тажрибали қиморбозларга эҳтиёж ошса ошадики, камаймайди. Бу — чўпонлар ҳамиша иш бераверади, дегани эмас”.

“Аввал сотқинни айтинг, шеф?” — деди бир пайт Гажар.

“Сотқинни қандай жазолашимни таъкидлаб ўтдим, — Шомил содиқ шотирининг ёнига бориб, энсасига кафт ташлади. — У тез орада ўз-ўзидан ғойиб бўлади, изсиз ва шовқинсиз. Ҳозир айтадиган бўлсам, қутурган итдек гажишга тушасанлар. Ахир, девор ортида гишт завод жойлашган. Бизга тинчлик керак, гарчи катта рол ўйнамаса ҳам!”

Қиморбоз-нашафурушлар аввал бир-бирига, кейин менга олайиб қарашди. Асабим дош беролмай:

“Нима, мени сотқин деб ўйлаяпсизми?! — деб бақириб юбордим. — Уларни қаердан танийман?! Умримда биринчи кўришим бўлса!”

“Сени ҳеч ким сотқинликда айблаётгани йўқ, — Шомил менга ўғирилди. — Бугун сенинг кунинг, чўпон! Лекин чиндан ҳам чўпон эканлигинг сирлигича қолмоқда. Биз

хўжандлик битта-иккита танишларга илтимос қилдик, доғули одамлар улар. Эртан-индин сен-ҳақингда охириг хулосаларни эшитамиз”.

Уйимга жавоб бериш ҳақида гап-сўз бўлмади. Аввалги Иқрордан фарқим — бўйнимда қарзим йўқ эди, холос. Қарзсиз одамлар эса ҳамиша ҳам бахтли ҳисобланмаслигини билсангиз керак.

Мариноводаги уйда тутқунлик аломатлари йўқолди. Мен дўконга ҳам чиқиб келишим мумкин эди. Албатта, улар хўжатларимни олиб қўйишган ва қочиш, сотиш, валақлашга йўл қўйилса, Бешқиздаги оиламинг бошига кулфат ёғилиши уқтирилган эди.

“Яна озроқ юр, дунёда вазият ўзгарсин, кетасан ўша уйингга, — деди Гажар. — Пул ҳам берамиз. Қолган “дори”ларни эса биз айтган одамдан жўнатасан”.

Бу вақтга келиб, бола-чақамни, Саидани, чўпонликда ўтган бежавотир дамларимни жуда-жуда соғинганим. Бироқ барибир кўзим очилмади. Кунларнинг бирида Шомил бир неча нотаниш кимсани эргаштириб келди. Улар алоҳида уйда қарта ўйнай бошлашди. Аввалига ҳафтада икки-уч кун, кейин эса ҳар куни ўйнайдиган бўлди. Афт-ангорларига қараб, катта пул тикаётганларига ишонгим келмасди, алланечук хайрихоҳлик, ҳамтовоқлик бор эди нигоҳларида.

Дастлаб егулик ва ичимлик узатиб туришдан бошқа иш топилмади менга. “Шомилга нима керагим бор экан?” — деб хайрон эдим.

Шундай кунларининг бирида Саша мастликда бир гап айтиб қолди. Шомил қартабозликда устаси фаранг бўлиб, умрида одам ўлдирмаган эмиш.

“Сени ҳам ўлдирмайди, қўрқма, — деди у, — еб-ичиш текин-ку, юравер маза қилиб. Кетишда анча-мунча пул берворади, мард одам. Гажар ҳам айтди-ку...”

“Уйга пул жўнатишим керак, оилам мени ўлди, деб аза очиб ўтиргандир”, — дегандим, бош чайқади.

“Оилангга пул керак бўлса, бошқа шаҳардан юборишимиз шарт. Тирик эканлигингни ҳам шу йўл орқали билдирамиз. Аслини олганда, героин билан узоқ сафарга жўнаган киши уч-тўрт ой ўтмасдан уйини соғиниши ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўн беш йилдан кейин ҳам боришинг мумкин эди-ку? Бугунги кунингга шараф айт, жаноб курьер!”

“Таваккал қилганман-да”, — деб хўрсиндим.

“Яна бир таваккал қилишни истайсанми?” — деди Саша бир оздан сўнг.

“Йўқ, ўлсам ҳам”.

— “Қўрқма, бу сен ўйлаганчалик хавфли эмас. Анави бошоғриқлар нега серқатнов, биласанми? Қимор ўйнашяпти, деган хаёлдадирсан? Ҳе, йўқ, улар ўрганишяпти. Чунки ғарбий фронтда қимор бўйича маршал-пайдо бўлганмиш, ҳеч ким бас келолмаётганмиш. Булар ўшани енгиш қасдида машқ қилишяпти. Худди армиянинг тайёргарлик кўраётганига ўхшаб кетади. Қўллар пишиши, ақл чархланиши, кўзлар ўрганиши, руҳ етилиши керакмиш! Мана, гап қаерда?”

“Қимор ҳам жангга ўхшар экан-да?”

“Албатта. Қимор, бу — ҳақиқий уруш! Гапимни умрбод эсингдан чиқарма!” — деди Саша.

Унинг қистови билан Шомилнинг даврасига қўшилдим. Яхшилаб ўргансам, катта ўйинларда қатнашмайман, уйга қайтганимда ҳунарим иш бериб қолади, деган хаёлда эдим. Дунё ўзгарди, ҳар сонияда ўзгариб, эвирилиб, бўялиб, чапланиб борди. Бир кун қарасам, Шомил подшо тахтигача бўлган поғоналарининг биридаги мулозим экан, холос...

— У мустақил жинойи тўда раҳбари эмас эканми? — деб сўради Лобар.

— Ҳа. Қимор оламига кирганим сайин Шомилни кам кўра бошладим. Баъзи ўйинларга Гетта, Иванич деган кимсалар олиб кетишар, Шомилга қўнғироқ ҳам қилиб ўтирмасди. Қартани қисқа фурсат ичида ипидан-игнасигача ўрганиб олган энг омадли қиморбоз эдим мен.

— Ҳақингиз-чи?

– Пуллар уларники эди. Ютган куним байрам, ютказганимда эса сўкишлар...

– Наҳотки, сиз қисқа муддатда уста қартабоз даражасига етишдингиз?

– Ўзим ҳам хайронман. Мени йўлдан урган шайтон қўлимга ҳадеб омадли қарталарни тутқазиб, баттар ботқоққа ботираётганга ўхшарди. Охири расво бўлишини биласан, лекин қутулолмайсан. Ҳамтовоқларимга қўшилиб ичдим, наша чекдим... Кейин ароқни ташладим, нашага яқинлашмай қўйдим, қартани эса... Йўқ, ташлаш осон эмасди. Қартани ташлаганим қашқирлар даврасида бирдан қўзичоқ пайдо бўлди, дегани. Қарта – шунчаки қоғоз, жонсиз нарса. Унда худди нашаникидай маҳв этувчи моддалар йўқ. Шу қарталар ёрдамида кимларнингдир тақдири, бойликлари, мансаблари ҳал бўлса, бу қоғоздан қутулиш қийин экан. Мен ойлар мобайнида қарта ўйнаб, тушунганим шу бўлди.

Бир куни Шомил Москвага кетганини эшитдим. (Балки у бошқа жойдадир, ҳарҳолда, менга шундай дейишди.) Энди қайтмаслиги мумкинлигини айтганида, Сашанинг гапига ишонмадим, негадир ичимда ваҳима уйғонди. Бошимда тўпланган булутлар ариётганини ҳам, қуюқлашаётганини ҳам билмай гаранг эдим.

“Бу одам давраамизга қандай кўриб қолган? – сўради бир куни “Викинг” қароргоҳидан келган инглиз қиморбози.

“Куқун орқали”, – деб жавоб беришди.

“Летёханинг ишими?”

“Йўқ”, – дея ёнидаги одам қулоғига шивирлаган эди, инглиз виқор-ла оҳиста бош силкиди.

Лобар, гапларингиздан сўнг мен ҳам Шомил масаласида иккиланиб қолдим. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, ўшанда англиялик қартабознинг қулоғига Шомил деган исм айтилмаганини энди пайқаетганга ўхшайман.

– Қандай исм айтилган? Бош ҳарфларини эшитгандирсиз?

– Эслаёлмайман. Лекин узунроқ исм эди...

– Яъни ўзини Шомил деб таништирган одамнинг ҳақиқий исми бўлган?

– Шундай.

– Бунинг тагига етаман ҳали, – деди Лобар.

Иқроор ака ҳам, Лобар ҳам оёқ чигилини ёзиш учун машинадан тушди. Улар “Москвич”га суяниб, бир зум кўкка тикилишди: қоялар ортига учиб ўтган бургут қайтмоқда эди. Кечаги селда оққан қўйларнинг ўлимтигига тумшуқ урганми ёки фақат қайноқ қонли тирик ўлжа ахтариб, оч қорин билан қайтаяптими, қушнинг ўзигагина аён эди.

– Бошимдан кечирганларим шулар, – деди Иқроор ака ўпкасини тўлдириб нафас оларкан. – Ҳаммасини билиб олдингиз, энди сизга оқ йўл, Лобар. Мени бошқа ҳеч ким, ҳеч бир иш билан безовта қилмасликларини хоҳлайман, шунчалик хоҳлайманки, ўлимимга розиман.

– Фолкстон қарталари ҳақида ҳеч нима демадингиз? Қўлларингиз ҳақида ҳам.

– Буларни гапириш оғир, – Иқроор аканинг юзи тиришлардан чўтирга айланди, – қисқагина айтиб қўя қолай. Фолкстон қарталари ҳақида ҳеч ким менга тўлиқ маълумот бермаганди. Кетишга рухсат олган куним, шартта ўғирлаб, сумкамга солдим-да, уйга қайтдим. Биронта билан ўйнамасликка, қарта сирларини ўргатмасликка қасам ичиришганди. Лекин қасамни буздим. Улар қишлоқдан суриштирса, қимордан пул топаётганимни эшитмасин, деб ҳеч зогга сир бермай, қўшни туманга бориб ўйнардим. Ўргатишга-ку ўргатмаганман, ўйнаганимнинг ўзи жазоланишимга етарли эди. Бир куни қарасам, Фолкстон қарталари ғойиб бўлибди. Қарталарни хотиним топиб олгани, нақшлар ичига эса айнан хотинимнинг ўладиган куни махсус белгилар билан ёзилгани ҳаётим кимлар учундир ўйин эканлигини билдиради, Лобар.

– Қарталарни йўқотиб қўйгандирсиз?

– Бу нима деганингиз? Ўзингиз айтдингизки... – деди Иқроор ака.

– Фолкстон қарталари кейинчалик атайин юборилган иккинчи қарталар тўплами бўлиши ҳам мумкин. Ёки Новосибирскда сизни синаш учун қарталарни жўрттага

очиқ жойга қўйишгандир? Ўлим жазоси битилган сана аввалдан ёзиб қўйилади, кимда-ким ўғирласа, сана ўғрининг ўлимини белгилашга хизмат қилади. “Ўша кунда ажал келмасин, десанг, қартани ўғирлама, вассалом!” Улар шундай демоқчи, менимча.

— Италиядаги уй манзили-чи? Нима учун хотинимнинг қўлига тушган қартага битилган? Ҳам ўлим санаси, ҳам манзил. Буларнинг бир-бирига алоқаси йўқ-ку.

— Ҳамма гап шунда-да, Иқроор ака. Қарталар Фолкстонда, яъни Англияда ишлаб чиқилади, “Викинг” мафияси бу қарталардан нима мақсадларда фойдаланиши сизга энди беш қўлдай маълум. Менимча, уйингизга келиб қолган қарталарга Римдаги махфий манзил махсус усулда ёзилиб, кимгадир етказиб қўйилмоқчи бўлган. Бахтга қарши қартани адаштириб юборишганга ўхшайди. Инглиз қиморбози Россияга олиб келган, унга сана битишган. Кейинчалик айнан Римдаги манзилгоҳ яширилган қарталар йўқолгани ошкор бўлгач, инглиз қиморбози ҳаммасини тушунган. Қарталар бошқа мақсадда. Осиёга жўнатиб юборилган, энди уни топиш керак эди.

— Россияга ўтган йили иккинчи марта борганимда бармоқларимни мажақлашди. Қарталарни ўғирлаганим, ичган қасамимни бузиб, қарта ўйнаганим учун. Шундан бери қўлимга олмайман, ололмайман ҳам. — Иқроор ака тўмтоқ қўлларига бир зум тикилиб турди, кейин Лобарга деди: — Катта йўл бошидасиз, “Викинг” билан ҳам тўқнашмагансиз ҳали... Россияга, Италияга бориб ўтирманг, ҳаммасига қўл силтанг... керакмас...

— Раҳмат. Лекин озроқ ҳисоб-китоб қиладиган жойим бор, неча йилки қийнайди мени.

Иқроорнинг ҳикояси якун топмоқда эди. Йўллар айро тушадиган вақт келган, таксичи ҳам қоя бошида кута-кута зерикиб, ўрнидан турган эди. Меҳмон жувон билан синфдош дўсти — Иқроорнинг гаплашадиган гапи шунчалик кўп бўлишини ўйлаб кўрмаган чоғи, тепадан машинасига тиқиларкан, “қачон тугатишади-я, жонга тегди-ку”, деб жигибийрони чиқа бошлади.

— Россиядан қайтганингизда хотинингизга ҳеч нима демадингизми? — Лобар машинадан тушиб, эгни-бошини кўздан кечирди, қимор ва наша сабаб бахтсизликка учраган чўпонга ачиниб қаради. — Раҳматли чиндан ҳам чиройли бўлган.

— Саида ҳақидаги анави гапни айтаяпсизми? — Иқрор ака ҳам тушди, қоши чимирилди.

— Ҳа, — деди Лобар. — Ҳайлашимча, у кишининг фожиасига бадбўй гап қайсидир жиҳатдан алоқадор. Масалан, уй орқасига таниш одам чақирган бўлиши мумкин. Кўнглингизга келмасин, тахминимни ҳозир очиқ айтишга мажбурман, қайтиб кўришамизми, йўқми.

— Мен Россия ҳақида ҳам, қиморбоз, нашафурушларнинг пичинги ҳақида ҳам шу чоққача ҳеч ким билан гаплашмаганман, хотиним билан ҳам. Улар қаёқда, хотиним қаёқда! Одамда шундай туйғу бўладики, юз фоиз ишонади. Саидага шундай эдим, биров билан гаплашиб юриши ҳеч қачон... ҳеч қачон куракда турадиган гап эмас.

— Ҳалидан кейин ўйлаб кўрмадингизми?

— Яна нимани?

— Мен назарда тутаетган нарсани-да. Ахир, Чиябўри кўпригида сизга очиқчасига гапиришган. Бу — иккинчи аломат, шундаймасми, ака?

— Саида менга хиёнат қилмаган. Сизнинг гумонингиз хаёлимга келганида ҳам кўприкда Мўтти билан Босмач айтган гаплардан сўнг, аксинча, тарқаб кетарди.

— Иқрор ака, хиёнатни назарда тутмаяпман. Уйнинг орқасига чақирган одам ҳақида гапиряпман. Уларнинг қандайдир алоқаси бўлганми, деяпман. Ким билади, аёл киши орқали чақиришгандир?

— Аёлми, эркакми, келинг, бу ҳақда гаплашмайлик, уни тинч қўяйлик... у ўлди... абадул-абад қайтмайди...

Лобар таксичи томон нигоҳ ташлади: у қояни айланиб ўтиб, ўзига қулай қияликдан секин-аста тушиб келмоқда эди. Кун исиш ўрнига бир оз совиди, кўк юзини титиғи чиққан, аммо юксакларда эсадиган шамолларга эш бўлмиш булутлар қоплай бошлади.



— Дилрух никоҳ кечасида Саида опасининг арвоҳи йиғлаганини гапирганда ҳам шундай лоқайд тутдингизми ўзингизни?

— Йўқ, — бош чайқади Иқроор ака.

— Бу ҳақда ҳам ҳеч нарса деёлмайсизми?

— Нима дейишим мумкин? Ўлим қанчалик рост бўлса, ўлган одамнинг қаердадир, қандайдир шаклда борлиги, гўёки яшашда давом этаётгани ҳам шунчалик ҳақиқат. Саиданинг арвоҳи синглисининг никоҳ кечасида уй орқасида, айнан ўзи ўлган жойда йиғлагани ёлғон. Менимча, Дилрух кундошликдан қаттиқ эзилган, шунга раҳматли опасининг овозини эшитгандек туюлган. Бунинг бошқача талқинини ахтариш шунчаки алаҳсираш.

— Сизнинг қулогингизга ҳеч қандай шовқин ёки йиғи чалинмаган-а?

— Мени ҳам Дилрухнинг ҳолига тушганмикан, демоқчисиз-да? Қайнсинглимга уйланганим, очиги, таъсир этмаган ҳам. Россиядаги қиморбозлар даврасида яшаган йилларим менинг қўлимни эмас, қалбимни мажруҳ этишган. Ўзимни одам деб ҳисобламайман.

— Агар кеча мени ўлдирганингизда, бугун бир тукингиз ҳам қилт этмаган бўларкан-да?

— Балки шундай, балки... — Иқроор аканинг кўзлари совуқ йилтиради. — ...ўзимни ҳам ўлдирармидим? Бунга бир неча марта уринганман. — У кўзини олиб қочди. — Мана, бор ҳақиқатни очиб ташладим, бу ҳам бир қотиллик. Сирини айтиш орқали одам ўз кушандасига айланади.

Лобар қўлларини чалиштиради.

— Сизни Шомил ака хоин деб отиб ташлаганда, бугун хотинингиз тирик бўлиши ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмисиз?

Иқроор ака ҳориган, зериккан алфозда боқди.

— Кейин ўйлаб кўрдим, у ерда хоин йўқ эди.

— Хўп, сиз ўйлаганча бўла қолсин. Ҳаммасининг бошида Шомил ака турибди дейсизу, у киши ҳақида нафрат билан гапирмайсиз. Сабаб?

— Саиданинг ўлимига алоқаси борлигига исбот қани?

— Шомил ака мафиянинг малайи, дедингиз, сирли

жиноятларнинг режасини тузиб бераркан. Режа тузган одам ҳам жиноятга тенг шерик-ку. Жиноятга тенг шерик нафратга ҳам тенг-да.

— Тўғри, собиқ эрингизнинг (агар у ростдан эрингиз бўлиб чиқса) хоббиси сирли ва афсонавий жиноятларни ўйлаб топиш эди. Саиданинг ўлими унинг “лойиха”сига ўхшаб кетади, аммо барибир далил-исбот йўқ... Охирги тапимни айтайми?

— Айтинг.

— Қўлларимни мажақлашганидан кейин эсим кирди-чиқди бўлиб қолган. Саидани мен ўлдирганманми, уларми... билмайман...

— Ҳазилнинг мавриди эмас.

— Мен шунақаман, — Иқроор аканинг кўзлари асабий пирпиради. — Яхшиси, мана шу қир оралигида ҳам, бошқа жойда ҳам учрашмадик деб ҳисоблайлик.

— Жиноят калавасининг учини топсам, тез орада ҳаммаси ошкор бўлади, — деди Лобар. — Саида опанинг, Омонгул опанинг қотиллари топилади, Фолкстон қарталарининг сири ҳам тўлиғича фош этилади. Айтмоқчиманки, ҳозир ҳикоя қилган қиссангизни терговчилар хонасида яна қайтадан сўзлаб беришингизга тўғри келиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун, майли, биз учрашмадик, сиз ҳикоя қилмадингиз.

Лобар ортиқ ҳеч нарса сўрамади. Таксичи етиб келганда, Иқроор ака ортига тисланиб, бир неча қадам узоқлашди. Ҳатто таксичи ҳам ундан гап сўрамади, рулга чаптастлик билан ўтирди-да, калитни буради. Тоғ йўлига тушиб олишгач, деди:

— Ўн йил биз билан яхши ўқиди, армияда ҳам бинойидай хизмат қилди. Мақтаса мақтагулик чўпон эди. Нима бўлдию тоғнинг бошида жин уриб кетди бечорани.

— Айб жинда эмас, — деди Лобар.

Шундан кейин ҳайдовчи туман марказигача лом-мим демади.

\* \* \*

Май ойининг охирларида (баъзи маълумотларга кўра японнинг ўртасида) Лобар Москвага жўнади. У паспортидаги исм-фамилиясини ўзгартирганди. Яъни энди Лобар ҳужжат бўйича Саломова Лобар Осимовна эди. Сафари ҳақида ҳеч кимга хабар бермади. Қимор дунёсининг барча вакиллари қайсидир мамлакатга боргудек бўлишса, албатта, танишларига суянишарди. Ёлғиз қиморбоз — маёқсиз кема, қабоҳат уммонининг исталган жойида фарқ бўлиши турган гап эди.

Лобар аллақачондан буён ўзини қиморбоз ҳисобламас, унинг учун жиноят фасли йигирма ва ўттиз ёш оралигидаги ўн йилликда қолиб кетган эди. Қачонлардир (мисол учун, болалигида) ўғирлик қилган одамларнинг айримлари ўғрилар дунёсига миршаб сифатида қайтадилар, аммо ўғирлик туйғуси умр бўйи кўланка мисоли бир қадам ҳам ортда қолмайди. Инчунин, Лобар ҳам қимор оламига қайсидир маънода жандарм бўлиб қайтган тақдирда ҳам, ҳақиқатан у қартасиз бу ерларда асло юролмас эди.

Меҳмонхонада уч кун дам олишга аҳд қилди. Гарчи Фолкстон қарталаридаги махфий ёзув — “Via Vittorio Veneto, 136 Roma” — бир оз шўшилишни тақозо этса-да, Лобар ўз тўхтаи хўсусида заррача иккиланмади.

Учинчи кун эрталаб эшик тақиллаганда, соатга қарадию кутилмаган учрашув содир бўлишини англади. Ҳа, у уч кун бекорга кутмаган эди. “Ниҳоят, Москвада эканимни аниқлашибди-да”.

— Ким у? — сўради эшикка яқин келиб.

— Дўстингиз, — ўзбек тилида сўзлади биров; овозидан йигирма беш ёшлардаги йигитга ўхшади.

— Сурбетлик ҳам эви билан-да. Муаммо ахтариб келдингизми дейман, ватандош?

— Йўқ.

— Сизга маслаҳатим, туёгингизни шиқиллатинг. Бунинг учун вақтингиз бор, телефонга бориб, рақамларни тергунимча ўттиз-қирқ секунд ўтади.

Чақирилмаган меҳмон эшикка дўқ этиб пешонасини урди.

— Лобар опа, ёрдамингиз керак.

— Биринчи саволимга эс-ҳушли, соғ одамга ўхшаб жавоб беринг.

— Ҳамма саволингизга жавоб берайпман-ку. Илтимос, очинг. Ҳозир мени бу ерда кўриб қолишса, чиқариб юборишади. Алдаб-сулдаб, кўзларини шамғалат қилиб, зўрға кирдим, ахир. Қаватлар бўйлаб ахтариб юришган бўлсалар керак.

— Кимсиз?

— Исмим Акбар. Самарқандликман. Сиз “етмиш саккиз” сиз-а? Мен укангиз қаториман, “саксон беш” ман, опа.

— Ўҳ-ҳў, исмим, туғилган йилим, иблисдан ҳам сир тутилаётган Москвадаги “номер”им — ҳаммаси сизга беш қўлдай маълум экан-ку. Ҳм... Лекин устаси фарангга салгина ўхшамаясиз.

— Ҳаммасини тан оламан, опажон.

— Бўпти, тан олинг, бунинг менга қийин жойи йўқ.

— Мен жосусман.

— Вой, буни айтишга бир оз эрта эди шекилли?

Шундан сўнг йигит иккинчи бор пешонасини эшикка урди.

— Бир одам сизни кузатиб юришни тайинлаб, пул берганди. Ухлаб қолдим, уйфонганимда эса аэропортга кетган экансиз. Москвага учганингизни бахтли тасодиф билан аниқладим. Сиздай аёл билан рейсда бирга келиш насиб этмади. Ҳаммасини очиқ-ойдин гапирётганимга ҳайронмисиз? Уларга хизмат қилишдан бўйин товладим, шу бугун, шу соатда! Изингиздан кимлар тушганини билмоқчи бўлсангиз, эшикни очинг. Айтадиган гапларимни айтаману, кетаман. Ит ҳам тополмайди кейин мени.

— Хўп. Фақат бир оз кутасиз. Ҳозир қават хизматчисини чақирай, бизга кофе-пофе дегандай ул-бул олиб келсин.

— Нега айнан ҳозир?

— Қўрқманг, ушлаб бермайман. Москва қуруқ гапларга ишонмайди, менга биттагина бўлса ҳам гувоҳ керак.

Лобар икки кишилиқ қаҳва буюрди. Ҳаял ўтмай эшикни очганида, остонада қорачадан келган бўйчан йигит турар, ёнида кўзлари мовий, хизмат формасидаги меҳмонхона ходими, қўлида патнис. Иккаласи ҳам ичкари киришди.

— Ўтиринг, — манзират қилди Лобар қорача йигитга.

Хизматчи эса қаҳва дамланган чойнакни патнисдан олди, кейин сут ва шакар идишларига қўл теккизган ҳам эдики, Лобар:

— Катта раҳмат, — деди. — Шундоқ қолдираверинг, ўзимиз...

У кетмоқчи бўлиб, эшик сари икки-уч қадам ташлаган эдики. қиморбоз хоним чақириб қолди.

— Бу йигит, — деб Акбарни кўрсатди, — мени ахтариб келибди, ватандошим. Сизга кичик бир вазифа: у бир неча дақиқадан сўнг ёнингиздан менсиз, ёлғиз ўтса, милицияга хабар беринг.

— Нима учун?

— Илтимосимни ерда қолдирмоқчимисиз?

— Албатта, йўқ.

Хизматчи чиқиб кетаётиб, “ҳазил шекилли” деб қўйди ўзига-ўзи. Бироқ Акбарнинг авзойи бузилиб, уҳ тортди.

— Мендан бунча қўрқмасангиз, опа, — қўлини кўксига қўйди у, — ёмон ниятим бўлганида, пул берганларга хизмат қилиб юраверардим. Кимлигимни-ку ўлсам ҳам айтмасдим сизга. Бу меҳмонхоналарни яхши биласиз, деб ўйлагандим, бекор шубҳалантирдингиз-да уни. Ҳозирнинг ўзидаёқ федерал хавфсизлик хизматига кўнғироқ қилиши мумкин.

— Эҳтиёткорликка фаҳмингиз етса керак, Акбар? Қани, эштайлик, ким экан менга қарши сизни ёллаган? — Лобар чашкаларга қайноқ қаҳва қуя бошлади. — Узр, сизга сутлими?

— Фарқи йўқ, опа.

— Сутни ёқтирмайман. Оғзидан она сутининг ҳиди келадию, катталарнинг ишига бурнини суққанларни ҳам жиним суймайди.

— Майли, нима десангиз деяверинг, — қўлини кўтариб, бош чайқади йигит, — хурсандман, жуда ҳам. Чунки изингизни топдим, эсон-омон учрашдим. Бундан бир ҳафта бурун юк машинасининг камерига ҳаво тўлдириб, курашхонада умбалоқ ошиб ўйнаётгандик. Пул топиш, бойиш ҳақида ҳар замонда Раҳмон деган йигит билан дардлашардим. Шу пайт у бир-одамни эргаштириб, курашхонага келиб қолди. Ўртоқларим менга: “Камернинг орасига ғужанак бўлиб жойлаш, биз ғилдиратамиз”, дейишди. Иккитасининг ёрдамида тўрт буклаб, зўрға камер ҳалқасига мени тиқишди. Курашхонани бир айлангач, камер ағанаб, роса кулги бўлдим. Раҳмонга қарасам, қовоқ уюб олибди, шериги эса бир зайлда синовчан қарашдан тўхтагани йўқ. Курашхонадан чиққанимизда, дўстим уни зўр одам деб таништирди, лаққа тушдим. Ошхонага бориб, роса отамлашдик. Азалий орзуйим “махфий хизмат”га кириш эди.

“Асабингиз пўлатдан экан, йигит, — деди у. — Унча-мунча одам тор жойда ғужанак бўлиб ётишга чидолмайди, лифтда қамалиб қолиб ўлганлар бор. Қисқаси, мен ахтариб юрган йигит экансиз, тез-тез учрашиб турсак, ака-ука бўлиб кетардик...”

Шундай қилиб, шогирдликка тушмоқчи бўлдим. Сизни хавfli жиноятчи, деди, ишондим. Биринчи топшириқ — уйингизни пойлаш эди, агар бирор ёққа чиқсангиз, устозимга телефон орқали хабар беришим, изингиздан тушишим айтилди. Эртасига устозни пивохоно олдида ширакайф ҳолда кўриб, шубҳам уйғонди. Ўша ердагилардан секин суриштирдим. Суриштирганимда ҳам омадим чопиб, уни ёқтирмайдиган кимсадан сўраган эканман, “палид-ку у, ўтириб чиққан, олдига яқинлашма маразнинг”, деб ғўрига ғишт қалади. Раҳмонни ҳам, мени ҳам алдаганини биринчи куниеқ кўзларидан сезгандим. Мен ўйлаган соҳа одами эмас,

қанақадир Понтий лақабли қиморбознинг югурдаги экан.

— Эй, Понтий дедингизми? — Лобар сесканиб тушди, негаки Фолкстон қарталарига битилган манзилни қрим-татар чолнинг ўзи аниқлаб берганди-да. Шундай экан, чолга манзил аён, Лобарнинг изидан хуфия қўйиш эса анча-мунча галати ва сирли эди, албатта.

— Понтий жимжима деган қари қартабоз бор экан, — деди Акбар, — ўша-да! Менимча, танийдиганга ўхшайсиз?

— Яна нима биласиз Худо урган устозингиз ҳақида?

— Бори шу.

— Нега унда пивохонадаёқ айниб, қўлни ювиб қўлтиққа урмадингиз?

— Ўйлаб кўришим керакмиди?

— Исмини айтинг!

— Қувон... Қувон ака...

— Нима?!

— Қувон ака, фамилиясини билмайман. — оёқларини чалиштирдй Акбар. — Адашмасам, уни ҳам танийсиз-ов, опа?

Лобар бошини чангаллаб, охириги бир оёқ ичида жамики кўрган-кечирганларини хаёл саҳнасида яшин тезлигида бир-бир ўтказди. Наҳотки, Қувон хоин бўлса? Ундан кўра осмон узилиб ерга тушгани ишонарлику! Ёки Қувонга ҳам ишонмаслиги лозим эдими?

“Via Vittorio Veneto, 136 Roma” — ажал манзили бўлиб чиқмаса-да, Лобар томонидан кейинги кунлардаги каби содда йўл тутилаверса, ўлимга элтувчи манзилга айланиши ҳеч гап эмасди. Дам оддий, дам ақл етмас даражада сирли туюлган жиноятлар шундоқ ҳам нажот эшигини ахтараётган Лобарнинг ҳаётидаги лабиринт кунжакларида содир этилаётган эмасмикан?

Бироқ Қувондан охир-оқибат хоин чиқишини тасаввурига сиғдиролмади. Акбар ёлғонни ямламай ютаётган ёки изидан тушган қабиҳ кимса ўзини ёлғондан Қувон деб таништирган бўлиши ҳақиқатга анча яқин кўринди. Сирлар дунёсининг яна бир калити Иқроор акада қолди. Ҳаётини тикиб, хориждаги жиноят уясига йўл олган ҳар қандай тажрибали қиморбоз ўз сирларидан

воқиф кимсанинг оғзини ёпиб, кўпинча ўлдириб кетгувчи эди. Иқроор ака тирик экан, Лобар ҳар сонияда бошига ғавғолар тушишига тайёр турмоғи даркор. Балки ҳеч кимнинг хойнлигисиз “Викинг” ўз вазифасини уддалаётгандир?

Содиқ дўстига уйғонган шубҳани бир зумда ҳайдаб солгач, Лобар деди:

— Сиздан яширмайман, Қувон исмли яқин одамим бор, лекин у...

— У Понтийга сотилган, бу аниқ, — ҳозиржавоблик билан сўзлади Акбар.

— Ҳар қандай ҳолатда ҳам менга хиёнат қилмайди. Ишонмайман гапингизга, Акбар!

— Мана телефоним, қўнғироқ қилинг, ҳаммасини билиб оласиз.

Лобар унга ажабланиб қаради. Қайси ақл билан ўз телефонини бераяпти? Ёллаган кимса Акбарнинг рақамларини билади. Агар Акбарнинг телефонидан Лобар қўнғироқ қилса, Лобар ва Акбар бирга эканлиги аён бўлади-қолади-ку.

— Бу нима майнавозчилик? — Лобар телефонни нари сурди.

— Қанақа майнавозчилик?

— У сизга изимдан пойлашни буюрганми ё тил бириктиришни? Ҳозир мен қўнғироқ қилиб, ўзим ўйлаган Қувонми ё бошқасими, аниқлайман, у эса мендан ҳам кўп нарса билиб олади.

— Бир эмас, тўртта симкартам бор. Мендан қўнғироқ қилаётганингиз тушига ҳам кирмайди, бошқа номер бу! Бундан ташқари, ҳали аниқ ҳам эмас, мен учрашган Қувон ака бошқа, сиз ўйлаётган Қувон ака бошқа бўлиб чиқиши мумкин. Сиз ўзингиз билган Қувон акага қўнғироқ қилинг.

— Ҳўп, ишондим, муҳтарам ақли. — Лобар телефон рақамларини териб, яна ўйлаб қолди. — Ҳой, менга қаранг, тагин Қувоннинг рақамларини аниқлаш учун ўз телефонингизни берган бўлманг.

— Телефон қилганингиздан сўнг ўчириб ташланг, қийин эмас-ку.



Лобар керакли рақамларни териб, қўнғироқ тугмасини босди. Қувоннинг телефони ўчирилган эди. Шундан сўнг Лобар терилган рақамларни хотирадан йўқотиб, Акбарга ҳаливери тарқалмайдиган шубҳа-гумон билан боқди.

— Ҳар бир симкартангизда ўша одамнинг номери борми?

— Ҳа.

— Ўзим билган Қувоннинг рақамларини тердим, ўчирилган экан. Айтмоқчи бўлганим, ҳеч кимнинг исми чиқмади.

— Мана, унинг рақамлари, — Акбар Лобарга экранчани кўрсатди. — Бемалол ёзиб олаверинг.

— Нима учун менга яхшилик қилаётганингизни айтмадингиз.

— Қандай аёл эканингизни эшитиб, бирдан сиз тарафга ўтиб қўя қолдим, опа. Нокасларга хизмат қилмайман. — Акбар ўрнидан турди. — Мени кузатиб қўясизми? Тагин хизматчи тревого кўтариб юрмасин. Нақ арининг инига чўп суқишни буюриб қўйибсиз, ахир.

— Сизни кейинчалик қаердан топсам бўлади? Курашхонангизнинг манзилини айтарсиз?

— Ўзим сизни топиб оламан, — деди Акбар виқор билан. Лобарнинг кулгиси қистади.

— Ҳақиқий курашчисиз, Акбар, сиздан жосус чиқмас экан. Спорт билан шуғулланаверинг.

— Тўғри, жосуслик билан спортнинг фарқини ўз вақтида пайқадим. Омад сизга, Лобар опа, ғаламислардан эҳтиёт бўлинг.

Улар лифт бўсағасида хайрлашишди.

\* \* \*

Лобарнинг барча тахмини ҳақиқат либосини кия бошлади. Москвадаги меҳмонхонада нафас ростлаётгани изидан тушганларга аллақачон маълум эканига ймони комил эмасми, ўша куни Гришин казиносига қадам ранжида қилди. Қиморга муккасидан кетганлар, айниқса, маданий қимор оламига янги кирган бойваччалар

Гришинда кўпдан-кўп ўралашиб юришар, мафиянинг диққати ҳам шу казинода дегани эди.

Лобарга эски танишлардан ҳеч бири учрамади. У икки соатча ўйнагач, ўзини ҳадеб “Рояль казиноси” қаҳрамонига ўхшатадиган кимсадан кўнгли айниб, қимор тахтасини тарк этди.

Мақсад танишларни учратиш эмас, “Викинг”нинг таклиф қоғозини қўлга киритиш эди, албатта. Бироқ ҳеч бир зор эътибор бермади ҳисоб. Лобар мухташам қиморхоналарга хийла вақтдан буён қадам босмагани вазидан ўзини бутунлай бегона сезди, суст босди. Албатта, оддий бир аёл кезиб юрганига айримлар ҳайрон қолган бўлса ажабмас.

Казинодан иш чиқмади, демак, Новосибирскка — Мариново, ўн уч-ўн бирга боришига тўғри келади. Бу шундан далолат эдики, Россияда қимор мафияси мудраётганди. Мудраганда ҳам ўлимдан олдинги мудрашга ўхшарди.

Лекин бир оз янглиш хулосага тўхталган экан. Авиа-кассага кираверишда бир одам қўлида тутатилмаган сигарет тутиб, рўпарасидан келаверди. Диққат билан назар солганини Лобар илғашга улгурди.

— Кечирасиз, ёндиргич топиладими? — сўради у еб кўйгудек тикилиб.

— Чекмайман, — деди Лобар.

— Яна бир бор узр, — у нигоҳи-ла ташқарига имо қилиб, йўлида давом этди.

Лобар касса туйнуги олдида бирпас тургач, изига қайтди. Ҳалиги кимса — оқ шим, оқ кўйлак, қора кўзойнак — баҳузур сигарет чекмоқда эди. Лобарни кўриши билан енгил бир ишора қилиб, бекат томон юрди. Бекат ёнида:

— Яна қаёққача эргаштириб бормоқчисиз? — деб сўради Лобар.

Кимса газета сотиб оларкан, атрофга бир қур кўз ташлаб кўйди, сўнгра жилмайди.

— Хуш келибсиз.

— Бекатгами?

— Ха, навбатдаги бекатга, — оппоқ тишларини намойиш этди кимса. — Уйлайманки, бу сиз учун сўнгги бекат бўлмайди.

— Сизга ҳам, — деди Лобар.

Кимса газета саҳифалаб, туйқус суратга ишора қилди. Йўқ, у суратни эмас, газетага босиб ушлаб турган Фолкстон қартасини назарда тутган экан.

— Шомил ака юбордимми ё Летёха? — синчков қараб қўйди Лобар.

— Рухсат берсангиз, уларнинг исмини бир-бир айтгандан кўра юргини айтиб қўя қолай.

— Юртми? Майли, ихтиёрингиз.

— Бузоқлар мамлақати.

Иккиси бир-бирига мамнун нигоҳ ташлашди.

— Мен рози, — деди Лобар.

— Ўн сонияда такси шу ерда бўлади.

Лобар сариқ таксига пешвоз чиқди. Орқа эшикни очиб, сўзсиз ўтирди. Ярим соатча юрилгач, шоҳкўчадан тинч, кимсасиз кўчага бурилдилар. Янги қурилган баланд-баланд фиштин биноларнинг деразалари одам бўйи келар, бир-қарашда спорт-залларини эслаётиб юборарди. Баъзи биноларнинг кириш жойида ойнаванд қоровулхоналар кўзга ташланар, на пастки, на юқори қаватларида ҳаёт асари кўринар, йўл четларида тизилган хорижий русумдаги машиналар, бинога сўгал каби тошган кондиционерлар бу ерларда одамлар яшашини, ишлашини англатарди.

Таксичи қиморбоз аёлни етти қаватли иморатнинг учинчисига бошлаб келди ва эшикни оғир-оғир тақиллатди. Тирқишдан ёинки яширин камерадан қарашди шекилли, эшик очилиб, индамай йўл бўшатишди.

Аксига олиб, шу пайт телефон жиринглаб қолди. Лобар қизил тугмачани босишга ҳозирландию экранчадаги ёзувни кўриб, кўзларидан ўт чақнаб кетди. Қувон кўнғироқ қилаётган эди.

— Алё? — деди Лобар ва йўлакда гаплашиш учун изига қайтмоқчи эди, барзанги йўлини тўсди, эшик ёпилди.

— Қаердасиз? Сизга муҳим хабар бор, — Қувоннинг хаяжонли овози у ҳақдаги шум хаёлларни тутундай тарқатиб юборди.

- Ҳозир жуда ҳам бандман, бир оғиз гап билан айта қолинг.
- Бандлик ўшандагидайми?
- Ҳа, баттар.
- У ҳолда яхшилаб эшитинг, – деди Қувон шошиб,
- Понтий ўлибди. Қаргалардаги махфий ёзувни топиб берганидан аллакимлар хабардорга ўхшайди. Кейинги бекаат – сиз!
- Жуда таниш сўзлар. Бир оздан сўнг гаплашамиз...
- Эй, шошмасангиз-чи! Улардан олис юринг, вақт борида...

Қизил тугмача босилди.

Лобарни залдай хонага бошлаб киришганида, нариги бурчакдаги креслода ўтирган баланд бўйли, кавказликларга хос қирғийбурун, серсоқол киши ўрнидан турди.

– Салом, салом, – кучоқ очиб келаверди у. – Қимни кўраяпман? Наҳотки Лобар бизнинг кошонамизда? Тушимми, ўнгимми, деган жумлани тилимга олмаганимга қирқ йилдан ўшганди, бугун уйни бошимга кўтариб, баралла айта оламан!

Китобларда чайналавериб, сийқаси чиққан мазкур хитоблар Лобарнинг энсасини қотирди. “Мени кучоқлашга ҳаққинг йўқ”, деган каби уй эгасига ўқрайиб, таққа тўхтади.

– Танимасанг керак, ахир, биз майда одам бўлсак, – деди соҳиб меҳмонининг елкасидан авайлаб тутиб. – Ўйлайманки, саноқли дақиқадаёқ тил топишамиз. Чунки биз ҳамкасблармиз. Мен қиморни назарда тутаяпман.

Эшикни очган йигит унинг қулоғига шивирлади.

– Э, нималар деяпсан, Гахар? – Нотаниш мезбон хизматқорини юпатган бўлди. – Бизнинг дунёмиз тасодифларга тўла... Бунга қара, Лобар, уйимизга қадам қўйишинг билан сенга кимдир қўнғироқ қилганмиш, шуни айтиб, хавотирга тушаяпти. Кел, сазаси ўлмасин, суҳбатни шундан бошлаймиз. Телефонингни бер.

– Ўзингиз айтганингиздек, бу мутлақо тасодиф, – жилмайишга уринди Лобар. – Менга кўп қўнғироқ бўлади. Билсангиз керак, фазо кемам ҳам, қўриқлаб юрадиган

гвардиям ҳам йўқ. Қолаверса, қайси аҳмоқ жосус шу маҳалда қўнғироқ қилиб, мени шубҳа остига қўярди?

— Ишонаман. Барибир телефонингни беришинг керак.

— Марҳамат.

— Фақат битта кимса қўнғироқ қилган бўлишидан қўрқаман. Қани-қани...

Лобар телефонидан ҳеч бир исмни ўчирмаган, ҳеч қандай хавфсизлик ҳақида ўйламаган, мисли бир малика каби ташриф буюрган эди рус ўлкасига. Кавказлик тўдабошига телефонини узатаркан, деди:

— Менга ким ҳам қўнғироқ қилиши мумкин? Наҳотки, гапларим сизга етгунча ҳавонинг ўзидаёқ ёлғонга айланиб қолса?

Кошона соҳиби телефонни титкилаётиб, кўз остидан қараб қўйди.

— Бу ер Россия, — деб лаб бурди у. — Менга ҳам, сизга ҳам бегона. Икки бегона учинчи бегонанинг олдида рост гапирганини кўрмаганман. Фикримга қўшилсангиз керак? Одамни гап ўлдиради, қолган ҳаммаси ифлос воситалар, холос.

— Мақсадга ўтайлик, — гапни кесди Лобар.

— Аёлнинг дадиллигини севаман. Марҳамат, ўтир.

Лобар бахмал креслога омонат илинди.

— Демак, телефон қилган Қувон экан-да? — хона соҳиби соқол босган иягини қашиди. — У мен қўрққан нусха эмас.

— Кўриб турибсиз, — кўрс оҳангда жавоб қайтарди Лобар.

— Бу киноями?

— Кўриб турибсиз, деб телефонимдаги исмни назарда тутганим йўқ. Сиздан ҳеч нимани яширмай, қандай бўлсам, шундай келдим, телефонимдаги исмларни ҳам ўчириб ташламаганман, демоқчиман, Шомил ака.

— Шомил ака? Тавба, бу танимаган одамингга қиладиган мурожаатингми?

— Майнавозчиликни бас қилинг! Билишимча, сиз Шомил акаси, менинг собиқ турмуш ўртоғим. Анави эса Гажар, — Лобар барзангига им қоқди, — содиқ қулингиз... Бошқаларни ҳам айтиб берайми?

Тўдабоши лаб-лунжини йиғиштиролмаи илжайди, креслога ястланиб ўтириб олди.

— Қанақасига турмуш ўртоғингман? Шомил эканлигимни биринчи эшитишим. Ё мени жин урган, ё сени.

— Албатта, сизни! Нега собиқ эримнинг — ашаддий жиноятчининг исмини олиб, бемалол кезиб юрибсиз, шарпага ўхшаб? Нега ҳеч ким мушугингизни пишт демаяпти? “Викинг” ростдан ҳам мафиями ёки қандайдир хавфсизлик идораларининг ўйиними? Айтиб қўяй, ўйин бўлса, бу узоққа чўзилиб кетди. Мажруҳлар, қотилликлар, қорадори савдоси... Сизга мендан нима керак ўзи?

— Уйимга келган сенсан, шунинг учун саволни мен беришим керак.

— Ёмғирли кечаларнинг бирида уйқум қочиб, деразадан қарасам, устун каби узун бир кимса уйим орқасида турибди, бир оз ўтиб “смс” келди, очиб ўқисам, ташқарига чиқишим, акс ҳолда кейин уларни ўзим излаб топишим буюрилган. Мен у билан учрашолмадим. Бироқ тасодифни қарангки, худди шу пайт мени олис тоғ қишлоғидан бир аёл ҳам ахтариб келган экан. Аниқроғи, шаҳарга кундуз келган, манзилимни кеч бўлгунча ахтарган. Сўнгра ярим кечаси пайт пойлаб, мен билан учрашиш иложини қилган. Чунки унга қимор мафияси хавф солаётган эди. Панапастқамларда биқиниб юришга мажбур эди, бояқиш. Шунда ҳам барибир ўлдирилди. Шаҳар марказидаги меҳмонхонада эртасига илон чақди.

— Чўпон қулоғингга роса шипшибди-ку, минг лаънат! — деди хона соҳибни ҳамон зоҳирига тажанглик юқтирмай.

— Шомил бўлишни бас қилинг. Кимсиз ўзи? Нега одамларнинг тақдири билан ўйнашяпсиз? Бошидан айтиб қўяй, қаргаларингиз учди, улар қайтиб кафтингизга кўнмаса ҳам керак. Шу боис яхшилаб ўйланг. Ҳеч қандай найрангсиз, очикчасига гаплашиб олсак.

— Гажар! Қаргани келтир! — чапак чалди сохта Шомил асабий тўлғониб қўяркан. — Энди менинг гапимни эшит, ўлим билан ўйнашаётган экансан, охиригача ўйнаша қол. Умринг бугун бўлмаса, эртага аянчли якун топади.

Шу заҳотиёқ шотири қўлига бир даста қарта келтириб берди. Бу Фолкстон қарталари эди.

— Кафтимга қайтиб қўнмайдиганлар шуларми? Афсус, бир лаҳза ҳам ўтмади.

— Агар саволларимга жавоб бермасангиз, бу қарталарни шунчаки мақулатурага айлантириб қўяман.

— Жодугарликми ёки оддий фокус? — истеҳзоли кулди сохта Шомил. — Қани, шоуни кўрайлик-чи.

— Жодугар эмасман, фокусчи ҳам. Фақат бундаги иккиламчи махфий белгиларни ўзгартириб қўйганман. Рим эканлиги тўғри, аммо кўча ва уй рақами — “зеро”!

— “Терзо инкомодо”, қойил! Ҳақиқатан, зўр чиқдинг-ку, — бош чайқади тўдабоши. — Айтдим, нега ундан қиш маъноси борлигини. Очиғини айтсам, мен ёзнинг ўрталарида, деб эшитгандим. — Маъноли қаради у. — Кириб келган шу ёзда, айнан шу июнда. Балки асабийлашмаётганимга ҳайрон қолаётгандирсан? Бу Рассел Кроунинг шарофати. Унинг айрим ролларидан ўрганаман. Асабийлашиш ва шафқатсизлик билан зафар қозониш мумкин бўлганда, Гитлер нафақат Совет дийрини, Англия ва Американи ҳам забт этарди.

— Саволларимга жавоб берсангиз, ҳаммаси яхши бўлади, — деди Лобар мулойим товушда. — Ўша Гитлер яна бир неча ой яшаганида, атом бомбанинг тагида қоларди. Америка ҳақида эса ҳамиша ўйлаб гапиринг, ҳатто Россияда юрганингизда ҳам.

— Демак, манзилни бермоқчисан?

— Менга керак эмас Рим ҳам, Италия шоввозлари ҳам. Тўйганман. Аслида мақсадим — мени тинч қўйишларингизни сўраш. Битта сиз билан эмас, “Викинг” билан ҳам, Шомил ака билан ҳам орани очиқ қилмоқчиман. Уйимга одам юбормаслигини, мендан ёрдам сўраганларни қийратмаслигини сўрайман.

Сохта Шомил муштини иягига тираб, пишнаб нафас олди.

— Балки сен белгиларни нотўғри ўқигандирсан? Ахир, махфий белгилар инглиз қартабози томонидан қўйилган, унинг калити шайтондан ҳам сир тугилади.

— Қарта сирларини ўргатишаётганда, белгиларни ҳам унутишмаган. Қизиқиб кетганимдан игна усулидаги “Пиар-темп”ни ўйлаб топганман. Қарталарни ўша ёмғирли кечада келган аёлдан олиб, рости, билим-тажрибам иш бермади, тополмадим. Кейин бошқа бир киши ёрдамида аниқладим. Шу ўринда айтиб ўтай, ҳозиргина дўстим қўнғироқ қилганда, унинг ўлганини айтди.

— Понтийми?

— Мана, ҳамма гапдан хабардор экансиз, — деди Лобар.

— Алдармикан, деб кутдим, ростгўй экансан.

Сохта Шомил дераза ёнига борди. Бир муддат хаёлга толгач, Гажарга Лобарнинг телефонни тутқазиб, ўзиникини олди. Рақам териб, қулоғига тутди.

— Салом, яхшимисан? Каптарбозга нима бўлди?.. Шунақами? Худо раҳмат қилсин, бандалик. Яхши одам эди, бечора. — Телефон тугмасини босиб, ортига ўтирилди; мағрур “қора қарта соҳибаси” олдида кавказлик ожиз қолгани маълум эди. — Лобар, кел, сен айтганча бўла қолсин, — деди у, — мен розиман. Ҳаммасини очикчасига гаплашамиз. Шунча нарса кўриб, бекорга “муқаддаслар рўйхати”га кирмагансан.

— Қанақа муқаддаслар рўйхати? — Лобар пичинг гап тагида қандай ҳақиқат ётганига қизиқди.

— Уюшган жиноятчилар тармоғида ҳар замонда бирор кишига “танаффус” берилади. Банкдан кутилмаганда қатта пул олмаганмисан?

— Ҳисоб рақамимга тушган.

— Қачон?

— Икки минг саккизинчи йил, кузда.

— Юз минг доллармиди?

— Ундан сал кўпроқ, — деди Лобар.

— Сен вақтинча “музлатиб” қўйилгансан. Яъни бирор устаси фаранг қиморбоз ёки ўғри бир неча жинойи гуруҳ ўртасида талаш бўлса (одатда, талашув жуда кам учрайди), ўша одамга бир-икки йил ҳеч ким тегинмаслик ҳақида битим тузишади. Битим тугагач, ҳар бири яна ўз йўриғига



Ұйнатишга уринади ёки қизганиш оқибатидами, бошқа вайданми, ўлдириб-юборишади. Нега тирик юрганингга ҳайрон қолмадингми? Ахир, жиноят уммонидан қуруқ чиққанлар йўқ-ку, ахир!

— Тақдирим уларнинг қўлида экан-да?

— Ҳа, ҳозирча ёзилмаган қонун ҳимоясидасан, аммо ҳаётинг барибир қил устида.

Лобар фикрини у ёқ-бу ёққа юраркан, тошиб келган газабини тиёлмай:

— Ҳаммаларингга минг лаънат! — деб қичқириб юборди.

— Қаргалардаги манзилни тезроқ айт, — уф торти кавказлик, — уйни бошингга кўтаришингдан нима наф? Тушуниб ётдингки, мен сени ҳозир ўлдиролмайман, қийноққа ҳам сололмайман. “Муқаддаслар рўйхати”даги шахсни ўлдириш ўз-ўзини ўлдириш демакдир.

— Охирги умидингиз нариги дунёга кетди, фақат мен қолдим, шундайми?

— Шундай, шундай. Бироқ Понтий биринчи эмас. Аввало белгилар муаллифи, ундан хабардор яна иккитаси — ҳаммаси асфалософилингга равога бўлди. Тақдирнинг ҳазилини қара, муҳим сирни билганларнигина ажал танлаб олди: автоҳалокат, юрак хуружи, қарилик...

— Понтий эслаб қолмаганди, нима, ўлдирдингларми?

— Албатта, йўқ. Лекин у ер тагида илон қимирласа, биларди.

Лобар ноилож ўзини креслога ташлади. Гахар Лобарнинг телефонидаги рақамларни кўчираётгани учун қаҳвани “таксичи” келтирди.

Кейин телефонни ойнаванд стол устига қўйиб, эшикни ёпишди-да, иккисини холи қолдиришди.

— Бир куни, — деди кавказлик Лобарнинг телефонига разм солиб, — рўпарамда ўтирган ҳамсуҳбатим телефонда гаплашдию, негадир чўнтагига солмасдан, стол устига қўйди. Ҳеч ким билан гаплашмаган, шунчаки микрофонини қўшиш учун найраг қилган экан, аблаҳ. Исмин Ноя. Эшитсанг, куласан — отам менга Ноябрь деб от қўйган.

Пешонамга тамга босган сиёсий партияни, гояларини, тарғиботларини туғилганимдан бери бежиз ёмон кўрмайман! Кейин исмимни алмаштирдим. Бу собиқ эрингнинг қиёфадoshi бўлишга интилиш эмас, юз эллик йил бурун яшаган қаҳрамонимиз бор, ўшанга ҳавас. Бироқ вақт ўтиб, кўпчилик мени эринг билан адаштира бошлади. Адашсанглар адашинглар дедиму, сўраганларга, “Ҳа, ўшаман”, деб жавоб қайтаравердим.

– Кейин ўша бўлишга киришдингиз, – сўлғин овозда деди Лобар.

– Бу буйруқ эди.

– “Викинг” мафиясинингми?

– Уларни мафия деёлмайман, – оғир бош чайқади Ноя, – сен гумон қилган хавфсизлик идорасининг автономияси ҳам эмас. Шомил қиморга қарши курашди. “Викинг” эса бора-бора қимор ўйинларини бошқариш, унинг орқасидан нафақат даромад топиш, балки айрим мансабдорларни кўғирчоққа айлантиришни мақсад қилиб олди. Шомил деса кўпчиликнинг капалаги учинини билсанг керак. У ўзгаргани ҳақида афсоналар тарқатиш менинг зиммамга тушди. Собиқ эринг буни тўғри тушунади. Негаки у “Яшасин, қимор! Ўлсин қимор!” шиорини дастак қилганини билмайманми?

– Ноя Шомил қиёфасига кирибди, яна бири Қувонга айланиб изимдан болапақирни жўнатган. Бу ўйинлар турган-битгани телбалик-ку! “Муқаддас” эканман, нега олов билан ўйнашасиз?

– Айтгандай, “номер”ингга борган йигитни ўлдириб юборишимизни илтимос қилишди, мен эса рад этдим. Чунки шу ердасан, бошқа нима керак? Қолаверса, Акбар ақлли бола, сени Москвадан ахтариб топди.

– Ақлларни ҳурмат қилишингизни биламан, – Лобар қайтадан хуруж қилган ғазабдан бўғриқди. – Қотилликларни ҳам “ақл” билан амалга оширасиз. Ора-ни очик қилишимиз учун Иқроор аканинг хотини уйи орқасида ниҳоятда сирли равишда ўлиши ва Омонгул опани меҳмонхонада илон чақинини тушунтириб беринг.

— Бир томчи сиёҳ томиздим, шу заҳоти сувга ёйилиб кетди.

— Тушунарли.

— Лекин Иқрорнинг хотини ўлдирилмаган, юраги ёрилиб ўлган. Опаси эса ўз тақдирини тест орқали белгилади. Баъзи хотинлар донолик қиламан, деб ўз ҳаётини тестга тикиб юборишади.

— Илонбоз ким эди?

— Менимча, кимлигининг аҳамияти қолмади. Бошқа ҳеч нарса демайман. Энди манзилни бер.

— Витторио Венето, бир юз ўттиз олти, — деди Лобар.

Шу пайт эшик очилиб, Гахар кириб келди ва тўппонча оғзини Лобарга қаратди. Сезде: ажал яқин, жуда ҳам яқин. “Наҳотки, буларнинг ҳаммаси мудҳиш томоша эди” — хаёлидан лип этиб ўтди. Бурилиб қаради... Йўқ, қарашга уягуролмади. Овоз тиндиргичли тўппончадан ўқ узилди. Лобар заифгина оҳ чекиб, креслодан думалаб тушди. Энди у Ноянинг оёқлари остида чўзилиб ётарди.

— Римга қўнғироқ қил, — деди Ноя Гахарга. — Манзилни лоторея сайти орқали олсин. Умуман, олганда бу манзил бизга ростдан ҳам лотореяга чиқди.

Учаласи бинони тарк этишди. Ноя театрдан ўғирланган соқолни машина юкхонасига ташлар экан, учинчи қават деразасига тикилди. Бу уйда отиб ташланган аёл борлигидан тезроқ хабар топишмаса, Лобар ўлимга юз тутиши мумкин эди.

#### IV китоб тугади

## МУНДАРИЖА

### VIII қисм

Арвоҳлар базмидаги аёл .....5

### IX қисм

Қирол Густав ва паранжи ёпинган қассоблар .....96

### X қисм

Арвоҳ йиғлаган никоҳ кечаси .....189

*Адабий-бадиий нашр*

**Азамат ҚОРЖОВОВ**

# **ҚИЛ УСТИДАГИ ТАҚДИР**

**IV китоб**

*Қисса*

Муҳаррир:	О.Қанаев
Тех.муҳаррир:	Г.Курбанбаева
Бад. муҳаррир:	Р.Ташматов
Саҳифаловчи:	Н.Қодирова
Рассом:	Д.Эшматов

осишга берилди 18.10.2016. Қоғоз бичими 60x84 1/16  
pes "New Roman" гарнитураси. Шартли босма табоғи  
75. Нашр босма табоғи 23,0 Адади 4000 Буюртма №40

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
Нашриёт лицензияси: АІ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧҚ босмаҳонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.